“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

ИСЛОМ КАРИМОВ – ЯНГИ ДАВР ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ АСОСЧИСИ

мавзусида республика илмий-назарий конференциясининг

МАТЕРИАЛЛАРИ
2018 йил, 26 январь

ТОШКЕНТ – 2018

Ислом Каримов – янги давр ўзбек давлатчилигининг асосчиси илмий-назарий конференцияси материаллари тўплами (2018 йил 26 январь). – Т.: ТТЙМИ, 2018. – 424 б.

Масъул муҳаррирлар:

ф.ф.д., профессор Раматов Ж.С.
т.ф.н., доцент Баратов Д.Ҳ.

Таҳрир ҳайъат аъзолари:

с.ф.н., доцент Маткаримова Ж.Д.
т.ф.н., доцент Зоҳидова С.А.
ф.ф.н., доцент Юнусова Н.Ш.
кат.ўқит. Назарова Н.Ж.
ўқит. Рахматов Д.Н.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2744-сонли қарори ҳамда 2017 йил 25 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-3404-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент темир йўл муҳандислари институтида 2018 йил 26 январь куни “Ислом Каримов – янги давр ўзбек давлатчилигининг асосчиси” мавзусидаги илмий-назарий конференцияси ўтказилди. Конференция материаллари тўпламига талабалар, магистрлар, илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишлари киритилган.

Ушбу илмий-назарий конференциянинг асосий мақсади халқимиз ўзининг қисқа муддат – 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини айнан Президент Ислом Каримов номи билан боғлиқлигини, бу улуғ инсоннинг беқиёс хизматлари, мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий ўзгаришлар, баркамол авлодни тарбиялаш концепциясига оид ғоялари, ёндашувлари ва илмий концепцияларини фикр алмашиш, мушоҳада юритиш, илмий-амалий таклиф ва тавсиялар берилиб, таҳлил этилади.

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда берилган фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

© Тошкент темир йўл муҳандислари институти, 2018

СЎЗ БОШИ

Расулов М.Х.
Тошкент темир йўл муҳандислари институти ректори
техника фанлари номзоди, доцент

Ҳар бир давлат тарихида шундай бурилиш даврлари кузатиладики, унда ўша халқнинг келажакдаги эркин ва фаровон ҳаёт кечириши, жамият тараққиётининг турли соҳалари ривожи шу халқ йўлбошчисининг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлади. Мустақиллигининг илк даврларида ўз миллий давлатчилигини тиклаб, мустақил ривожланиш йўлига чиққан мамлакатимизга ҳам шундай йўлбошчининг келишини ўша давр эҳтиёжи сифатида англаш мумкин. Сабаби, жамиятдаги чуқур илдиз отган муаммоларни зукколик билан англайдиган ва давр талабларига воқеалар ривожини олдиндан кўриб қарор қабул қила оладиган йўлбошчилар етакчилигидаги халқларгина кўзлаган мақсадларига етиши мумкинлиги тарихдан маълум.

Собиқ Иттифоқ парчаланиши арафасида давлат раҳбари сифатида иш бошлаган мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримовга таъриф берганда ўша даврдаги мураккаб, қалтис вазиятни тўғри баҳолаб, аввало, сиёсий мустақилликка эришиш, ундан сўнг эса Ўзбекистонни тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшиш, халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш каби мақсадларни ўз олдига қўйган йўлбошчи сифатидаги шахс намоён бўлади.

Ўзбекистон бугунги кунда мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг мураккаб масалаларини ҳал этишга қодир давлатга айланиб улгурди. Мустақил Ўзбекистон ўз халқи танлаб олган йўл – очиқ, эркин бозор муносабатларига асосланган одил жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олға бормоқда. Мамлакатнинг олиб бораётган инсонпарвар сиёсати натижасида халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганини жаҳон афкор оммаси эътироф этаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Мазкур ислоҳотларнинг бошида биринчи Президентимизнинг узоқни кўзлаб, пухта ўйлаб олиб борилган ички ва ташқи сиёсати сабаб дейишимизга тўла асослар бор.

Бугунги давр, Ислом Каримов бошчилигида озодликка эришган халқимизнинг миллий салоҳиятини янада юксак чўққиларга кўтариш, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ўрни ва нуфузига эга бўлиш, жамиятнинг турли соҳаларида улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш давридир. Шундай экан биз зиёлилардан ислоҳотларга бефарқ бўлмаслик, талаба-ёшларни ватанпарвар, фидоий, ўзининг мустаҳкам фуқаролик позициясига эга, жамиятдаги ислоҳотларга дахлдор шахс сифатида тарбиялаш, ёрқин келажакка ишонч ҳамда ўз соҳамизда фаол бўлишимизни тақозо этади.

ИСЛОМ КАРИМОВ ФАОЛИЯТИДА МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Раматов Ж.С.-ТТЙМИ ф.ф.д., профессор

Маънавият – инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларнинг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдирганлар: “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган, беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”.

Ислом Каримов республика раҳбари лавозимига келган даврда жамият ҳаётининг барча соҳаларида, яъни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда жуда кўп муаммолар тўпланиб қолган ва олдинги раҳбарият муаммоларни ҳал қилишга ожиз эди.

1994 йили 22 сентябрда парламент минбаридан яқин тарихимизда бошимиздан кечирган воқеалар, яъни, миллатимизнинг қадр-қиммати, шаъни ва номуси поймол қилингани, кўхна тарихимиз ва муқаддас қадриятларимиз топталгани ҳақида куйидаги дардли-изтиробли фикрлар билдирилган ва баъзи бир гоят қийин, аммо табиий саволлар ўртага ташланган эди:

«-Ўзингиз ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум, мустамлакачилик даврида биз ким эдик?

— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

— Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом!..» деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?

— Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур Мирзо ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларда қоришиб ётган эди?

— Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

— Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуғ аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган элнинг фарзандлари эканимизни англармидик?

— Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров биз билан ҳисоблашармиди?

— Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

— Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?»

Дарҳақиқат, яқин тарихда халқимиз ўз бошидан кечирган бундай азоб-уқубатларни, тақдиримиз жар ёқасида турган машъум кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўхна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш лозим.

Энг катта фожеа – маънавиятимиз, урф-одат ва қадриятларимиз топталган, бадном қилинганди. Собиқ Марказнинг асосий мақсади тилимиз, динимиз, тарихимиз, маданиятимизга тажовуз қилиб, уларни йўқ қилиш орқали ягона “совет халқи”, “совет маданияти” ва хоказоларни шакллантириш эди. Рус тили ҳукмрон тил. Барча ташкилот, муассаса, идораларда иш юритиш фақат рус тилида. Ўша пайтларда олий ўқув юртларида

жуда бир ғалати, ғайритабиий манзарани кўриш мумкин эди. Аудиторияда машғулот олиб бораётган ўқитувчи - ўзбек, тинглаётган талабалар ҳам ўзбек миллатига мансуб, лекин машғулот рус тилида.

Тарихимизга муносабат. Ўзбекистон ССР тарихи фани бор-йўғи 25 соат бўлиб, синов билан якунланарди. СССР тарихи, КПСС тарихи фанлари 2 томлик дарсликлар бўлиб, 1-ва 2-курсларда ўқитиларди.

Коммунистик мафкуранинг кучини ҳатто янги туғилган чақалоқларга исм беришда ҳам яққол кўриш мумкин. Эътибор беринг-а, Коммуна, Вилен, Вилор, Владлен, Мэлс, Маркс, Ленинза, Тельман, Ким ва ҳоказо.

Чет элларда Ўзбекистон деган республика борлигини билишмас ҳам эди. Собиқ тузум даврида чет элга борган ўзбек сайёҳидан "Қаердансиз?", деган саволига "Ўзбекистонданман" деб жавоб берса, хорижликлар "Покистонми, Афғонистонми?" деб қайта сўрашса, "Йўқ, Совет Иттифоқи, Москва" дейишса, "Ҳа, тушунарли, рашн, рашн" дейишарди.

Хуллас, бу даврда Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўта оғир вазият ҳукмрон бўлиб, уни бартараф этишга мустабид тузум ожиз эди. Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти мавжуд ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг тўғри ва оқилона ечимини топиш йўлида барча куч ва имкониятларини сафарбар этди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ маънавият, ёшлар тарбияси, баркамол авлод, комил инсонни шакллантириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қилиб белгиланди. Чунки ҳар қандай давлатнинг, ҳар қандай жамиятнинг келажаги, унинг тараққиёти, жаҳонда ўз ўрнига эга бўлиши масалалари унинг ёшларининг билими, салоҳияти, дунёқараши, маънавиятига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида комил инсон тарбиясига кенг тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлайди: "Ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак".[1]

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маънавиятнинг моҳияти ва амалий аҳамияти, айниқса, жамият тараққиётининг бурилиш даврларида яққол кўзга ташланади. Давлатнинг кучи ва қудратини маънавий жиҳатдан баркамол бўлган кишиларгина белгилайди. Маънавиятга эътибор бермаган мамлакатда катта иқтисодий, ижтимоий, сиёсий бўҳронлар содир бўлади. Жамият ҳаётидаги барча бўҳронларнинг томири ҳам кишиларнинг маънавий камолоти даражаси ва ҳолатига бориб тақалади. Халқи маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган ва у оқилона бошқарилмаган мамлакат, табиий бойликлари беҳисоб бўлса ҳам, ҳеч қачон буюк давлат бўла олмайди. Бу фикрлар тўғрилиги инсоният жамияти тараққиётининг ҳар қадамида тўла исботланади. Шу сабабли ҳам ҳозирги кунда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олган ёш давлатлар жамият аъзоларининг маънавий камолоти масаласига биринчи даражали аҳамият бериб келмоқдалар.

Ўз тақдири ва келажаги учун қайғурувчи ҳар қандай жамият, ҳар қандай мамлакат ёшларга муносабат масаласида уларнинг ҳаётини маънавий бой, сермазмун қилиш, ҳар томонлама етук, баркамол инсон бўлиб етишишидан манфаатдордир. Шунинг учун ёшларнинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал қобилиятларини намоён қила олишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Ёшларимизнинг сиёсий онгли, маънавий баркамол, шарқона одоб-ахлоқли, фаол, маъсулиятли, она-Ватанга садоқатли бўлиб етишиши жамият, давлат тақдири учун ғоят муҳимдир.

[1] И.А. Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008, 61-62-бетлар

ИСЛАМ КАРИМОВ И УЗБЕКСКОЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЧУДО

Гуламов А.А.- Проректор по работе с академическими лицеями и профессиональными колледжами ТашИИТ
Мерганов А.М.- Начальник отдела научных исследований и подготовки научно-педагогических кадров ТашИИТ

За годы независимости ВВП страны утроился, доходы населения выросли в девять раз. В чем секрет достижения таких высот? На чем все основывается? В начале 90-х Первый Президент независимого Узбекистана Ислам Каримов опубликовал книгу под названием «Узбекистан – собственная модель перехода на рыночные отношения», где основными принципами были выдвинуты: деидеологизация экономики; государство как главный реформатор; верховенство закона; сильная социальная политика; поэтапный переход к рынку.

Несмотря на то, что в республике выращивалось около две трети хлопка, она оставалась дотационной, на пример в 1991 году субсидии из общесоюзного бюджета составила 19,5% ВВП Узбекской ССР. Первые годы независимости были трудные, в период 1991-1995 года ВВП страны упала почти на треть. Однако уже к 2005 году уровень ВВП превысил уровень 1991 года на почти 40%.

По данным Всемирного Банка, в период 1996-2016 годы ВВП на душу населения в Узбекистане вырос с $1634 до $6514 [3]. Средний ВРП на душу населения вырос в 3,3 раза, при том что само население выросло в 1,5 раза, что сам по себе свидетельствует об успехе проводимых реформ. Примечательно, что кризис 2008-2009 гг. практически не затронул Узбекистан. В то время как в Прибалтике производство упало на 15–20%, в Армении, Венгрии, Молдове, России, Словении, на Украине – на 8–15%, в Узбекистане темпы роста едва снизились – с 9% в 2008 году до 8% в 2009 году. Да, значительную роль в экономическом успехе сыграли благоприятные условия торговли – цены на газ, хлопок, золото – важные, но все-таки не основные статьи узбекского экспорта, в 2002–2010 гг. выросли в 4 раза. Но ведь Российская Федерация да и многие другие нефтеэкспортеры не смогли «превратить» благоприятную внешнюю конъюнктуру в быстрые темпы роста. А Узбекистан не является крупным экспортером топлива и энергии (а в советское время был нетто-импортером), хотя и добился за годы независимости энергетической самообеспеченности и стал чистым экспортером энергоресурсов.

Огромной проблемой для страны можно отметить тот факт, что страна не только не имеет выхода к морю, но и граничит со странами, которые не имеют выхода к морю «Double locked countries».

Еще в 1998 г. Дж. Зеттелмейер в статье, озаглавленной «Загадка узбекского роста» удивлялся, как это нелиберализованный Узбекистан сумел избежать глубокого трансформационного спада. Он заключил, что «Узбекистан наверняка добился бы еще большего при более благоприятных условиях для создания частных предприятий, стимулах для частного производства и сбыта, особенно в хлопководстве» [1].

За четверть века Узбекистану удалось перестроить национальную экономику: появилась новая отрасль промышленности - автомобилестроение, развивается текстильная промышленность - республика стала экспортировать не только хлопок, но и текстиль. Развивается и частное предпринимательство: сегодня в Узбекистане работает более 215 тысяч предприятий малого бизнеса, на долю которых приходится от 27,8% до 98,4% объема в различных отраслях народного хозяйства [2]. Для сравнения еще 15 лет тому назад на долю сельского хозяйства приходилось лишь 73 %, доля частного бизнеса в перевозке пассажиров увеличилась с 30% до 87,3%, транспортировке грузов с 6,7% до 53,7, строительстве с 38,4% до 66,7%, в промышленности с 12,9% до 66,7%. Также увеличилась роль малого бизнеса и в экспорте - если в 2000 году на долю малого бизнеса приходилось всего 10,2% экспорта, то сегодня - 27,8%. При этом более 80% рабочих мест в стране создает негосударственный сектор.

Самое главное, на наш взгляд, это то, что наша страна всего лишь за 20 лет в корне поменяла структуру экономики, избавилась от монокультурной зависимости, добились продовольственной и энергетической самообеспеченности и диверсифицировали экономику в сторону промышленности, машиностроения и химии. Фактически достигнута первоначальная задача диверсификации экономики, а созданные предпосылки дальнейшего развития экономики страны непременно должны стать конкурентоспособными не только на национальном, но и на мировом рынке.

По любым стандартным барометрам экономического поведения, равно как и по сравнению с другими странами с низкими доходами, Узбекистан преуспел за последние два слишним десятилетия переходного периода, хотя его достижения для многих ортодоксальных экономистов остаются загадкой.

Литература

1. Zettelmeyer, Jeronim (1998). The Uzbek Growth Puzzle. IMF Working paper 98/1330
2. Новостное агентство Sputnik. Статья «Узбекское чудо, или не малая роль малого бизнеса» http://ru.sputniknews-uz.com/economy/20161024/3964646/Uzbekistan-ekonomika-biznes.html
3. Официальный сайт Всемирного Банка https://data.worldbank.org/
4. Ислом Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент: “O’zbekiston” НМИУ, 2015. 304б.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Гулямов С.С. - академик, д.э.н., проф., Центр повышения и переподготовки кадров Узкомстата

Шермухамедов А.Т.-д.ф.-м.н., проф.

Мамаева М.Э.- ст. преподаватель Ташкентский филиал РЭУ им. Г.В. Плеханова

Республика Узбекистан является государством, на территории которого еще с древних времен началось развитие науки и культуры. С приобретением Республикой Узбекистан статуса независимости, все сферы нашей жизни стали претерпевать глубокие изменения.

Эти изменения потребовали адекватной перестройки всей системы образования, изменение целей, задач, содержания деятельности образовательных учреждений и органов управления ими. У истоков национального и духовного развития личности стоит школа.

В своей книге «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса» первый Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов пишет, что «…конечной целью должно стать построение сильного демократического правового государства и гражданского общества, с устойчивой рыночной экономикой, открытой внешней политикой. Только такое общество может гарантировать достойную жизнь народа Узбекистана, его права и свободу, обеспечить возрождение национальных традиций культуры, духовно-нравственное развитие человека как личности [1].

Кабинетом Министров Республики Узбекистан были приняты Постановления «О праздновании 1000-летия Хорезмской Академии Маъмуна» от 9 ноября 2004 г. за №532 и «Об усовершенствовании деятельности Хорезмской Академии Маъмуна и дополнительных мерах по празднованию его 1000-летнего юбилея» от 1 ноября 2005г. за № 240.

Таким образом, Хорезмская Академия Маъмуна была возрождена в виде соответствующего Регионального отделения АН Республики Узбекистан . Академия наук Республики Узбекистан совместно с Министерством иностранных дел и Национальной комиссией Республики Узбекистан по делам ЮНЕСКО в период с 20 сентября по 12 октября 2006 г. организовали в Штаб-квартире ЮНЕСКО (г. Париж) выставку и провели научную конференцию, посвящённую 1000-летию Хорезмской Академии Маъмуна. Ряд

посольств зарубежных стран в Узбекистане, при участии учёных АН Республики Узбекистан провели мероприятия, посвященные деятельности Хорезмской Академии Маъмуна, такие конференции были также проведены Научно-исследовательским Центром Файсал Шаха Саудовской Аравии совместно с Корейским Университетом Кёнгхи.

Особое значение для активизации деятельности Академии наук имело Постановление первого Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова от 07.08.2006 г. "О мерах по совершенствованию координации и управления развитием науки и технологии" и образования Комитета по координации развития науки и технологии при Кабинете Министров Республики Узбекистан. Академия наук Республики Узбекистан уделяет большое внимание фундаментальным, прикладным и инновационным исследованиям, проводимым научно-исследовательскими учреждениями в условиях перехода к рыночной экономике. В настоящее время определяются и реализуются новые пути использования практически важных научных результатов, широкого внедрения наукоемкой продукции и услуг научно-исследовательских учреждений, совершенствуется механизм деятельности научных подразделений Академии наук Республики Узбекистан .
В связи с тем, что концепция человеческого развития неразрывно связана с возможностью людей получать знания и использовать их в дальнейшем для повышения собственного благополучия, индекс образования является одним из составных компонентов индекса человеческого развития.

Индекс достигнутого уровня образования в Узбекистане в 2004 году составил 0,91. В то же время индекс грамотности составил 0.992 в 2004 году, тогда как среднемировое значение равно 0,77. По сравнению с большинством развивающихся стран уровень образования в Узбекистане можно считать весьма высоким. В стране достигнута поголовная грамотность и гарантировано всеобщее и бесплатное школьное образование, показатели, характеризующие охват образованием и расходы на образование в стране, вполне сопоставимы с аналогичными показателями развитых стран. Высокие значения показателей, характеризующих охват образованием и уровень грамотности объясняются тем, что сегодня в Республике Узбекистан обеспечивается доступ к бесплатному начальному и базовому среднему образованию.

В связи с тем, что количественные индексы образования являются высокими, в настоящее время необходимо сконцентрировать усилия на повышении качества преподавания и успеваемости учащихся на уровне начального и базового среднего образования, особенно в сельских районах. Особую важность для Республики Узбекистан представляет необходимость развития среднего профессионального образования. Подтверждением тому служит тот факт, что риск малообеспеченности выше для домохозяйств, в которых глава имеет образование ниже среднего специального профессионального образования.

Такая ситуация в особенности характерна для сельской местности, где наличие среднего профессионального образования дает сельским жителям возможность получить работу и соответствующие доходы. Именно поэтому одним из приоритетов среднесрочной стратегии развития страны на сегодняшний день является обеспечение полностью доступной и качественной системы среднего профессионального образования.

Уровень приема в вузы для высшего квинтиля населения составляет около 13%, по сравнению с 1,7% для низшего квинтиля. Связано это с тем, что более обеспеченные семьи могут лучше подготовить детей к поступлению в высшие образовательные учреждения, воспользовавшись услугами репетиторов. При этом, несмотря на то, что коэффициенты зачисления в высшие образовательные учреждения являются относительно высокими, на сегодняшний день 30% выпускников высших образовательных учреждений не работают по специальности.

В связи с этим стратегическим приоритетом в области высшего образования на сегодняшний день является реформирование учебной программы и методов обучения в целях ориентации высшего образования на потребности рынка труда. За прошедшие годы

переходного периода в Республике Узбекистан были предприняты многие меры по реформированию образования. Цель состояла в том, чтобы поднять качество обучения для удовлетворения потребностей быстро растущего молодого поколения и переориентации его в соответствии с требованиями рыночной экономики. Были достигнуты многие положительные результаты:

- в секторе дошкольного образования создана сеть надомных детских садов и комплексов "детский сад - школа", а также более 800 групп, в которых дети занимаются искусством, музыкой, иностранными языками и основами компьютерной грамотности;
- созданы учебные заведения нового типа: 240 лицеев и 136 гимназий. К тому же, с 1991 года число специализированных школ возросло на 6%, а число высших учебных заведений - на 30%;
- начата реорганизация средних специальных учебных заведений, предоставляющих профессиональное обучение и обучение взрослого населения в сфере бизнеса, банковского дела, налогообложения, проведения ревизий и управления таможнями, а также специальные курсы для фермеров;
- программы были пересмотрены, чтобы переориентировать учеников на рыночный подход к экономике, а также развивать в них независимый и предпринимательский образ мышления. Курсы по истории, географии и литературе были переписаны;
- дети в начальной школе обучаются на узбекском языке с использованием латинской графики.

Любая страна, в которой отстает область образования, будет отставать и в развитии будущих поколений и поэтому Правительство Республики Узбекистан, под руководством И.А. Каримова приступило ещё в 1997 году ко второй стадии реформ в сфере образования. При создании учебных программ была введена частичная децентрализация в принятии решений. В настоящее время школа может выбрать ту программу, которая наиболее полно отвечает ее потребностям и типу преподавания.

Необходимо отметить значение Закона Республики Узбекистан «Об образовании» и Закон Республики Узбекистан «О Национальной программе по подготовке кадров», у истоков которых стоял И.А. Каримов Система образования охватывает дошкольное обучение, начальное и общее, после чего следует обязательное среднее специальное и профессиональное обучение [3].

Следующими ступенями образования могут быть высшее образование и получение ученой степени. В дополнение к этому в настоящее время осуществляется программа предоставления непрерывного обучения взрослому населению в зависимости от профессиональных потребностей. Образовательная система страны начал реагировать на перемены, в части высшего образования, в соответствие с новыми требованиями рынка труда.

Модернизации системы высшего образования Республики Узбекистан необходима для адаптации ее к экономике страны, эксперты Группы Всемирного банка провели с ключевыми заинтересованными лицами в стране работу по анализу затруднений и разработке рекомендаций и мероприятий, направленных на преодоление имеющихся препятствий. Группой были представлены рекомендации касательно разработки среднесрочной стратегии развития высшего образования в стране. Ключевым элементом данной стратегии будет расширение доступа к образованию для всех жителей страны и усиление самостоятельности отдельных университетов в вопросе набора студентов с учетом потребностей рынка труда. Республика Узбекистан направляет около 8% своего ВВП на образование. Реформы, проводимые в образовательном секторе, позволили стране улучшить доступ к высшему образованию жителей страны, а, реформы финансирования обеспечит страну обученным и образованным населением, использующим в работе навыки, обретенные в университете.

В высших учебных заведениях в зарубежных странах обучаются много молодежи из Узбекистана, например, по количеству учащихся в высших учебных заведениях РФ,

Республика Узбекистан занимает первое место среди всех государств СНГ и взаимодействие в области образования является динамично развивающим.

Узбекистан во главе с Первым Президентом И.А. Каримовым отлично осознавало, что надежды на будущее связаны с молодым поколением, поэтому народу и обществу главой государства была предложена программа, кардинально реформирующая всю систему образования.

В полном соответствии с Национальной программой по подготовке кадров образование в стране реализуется в следующих видах: дошкольное, общее среднее, среднее специальное, профессиональное образование, высшее, послевузовское образование, повышение квалификации и переподготовка кадров, внешкольное образование.

Литература

1. Каримов И.А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса.- Ташкент: Шарк, 1998.
2. Закон Республики Узбекистан «Об образовании» // Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. - Ташкент: Шарк, 1997.
3. Закон Республики Узбекистан «О Национальной программе по подготовке кадров». - Ташкент: Шарк, 1997.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПРАГМАТИЗМ ФАЛСАФАСИ

Мамадалиев Ш.О.-ИИВ Академияси ф.ф.д., профессор

Ҳозирда публицистик ва илмий адабиётларда Ислом Каримовнинг кўпқиррали ва сермазмун сиёсий фаолияти – “мустақиллик асосчиси”, “буюк давлат ва ситёсат арбоби, “ўзбек модели” миллий тараққиёти йўли муаллифи”, “стратегик дунёвий тафаккур соҳиби” – деган тушунчалар билан ифода этилмоқда. Ушбу буюк сўзлар қаторига “Ислом Каримов – прагматик файласуф” деган тушунчани киритиш ҳам тарихий адолат бўлади.

Ушбу сўзларнинг ортида Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ҳалқи манфаатлари йўлида амалга оширган жасорати, фидойилиги, садоқати, раҳбарлик саънати ва машаққатли меҳнати ётибди.

Ўзбек ҳалқининг “Яхшидан – боғ, ёмондан – доғ қолар” – деган хикматидан келиб чиқиб, айтиш жоизки Ислом Каримов Ўзбекистон ҳалқига мустақил, демократик тараққиёт йўлига чиқиб олган Ўзбекистон давлатини, мустақилликни мустаҳкамлашга, ҳалқ фаравонлиги ва тинчлигини таъминлашга хизмат қиладиган 25-жилддан иборат асарларини маънавий мерос сифатида қолдириб, ўзига муносиб буюк хайкал яратди.

Биз – ушбу меросни кўз қорачиғидек асраш, уни ривожлантиришга масъул ва келажак олдида жавобгар авлодмиз.

Ушбу масъулият Ўзбекистон зиёлилари, айниқса ижтимоий-гуманитар фанлар олимлари олдига иккита муҳим вазифани қўяди.

Биринчи вазифа, Ислом Каримовнинг маънавий меросини (асарларини) ёшларимиз онгига чуқур сингдириш;

Чунки, ушбу асарларни ўрганиш орқали ёшлар Ўзбекистонинг энг янги тарихини англайди, мустақиллик учун, ҳалқ манфаатлари йўлида курашиб яшашга ўрганади, ватанпарварлик, садоқат, ҳалоллик, адолат каби фазилатлар инсонни комилликка етаклашини тушуниб етади.

Дарҳақиқат, Ислом Каримовни оддий инсондан, комил инсон даражасига кўтарган, кичик раҳбардан буюк давлат ва сиёсат арбобига айлантирган нарса – бу унинг инсонпарварлик, ҳалқпарварлик, ватанпарварлик, адолатпарварлик фазилатлари бўлган. Ислом Каримов умрининг сўнги дақиқаларигача ушбу фазилатларга содиқ қолган. Хитой раҳбари Си Цзиньпин жаноблари таъкидлаганидек, комил инсондир.

Шу манода, Ислом Каримов таълимоти ёшлар учун тарбия ва ибрат мактаби, бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи вазифа, Ислом Каримов таълимоти ўзгармас “догма” эмас. Аксинча, ушбу таълимот ҳаракат учун, ривожланиш учун қўлланмадир. Файласуфлар тили билан айтганда, ҳаракат фалсафаси, ҳаёт фалсафаси, яъни прагматик фалсафадир.

Бугунги дунёда кечаётган зиддиятли жараёнлар, бешафқат рақобат, қуролли тўқнашувлар мантиғи – бутун дунёда прагматизм фалсафасини жумладан, Ислом Каримовнинг прагматик таълимотини ўрганишни объектив заруриятга айлантирмоқда.

Ушбу зарурият қуйидаги омиллар билан асосланади:

Биринчидан, Агар XX асрда дунёда мафкуралар тўқнашуви содир бўлган бўлса (фашизм, коммунизм, либерализм, романтизм каби), XXI асрда айрим сиёсатчилар, жумладан Самюэль Хантингтон таъкидлаганидек, цивилизациялар тўқнашуви эмас, дунё давлатларининг геосиёсий манфаатлари тўқнашяпти, ҳар бир давлат ўз манфаатларига устуворлик бериб ички ва ташқи сиёсат юргузмоқда.

Иккинчидан, дунё давлатлари ўртасидаги зиддиятларни ҳал этишда Бисмаркнинг «қон ва қурол» усулига урғу берилмоқда.

“Ҳуқуқ – кучлида” – деган фалсафага таянилмоқда. Аммо, бугун бу усул ҳеч қаерда ўзини оқламаяпти. Яқин шарқда ҳам, Шарқий Европада ҳам, Узоқ Шарқда ҳам. Бунга сабаб, дунё ўзгарди. У бугун икки қутбли, ёки бир қутбли эмас. Ислом Абдуғаниевич башорат қилганидек, у кўп қутбли дунёга айланмоқда. Бир қутбли дунё қанча қаршилик кўрсатмасин, кўп қутбли дунё қийинчиликлар билан шаклланяпти. Бугун дуё давлатлари кўп сонли ёки кам сонли, бой ёки камбағал, демократик ёки нодемократик, диний ёки дунёвийлигидан қаттъий назар келишиб, муроса фалсафасига амал қилиб яшашга мажбур. Ушбу зарурият қанча тез англанса, шунча яхши.

Бугун “либерализм”, “романтизм”, “демократлаштириш” даври ўз ўрнини прагматизмга, яъни келишиб яшаш, манфаатларни уйғунлаштириш, зиддиятларни “консенсус” асосида ҳал этиш, “бешафқат рақобат” ўрнини глобал муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш ғояларига бўшатиб беряпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ҳалқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари ҳалққа хизмат қилиши керак”, “биз яқин қўшни давлатлар билан рақобатчи эмас, ҳамкормиз” - деган ғоялари, улар олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат ҳам прагматизм фалсафасига асосланганлигини сезмаслик мумкин эмас.

Шак-шубҳасиз, Ислом Каримов таълимоти, уларга муносиб сиёсий ворис бўлган Шавкат Мирзиёев томонидан назарий ва амалий жиҳатдан ривожлантириляпти. Бу борада биз олимлар улардан ўрнак олишимиз керак.

Аммо, аччиқ ҳақиқат бўлса ҳам айтиш керакки, биз ижтимоий фан олимлари кўп ҳолатларда амалиётдан олдин юриш ўрнига, унинг ортидан чопиб юришга ўрганиб қолдик. Бундай аморф ҳолат от олдига уланган аравани эслатади. Бугун “Ҳаракатлар стратегияси” биз олимлардан буюк кашфиётларни кутмоқда. Бу баландпарвоз гаплар эмас, аксинча ижтимоий тараққиёт зарурияти.

Ҳаммамиз яхши биламиз, фан мақтов билан эмас, балки башорат билан яшайди. Амалиётдан ортда қолган фан – сўз ўйини, сафсатага айланиб амалиётга зарар келтиради.

Бугун ижтимоий фанлар “депсиняпти” улар воқеа ва ҳодисаларни шарҳлаш, умумлаштириш, тизимлаштириш, узоғи билан муаммоларни давлат олдига қўйиш билан чекланяпти. Ваҳоланки, фан амалиётдаги муаммоларни ҳал этиши, иннавацион ғоялар билан амалиётни ривожлантириши лозим. Президентимиз томонидан куни кеча имзоланган “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб – қувватлаш йили” давлат Дастури доирасида ҳам фан янгиликларини тезлаштириш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича муҳим тадбирлар белгиланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг прагматизм фалсафаси ижтимоий – гуманитар фанлар тадқиқ этиши лозим бўлган “очилмаган қўриқ” бўлиб қолмоқда.

Шу сабаб, Ислом Каримовнинг прагматизм фалсафасини қуйидаги йўналишларда тадқиқ этиш лозим деб ҳисоблайман.

Ислом Каримовнинг сиёсий-ҳуқуқий прагматизми, иқтисодий прагматизми, ижтимоий прагматизми, манавий-аҳлоқий прагматизми, миллий хавфсизлик прагматизми.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича ёшлар дунёқарашини бунёдкорлик, яратувчанлик асосида шакллантиришга хизмат қиладиган кўплаб фундаментал ва илмий-публицистик асарларни нашр этиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг прагматизм фалсафасини тадқиқ этишда унинг Ғарб прагматизмидан фарқли жиҳатларига эътибор қаратиш лозим.

Прагматизм фалсафасининг моҳиятида "манфаат", "мотивация", "стимул", "фойда", "даромад" каби ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи омиллар ётади. Бироқ, Ислом Каримовнинг прагматизм фалсафаси Ғарб прагматизм фалсафасидан жиддий фарқ қилади.

Биринчидан, Ислом Каримов прагматизми асосида инсон ётади. Ғарб паргматизмида, инсон манфаатлари мутлақлаштирилади. Ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам манфаатларни қондириш талаб этилади. Мақсадга, манфаатга хизмат қиладиган ҳар қандай восита ҳақиқат ўрнида қабул қилади. ("буюк ёлғон"ларни тўқиш, иккиюзламачилик ва бошқалар).

Иккинчидан, Ғарб прагматизми "қонун билан ман этилмаган барча нарсани қилиш мумкин", "Шахс эркинлигининг чексизлиги" принципларини илгари суради. Ислом Каримов прагматизмида шахс эркинлиги қонун, ахлоқ ва учинчи шахснинг ҳуқуқлари билан чегаралиниши принципига амал қилинади. (бир жинсли ёки ёлғиз оилалар ва ҳоказо).

Учинчдан, Ғарб прагматизми манфаатга хизмат қиладиган конфронтация, иқтисодий санкция (қамал), куч ишлатиш, зўрлик, босим ўтказиш, ахборот уруши, руҳий уруш каби воситаларни инкор этмайди. Ислом Каримовнинг прагматик фалсафаси миллий ва умуминсоний қадрятларга, маънавиятга таянади. Ғарб прагматизмида космополитик ёндошув устувор аҳамиятга эга, маънавиятга иккинчи даражали аҳамият берилган.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Ислом Каримов ўзининг таълимоти билан дунёни ўзгартирган Марк Аврелли, Жорж Вашингтон, Линкольн, Рузвельт, Черчиль, Шарль де Голль, Махатма Ганди, Отатурк, Ден Сяопин каби машхур прагматик сиёсатчи ва давлат арбоблари қаторидан нафақат муносиб ўринни эгаллади, балки прагматизм, яъни тинч – тотув яшаш фалсафасини ривожлантирди.

Бу билан ҳар бир Ўзбекистонлик ҳар қанча фахрланса, ғурурланса арзийди. Бугун, биз Ватанимиз, ҳалқимиз Ислом Каримовга муносиб бўлиш, "Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун ишлашимиз ва курашиб яшашимиз керак.

Йиллар, асрлар ўтади, аммо Ислом Каримовнинг прагматик таълимоти мангу барҳаёт яшайди!

ИСЛАМ КАРИМОВ О ФОРМИРОВАНИИ ДУХОВНОГО ОБЛИКА МОЛОДЕЖИ

Туленова К. - д.ф.н., профессор ТГПУ

«Сегодня формируется… молодежь, способная взять на себя ответственность за завтрашний день, судьбу нашей Родины»
Ислам Каримов.[1]

Сегодня вопросы духовного и нравственного возрождения и обновления нашего народа, являются важнейшими условиями обеспечения стабильности межнационального согласия в стране. В Республике Узбекистан уделяется особое внимание вопросам формирования всесторонне развитого, гармоничного поколения, воспитанного в духе приверженности национальным традициям, имеющих самостоятельную гражданскую позицию, в достаточной мере наделённых правовым сознанием, политически грамотных,

[1] Доклад Президента Ислама Каримова на торжественном собрании, посвященном 23-й годовщине Конституции Республики Узбекистан. // Народное слово, 6 декабря 2015 года.

всецело разделяющих демократические ценности и готовых направить весь свой потенциал и гражданскую активность на реализацию этих целей.

Как известно, дальнейшее решение этих вопросов нашло отражение в Указе «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева от 7 февраля 2017 года.

Первый Президент Республики Ислам Каримов отмечал, что «…сегодня формируется новое поколение, самостоятельно мыслящее и отвечающая современным требованиям, на арену выходит молодежь, способная взять на себя ответственность за завтрашний день, судьбу нашей Родины».[1]

Пожалуй, один из самых актуальных вопросов – осознаем ли мы угрозы нашей стабильности и безопасности? Что мы можем противопоставить этим угрозам, что может служить гарантом стабильного и устойчивого развития нашего общества? Как сохранить пояс безопасности, в котором мы живем. Все эти актуальные вопросы требует особого внимательного подхода и рассмотрения. Страна сможет динамично и устойчиво развиваться и быть достойным партнером для мирового сообщества только в условиях обеспечения безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности.

В условиях глубоких перемен, свидетелями и участниками которых мы являемся, происшедших и происходящих в Узбекистане со времени обретения независимости возникает необходимость выработки у наших людей самостоятельного мышления, умения мыслить активно и конструктивно, творчески, созидательно. Чтобы добиться этого, необходимо приложить громадные усилия не только в области социально-экономического строительства, но и в выработке умения достойно противостоять идеологическому прессингу со стороны наших недругов. Особенно остро это противостояние в современном мире происходит в области духовной жизни, в сфере идеологии. Поэтому только выработка у наших людей, особенно молодежи, глубокого понимания сущности национальной идеологии, выработки у них умения глубоко осознать и философски осмыслить ее содержание поможет решить главную и основную задачу: обучить и воспитать молодое поколение, всю нашу молодежь в духе современных требований. При решении этих задач мы опираемся, и будем опираться «…на наши многовековые традиции, богатое духовное наследие предков…

Наша деятельность по обеспечению интересов подрастающего поколения будет продолжена на основе недавно принятого Закона **«О государственной молодежной политике».**[2]

В этом же духе видел решение этой проблемы и Ислам Абдуганиевич Каримов: «В условиях, когда в мире усиливается идеологическое противостояние, необходимо вооружить нашу молодежь новым мировоззрением, выработать у нее умение мыслить и действовать по-новому. Это требование времени, оно необходимо для того, чтобы, вступая в спор с любым соперником или оппозиционером, наша молодежь должна хорошо знать мировоззрение своего идейного противника и уметь достойно противостоять ему, владея философией, своим мировоззрением лучше, чем он»[3].

Это особенно важно в обстановке информационного взрыва в процессах глобализации, в ходе которых делаются попытки протащить в сознание нашей молодёжи чуждую идеологию и деструктивные идеи.

На этапе модернизации общества, обогащение духовного мира наших людей, воспитание их в духе национальных и общечеловеческих ценностей остаётся актуальной задачей. Особенно в нынешнее сложное и неспокойное время, когда всё более усиливаются различные нападки, направленные против национальной самобытности, вековых ценностей нашего народа, проявляются корыстные устремления, нацеленные на овладение сознанием нашей молодёжи.[4]

«Мы должны как зеницу ока беречь наши национальные ценности, богатую культуру народа Узбекистана, бесценное наследие великих предков, веру и убеждения,

придающие нам силу и энергию, и на практике своими реальными делами ещё более укреплять чувство уверенности в завтрашнем дне».[5]

Ни одно общество не может видеть свою перспективу без развития и укрепления духовного потенциала, духовных и нравственных ценностей в сознании людей.[6] Культурные ценности народа, его духовное наследие на протяжении тысячелетий служили мощным источником духовности для народов Востока. Народу Узбекистана удалось сохранить свои исторические и культурные ценности и самобытные традиции, которые бережно передавались от поколения к поколению.

Как известно, с первых дней независимости важнейшей задачей, поднятой на уровень государственной политики, явилось возрождение того огромного, бесценного духовного и культурного наследия, которое в течение многих веков создавалось нашими предками. Для достижения поставленных на переходный период задач, необходимо чтобы в государстве были мир, сплоченность, единение народа, интенсивный труд, межнациональное согласие и социальное партнерство.

Важнейшей составляющей формирования основ гражданского общества является работа в сфере просвещения и духовности. Это стала постоянным императивом. Основу развития общества, представляет собой целостная система действий, важнейшее место в которой занимает: **духовность - нравственность - просвещенность.** Эти три ценности всегда были почитаемы в народе. Абу Наср аль-Фараби в своём произведении «Город мудрецов» утверждал, что только образованным обществам, которые находятся на высоком уровне развития знания, науки, нравственности, просвещения, суждено достичь эффективного социального прогресса.

Развитие духовности в Узбекистане обусловлено практической деятельностью по возрождению национальных ценностей, исторического и культурного наследия.

«Главная цель, предусмотренная духовным обновлением общества, является, сохранение мира в государстве, процветание Родины, свобода и благосостояние народа, воспитание всесторонне развитой личности, социальное сотрудничество и межнациональное согласие, религиозная терпимость и многие другие важные вопросы**».**[7]

В Узбекистане в ранг национального приоритета вводится сохранение духовности, подъем национального самосознания народа на основе восстановления исторических и культурных ценностей, возрождение наследия предков, накопленного на протяжении веков в науке, в литературе, музыке, изобразительном искусстве все это стало источником патриотизма и духовного богатства. «Возрождение духовных ценностей – это органический процесс роста национального самосознания, возвращения к духовным истокам народа, его корням».

Следует отметить, что возрождение национальной духовности является фактором стабильности и гарантом прогресса общества.

Литература:

1. Доклад Президента Ислама Каримова на торжественном собрании, посвященном 23-й годовщине Конституции Республики Узбекистан. // Народное слово, 6 декабря 2015 года.
2. Мирзиёев Ш. Обеспечение верховенства закона и интересов человека – гарантия развития страны и благополучия народа.\\ «Народное слово» от 10.12.2016, №244, С.3.
3. Каримов И.А. Человек, его права и свободы. Т.14. –Т., Узбекистан, 2006. С.78.
4. Каримов И.А. Конституция Узбекистана - прочный фундамент нашего продвижения на пути демократического развития и формирования гражданского общества. Правда Востока. 8 декабря 2009.
5. Каримов И.А. Предисловие к книге «Прогресс страны и повышение уровня жизни нашего народа – конечная цель всех демократических обновлений и экономических реформ. Т.15. – Т., 2007. – С. 154.

6. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XX1 века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса.Т.6 - Т., 1997 -С. 131.
7. Каримов И. А. Идеология национальной независимости убеждение народа и вера в великое будущее. В кн.: Наша высшая цель – независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа Т.8 – Тошкент: «Узбекистан», 2000 - С .- 486.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Бобожонова Д.Б.- ЎзДЖТУ т.ф.д., профессор

Мустақиллик йилларида маънавият ва тарихий хотира масалалари давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Чунки “миллатнинг ўзлигини англаши тарихни билишдан бошланади”. Ушбу ҳақиқатни Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов, “...давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур”[1], деб таъкидлаган эди. Бу масъулиятли вазифани Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев ўз зиммасига олиш чоғида: “Сизларни ишонтириб айтаманки, Ислом Абдуғаниевич Каримов бизга васият қилиб қолдирган барча ҳаётий тамойилларга оғишмасдан, қатъий амал қиламан”[2], деди ва шу билан бирга “Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди”[3], дейиш билан унинг нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилганини ҳам таъкидлаб ўтди.

Ислом Каримов республика раҳбари бўлиб фаолият бошлаши билан фалсафа, тарих, айниқса, Ватан тарихини ўрганиш, унинг услубиятига, „оқ доғлари”га доир масалалар фаол муҳокама этила бошланди. Ижтимоий-гуманитар фанларда жамият ва шахс масалалари, маданий мерос, тил муаммолари каби масалаларни ҳал этишга интилиш юзага келди. Бу масалаларга бағишланган илмий, айниқса, публицистик мақолалар газета ва журналлар саҳифаларида мунтазам босилиб турди.

Бироқ, коммунистик мафкура якка ҳокимлиги шароитида мазкур масалаларни тўлиқ ҳал этиш мумкин эмасди. Мустабид тузум миллий ўзликни англаш жараёнига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатар, жамиятдаги мавжуд зиддиятлар, нуқсонлар, иллатлар аслида мустабид совет тузуми, коммунистик мафкура яккаҳокимлиги туфайли юзага келаётганини яширишга, ниқоблашга уринар эди. Илм-фандаги бундай вазиятни кўра олган мустақиллик асосчиси дастлабки ойлардаёқ бу соҳа ривожига ва унинг халқимиз, юртимиз манфаатлари учун хизмат қилишига муҳим эътибор қаратди. Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев: “Замонавий Ўзбекистоннинг тарихи – бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиш йўлида Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир”[4], деб таъкидлайди.. 1989 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида И.А.Каримов илм-фанни юксалтириш борасида мавжуд муаммо ва вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди. Унда фан соҳасидаги кадрларни жадал етиштириш ва ёшартириш учун, интеллектуал имкониятларни кескин даражада ошириш учун республика раҳбарияти зарур маблагларни, жумладан, валюта маблағларини ажратишга, тегишли ташкилий масалаларни ҳал қилишга тайёр экани таъкидданди.

Бу борада республика раҳбарияти томонидан 1990 йилдан бошлаб мамлакат ва чет эллардаги катта илмий марказлар докторантураларидан ва стажировка ўташ учун ёш олимларимизга юзта ўрин ажратиш масаласини СССР Фан ва техника давлат комитети олдига қўйилиши улкан амалий тадбирларнинг дебочаси эди. Мазкур таклифда барча кўплаб фан тармоқлари сингари фан-техника тараққиётининг бошқа асосий йўналишлари қатори ижтимоий соҳада ҳам илмий кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш масаласи илгари сурилиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ёш илмий ҳодимларидан 6 нафари Россия Фанлар Академияси Тарих институтига жўнатилган эди. Унда илм-фан ютуқларини

амалиётга татбиқ этиш, қолаверса ёш тарихчи олимлар фаолиятини республика тарих фани ривожи учун устувор бўлган долзарб масалаларга йўналтириш белгилаб берилди.

Мустақиллик асосчиси, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан истиқлолнинг илк кунлариданоқ эл-юртимиз тақдирига дахлдор тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуғлаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилаётган эътибор халқимизнинг инсон хотираси ва унинг қадр-қимматига эҳтиром кўрсатишдек ўлмас қадриятлари, бебаҳо маънавий фазилатларини намоён этиб келмоқда.

Шу муносабат билан тарихни доҳийлар эмас, балки онгли ва бунёдкор инсон, халқ яратиши ҳақидаги фикрлар янгича мазмун ва фалсафий руҳ билан баён қилинди. Ҳақиқатдан ҳам, тарихни халқ яратади, уни яратишда фаол қатнашган, халқ руҳида, онгида ва қалбида ўзларидан чуқур ва ўчмас из қолдирган тарихий шахслар ҳам халқ фарзандларидир. Шу сабабли тарихчи мутахассислар рамзий маънода тарихни уни яратган ва яратаётган халқнинг таржимаи ҳолига қиёслашади. Шунинг учун ҳам қадимги тарих, ўрта асрлар тарихи, замона тарихи каби иборалар ишлатилади. Булар яхлит ҳолатда Ватанимиз тарихини англатади.

Маълумки, халқимиз ўзининг минг йилликлар мобайнида шаклланган адолатпарвар сиёсати, маънавий баркамол миллий давлатчилик анъаналари билан жаҳон давлатчилиги ва сиёсати тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшоҳларнинг адолат ва инсонпарварликка таянган салтанатлари, соҳибқирон Амир Темурнинг Мовароуннарҳрни бирлаштириб, марказлашган давлат тузиши, миллат ифтихори учун курашиши ва буюк темурийлар салтанатига асос солиши, Мирзо Улуғбекнинг илм-фан ва маданият равнақига, Ҳусайн Бойқаронинг адабиёт ва санъат, илм ва ҳунар аҳлига раҳнамолиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Шоҳ Жаҳонларнинг турли дин ва мазҳабдаги халқларни бирлаштириб, энг инсонпарвар Ҳинд давлатини вужудга келтириш йўлидаги тажрибалари ва ютуқлари жаҳон сиёсатдонлари томонидан юқори баҳоланган.

Халқ ўз тарихини асосан ўз давлатини қуришдан бошлаб яратишга киришади. Маълумки, туркий тилли халқ ўз тарихида кўплаб буюк ва шавкатли салтанат қурган халқдир. Олис ўтмишимизга назар ташлаб, унинг бутун борлиғини жамлаб баҳолар эканмиз халқимизнинг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп синовларни бошидан кечирганлиги, маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқларидан баҳра олганлигига амн бўламиз. Шу билан бирга, тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ тушира олмаганлигини теран англаймиз.

Мустақиллик туфайли миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик, Ватан учун ифтихор, ғурурланиш ва шу сингари бошқа туйғулар яна бир бор чўққига кўтарилди, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий дунёси, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсиб борди, бу эса янгидан-янги ютуқлар гаровига, куч-қудрат манбаига айланди, интеллектуал салоҳиятни юксалтирди. Шунингдек, ўтмишдаги буюк зотларимиз, Ватанни босқинчилардан ҳимоя қилган, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур васиятлари ва ўгитларини ҳамда қолдирган улкан маънавий меросидан ўрнак ва ибрат олишга ҳамда тарихимизни ҳаққоний ўрганишга, унга муносиб баҳо беришга имкон яратилди.

Бу имконият туфайли мамлакатимизда ҳазрат Соҳибқироннинг таваллуд тўйлари ҳар йили кенг нишонланиб келинмоқда. “Кимки, - деб айтган эди Биринчи Президент И.А.Каримов, - ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу аснода келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак”[5]. Дарҳақиқат, Амир Темурни чуқур англаш, ўрганиш асносида миллий қадриятларимизни, қадимий анъаналаримизни, жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган аждодларимизни янги шароитда янгидан яна бир бор кашф этамиз, қайтадан дунёга танитиш

имкониятига эга бўламиз ҳамда вояга етаётган келажагимиз бўлган ёшларга ибрат ва намуна сифатида кўрсатамиз, буюк зотга муносиб бўлишга астойдил ундаймиз.

Инсоният турли даврларда, турли шаклларда уйғониш ва юксалиш даврини олимлар “ренессанс” деб атайдиган ҳодисани бошидан кечирган. Бутун одамзод тарихида жуда нодир ҳодиса бўлган ренессанс Ғарбу Шарқда ҳар минг йилда фақат икки-уч марта содир бўларкан. Бир неча асрлик мустамлакачиликдан сўнг ёхуд миллий таназзул изтиробларидан кейин шундай ҳодисалар юз берадики, одамлар ўзларини англай бошлайдилар. Фикрий мудроқликка чек қўядилар. Ҳаётни, олам ранг-баранглигини англай бошлайдилар.

ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллиги неча минг йиллик ўзбек халқи тарихига бурилиш нуқтаси бўлиб кирди ва бутунлай янги даврни бошлаб берди. Ўзбекистоннинг совет империяси таркибидан чиқиб кетиши, мустақил суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланиши, эркин фуқаролик жамиятини қуриш сари дадил одимлари улкан ижтимоий ва тарихий жараёндир. Бу “мустақиллик”, “миллат” тушунчалари билан боғлиқ бўлган “миллий уйғониш”, “миллий ўзликни англаш” мустақиллик берган буюк неъмат, абадиятга дахлдор ҳодисадир. Айни ана шу туфайли миллат қаддини ростламоқда. Қадимий, асрлар мобайнида тўплаган қадриятларини ва нуфузини қайтадан тикламоқда. Дарҳақиқат, ҳамиша уйғоқ халқ яратувчиликка, бунёдкорликка қодир бўлади. У ўз имкониятларини тобора бойитиб боради. Ана шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, учинчи минг йиллик арафасида мустақил Ўзбекистонга янги бир уйғониш ва юксалиш даври насиб этди. Эндиликда “Мустақиллик”, “Истиқлол” тушунчалари ва бевосита унинг ташаббускори Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлган давр бошланди. Албатта, бундай миллий тараққиёт бир неча ўн йилликлар ва ҳатто асрларни қамраб олади. Бироқ, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, XXI аср Ўзбекистон халқлари ҳаётида янги тамаддуний тараққиёт босқичи бўлиб қолади. Миллатни, халқни, ёш мустақил давлатни ер юзига қайтадан танитиш, буюк аждодларга ворис бўлиш, улар қолдирган олтин меросни асрлар қаъридан зарралаб йиғиб, бугунги жаҳонни қойил қолдирадиган юксакликларга кўтариб қўйиш қанчалик катта қудрат ва жасорат талаб қилишини биз Ўзбекистоннинг истиқлол даврида ўз кўзимиз билан кўрдик.

Буюк аждодларимизни теран англаш, чуқур ўрганиш асносида миллий қадриятларимизни, қадимий анъаналаримизни, жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган аждодларимизни янги шароитда янгидан яна бир бор кашф этамиз, қайтадан дунёга танитиш имкониятига эга бўламиз ҳамда келажаги порлоқ бўлган ёшларга ибрат ва намуна сифатида кўрсатамиз, буюк зотларга муносиб бўлишга астойдил ундаймиз. Асрлар оша, довонлар оша келаётган бу маънавий бойликнинг умри боқийдир. Бағрикенг халқимизнинг қадриятлари – тинчлик, маърифат, юксак аҳлоқ-одоб ифодачиси сифатида вақтлар ўтган сайин, замонлар кечган сайин юлдуздек ярқираб, чирой очаверади, келажаги буюк бўлган ёш авлодни маънавий-аҳлоқий тарбиялашда муҳим омил сифатида хизмат қилаверади. Бу ҳақиқатни чуқур англаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Ислом Абдуғаниевичнинг тарих ва келажак олдидаги буюк хизматларини таърифлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Нега, деганда, бугунги Самарқанд, бугунги Ўзбекистоннинг гўзал ва обод қиёфаси, халқимиз эришаётган барча-барча ютуқлар у кишининг ана шундай тарихий хизматларини бамисоли кўзгудек яққол намойиш этиб турибди[6], деб таъкидлади. Зеро, эл-юртга садоқатни, чинакам ватанпарварликнинг олий намунасини, тинч ва обод ҳаётимизни севиш ва қадрлашни, ўз юртимизга меҳр-муҳаббатни биз улуғ Юртбошимиздан ўрганганмиз. Ислом Каримов босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли, амалга оширган хайрли ишлари, қолдирган бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазина эканлигини чуқур англанса, тарихий хотирамиз қанчалик бой, мазмунли бўлса, халқ шунчалик уюшган, ҳамжиҳат улуғвор ишларни бажаришга қодир бўлади.

Адабиётлар

1. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.5.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи// Халқ сўзи, 2016 йил 8 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадайлаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори//XXI ASR, 2017 йил 26 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи// Халқ сўзи, 2016 йил 8 сентябрь.
5. Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Асарлар, 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.169.
6. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи// XXI ASR, 2017 йил 3 сентябрь.

ОТАШҚАЛБ СИЙМО

Аҳмеров Қ.А. - ТКТИ к.ф.д., профессор
Сидикова Г.А. - ТКТИ ассистент

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов мустақил мамлакатимиз олий таълим тизимининг янги йўналишини яратган, уни ривожлантириш ва истиқболини ўйлаб иш кўрган раҳбар эдилар. Бу борада эски тизимни тубдан ўзгартириш, ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, барқарор авлоднинг пухта билимли, заковатли ва замон талабларига мос равишда тарбияланишларига замин яратиш масаласини ўртага қўйдилар. Бу борада 1992 йилнинг 2 июлида қабул қилинган “ Тарбия тўғрисидаги” ги қонун олий мактаб ривожланиш жараёнининг ҳамда ҳалқаро таълим стандартларини олий таълимга жорий қилишнинг ёшларни ўқитишда ҳалқимизнинг кенг ва бой меросининг жаҳон тажрибаси билан мужассамлашуви туфайли ҳуқуқий асослар яратилди. Шу йили янги ўқув режалар тўплами (гуруҳий) бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг асоси вужудга келди. Икки босқичли олий таълим тизимига ўтилиб, ЎзМУ ва Техника университетида асосий-ўлчовлари мезонлар аниқлаб олинди. Шу ўзгартиришларнинг бошида мамлакатимизнинг биринчи Президенти бош-қош бўлиб турганлигини халқимиз яхши билади. 1997 йилнинг 29 августидаги қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, замонавий компьютер техникаси билан жиҳозлаш, ўқув кабинетлари ҳамда лабораторияларни зарур янги асбоб-анжомлар билан бойитиш, янги дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишни тезлаштириш чора-тадбирлари кўрилиши, педагог кадрлар тайёрлашни замонавий талаблар асосида тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг белгилаб берилиши катта амалий аҳамият касб этди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида олий ўқув юртларида бештагина иқтисодий йўналиш бўйича мутахассис тайёрланган бўлса, 1995 йилда бу кўрсатгич беш баробар ўсганлигини қайд қилиб ўтамиз. Зарур, керакли ва ноёб техника ихтисосликларида ҳам ўсиш тезлаштирилди. Янги олий ўқув юртлари, шу жумладан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Жиззах политехника институти, Тошкент ислом университети, Тошкент авиация, қурилиш ва архитектура, Навоий кончилик, қатор иқтисодиёт-мухандислик институтлари ташкил этилди. Кейинроқ халқаро Вестминстер университети, Турин политехника институти, Россиянинг бир қатор олий ўқув юртлари филиаллари ва бошқалар очилди. 2006 йилга келиб мамлакатимизда 62 олий ўқув юрти фаолият кўрсата бошлади, буларда 265 мингдан ортиқ талаба таълим олди. Уларга йигирма бир ярим минг профессор-ўқитувчилар дарс берди. Бу Мустақиллик йилларида олий таълим фаолиятининг тубдан янгиланиши, сифат-самарадорликнинг яхшиланиш кўрсаткичларининг ўсувидан дарак берувчи омиллардан ҳисобланади. Тест синовлари ўқитиш самарасини яхшилади, талабалар билимни мустаҳкамловчи омил бўлди десак

янглишмаймиз. Янги аср бошларида кўплаб талабаларимиз Америка, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Чехия, Япония, Хитой каби ва бошқа мамлакатларда ўқиб келишди.

Ўша пайтларда Биринчи Президентимиз Америка ва бошқа мамлакатларда бўлган вақтларида Ўзбекистонлик талабалар билан учрашувларда бўлиб, ҳол-аҳволларидан хабардор бўлдилар, уларнинг баркамол авлод вакиллари бўлиб етишувларига ўз ҳиссаларини қўшдилар, тўйларида совғалар билан табриклаб турганларига гувоҳмиз. Президентнинг ғамхўрлиги бу ишлар билан тамомланмади, балки янада кучайтирилди. 2005 йилнинг 5 июлидаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор бошқа қарорлари компьютерлаштиришни ривожлантиришни кўзда тутганди. Компьютерлаштиришнинг интернетга уланиши, жаҳон фан ва техникаси ютуқларини фан-техникага олиб кирилиши ҳам ўз ижобий таъсирини амалда кўрсатди. Булар мамлакатимиз келажаги ва тараққиётида ёшларимизнинг миллий истиқлол ғояси руҳида тарбияланишини таъминлади. Бу устувор вазифалар сифатида И.А.Каримов диққатида бўлди. Малакавий амалиёт, диплом лойиҳалари, корхонага ёрдам берувчи илмий тадқиқот ишлари ҳам баб-баравар олиб борилиши муҳим омиллардан бўлди. Ғоявий тадбирларнинг тез-тез уюштириб турилиши, олий ўқув юртлари кафедралари, ётоқхоналар раҳбарлари, мураббийлар томонидан фаоллаштирилди. Бу борада, хусусан, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов асарлари катта аҳамият касб этганлигини эслатиб ўтиш жоиздир. Бу борада Ислом Абдуғаниевичнинг бизнинг институтимиз асосчиси сифатидаги хизматларини айтиб ўтишни истардик. У кишининг мамлакатимизда кимё саноатини йўлга қўйиш, ривожлантириш, унга кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, фанни ривожлантириш, соҳа ишчи-ҳодимларнинг моддий томонларини яхшилашдаги ғамхўрлиги тақсинга сазовордир. Соҳадаги илғор кишиларнинг турли хил йўлларда мукофотланишлари, уй-жой, автомашина ва бошқа керакли нарсалар билан тақдирланишларига гувоҳмиз. Айниқса, у кишининг 1997 йили Қўнғирот сода заводига келган вақтларида бизнинг институт сиртқи бўлимида бўлиб, талабаларимиз билан учрашув ва самимий, оталарча ғамхўрлик билан ёшларимизга қилган маслахатлари ёдимиздан чиқмайди, ҳамон эсимизда.

Лаборатория, кабинетлар, маъруза хоналари, ўқитувчилар хоналарини диққат билан кўздан кечириб, айтган гапларию-маслаҳатлари, ўзгартишлари амалий аҳамият касб этганлигига гувоҳмиз. Керакли мебель, реактив, янги ўқув қўлланма, дарслик, анчагина приборлар совға қилиб кетишлари ҳаммамизни тўлқинлантирган эди. Шунда ҳамма иштирокчиларнинг шодлиги ичига сиғмаган, у кишига тасаннолар, раҳматлар айтиб қолгандик.

Президент заводда ишлаётган талабалардан уч йигитни "Шуҳрат" медали, сиртқи факультет декани доцент Қ.Ғ.Муҳамедовни "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотлаши ҳам қувончимизга қувонч қўшган эди. У киши ана шундай ғамхўр, меҳнат аҳлини севган инсон эдилар. Кимё саноатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини Муборакдаги газни қайта ишлаш корхонаси, "Шўртан" газ-кимё мажмуаси, Деҳқоноботдаги калийли ўғитлар заводи, Қўнғирот сода заводи, Уст-Юрт кимё комплекси каби ва бошқа қатор йирик кохоналар қурилиши шахсан у киши ташаббуслари эканлиги фикримизга далил бўла олади. Узоқни кўра олиш ҳиссиёти, мамлакатни илғорлар қаторига қўшиш иштиёқи, халқ моддий ва маънавий турмушини янада юқори кўтариш мақсадини рўёбга чиқариш у кишининг оташ нафас қалбида эди десак янглишмасмиз.

Ҳозирги вақтда кун сайин ривожланиб бораётган "Кимё майдони" бўлмиш Қашқадарё вилоятидан институтимизга талабалар оқими йил сайин ортиб бормоқда. Вилоятда 2020 йилгача фақат нефть-газ ва нефть-кимёси ривожи учун қиймати 11 миллиард долларга тенг ўн еттита лойиҳа амалга оширилаётгани бежиз эмас, албатта Қорақалпоғистонда яқин беш йил ичида қатор йирик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда

тутилмоқда. Бошқа вилоятларда ҳам шунга ўхшаш режалар тузилаётганидан хабаримиз бор.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов хотирасини, унинг келажагимизни ўйлаб қолдирган фикирлари ва айниқса, ёшларимизга айтган маънодор маслаҳатларини эслаб ўтиш жоиздир. булар дунё ҳамжамияти тан олган мамлакатимиз собиқ раҳбарининг келажак тақдиримиз, Ватан равнақи ва халқимизнинг янгидан-янги марраларни эгаллашга чақирувчи давати деб тушунамиз. Собиқ раҳбаримиз ишларини изчил давом этдираётган Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг халқимиз орасида бўлиб, қилаётган маърузалари олдимизга қўяётган амалий ва долзарб вазифалар Ватан равнақи, унинг ривожи, жаннатмакон ўлкани асраб-авайлашимиз ва янада гўзаллаштиришимизни тақозо этади.

Собиқ Президентимиз хотирасини бугун у кишининг саксон йиллик таваллуди арафасида эслар эканмиз, унинг шахси, ақл-заковати, ўзига хос ва мос фазилатларига доир хусусиятларини ёритиб ўтишни лозим топамиз. Бундай фазилатлар ҳаммага ҳам насиб этавермаслиги аниқ, албатта. Булар унга ёшлигидан берилганлигини биламиз. Муаллифлардан биримиз унинг талабалик йилларидаги ўзини тутиши, вақтни қадрлаши, аъло ўқиши, муътадил хулқ-атвори, ҳаракатчанлиги, дўстларга содиқлигини кўрганмиз. Қийин пайтларда одамларга, яқинлари, қариндош-уруғлари, қариялар, онахонлар, кўп болалик оилаларга доимий ёрдам қилиш одатларидан хабардормиз. Ана шундай фазилатли ва оташқалб сиймо инсон билан ҳам нафас ва замондош, бир мамлакат фарзандлари бўлиб яшаганлигимиз бизга доимий далда бериб туришидан мамнунмиз деб айтгимиз келади.

Адабиётлар

1. Ислом Каримов “Ўзбекистон мустақиликка эришиш остонасида”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011.

2. Ислом Каримов.”Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир”. Тошкент, “Ўзбекистон” НМЖУ, 2015.

3. И.Каримов. Асосий вазифамиз-жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат (илмий-оммабоп рисола). Тошкент. “Маънавият”, 2016.

4. Шавкат Мирзиёев. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кўрамиз”. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2017.

5. Қудрат Аҳмеров. Кимёгар-технологлар маскани. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2016

ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА АГРАР СОҲАГА МУНОСАБАТЛАР

Мусаев Н.У.-т.ф.д., профессор, ТошДАУ

1980 йилларнинг ўрталарида собиқ иттифоқ ҳукумати “қайта қуриш ва жадаллашириш” баҳонасида мамлакатни турғунлик ҳолатидан чиқаришга уринди. Шу мақсадда маъмурий буйруқбозлик тизими шароитида амалга оширилган ислоҳотлар кутилган натижани бермади. Бу ўз навбатида қилган меҳнатига яраша ҳақ олмасдан, шунчаки умр кечиришга мажбур бўлаётган меҳнаткаш аҳолининг мавжуд бошқарув тизимига нисбатан норозиликларини кучайтира бошлади. Вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётганлигидан чўчиган Марказ мамлакат миқёсида содир бўлаётган тушкунлик ҳолатидан халқни чалғитиш мақсадида ўзи юритаётган сиёсатни “оқартириб”, “бўяб” кўрсатишга уринди. “Аксинча,-деб таъкидлайди И.Каримов,-сўнгги йиллар мобайнида сохта обрў орттириш мақсадида қабул қилинган ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олмаган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр, энергетика, экология ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршиликларни чуқурлаштириб юборди. Натижада иқтисодиётни батамом издан чиқариб, моддий ва молиявий маблағлар тақчиллигининг даҳшатли тарзда ўсишига олиб келди”[1]. Советлар даврида хўжаликни бошқариш тизимида кенг томир отган бундай иллатлар Ўзбекистон иқтисодиётига янада кўпроқ зарар

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.:Ўзбекистон, 1996. 280-бет.

келтирди. Республика иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида маданий иш юритиш принциплари бузилиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти янада оғирлашди. Бунинг устига республикада демографик вазиятнинг мураккаблиги, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларининг камайиб бориши турмуш даражасини пасайтириб юборди. "Статистиканинг кўрсатишича,-деб таъкидлайди И.Каримов,- ҳозир Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда даромади 75 сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 мингга яқин киши яшаб турибди, бу эса аҳолининг 45 фоизини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, кун кечириш учун ҳозирги кунда 85 сўм зарурлигини эътиборга оладиган бўлсак, ана шунда одамлар қандай қийинчиликлар билан, учма-уч яшаб келаётганига ўзингиз баҳо беришингиз мумкин"[1].

Шундай вазиятда, КПСС МК ва собиқ иттифоқ ҳукумати аҳоли эътиборини чалғитиш мақсадида Ўзбекистонда "пахта иши", "ўзбеклар иши" деган баҳоналарни ўйлаб топиб, қонунсизлик, яширин қатағонлик ҳаракатларини авж олдирди. Афсуски гдлянлар, ивановлар ва уларнинг шериклари бошчилигида авж олган бу гуруҳларнинг ҳаракатлари халқимизнинг қадр-қиммати, миллий ғурури туйғуларини камситилишига олиб келди. Инсонпарварлик, фидокорона меҳнатнинг қадрига етиш туйғуларидан маҳрум бўлган бу изкувар гуруҳлар ўзларининг "садоқатли" ҳаракатлари нимадан иборат бўлиши кераклигини ҳам тўла англаб етмаганлар. Бунга мисол тариқасида қуйидаги мулоҳазаларни келтириш мумкин: "СССР Халқ депутатларининг биринчи съездида Горбачёв Гдлян ва Иванов текшириш олиб борган "пахта иши ҳақида гап очганида, Гдлян унинг сўзини бўлди:-Худодан қўрқинг, Михаил Сергеевич, менинг тергов гуруҳим пахтага доир ишларни текширмаган, бизнинг пахта ишларига сира ҳам алоқамиз йўқ. Мана шу ерда Горбачёв унга савол бериб, тактик хатога йўл қўйди: -Унда сизлар, ўртоқ Гдлян, қандай ишни текширгансизлар? -Бизнинг тергов гуруҳимиз,-жавоб берди у,-Совет Иттифоқи давлат ҳокимиятининг, давлат-партия ҳокимиятининг олий табақаларида порахўрлик билан боғлиқ жиноий ишларни текширган. Бу гаплар қайта қуриш завқ-шавқида енгилтаклик қилиб, "энг муқаддас" нарсага-тизимнинг ўзига қўл кўтарганларнинг биқинларини тешиб чиқди. Тизим бунинг учун ҳеч кимни кечирмаган. Ҳақиқатан ҳам "пахта иши" деб аталган иш бўйича жазога ҳукм қилинганлар ўртасида қуйидагилар бор эди: -430 совхоз директори ва колхоз раиси, 1300 нафар уларнинг ўринбосарлари ва ва бош мутахассислари;

-84 пахта заводининг директорлари ва 340 нафар бу корхоналарнинг бош мутахассислари; Ўзбекистон, РСФСР, Украина, Қозоғистон, Грузия ва Озарбайжон енгил саноатининг 150 та ходимлари; -69 нафар партия, совет ходимлари, ички ишлар ва прокуратура органлари ходимлари"[2]. "Пахта иши"ни умумий қоралашнинг авж олиши диёнатли ўзбек халқи руҳиятига қаттиқ таъсир қилди. Ўзбекистонни кўрмаган, унинг ўтмиши, тили, маданияти ва маънавияти билан таниш бўлмаган кимсаларнинг халқимиз тақдирини ўз хоҳишларига кўра бошқаришга уриниши мавжуд тузумга нисбатан ишончсизликни, бошқарув тизими ҳамда ҳуқуқ-тартибот органларига нисбатан норозилигини кучайтирди.

"Фақат 1989 йилда, Ўзбекистонда Гдлян ва Иванов "фаолиятига" қарши қаттиқ кураш авжига чиққан вақтдан бошлаб ҳушимизга келдик. Халқ ҳақоратланган эди, қадимий цивилизация, жуда бой маданиятга, буюк меъморлар ва мутафаккирларга эга бўлган бу халқни тиз чўктиришни хоҳлашарди. Ана ўшанда, халқимиз уйғона бошлаган пайтда тўғонлар очилиб, жилла бўлмаса ҳаддидан ошган прокурор ва терговчиларни тийиб қўйишга ҳаракат қилинди"[3]. Мамлакатда вазиятни чинакамига ўнглаш, юртдошларимизнинг ҳаётга қарашини, бугунги ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш учун аввало, уларнинг иқтисодий, моддий аҳволини яхшилаш заруриятини чуқур англаган

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент, "Ўзбекистон", 2012. 386-бет.
[2] Рашидова Г.Ш., Комилов Д.А. Шароф Рашидов: инсон-давр кўзгусида ва давр-инсон тақдирида. –Тошкент: "Тасвир", 2017. 327-328-бетлар.
[3] Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент, "Ўзбекистон", 2012. 386-бет.

республикамиз раҳбари аҳоли учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган катта бир масалани-одамларга томорқа ер бериш масаласини кун тартибига қўйди.

1989 йил 17 августда Ислом Каримов бошчилигида республика ҳукуматининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида аҳолига томорқа ва шахсий участкалар ажратиш масаласи муҳокама қилинади ва "Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шароитларни яратиб бериш ҳақида" қарор қабул қилинади. Ушбу тарихий ҳужжатда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди.

Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида 1989-1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди[1]. Бу даврдаги вазият республикага озиқ-овқат товарлари, жумладан, гўшт, сут, картошка, шакар ва бошқа маҳсулотларнинг асосий қисми четдан келтирилишини тақозо қилган. Ўша вақтда юртимизга ҳар йили Россия, Белоруссия, Польша ва бошқа мамлакатлардан қарийб 1 миллион тонна картошка келтирилар эди"[2].Мамлакатда вужудга келган қалтис вазиятни бартараф этиш мақсадида аввало аҳолини озиқ-овқат, хусусан, ун маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида "...Юз минглаб гектар суғориладиган техник экинлар оборотидан чиқарилди, пахта етиштириш плани 700 минг тоннага камайтирилди. Бу-пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам эди"[3]. Амалга оширилган тадбирлар туфайли ғалла импортига қарамликка барҳам берилиб, ғалла мустақиллигига эришилди. Агар 1991 йили четдан 4003 минг тонна дон маҳсулотлари келтирилган бўлса, мустақилликнинг дастлабки 6 йили мобайнида бу эҳтиёжни 5,4 баробар қисқартиришга эришилди. Ғалла ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилдаги 1899 минг тоннадан 2010 йилда 6952 минг тоннага етди, яъни деярли 3,7 баробар ўсди. Биринчи Президент И.Каримов,-мамлакатимиз иқтисодиёти ва экологиясига катта зарар етказган пахта монополиясига барҳам берганимиз туфайли бу вазифани ҳам муваффақиятли ҳал этишга эришдик. Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ғаллага бўлган эҳтиёжини қоплабгина қолмасдан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги қўшни мамлакатларга, Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларга ғалла ва ун маҳсулотларини экспорт қилинмоқда"[4]. Тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилди. 2008-2012 йилларда мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида умумий узунлиги 10530,2 километр хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларида жами 59 миллиард сўмдан ортиқ таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди[5]. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида, 2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди"[6]. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов раҳбарлигида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги соҳасида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар нафақат республика аҳолиси, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилди. Буюк британиялик Александр Сефре Занд бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдирган: "Мен Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Обод турмуш" маҳалласида бунёд этилган уй-жойларда яратилган шароитлар билан танишдим. Касбим архитектор

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент: "Ўзбекистон", 2011. 12-бет.
[2] Каримов И. А.Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Тошкент: "Ўзбекистон", 2007. 16-бет.
[3] Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. 13-бет.
[4] Каримов И. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Тошкент: "Ўзбекистон", 2007. 17-бет.
[5] Қаранг. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида. Халқ сўзи, 2011 йил 8 ноябрь.
[6] Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон овози, 2014 йил, 18-январь.

бўлганлиги учун уй-жой ва инфратузилма лойиҳаси, хоналарнинг жойлашиши, деворларнинг мустаҳкам ва баландлиги эътиборимни тортди. Яшаш учун катта имкониятлар ва қулайликлар яратилган. Яна мени ҳайратлантирган жиҳат: бу уйлар узоқ муддатли, имтиёзли ипотека кредитлари асосида берилаётганлигидир"[1].

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА БАХШИДА ЭТИЛГАН ИБРАТЛИ ҲАЁТ

Самаров Р.С. - Ислом Каримов номидаги ТДТУ професори, фалс.ф.д., психол.ф.н.

Ҳар қандай мамлакатнинг мустақиллигини белгисини давлат рамзлари: байроғи, герби, мадҳияси, миллий валютаси ташкил этади, миллий армия ҳам шу тарздаги белгилар жумласидандир. Чунки давлат, сиёсий институт сифатида вазифадорлиги жиҳатидан, аниқ сиёсий маконни яхлитлигини таъминлаб, эҳтимолли ҳисобланган ҳар қандай хавф ва хатарларни аниқлаб, мамлакат аҳолисини улардан ҳимоя этади. Бунда, давлат раҳбарининг функционал роли белгиловчи ҳисобланади. Чунки мамлакатни бошқариш фаолияти турли фаолият турларидан таркиб топган бўлиб, структуравий-функционал таҳлил асосида уни "маданий фаолият + тадқиқий фаолият + ташхисий фаолият + иқтисодий фаолият + ижтимоий фаолият + маърифий фаолият + ҳарбий фаолият + таҳлилий фаолият + бошқарувчанлик фаолияти = сиёсий фаолият" тарзида тасвирлаш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун илмий адабиётларда давлат ва жамоат арбобларинини шахсини ўрганишда фалсафий, илмий-маданий, иқтисодий, психологик, геолингивистик, теологик, бадиий, тиббий ва маърифий ёндашувларни кузатиш мумкин. Аммо уларни бирлаштирувчи асосий нуқта бу барча мураккабликлари билан ажралиб турувчи фаолият ҳисобланади.

Ислом Каримовнинг фаолиятини тадқиқ этишга, аниқроғи бу сиймони сиёсий портретини тасвирлаган адабиётлар[2] мавжуд бўлсада, аммо уни хусусий жиҳатлари тизимли тарзда тавсиф этилмаган. Бунинг объектив сабаби сифатида сиёсий фаолиятни яхлит тарзда, яъни ички ва ташқи омиллар (кечаётган барча жараёнлар) қатори аниқ вазият ҳамда ички-шахсий психологик кечинмаларни динамикасини аниқ муддат давомида ўрганиш имкониятини мавжуд эмаслигидир. Шу сабабли, етакчи тўғрисидаги ҳужжатларини ўрганиш, унга оид расмий хабарларининг контент таҳлили, етакчининг яқинлари ва шогирдлари билан суҳбатлари, уни фаолият маҳсулини ўрганиш, турли нашрларга берган интервьюси ва нутқларини психолингвистик шарҳини амалга ошириш усуллари воситасида ўрганиш самарали натижалар беради. Жумладан Ислом Каримовнинг тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида олиб борилган фаолиятини мажмуавий тарзда тасврлаш учун мамлакатда яратилган ҳарбий қудрат ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Назарий жиҳатдан муносабат билдирганда, ҳарбий қудрат (куч) билан боғлиқ мунозаралар анча вақтдан буён дунёнинг кўплаб давлатлари сиёсий ва ҳарбий бошқаруви доирасида, ҳарбий фаолиятни илмий таъминлаш учун хизмат қилувчи марказ ва муассасаларининг назарий ва амалий фаолиятида мунозара мавзуси бўлиб келмоқда[3]. Лекин жуда кўп ҳолатларда ҳарбий қудрат(куч)ни жамиятни бутун тарихи давомида давлатнинг ҳарбий қудрати, яъни ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш учун кўзланган мақсадга эришишда восита бўлиб келганлиги билан изоҳланади. Бу ёндашувда кратологик тамойилларни доминантлиги кузатилсада, аммо сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан давлатнинг ички ва ташқи вазифалари мавжудлигини инобатга

[1] Сўз-халқаро конференция иштирокчиларига. Ўзбекистон овози, 2013 йил 18 апрель.
[2] Левитин Л., Карлайл Д. «Ислам Каримов – Президент нового Узбекистана». – Т. «Узбекистан», 1996.
[3] Самаров Р. Мудофаавий фаолият: назарий ёндашувлар (монография).– Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2017. – 213 б.

олиб[1], уни хусусий тавсифига эътибор қаратсак, ҳарбий қудрат аниқ сиёсатни амалга татбиқ этишда бевосита иштирокчи ва таъминловчи эканлигини кузатиш мумкин. Масалан, давлатнинг **ички** вазифалари доирасида:

- регулятив (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, молиявий);
- ҳимоялаш (мудофаани таъминлаш, фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларини, табиатни, барча шаклдаги мулкни, ҳуқуқни ҳимоялаш) вазифаларини амалга оширилади.

Давлатнинг ташқи вазифалари доирасида:

- халқаро ҳамкорликни амалга ошириш вазифаси;
- мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш вазифасини бажаради.

Буларнинг давлат томонидан ўз мудофаа қобилиятини шакллантириб, ҳарбий муассаса(қисм)ларнинг барча унсурларини мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақозо этадики, Биринчи Президент Ислом Каримов мазкур вазифани муваффақиятли тарзда амалга оширишга мушарраф бўлди. Ва, шу билан бирга реал ва эҳтимолли хавф-хатарларни ўз вақтида белгилаб, уларни зарарлантириш бўйича давлат ва минтақа даражасида мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тавсия этди[2]. Жумладан, "Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан", "Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак" номли асарларида[3] таҳдидлар ва хавфларнинг эскалацияси қандай ҳолатларга олиб келиши мумкинлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Юртимизда аҳолининг тинч-осуда ҳаёт кечириши учун барча имкониятларни яратиш ва шу аснода ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган тинчлик ва барқарорликни таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланиб, бу йўналишда миллий армияни ташкил этиш масаласи долзарблашди. Ислом Каримов мазкур стратегик вазифани бажариш йўлида, шижоат кўрсатиб, Туркистон ҳарбий округи тасарруфидаги барча ҳарбий қисмларни Ўзбекистон Республикасининг тасарруфига ўтказиб, қисқа вақт мобайнида миллий профессионал армияни шакллантирди. Бу, ўз навбатида барча ўзбекистонликларнинг манфаатларини ҳимоялаш йўлида қўйилган шаҳдам қадам ҳисобланади.

Иккинчи навбатда, мамлакат аҳолисининг фуқаролик позициясини шакллантиришга эътибор қаратиб, жамиятда миллий ифтихор ва миллий ғурур ҳиссини шакллантириш лозим бўлди. Ислом Каримов бу йўналишда миллий қаҳрамонлар ва саркардаларнинг фаолиятини ўрганиб, уларнинг жасорати ва ҳаёт - фаолиятини оммавийлаштириш лозимлигини кўрсатиб ўтди. Натижада Нажмиддин Кубро, Амир Темур каби ватанпарвар-саркардаларнинг маънавий жасорати тарғиб этилди. Бундан кўзланган мақсад мамлакат аҳолисида мудофаавий онгини шакллантиришдан иборат эди. Чунки, тинчлик ва барқарорлик фаолиятини асосини мазкур тушунчаларни нафақат семантик жиҳатдан англаш, балки уларни таркибий қисмлари ва амалий функциясини билиш талаб этилади.

Назарий жиҳатдан барқарорликни таъминлаш ҳар бир давлатнинг муҳим стратегик вазифаларидан бири ҳисобланиб, давлат ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаш билан бирга ижтимоий институтлар фаолиятини такомиллаштиради, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялайди, миллий сиёсатни ишлаб чиқади, барқарор экологик вазиятни сақлаб туради, бозор муносабатлари механизмини такомиллаштиради, иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўяди.

Юртимизда аҳолининг тинч-осуда ҳаёт кечириши учун барча имкониятларни яратиш ва шу аснода ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган барқарорликни таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Инсон манфаатларини ҳимоялаш ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий институтларнинг зиммасида экан, ҳар бир институт бу

---

[1] Давлат ва ҳуқуқ асослари. - Тошкент: Шарқ, 2002. 12 – 13 бетлар.

[2] Ёвуз кучлар халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди. Ўзбекистон телевидениеси учун берилган интервью, 2004 йил 29 март.

[3] Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1998., Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2002.

вазифани ўзининг қамрови доирасида бажариши фуқаролик жамиятини барпо этишда амалий аҳамият касб этади.

Мудофаани таъминлаш ҳар бир давлатнинг стратегик вазифаси ҳисобланиб, сиёсий институт сифатида давлат ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий институтлар фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, миллий сиёсатни ишлаб чиқиш, аниқ сиёсий маконда барқарор вазиятни сақлаб туриш, бозор муносабатлари механизмини такомиллаштириш, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳамкорликларни йўлга қўйиш кабиларни амалга оширади. Ш.М.Мирзиёев Олий мажлиснинг Қонунчилик ва Сенати билан ўтказилган қўшма мажлисида миллий тараққиётимизнинг таъминлаш йўлида амалга ошириладиган олтита муҳим вазифани кўрсатиб, Қуролли кучларимизни мустаҳкамлаш лозимлигини ҳам кўрсатиб ўтган[1].

Давлат бош ислоҳотчи сифатида регулятив функциясини бажариш доирасида мудофаани таъминлайди. Шу ўринда давлат тушунчасига нисбатан қуйидаги қарашни келтириб ўтиш жоиздир. Давлат, жамиятнинг эволюцион тараққиётининг маданий маҳсули бўлиб, инсоний фаолият камолотининг юқори босқичида шаклланган маданий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, ҳарбий ва бошқа қонуниятларни бирлашуви натижасида пайдо бўлган. Давлат, ўзида мураккаб ижтимоий-маданий тузилмага хос хусусиятларни расман ифода этиб, сиёсий белги ва сифатларни акс эттиради.

Давлат ўз фаолиятини йўлга қўяр экан, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва шу каби йўналишлар қаторида ҳарбий ёки мудофаавий йўналишда ҳам тегишли тартибда ўз фаолиятини йўлга қўймоғи лозимки, мазкур жиҳат давлатнинг барқарорлиги, мавжуд бўлиши ҳамда кейинги тараққиётида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ёндашув асосида Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб мудофаа йўналишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 125-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади”-деб қайд этилган.

Тинчлик ва барқарорликнинг асосий вазифаси – аниқ сиёсий маконнинг яхлитлигини, умумий тузилишини, фаолиятини таъминлашдан иборат бўлса, Ислом Каримовни тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида кўрсатилган хизматлари эътироф учун намуна, таълим-тарбия учун ибрат ҳисобланади.

ИСЛОМ КАРИМОВ – ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ТАШАББУСКОРИ ВА АСОСЧИСИ

Муҳамедов Ҳ.М. - ю.ф.н. профессор в.б., ТДЮУ

XX асрнинг охирларида буюк мутафаккир ва йирик давлат арбоби Ислом Каримов мустабид ва тоталитар тузум ҳукм сурган, жамиятда тобелик ва мутелик туйғулари чуқур илдиз отган, инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама поймол қилинган, мустамлака зулми авжига чиққан таҳликали бир даврда миллионлаб кишиларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариб, Ўзбекистонни мустақил ва суверен давлат деб эълон қилган жасур ва мард инсон, буюк миллатнинг ҳақиқий қаҳрамони сифатида тарих саҳифасига чиқди. Шахсан унинг ташаббуси ва саъи-ҳаракати билан ўзбек халқининг бир асрдан ортиқ орзуси ушалди, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустақил, суверен республика деб эълон қилинди.

Истиқлол қўлга киритилгач, мамлакат олдида ўз тараққиёт йўлини белгилаш, янги жамият қуриш, давлат-ҳуқуқий тизимини ишлаб чиқиш каби улкан вазифалар кўндаланг бўлди. Худди шундай тарихий вазиятда Биринчи Президент И.А.Каримов томонидан янги ижтимоий тузумга ўтишнинг пухта ва ҳар томонлама исботланган қоидалари ишлаб

[1] Выступление Пример-министра Руспублики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева на совместном заседании Законодальной палаты и Сената Олий мажлиса // Народное слово. 9 сентября. 2016 г., №179 (6584).

чиқилди. Айнан унинг изланишлари ва матонати билан Ўзбекистонга иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиланишнинг улкан истиқболлари очилди. Унинг ўз сўзлари билан айтганда, "Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, "ўзбек модели" деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмуни – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир"[1].

Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ "Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир" – деб башорат қилган эди[2]. У шу тариқа Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини асослаб кўрсатиб берар экан, – "Барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш провард мақсад бўлиб қолиши керак",– деб кўрсатган эди[3].

Шу тариқа, Ислом Каримовнинг дастлабки асарларидаёқ мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ғояси илгари сурилди. Ушбу ғоя кўп асрлик ҳуқуқий тарихимиз ва маданиятимизнинг маҳсули бўлган ва муаллифи шахсан Биринчи Президент ҳисобланган 1992 йилги Конституциянинг бутун мазмун-моҳиятига сингдириб юборилди. Жумладан, Конституциянинг "Муқаддимаси"даёқ унинг асосий мақсади "инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш" эканлиги алоҳида таъкидланди, 1-моддасида эса "Ўзбекистон – суверен демократик республика" деб эълон қилинди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, айнан Ислом Каримов ташаббуси билан ва бевосита раҳбарлиги остида ишлаб чиқилган Конституцияда давлатимизнинг демократик йўлдан ривожланишининг стратегик йўналишлари белгилаб олинди. Бунда бутун ҳокимият халққа тегишли эканлиги, унинг иродаси асосида амалга оширилиши, шахс ва жамият манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлиги, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг халқаро ҳуқуқ андозаларига мос равишда белгиланиши ва кафолатланиши, давлатнинг асосий муассасалари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг бевосита халқ томонидан сайлаб қўйилиши ва бошқа шу каби қатор демократик принциплар ўрнатилди.

Ислом Каримов мамлакат раҳбари сифатида ўз фаолиятининг бошидан то умрининг охирги кунларигача демократик ҳуқуқий давлатнинг энг асосий белгиси ҳисобланган **ҳуқуқнинг ҳукмронлигини** ўрнатишга ҳаракат қилди. Бу унинг бошчилигида давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётининг барча томонлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги ва давлат ўзининг бутун фаолиятида ҳуқуққа бўйсунганлиги билан изоҳланади.

---

[1] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И.Каримов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 3-4.

[2] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.43.

[3] Каримов И.А. Ўша асар. – Б.38.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, суверен Ўзбекистоннинг мустақил ҳуқуқий тизими шахсан Ислом Каримов бошчилиги ва раҳнамолигида яратилди. Бунда биринчи навбатда мамлакатимиз Конституциясини яратишга асосий эътибор қаратилиб, мазкур ишга ҳам бевосита Ислом Каримов раҳбарлик қилди. Унинг раислигидаги махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган Конституция сиёсий, юридик ва халқаро аҳамиятга эга бўлган Асосий Қонун сифатида мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос "паспорти", инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг демократик ҳужжати, инсонпарвар, адолатли, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг стратегик дастури бўлиб қолди. Мазкур Конституция асосида Ўзбекистоннинг ҳамма соҳаларга оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, изчиллик ва якдиллик билан ҳаётга тадбиқ қилинди. Тарихан қисқа муддатда суверен Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларни ҳуқуқий мустаҳкамлайдиган, янгича ижтимоий муносабатларни шакллантирадиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладиган қонунлар яратилди.

Ҳуқуқий давлатни **Конституция ва қонуннинг устувор ва мустаҳкам нуфузга эга бўлиши**сиз тасаввур қилиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрлар ҳам шахсан Ислом Каримовга тегишлидир. "Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси – деган эди у – барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади"[1]. Унинг кўрсатишича, барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатларининг ҳимоя қилинишини ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлаш ҳуқуқий давлатни барпо этишда асосий омил бўлиб ҳисобланади[2]. Дарҳақиқат, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлат ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш бу чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг асосий мақсади, энг муҳим воситаси ва шарти, деб ҳисоблаган.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан яна бири **давлат ва фуқаронинг ўзаро масъуллиги** принципи бўлиб, бу ҳақда Ислом Каримов ўз асарларида қайта-қайта эслатиб ўтарди. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ эълон қилинган "Ўзбекистон – келажаги буюк давлат" деб номланган машҳур асарида у қуйидагиларни ёзганди: "Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим"[3]. Ислом Каримов барча давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг мазкур принципга оғишмай амал қилиши лозимлигини талаб қиларди. Буни унинг халқ вакилларига, яъни Олий Мажлис депутатларига қарата қилган қуйидаги мурожаати ҳам яққол тасдиқлайди: "Мен сизлардан фақат бир нарсани илтимос қилмоқчиман: кўпроқ одамлар орасида бўлинглар, халқнинг турмушидан, ҳол-аҳволидан хабар олиб туринглар. Айниқса, муҳтожларнинг, етим-есир, бева-бечораларнинг, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммолари Наврўз ёки Ҳайит кунларидагина эмас, доимий эътиборингизда бўлсин"[4]. Холбуки, Ўзбекистонда давлатнинг халқ иродасини ифода этиши, инсон манфаатларига хизмат қилиши, давлат

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.– Б. 85.
[2] Ўша жойда. – Б. 44.
[3] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.– Б.85.
[4] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.85.

ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши, давлатнинг ташқи сиёсий йўли ҳам халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадига қаратилганлиги, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари ҳам бевосита Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси бўлган. Айниқса, у давлатнинг энг биринчи вазифаси халқ иродасини ифода этиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга хизмат қилиш эканлигини доимо таъкидларди: "Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади..."[1]. Буюк давлат арбобининг ушбу ғоялари Конституциямизнинг бутун мазмун-моҳиятига сингдириб юборилди. Хусусан, унда фуқаролар манфаатининг ҳамма нарсадан устунлиги асосий принцип сифатида белгиланиб, қонуний мустаҳкамланди. Жумладан, Конституциямизнинг 2-моддаси буни қуйидагича белгилади: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар"[2].

Ислом Каримов Конституциянинг юқоридаги меъёрларини ҳаётга тадбиқ этилишига ҳам жиддий эътибор қаратди. Хусусан, у барча давлат органлари ва мансабдор шахсларга алоҳида топшириқ сифатида қуйидагича кўрсатмалар берганди: "Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қоидани ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат этиши шарт"[3]. Конституцияга биноан, давлат қонун доирасида инсонлар учун, уларнинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга масъулдир. Шу боисдан давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатлари, хоҳиш-истакларига хизмат қилмоғи лозим. Айни пайтда ҳуқуқий давлат шароитида фуқаро ҳам давлат олдида маълум даражадаги масъулиятга эга бўлади. Масалан, "барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларни бажарадилар" (47-модда), "фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга" (48-модда), "атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга" (50-модда), "қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга" (51-модда), давлатни ҳимоя қилишга, "қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизмат ўташга" мажбурдирлар (52-модда). Шуни назарда тутиш керакки, фуқароларнинг мажбуриятлари жамият, давлат ва барча фуқароларнинг ўз манфаатлари йўлида амалга оширилади. Ҳар бир фуқаро ўз мажбуриятларини виждонан ўташ орқали бошқа инсонларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошишига кўмаклашаётганини англаб етиши лозим.

Демак, кўриб турганимиздек, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий мезонларидан бири – давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулиятининг конституциявий тарзда расмийлаштирилиши Ислом Каримовнинг ташаббуси ва талаби бўлган. Умум эътироф этилган ва тан олинган қарашларга биноан демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим омилларидан бири бу – **ҳокимият органларининг қонуний (легитим) тарзда ташкил этилиши ва халқ назорати остида амалга оширилишидир.** Шу сабабли Ўзбекистонда Ислом Каримов бошчилигида тарихда биринчи марта Конституция ва қонун бўйича мустақил давлат ҳокимияти органлари ташкил этилди. Зеро, ҳар қандай ҳокимият қонуний деб эътироф этилиши учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт: демократик сайловлар йўли билан шакллантирилган бўлиши; самарали фаолият юритиб, жамиятда барқарорлик ва қатъий тартибни таъминлаши; ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам халқаро миқёсда тан олиниши. Дарҳақиқат, Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда худди шундай тарихий воқелик юз берди.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.84.
[2] Ўзбекистон Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2015. – 76 бет.
[3] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 17-бет.

Конституциямизда ҳуқуқий давлатга хос ушбу белгилар тўлиқ ва аниқ ўз аксини топди. Унинг V бўлими "Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши" қоидаларини белгилади. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис халқ вакиллик органи бўлиб, қонун чиқариш ҳокимиятини амалга оширади. Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. (10-модда). Мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг демократик сайловлар йўли билан ташкил этилишининг конституциявий-ҳуқуқий тартиби ўрнатилган. Ислом Каримов бу ҳақда қуйидагиларни кўрсатганди: "Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи учта мезон бор. Булар – халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир"[1]. Ҳозирги кунда Ўзбекистонни дунёдаги барча ривожланган ва демократик ривожланиш йўлидаги давлатлар расман тан олганлиги, мамлакатда давлат ҳокимияти органларига сайловларда ва умумхалқ референдумларида халқнинг фаол иштирок этаётганлиги жамиятда ҳокимият органларининг қонуний (легитим) тарзда ташкил этилиб, халқ назорати остида амалга оширилаётганлигидан, давлат ҳокимиятининг мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам тўла тан олинганлигидан далолатдир.

Ислом Каримов демократик ҳуқуқий давлатнинг энг асосий белгиларидан бири ҳисобланган жамиятда **инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, уларнинг ҳимоя қилиниши ва таъминланишини** доимий устувор вазифа сифатида илгари сурган. Зотан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан тегишли бўлиб, улар инсондан ажралмасдир. Бунда гап, энг аввало, инсоннинг яшаш, эркинлик, дахлсизлик ва хавфсизликка эга бўлиш ҳуқуқлари ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида бормоқда. Конституциямизга Ислом Каримов ғояси билан киритилган устувор тамойиллардан бири шундан иборатки, "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади" (Конституциянинг 13-моддаси). Ўзбекистон Конституциясининг энг катта қисми – иккинчи бўлими "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари"ни мустаҳкамлайди. Унда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча асосий меъёрлари ўз аксини топган. Шу тариқа, Конституцияда жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи "инсон" эканлиги ёркин мужассамлаштирилди. Инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айлантирилди.

Жаҳон мамлакатлари давлатчилик тажрибасидан маълумки, демокра-тик ҳуқуқий давлатга хос жиҳатлардан яна бири – бу **ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши принципи** ҳисобланади. Ислом Каримов ушбу принципни мамлакатимиз давлат қурилишига тадбиқ қилинишида ва мустаҳкамланишида асосий ўрин тутиб, амалда бунга ўзи бошчилик қилди. Хусусан, у "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" деб номланган китобида: "... Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини давлат идораларининг тузилишини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти ҳамда маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириши мумкин"[2] – деб таъкидлаган эди. Ислом Каримов ҳокимиятлар тақсимланиши ҳақидаги фикрини давом эттириб, "Ўзбекистон – келажаги буюк давлат" деган асарида қуйидагича кўрсатмалар берганди: "Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти –

[1] Каримов И.А.Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 156-157-бетлар.
[2] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.43.

давлатнинг учта асосий таянчидир”[1]. Шу тарзда, унинг ғояси ва кўрсатмаси асосида Ўзбекистон Конституциясининг 11-моддаси яратилди. Унга биноан “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”, – деб мустаҳкамланди. Зеро, Конституциямизга шундай норманинг киритилиши ва ҳаётга изчиллик билан тадбиқ қилиниши оқибатида мамлакатимизда бирор органнинг ёки алоҳида давлат раҳбарининг кучли диктатураси ўрнатилишига йўл қўйилмади. Шунингдек, тегишли давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, вазифалари аниқ бўлиши таъминланди, бир органнинг иккинчи орган ишларига аралашувига барҳам берилди, бошқариш соҳасида чалкашликлар келиб чиқиши олди олинди ва ҳоказо. Натижада Ислом Каримовнинг давлатга 26 йилдан ортиқ раҳбарлиги мобайнида ва хозирги кунда ҳам ҳокимият органларининг ўзаро келишиб, бир-бирини назорат қилиб, уйғунлашиб ишлашлари таъминланди.

Шундай қилиб, юксак эҳтиром ва чексиз ғурур билан айтиш мумкинки, Конституциямиз мамлакатимизда буюк тарихий шахс ва йирик давлат арбоби Ислом Каримов асос солган ва бошлаб берган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАРИХ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА

Ғаффаров Ш.С. - т.ф.д., профессор, СамДТИ
Акбаева З.Дж. - ўқитувчи, СамДУ

Маълумки, халқимиз шу кунга етиб келгунига не-не машақатлар қийинчиликларни бошидан кечирмади. Қанча-қанча буюк зотлар бу йўлда юртимиз учун, жонажон диёримиз учун жон фидо қилдилар. Шуни айтиш керакки, уларнинг сиймоси хамиша халқимиз хотирасида абадул-абад мангу қолади. У Жалолиддин Мангуберди бўладими, Нажмиддин Кубро бўладими, Амир Темур бўладими, балки Абдулла Авлонийдир, ҳеч ким рад эта олмайдики, уларнинг қони доимо бизнинг қайноқ томирларимизда оқиб турибди. Бизлар уларнинг давлатимиз олдидаги хизматлари, саъйи-харакатлари учун нафақат миннатдормиз, балки қанча шарафласак, улуғласак кам. Шундай буюк инсонлардан бири мустақил Ўзбекистон Республикаси асосчиси, халқимизнинг чинакам отаси Ислом Каримовдир. Дарҳақиқат, бу зот элим деб яшаб, Ўзбекистонни тараққиёт йўли олиб чиқа олган ва бу йўлда аниқ бир йўналишни бошлаб берган қаҳрамондир. Шунингдек, Ислом Каримов ўзбек халқини бирлаштирган, халқнинг қалбида келажакка ишонч уйғотган, ягона мақсад ва ягона интилиши билан яшашга ундаган эркинлик ва озодлигимизни ҳеч кимга бермай яшашга даъват этган давлат бошлиғи эди.

Ислом Каримов республика раҳбари бўлиб фаолият бошлаши билан фалсафа, тарих, айниқса Ватан тарихини ўрганиш, унинг услубиятига “оқ доғлар”га доир масалалар фаол муҳокама этила бошланди. Ижтимоий-гуманитар фанларда жамият ва шахс масалалари, маданий мерос, тил муаммолари каби масалаларни хал этишга интилиши юзага келди. Бу масалаларга бағишланган қарорлар, илмий, айниқса, публистик мақолалар газета ва журналлар саҳифаларида чоп этилди. Бироқ коммунистик мафкура якка ҳокимлиги шароитида мазкур масалаларни тўлиқ ҳал этиш мумкин эмас эди.

Собиқ совет тузум миллий ўзликни англаш жараёнига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатар, жамиятдаги мавжуд зиддиятлар нуқсонлар, иллатлар аслида мустабид совет тузуми, коммунистик мафкура яккахонлиги туфайли юзага келаётганини яширишга, ниқоблашга уринар эди. Бу борада Президентимиз Шакат Мирзиёев: “Замонавий Ўзбекистоннинг тарихи - бу мамалакатимизнинг ҳақиқий мустақилликка эришиши йўлида

[1] Ўша асар. – Б.86.

Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир” [4, 4 б], деб таъкидлайди.

Ислом Каримов қилган буюк ишлар, хусусан республикамиз собиқ иттифоқ даврида ўзининг барча етиштирилган пахта хосилининг аксарият ҳажмини текинга беришидан, олтин, қимматбаҳо ва рангли металлар, стратегик аҳамиятга эга бўлган материаллар, жаҳон бозорида ўта харидоргир бўлган бошқа қимматбаҳо махсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келадиган фойда Ўзбекистон хазинасига тушмасдан бошқалар ҳисобига ўтиб кетишига қарамасдан, юртимизни асраб қолганлиги, шулар жумласидандир. Унинг ҳар бир қилган иши келажакни кўзлаган, демократик давлат, эркин ва озод ҳаётни қуриш, энг асосийси, тинчлик ва барқарор осойишталикни таъминлашдан иборат бўлди.

Мустақилликка эришгач, халқнинг ўз Ватанини, унинг тили, маданияти, қадриятлари, ўтимишини билишга қизиқиши ортади. Табайки, ҳар бир инсон ўз келиб чиқишини, аждодлари кимлар эканини, ўзи туғилиб ўсган қишлоғи тарихини, бир сўз билан айтганда, Ватани тарихини билишни истайди. Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистон, деб аталмиш юрт фақат шарқнинг эмас, балки жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлганлигини тан олмоқда. Бу қадам ва муқаддас тўпроқ буюк олимлар, мутафаккирлар, сиёсатчилар, саркардаларни етиштирган, дунёда бундай бой меросга эга бўлган халқлар унчалик кўп эмас.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида келтирилишича “...аждодларимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибасини акс эттирган нодир қўлёзмаларни уларнинг диний, маънавий-маърифий, илмий қарашларини жамлаган ёдгорликларни жиддий ўрганиш лозимдир”. [1, 19 б.]
И.А.Каримов ушбу асарида қуйидаги муҳим мафкуравий ғояларни илгари сурган эдилар.

Мамлакатимиз коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида бутун маънавиятимиз миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз топталганлиги, тарихимиз, миллий давлатчилик тарихи бузиб кўрсатилганлигини, давлатчилигимиз туб бурилиш палласига кирган айни бир пайтда ўзимизнинг замон ва маконда ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабамизни, қимлигимизни билишимиз кераклигини; комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси эканлигини; жамият тараққиётининг асоси, уни мураккаб ҳалокатдан қутқариб қола оладиган ягона куч-маърифат эканлигини, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланишини; Тарихий хотираси бор инсон иродали инсон, уни йўлидан уриши мумкин эмаслигини. Тарих қадимийлигини, бундан 3 минг йил аввал “Авесто” бизнинг заминимизда яратилганлигини; миллий бирлигимиз, маданиятимиз илдизлари, томири ўтроқ бўлгани, “ўзбек” деган ном Шайбонийхон давридан эмас, балки қадимий миллат бўлиб шаклланганлигини, ўзбек том маънода бунёдкорлиги баён қилинган.

Шунингдек, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон тарихини сохталаштирувчи чет эл мутахассисларини кескин танқид остига олган ҳолда, 1924 йилгача Ўзбекистонда давлатчилик мавжуд бўлмаган ва ўзбеклар хуннларнинг авлоди эканини таъкидловчиларни, Амир Темурнинг обрў-эътиборини пасайтирувчи, уни буюк саркарда, лекин қонхўр хукмдор, деб хисобловчи сохта тарих яратувчиларни Ўзбекистон тарихини чуқур билмасликда айблаб, аксинча тарихни холисона, ҳаққоний, танқидий нуқтаи назардан ўрганиш лозимлигини долзарб вазифа сифатида қўяди. Ўзбекистоннинг обрўсини юксалтириш ҳақида сўз борар экан, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур каби буюк алломалар ва тарихий шахслар маънавий мероси ва давлатчилик ривожланишига қўшган буюк ҳиссасини эътироф этиш лозимдир. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида ҳар бир халқ ўз тарихини асраши ва ҳимоя қилиши лозимлигини таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов “Она юртимиз бахту иқболи ва келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли асарида бугунги раҳбарнинг маънавий-аҳлоқий фазилатларига алоҳида тўхталиб “Эл – юрт ишончига муносиб бўлиб, олдимизда турган буюк мақсадлар учун, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обруси ва нуфузини юксалтириш йўлида ўзини бахшида қилиш, вақти келганда, Ватанимизни янада равнақ топтиришда менинг ҳам қўшган ҳиссам бор, деб мамнун бўлиб, рози бўлиб яшаш – бу чинакам бахтдир” [2, 207 б.] деб таъкидлаган эдилар.

И.А.Каримовнинг маънавият масалаларини кенг таҳлил этиш, унинг асосий тамойилларини бугунги мураккаб технология жараёнига татбиқ этиш борасидаги хизматлари ҳақида гапирар эканмиз, аввало ижтимоий-гуманитар фанлар тараққиётига қўшган назарий хулосаларидан бири – маънавиятнинг ижтимоий илдизлари, унинг фақат инсонгагина хослиги жамият тараққиётидаги беқиёс аҳамияти ҳақидаги назарияни таъкидлаб ўтиш жоиз.

И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” номли асари Биринчи Президентимизнинг шу пайтгача билдирган маънавият тўғрисидаги фикрларини тўлдирибгина қолмасдан, уларни илмий-назарий қоидалар ва хулосалар билан бойитди.

Асар бугунги куни зарурияти туфайли дунёга келди. “Дунёдаги зўровон ва тажовузкор кучлар айрим халқларнинг энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга қаратилаётган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарларга айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин”[3,11-12.] бўлган бир пайтда бу асарни аҳамияти ниҳоятда катта бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “Ислом Каримов миллатнинг ҳақиқий етакчиси сифатида она халқни гўзал ва бетакрор Ўзбекистонни жонидан ҳам ортиқ севар, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни ўз ҳаётининг бош мақсади, деб билар эдилар. У киши ўзининг “Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак” деган ғоясига бир умр амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратдилар”. [4, 9 б.]

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., Ўзбекистон, 1998, 19- бет.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т., “Ўзбекистон”, 2015, 207-бет.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, 11-12 бетлар.
4. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017, 9- бет.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ: ҚАРАМЛИКДАН МУСТАҚИЛЛИККА

Саидов М.Ҳ. -ТошДАУ и.ф.д., профессор

Мадалиев А.А.- ТошДАУ иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Мустақил Ўзбекистон халқи ўзининг қисқа муддатли тарихида эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда айнан Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи ва унинг фаолияти билан боғлайди ва шу буюк инсоннинг беқиёс хизматлари сифатида эътироф этадилар.

Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган ривожланишнинг ҳар томонлама асосланган мезонлари асосида айнан қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали ютуқларга эришилди. Мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган барча ҳуқуқий асослар яратилди. Хусусан, “Мулкчилик тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги

қонунлари ҳамда “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда шу каби кўплаб Президент Фармонлари ва қарорлари тадрижий равишда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий мезонларини белгилаб беришда зарур ҳужжатлар жумласига киради.

Президент Ислом Каримов қабул қилган дастлабки қарорлардан бири – бу қишлоқ аҳолисига 700 минг гектардан зиёд томорқа ер бериш тўғрисида эди. 1989-90 йилларда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага суғориладиган ер қўшимча томорқа сифатида берилгани, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар, оқилона тадбирлар натижасида 1,5 миллион оила ўз томорқа ерларини кенгайтириш, 500 мингдан ортиғи янги томорқа олиш имкониятига эга бўлиб, ўртача 10 миллиондан зиёд қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муаммоси ижобий ҳал этилди.

Ўзбекистонда умумий экин майдонлари 4160 минг гектарни ташкил этиб, унинг 95 фоиздан ортиғи жамоа ва давлат хўжаликлари ихтиёрида эди. Мавжуд 4160 минг гектар экин майдонининг бор-йўғи 125,8 минг гектар ёки 3 фоизигина шахсий томорқа хўжаликлари ихтиёрида бўлган.

Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакат суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш ва уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди: Ерга мулкчилик масаласи тубдан ҳал этилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги белгилаб қўйилди. Ерга муносабат масаласини ҳал этишда деҳқоннинг хўжайинлик ҳиссини қайта тиклаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республика Президентининг 2003 йил 24 мартда «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони [7] қабул қилинган эди. Фармонда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат эканлиги таъкидланган:

-мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларига асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш;

-қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш;

-қишлоқда асосий ишлаб чиқариш бўғини ҳисобланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия, банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини ушбу мақсадга бўйсиндириш;

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ўсиши фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Чунки фермер хўжалиги хўжалик юритишнинг янги, илғор шакли сифатида хўжаликни мустақил бошқариш ва унинг фаолияти учун тўлиқ иқтисодий жавобгарликка эга.

Фермер хўжаликларини янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрда «Фермер хўжаликларини 2004-2006 йилларда ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони [8] Ушбу йўналиш фермер хўжаликларини ривожлантириш учун ер-сув муносабатлари ва молия-кредит

механизмини такомиллаштириш, фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва сервис ҳамда ҳуқуқий хизматлар соҳасини ривожлантириш, шунингдек, маҳсулот тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини ҳамда меҳнат муносабатлари ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини кўзда тутади.

Фермерлик ҳаракатига устувор аҳамият қаратилиб, қишлоқда мулкдорлар синфини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган аграр сиёсат самарасида 2000-2015 йилларда фермер хўжаликларида дон етиштириш 10 баробарга яқин, картошка 13 баробар, мева 26 баробар, узум 20 баробардан зиёд ошди. Ушбу соҳада инсон омилининг фаоллашуви натижасида ердан унумли фойдаланиш, экинларнинг ҳосилдорлиги, умуман, қишлоқ хўжалиги самарадорлигига эришилмоқда. Фермер хўжаликларида бир тонна пахта ҳосили учун ўғит аввалги жамоа хўжаликларидагига нисбатан 1,4 марта, уруғлик 1,9 марта, ёнилғи-мойлаш материаллари 2,1 марта кам сарфлангани ҳолда, ҳосилдорлик 1,4 марта юқори бўлаётганлиги Республикамиз олдига қўйилаётган улкан вазифаларни амалга ошириш имконияти ниҳоятда асосли эканлигидан далолат беради [5].

“Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Юртимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда” [1], – деган эди биринчи Президент Ислом Каримов.

Фермерлар фаолиятининг иқтисодий моҳияти самарадорликка эришаётганлиги билан тавсифланади. Самарадорлик даражаси уларнинг техник ва иқтисодий ривожланишига боғлиқ. Бунинг натижасида унинг тузилиши яхшиланади: меҳнат унумдорлигини ошиши; таннархни камайиши; рентабелликни ошиши; фойдани ошиши; янги техника ва технологияларни жорий этилиши; молиялаштиришнинг аҳамияти каби кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар содир бўлади.

Қишлоқ хўжалигидаги асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:

-амалдаги қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар, маҳсулотларни қайта ишловчи саноат корхоналарининг баҳоси, уларнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш (инсоний, физик, техник, маъмурий ва бошқарув);

-ҳудуддаги субъектларнинг, шахсий сектор ва фермерликни ривожланишидаги таъсири ва роли;

-деҳқон ва фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи корхоналар, таъминотчилар, истеъмолчилар билан ўзаро мувофиқлаштириш механизмларини яратиш ва ижро назоратини ўрнатиш;

-янги сиёсат ва янги эҳтиёжлар учун зарурий ишларни амалга ошириш;

Олдинда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ана шундай муаммолари мавжуд экан, буларни ҳал этишда бошқарув тизимини эркинлаштириш ва инсон омилини фаоллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги субъектлари ва у билан алоқадор соҳаларнинг барчаси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида ўзининг роли, таъсир этиши, ҳиссаси бўйича ўзларининг перспектив йўналишларини белгилаб олиши ва шулар асосида агросаноатни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилиши муҳим масаладир.

Ислом Каримов “Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа – қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорларнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир” - дейди. [2]

Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш, қишлоқ ва посёлкаларнинг ободонлигини, аҳоли яшаши учун барча қулай шароитларни яратилиши, маданий-маиший, спорт ва соғломлаштириш муассасаларининг етарли ва талабга жавоб беришлиги, аҳолини типовой лойиҳали қулай ва шинам уй-жойларга эга бўлишлигини таъминлаш, қишлоқларнинг чирой ва жозибадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик ерларининг хусусиятини йўқотмаслик, унинг банитетини ошириб бориш, дунё бозорларининг талабларига жавоб берадиган пахта ва бошқа экин навларини яратиш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширувчи омилларни ишлаб чиқиш, меҳнат, моддий, сув ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш, қишлоқ аҳолисини тўлалигича иш билан таъминлаш, маҳсулотларни юқори сифат даражасида қайта ишлаш учун замонавий технологияли саноат корхоналари барпо этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун малакали кадрлар тайёрлаш каби масалалар ўрин олиши керак.

Агросаноатда ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати жадал ривожланмоқда. Ислом Каримов “Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди” - дейди.[3]

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхонларнинг кўрсатадиган хизматлари фермерларнинг фаолият талабларига мослашган хизмат кўрсатиш тармоғи шаклланган бўлиши керак. Шу ўринда Хитойда ўтган асрнинг 70- йилларида тўртта модернизация дастури ишлаб чиқилди ва амал қилмоқда: қишлоқ хўжалиги, саноат, ҳарбий кучлар, фан ва техника. Асосий бош йўналиш сифатида қишлоқ хўжалигига эътибор қаратилди. Қишлоқда қишлоқ хўжалиги ва саноат фаолиятидаги интеграцион жараёнлар, саноат ва савдо корхоналарининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги кооперативлар ва давлат хўжаликлари билан фаолиятининг бирлашуви кўп муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқда [4]. Ҳозирги даврда Хитой аграр ислоҳотининг асосий йўналиши – кўп каналли қишлоқ капитали бозорининг шаклланиши, қишлоқ кредит кооперацияси тизимини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. 1996 йилдан бошланган қишлоқ хўжалигида кредит кооперативларининг ислоҳ қилиниши уларнинг қишлоқ хўжалигини кредитлаш манбаининг ҳажми бўйича иккинчи ўринга чиқиб олиш имконини берди.

“Қишлоқда пул тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида”ги Хитой Давлат кенгашининг қарорига (1996 й.) биноан кредит кооперативларини ҳақиқий кооператив ташкилотларига айлантириш, уларнинг демократик бошқарувини таъминлаш, ўз-ўзини таъминлашга ўтишдир. Шу билан бир қаторда Хитойда банк тизимининг асосий элементлари сифатида шаҳар ва қишлоқ кооператив банклари тан олинди [5]. Хитой Халқ Республикасининг ушбу тажрибаларини ўрганиш ва уларни Республикамиз қишлоқ хўжалигида ҳам қўллаш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу билан корхоналарнинг интеграцион жараёнларини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигини кредит билан таъминлаш масалаларида ўз ўрнига эга бўлади.

Кооперация ва интеграция жорий қилиниб, унда иштирок этаётган субъектларнинг бўш маблағалари эвазига жамғарма ташкил қилиниб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кредит сифатида фойдаланилса катта самаралар беради. Айниқса маблағга эҳтиёжи бор фермер хўжаликларига кредит бериш, уларни техника, хом-ашё, ўғит билан таъминлаш, тайёрлов ва сотиш хизматларини кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва қайта ишлаш бўйича муҳим вазифаларни бажаради. Бу билан фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг капитал маблағга бўлган талабларини муайян қисмини кооперацияда йиғилган маблағ ҳисобидан қондиради. Бундай усулнинг ўзига хос аҳамияти шундаки, бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш даврида маблағ танқислиги, техника ва таъминот тақчиллиги ва сотиш

шахобчаларининг етарли даражада ривожланмаганлигини ижобий ҳал этишга бир мунча ёрдам беради. Иккинчидан, бунинг яна бир муҳим томони – улар қишлоқда қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш, ишсиз аҳолини фойдали иш билан таъминлашга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини шакллантиришга кўмаклашади ва унда рақобат мухитини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарори [9] қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, экин майдонлари таркибини мақбуллаштириш, қишлок хўжалиги экинлари етиштиришга янги илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳисобидан бебаҳо ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги ҳамда молиявий барқарорлигини ошириш, тармоқнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилган.

Ушбу қарор Республикада қишлоқ хўжалигини барча чоралар билан ривожлантириш учун дастуриламал манба бўлиб ҳисобланади. Бунда 2016-2020 йилларда суғориладиган ерларда пахта экин майдонлари ва ялпи пахта хомашёси ҳосили, шунингдек бошоқли дон экинлари майдонларини мақбуллаштириш, 2020 йилга бориб ғўза ва бошоқли дон экинларидан бўшайдиган суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришнинг мақсадли параметрлари ишлаб чиқилди. Шунингдек ушбу даврда деҳқончиликни комплекс ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилигини янада яхшилаш, илғор интенсив агротехнологияларни, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш усулларини жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар, чорва ва паррандалар сонини, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, наслдор чорвачилик хўжаликларини ташкил этиш прогноз параметрлари ишлаб чиқилди.

Ислом Каримов мустақил Республикамизнинг биринчи Президенти сифатида жуда мураккаб ва шонли йўлни босиб ўтди. Мустақилликнинг дастлабки даврларида вужудга келган иқтисодий қийинчиликлар бухронидан Республика аҳолисини оқилона олиб чиқди. Уни чин маънода давлатчилик ва тараққиётимизнинг меъмори десак муболаға бўлмайди. Шуни ҳам алоҳида такидламоқ жоизки, у халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратиб келди. Йиллар давомида унинг ривожланиш мароми вужудга келтирилди. Унинг раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини барқарор ва жадал ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди.

Адабиётлар

1. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.–21-22 б.
2. Каримов И.Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 41- б.
3. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 31- б.
4. Петраиева Г.А. и др. Кооперация и агропромышленная интеграция АПК. М.: Колос, 2005 г.
5. Ткан А.В. Сельскохозяйственная кооперация. Уч. Пособие.–М.: 2003 г.
6. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси бюллетени, 2016 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-2003. - 4-сон. - 2-б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрда «Фермер хўжаликларини 2004-2006 йилларда ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2003 йил 28 октябрь.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарори. Халқ сўзи, 2015 йил, 30 декабрь.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ “ОНА ЮРТИМИЗ БАХТУ ИҚБОЛИ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ЭНГ ОЛИЙ САОДАТДИР” АСАРИДА СПОРТ - ТАРБИЯ ОМИЛИ ЭКАНЛИГИНИНГ АСОСЛАНИШИ

Исмаилов К.К., Юлдашева С.М. - ТошФИ

“Фикр тарбияси учун мустаҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур”-деб ёзган эди Абдулла Авлоний[1]. Дархақиқат, ақлий соғломлик жисмоний соғломлик билан уйғунлашсагина инсон тўла баркамоликка эришиш имкониятига эга бўлади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда спортни, айниқса болалар спортини ривожлантиришга эътибор қаратиш мазмунан янги, сифат жиҳатидан юксак босқичга кўтарилди. Зеро, “Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлод бизнинг энг катта бойлигимиз”[2]. 2002 йилда Ўзбекистон Биринчи Президентининг ташаббуси билан “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди.

2003-йил 4-ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Унга асосан, Ўзтелерадио компанияси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва “Болалар спортини ривожлантириш” жамғармасининг таклифи билан “Спорт” махсус телеканали ташкил этилди. 2004 йилнинг 29 августида Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди. 2004-йил 27-сентябрда Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Болалар спорти таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди. Бу ислоҳотлар бежиз эмас, “Барчамиз бугун чуқур англаб олдик− фақатгина замонавий асосда таълим-тарбия олган, жаҳоннинг манаман деган мамлакатларидаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшлар биз бошлаган ишларни муносиб давом эттириш ва янги босқичга кўтаришга қодир бўлади. Шу сабабли юртимизда янги-янги мактаблар, лицей ва коллежларни, маданият, санъат ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, замонавий талаблар асосида жиҳозлаш ишларига бундан буён ҳам устивор эътибор қаратилади[3]. Маълумотларга кўра, 2003-2008 йиллар давомида “Болалар спортини ривожлантириш” жамғармаси томонидан 897 та спорт объектлари фойдаланишга топширилди. 2008 йилда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 9765 мактабнинг, 5919 таси спорт заллари билан таъминланган бўлиб, 426 та болалар ва ўсмирлар спорт марказлари мавжуд бўлса[4], сўнгги беш йилда мамлакатимизда 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилди ва реконструкция қилинди[5]. Спорт иншоотларини жойлаштиришда қишлоқ жойларга устуворлик берилиб, у ерларда 583 та (82 фоиз) объект барпо этилди[6]. Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланаётгани туфайли уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган

[1] Авлоний Абдулла. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998. −Б. 39.
[2] Каримов Ислом Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015. − 248 бет.
[3] Каримов Ислом Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш ... −255- бет.
[4] ХТВ ҳузуридаги “Болалар спортини ривожлантириш” жамғармаси ҳисоботлари. 2008-йил
[5] Каримов Ислом Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш ... −256- бет.
[6] ХТВ ҳузуридаги “Болалар спортини ривожлантириш” жамғармаси ҳисоботлари. 2008-йил.

асосий мақсад – бўлғуси оналар соғлиғини мустаҳкамлаш ва шу орқали соғлом авлод туғилишига замин тайёрлашдир. Албатта, олиб борилган ислоҳотлар, чора тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. “Эътибор берсангиз, ҳозирги кунда оналар ўз фарзандларини спорт залларига, мусиқа мактабларига етаклаб келмоқда. Фарзандининг ана шу масканларда таълим олиши ва кмол топиши учун вақтини ҳам, маблағини ҳам аямаяпти. Бу Ўзбекистонда илгари кузатилмаган ҳолат. Сизларга айтсам, бу− юртимизда янгича фикрлайдиган авлод пайдо бўлаётганининг ифодаси эмасми?”[1].

“2014 йил мобайнида фақат Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 18 та наъмунавий спорт объекти ва 73 та мактаб спорт зали барпо этилган, 24 та объектда қарийиб 100 миллиард сўмлик реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда 2 миллионга яқин фарзандларимиз, шу жумладан, 840 мингдан ортиқ қиз болалар спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда”[2]. Ўқувчи ва талабалар 3 босқичли спорт ўйинлари -“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Унверсиада”лар тобора оммавий кўлам касб этиб бормоқда.

Сир эмаски, спорт машғулотлари болаларни фақат жисмонан чиниқтирибгина қолмай, балки, шу билан бирга иродасини мустаҳкам, руҳиятини кучли қилади. Мунтазам спорт билан шуғулланадиган болалар ўзига ишонадиган, сабр-матонатли, кучли характер эгалари бўлиб етишадилар. Демак, спорт руҳий, ахлоқий хислатларнинг шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боис, сўнгги йилларда болалар ва ўсмирлар орасида спортга бўлган қизиқиш ортиб, спорт машғулотлари ёш авлод ҳаётидан муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Ёш авлод орасида спортга бўлган қизиқишнинг ортиб, спорт билан шуғулланувчилар сонининг кўпайиб бораётганини ўсмир респондентлар ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари ҳам тасдиқлади. Унга кўра, спортга оид кўрсатувлар энг севимли кўрсатувлардан бири экан (12,9 фоиз)[3]. Бундан ташқари, спорт машғулотларига қатнашиш ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Социологик сўров натижаларига кўра, ўсмир респондентларнинг 37,3 фоизи спортнинг биронта тўгарагига қатнашади. Уч ҳудуд (Наманган, Сурҳондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри) доирасида ўтказилган сўровга кўра, бу борада Наманган вилояти етакчи бўлиб, респондент болаларнинг 42,2 фоизи бирон-бир спорт тўгарагига қатнашишини билдирган[4]. Бунинг сабабини вилоятда спорт саройлари қурилишининг жадал борганлиги ва футбол ишқибозларининг кўплигида, деб билдик.

Ўсмир респондентлардан “Энг севимли машғулотингиз нима?” деб сўралганда ҳам спорт машғулотлари нисбатан севимлироқ машғулот (32,2 фоиз) эканлиги аниқланган. Кейинги ўринда китоб ўқиш (17,3 фоиз), мусиқа тинглаш (8,6 фоиз) ва компьютер (8,2 фоиз) қарийб тенг кўрсаткичга эга бўлди. Турли-туман бошқа машғулотлар (расм чизиш, тикиш, ниманидир тузатиш ва ҳакозо) 33,7 фоизни кўрсатди. Маълумотга кўра, “Истиқол йилларида спорт севар ўқувчилар сони 12 баробарга ошган”.

Спортни ёш авлод тарбиясининг муҳим омили сифатида белгилаш ҳамда бу борада кенг кўламли чора тадбирларнинг қўлланилиши мамлакатда етук спортчиларни етишиб чиқишига замин яратди

Нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари эришаётган ғалабалар тобора кўпайиб бормоқда. 2014 йилда спортчиларимиз 849 та медални қўлга киритди, уларнинг 266 таси олтин медаллардир[5].

Мазкур йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритиб, Марказий Осиё халқлари орасида энг юқори ўринни эгаллашди. Бу ютуқлар албатта Мустақиллик даврида Ўзбекистонда болалар спортига берилган эътибор,

[1] Каримов Ислом Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш ... − 257- бет.
[2] Каримов Ислом Она юртимиз бахту иқболи ... −237- бет.
[3] Социологик сўров натижаси, 2007 йил.
[4] Социологик сўров натижаси, 2007 йил.
[5] Каримов Ислом Она юртимиз бахту иқболи ... − 238 бет.

спортнинг тарбия омили сифатида ёш авлод ҳаётидан муҳим ўрин эгаллаганининг натижасидир.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА И.А.КАРИМОВНИНГ РОЛИ

Ганиев Ж.Ҳ.- ТДМРХОМ "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедраси мудири, т.ф.н.

Юртимизда азалдан таълим–тарбия ва миллий маънавият узвий алоқада бўлиб, инсон камолотида асосий аҳамият касб этганлигини кўришимиз мумкин. Жаннатмакон Ватанимиз инсоният тамаддунининг бешикларидан бири ҳисобланади. Аждодларимиз узоқ ўтмишда ҳам ҳунармандчилик, санъат, қурувчилик, илм-фан, таълим–тарбия соҳаларида улкан натижаларни қўлга киритганлар. Уларнинг инсоният илму фани, аҳлоқий тарбиясига қўшган ҳиссалари бебаҳодир.

Юртимиз ҳудудида азалдан таълим ва тарбияга бир-биридан ажралмас узвий боғлиқ тушунчалар сифатида қаралган. Бунга албатта, ўзига ҳос ижтимоий, сиёсий ва тарихий шарт-шароитлар сабаб бўлган. Асрлар мобанида шаклланган устоз-шогирд тизими, таълим-тарбия ишлари миллий – маънавиятимиз билан ҳамо-ҳанг ҳолда олиб бориши натижасида, у аҳлоқ-одоб нормалари билан бойитилди ва бугунги кун кўрсатиб тургандек тарихда ўзини оқлади.

Жамиятда кечаётган ижтимоий, ҳусусан таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг самарадорлиги унинг фуқаролари эга бўлган маънавиятга боғлиқ. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов жамият ривожланишининг маънавий-ахлоқий негизларини аниқ белгилаб берди. Булар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик[2].

Зеро, жамият ривожланиши фақат унинг иқтисодий тараққиётинигина эмас, балки маънавий юксалишини ҳам тақозо этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари деб номланган қисмида мазкур масалага ойдинлик киритилди: "Мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир"[3].

Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз оғир иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жараёнлари мураккаб ҳолатда кечаётганлига қарамасдан кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш масаласини асосий вазифа сифатида белгилаб берди ҳамда уни амалга оширишда раҳбарлик қилди. И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида бу дастурнинг аҳамиятини шундай таъкидлади: «Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳатларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири - буларнинг барчаси, аввалambор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз»[4].

Миллий-маънавий тикланишимизда ёшларимиз маънавиятини юксак даражага кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил бўлиб, бу йўналишда самарали ишлар амалга оширилмоқда.
И.А.Каримов кадрлар етиштириш аҳамияти ҳусусида: "Энг муҳими, шуни англаб етишимиз керакки, кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, сайи-ҳаракатларимиз кутилган

натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимни ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор” [4].

Фикримиз сўнгида юқоридаги мулоҳазалар асосида қуйидаги ҳулосаларни келтириш мумкин:

– Ўзбек халқининг бой ўтмиши ва унда таълим – тарбиянинг ўрнига Биринчи Президентимизнинг тўғри баҳо бериб, мустақиллкнинг дастлабки кунлариданоқ таълим ва тарбия соҳасида кенг кўламли ислоҳотларни ташаббускори бўлди.

– Умумбашарий қадриятлар ва тамойилларга мос равишда ёшларимиз меҳнат бозорида рақобатбардош бўлишлари, хорижий тилларни яхши ўзлаштиришлари, ахборот технологияларидан, замонавий билимлардан, ҳабардор бўлишлари, мутаҳассисликлари бўйича чуқур назарий ва амалий билимларга эга бўлишлари талаб қилинади.

– Юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларимиз ўзлигини англаган, миллий-маънавий қадриятларимиздан ҳабардор бўлган ва энг асосийси Ватанимиз тараққёти учун бор билим-салоҳиятини ишга соладиган бўлишлари ҳеч шубҳасиз янги мазмундаги таълим-тарбия тизимимизнинг пировард мақсади бўлиши керак.

Адабиётлар

1. Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Мулоқот журнали, № 5, 1998 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедия давлат илмий нашриёти, 2000.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 1999 йил 8 декабр.
5. Каримов И.А. Ўша жойда. – Б.95.

ИСЛОМ КАРИМОВ – МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ДАВЛАТЧИЛИГИ АСОСЧИСИ

Расулов Ҳ.Р.-БухДУ ф-м.ф.н., доцент

Бизнинг давримиз ҳар бир халқ, ҳар бир инсон учун буюк танлаш даври, тарихни, қадриятларни, тарихий меросни қайта баҳолаш даври бўлди. Ҳар бир даврнинг тарихга муҳрланган йиллари, фаолиятининг қайсидир жиҳати билан оламшумул воқеаларга дахлдор бўлган буюк инсонлари бўлади.

XX асрнинг бошларида ўзбек халқи бошига келган тоталитар тузум мустабид совет тузуми халқимизнинг шаънию-ғурури, инсоний ҳуқуқларини топтаб, бутун бойлигини талон-тарож қилиб, тарихини унутишга мажбур қилган бир даврда ёруғ кунлардан умидини узмаган сабр қаноатли халқ бахтига тақдир, буюк йўлбошловчини тақдим этди.

Дунёдаги халқлар ва миллатларнинг озодлик йўлидаги курашлар тарихи шундан далолат берадики, жамият ҳаётидаги туб бурилишлар даврида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзи буюк йўлбошловчиларни майдонга чиқаради.

XX асринг 90 йилларига келиб эса биринчи Президентимиз Ислом Каримов ана шундай ўта оғир ва масъулиятли вазифани ўз зиммасига олди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мамлакатимиз мустақиллиги ва давлатчилиги асосчиси, буюк сиёсатчи, тенгликпарвар ва халқпарвар давлат арбоби, доно ислоҳотчи сифатида тарих зарварақларида ўчмас из қолдирди.

Ҳозирда Ўзбекистон тупроғида яшаётган ҳар бир инсон келажак авлодга Ислом Каримов ҳақида гапирганида, шундай инсонни ўз кўзи билан кўрганлиги, сўзларини ўз қулоғи билан эшитганлиги, у яшаган даврнинг тирик гувоҳи бўлганлиги билан албатта фахрланади.

1989 йилнинг 24 июнь куни республика ҳукуматининг мажлисида “Биз бундан кейин эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи қўймайди” деб қатъий баёнот бериши, унинг қандай катта азму-шижоат билан янги вазифага киришганидан далолат беради. Ислом Каримов раҳбарлик фаолиятига келган куни ўзбек халқи муаммолар гирдобида яшаётган эди. Мана шу муаммолар гирдобида қолиб кетган халқни буюк келажак кутаётганига ишонтириш амри-маҳол бўлган бир пайтда Ислом Каримовнинг майдонга келиши ҳар бир ўзбекистонликнинг юрагига умид учқунини ёқди. 1990 йил 24 март ўз Президентини сайлаган ўзбек халқи ўзига йўл бошловчи танлашда адашмаган эди. Биринчи Президентимиз Ватан учун шу даражада жонини беришга тайёр эдики, у инсон ҳамма нарсадан ортда қолиб кетган ўзбек халқини келажакда нурли, файзли, ёруғ кунлар кутаётганига ишонтира олди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши демократик давлат қуриш учун асосан сўз эркинлигини, кўп партиявийликни ва бошқа бир қатор ҳуқуқ ва эркинликларни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат тузилиши ва ташқи сиёсатларини ҳам таъминлаб берди. Эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат асосчиси ва бунёдкори сифатида дастлабки энг асосий иши, миллий валютани муомалага киритиш ва давлатга қарашли ерларни фуқароларга хусусийлаштириб бериш бўлди. “Ўзбек модели” номли ислоҳотлар стратегиясининг чиқиши бозор муносабатларига ўтишдаги беш устувор йўналиш: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан холилиги, давлат бош ислоҳотчи эканлиги, қонуннинг устунлиги ва барчага баробарлиги, кучли ижтимоий сиёсат олиб борилиши ва аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилларини юзага келтирди. Бу тамойилларнинг халқчил эканлигини ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар, ҳар жабҳадаги юксалишлар кўрсатиб турибди. Жамият доим олдинга интилаверар экан, у билан бирга онг ҳам тинимсиз ўзгариб, такомиллашиб бораверади. Шу жиҳатдан ислоҳотлар масъулияти ҳам давлат билан бирга тўғридан-тўғри фуқаро зиммасига ҳам тушади. Бу ҳақда биринчи Президентимиз “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало халқ учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун”, - деган масалани қатъий такидлаганлар.

Беш тамойил асосидаги ислоҳотлар тез фурсатларда жаҳон миқёсида “Тараққиётнинг ўзбек модели” сифатида тан олинди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга асосланган ана шу модел ҳуқуқий демократик давлат қуриш стратегияси сифатида барча амалий ишларнинг мустаҳкам пойдевори, тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантирди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ озиқ-овқат муаммосини ўз имкониятларимиз ҳисобидан ҳал қилиш, айниқса, ғалла мустақиллигини таъминлашни қатъий вазифа қилиб қўйди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратди. Қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотлар амалга оширди, деҳқон ер эгасига, фермерлар жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучига айланди, меҳнатга муносабат бутунлай ўзгарди.

Юртимизда тузумли асосда, босқичма-босқич ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш ва живожлантиришга қаратилган дунёда кенг эътироф этилган умуммиллий дастурлар амалга оширилди. Айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, болалар спорти, санъат мактаблари, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли турмуш шароити ва қишлоқда намунавий уй-жой қуриш борасидаги дастурлар бугунги кунда ўзининг юксак самарасини бермоқда.

Ижтимоий-иқтисодий йўналишларда олиб борилган изчил ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда аҳоли ялпи даромадлари 12,2 баробар ошди. Аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73,2 ёшга етди.

Тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бу тинчлик-осойишталикдир. Ислом Каримов таъкидлаганларидек “Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасини негизида - юртимизда тинч ва

осуда ҳаёт, миллатлараро ва фуқароларо тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжамиятликни асраб-авайлаб келаётганимизда". Унинг туб негизида бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик ва вужудга келаётган қарама-қаршилик ва можароларни фақатгина тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишга асосланган тинчликпарвар сиёсат мужассам бўлган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсат концепциясини ишлаб чиқди ва амалга оширди.

Ислом Каримов ташаббуси асосида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим-тарбия тизимини энг замонавий халқаро стандартлар бўйича тубдан ўзгаришларга қаратилган ислоҳотлар дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди.

Мамлакатимиз миллий-маънавий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди, халқаро майдонда Ўзнекистоннинг обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшди. Фуқаролик жамияти институтлари, маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириши, уларнинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Тараққиётнинг ўзбек модели ғоясига кўра, юртимизда янги жамиятни барпо этиш учун амалга ошириладиган барча ислоҳотлар заминига инсон омили қўйилди. Яъни ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон манфаатлари, унинг эрки ва фаровонлиги учун деган ғоя барча янгиланишларнинг асосий ўзаги этиб белгиланди. Шу муносабат билан қурилаётган янги мустақил давлат ва жамиятнинг асосий бунёдкори ҳам, истеъмолчиси ҳам мана шу юртнинг эркин халқи деган тамойил мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг марказида турувчи омилдир.

Суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этган, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат асосчиси Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида истиқлол йилларида босиб ўтилган машаққатли йўл, эришиган улкан ютуқ ва марралар, уларнинг мазмун ва моҳиятини ҳар томонлама англаш, уни халқимиз онгига сингдириш ва эришилган натижаларни ҳис қилиб яшаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Адабиётлар

1. А.Асқаров "Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи". "Ўзбекистон", 2015.
2. И.А.Каримов "Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли". "Ўзбекистон", 1993.

ВОСПОМИНАНИЯ О ПЕРВОМ ПРЕЗИДЕНТЕ

Огоньянц Б.А.-Ташкентский Филиал РЭУ имени Г.В Плеханова к.э.н., доцент

Первый Президент Республики Узбекистан Ислам Абдуганиевич Каримов родился 30 января 1938г года в г. Самарканде, в семье служащего. Ислам Абдуганиевич Каримов скончался в возрасте 78 лет 2 сентября 2016 г. 30 января текущего года ему исполнилось бы 80 лет.

Ислам Абдуганиевич Каримов является отцом нации, инициатором государственного переустройства республики. По его руководством разработаны следующие важнейшие документы [1]:

1. Программа приобретения независимости государства в период распада СССР, основной документ государства – Конституция Республики Узбекистан.
2. Новая программа государственного и общественного строительства, отличная от разработок других бывших союзных республик
3. Новая система управления республикой, предусматривающая руководство государственными органами из единого центра, с обязательной инициативой на местах.
4. Определяющие принципы гармонизации трёх элементов построения Республики Узбекистан, сочетающие интересы государства, общества и человека.

5. Собственная модель экономического развития государства, широко известная за рубежом как модель Каримова, включающая в себя пять принципов, в том числе [2]:

– Деидеидеологизация экономики (развитие экономики республики осуществляется строго по экономическим законам, без вмешательства государства);

– Верховенство закона (при осуществлении любых мероприятий, разработок и положений в первую очередь рассматривается их соответствие законам и подзаконным актам, принятым в республике);

– Поэтапное проведение реформ (постепенное осуществление экономических и политических реформ, без печально известной «шоковой терапии»);

– Государственное регулирование на переходном этапе (любые новшества в экономической сфере производственных отношений проводится под контролем государства, а точнее созданных для этой цели государственных служб регионального и республиканского уровня);

– Сильная социальная политика государства (всесторонняя поддержка социально – уязвимых слоёв населения, установление твёрдой цены на жизненно – значимые продукты первой необходимости для населения, ежегодное индексированные оплаты труда бюджетников и т.п.);

– Реформирование на современной основе Вооружённых сил, пограничных и внутренних войск, способных защитить территориальную целостность республики, неприкосновенность её границ (вооружённые силы Республики Узбекистан являются сильнейшими в Средней Азии; пограничные заставы на участках государственной границы с Афганистаном не пропускают на территорию республики банды различных террористов исламского толка; внутренние войска республики, в том числе, милицейские подразделения, охраняют покой граждан республики, своевременно раскрывая замыслы джихадистов, в том числе и присланных из-за рубежа).

На современном этапе развития Узбекистана одним из главных приоритетных направлений политики государства, проводимых в период президентства И.А. Каримова, были [3]:

- ускоренная модернизация страны, обновление всего общества, дальнейшее развитие экономики и достижение макроэкономической стабильности республик, и представление льгот и преференций субъектам малого бизнеса и частного предпринимательства, в том числе представителям дехканских, фермерских и ширкатных хозяйств;

- проведение глубоких структурных преобразований в экономике, реформы в финансовой сфере, создание благоприятных условий, для развития высокотехнологичных отраслей производства;

- обеспечение дальнейшего развития интересов среднего класса, частного сектора экономики владельцев материальной и интеллектуальной собственности, создания для них новых льгот и возможностей;

- равномерное повышение благосостояния населения республики, разработка и осуществление социальных программ за счёт обеспечения стабильного роста и дальнейшего развития экономики;

- проведение политики социальной защиты населения, с обеспечением новых рабочих мест, стабилизации рынка труда в республике;

- последовательный и поэтапный переход от сильного государства к сильному гражданскому обществу;

- подготовка новых профессиональных кадров в высших и средних учебных заведениях республики, способных сложнейшие задачи, связанные с модернизацией промышленности республики и проводимых в ней преобразованиях;

- осуществление новых конкретных шагов для поднятия на новый уровень практического воплощения принципа «Справедливость – в верховенстве закона».

- строгое следование в области внешней политики принципа невмешательства во внутренние дела других государств.

Под непосредственным руководством Ислама Абдуганиевича Каримова в Республике Узбекистан созданы прекрасные условия для сохранения и укрепления мира и спокойствия людей в нашей многонациональной стране.

Как экономист, я ценю первого Президента республики как выдающегося экономиста, теоретика и практика, с деятельностью которого связаны все мои успехи в трудовой деятельности.

В октябре 1991 года в составе Городского Планового Комитета Ташгорисполкома, в качестве начальника отдела хозяйственного механизма участвовал в разработке двух первых экономических законов Республики Узбекистан: Закона «О собственности», Закона о «Разгосударствлении и приватизации», которые были утверждены в декабре 1991г.

В апреле 1992г., перейдя на работу в Ташкентское управление коммунальной собственности и приватизации, я был включён в состав рабочей группы по разработке Положения о приватизации государственного и ведомственного жилья. В это же время, лично от Ислама Абдуганиевича Каримова, мы получили задание не повторять опыт Госкомимуществ Российской Федерации и Республики Казахстан, с ваучерами и индексной стоимостью жилья. В результате, после утверждения «Положения о приватизации государственного и ведомственного жилья», в августе 1992 года, в течение года, 3 млн. жителей республики стали собственниками жилья. Причем 30 процентов жилья было приватизировано льготниками, безвозмездно. К данной категории льготников были отнесены врачи, учителя, работники правоохранительных органов.

В 1992-1993 годах в республике Узбекистан, когда были некоторые продовольственные трудности, Госкомимущество Республики получило указание от руководства республики о приватизации, в первую очередь объектов торговли и общественного питания. Новые собственники, в лице бывших работников продовольственных магазинов, кафе, столовых и ресторанов, получив статус предпринимателей, быстро ликвидировали дефицит продовольствия, который сами же создавали, реализуя товары «из под полы».

В 1994-1995 годах в Республике Узбекистан проводилась приватизация важнейших отраслей промышленности, в результате которой появились новые типы предприятий, в том числе акционерные общества, товарищества, общества с ограниченной ответственностью, коллективные предприятия. Причём в числе собственников, без всяких ваучеров, появились рядовые работники предприятий.

Литература

1. Авазов К.Х. Место и роль Ислама Каримова как политического лидера в устойчивом развитии Узбекистана. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2017, №2.

2. Амонов М.О. Узбекская модель перехода экономики к рыночным отношениям: Материалы международной научно-практической конференции //Достижения в науке. Новые взгляды, проблемы, инновации/ Польша, Лодзь 29.07.12 - 31.07.12, Часть I. - С. 63-69.

3. Абулкасимов Х.П. Развитие экономики Узбекистана за годы независимости // Молодой ученый. - 2016. - № 21.1. - С. 4-8.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Утанова У.А.- К.Беҳзод номидаги МРДИ фал.ф.н., доцент

“Мустақиллигимиз эълон қилинганидан буён, - деб таъкидлайди Биринчи Президент И.А.Каримов, - ўтган давр нисбатан қисқа бўлса-да, халқимиз ва давлатимиз тарихида ғоят катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Миллий давлатчилигимизни қайта тиклашда кўп асрлик беқиёс маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизнинг янада қад ростлашида сезиларли қадамлар қўйилди. Миллий ғуруримиз, ориятимиз тикланмоқда, қалбимизда

асл ватанпарварлик туйғулари уйғонмоқда. Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб, ўз ҳаётини қуряпти" [1]

Дарҳақиқат, бугунги мустақил Ўзбекистон халқи ҳаётида оламшумул ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мустақиллик халқимизга собиқ шўролар даврида ноҳақ топталган ва унутилган миллий маданиятимизни қайта тиклаш имконини бермоқда. Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз Ислом Каримов халқимиз маданиятини ва у тўплаган бой маънавий қадриятларни асраш ҳамда уларни янада ривожлантиришни миллий тараққиётимиз муҳим омили сифатида алоҳида қайд этиб: - "Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда мадад бўлган. Бизнинг вазифамиз – шу хазинани кўз қорачиғидек асраш ва янада бойитиш"[2] деб бежиз айтмаганлар. Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти ушбу ўзгаришларни янада кенгайтириш, чуқурлаштириш, халқ маданиятини ўрганиш, асраб-авайлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқдир.

Хўш, мустақиллик йилларида халқ анъанавий маданиятининг юксалиши қандай йўналишларда амалга оширилмоқда? Бизнинг фикримизча, уларни қуйидаги йўналишларга ажратиб тадқиқ қилишимиз мумкин.

1. Мавжуд тарихий-маданий ютуқларни, тажрибаларни, бойликларни асраш.
2. Миллатлараро, этнослараро тарихий-маданий алоқаларни сақлаш, интеграцияни янада чуқурлаштириш.
3. Халқимиз маданий-маънавий меросини ўрганиш, уни кенг тарғиб этиш.
4. Буюк аждодларимизнинг улуғ номини тиклаш, улар билан боғлиқ жойларни ободонлаштириш.
5. Халқ анъаналари, маросимлари ва байрамларига янги ижтимоий-маданий моҳият бериш, уларни миллий тикланишнинг воситаси ҳамда мезонига айлантириш.
6. Диний қадриятларни қайта тиклаш.
7. Меҳнатга бўлган анъанавий муносабатни қайта тиклаш ва уни умуминсоний тажриба билан уйғунлаштириш.
8. Миллий давлатчилик анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш.
9. Шарқона ахлоқ, одоб, маънавият анъаналарини қайта тиклаш ва улардан инсон, янги авлод тарбиясида фойдаланиш.
10. Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигини ривожлантириш.
11. Миллий театр, қўшиқчилик, рақс, бахшичилик анъаналарини ва мактабларини қўллаб-қувватлаш кабилар.

Собиқ СССРнинг парчаланиши, ички деструктив кучларнинг халқ бойлигини талашга, ноқонуний тарзда мулк орттиришга интилиши, коррупция каби салбий ҳоллар мустақилликнинг биринчи кунларидаёқ мавжуд тарихий-маданий бойликларни асраш масаласини кун тартибига қўйди. Маълумки, империяларнинг парчаланиши ҳимояга муҳтож, аммо моҳиятига кўра бебаҳо бўлган маданий бойликларни талашни, айрим шахслар, гуруҳлар томонидан уларни чет мамлакатларга, бадавлат юртларга сотишни келтириб чиқаради. Бу ўринда "янги бизнесменларни, ишбилармонларни" XV-XVIII асрга тааллуқли ноёб тангаларни, китобларни, амалий санъатга оид асарларни, гиламларни чет эллик сайёҳларга, амалдорларга сотишга интилганини эслашимиз мумкин. Бундай ҳаракатлар баъзан ҳозир ҳам кузатилади. Шунинг учун 1992 йил 14 февралдаги МДҲнинг Минскдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Озарбайжон, Арманистон, Белорусия, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Украина давлатлари ўртасида маданий ва тарихий ёдгорликларни ўз ватанига қайтариш ҳақида халқаро шартнома имзоланди. Ушбу шартномага мувофиқ собиқ СССР пайтида Россия ва бошқа республикаларга олиб кетилган 12 мингдан зиёд тарихий – маданий манбалар, асарлар, қўлёзмалар Ўзбекистонга қайтарилди. Биргина 1998 йили чегараларимизда 3 мингга яқин санъат асарлари, тарихий қимматга эга қуроллар, манбалар чет мамлакатларга чиқиб кетишининг олди олинди. [3]

Тарихий-маданий бойликларни, тажрибаларни ва ютуқларни асраш нафақат халқ меросини талон-тарож қилишдан сақлади, шу билан бирга маданий ворисийликни тиклади; ўзбек халқининг бебоҳо мулкка эга эканини намоён этиш орқали унда миллий ғурурни, ориятни, ватанпарварлик туйғуларини ҳам уйғотади.

Миллатлараро, этнослараро маданий алоқаларни сақлаш, интеграцияни чуқурлаштириш миллий тараққиётимизнинг шартидир.

Ўзбекистонда 136 дан зиёд миллат, элатлар ва халқлар яшайди. Бу рақамнинг ўзи ўзбек халқи маданиятининг ранг-баранг этномаданий парадигмалар билан алоқаси мавжудлигини англатади. Бундан ташқари халқимиз тарихан тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақолпоқ каби қардош халқлар билан интеграцияда яшаб келадики, бу реаллик мавжуд этнослараро маданий алоқаларни асрашни шарт қилиб қўяди. Халқлар, этнослараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши барча халқлар маданиятларининг ривожланиши учун тенг, баб-баробар шарт-шароитлар яратиб беришни тақозо этади. Ўзбекистонда 1992 йили 12 миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир улар сони 140 дан зиёддир. Ушбу миллий-маданий марказлар ташқи тазйиқлардан холи ўзининг миллий маданиятини ривожлантириш билан шуғулланиб келмоқда.

Халқимиз маданий-маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мустақиллик йилларида ҳақиқий ижодий, ватанпарварлик ва миллатпарварлик ишига, соҳасига айланди.

Бугун халқимиз, айниқса ёшлар Яссавий, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, ан-Насафий, ас-Самарқандий, ан-Ханафий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ғиждувоний, Фитрат, Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов каби юзлаб буюк заминдошларимизнинг номларини ҳам, уларнинг маънавий меросига тааллуқли асарларини ҳам яхши билади. “Тарихимизда бундай беназир сиймоларнинг мавжудлиги – ўзига хос бир феномен, яъни ўта ноёб ҳодисадир. Бу эса нафақат бугунги, айни пайтда эртанги авлодларимизнинг ҳам маънавий бойлигига айланиб, халқимизга ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган руҳий куч-қувват ва мадад бериши муқаррар”[4].

Мустақиллик йилларида 200 дан зиёд буюк аждодларимизнинг азиз номлари тикланиб, уларнинг мақбаралари, масжидлар, мадрасалар, ансамбллар таъмирланди, айримлари (масалан, Нақшбанд ва Ғиждувоний) нинг сағаналари, мақбаралари батамом қайта тикланиб, бебаҳо архитектура ва маънавият марказларига айлантирилди. Тошкентдаги “Шаҳидлар” майдони, “Хотира” майдони Республикамизда қатағон ва иккинчи жаҳон уруши йилларида қурбон бўлган ўзбек халқи фарзандларига аталган ёдгорликлардир. Бу аслида ўзбек халқига хос бўлган ўтганларни эзгу ном ва эзгу амаллар билан эслаш каби анъанавий маданиятнинг намунаси, кўринишидир.

Ҳар бир давр ўз таъсирини халқ маданиятининг барқарор кўринишлари - халқ анъаналари, маросимлари ва байрамларида қолдиришга, ўзига хос маданий бойликлар яратишга интилади. Мустақиллик йилларида халқимизнинг диний-анъанавий маросимлари (Хотира куни, буюк дин уламолари ва арбобларнинг таваллудини, Қурбон ҳайити, Рўза ҳайити кунларини нишонлаш ва б.), Наврўз байрами, Меҳржон байрами, Сумалак сайли, Гул сайллари, Қовун сайли, “Она буғдой” байрами, Узум сайли, Пахта байрами, Қурултой каби оммавий-бадиий тадбирлар, Човгон ўйини, Чўпон ўйини, кураш каби миллий ўйинлар қайта тикланди, уларни ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида диний қадриятларни қайта тиклашга катта эътибор берилди. “Кўп аср мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз”[5] – дейди И.А.Каримов. Дахрийликка асосланган совет тузуми пайтида барча диний ва миллий қадриятлардан узилган халқимиз истиқлолдан кейин имон-эътиқод сари юз тутди. Эътиқод эркинлиги мамлакатимизнинг асосий қонунида кафолатлаб қўйилди. Барча диний қадриятлар – масжид ва мадрасалар, нодир тарихий обидалар, асори атиқалар халқимизга қайтарилди. Макка ва мадинага тўлақонли хаж

зиёратлари тикланди. Диний байрамларимиздан бўлмиш Рўза хайити, (ийдал-фитр) ва Қурбон хайити (ийдал адҳа) байрамларининг биринчи куни байрам кунлари деб белгиланди. Ислом оламига, фан ва маданиятига улкан ҳисса қўшган Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотрудий, Хожа Ахрор Валий каби атоқли ислом олимларининг таваллудлари кенг нишонланди, қадамжолар, ёдгорликлар обод қилинди, уларнинг асарлари нашр этилди.

Мустақиллик йилларида инсоннинг хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи қайта тикланди, тадбиркорлик ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг махсус қонунлари, Биринчи Президентимизнинг қатор фармонлари эълон қилинди. Янги банк тизимлари, молиявий ёрдам институтлари, бозор иқтисодиётини тадқиқ этувчи ва махсус кадрлар тайёрловчи ўқув юртлари, фермерлик хўжаликлари, қўшма корхоналар, хусусий фирмалар ташкил этилдики, улар кишиларимизда меҳнатга янгича муносабатларни шакллантирди. Бугунги кунда барча хўжалик юритувчи субъектларнинг қарийб 90% кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Айни чоғда ялпи ички маҳсулотнинг 56% дан ортиғи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 32%, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эса тўлиқ кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлар томонидан етказиб берилаяпти.

Мустақиллик йилларида халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигини ривожлантириш борасида муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевичнинг “Халқ ҳунармандчилигини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” (1994 йил) фармони эълон қилинди, кейинчалик ушбу фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг махсус дастури ишлаб чиқилди. Республикамизда халқ амалий санъати ва ҳунармандчилиги билан шуғулланувчи 200 мингдан зиёд кичик корхоналар, устахона ва индивидуал тарзда ишловчилар расмий тарзда рўйхатга олинди. Ушбу устахоналар беш йилга солиқдан озод қилинган, улар ўз маҳсулотларини чет элларга чиқариш имконига эга бўлди. Урганч, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қўқон ва Тошкент шаҳарларида халқ амалий санъати билан шуғулланувчи усталар тайёрловчи махсус билим юртлари очилди. Биргина Андижон шаҳридаги билим юртида (коллежда) 18 йўналиш бўйича халқ усталари тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 сентябрдаги ПФ-4469 - сонли фармонига асосан, 2010 йил 30 мартдаги “Халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-4210 – сонли фармонига қўшимчалар киритилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2005 йил 28 мартдаги ПФ – 3588 – сонли фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ, оилавий корхоналар халқ бадиий ҳунармандчилиги ва қўлда ишланган амалий санъат буюмларини сотишдан олинадиган даромаддан 2017 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилди.

Мустақиллик йилларида халқ маданиятини юксалтириш учун зарур имкониятлар яратилди. Мустақилликнинг ўзи моҳиятан ўзбек халқи орзу умидларининг ўз манфаатлари ва ниятларига мос жамият яратишга интилишларининг маҳсулидир. Шу нуқтаи назардан у халқ маданиятининг ҳам давоми, юксак тизимидир. Шу билан бирга мустақиллик халқимизнинг тарихий-маданий меросини, буюк аждодларимиз номидаги жойларни, исломий қадриятларни, Шарқона ахлоқ-одоб нормаларини, меҳнатга бўлган анъанавий муносабатларни, миллий давлатчилик анъаналарини, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигини, миллий театр, қўшиқчилик, рақс, бахшичилик мактабларини, халқ байрамлари ва томошаларини қайта тиклаш имконини берди. Шу тариқа мустақиллик халқ маданиятининг тарихий-тадрижий ривожланишини қайта тиклади. Ушбу асрларга тенг ўзгаришлар янги давр ўзбек давлатчилигининг асосчиси Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов номи билан боғлиқдир. Шу ўринда муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек: ”Муҳтарам Ислом

Абдуғаниевичнинг босиб ўтган умр йўллари, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги тарихий хизматлари барчамиз учун энг ёрқин ибрат намунаси ва катта ҳаёт мактаби бўлиб қолади. У киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш –биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир ”[6]

Адабиётлар

1. Каримов И. Ҳалоллик ва фидоийлик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.- Тошкент:Ўзбекистон, 1996. – 265 б.
2. Каримов.И Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 78 б.
3. Инсон ва қонун, 1998, 12 октябрь.
4. Каримов И. Юксак маънавият -енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.- 50 б.
5. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. 36 б.
6. Мирзиёев Ш.ЎзЛиДеП ҮIII съездидаги “Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир” номли маърузаси. –“XXI ASR” газетаси. 2016 йил 15-декабр 53 (685)-сон.

ТРУДЫ КАРИМОВА И.А. ЯВЛЯЮТСЯ ТЕОРЕТИЧЕСКОЙ ОСНОВОЙ «УЗБЕКСКОЙ МОДЕЛИ» ГОСУДАРСТВЕННОГО И ОБЩЕСТВЕННОГО СТРОИТЕЛЬСТВА

Рахманова Ш.К.-ТашИИТ к.ф.н., доцент

С первого дня самостоятельного развития Узбекистану пришлось решать множество разнообразных и острейших проблем, которые потребовали выработку собственной модели общественного развития, она получила название «узбекской модели» построения демократического общества. Пройденный за годы обновления путь подтвердил правильность и действенность этой модели, получившей одобрение и признание мировой общественности. В основу реализации «узбекской модели» построения демократического общества положены пять разработанных первым Президентом Республики Узбекистан И.А. Каримовым ключевых принципов, изложенных в работе - «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса»: полная деидеологизация экономики; сохранение роли государства как главного реформатора; во всех сферах жизни должен главенствовать закон; должна реализовываться сильная социальная политика; эволюционный путь перехода к рыночной экономике без «революционных скачков», «шоковой терапии», без ущерба для уровня жизни народа. Как отмечал И.А.Каримов, «Достигнув государственной независимости, мы выбрали свой путь суверенитета и развития, а это надежный путь для Узбекистана».[1] Наша республика последовательно, спокойно и уверено прошла первый, трудный и чреватый опасностями отрезок пути к независимости.

Труды Каримова И.А. являются теоретической основой «узбекской модели» государственного и общественного строительства. В них можно найти ответы на сложные и трудные вопросы, в числе которых одно из первых мест занимают вопросы государства, его роли и назначения. Один из основных выводов первого Президента Республики Узбекистан о государстве является утверждение, что главным реформатором должно стать государство. Оно обязано в интересах всего народа инициировать процесс реформ, определять ведущие приоритеты экономического развития, вырабатывать и последовательно реализовывать политику коренных преобразований в экономике, социальной сфере и общественно-политической жизни нашего суверенного государства.

Государство-реформатор содействует формированию правовой основы реформ, многообразию политической жизни страны, в республике внедряется многопартийность. Нельзя не согласиться с утверждением первого Президента о том, что доверие к своему государству-реформатору занимает прочное место в менталитете населения Узбекистана. Каждый новый шаг реформ, каждый проект нового закона и решения правительства

осмысливается у нас с позиции человечности, пользы для людей. У нас население относится с доверием к тому, что непривычно, но необходимо для прогресса[2].За годы независимости изменилось и само государство - коренным образом обновилась система и структура государственной власти и органов управления, меняется стиль, формы работы, уже изжиты пережитки тоталитарной системы. Такая роль государства в период строительства демократического общества, в период совершенствования национальной государственности вполне оправдала себя.

Общественная жизнь каждой страны развивается на правовой основе. Верховенство закона относится к числу основополагающих принципов правового государства. Если в обществе не господствуют право и законность, если права и свободы граждан не соблюдаются, если не почитаются национальные обычаи и традиции, а так же общечеловеческие ценности, то такое государство нельзя назвать демократическим и правовым. Если в обществе законы только пишутся, но не выполняются, то в таком обществе не восторжествует справедливость. Закон должен осуществляться на практике. Раз закон принят, все граждане обязаны его выполнять. Одним из основных показателей демократического правового государства является равенство всех перед законом, обеспечение верховенства закона, что означает: во-первых, господство закона во всех сферах общественной жизни. Никто не имеет право быть освобожденным от ответственности перед законом; во-вторых, основные социальные, экономические и политические отношения регламентируются только законом, а их участники без каких-либо исключений привлекаются к ответственности за нарушение норм права.

Принцип сильной социальной политики провозглашает, что создание условий, обеспечивающих достойную жизнь и свободное развитие человека, в условиях демократического государства, не является личным делом самого человека, а возводится в ранг общегосударственной политики. Узбекистан -государство социальной справедливости. В связи с этим государство как главный реформатор социально поддерживает граждан, непригодных к трудовой деятельности, инвалидов, сирот, многодетные семьи. В условиях перехода к цивилизованному рынку государство само избирает основные направления деятельности, способствующие коренному изменению общества. Осуществляя эту работу, государство в первую очередь заботится о самых насущных интересах народа. Каждое социально справедливое общество и государство определяется по тому, как оно относится к социально уязвимым слоям населения. Государство и общество обязано взять гражданина под свою защиту, обеспечив ему правовые и экономические условия для трудовой деятельности. Сильная социальная политика и есть основной критерий справедливого гражданского общества и демократического правового государства. Концентрация внимания на первоочередном решении проблем оздоровления экономики, соблюдения законности и правопорядка, эволюционное трансформирование консервативных экономических отношений в рыночные при активной реформаторской роли государства создают прочную основу социальной стабильности.

За плечами Каримова И.А. были политические успехи, которые принесли ему несомненный авторитет в стране. Он оказался вполне подготовленным к тому, чтобы сразу овладеть ситуацией, и не поддаться стихийным процессам, а начать управлять ими. Им был предпринят ряд решительных шагов по укреплению власти, правоохранительных органов и властных структур. При его личном участии были погашены вспыхивающие в разных местах республики очаги напряженности и конфликты. Во всех конфликтных случаях он говорил народу «Узбекистан не выдержит, не переживет второй Ферганы»[3] и действовал исключительно решительно и верно. Обдуманно и последовательно Каримов И.А. начал работать по нейтрализации блокирования сил, социальных факторов, которые могли бы дестабилизировать общество. «Суть и содержание разработанной и реализуемой сегодня модели, - особо подчеркивал Президент страны Ислам Каримов, - это

кардинальное изменение и обновление государственного и конституционного устройства, реализация политических, экономических и социальных реформ.[4]

Первый Президент Республики Ислам Каримов, неуклонно следуя Конституции Узбекистана, на протяжении всех лет руководства страной твердо держал начатую им с первых дней независимости линию: « Я от имени народа и правительства заявляю и твердо гарантирую: идя по пути созидания правового, демократического государства, мы сохраним и будем всемерно укреплять то гражданское и межнациональное согласие, свободу слова, мысли, совести, религий и убеждений, что является основным гарантом реализации внутренних созидательных задач. Представители более чем 100 наций и народностей, живущих в Узбекистане, могут быть спокойны за судьбы настоящих и будущих поколений».

С деятельностью Каримова И.А. граждане нашей страны справедливо связывают обретение Узбекистаном государственной независимости, экономической самостоятельности, укрепление безопасности страны и его растущего авторитета в мировом сообществе. Благодаря принципиальной позиции первого Президента Республики последовательно и целеустремленно страна продвигается по пути построения демократического правового и гражданского общества, в котором обеспечиваются права граждан не зависимо от социального положения и национальной принадлежности, сохранена стабильность, гражданский мир и межнациональное согласие. В одном из своих первых трудов «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса» Каримов И.А. даёт следующее определение: «Узбекистан -государство великого будущего. Это суверенное, демократическое, правовое государство. Это государство, основанное на принципах гуманизма, обеспечивающее права и свободы граждан, независимо от национальности, вероисповедания, социального положения и политических убеждений». В этой же работе он подчеркивает, что источником государственной власти является народ. Его воля определяет политику государства, которая должна быть направлена на обеспечение благосостояния человека и общества, достойной жизни всех граждан Узбекистана.

А это значит, что политическое и государственное устройство должно гарантировать человеку свободный выбор форм его политического и экономического бытия. Это соответствует современному представлению о демократических государствах, которое сложилось не сегодня, и имеет источником различные теории демократии. Согласно этим теориям (моделям) демократии у неё есть общие принципы, к которым относятся: народовластие, разделение властей, верховенство прав человека, верховенство закона, равенство всех перед законом и другие. Демократия сегодня - это политическая реальность более чем в 35 странах мира и Узбекистан, обретя суверенитет, выбрал именно этот путь - путь построения демократического общества. Применительно к политической сфере - это утверждение принципов подлинной демократии; в экономической сфере - создание мощной и динамично развивающейся экономики, обеспечение защиты прав собственника и утверждение равноправия всех форм собственности; демократизация экономики; обеспечение социальной зашиты населения. В социальной и духовной сфере - это приверженность идеям гуманизма, утверждение принципов социальной справедливости и т.д.

ИСЛОМ КАРИМОВ - МИЛЛАТ РАҲНАМОСИ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЙЎЛБОШЧИСИ

Абдугаффаров А.А.-ТТЕСИ доценти, тех.ф.н.

Жаҳон цивилизациясида алоҳида ўрин тутадиган, кўп асрлик бой тарихга эга. Ўзбекистон диёрида бутун дунёга номи кетган олимлар, давлат арбоблари вояга етган. Буюк зотларни буюк халк, буюк эл яратади.

Ўзбекистон мустақиллик томон йўл тутар экан биринчи кунлардан бошлаб, унинг тепасида Ислом Абдуғаниевич Каримов турганлигини ҳамма билади. Асрларга тенг шу

қисқа вақтда эришилган ютуклар: мамлакатда ўрнатилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик, тарихий, диний қадриятларимизнинг тикланиши жамиятда ўрнатилган осойишталикни, мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрнининг ортиб боришини бутун халқимиз, жаҳоннинг йирик давлат арбоб-лари Ислом Каримов номи билан боғлайди.

Халкимизнинг куп йиллар давомида олиб борган кураши натижасида карор топган мустакил Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуриш кўр-кўрона равишда эмас, балки илм-фан ютуқ-ларига, жаҳон тараққиётининг, хусусан, буюк заминимизда яратилган тари-хий тажрибаларга асосланган ғояларга амал қилиб руёбга чиқди.

Мустақилликка эришиш арафасида вужудга келган ўта оғир шароит, турли тўсиқларга қарамасдан, халқимиз Ислом Каримов бошчилигида ўзи-нинг асрий орзуси - Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллиги сари дадил ва қатъият билан ҳаракат қилишда давом этди. 1991 йил 31 август куни Ислом Каримов тантанали равишда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилди.

Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган ўша унутилмас кунларга назар ташлайдиган бўлсак, ёш, мустақил Ўзбекистон давлати раҳбари томонидан мамлакатимиз тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кўплаб муҳим ҳужжатлар қабул қилинганини кўрамиз. Мисол учун, 31 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги Қарор ва «Ўзбекистон Республи-касининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Баёнот ҳамда «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

1991 йил 29 декабрь куни эса Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилди. Ўзбекистондаги президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлашда 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун ва унинг асосида ўтказилган умумхалқ сайлови катта аҳамият касб этди.

Асрлар қаърига чўккан маънавий бойликларни елкасига ортиб, халқига тақдим этиш осон иш эмас. Ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди - бу залворли юмуш. Ҳар бир мард ҳам журъат қилавермайди, бу шиддатли ҳаракатга. Ислом Каримов ана шундай оғир масъулиятни зиммасига олган миллат раҳнамоси, умрини маънавий қадриятларни тиклаш ва барпо этиш йўлида фидо қилган жасур ва мард йўлбошчи бўлиб тарихга кирди.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб, унинг улкан ҳудудини ғоявий бўшлиқ эгаллаган, турли бузғунчи ғоялар таҳдид солган таҳликали даврда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун нафақат иқтисодий мустақиллик ва барқарорлик, балки маънавий етуклик ва ғоявий мустаҳкамлик зарурлигини англаб етиб, собиқ иттифоқ-дош республикалар орасида биринчи бўлиб маънавият ва миллий ғоя тарғиботи ҳақида қарорлар чиқара бошлади.

Ўша пайтда Ислом Каримовнинг маънавий тарғибот борасидаги фармонларини ким қандай тушунгани алоҳида масала. Ўзингиз ўйланг, эндигина мустақилликка қадам қўйган ёшгина давлатнинг, бир қарашда бошқа давлат раҳбарларидан бирор жиҳати билан фарқ қилмайдиган, лекин ўз халқининг фаровон келажаги учун фидойи, жасур ва мард Президенти. Унинг мафкуравий таҳдидлар борасидаги пурмаъно сўзларига жаҳон қанчалик эътибор қилди? Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб, дунё аҳлини терроризм балосидан огоҳлантирганига не чоғли қулоқ тутди? Лекин 2001 йил 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларидек етакчи давлатлардан бири терроризм таҳдидига рўпара бўлганида ҳар бир оқил инсон Ислом Каримовнинг куюнчаклиги сабабини тушунди.

2007 йилни эсланг. Тошкент ислом маданияти пойтахти номига сазовор бўлган сана. Президент Ислом Каримов мазкур тарихий воқеа муносабати билан ўтказилган

тантаналар доирасида пойтахтимизга ташриф буюрган ислом оламининг нуфузли ташкилотлари раҳбарлари ва турли давлатлардан келган дин арбобларининг бир гуруҳини Оқсаройда қабул қилди. Ҳар доимгидек чуқур ўйланган сермазмун маърузасида араб дунёси ва ислом олами олдида турган, зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган 4 та муҳим муаммоларга тўхталиб ўтди: 1) Қашшоқлик; 2) Тарқоқлик; 3) Билимсизлик; 4) Ишсизлик.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов «Мустақилликни эркинлик тўғрисидаги шиорлар билан эмас, балки сиёсий, иқтисодий, маънавий мазмун билан тўлдириш керак» деб таъкидлаб, бундай қарашни ўз фаолияти-нинг бош мезони деб билди. Шу сабабли Ўзбекистоннинг ҳаётига дахлдор бўлган ҳар бир масалага комплекс ёндашиб, уларнинг ягона тўғри ва муқаррар ечими - бу мустақиллик ва фақат мустақиллик, деган мантиқий хулосага келди. Бундай дадил фикрни катта-катта минбарларидан туриб баён этишдан чўчиб ҳам, тортиниб ҳам ўтирмади.

Биринчи Президентимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий соҳаларга - Ўзбекистон ҳаётининг деярли барча жабҳаларига тааллуқли бўлган муаммоларни аниқ рақам ва кўрсаткичлар асосида билиши ва уларнинг ечимини аниқ кўрсатиб бериши унинг қалбида ислоҳот ғоялари, мустақиллик ғояси узоқ йиллар давомида шаклланиб борганини кўрсатади.

Ўзбекистон мустақиллиги ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган қандайдир тақдир эҳсони эмас, балки реал тарихий заминда, реал тарихий шарт-шароит-да халқимиз ва унга етакчи бўлиб майдонга чиққан жасур Ислом Каримов-нинг тинимсиз курашлари асосида амалга оширилган, эл-юртимизнинг туб манфаатларидан ўсиб чиққан, не-не аждодларимизнинг асрий орзу-интилиш-ларини ифода этадиган конкрет тарихий жараён, амалий воқелик эканини ҳаётий мисоллар, аниқ далиллар исботлаб турибди.

Биринчи Президентимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий соҳаларга - Ўзбекистон ҳаётининг деярли барча жабҳаларига тааллуқли бўлган муаммоларни аниқ рақам ва кўрсаткичлар асосида билиши ва уларнинг ечимини аниқ кўрсатиб бериши унинг қалбида ислоҳот ғоялари, мустақиллик ғояси узоқ йиллар давомида шаклланиб борганини кўрсатади.

Адабиётлар

1. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз / И.А.Каримов. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

2. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир / И.А.Каримов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 302 б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

(Ислом Каримов сиймосига чизгилар)

Юлдашев Б.Э.-ТТЙМИ доценти

Биздан озод ва обод Ватан қолсин...Бу элим, юртим деб тепсинган безовта юрак садоси эди, десак хато қилмаймиз. Айнан ана шу сўзларда инсонийликнинг бутун мазмун-мохияти, инсон қадр-қимматининг мезони мужассамдир, десак муболаға булмайди. Ана шу биргина сўзда безовта қалбнинг киндик қони тўкилган тупроққа мухаббати, она-юртига, она халққа муносабатидир. Буларнинг ҳаммаси бевосита истиқлол ва ислоҳот каби икки тушунчани ўз фаолиятида мужассам этган Ислом Каримов номи билан боғлиқдир.

Ислом Абдуғаниевич Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, дунёда “Ўзбек модели” деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, ўз халқининг куч-қудрати, тарихи, аньаналарига суянган, буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди. “Ислом Каримов Ўзбекистон сиёсий майдонида шиддат билан ярқ этиб пайдо бўлди. Оддий, бироқ фикрлаш тарзи ўзига хос, ўз касбининг билимдони, лекин ҳамма вақт ҳам “қулай бўлмаган”, фикрини истаган

бошлиққа очиқ айта оладиган киши сифатида танилган Давлат режа қўмитаси мутахассиси Ўзбекистонни мустақилликка олиб келган республикадаги ҳаракатлантирувчи кучи ва етакчиси бўлади деб, 80-йилларнинг ўрталаригача ҳеч ким башорат қила олмас эди"[1]. "Худо берган умрингда хамма нарсага ўзинг эриш! Катталарни ҳурмат қил, халқингнинг аньаналарига эҳтиром билан қара! Ҳар доим ҳалол, виждонли, хақгўй бўл, сохта мақтовларга учма, ширин сўзларда ҳам учраб турадиган, очиқ душмандан даҳшатлироқ ва хавфлироқ бўлган мунофиқликни ажратиб ола бил!" деган ёндашув Ислом Каримов учун дастури амал бщлган бўлса не ажаб.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида мастер ёрдамчиси, 1961-1966 йилларда В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор, 1966 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат режа қўмитасининг фан бўлимида бош мутахассис,1983 йилда республика Молия вазири, 1986 йилда Давлат режа қўмитасининг раиси, 1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, 1990 йилда Ўзбекистон Президенти бўлган Ислом Каримовни бировлар фақат ҳисоб-китоб билан иш кўрадиган одам, бошқа бировлар сермулоҳаза ислоҳотчи, яна бошқалар эса ҳеч кимга ҳақини бермайдиган киши деб баҳолайди. Унга аниқ мақсад сари интилиб яшайдиган киши деб атайдиганлар ҳам бор... Хуллас, қанча одам бўлса, унга шунча баҳо берилади. Бироқ ҳар бир баҳо, ҳар бир таққоснинг ўзига яраша камчилиги бор - уларнинг биронтаси хам кишининг аниқ моҳиятини тўла ифода қилолмайди. Айниқса, Ислом Каримов сингари шахсларни бир сўз, бир сифат билан баҳолаб бўлмайди.

биринчидан, унинг шахсига, миллат, халқ, ватан олдидаги хизматига қараб аниқ бахо бериш мумкин. Бугунги кунда барча Ислом Каримовнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган, ёрқин, кучли киши эканига ҳеч ким шубҳа билдиролмайди! У мамлакатнинг сиёсий қувватига куч бағишлаган ҳолда қанчалик кўп кўзга ташланмасин, у ҳақда қанчалик кўп гапирилмасин, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовдек киши ҳақида даврдан, бошқача айтганда, у ҳозирги замон манзарасини ташкил этиб турган долзарб муаммолар ва бўҳронли ҳолатлардан айри холда фикр юритиб бўлмайди. Ислом Каримов мана шу қалтис даврнинг етакчиси эди. Унинг тутган ўрни хам, у орттирган тажрибанинг қимматлилиги ҳам мана шунда. Собиқ совет тузумидан кейин пайдо бўлган мана шу беқарор, нотинч даврда у Ўзбекистон жамиятида барқарорлик ва ишончни пайдо қила олди, халқи олдига миллатни юксакларга кўтарадиган улкан мақсад ва вазифалар қўя олди;

иккинчидан, Ислом Каримов вужудига сингиб кетган, у бутун ҳаёти давомида риоя қилиб ҳамда амалга ошириб келган, оиланинг яна бир асрий ақидаси бор. "Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузмаслик керак" деган бу ақида ниҳоятда содда, айни пайтда доҳиёна ақидадир. Президент Ислом Каримовнинг ҳаёт йўли бир маромда-тиғиз, интилиш ва идрок этишдан иборат, ўзини асраб-авайламайдиган, эркин нафас олишга ўрин қолдирмайдиган маромда яшаб, шу маромда ишлади. Дастлаб мактаб, кейинчалик Ўрта Осиё Политехника институтини тугатгач, йирик саноат корхоналарида меҳнат қилди. Ана шу пайтда у махсус, чуқур, таҳлилий билими етарли эмаслигини ҳис қилди. Мухандислик ақл-заковати яхши, мантиққа асосланган, минг ўлчаб бир кесадиган заковат, албатта. Лекин иқтисодиёт-бутунлай бошқа гап. Унинг мураккаб қонун-қоидаларини ўзлаштирган, чалкашиб кетган йўлларда ҳам чиқа оладиган кишининг олдида кенг уфқлар очилади, энди у бир корхона, туман, шаҳар доирасидан чиқиб давлат миқёсидаги энг мураккаб вазифалар пайдо бўлди. Иқтисодчилик ихтисосини олиб, мустақил иш тажрибасига эга бўлганидан сўнг у раҳбарларнинг назарига туша бошлади. Ўша даврнинг ибораси билан айтадиган бўлсак, уни олға силжитиш бошланди. Бироқ, ҳар доим эҳтиёт бўлиб, орқага қараб туриларди. У республика бошқарув органларида раҳбар ўринларга кўтарилганда

[1] Н.Мишин. Ислом Каримов-Ўзбекистон Республикасининг Президенти.Т.,"Ўзбекистон", 1997, 5-бет.

ундан бир поғона юқорига бошқа, “синовдан ўтган” одам қўйиларди. Иқтисодчи, назариётчи ва амалиётчи Ислом Каримов хўжалик юритишнинг маьмурий-буйруқбозлик тизимини нақадар нотўғри эканини кўриб, билиб турар эди. У ҳали-ҳануз Москвадаги не-не кабинетлар эшиги турумини бузганини, ўзининг ҳақлигини исбот қилиш учун саводсиз мансабдорлар олдида паст тушганини юрагида бор дард ва алам билан эслагани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. У ўзи учун эмас, Ўзбекистон учун, Ўзбекистон халқи учун шундай қилган эди;

учинчидан, унинг профессионаллиги, таҳлил қила олиш, мураккаб вазиятлардан чиқишнинг ягона йўлини топа олиш қобилиятини билган ва қадрлаган айрим юқори лавозимдагилар унга: “Бошингни эг, Ислом, -дейишарди тинмай,-баҳслашма. Биламиз сен ҳақсан, аммо тузум сендан кучлироқ. У сени букиб қўяди...”. Аммо у бошини эгмади. Ўзининг фикрини республика иқтисодиётини ривожлантириш, амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат охир-оқибатда халқ ҳаётига оид масалалар бўйича ўзининг нуқтаи назарини ҳам ўзгартирмас эди. Энди яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, мустабид совет тузуми ҳам, ҳаёт ҳам унга кўп зарбалар берди. Амммо у бу зарбалардан омон чиқибгина қолмай, чиниқди, турмуш тажрибаси ортди, мардлик, матонат, ҳамдардлик сингари фазилатлар бойиди. Бу фазилатлар Фарғона ва Ўшда, Бўка ва Наманганда, хозирги ибора билан айтадиган бўлсак, бошқа “қайноқ нуқталар”да тўла намоён бўлди. “Унинг иши ҳам сўзи билан тўғри келди. Каримов қарама-қаршилик юзага келмаслиги учун қўлидан келадиган барча имкониятларни ишга солди. Бу ҳайратланарли маънавий жасорат ва ҳозирги дунёда жуда кам учрайдиган қаҳрамонлик эди”[1]. Ҳозир ҳеч иккиланмай айтиш мумкин ва лозимки, у ўз ҳаётини гаров остига қўйиб бўлса-да, “ўзиникилар”ни ҳимоя, “бегоналар”ни жазолашни талаб қилган маҳаллий миллатчиларнинг жазаваларига учмай, ҳақиқий тинчлик ўрнатувчи сифатида иш тутди. У эҳтиросларни ўчирди, одамларни тинчлантирди, уларни ақл-заковат билан иш кўришга даъват этди. У келтирган далилларга тенг келадиган эътироз йўқ эди. Ўшанда унинг биттагина, ягона қуроли бор бўлиб, бу қурол ўз халқига хурмат ва садоқат, ўйланмай ташланган қадамлар олиб келиши мумкин бўлган даҳшатли оқибатларни кўра олиш қобилияти ҳамда барчани ишонтира оладиган темир мантиқ эди. Мана шу мантиқ тантана қилди! Ғалабага олиб келди!

тўртинчидан, Ислом Каримов танлаган йўл унинг инжиқлиги, унинг АҚШ даги айрим танқидчилар айтганидек, унинг шахсий хусусиятларига асосланган эмас. Бу йўл жамоат тартибини издан чиқариш ва бошбошдоқликка олиб келиш хавфи бўлган муаммолардан ҳимояланишнинг олдини олибгина қолгани йўқ. Бу йўл комплекс шарт-шароитларга жавоб, илдизи замон тажрибасига асосланган миллий маданият қаърида бўлган тизим шаклдаги жавоб эди. Шу ўринда мана шу ўтиш даврида давлатнинг интилишлари қай томонга қаратилган, деган қонуний савол туғилади. Ислом Каримов янги сайланган Олий Мажлис депутатлари олдида,- “Шарқ шароитида демократлаштириш жараёнининг ўзига хос хусусияти бу жараённинг изчиллиги ва босқичма-босқичлигида,- деган эди. Бизда бу борада инқилобга ўрин йўқ. Ислоҳот-ҳақиқий тадрижий янгиланиш, бироқ, табиий, инсоният ва мазкур жамиятнинг олдинги тажрибасига асосланган янгиланишдир. Аньаналарга таяниш, улардан ҳаётга кириб келаётган янгшикларни аста-секин мустаҳкамлаш билан бир пайтда фойдаланиш- ислоҳотларнинг осойишталик билан амалга оширилиш ҳамда кескин янгиликлар юз бериб турган пайтда жамиятнинг мустаҳкамланишига кўмаклашади. Биз шунчаки демократик жамият эмас, адолдатли демократии жамият қурмоқчимиз. Адолатга интилиш-халқимиз тафаккур тарзининг яна бир ўзига хос хусусиятидир”,-деган эди. Ислом Каримов давлатни ривожлантириш борасида кимларнингдир тажрибасидан нусха кўчирмади, ўзининг бутунлай янги, бошқаларникига ўхшамайдиган йўлини ишлаб чиқди;

бешинчидан, Ислом Каримовнинг барча ишида изчиллик, аста-секинлик ҳамда ҳисоб-китоб билан иш тутиш кўзга ташланади. Ислом Каримов умумхалқ сайловида

[1] Леонид Левитин Дональд С Карлайл билан ҳамкорликда. Ислом Каримов-янги Ўзбекистон Президенти. Агротек, Вена, Австрия, 1995, “Ўзбекистон”, Тошкент, 1996, 13-бет.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти бўлиб сайланганида - у бу хабарни 1991 йил декабрнинг охирида, МДХ давлатлари бошлиқларининг анчагина мураккаб учрашувидан қайтиб келаётиб, самолётда эшитган эди. Демак шу даврда Ислом Каримов халқининг эътирофини қозонган, халқ унга ишониб, ортидан эргашган эди. Ўшанда Ислом Каримов бугунги кунда хам Ўзбекистон раҳбариятининг стратегик йўлига, сиёсий амалига айланган мана бу гапларни айтган эди: “Ўзбекистон-келажаги буюк давлат. У суверен, демократик, ҳуқуқий давлатдир. У гуманизм тамойилларига асосланган, миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва сиёсий қарашларидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган давлатдир”. Узоқ вақт мобайнида давлатнинг ҳуқуқий пойдеворини қуриб бўлган Ислом Каримов Ўзбекистон аталмиш улкан кемани ишонч билан, дадил бошқарди. Бу кема сув остидаги қоя-тусиқлардан омон-эсон ўтиб, ўтиш даврининг бўронларига бардош берибгина қолмай, очиқ ва кенг йўлга чиқиб олди, шунинг учун ҳам кундан-кун тезлигини оширмоқда. Бу маъжозий ўхшатманинг тагида муайян фактлар ётибди, албатта.

олтинчидан, Марказий Осиёдаги қўшни қардош республикалар ўртасида иқтисодий иттифоқ тузиш ташаббускори ҳам айнан Ислом Каримов бўлади. Ислом Каримовнинг Афғонистондаги биродаркушлик урушини тўхтатиш ва Тожикистонда барқарорликни тиклаш борасидаги нуқтаи назари ўнлаб мамлакатларда қуллаб-қувватланди, БМТнинг Бош Ассамблеясида маъқулланди. У биринчи бўлиб Афғонистонга қуролнинг ҳар қандай турини олиб киришни зудлик билан таъқиқлаш, қушни мамлакатлар орқали наркотик моддаларни олиб ўтишга қарши кескин жазо чоралари қўллаш муаммосини кўтариб чиқди. Танланган йўлдаги изчиллик, ҳар қандай йўл билан қўйилган мақсадга эришишга интилиш, мураккаб тўсиқларни бартараф эта олиш, керак бўлса, хақиқат ва ақл-идрок овози барча қитьаларда эшитилиши учун бонг уриш- Ислом Каримовнинг асл моҳияти мана шунда бўлса керак.

Ислом Каримовнинг халқимиз, юртимиз ривожи йўлида қилган эзгу ишларини санаб чиқаман десангиз, катта бир китоб ёзсангиз ҳам камлик қилади. У ўзига олтиндан ҳайкаллар ясатмади, у она юртимизнинг улуғворлигини ҳар биримизга яққол намоён қилиб берди. Менинг фикримча, мабода аллоҳ унга жон ато этиб, ундан “Ҳаётингизнинг маъносини нимада кўрасиз?” деб сўралса, у киши ҳеч иккиланмай “Шу муқаддас юртнинг буюк келажагига замин ҳозирлашда, ҳар бир ватандошимизнинг фаровонлиги, бахт-саодати йўлида ўзимни аямасдан хизмат қилишда” деб жавоб берарди. Зеро Ислом Каримов “Савоб ишни ҳар куни қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак” деган гапни кўп такрорлар эди. Бу бежиз эмасди. Бу-нафақат бошқаларга қаратилган, балки биринчи навбатда унинг ўз ҳаётий принципини белгилайдиган даъват эди.

Адабиётлар

1. Азизхўжаев А. Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. Т., “Ўзбекистон”, 2001.
2. Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. Т., “Ўзбекистон”, 2003.
3. Леонид Левитин Дональд С Карлайл билан ҳамкорликда. Ислом Каримов-янги Ўзбекистон Президенти. Т., “Ўзбекистон”, 1996.
4. Мишин Н. Ислом Каримов-Ўзбекистон Республикасининг Президенти. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
5. Шарафиддинов О. Мустақиллик меъмори. Т., “Адолат”, 2003.

ИСЛОМ КАРИМОВ – МИЛЛАТ ИФТИХОРИ ВА БУЮК АҚЛ-ЗАКОВАТ СОҲИБИ

Маткаримова Ж.Д.-ТТЙМИ доценти соц.ф.н.

Бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк аллома ва азиз-авлиёларимизнинг давомчиси миллат фахри, ифтихори ва ғурури бўлган Ҳазрати Инсон сифатида Ислом Каримовнинг номи ҳам буюк тарихимизга зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди. Биз миллатимизни бу улуғ номсиз, бу улуғ номни эса миллатимизсиз тасаввур қила олмаймиз”. Том маънода миллат Отаси даражасида эътироф этилган инсондир.

Ҳар бир миллат ёки давлатнинг йўлбошчиси ёхуд етакчиси янги бир давр ва тараққиётига олиб боради. Албатта, тарихда бундай даҳолар ва йўлбошчилар кўп бўлган. Ўзбекистон давлатига бирлашиш ғояси, давлат ва унинг раҳбарининг ҳар бир фуқаро ҳаёти учун масъуллигини, ҳар бир фуқаронинг давлат олдидаги бурч ва мажбуриятлари билан боғлиқ масалалардир. Давлат раҳбари ҳар қандай шароитда ўз фуқаролари олдидаги бурчи ва мажбуриятини бажаришга мажбурдирлар, улар халқни бир мақсад асосида бирлаштириб олдинга ҳаракатлантирувчи куч бўлишлари назарда тутилади.

И.А. Каримов тарих учун қисқа вақт ичида шарқнинг етук намояндаси бўла олди. У сиёсат арбоби, кучли дипломат ҳам бўлган. Ўзбекистон давлатининг истиқбол ривожланиш стратегиясини белгилаб берган буюк ақл соҳиби деб эътироф этилган, ўз миллатининг мард ўғлонидир, дея бемалол атишимиз мумкин. Шарқ мутафаккири ал-Форобий ўз асарида фозил давлат раҳбарига қўйилган 12 та талаблар ичида донишмандлик билан бир қаторда қонунларни ва давлат бошқаруви қоидаларини билиш, қонунлардан ижодий фойдалана олиш, адолатпарварлик, одиллик каби фазилатларнинг барчаси И.А.Каримовда мавжуд бўлган. Биринчи Президент томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ўз олдига қўйган стратегик мақсад ва вазифалари келажак асрларни белгиловчи омил сифатида хизмат қилади.

Бу стратегик мақсад ва вазифалар – эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, кучли фуқаролик жамияти, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя қилишга эришишдан иборат. Бу мақсад ва вазифаларга эришишга Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг давлат ва жамиятнинг ислоҳотлар ҳамда барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиққани тарихий аҳамиятга эга. Қисқа муддат ичида (баъзи ғарб давлатлари ушбу даражага етиш учун 150-200 йил тарих босқичларидан ўтган) давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларида амалга оширилган қуйидаги ўзгаришлар, тарихий воқеалар мустақил давлатнинг янги ва шонли тарихининг илк ривожланиш зарварақларида ўчмас из қолдириши шубҳасиз:

Бой маънавий, маданий, анъанавий қадриятларимиз жаҳон тараққиёти қадриятларига уйғун ҳамда халқаро ҳамжамият қадриятларига мувофиқ равишда тикланди; республикада кўпмиллатли жамият барпо қилиш мақсадида фуқаролар тинчлиги, миллатлараро тотувликни таъминлаш, ижтимоий-сиёсий барқарор ривожланишни, фуқароларнинг обод, фаровон яшаш борасида имкониятлар яратилди; Ўзбекистон халқи Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган жамиятни ривожлантиришнинг стратегик истиқбол режалари асосида аниқ мақсад учун, келажаги буюк бўлган мустаҳкам давлат қуриш учун дадил қадам ташламоқда; бугунги кунда тикланиб бораётган қадриятларимиз – маданиятимиз билан жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон маданий тараққиётининг умуминсоний қадриятларига кириб бормоқдамиз; Ўзбекистон халқи сиёсий ҳамда иқтисодий ислоҳотлар йўлида ҳаракатларнинг натижаларини ҳамда уларни умумжаҳон демократик нормалари ва қадриятларига мослигини баҳолашга тайёр; жамиятнинг янгиланиш йўлидан олға боришида давлатнинг ўрнини стратегик таҳлил қилиш учун қуйидагиларга алоҳида ҳамият бериш зарур: яъни, жамиятнинг дунёқараши юқори даражага кўтарилди; фуқаролар ишлаб чиқариш соҳасида ҳам мустақил бўлдилар, меҳнат фаолиятларининг натижасини юзага чиқариш, намоён этиш учун имкониятлар яратилди, уларда ўз-ўзига бўлган ишонч туйғуси пайдо бўлди; Ўзбекистон жамиятини дунё маданий тараққиёти даражасида қайта тиклаш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Мустақиллик йиллари қўлга киритилган ютуқлардан келиб чиққан ҳолда, танланган ислоҳотлаштириш моделининг Республика шарт-шароитларига мос ягона ва ишончли йўл эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Ўзбекистоннинг ютуқ ва муваффақиятлари яна қуйидагиларда ўз ифодасини топиб бормоқда: биринчидан, Ўзбекистоннинг ҳозирги босқичдаги иқтисодиётига чет эл инвестицияларининг кириб келаётган ислоҳот моделига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Иккинчидан, Ўзбекистон ислоҳотлаштириш босқичи, янгиланиш жараёнларни давом эттириб, дунё

ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ҳамда фаол аъзоси бўлди. Бугунги кунда республика ўз овозига эга бўлиб, унинг таклиф ва мулоҳозалари дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Учинчидан, дунёдаги кўпгина етакчи давлатлар билан расмий дипломатик алоқалар ўрнатилган. Ўзбекистон 160 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатларни йўлга қўйган. Тўртинчидан, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси ва халқаро демократик институтларнинг асосий хужжатларини қўллаб-қувватлади ва қабул қилди. Бу нормаларга амалда сиёсат олиб борилишини юзлаб хорижий экспертлар ўз чиқишларида тасдиқламоқдилар. Бешинчидан, МДҲдаги бир қанча давлатлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини эътироф этиб бизнинг тажрибамизни ўрганмоқда (таълим, соғликни сақлаш, ижтимоий сиёсат соҳасида ва б..).

Биринчи Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асаридаги «Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не сир-синоатмиз, қаёққа қараб кетаяпмиз? Инсоният янги – XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?» деган саволлари ҳар биримизни ўйлантириб, мулоҳаза юритишга ундайди. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш йўлида уларни илмий ўрганиш, стратегик таҳлил қилиш асносида, биз ҳеч иккиланмасдан давлатимиз ва жамиятимизни демократлаштириш жараёнида мислсиз ютуқларга И.А.Каримов бошчилигида эриша олдик, дея оламиз.

Биринчи Президент И.А.Каримов томонидан мустақил давлат тизимини тубдан ўзгартиришнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилиб улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўтган 27 йил давомида Ўзбекистонда янги тизим учун ишончли замин яратиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичлари тарихга фуқаролар онгидаги эскича тафаккур тарзини, эски психологияни бартараф этиш босқичи бўлиб киради. Ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш долзарб вазифага айланиши табиий. И.А.Каримов таъкидлаганидек, сиёсий тизимни ислоҳ қилмай туриб, иқтисодиётни ривожлантириш мумкин эмас. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд муаммоларни одилона ҳал этишнинг объектив заруратини вужудга келтиради.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Президенти Биринчи Ислом Каримов нутқларида ҳар томонлама асослаб берилган, тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган масалалар, жумладан, минтақамизда ва бутун дунёдаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқтисодиёт, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари ривожини янги босқичга кўтариш ва уларни янада кўпроқ инсон манфаатлари йўлида хизмат қилдириш, бу борада БМТ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаоллаштириш – буларнинг барчаси жаҳон жамоатчилигидан биргаликдаги доимий саъй-ҳаракатларни талаб этадиган устувор вазифалардир. Уларни бизнинг юртимизда тўлиқ ва самарали амалга ошириш эса энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятининг теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади.

“ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ” АСАРИДА ТИЛ МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

Жомонов Р.О.- ТДМРХОМ фил.ф.н., профессор

Мамлакатимизда маънавият ва маърифат масалалари ниҳоятда долзарб масалага айланган. Бу ҳақда кўплаб баҳс-мунозаралар бўлиб ўтмоқда. Назаримизда, мазкур масала бўйича босилиб чиққан асарлар орасида “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари алоҳида ўрин тутади. Негаки мазкур асарда она тилимизнинг софлигини сақлаш, тил маданиятини ошириш борасида қимматли фикрлар билдирилган. “Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур. Айниқса, баъзан расмий мулоқотларда ҳам адабий тил

қоидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини қўшиб гапириш ҳолатлари учраб туриши бу масалаларнинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади. Бу ҳақда сўз юритганда, бобомиз Алишер Навоийнинг “Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз” деган сўзларида нақадар чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассам эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз”[1].

Бунинг ёрқин намунасини кундалик мулоқотда учратиш мумкин, масалан, баъзида ўзлашма сўзлар талаффузи бироз ноқулайлик туғдириши мумкин. Шу боисдан ҳам бундай сўзлар ўзбекча сўзларга мослаштириб айтилади: *Ниғмат* (Неъмат), *Ниғмон* (Нўъмон), *соғат* (соат) ва ҳ.к. Чунки асли арабча сўзлардаги чўзиқлик ёхуд сўз орасида икки унлининг ёнма-ён келиши юқоридаги ҳолатни юзага келтиради. Бироқ *янги* (сифат)нинг *енги* (от, “кўйлакнинг енги”) тарзида ишлатилишини, *айтинг* ўрнида *эйтинг* каби қўлланишларни сира оқлаб бўлмайди. Негаки, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ниҳоятда тўғри таъкидланганидек, “Албатта, жаҳон – кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим. Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзини энг аввало Ўзбекистон фуқароси деб, шундан кейингина муайян бир ҳудуд вакили, айтайлик, хоразмлик, самарқандлик ёки Фарғона водийси фарзанди деб ҳис қилиши лозим. Табиийки, бу ҳолат ҳар биримизнинг мансуб бўлган “мўъжаз ватан”нинг, туғилиб ўсган шаҳар ёки қишлоқнинг қадри ва аҳамиятини асло камайтирмайди. Бироқ шуни эсда тутиш керакки, ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган маҳаллий ватанпарварлик миллатнинг, халқнинг жипслашувига халақит беради”[2].

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ***гавҳар*** сўзига қуйидагича изоҳ берилган: “Тарашлаб сайқал берилган олмос; қимматли, бебаҳо, нодир нарса”[3]. Халқимиз гавҳарнинг мана шундай қимматли, азизлигини кўзда тутиб қизларга Гавҳар деб исм қўяди. “Ўзбек исмлари” луғатида Гавҳарнинг маъноси “дур, марвариддек бебаҳо қиз ёки асл, аслзода”[4] эканлиги қайд қилинади. Ваҳоланки, яхши ниятда,эзгу мақсадларда қўйилган исм оддий бир эътиборсизлик, яъни [х] ва [ҳ] товушларини фарқламаслик натижасида хунук бир ҳолат юзага келади. Айниқса, форс тилини яхши билганлар ёки тожик биродарларимиз олдида хижолатга тушамиз. Чунки *Говхар* деб талаффуз этиш натижасида (форсий тилларда *гов* – сигир, *хар* - эшак) қимматбаҳо бир исмдан айрилиб қоламиз.

Маълум бўладики, тилимиздаги сўзларни тўғри талаффуз эта олиш нафақат шахсий масала, балки ижтимоий муаммолар сирасига киради. Шу боисдан ҳам, болалаикдан бошлаб адабий талаффуз қоидаларини ўрганиб боришимиз, унга қатъий риоя этишимиз зарур. Бунинг учун эса таълим муассасаларида масаланинг туб моҳиятини англаб етиш, ўқувчи ва талабаларда адабий талаффуз кўникмаларини шакллантириб бормоғимиз керак. Фақатгина она тили ва адабиёт фанларида эмас, балки барча ўқув предметларида ҳам мана шу тамойилга қатъий риоя этиш лозим[5].

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, жамиятда тил маданиятини ошириш жуда муҳим масалалардан ҳисобланади. Негаки, бу ҳақда ўзини англаган ҳар бир инсон, зиёли аҳли доимо қайғурган, тил маданиятини оширишга чорлаган. Мана, жадидчиликнинг асосчиси Исмоил Ғаспралининг фикри:

“Ўқимишли ва маърифатли мусулмонлар рус ёки француз тилини билади. Улар – ҳакамлар, адвокатлар, муҳандислар, геологлар ва ҳоказолар. Бироқ улар ўзларининг она тилини билмайди. Русча ёзишни билмайдиган бирорта ҳам рус йўқ, бironта ҳам маърифатли немис, поляк, гуржи, армани йўққи, ўзининг она тилини билмасин. Ўз тилини билмайдиган фақат бизнинг татарлар орасида учрайди”[6].

Кўринадики, тил маданиятини ошириш доимо долзарб масала бўлиб келган. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ҳам айни шу муаммолар кўтарилиб, биз – ўзбек тили соҳибларини тил маданиятини ошириб боришга чорлаб туради. Энг муҳими, тил маданиятини ошириш – ҳар биримизнинг кундалик фаолиятимиз мазмуни бўлиши

асарда ўз исботини топган. Шундай экан, она тилимизнинг софлиги, уни асраб-авайлаш ҳам маънавий, ҳам фуқаролик бурчимиздир. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари маънавий-маърифий, тарихий-бадиий, ижтимоий ва лисоний ҳодисаларни чуқур қамраб олган ноёб асар сифатида муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Ўша жойда. – Б. 90-91.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005.
4. Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси (Изоҳли луғат). –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.
5. Жомонов Р. Сўз ва масъулият. –Т.: Нишон-ношир, 2010.
6. “Тафаккур” журнали, 2000 йил 2-сон. –Б.63.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ КАРИМОВ И.А. АСАРЛАРИДА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИЛИШИ

Самадов А.Р.-СамДУ ф.ф.н., доцент,
Исмоилов Д.-талаба

Тарихий бурилиш палласида ҳар бир миллат ва элатнинг ўз иродасини намоён этиши, ҳудудий, географик жойлашишини ҳал этиши, умуман тараққиёт моделини яратиши – бу қонуний жараёндир. Тарихни буюк шахслар, тарихий шахслар бутунлай яратмасаларда, лекин тарихга маъно бахш этиб, ўзига хос жозибадорлигини яратиб кетадилар. Бизни мамлакатимиз мустақиллигини меъмори, Марказий Осиёда ўзига хос давлатчиликни XXI асрда ярата олган буюк шахс И.А.Каримовнинг асарларида давлат ва жамиятнинг маънавий ҳаётини тубдан ўзгатиришга қодир назарияни гувоҳи бўламиз. Энг аввало ўзбек жамиятидаги муаммоларни ечимига қаратилган қисқа муддатли, узоқ муддатли режалар, буюк мақсадлар 24 жилдлик асарларида акс этиб борган.

Демократик давлат ва адолатли фуқоролик жамиятини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб олган Ислом Каримов энг авало ишни жамиятнинг маънавий қиёфасини янгилаш, баркамол шахсни шакллантириш, провард мақсад бўлган комил инсонни тарбиялашни энг устувор вазифа қилиб белгилаган. Ислом Каримов ўзининг ҳажми жиҳатдан кичик бўлса ҳам, аммо мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларини акс эттирилиши жиҳатдан мукаммал, фундаментал дастур бўлган “Ўзбекистонннинг ўз истиқлоли ва тараққиёти” номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берилган. Баркамол авлодни шакллантириш йўлидаги ислоҳотлар, маънавий-маърифий соҳадаги чуқур ўзгаришлар ёшларнинг ҳуқуқий, ахлоқий ва маънавий онгида ўзига хос ўзгаришлар ясади. “Зеро, - деб уқтиради Ислом Каримов, - биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз”[1,2]. Баркамол авлодни тарбиялашда шарқона маданият, маънавиятни ютуқлари ва замонавий маданият натижалари билан ҳамоҳанглигини ҳисобга олинганлиги жуда узоқни кўзлаб юритилган сиёсатдан далолат беради. Шу билан бирга Ислом Каримов “Фидокор” газетаси мухбири саволларига берган жавобларида қуйидагиларни таъкидлайди: “...аввалambор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрга эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишидир”[2, 12-13].

Ўзбек давлатчилигининг сиёсий, маънавий негизини яратишда бу соҳадаги юксак маънавиятни ўқини ташкил қилган соҳибқирон Амир Темурнинг меросига таяниши, “Куч - адолатдадир” деган ғоясини ривожлантириб, “Куч – билим ва тафаккурда”, деб даъват қилиши мустақилликни шаклланадиган янги авлодига бўлган чақирув бўлган. Баркамол авлодни Ўзбекистоннинг келажаги деб белгиланиши бу соҳадаги ишларни нақадар тизимлаштирилганлигидан далолатдир. Бир қатор Давлат дастурларини номланиши ҳам (2008, 2010 йй) айнан баркамол авлодни шакллантиришга бўлган интилишдан далолат беради. И.А.Каримов жамиятдаги маънавий ислоҳотларни провард мақсадини ёшларни баркамоллиги билан, таълим-тарбия тизимидаги натижалари билан, келажакда вояга етадиган маънавий-мафкуравий иммунитетга эга шахслар ва миллий дастур асосида тайёрланган кадрлар билан белгиланишини асарларида таъкидлаб ўтган.

Маънавий баркамоллик инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, хулқ-атвор нормалари, ахлоқ-одоби билан бевосита алоқадорлиги билан ажралиб туради. Маънавий баркамол кишилар халқ тақдири ва фаровонлиги, ватан тақдири ва унинг равнақини ўйлайдилар. Улар мутеликда, қарамликда яшашни истамайдилар. Шуни чуқур англаган Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавият тушунчасига кенгайрилган, концептуал асосларига эга бўлган таъриф бера олган. Ушбу асарда баркамол авлод тарбиялаш борасидаги жамиятдаги маънавий ислоҳотларни тамойилларини, миллий ғоя ва мафкуранинг тарихий негизларига тегишли бўлган теран ғояларни келтириб ўтган.

Ўзбекистон Республикасини Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг мустақилликни 25 йили ичида яратилган асарларида баркамол авлодни яратишга доир концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, унда баркамол авлод ҳақида қуйидагича хулосалар келиб чиқади:

биринчидан, баркамол авлод аввало маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштирган, ўзбек миллатини ўтмишини чуқур англаган, ўз-ўзини англаган, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаб бораётган ёшлардир;

иккинчидан, мустақилликдан кейинги ўтган даврда миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига курашаётган бунёдкор куч;

учинчидан, Ўзбекистон таълим тизимини изчил ислоҳ қилиш натижасида юқори малакали мутахассис, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида вояга етган билимга чанқоқ баркамол авлод, соғлом авлод дастури асосида шаклланган жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлод;

тўртинчидан, ўз ҳақ-ҳуқуқуни танийдиган, курашувчан, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, бутун имкониятларини ишга солиб, самарали ишларни амалга оширадиган фаол тадбиркор;

бешинчидан, дунё геополитик майдонларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдир оладиган, шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўрадиган, онгида бўшлиқ бўлмайдиган мафкуравий иммунитетни кучли, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашадиган инсон.

ИСЛОМ КАРИМОВ ВА “ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ”

Холиқулов Р.-СамДУ доценти,
Бодиров А.-тадқиқотчи

Мустақилликка эришганимиздан кейин республикамизда миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатига катта эътибор берила бошланди. 1992 йили Тошкент шаҳрида “Асрларга тенгдош наволар” ва “Боқий овозлар”, Хоразм вилоятида фольклор жамоалари, аския, қизиқчи ва масхарабозларнинг, Қўқонда катта ашула, лапар ва ялла ижрочиларининг кўрик-танловлари ўтказилди.[1]

1993 йил Бухоро, 1995 йил Шаҳрисабз шаҳарларида республика мақомчиларининг кўрик танловлари ўтказилди. Уларда “Шашмақом”нинг унутилган ўнлаб оҳанглари жаранглади, маҳоратли ашулачи истеъдодлар кашф этилди. [2]

1995 йил 5 декабрда Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон – Ватаним маним” қўшиқлар байрами тўғрисида”ги Фармони қўшиқчилик санъатини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил, 27 августдаги фармони билан бундай кўрик-танлов ҳар йили август ойида ўтказиладиган бўлди ва август ойининг учинчи якшанба куни “Ўзбекистон – Ватаним маним” қўшиқ байрами куни деб белгиланди.[1]

1997 йилнинг 11 мартида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.[3]

Фестивалнинг бош вазифаси, мақсади ҳукуматимиз қарорида таъкидланганидек Шарқ мамлакатлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий мусиқа анъаналарини авайлаб-асраш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, гўзалликни чин инсоний қадриятларни тараннум этиш, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстлик биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтиришдан иборатдир. Мусиқа фестивалининг ЮНЕСКО халқаро маданий тадбирлари доирасига киритилиши эса унинг сиёсий-маънавий аҳамиятига берилган юксак баҳодир.

Президент Ислом Каримов 1997 йилнинг 25 августда бошланган халқаро мусиқа фестивалининг очилиши тантаналарида иштирок этиб, ўз нутқида:

“Шарқ тароналари” мусиқа фестивали Ўзбекистонда, айни Самарқанд заминида ўтаётгани бежиз эмас.Самарқанд ҳақли равишда дунё цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланади. Бу ерга Амир Темур, Имом Бухорий, Хожа Аҳрор Валий, Улуғбек, Қозизода Румий, Шарафиддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий, Клавихо, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Вамбери, Абдураззоқ Самарқандий каби ўнлаб ва юзлаб буюк инсонларнинг қадамлари теккан. Не-не буюк давлат арбоблари, санъаткорлар ва ижодкорлар бу шаҳри азимни зиёрат қилган.Самарқандни азал-азалдан турли халқ вакиллари ва маданиятлари учрашган манзил бўлган, деб айтсак асло хато бўлмас” [4], деб таъкидлаб ўтади.

Фестиваль якунида Халқаро ҳакамлар ҳайъати озарбайжонлик Симара Имонова санъатини Гран При – фестивалнинг энг олий мукофотига муносиб деб топди. Биринчи мукофотга Муножот Йўлчиева (Ўзбекистон), Шанну Кхурана (Ҳиндистон), иккинчи мукофотга Хи Ли (Хитой), Шаҳром Нозирий (Эрон), учинчи мукофотга Цогтсайхан (Мўғулистон), А.Саможиков (Россия), Рамазон Стамғозиев (Қозоғистон) сазовор бўлди.

Япония, Корея, Миср, Ҳиндистон, Таиланд, Покистон, Индонезия, АҚШ, Юнонистон, Малайзия, Озарбайжон каби 32 та давлат ва 2 халқаро ташкилотдан 267 вакил, 20 мамлакатдан фахрий меҳмонлар, 10 дан ортиқ чет эл давлатларидан матбуот ходимлари қатнашган ушбу фестивалда санъаткорлар ҳам шаклан, ҳам мазмунан ранг-баранг тароналар ижро этсалар-да, ҳар бирида чин инсоний меҳр-муҳаббат туйғулари акс этиб турди.[5]

2007 йилнинг 25 август куни Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ва “Шарқ тароналари” VI Халқаро мусиқа фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари тантанали маросим иштирокчиларини, улар сиймосида бутун халқимизни Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи билан муборак этди. Бугунги байрам, Самарқанд шаҳрининг бетакрор жамоли, юртимиздаги тинчлик-барқарорлик истиқлолимизнинг буюк неъмати эканини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда, жумладан, Самарқандда амалга оширилган ўзгаришлар, улкан қурилиш ва таъмирлаш ишлари бунёдкор халқимизнинг салоҳиятини, тафаккур қудратини, истеъдод ва

маҳоратини ўзида намоён этишини қайд этди. Юртбошимиз “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа анжумани қатнашчиларини самимий қутлаб, уларга инсоният тафаккурининг бетакрор хазинаси, маънавий камолот рамзи бўлмиш мусиқа санъатини бутун дунёга тарғиб қилиш, одамларни нафосат ва гўзалликка ошно этишдек олижаноб фаолиятларида янги ютуқлар, фестиваль ишига муваффақиятлар тилаб, яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

“… Ўзида Шарқнинг қалби ва руҳини ифода этадиган мумтоз мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қиладиган бу анжуманни Самарқанд шаҳрида, унинг юраги бўлмиш мана шу бетакрор Регистон майдонида ўтказилиб келаётганимиз бежиз эмас албатта. Самарқанд диёри азал-азалдан маданият ва санъат бешикларидан бири бўлиб келгани тарихдан яхши маълум. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан бундан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най асбобининг топилгани, ҳеч шубҳасиз, бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” китобида Амир Темур томонидан уюштирилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, “Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эдилар. Ва турку мўғул, Хитой-у араб ва Ажамдан ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди” деган маълумотларни келтиради.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар бундан олти аср аввал, айнан мана шу Самарқанд заминида мавжуд бўлган маданий анъаналар бугунги “Шарқ тароналари” фестивалининг руҳи ва ғояларига қанчалар уйғун ва ҳамоҳанг”. [6]

Юбилей тантаналари ва фестивалда жаҳоннинг 51 мамлакатидан 400 дан ортиқ иштирокчилар, созандалар, жаҳон ва маҳаллий ОАВ ходимлари ҳамда таниқли мусиқашунослар қатнашдилар.

2015 йилда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” ўнинчи халқаро мусиқа фестивали кунларида рўй берган бир воқеа мезбон ҳамда дунёнинг 66 та мамлакатидан келган меҳмонларни жуда таъсирлантирди. Ўшанда Самарқанддаги Регистон маҳобатидан ҳаяжонланган филлипинлик созанда, “Kintosh Mindanao” гуруҳи аьзоси Нил Сервантес тадбирнинг ёпилиш маросими тугаб, майдонда ҳеч ким қолмаса ҳам ўтираверади. Кейинчалик унинг шериклари, мезбонлар, бошқа юрт санъаткорлари бунинг сабабини сўрашганда, Нил шундай деб жавоб берди. “Мен Самарқандга мафтун бўлдим. Бу ернинг меҳрибон ҳамда дилкаш одамларига ўрганиб қолдим. Агар ноқулай бўлмаганда, афсонавий Регистонда тонг оттириб, улуғ зотларга бешик бўлган шаҳарни, бу ердаги қадамжоларни яна бир марта зиёрат қилардим. Ахир мен бундай муаззам диёр, кўзлари кулиб турувчи, қўли кўксида, самимий одамлар яшайдиган юртга келиб, ўзимни худди эртаклар оламига тушиб қолгандек хис қилдим……” [7]

“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг донғи ва довруғи дунё миқиёсида тобора кенг ёйилиб, янги-янги моҳир хонанда ва созандаю санъаткорларни ўз сафига тортмоқда. Ушбу фестиваль туфайли кўплаб истеъдодли, иқтидорли ва моҳир хонандаю созандалар ҳамда санъаткорлар – озарбайжонлик Симара Имонова, ўзбекистонлик Насиба Сатторова, Муножат Йўлчиева, Соҳибжон Ниёзов, Нодира Пирматова, Дилнура Мирзақулова, Матлуба Дадабоева, Набижон Иброҳимов, озарбайжонлик Зобит Набизода, Олим Гасимов, эронлик Фозил Жамшидий, Шахром Нозарий, тожикистонлик Озода Ашурова, Олим Бобоев, афғонистонлик Ҳаниф Набизода, италиялик Лаура Молика хоним, ҳиндистонлик Шанну Кхурана, Мадхушри Рамсондр, Жаспиндер Нарулахоним, хитойлик Се Лиин, қозоғистонлик Рамазон Ситамгазиев, покистонлик Устод Али Ҳамидхон, Устод Фотеҳ Алихон, кореялик Пак Жон Ук, Юн Конг Сон, Саудия Арабистондан Муҳаммад Омон, мўғилистонлик Урна Чахар Тухчи, туркиялик Ноҳиди Тўғуз, исроиллик Леви Шемтов, туркманистонлик Лале Бегназарова, Огулбиби Реимова ва бошқалар жаҳонга танилди.

Қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали миллати, тили, дини, ирқидан қатъий назар, бутун дунёнинг таниқли санъаткорларини бир-бири билан ижодий суҳбат қуришга,

шу билан бирга, Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилишга, анъаналарни асраш ва ривожлантиришга, ёш авлод қалбида санъатга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотишга хизмат қилмоқда. Шу боис фестиваль ЮНЕСКО нинг халқаро маданий тадбирлари доирасига киритилган юксак сиёсий-маънавий аҳамиятга эга тадбир ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов 1997 йил 26 августда Самарқанд шаҳрида очилган биринчи "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида "…Ишонаманки, "Шарқ тароналари" анъанавий халқаро мусиқа фестивали халқимиз маданиятини ўзаро бойитади, миллатимиз ва динимиздан қатъи назар, халқларимизни ва инсонларимизни бир-бирига яқинлаштиради.

Ишонаман, қадимий Самарқандда очилаётган мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолади ва Шарқ халқларининг куй ва оҳангларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади", [8]-деб таъкидлаган эди.

Шундай экан, дунё маданий меросининг порлоқ гултожларидан бири бўлмиш қадимий ва навқирон Самарқандимизда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа анжуманининг биринчисини ўтказилганига ҳам 20 йил вақт ўтибдики, бу ишонч ва тилак ушбу нуфузли санъат фестивалига ривож ва қанот бағишлаб келмоқда ва бундан кейин ҳам юксакларга парвоз қилишга ундайверади.

Адабиётлар:

1. Usmonov Q. O`zbekiston tarixi. Milliy istiqlol davri. 2-kurs talabalari uchun darslik. – T.: "O`qituvchi" NMIU, "ILM ZIYO", - B.229-230.
2. Shomurodov T. "Taral jahonga – Sharq taronasi!"// "Zarafshon", 2007-yil 7-avgust.
3. Каримов И. Хавфсизлик ва тараққиёт йўлида: Т.6 – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.322.
4. Расулов У. Дунёни лол қолдирган мўъжиза // "Самарқанд", 1997 йил 5 сентябрь.
5. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Том. 15. Т.: "Ўзбекистон". 2007 - Б.310-311.
6. Jonixanov M., Ziyodinov M. Samarqand: moziy va bugun tutashgan sarhad// "Samarqand", 2016-yil 30-iyul.
7. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6 – Т.: Ўзбекистон, 1998.– Б. 32.

МУСТАҚИЛЛИК - БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Насруллаев М.И.-СамДУ т.ф.н., доц.
Шотемирова А.Ў.-СамДУ ассистенти

Агар биз тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, шу нарсага амин бўламизки, халқимиз ўз тарихий тараққиёти давомида узоқ муддат босқинчилар зулми остида кун кечирган. Хусусан XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг охирига қадар халқимиз чоризмга ва совет тоталитаризмига тобе бўлиб яшади. Озодликка эришиш учун халқимиз тарихий шароитга қараб, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона, яширин тарзда кураш олиб борганлиги тарихий манбаларда ўз аксини топган. Бу кураш ўтган давр мобайнида бир дақиқа хам тўхтаган эмас эди. Хўш мустақилликнинг ўзи нима? Аввало шуни айтиш керакки, мустақиллик тенглик сари қўйилган биринчи қадам ҳисобланади. Чунки тенглик мавжуд бўлмаган ва ўзга миллат ёки давлат ҳукмронлиги шароитида ўзгалар хисобидан яшаш, уларни камситиш каби ярамас иллатлар пайдо бўлиб мустамлакачилик вужудга келади. Мустақиллик ана шу мустамлакачиликдан қутулиш, мустақил яшаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш демакдир.

Мустақиллик айниқса собиқ советлар давлати таркибида бўлган республикалар учун муҳим аҳамият касб этган эди. Чунки совет давлати таркибидаги Ўзбекистонда совет мустамлакачилиги етмагандек, тоталитар тузум иллатлари ҳам кенг қулоч ёйган эди. Натижада, мустамлака ҳукумат томонидан ҳар бир ўзбек миллатига мансуб «фуқароси»нинг ҳатто ўй фикрлари жиловланди. Шунингдек, мустамлака худудлардан

бўлмиш Ўзбекистонга қарши қаратилган турли хил тазйиқлар, қатағонлардан ўзбек халки мислсиз тарзда азият чекаётган эди.

Собиқ СССР шакл жиҳатидан федератив давлатларга хос хос бўлган белгиларга эга бўлган. Жумладан, Ўзбекистоннинг ўз Парламенти, Конституцияси, қонунлари, ҳукумати, рамзлари ва ҳатто ажралиб чиқиш ҳуқуқи ҳам бор эди. Лекин аслини олганда бу автоном ҳуқуқлар фақат қоғоздагина мавжуд бўлиб, республика ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятига эга эмас эди. Чунки, собиқ СССРда тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизими шакллантирилган бўлиб, унинг ўзагини коммунистик партия ташкил қилар эди. Партиянинг ўзи эса федератив эмас, балки, унитар принциплар асосида шакллантирилган эди. Партия уставига кўра Ўзбекистон компартияси компартия деб аталсада, вилоят партия ташкилотидан ҳуқуқлари жиҳатидан умуман фарқ қилмаган. Шу сабабдан, собиқ СССР ўз асосий қонуни – Конституциясига кўра федератив давлат ҳисоблансада, унинг раҳбарлари ва коммунистик партиянинг “саъй-ҳаракатлари” натижасида моҳиятан унитар, яъни марказлашган давлатга айлантирилди. Ўзбекистон компартияси марказий комитети вилоят партия комитети, Ўз КП марказкоми котиби вилоят партия комитети котибидан ҳуқуқ ва вазифалар жиҳатидан умуман фарқ қилмас эди. Бундан ташқари коммунистик партия уставига кўра вилоят партия комитетлари, республика компартиялари Марказкомлари котиблари бевосита КПСС Марказкоми томонидан танлаб олинар ва тегишли партия комитетлари пленумларида марказ тавсияси билан тайинланар эди. Бунинг устига Марказком зарур бўлганда бу раҳбарларни тегишли партия комитетларидан сўраб ҳам ўтирмай ўз вазифасидан озод қилиши мумкин эди. Республикаларда, жумладан Ўзбекистонда раҳбарлик партия комитетларининг котиблари қўлида эканлиги ва бу ташкилотлар унитар принциплар асосида тузилганлиги амалда миллий республикалар федереция субъектлари эмас, балки унитар давлатнинг таркибий қисми эканлигини англатар эди. Бундан ташқари республика, вилоятлар, туманлар миқёсидаги барча партия, совет раҳбарлари, йирик бошқармалар бошлиқлари албатта Москвадаги тегишли ташкилотларда суҳбатдан ўтиб, уларнинг розилиги олингандан кейингина ўз хизмат вазифаларини бажаришга киришар эдилар. Ўзбекистондаги рангли ва қора металлургия, химия, машинасозлик, электроника ва тоғ-кон саноати корхоналари, электростанциялар, темир ва ҳаво йўллари корхоналари, алоқа муассасалари марказга бўйсунтирилган эдилар. Улар Ўзбекистон ялпи саноат маҳсулотининг 90% ини ишлаб чиқарар эди. Республикамиздаги барча ер ости бойликлари СССРнинг мулки ҳисобланар, Ўзбекистондаги давлат ва жамоат хавфсизлиги идоралари, ички ишлар вазирлиги қўшинлари, ҳарбий қисмлар ҳам тўғридан тўғри марказга бўйсунтирилган эдилар. Совет ҳокимияти ҳукмронлик қилган 74 йил мобайнида бирорта ҳам маҳаллий миллат вакили республикадаги ҳарбий ва давлат хавфсизлиги идораларига биринчи раҳбарлик лавозимига тайинланган эмас. Кўриниб турибдики Ўзбекистон собиқ иттифоқ аравасига шунчалик мустаҳкам боғланган эдики, ундан ажралиб чиқишни тасаввур қилиш ҳам қийин эди.

Маълумки, ўзбек халқининг совет тузумига қарши қуролли кураши 1930 йилларда мағлубиятга учради. Шундай бўлсада бу кураш тўхтаб қолган эмас эди. У ўзининг шаклини ўзгартириб яширин тарзда амалга оширилаётган ва биринчи навбатда миллий қадриятларни тиклаш, миллий ўзликни англаш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатларда ўз аксини топган эди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон мустақиллиги учун сиёсий, иқтисодий ва маънавий замин тайёрлашга хизмат қилди.

Ўзбекистон мустақиллиги учун курашнинг охирги ҳал қилувчи даври И.А.Каримов 1989 йил июн ойида республиканинг раҳбари бўлгач бошланди. Республикага раҳбарлигининг биринчи кунлариданоқ И.А.Каримов мамлакат иқтисодий ва сиёсий суверенитети учун қадам бақадам чора тадбирлар кўрилишининг ташаббускори бўлди. Дастлаб Ўзбекистоннинг поймол этилган автоном ҳуқуқларини тиклаш, республикананг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил ривожланишига асосий эътибор қаратилди.

И.А.Каримов республика раҳбари сифатидаги илк нутқини Ўзбекистон компартияси марказий комитети пленумида эмас, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида сўзлади. Бунинг рамзий маъноси шунда эдики, И.А.Каримов аввал бошданоқ реал ҳокимиятни партия ташкилотларидан олиб давлат органлари ихтиёрига бериш истагида бўлган эди.

1989 йилнинг 20 октябрида Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида ЎзССР Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. И.А.Каримов таклифига кўра киритилган ўзгаришлар давлат механизмининг ҳамма бўғинларини Олий Советга бўйсунтирди. Унга Олий Совет раисини сайлаш, Министрлар Советининг раисини, ҳукумат аъзоларини ва бошқа раҳбарларни тайинлаш ва тасдиқлаш ва зарур бўлганда уларни муддатидан олдин лавозимидан четлатиш ҳуқуқи берилди. Ҳукуматнинг камида йилда бир марта Олий Совет олдида ҳисобот бериши мажбурий қилиб қўйилди. Конституцияга киритилган бу ўзгаришлар Олий Советнинг мустақил давлат ҳокимияти органи сифатида унга янги ваколатлар бериш билан биргаликда, республикамизга кадрлар сиёсатини марказдан мустақил равишда амалга ошириш имкониятини берди. Ана шунинг учун ҳам айнан шу ўзгаришларнинг Конституцияга киритилиши республикамизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Ўзликни англаш биринчи навбатда тил орқали намоён бўлади. Абдулло Авлоний сўзлари билан айтганда “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқатмак миллатнинг руҳини йўқатмакдур”. Шу сабабли ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш масаласи ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган масала эди. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Олий Совети И.А.Каримов ташаббуси билан ўзбек тили республикамиздаги ягона давлат тили деб эълон қилинди. Маълумки, ўша пайтларда Ўзбекистон ҳали СССРнинг таркибий қисми ҳисобланар, СССР Конституциясига кўра мамлакатдаги давлат тили рус тили эди. Ана шу қонундан келиб чиқиб советлар даврида барча республикалар ўз миллий тиллари билан бир қаторда рус тилини ўз ҳудудларида давлат тили деб эътироф этган эдилар. Ўзбекистонда фақат ўзбек тилининг давлат тили бўлиши СССР Конституцияси рус тили ҳақидаги моддасининг Ўзбекистонда инкор этилишини билдирар эди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда мустақиллик сари йўл олинганлигини англатар эди. Шу сабабли бу қонуннинг қабул қилиниши мустақиллик сари қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган ЎзССР Олий Советининг сессияси Ўзбекистонда Президентлик лавозимини таъсис қилиш ҳақида қарор қабул қилди ва бу лавозимга И.А.Каримовни сайлади. Ўзбекистонда бу лавозим собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб жорий этилган эди. Ўша пайтда чет элда бўлган М.С.Горбачев бунга салбий муносабат билдириб, қайтиб келгач бу масала Сиёсий бюрода албатта кўриб чиқилишини айтган эди. Чунки Президентлик лавозимининг жорий қилиниши бир томондан бундай лавозим назарда тутилмаган СССР Конституциясини яна бир бора инкор этилишини англатса, иккинчи томондан республикада реал ҳокимиятни партия органлари қўлидан Президент ва Олий Советга олиб берар эди. Бу эса ўз навбатида марказнинг республикага таъсирини камайтириб, Ўзбекистоннинг мустақиллигини кучайтиришга хизмат қилар эди. И.А.Каримов ўзининг нутқида Президент сифатидаги асосий вазифаси Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу сессияда И.А.Каримов Ўзбекистоннинг тўла тўкис мустақил давлат ҳокимиятига эга бўлиш истагида эканлигини илк бора очиқ айтди.

Президентлик лавозими таъсис қилингач, мустақиллик учун курашнинг янги босқичи бошланди. Бундаги асосий вазифа Ўзбекистон ҳудудида Иттифоқ қонунлари эмас республика қонунлари устувор бўлишига ва халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида мустақил давлат бўлишга эришишдан иборат бўлди.

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритиш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам 1990 йил июн ойида “Мустақиллик Декларацияси”нинг қабул қилиниши бўлди.

Декларацияда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Унинг 1-моддасида “Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларни белгилашда ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир”, деб белгилаб қўйилди. Шунингдек, Декларациянинг 6-моддасига СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган қарорлар ЎзССР Олий Совети томонидан тасдиқлангандан кейингина ЎзССР ҳудудида кучга эга бўлади, деган қоиданинг киритилиши Ўзбекистон қонунларининг Иттифоқ қонунларидан устунлигини таъминлади. Шу билан бирга ушбу декларация Ўзбекистоннинг 1991 йил 31 августга қадар мавжуд бўлган бошқарув ҳуқуқий фаолиятини таъминлашда барча соҳада мустақил сиёсат олиб бориш имконини берди. Ана шу вақтдан бошлаб нафақат туман ва вилоят, балки республика миқёсидаги раҳбар кадрлар Москванинг розилигини олмасдан тайинланадиган ва сайланадиган бўлди. “Пахта иши” натижаларини қайта кўриб чиқиш ҳам шу даврдан тезлашиб кетди. Республика Олий Совети ва Олий Судининг қарорлари билан “Пахта иши” бўйича қамалган ва республика ҳудудида жазо муддатини ўтаётганлар озод қилина бошладилар.

Айнан шу йилларда халқимизнинг миллий-маънавий қадриятларини тиклаш томон муҳим қадамлар қўйилди. Наврўз байрами, Рамазон, Қурбон Ҳайитлари қайта тикланди. Динга муносабат ўзгариб, мачитлар қурила бошланди, эскилари таъмирланди. Муқаддас қадамжоларга ҳам эътибор кучайди. Усмон Қуръони диний идорага қайтариб берилди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа азиз – авлиёларимиз, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур сингари улуғ аждодларимиз хотирасига нисбатан тарихий адолатни тиклаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди, қарор ва фармонлар қабул қилинди. Буюк маърифатпарварлар – жадидчилик намоёндаларига муносабат ўзгарди. Уларнинг тарихий меросини тиклаш борасида чоралар кўрилди. Ш.Рашидов номи ҳам оқланди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини шакллантириш ғояси ҳам айнан ўша даврда илгари сурилди. Буларнинг барчаси коммунистик мафкурага тамомила зид бўлиб, кейинчалик мустақиллик мафкурасининг таркибий қисмига айланган фикр ва ғоялар эди. Уларни илгари суришнинг ўзи тоталитаризм ҳукмронлиги даврида катта қаҳрамонлик эди. Мустақиллик Декларациясининг қабул қилиниши мустақиллик сари қўйилган қадам бўлсада ҳали тўла мустақилликни англатмас эди. Молия-пул, ташқи сиёсат, хавфсизлик хизмати, божхона, алоқа тизими, ҳарбий қисмлар, ички ишлар вазирлиги ва чегара қўшинлари марказ ихтиёрида эди. Бундан ташқари марказга бўйсунган давлат корхоналарини Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тобелигига ўтказиш тўғрисида 1991 йил 22 июлда Ўзбекистон Олий Советининг қарори қабул қилинган бўлсада, бу қарор мустақиллик эълон қилинган кунга қадар ҳам бажарилмаган эди. Буларнинг барчаси марказнинг Ўзбекистондаги позициялари ҳали мустаҳкам эканлигидан далолат берар эди. Бундай шароитда бошқа айрим республикаларга ўхшаб Иттифоқдан чиқишнинг эълон қилиниши марказ томонидан республикадаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка қарши қаратилган ҳаракатларнинг амалга оширилишига олиб келиши мумкин эди. Бу ижтимоий муаммолари талайгина бўлган Ўзбекистон учун айниқса хавфли эди. Шу сабабли И.А.Каримов мустақилликка эришиш стратегик вазифасини тинчлик йўли билан босқичма – босқич, қадам бақадам амалга ошириш йўлидан борди. Москвадаги Ново-Огарёвода 9+1 рақами остида иттифоқ республикалари раҳбарлари ва М.С.Горбачев музокараларида иштирок этди. 1991 йил март ойида бошланган музокаралар ғоят қийинчилик билан кечди. Кўп масалаларда И.А.Каримов нафақат Иттифоқ, балки Россия, Украина ва Белоруссия раҳбарлари билан Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилиб тортишди ва Ўзбекистоннинг боқимонда эмаслигини исботлаб, республика мустақиллигини янада мустаҳкамлайдиган таклифларни илгари сурди. Фақат 1991 йил июн ойига келибгина айрим масалалар юзасидан 9+1 рақамли битимга эришилди ва суверен давлатлар иттифоқини тузиш тўғрисидаги шартномага имзо чекиш ҳақида келишиб олинди. Шартнома 1991 йил 20 августда имзоланиши ва СССР ўрнига ССГ деб аталган

конфедератив давлат вужудга келиши керак эди. Лекин марказни кучайтириш тарафдорлари таслим бўлган эмас эдилар. Айнан ана шу кучлар 1991 йил 19-21 август кунлари давлат тўнтариши ясашга уриниб кўрдилар ва ГКЧП деб аталган ғайриқонуний органни туздилар. И.А.Каримов исён бошланганда Ҳиндистон сафарида эди. Унинг йўқлигидан фойдаланган Ўз КП МК иккинчи котиби Ефимов ва вице-Президент Мирсаидовлар ГКЧП қарорларини қўллаб қувватладилар. 19 август кечаси Тошкентга қайтган И.А.Каримов тўғри ҳукумат биносига келиб, Ўзбекистон ҳудудида ГКЧП қарорларини бекор қилиш ҳақида кўрсатма берди. И.А.Каримов 20 августда Ўзбекистон ССР Олий Совети раёсати, Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоқистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри раҳбарларининг қўшма йиғилишини ўтказди. Унда Ўзбекистон мустақилликка эришиш йўлидан қайтмаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди. Шу куни И.А.Каримов республика аҳолисига Мурожаат билан чиқди. Ушбу Мурожаатда ҳам мустақилликка эришиш йўли қатъий эканлиги уқтирилди. 21 августда Президент И.А.Каримов ГКЧПнинг ғайриконституциявий, ҳуқуққа қарши қарорлари ва бошқа кўрсатмалари ноқонуний, деб аталган фармонга имзо чекди. Демократик кучларнинг қатъий ҳаракатлари натижасида исёнчилар мағлубиятга учратилди ва уларнинг раҳбарлари қамоққа олинди. Натижада марказ ўзининг илгариги қудратидан маҳрум бўлди. И.А.Каримов Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида Қонуннинг қабул қилиниши вужудга келган оғир вазиятдан чиқишнинг ягона йўли деб ҳисоблади. Унинг ташаббуси билан 1991 йил 31 августда чақирилган Олий Советнинг 6-сессияси Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида Қонун ва Баёнот қабул қилди. Шу тариқа халқимизнинг узоқ йиллар курашиб, интилиб И.А.Каримов раҳнамолигида қўлга киритган мустақиллик эрки қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистонга совет тоталитар тузумидан оғир мерос қолди. Иқтисодий қийинчиликлар билан бир қаторда ишсизлик, уюшган жиноятчилик, гуруҳбозлик, диний радикализмнинг шиддат билан кириб келиши, экологик танглик ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай шароитда мамлакат учун жавобгарликни ўз зиммасига олган Президент учун тартиб интизом ва тинчликка раҳна солаётган асосий муаммолар, жамоат тартиб интизомини сақлаш ва уни янада мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳаётий муҳим масалага айланди. Шу билан бирга, қўшни Афғонистонда давом этаётган биродаркушлик уруши ва Тожикистонда бошланган фуқаролар уруши ҳам Ўзбекистон олдига тинчликни сақлаб қолишдек муҳим вазифани қўйган эди. Мустақил давлатнинг ўз қуролли кучлари мавжуд бўлмаган мазкур ҳолат Ўзбекистон учун ниҳоятда катта хавф туғдирарди.

Ҳозирги кунда Президент И.Каримов ҳақидаги кўплаб асар ва мақолаларда давлат раҳбари сифатидаги илк фаолияти иқтисодиётни тартибга солишдан бошланганлиги ҳақидаги маълумотлар берилган. Бундай маълумотларни заррача инкор этмаган ҳолда шуни айтиш мумкинки, тинчлик ва осойишталикни таъминламасдан туриб иқтисодий ислоҳотлар ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Шу сабабдан Биринчи Президент ўзининг мустақиллик давридаги фаолиятини республикада илдиз отган уюшган жиноятчилик, маҳаллийчилик, бошбошдоқликни бартараф этишдан бошлади десак хато қилмаган бўламиз. Мустақилликнинг илк даврларига назар ташлар эканмиз, турли жиноий гуруҳлар томонидан республиканинг таъсир доираларига бўлиб олинганини кўриш мумкин бўлади. Қўли қонга ботган ва миллий қиёфаси номаълум бундай гуруҳлар жамият учун фақат зарар келтиришини ҳисобга олган давлат раҳбари уларга қарши кескин чораларни кўрган эди. Ўзбекистоннинг минтақада ҳеч кимга тобе бўлмаган мустақил ташқи сиёсати шовинистик кайфиятдаги айрим кучларга ёқмаган, албатта. Шу сабабдан унинг томонидан миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш сиёсати айрим сиёсий гуруҳлар томонидан асоссиз тарзда танқид қилинган эди.

Олиб борилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий салоҳияти ўсиб борди ва республикамиз минтақа мамлакатлари орасида террорчилик ҳужумларига ўз куч ва қудрати билан қақшатқич зарба бера олган ягона давлатга айланди.

Хусусан, 1999 йилда қўшни Қирғизистон Республикасининг Боткент туманига бостириб кирган террорчилар Ўзбекистон ҳарбий ҳаво кучлари томонидан бартараф қилинган эди. Террорчиларга ҳаводан зарба бериш амалиёти кейинчалик дунё давлатлари томонидан кенг қўлланила бошлади. 2004 йилда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларига суқулиб киришга уринган террорчилар ҳукумат кучлари томонидан бартараф қилинди ва ушбу ҳудуд босқинчи тўдалардан бутунлай тозаланди. Ёвуз ниятда мамлакат сарҳадларига бостириб кирган жиноятчилардан бирортасининг қайтиб чиқиб кетишига йўл қўйилмади. Мазкур даврдан эътиборан Ўзбекистон минтақани бундай офатдан сақлаши мумкин бўлган асосий давлатга айланди.

2004 йилдан эътиборан Ғарб давлатлари томонидан собиқ совет республикаларида ўзларига ёқмаган давлат раҳбарларини ҳокимиятдан четлатиш борасидаги тадбирлар амалга оширилди. “Рангли инқилоблар” номи билан тарихга кирган бундай давлат тўнтаришлари давлатчилик тизими заиф бўлган мамлакатларда муваффақият қозонди. Грузия, Қирғизистон ва кейинчалик Украина шулар жумласидандир. Ўзбекистонда эса улар мағлубиятга учради. 2005 йилда Андижондаги террорчилик ҳужумларида ҳукумат кучлари томонидан бундай иғвогарликка қаттиқ зарба берилди. Ўзбекистонда конституциявий тузум сақлаб қолинди. Бундай муваффақиятлар Биринчи Президент номи билан бевосита боғлиқ эди. Шу сабабли, Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига торта олмаган сиёсий кучлар томонидан Республикага ва унинг Президентига нисбатан кампания авж олдирилган эди.

Ўзбекистондаги муваффақиятсизлик ғарб давлатларининг Ўзбекистон ва унинг Президенти билан “ўйлаб муомала қилиш” зарурлигини исботлади. Шу билан бирга янгидан барпо этилган давлатчилик тизими ҳам мустаҳкам эканлигини кўрсатган эди. Бундай сиёсий кучлар ўзлари ўйламаган ҳолда Ўзбекистон ва унинг Президентининг обрўсини кўтардилар. Ўзбекистонни ўзи танлаган йўлдан қайтара олмадилар. Шу билан бирга Ўзбекистонда ўрнатилган мустаҳкам тинчлик ва осойишталик, мустаҳкам давлатчилик тизими қўшни Афғонистонда тинчликни ўрнатиш тадбирларида иштирок этувчи халқаро ташкилотлар учун айни муддао эди. Шу сабабли, Ўзбекистон Афғонистонда тинчликни ўрнатувчи халқаро ташкилотларнинг асосий иттифоқчисига айланди.

Ислом Каримов Ғарб шароитида шаклланган демократик қадриятларнинг мамлакатга кўр-кўрона олиб кириш ва кенг ёйишга қарши бўлди. Бу борада миллий менталитетга хос усулни танлаб олиш зарурлигини таъкидлаб келди. Биринчи Президентнинг бундай йўл тутишида бир қанча сабаблар бор эди, албатта. Жумладан, эндигина мустақилликни қўлга киритган, давлатчилик асосларини қуришга улгурмаган шароитда бундай демократияни олиб кириш демократиядан кўра анархияга йўл очиши муқаррар эди. Негаки, мамлакат миллий манфаатлари билан заррача ҳисоблашишни ҳоҳламайдиган жиноий гуруҳлар бартараф этилмаган ва жамият бундай унсурлардан тозаланмаган эди. Бу эса ўз навбатида улар томонидан демократияни ниқоб қилиб олинишига ва мисли кўрилмаган даражада сиёсий «ўйин» бошланишига олиб келиши мумкин эди.

Ислом Каримов ўз фаолияти давомида ёшларга ҳам катта эътибор берди. Жумладан, Президент сифатида ёшларга қарата “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз” дея таъкидлаган эди. Бундай даъват унинг ҳар бир нутқида мужассам эди десак хато қилмаган бўламиз. Жумладан, унинг чиқишларидан бирида “Эй болаларим, фарзандларим, сизлар ҳеч кимдан кам эмассиз, ижод қилинг, ҳеч кимдан қўрқманг, ортингизда Президент турибди, мен турибман” каби сўзларни эшитишимиз мумкин эди. Шу билан бирга ёшларга Ўзбекистоннинг буюк тарихини ўрганишга ва у билан ҳақли тарзда фахрланиш лозимлиги уқдирган эди. Биринчи Президент Ўзбекистоннинг ҳар бир боласини ўзимнинг болам, менинг фарзандим деб билди ва шу ёшлар келажаги учун умрини бахшида этди.

2016 йил 2-сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва жамоат арбоби Ислом Каримов 78 ёшида вафот этди. Биринчи Президентимизнинг вафоти дунё афкор оммаси томонидан чуқур қайғу билан қарши олинди ва жаҳоннинг етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилди. Ўша оғир дамлар Ўзбекистондаги давлатчилик тизимининг мустаҳкам барпо этилганлигини яна бир карра дунёга намойиш этди ва хорижий мамлакатларда ҳам мамлакат ҳамда унинг Президенти обрў эътибори баланд эканлиги маълум бўлди. Дафн маросимига дунёнинг етакчи мамлакатлари жумладан, АҚШ, Россия, Хитой ва бошқа давлат раҳбарлари ўзларининг таъзияномалари билан биргаликда расмий вакилларини юбордилар. Бир қанча мамлакатлар Президентлари дафн маросимида шахсан қатнашдилар. Дафн маросимидан сўнг ҳам қатор давлат раҳбарлари Президент қабрини шахсан зиёрат қилдилар.

Ислом Каримов давридаёқ ўзига хос бошқарув услуби ва йўналишига эга бўлган ўша пайтдаги Бош Вазир Шавкат Мирзиёев Президент сайловларида ғолиб бўлди. Марҳум Президент ворисига ўтмишдан минтақадаги етакчи ҳарбий сиёсий ва иқтисодий қудратга эга бўлган давлат билан бир қаторда бир қанча ечимини кутаётган масалалар мерос қолди. Вақт ва замонни талаб қилувчи мазкур масалаларни ҳал қилишга Ислом Каримовнинг умри етмади. Иқтисодиётни янада либераллаштириш, миграция муаммосини ҳал қилиш ва миллий валютани эркин конвертациясини таъминлаш шулар жумласидандир. Янги ҳукумат ички ва ташқи сиёсатда амалдаги сиёсатга содиқ эканлигини эълон қилди. Шу билан бирга минтақадаги энг кучли армия ва хавфсизлик тизими шу кунга қадар асосий хавф манбаи сифатида қараб келинган қўшни Афғонистонга нисбатан ёндошувни ўзгартиришга асос бўлди. Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин қўшничилик, савдо, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги эълон қилинди. Ҳозирги кунга келиб Президент Ш.Мирзиёев мавжуд тузум асосларини мустаҳкамлаш ва ислоҳотларни янада жадаллаштириш сиёсатини олиб бормоқда.

МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Норов С.Н.-СамДАҚИ доценти
Норова Н.С.-Республика дизайн коллежи катта ўқитувчиси

Бугунги кун қалбимизда тўла ишонч ва ғурур билан ана шу авлодга мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз шону-шавкатини янада ошириш вазифасини юкламоқдамиз. Ваҳоланки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва эришаётган ютуқларимизнинг ҳал қилувчи кучи биз ишонч билдираётган ёшларимиздир. Ҳақиқатда бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий юксаклигимиз сабаби ҳам Биринчи Президентимиз Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, “... мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз деб билганимиздадир”[1].

Дунёнинг чегараси бўлмагани сингари, инсон билими ва имкониятларига ҳам чегара қўйиб бўлмайди. Шундай экан, инсонни билиш унинг ҳар томонлама ривожланиши ва камол топиши учун маънавий омилларни англаш муҳимдир. Бундай омилларнинг юзага чиқиши дунёнинг фалсафий мушоҳада этилиши, тўпланган билимларнинг изчиллиги билан тақозо этилади.

Ҳозирги давр ижтимоий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий онг тараққиёти ва инсониятнинг дунёнинг сиру - асрори қарорига тобора чуқурроқ кириб бориши XXI асрга хос бўлган интеллектуал салоҳият устуворлиги билан белгиланади. Бу ҳолат, айниқса, манфаатлар ғоясига алоҳида эътибор берилаётгани бесабаб эмас. Қайси бир воқеа ва ҳодисага кўзимиз тушмасин албатта манфаатлар занжирига дуч келамиз.

Инсон борлиғи, маънавияти, унинг иқтисодий ривожи, миллий давлатчилик, янги жамият асосларини мустаҳкамлаш ғоялари ҳам миллий манфаат доирасида мавжуд.

Миллий манфаатини эсдан чиқарган миллат тарихда бўлмаган. Агар шу ҳол рўй бергудек бўлса у таназзулга, инқирозга, ижтимоий касалликка учрайди. Янги авлод вакиллари бу ҳолни талаб даражасига келтиришлари учун эса анча вақт ва ҳаракат зарур бўлади. Манфаат ўз моҳиятига кўра ички ёки ташқи, асосий ва иккинчи даражали, муҳим ва муҳим бўлмаган манфаатларга бўлинади. Фойдали манфаат, албатта миллий тараққиётга олиб боради, миллатнинг мазмуни ва моҳиятини очиб беради, янги-янги вазифаларни режалаштириш, унинг ечимини топиш, ҳаётга тадбиқ қилиш вазифаларини ўртага ташлайди.

Миллий манфаат ижтимоий зарурият бўлиб инкорни инкор қонуни асосида ривожланади, эскирган манфаатлар ўрнига янгилари пайдо бўлади. Манфаат миллатнинг ҳис-туйғулари, орзу-умидлари, кайфияттлари том маънода унинг асл дунёқарашини, ижтимоий борлиғини белгилайди. Миллатнинг илғор вакиллари миллий манфаатнинг бугунги муаммоларини, вазифаларини ишлаб чиқадилар. Шу жараёнда миллатнинг даҳолари, йўлбошчилари ҳам пайдо бўлади. Бунга мисол қилиб тарихий шахсларни эслаш кифоя.

Биз миллатимиз ва халқимизга садоқатли раҳбари, Биринчи Президентимиз, Ўзбекистоннинг ўтмиши ва келажагини аниқ англаган инсон Ислом Каримов фаолиятига назар ташласак, унинг нақадар буюк эканлигига амин бўламиз. Унинг маънавий ва ғоявий муҳолифлари ҳам амалга оширган ишлари, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқишдаги фидокорона меҳнатини тан олганлар, улуғлаганлар. Ислом Каримов миллий манфаатларимизни теран англаган буюк шахс сифатида тарихимизда абадий қолажак.

Манфаатлар мазмун ва шаклига кўра инсон ёки давлатнинг шарафли чўққиларига кўтарилиши, ёки тескари фожиавий холатларга тушиб қолишига сабаб бўлиш мумкинлигини янги замон тарихи кўрсатиб турибди.

Миллий манфаат тушунчаси мохиятан турли шаклларда кўринади. Мвнфаатлар шахсий, гуруҳий, уруғ-аймоғчилик, маҳаллий, минтақавий, умуминсоний шаклларда бўлади. Бу манфаатлар ўсиб, ривожланиб сиёсий, иқтисодий, аҳлоқий, ҳуқуқий манфаатлар даражасига кўтарилиши мумкин. Миллий манфаат миллатга, миллий давлатга моддий, маънавий, рухий ва жисмоний фойда, наф келтирувчи манбадир. Миллий давлатимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнини топишида садокат билан меҳнат қилиш буюк манфаатдир.

Ўзбекистонимизнинг янги раҳбарияти, давлат арбоблари яқин ва узоқ давлатлар билан амалга ошираётган ҳамкорлик алоқаларида ўзаро тенглик ва манфаатдорлик сиёсатига тўлиқ амал қилиб келмоқдалар. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббусига биноан очилган “Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал Қабулхонаси” томонидан бугунги кунга келиб, юртдошларимиз юборган минглаб хатлар ва сўровларни халқ манфаатларига мувофиқ тарзда ҳал қилинмоқда. Бундан ташқари республикамизнинг барча вилоятларда очилган “Халқ қабулхоналари” ҳам фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Барчага мавжуд муаммо ва қийинчиликларни бартараф этиш Ватанимизнинг жаҳондаги нуфузини ошириш, унинг барча имкониятларини рўёбга чиқариш, хомашё ўлкасидан ўз хомашёсини энг илғор технологиялар асосида қайта ишлаб, тайёр махсулотларни жаҳонга экспорт қиладиган бир буюк давлатга айлантириш ҳам миллий манфаатимизга мосдир.

Миллий манфаатимиз асосларини ҳар дақиқа, ҳар сонияда тарғибот ва ташвиқот қилиш, уларни ёшларимиз онги ва дунёқарашига сингдириш иши ҳам долзарб вазифадир. Бу соҳада фаолият олиб бораётганлар миллий манфаатда адашмаслик, иккиланмаслик, чўчимаслик каби хислатларни шакллантиришга ҳаракат қилишлари зарур.

Бугунги кун ҳар биримиздан янгича фикрлашни талаб қилмоқдаки, бу фалсафий тафаккур маданиятимизнинг узлуксиз янгиланиб бориши негизида амалга ошадиган

жараёндир. Янгича фикрлаш бу асло дунё манзарасини онгу-тафаккуримизда қайта кашф қилиш эмас, аксинча, билим ва тафаккур кучи билан ўз дунёқарашимизда уни илмий-ижодий акс эттириш демакдир.

Шубҳасиз, инсон атроф борлиқдан таъсир олиб, фикрлай бошлаган лаҳзаданоқ ўз таасуротларини фикран жамлаб, турли-туман образларни кашф қилади. Атроф борлиқдаги ранг-баранглик, хилма-хиллик, мавжудлик, борлиқ ва йўқлик ҳақида мушоҳада қилиб, мулоҳаза юритади. Ана шу мулоҳазалар натижаси ўлароқ, турли тасаввур, тушунча ва хулосаларга мувофиқ яратилган маънавий неъматлар инсоннинг ички ҳиссий талаб эҳтиёжларига, манфаатларига мос келиб, унинг яратувчанлик қудратини янада оширади.

Шу маънода, ўз истиқлоли ва тараққиёти йўлини танлаган мустақил Ўзбекистонда аждодлар мероси, миллий-маънавий қадриятларимизни қайта тиклаш, тарихимизга адолат ва ҳақиқат кўзи билан қараш, ота-боболаримиз орзу қилганидек, халқни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш қуриш мақсади сари жипслаштириш алоҳида мазмун касб этмоқда.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ФАЛСАФАСИ

Расулов Ҳ.М.-ТерДУ с.ф.н., доцент

Ватан, ватанпарварлик, ватанни севиш, унга муносиб фарзанд бўлиш каби муаммолар инсоният она заминни ўзига маскан тутган замонлардан буён ўзига хос аҳамият, маънавий масъулият касб этиб келган.

Дарҳақиқат, ватанпарварлик масъулияти жамиятнинг барқарорлиги, юртнинг тинчлиги, келажак авлод истиқболининг маънавий, сиёсий, ҳуқуқий асоси бўлган юксак эътиқоддир. Ватанпарварлик – жамиятни ягона мақсад, ягона орзу-умидлар йўлида бирлашиштирувчи энг буюк туйғудир. Асрлар давомида қарор топадиган бу инсоний туйғу халқимизнинг катта ютуғидир. Бу ютуқни нафақат асрай билишимиз, балки янада юксалтиришимиз энг аввало бизнинг ўзимизга боғлиқ. Шу сабабли ҳам мустақиллик йилларида жамиятимизнинг катта қисмини ташкил қиладиган ёшлар ҳаётида ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш ва юксалтиришга Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида, кадрлар сиёсати масаласига оид чиқишларида алоҳида эътибор қаратилиб келинди. Жумладан, масъул раҳбар кадрларни танлашда “кўпроқ ҳаракатчан, ватанпарвар, юртпарвар, интилиши зўр, куюниб гапириб, ҳаётда ёниб яшайдиган одамлар билан ишлашга мен тайёрман” [1.86.] деган эди. Ҳақиқатан, шундай масъул шахслар, фидоий инсонлар фаолияти, меҳнати билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашимиз ва демократик жамият қуриш йўлида фуқароларимизда ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш ва мустаҳкамлашимиз мумкин бўлар эди. Шу боис жамият тараққиётида ватанпарварлик энг муҳим зарурият сифатида доимий кун тартибида туриши лозим.

Демак, Ватан, ватанпарварлик, ватанга эътиқод тушунчалари бир-бири билан ўзаро алоқадорликда, чамбарчас боғланган ҳолда кишилар фаолияти жараёнида ўзлигини намоён этади. Шу жиҳатдан Ислом Каримов асарларида ана шу тушунчалар бир-бирини тўлдириб боради. Яъни бу фалсафада Ватансиз ватанпарварликни, ватанпарварликсиз ватанга эътиқодни тассаввур қилмаслиқ ғояси уйғунлашиб кетган десак муболоға бўлмайди. Бошқача айтганда бу уйғунлик Ватан – Ватан туйғуси – Ватанпарварлик – Ватанга эътиқод концепцияси тарзида намоён бўлади.

Шу маънода, Ислом Каримов қарашларидаги ватанпарварликнинг сиёсий-ҳуқуқий моҳияти **биринчидан**, жамият тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадни реалликка айлантиришда; **иккинчидан**, фуқаролар якдиллиги, халқнинг букилмас иродаси, матонати, келажакка ва юрт истиқболига ишонч ғоялари билан мужассамлашиб, уйғунлашиб боришида; **учинчидан**, фуқароларнинг айниқса, ёшларнинг жамият ва давлат бошқаруви жараёнидаги туб ўзгариш ва ислоҳотлар йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишида; **тўртинчидан**, мамлакат барқарорлиги, тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш жараёнидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигида, **бешинчидан**, жамият аъзоларининг, хусусан

ёшларнинг онги ва тафаккурида мустақиллик ғояларининг эътиқод ва юксак ишончга айланишида намоён бўлиши ҳамда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилишида тўла ўз ифодасини топади.

Бугунги дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ташқи кучлар муайян бир мамлакат ёки минтақада иқтисодий танглик, ижтимоий-сиёсий муаммолар бўй кўрсатиб турган вақтида, ёки ўз манфаатлари ушбу мамлакат ва минтақалар билан тўқнаш келиши ҳолатлари юз берса, ушбу ҳудудда низо чиқариш жуда осон бўлиб қолди. Бунинг учун бironта "арзирли баҳона" топилса бас! Мамлакатда аввалига ижтимоий тартибсизлик, кейинчалик сиёсий беқарорликни келтириб чиқаришга ҳаракат қилинади. Натижада тўс-тўполонлар бошланади. Мамлакат ва халқ тақдири, истиқболи ўрнига тор доирадаги керак бўлса шахсий манфаатлар, сиёсий ўйинлар, ғоявий қарама-қаршиликлар майдонга келади. Бундай ҳолатни собиқ иттифоқдан кейинги мустақил бўлган баъзи мамлакатлардаги сиёсий инқироз, турли кўринишдаги "рангли инқилоб"лар сари интилиш ва уларнинг оқибатида ижтимоий-сиёсий беқарорликнинг вужудга келиши, манфаатларнинг "ўзаро кураши" каби ҳолатларда кўриш, кузатиш мумкин. Ана шундай мураккаб қарама-қаршиликлар дунёсида халқимизни Ислом Каримов ўртага ташлаган хушъёрлик, огоҳлик, бефарқ ва лоқайд бўлмасликни ўзида мужассамлаштирган ватанпарварлик, тинчликпарварлик ғояси бирлаштириб келмоқда.

Дарҳақиқат, тинчликсиз тараққиёт бўлмайди. Тинчлик тараққиётнинг асоси бўлса, ватанпарварлик унинг таъбир жоиз бўлса озуқасидир. Ватанпаварликдан озиқланган тинчлик ва барқарорлик шароитидагина жамият тараққиётга юз тутади, мамлакат ҳар томонлама барқарор бўлади. Ватанпарварликсиз инсон онги ва қалбида жамият тараққиётига дахлдорлик туйғуси шаклланмайди. Мамлакат тараққиётига бефарқ бўлмаган одам жамият сиёсий-ҳуқуқий ҳаётидан доимий хабордор ва унинг фаол иштирокчиси бўлади. "Зеро, тинчлик, осудалик қарор топган заминда хотиржамлик ва фаровонлик ҳукм суради. Натижада эса, жамиятда, мамлакатда ҳар томонлама ривожланиш рўй беради, Ватан равнақ топади. Одамларнинг ўзаро бир-бирларига ва давлат ҳокимиятига бўлган ишонч ва эътиқодлари, меҳр ва мурувватларининг самимий бўлиши ҳам бевосита тинчлик ва хотиржамликка боғлиқдир" [2. 210.]. Бошқача айтганда юксак даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданият шаклланишига олиб келади. Бизнинг назаримизда ватанпарварлик ғоясини оддий асоси, фалсафаси ана шулардан иборатдир.

Бошқача айтганда, Ислом Каримовнинг ватанпарварлик фалсафаси мустақиллик, тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик, Ватан келажагига дахлдорлик тизими билан боғлиқдир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларини бир хотирлайлик, олдимизда улкан муаммолар турган мураккаб вазиятларда давлатимиз сиёсатида ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериш ва уларни енгиб ўтишда Ватан, келажак авлод олдидаги бурч, масъулият, дахлдорлик туйғуларининг устувор бўлганлигини яхши эслаймиз. Ўша вақтларда мамлакатимиз жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларини ўзи мустақил ҳал қилиши ва халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланиши лозим эди. Замонавий ташқи сиёсатда етарли тажрибага эга бўлмаган давлатимиз ўз ташқи сиёсатида юқори молиявий-иқтисодий потенциалга эга бўлган мамлакатлар, халқаро молия-савдо тузилмалари, йирик компаниялар билан алоқаларни йўлга қўйишда ҳам юксак ватанпарварлик, келажак авлод олдидаги маънавий масъуллик тамойилларига таянилди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи ўз қадр-қимматини асрай билди, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлигини амалда кўрсата олди [3.6.]. Шундай мураккаб даврда Олий Кенгашнинг 1992-йил июл ойида бўлиб ўтган X сессиясидаги маърузасида Ислом Каримов томонидан ўртага ташланган "Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдими? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолмайдими?" [3. 4-5.] деган саволларида ҳам ватан тақдири, унинг нафақат бугуни,

балки, келажаги учун ҳам қайғуриш фалсафаси ётган эди. Ислом Каримовнинг ватанпарварлик масъулияти ва бугунни эмас эртани ўйлаш, узоқни кўра билиш фалсафаси мустақиллик йилларида ўзини тўла оқлади. Зеро, халқимиз ҳеч қачон фақат ўзини ўйлаб, бугуни билан яшамаган, балки, эртанги куни, фарзандларининг келажаги учун қайғурган ва яшаган. Ҳар доим келажак олдидаги маънавий масъулият билан яшаган. Бошқача айтганда "бизда она заминга меҳр алоҳида эътиқод даражасига кўтарилган" [3.12.].

Ватанни севиш учун, ватанпарварликни эътиқодга айлантириш учун юртимиз тарихининг барча даврларини чуқур билишимиз аждодларимиз эришган ютуқлардан фахрланишимиз уларга муносиб ворис бўлишимиз, айни пайтда ўтмишимизнинг қоронғу кунларидан, сиёсий инқирозли даврларидан келажак авлод таълим-тарбияси учун сабоқ чиқаришимиз лозимдир. Яъни, ватанпарвар бўлиш учун ўз тарихидан фахрланиш ва сабоқ чиқариш туйғуларини ўзида мужассам эта олган, ўтмиш ва келажак ўртасидаги маънавий кўприк бўлган халқдагина ватанпарварлик масъулияти юксак эътиқодга айланади.

Шундай экан, жамият барқарорлиги ва хавфсизлиги, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак даражадаги ватанпарварлик масъулияти билан уйғунлашиб борсагина жамият аъзоларини умумий манфаат сари бирлаштира олиш мумкин бўлади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов армиянинг қудрати, янги қурол-яроқ, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал таркибигагина боғлиқ эмаслигини қайд этиб, ҳарбийларимизнинг Ватан олдидаги шаъни, қадр-қиммати ҳамда "... фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она-Ватан тақдири учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади" [4. 191.] – деб бежизга таъкидламаган эди.

Юртимизда нашр қилинаётган "Маънавий ҳаёт" журналининг 2013 йилдаги нишона сонида чоп этилган маънавиятчи, тарғиботчи олим Муҳаммад Қуроновнинг "XXI асрда қайси давлат кучли бўлади" мавзусидаги таҳлилий мақоласини ўқиш жараёнида шундай хулоса қилдим. Бугунги даврда ҳарбий салоҳияти ривожланган, катта иқтисодий салоҳиятга эга, стратегик имкониятлари кенг, моддий ҳаёти устун бўлишига эътибор қаратаётган мамлакатлар кучли эмас, балки жамият тараққиётида моддийлик ва маънавийликнинг уйғунлигини таъминлай олган, инсон ва ислоҳотлар омилига жиддий эътибор қаратаётган, халқи эса том маънода ватанпарвар бўлган давлатлар кучли, енгилмас, тараққиётда собитқадам бўлади. "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарининг ўзак ғоясини ҳам жамият тараққиётида моддийлик ва маънавийликнинг уйғунлигига асосланган юксак маънавият ташкил қилади.

Дарқақиқат, дунёда рўй бераётган нотинчликлар, низо ва ўзаро адоватлар таҳдиди сезилиб турган бир шароитда мамлакат тақдири ва истиқболи фуқароларнинг юксак даражадаги ватанпарварлик туйғулари билан уйғунлашиб борсагина жамиятда тараққиёт юз беради, осойишталик таъминланади. Ислом Каримов қарашларида халқимизга хос ватанпарварликнинг шарқона сиёсий-ҳуқуқий моҳияти миллийлигимизнинг ўзига хос хусусиятлари бўлган сабр-бардош, мамлакат келажак истиқболига қатъий ишонч, ҳамжиҳатлик, ҳамфикр бўлиш, тинчлик маданияти ва қадриятини англаб этиш, бағрикенглик, миллат ва халқ келажагига масъуллик каби улуғ фазилатларни кўрамиз.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: "Ўзбекистон", 1994.
2. Президент И.А.Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" китобини ўрганиш бўйича қўлланма –Т.: "Маънавият", 2016.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: "Ўзбекистон", 1996.
4. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. –Т.: Т.19. "Ўзбекистон", 2011.

ISLOM KARIMOV - O‘ZBEKISTON MUSTAQILLIGINING TASHABBUSKORI VA TASHKILOTCHISI, XALQ RAHNAMOSI

Alixonova Z.S.-Tosh KTI dotsenti
Raxmatova N.Sh., Bekmuratova M.G‘.- Tosh KTI katta o‘qituvchilari

Tarixiy davr va ijtimoiy vaziyatning o‘zi ulkan fazilatlarga ega bo‘lgan buyuk shaxsni maydonga chiqaradi. Buyuk shaxs esa, tasodif emas. U o‘z xalqining maqsadlariga, orzu-umidlariga, intilishlariga, sevinchu iztiroblariga, baxtli va sitamli onlarining guvohi bo‘lib, yaxlit jamiyat ma’naviy-ruhiy sharoitda shakllanadi, rivojlanadi, kamolotga yetadi. Buyuk shaxs, eng avvalo, milliy qadriyatlarni qadrlay oladi, hurmat qila biladi va ayni paytda, o‘ziga nisbatan hurmatni ham talab qiladi.

Islom Abdug’aniyevich Karimov 1938-yil 30-yanvarda Samarqand shahrida xizmatchi oilasida tug’ilgan. Millati – o’zbek. Oliy ma’lumotli, O’rta Osiyo Politexnika va Toshkent xalq xo’jaligi institutlarini tamomlagan. Muhandis-mexanik va iqtisodchi mutaxassisliklariga ega. Mehnat faoliyatini 1960-yilda Toshkent qishloq xo’jalik mashinasozligi zavodida boshlagan. U 1991-yilgacha, katta vaqt ichida davlat hokimiyatlarining turli lavozimlarida mardonavor mehnat qilib, o’zini ko’rsatdi, xalq manfaatlari uchun samimiy xizmat qildi. 1991-yil 31-avgust kuni I.A.Karimov tarixiy voqea – O’zbekiston Respublikasining Davlat mustaqilligini e’lon qildi.
SSSR hukumati tomonidan ko’rsatilgan turli hiylayu nayranglarni, ig‘vo va malomatlarni qat’iyat va amaliy ish bilan yengdi. Oxir-oqibatda esa O‘zbekiston yana bir bor o‘z ma’naviy qudratini, siyosiy salohiyatini yorqin namoyish etdi. 1991-yil 31- avgust kuni ittifoqdosh respublikalar ichida birinchilardan bo‘lib o‘z mustaqilligini e’lon qildi va uni qonun bilan mustahkamlab qo‘ydi. Bu sana tarix sahifasida abadiy qoladi! Prezident Islom Karimov sessiyada mustaqillikning mohiyati, uning tarixiy zarurat ekani xususida gapirar ekan, mustamlakachilik asorati va sobiq Ittifoqda qaror topgan adolatsiz muhitni ro‘y-rost ochib tashladi:

„Mamlakat katta falokat yoqasiga, jar yoqasiga kelib qolganini ko‘rib turibmiz. Xalq o‘zining ertangi kuniga ishonchini kundan-kunga yo‘qotapti. Odamlar o‘zining, oilasining, bola-chaqasining tinchligiga kafolat istaydi. Ular to‘kis, xotirjam hayot talab qilapti. Bu istaklar, bu talablar safsatabozlik va vadabozlik ostida ko‘milibketapti.Bizning xalqimiz sabr-bardosh, yaxshilik, osoyishtalik, boshqa xalqlarga nisbatan xayrixohlik ruhida tarbiyalangan. Bu xalq butun bizdan himoya talab qilayapti, tinch-totuv hayot, og‘ir mehnatiga yarasha turmush sharoitlarini talab qilapti. Bu — haqqoniy talabdir ...O‘zbekiston rahbariyati hech qachon, qanday ittifoq bo‘lmasin, kim bilan ittifoq bo‘lmasin, qanday sharoit bo‘lmasin, ikkinchi darajali rolga rozi bo‘lmaydi, bunga yo‘l ham qo‘ymaydi, tenglar ichra teng bo‘lish xalqimizning asriy orzusidir"[– I.A.Karimovning 1991-yil 31-avgustidagi nutqidan].

Islom Karimov tasavvurida tom ma’nodagi ma’naviyat bu eng avvalo Vatan tuyg‘usidir. Vatan tuyg‘usi ham milliy mansublik singari har bir shaxsning mavjudligi bilan bog‘liq bo‘lgan mo‘tabar hodisadir. Zero, inson qaysi zamon va qaysi makonda yashamasin, tug‘ilgan yurtini o‘zgartira olmaydi, undan tonolmaydi. Vatan va millat tuyg‘usining mo‘tabarligi, ulug‘ligi, muqaddasligi ana shunda. Shuning uchun ham Prezident eng avvalo mustaqillikni anglash uchun millatni anglash, o‘zlikni anglash, Vatan va uning buyuk o‘tmishi bilan faxrlana olish hissini uyg‘otishga harakat qildi. Bu - xalq bilan davlat birligidan, omma fikri bilan davlat siyosatining mushtarakligidan, Prezident siyosiy yo‘lining naqadar xalqchilligidan dalolat beradi. Germaniya matbuoti Islom Karimovni mustaqillikning dastlabki yillaridayoq „O‘rta Osiyodagi eng kuchli Prezident”, O‘zbekistonni esa „Hamdo‘stlik mamlakatlari orasidagi eng tinch va rivojlanayotgan mamlakat"deb tan olgan edi. I.A.Karimov voqelikka real qaraydi va uni real baholaydi. Kutilmaganda o‘ta aniqlik bilan ish yuritadi. Shuning uchun ham qisqa fursatda xalqning mislsiz ishonchini qozondi. 1980-yillarning tahlika va umidsizliklarini, tushkun kayfiyati va ozurda muhitida xalkni to‘da safarbarlikka, yakdillikka yo‘naltira oldi. Bu jahon tarixida kamdan-kam yuz beradigan hodisadir. I.A.Karimov o‘zining chuqur asoslangan fikrlari va voqelikka salbiy

oqibatlarning oldini olgan holda yondashuvlari bilan kommunistik afsonaning sarobligini isbot etdi. O‘zbekistonni, qolaversa, barcha ittifoqdosh respublikalarni g‘oyaviy tanazzul girdobiga tortgan sovet totalitarizmiga qarshi tura oldi va uni qatiyat bilan yengdi. Harbiy kommunizm va fuqarolar sotsializmining lenincha g‘oyalari uydirmalarini fosh etish bilan o‘zining noyob mafkuraviy va siyosiy jihatdan butunlay yangi, tasavvurimizga sig‘maydigan dunyoning kashf etuvchisi sifatida ko‘rsata oldi. Boshqacha qilib aytganda, I.A. Karimov fenomeni xaqidagi mulohazalar shaxsning tarixdagi o‘rni to‘g‘risidagi fikrgina emas. Balki, tarixning shaxs borasida taqdiri va qadriyati bilan bog‘liqligi hamdir. Zotan, kamdan-kam tarixiy shaxslar tarixning tub burilish nuqtasini belgilab beradilar, jarayonlar va turmush tarzining bir hildagi oqimini keskin o‘zgartirib yuboradilar. Butunlay yangi, hayotbaxsh va huzurbaxsh turmush kechirish, aniqrog‘i, Inson va Insoniyat taqdiridagi mislsiz ma’naviy ko‘tarilishlar davrini boshlab beradilar.Ana shu nuqtai nazardan qaraganda, I.A. Karimov shaxsi xalqimizning tarixiy taqdiri, uning kechinmalari, iztirob va quvonchlari sifatida vujudga keldi. Boshqacha qilib aytganda, I.A. Karimov fenomeni o‘zbek xalqining milliy qadriyatlari va ruhiyati, millat sifatidagi fenomeni orqali umuminsoniy qadriyatlar va umumjaxon siyosati fenomeniga aylandi.
I.Karimov suveren va mustaqil O’zbekistonni barpo etish, xalqparvar demokratik huquqiy davlat yaratish, fuqarolar tinchligi va milliy totuvlikni ta’minlash ishiga qo’shgan ulkan hissasi hamda bu borada matonat va jasorat ko’rsatganligi uchun “O’zbekiston Qahramoni” unvoni, “Mustaqillik” va Amir Temur ordenlari bilan taqdirlangan. Shuningdek, u bir qancha xorijiy davlatlar va nufuzli xalqaro tashkilotlarning orden-medallari bilan ham mukofotlangan. Xalqimiz istiqlol yillarida erishilgan salmoqli yutuqlarni haqli ravishda I.Karimov nomi va faoliyati bilan bog’laydi. I.Karimov mamlakatimizda amalga oshirilgan ulkan ishlar, tarixiy o’zgarishlarning tashabbuskori va rahnamosidir:
— O’zbekiston mustaqilligining asoschisi, mamlakatimizning istiqlol dasturini ishlab chiqqan va milliy taraqqiyot yo’lini belgilab bergan atoqli davlat arbobidir;
— demokratik talablar va xalqaro mezonlarga to’la javob beruvchi O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining asosiy muallifi va uni hayotga tatbiq etishning kafolatidir;
— markaziy hokimiyat va uning joylardagi bo’g’inlarini isloh qilish, davlat, jamiyat, va inson munosabatlarini uyg’unlashtirishga qaratilgan yangi siyosiy-ijtimoiy tizim tamoyillarini ishlab chiqdi va amalga oshirdi;
— xalqimizning o’ziga xos xususiyatlari hamda ilg’or jahon tajribalarini mujassamlashtirgan iqtisodiy islohotlarning yangi modelini ishlab chiqdi. Bu rivojlanish yo’li iqtisodiyotning siyosatdan ustunligi, qonun ustuvorligi, o’tish davrida davlatning boshqaruvchilik roli, islohotlarni bosqichma-bosqich amalga oshirish, kuchli ijtimoiy himoya kabi mashhur besh tamoyilni o’z ichiga oladi va u dunyoda “O’zbek modeli” deb e’tirof etilgan;
— odamlarning tafakkurini o’zgartirish, ularning ongida yangi milliy g’oya, milliy mafkura asoslarini shakllantirish va mustahkamlash ishiga rahnamolik qildi;
— Yurtimizda tinchlik-osoyishtalikni, millatlar va fuqarolar o’rtasida totuvlik va hamjihatlikni qaroq toptirish, uni saqlash hamda mustahkamlashga beqiyos hissa qo’shdi;
— xalqimizning ma’naviy qadriyatlariga hurmat-ehtirom bilan munosabatda bo’lish, ularni asrab-avaylash va rivojlantirish, muqaddas dinimizni, urf-odatlarimizni, bebaho tarixiy me’rosimizni hayotga qaytarishni davlat siyosati darjasiga ko’tardi.

Darhaqiqat, I.Karimov siyosiy, tashkiliy, g‘oyaviy, mamuriy va boshqa jihatlardan juda mustahkamlangan, yangicha yashashni mutlaqo istamaydigan tuzum tomirlari chirmashib ketgan bir sharoitda yangicha tafakkur va yangicha yashash tarafdori bo‘lib maydonga chiqdi. Eskilik bilan tinmay kurashib, yangilikni achchiq iztirob va mashaqqat bilan ongimizga singdirib keldi. Uning novatorlik kuchi mamlakatni bir tuzumdan ikkinchi bir tuzumga o‘ta hushyorlik, donolik bilan olib o‘tishida, o‘zi tanlagan yo‘lning to‘g‘riligiga qatiy ishonch bilan, barcha sohadagi islohotlarni epchillik va uddaburonlik bilan joriy etishga intilishida namoyon bo‘lmoqda.O‘tgan tarixan qisqa va sermazmun davr mobaynida jahon siyosatida, davlatchilik va boshqaruvchilik tajribasida, aytish mumkinki, Islom Karimov maktabi vujudga keldi. Butun mamlakatimizda ming-minglab turli toifadagi rahbarlar ana shu maktab sabog‘ini olmoqda va unda ishlab

chiqilgan Konsepsiyalar, siyosiy yo‘l-yo‘riqlar asosida ish olib bormoqda. Prezident Islom Karimovning davlatchilik borasidagi faoliyatiga nazar tashlar ekanmiz, beixtiyor ko‘z o‘ngimizda turli davrlarda faoliyat ko‘rsatgan siyosat va davlat arboblari gavdalanadi. Xususan, Yer yuzining turli mintaqalarida milliy ozodlik harakatlariga boshchilik qilgan, o‘z Vatanini mustamlakachilik iskanjasidan ozod etib, milliy davlatchiligiga asos solgan daholar diqqatimizni tortadi. Darhaqiqat, haqiqiy baho taqqoslash orqali beriladi. Tarixiy jarayon, voqea va hodisalar tahlil etilayotganda, ular bir-biriga qiyoslanganda o‘zining butun salmog‘i va miqyosi bilan namoyon bo‘ladi. Ana shu jihatdan qaraganda, milliy davlatchilikni barpo etish borasida O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan ishlarni jahonning ko‘plab mamlakatlari tarixida kechgan olamshumul jarayonlarga qiyoslash mumkin.

I.Karimovning o‘zbek xalqi uchun tarixiy xizmati shundaki, u butunlay yangi tarixiy sharoitda butunlay yangi o‘zbek milliy davlatchiligiga asos soldi. Qolaversa, O‘zbekiston rahbarining jahon davlatchiligi qurilishi tajribalarini boyitganligi, unga yangi mazmun, yangi shakl va joziba berib kelgani uning o‘ziga hos daholik qudratidan dalolat beradi.

Islom Karimov islohotlar samaralarini bevosita yangilik bilan eskilik o‘rtasidagi jarlikdan jamiyatni bexatar olib o‘tish, ya’ni eng avvalo, odamlar ongi va dunyoqarashida bosqichma-bosqich burilish yasash, shu asosda yangicha yashash afzalliklarini ko‘rsatish yo‘lini tutdi.

Muhtaram Yurtboshimiz farzandlarimizni bizdan bilimliroq, kuchliroq, aqlliroq, va albatta baxtliroq yashashi lozimligini, O‘zbekistonimizning kelajagi esa buyuk bo‘lishini muqarrar bilib,butun faoliyatlari va barcha orzu-umidlarini shu yuksak kelajakka qaratganlar. Shunday ekan, Vatanimizning mustaqilligini bundan keyin ham tobora mustahkamlashga intilish, O‘zbekistonning buyuk kelajagi uchun fidokorona, tashabbuskorona va tadbirkorona mehnat qilish, el uchun, yurt uchun yonib yashash biz uchun eng buyuk hayot yo‘li bo‘lmog‘i darkordir. “Men uchun Vatan ozodligi, xalqimning omonligi, yurtimning ravnaqi, mana shu muqaddas zaminimizda yashaydigan har bir oilaning farovonligidan boshqa oliy saodat yo’q.

Shu oliyjanob, mard va mehnatkash, bag’rikeng xalqimizning buguni va yorug’ kelajagi yo’lida xizmat qilish — hayotimning ma’nosi, umrimning mazmunidir”.

Adabiyotlar

1. Sh.M.Mirziyoyev. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - T. “O’zbekiston”, 2017. – 488.
2. Sh.M.Mirziyoyev. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash-yurt taraqqiyoti va xaq farovonligning garovi. – T. “O’zbekiston”, 2017. – 48.
3. Sh.M.Mirziyoyev. erkin va farovon demokratik O’zbekiston davlatini bigalikda barpo etamiz. – T. “O’zbekiston”, 2017. – 56.
4. Islom Karimov. Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajak yo’lida xizmat qilishi - eng oily saodatdir. – T: “O’zbekiston”, 2015.
5. Islom Karimov. Bosh maqsadimiz – keng qullamli islohotlar va modernizatsiya yo’lini qat’iyat bilan davom ettirish. – T.: “Ozbekiston”, 2013.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТИКЛАНИШИ, ТУРИЗМ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР

Жуманиязов Ж.Н.-Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали
Маънавият ва маърифат ишлари бўйича даволаш факультети декан ўринбосари

Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи, қадимий-меъморий ёдгорликлари жаҳон сайёҳларини ҳамиша ўзига чорлаб келган. Лекин собиқ Иттифоқ даврида ташқи мамлакатлар билан туристик алоқалар ва бу билан боғлиқ маблағ марказ ихтиёрида бўлганлиги сабабли республика иқтисодиёти ундан унча наф кўрмасди. Натижада туризм иши ўлкада жаҳон андозалари даражасига кўтарилмай, ташкилий жиҳатдан орқада қолди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг 1992 йил 27 июлдаги фармони билан саёҳат соҳасида республикада

ягона сиёсатни амалга оширувчи давлат органи – “Ўзбектуризим” миллий компанияси тузилди. Ўзбекистонда сайёҳликнинг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини шакллантириш, жаҳон андозаларига мувофиқ келадиган сайёҳлик тизимини таркиб топишида хорижий инвестицияларни жалб этиш, замонавий сайёҳлик мажмуаларини барпо этиш, тарихий-меъморчилик обидаларини таъмирлаш, Ўзбекистоннинг туризм имкониятларини жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида тарғибот-ташвиқот қилиш “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг асосий устувор вазифалари қилиб белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан буюк аждодларимиз Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Хожи Баҳовиддин Нақшбанд каби боболаримизни мероси ва қадамжолари қайта тикланди. 1994 йил октябрь ойида Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланди. Алишер Навоий ҳайкали тантанали очилди. “Мен ишонаманки, Навоий ҳайкали, Навоий боғи шаҳримизнинг, диёримизнинг энг гўзал ва асосий зиёратгоҳи бўлиб қолади. Бу ер йиллар, асрлар давомида катта халқ тантаналари, қарияларимизга, ёш авлодимизга, халқимизга малҳам, руҳий мадад берадиган севимли ва мароқли бир оромгоҳга айланади, деган катта умидим бор [1].”

Буюк саркарда давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темур бобомиз тарихи қайта тикланди. Соҳибқирон Амир Темурнинг от устида турган холатдаги ҳайкали Тошкент шаҳрида, тахтда ўтирган холатдаги ҳайкали Самарқанд шаҳрида ҳамда тик турган холатдаги ҳайкали Шаҳрисабз шаҳарларида бунёд этилди.

“Бугун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз ватанига қайтди. Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди. Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унитишга маҳрум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади [2].”

“Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги дунёнинг кўплаб мамлакатларида нишонланаётганлиги биз учун ғоят қувончлидир. Биз бу воқеаларни дунё афкор оммасининг Мирзо Улуғбекка ва уни вояга етказган юртга, халққа ва унинг тарихига самимий ҳурмат деб биламиз [3].”

Шунингдек Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини жадал ривожлантириш, истиқболли лойиҳалар ва дастурларни қўллаб-қувватлаш бўйича муҳтарам Биринчи Президентимиз томонидан қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди. 1994 йил 21 январда қабул қилинган “Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1994 йил 16 мартда қабул қилинган “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги фармонлар туризм соҳасини ривожланишида алоҳида аҳамият касб қилди. Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хивадаги сайёҳлик комплекслари хусусийлаштирилди.
1995 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Буюк ипак йўли”ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида фармон қабул қилди. Шу фармонга мувофиқ ғоят муҳим халқаро туризм йўналиши – Буюк ипак йўлини қайта тиклаш, хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш, шунингдек мамлакатда замонавий туризм саноатини вужудга келтириш мақсадида Буюк ипак йўлидаги шаҳарлар – Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий минтақалар ташкил қилиш вазифаси қўйилди ва бу борада муҳим тадбирлар белгиланди. Жумладан Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда туризм соҳасида қўшма корхоналар барпо этувчи хорижий сармояларга муайян имтиёзлар берилди [4] .

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида миллий-маънавий меросимизни

тиклаш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Тошкент шаҳрида Мустақиллик ва эзгулик монументи, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси, Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуаси, Мотамсаро она монументи, Алишер Навоий ҳайкали, Фарғона шаҳрида Аҳмад Фарғоний ҳайкали, Марғилон шаҳрида Бурҳониддин Марғилоний ёдгорлиги, Термиз шаҳрида Алпомиш ёдгорлиги, Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ҳайкали, “Авесто” монументи, Хива шаҳрида Хоразм Маъмун академияси барпо қилинди.

Маълумки, халқимиз азалдан ислом дини ва маданиятига беқиёс хисса қўшиб келади. Бу ҳақиқатни жаҳон жамоатчилиги, бутун мусулмон дунёси яхши билади ва тан олади. Нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалари бўйича тузилмаси – АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пайтахти деб эълон қилгани ҳам ана шундай юксак эътирофнинг тасдиғидир [5].

Хулоса ўрнида шуни такрор ва такрор айтиш керакки мустақиллигимиз асосчиси, давлат арбоби, етук сиёсатчи, маърифатпарвар инсон Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзбек миллий маънавий меросини қайтадан тикланишига, халқимиз томонидан азал-азалдан қадрланиб келинаётган урф-одат ва анъанааларимиз, миллий қадриятларимиз, байрамларимиз, бой миллий меросимиз, тарихимиз, аждодларимиз номлари, динимизнинг қайта туғилишига муносиб хисса қўшдилар. Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси халқимиз қалбида мангу яшайди.

Адабиётлар

1. Ислом Каримов. “Халқ сўзи” газетаси. Ўзбекистон Миллий боғида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан барпо этилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқ. 1991 йил 1 октябрь.
2. Ислом Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995 йил.
3. Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995 йил. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқ, 1994 йил 15 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси энциклопедия. Тошкент, “Қомуслар Бош таҳририяти”, 1997 йил.
5. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маърифат”, 2008 йил.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ – ТАЪЛИМ ВА СПОРТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Жўрабоев К.А.-ТТЙМИ тех.ф.н., доцент

Маълумки, юртнинг довруғи, куч-қудрати ва муваффақияти шу мамлакат аҳолисининг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Мамлакат ривожида таълим тизимининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Қайсики мамлакатда бу тизим мукаммал йўлга қўйилган бўлса, илм-фан ривожига шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша мамлакатда ҳар тарафлама ривожланиш кузатилади. Чунки ҳар бир соҳанинг ривожланиши шу соҳадаги кадрлар салоҳиятига ва уларнинг илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишларига боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримовнинг фаолиятига диққат қиладиган бўлсак, кадрлар тайёрлаш масаласига аввалбошдан эътибор қаратиб келганлигини кўрамиз. Хусусан, собиқ иттифоқ давридаёқ маҳаллий кишилар орасида айрим мутахассисларнинг етишмаслигига алоҳида тўхталиб, 1989 йилда жумладан шундай деган эди: “Нима учун маҳаллий миллатга мансуб кишилар ўртасида муҳандис-техник ходимлар йўқ? Мен бу савол ҳаққоний савол, деб ҳисоблайман. Бу муаммо устида ҳаммамиз бош қотиришимиз керак. Мен бошқа мисоллар келтириб ўтирмайман, лекин шунинг ўзи ҳам барчамизни ҳушёр торттириши зарур. Биз ёш кадрларни тарбиялаш, уларга илғор меҳнат ва тафаккур усулларини сингдириш учун нима қилмоқдамиз? Тан олиш керакки, деярли ҳеч иш қилаётганимиз йўқ”. *(Ўзбекистон ССР*

Министрлар Советининг 1989 йил 24 июндаги йиғилишдаги нутқидан) Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ биринчи Президентимиз шу каби муаммоларни ҳал қилиш борасида собитқадамлик билан жиддий ислоҳотлар олиб борди. Таълим соҳасидаги энг жиддий ислоҳотлардан бири "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг ишлаб чиқилиши бўлди. Бунинг ортидан босқичма-босқич жиддий ислоҳотлар амалга оширилди: ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими янгидан яратилди, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида умумтаълим мактабларининг моддий-техника базаси ва у ердаги таълим сифати яхшиланди, олий таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бу билан Ўзбекистонда мутлақо янги узлуксиз таълимнинг миллий модели ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Таълим тизимидаги ислоҳотлар вақт ва маблағ талаб қилиши, йиллар давомида, аммо ишончли самара бериши билан характерланади. Мавзуга тортилган йиллар мобайнида давлат бюджет харажатларининг ўртача 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилган бўлса, унинг ўртача 55 фоизи таълим муассасаларини сақлаш ва ривожлантиришга сарфланган. Бундай кўрсакич дунё тажрибасида кам кузатиладиган ҳодиса ҳисобланади. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, биринчи Президентимиз раҳнамолигида нафақат таълимнинг инфратузилмаси ва моддий-техник таъминотига, балки унинг мазмуни ва сифатига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Давлат таълим стандарти ва дастурларининг қайтадан ишлаб чиқилиши, янги авлод дарсликларининг яратилиши, тизимга илғор таълим технологияларининг татбиқ этилиши, педагог кадрлар сифатининг оширилиши каби масалалар таълим мазмунини янги босқичга олиб чиқди.

Бакамол инсонни тарбиялашда илм-фан қанчалик катта аҳамиятга эга бўлса, спорт ҳам ундан кам бўлмаган аҳамият касб этади. Ислом Каримов фаолиятида маънан етук ва жисмонан баркамол ёшларни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шу маънода ўтган йиллар мобайнида таълим инфратузилмаси билан бир қаторда спорт инфратузилмаси масаласига ҳам сиёсий масала сифатида қаралди. 2002 йилда ташкил қилинган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига Ислом Каримовнинг шахсан ўзи раислик қилиши бу масала нечоғли аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Жамғарма томонидан мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий талабларга жавоб берадиган спорт мажмуалари бунёд этилди. Натижада, ўтган йиллар давомида мамлакатимиз спортчилари томонидан жами 5000га яқин медаллар қўлга киритилди. Хусусан, Бразилияда бўлиб ўтган XXXI Ёзги Олимпиадада 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза медаллари билан Ўзбекистон дунёнинг 207 мамлакатлари ичида 21чи, мусулмон мамлакатлари орасида 1чи, Осиёда 4чи, МДҲ бўйича 2чи, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида 1чи ўринни эгаллади. Умуман, мамлакатимиз спортчиларининг шу кунга қадар 198та олимпиада медалларини қўлга киритишганлиги замирида Ислом Каримовнинг мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракати ётибди, десак адашмаган бўламиз. Айнан спорт соҳасидаги ютуқларимиз Ўзбекистонни жаҳон мамлакатлари орасида ном қозонишига сабаб бўлмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов айтганларидек, *"Ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчалик дунёга тез танита олмайди"*.

ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ РАҲБАРЛИГИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИСЛОҲАТЛАР

Джуманиязова З.Ф.-ТТА Урганч филиали ИКП т.ф.н., доцент
Абидов Ф.-ТТА Урганч филиали ИКП ассистенти

"Кадрлар тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан – астойдил, бетиним, изчил меҳнатни талаб этади"

И. Каримов

Ўзбекистон Республикасининг бугунги хаёти, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқлар истиқлолнинг дастлабки кунларидан халқимиз танлаб олган тараққиёт йўлининг хар томонлама тўғри ва оқилона эканини кўрсатмоқда. Ислом Абдуганиевич Каримов

томонидан танланган ва дунёда тан олинган “ ўзбек модели” деган ном олган йўл, унинг замирида мужассам бўлган беш тамойил юртимизда эркин ва фаровон хаёт асосларини барпо этишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда [2] .

Мамлакатимизда Биринчи Президентимиз рахбарлигида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар бугунги кунда ижобий самара бермоқда. Юртимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган ёш авлод тарбияси йўлида эришган ютуқларимизда алоҳида тўхташ зарур. Бу ўринда фикр юритганда собиқ раҳбаримизнинг куйидаги сўзларини айтиб ўтиш ўринлидир: “Ватанимиз келажаги, ҳалқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аввалambор фарзандларимизнинг ўниб-ўсиш, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак [4]. Ўз-ўзидан аёнки янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият куриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.” Ушбу мақсаддан келиб чиққан холда, 1997 йили Ўзбекистонда Ислом Каримовнинг ташаббуси билан “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги қонун” қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар қабул қилинганидан буён таълим мазмуни тубдан ўзгарди. Таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари жорий этилди. Меҳнат бозори талабларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизими шаклан ва мазмунан барқарорлашмоқда.

Кадрлар тайёрлаш дастурнинг мазмун ва моҳиятига кўра 12 йиллик (9+3) таълимга ўтишни, узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини яратишни кўзда тутади. Дастур умумтаълим мактаблардаги тўққиз йиллик ўрта таълимни, академик лицей ва коллежлардаги уч йиллик махсус касбга тайёрлаш тизимини ўз ичига олади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 2009 йилгача бўлган даврда мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ҳам амлга оширилмоқда.Таълм соҳасида 1140 тага яқин академик лицей ва касб-хунар коллежи, 4680 тадан зиёд умумтаълим мактаби янгидан курилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилди, таълим муассасаларининг моддий-техник базалари яхшиланди.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Олий таълим икки босқичли бўлиб, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Ўзбекистонда 65 та олий ўқув юртида, шу жумладан хорижий таъхлим муассасаларнинг филиалларида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 минга яқин ўзбекистонлик ва хорижий талабалар билим олмоқда. Ўтган йиллар мобайнида замонавий, хар томонлама жихозланган ўқув юртларини барпо этиш учун 5 миллиард доллардан ортиқ бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар йўналтирилди. Таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 %дан ошмайди [3].

Республикамизда узлуксиз таълимнинг жорий этилиши таълим соҳасининг бошқаруви органлари зиммасига бир қатор вазифаларни ҳал этиш ва уларни доимо такомиллаштириб, ривожлантириб боришни тақозо этди. Ўтган давр ичида таълим соҳасида қуйидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қайта қабул қилинди [1]:

Таълим-тарбия тизимини бошқариш;

Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш;

Молиялаштириш ва моддий-техник таъминот;

Педагог ва илмий-педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

Таълим хизматлари бозорини ривожлантириш;

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳалқаро алоқалар;

Чет тилларини ўрганиш;

Электрон кутубхоналар яратиш ва ягона тармоққа бирлаштириш;

Таълим соҳасида ижтимоий ва молиявий давлат ёрдамини таъминлаш.

Олий таълимнинг такомиллаштирилган Давлат таълим стандартларини тайёрлаш борасида таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги тамойиллари асосида умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-ҳунар ва олий таълимнинг фан дастурлари модернизациялашмоқда.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, айрим иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини жадал юксалтириш, янги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини ташкил этиш ҳақидаги бир қатор қарорларга, шунингдек олий маълумотли кадрларнинг асосий истеъмолчи бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда бевосита олий таълим муассасаларининг таклифларига асосан таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори тайёрланди.

Халқимиз Ўзбекистон эришаётган барча ютуқ ва натижаларни ҳақли равишда Ислом Абдуганиевич Каримовнинг фаолияти билан боғлайди. Собиқ юрбошимиз бежиз айтмаганларки: “XXI асрда ҳалқи интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат қудрали ва ...кучли бўлади.”

Адабиётлар

1. Б.Ю. Ходиев таҳрири остида. Олий таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тошкент, 2013 йил.

2. И.Каримов. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотлапримизнинг пировард мақсадидир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2007 йил.

3. Ислом Каримов – Ўзбекистон Республикаси Президенти. Тошкент, 2008 йил.

4. И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008 йил.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЮКСАК МАЪНАВИЯТ СОҲИБИ

Ийманова Д.А.-АнМИ т.ф.н., доцент

Мустақилликнинг дастлабки йиллари миллий тикланиш, жумладан, миллий давлатчилигимиз асосларининг қарор топиш даври бўлди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида қатъият билан олиб борилган мардона ҳаракатлар ҳал қилувчи аҳамиятда бўлди, бу йўлда қандай машаққат ва синовларни енгиб ўтишга тўғри келгани ҳақида биринчи юртбошимиз; “Биз сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини хисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий, иқтисодий, минерал хом ашё ва инсоний салоҳиятини холисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзимизга муносиб жой эгаллашни мақсад қилиб қўйиб, бундай марраларга эришишни асосий вазифамиз сифатида белгилаб олдик”[1].

Ислом Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш, тарихий адолатни тиклаш, маънавият соҳасини ривожлантириш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун "Мустақиллик" (1996), Амир Темур (1998) орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатларнинг ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг орден ва медаллари билан мукофотланган. Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни вақтда у маънавият, иқтисодиёт, илм-фан, таълим-тарбия деярли барча соҳаларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун кўплаб хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган. Халқимиз маънавий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда

[1] Буюк ва муқаддас, мустақил диёр. – Тошкент: Ўзбекистон: 2011. -18 бет.

бўлиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимизни, урф-одатларимизни, бебаҳо тарихий меросимизни ҳаётга қайтаришни давлатимизнинг устувор йўналишлари даражасига кўтарди.

Академик Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзидан бебаҳо илмий, маънавий, ижтимоий-сиёсий мерос қолдирди. Ватанимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура"(1996), "Биздан озод ва обод Ватан қолсин"(1996), "Ватан саждагоҳ каби муқаддас-дир"(1996), "Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби"(1997), "Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида"(1998), "Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз"(1999), "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз"(2000), "Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак"(2002), "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди"(2006), "Юксак маънавият – енгилмас куч"(2008), "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида"(2011), "Она Ватанимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир"(2015) ва бошқа асарлари ҳамда маърузаларида баён қилинган ғояларнинг амалиёти туфайли Ўзбекистон ривожланишнинг равон, тинчлик йўлига чиқиб олди. Бунинг амалий исботини мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганидан яққол кўриш мумкин.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 20 октябрда бўлиб ўтган "Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик" партиясининг VIII съездидаги "Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир" номли маърузаларида қуйидаги фикрларни айтдилар:

"Бутун дунёда таҳликали вазият, миллатлараро тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий инқирозлар ҳамда турли хавф-хатарлар авж олган даврда Ислом Каримовнинг мамлакатимизга раҳбарлик қилгани Яратганнинг халқимизга кўрсатган бебаҳо марҳамати бўлди. Муҳтарам Юртбошимизнинг букилмас иродаси, фидойилиги, мардлиги ва ватанпарварлиги, узоқни кўриш ва стратегик фикрлаш қобилияти ватандошларимизни ягона мақсад сари бирлаштирди. Натижада, мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлида кўплаб қийинчилик ва синовлардан ўтиб, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳам жамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Муҳтарам Ислом Абдуғаниевичнинг босиб ўтган умр йўллари, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги тарихий хизматлари барчамиз учун, шу жумладан, мен учун ҳам энг ёрқин ибрат намунаси ва катта ҳаёт мактаби бўлиб қолади"[1]. "Биринчи Президентимиз ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди"[2].

Тиббиёт Академияси анестезиология ва реаниматология кафедраси профессори, Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув маркази директори Вячеслав Аваков, "25 давомида Ислом Каримовдек буюк инсоннинг ёнида ишлаш бахтига муссар бўлганимдан хурсанман. Президентимиз ўзига масъулиятларни кўп оларди, тинимсиз хорижий сафарларда бўлар ва мамлакатимизни халқаро ҳамжамиятга таништиришга интиларди. Бу эса жуда машаққатли иш бўлиб, Ислом Абдуғаниевич эса бу ишни янада мураккаблаштирар эди. У киши ўзини аямас эди. Чунки у пайтларда давр мураккаб эди. Мустақил Ўзбекистон энди ўзини тиклаётган, дунё миқёсида тан олинишига ҳаракат қилаётган давлат эди. Халқаро жамоатчилик Афғонистон, Покистонни билишини, лекин Ўзбекистон ҳақида эшитмаганини айтишар, Президент эса Ўзбекистон - мустақил, катта салоҳиятга эга давлатлигини таъкидлашдан чарчамасди. Тез-тез хорижга сафар уюштирарди. Эсимда, қайсидир йили адашмасам Голландияга борган эдик. Маҳаллий тадбиркорлар билан учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти

[1] "XXI ASR" газетаси. 2016-йил 20-октабр, 44 (676)-сон
[2] "XXI ASR" газетаси. 2016-йил 15-декабр. 53 (685)-сон

ҳақида жуда тўлқинланиб гапириб, инвесторларни жалб этишга ҳаракат қилди. Унинг нутқи барчада катта таассурот қолдирди. Ўша пайт бир тадбиркор келиб “сиз билан учрашишдан олдин харитадан Ўзбекистонни узоқ қидирдим, лекин топа олмадим” деганда, Президентимиз “Ўзбекистонни харитада топиш қийин эмас, чунки унинг майдони 4 ёки 5 та Голландиянинг майдони билан баробардир” дея хазил мутойиба билан оқилона жавоб қилган эди. Бугун Ўзбекистонни дунё танийди. Буларнинг барчасида Ислом Каримовнинг хизмати катта. Ўтган йиллар давомида Ислом Каримовни кузатиб, шуни англадимки, у жуда юқори иш қобилиятига эга инсон эди. Суткасига 26 соат ишларди, десам муболаға бўлмайди. Чунки у иш графигини жуда тиғиз қилиб қўяр, хатто уни тиббий кўрикдан ўтказиш учун шу графикка мослашишга ҳаракат қилардик. Ислом Каримов борлиғи билан ўзини ишга бағишлаган инсон эди. Ишонасизми, 25 йил давомида бирон жойга яъни хориждаги номи чиққан дам олиш масканларига бориб хордиқ чиқарганини эслай олмайман. Нари борса, ўзимиздаги Қайнарсойга бориб, шанба ва якшанба кунлари 2-3 кун дам оларди, холос. У ватанини, халқини чин юракдан яхши кўрарди, шунчалик яхши кўрардики, қиёси йўқ эди. Масалан, Бразилияга бирга бордик. Меҳмонхонага жойлашдик. Ислом Каримовнинг хонасининг деразасидан океан, соҳил, пальмалар кўриниб турарди. Жуда гўзал манзара эди. Манзарага қараб, “Гўзалликни қаранг!” деб ҳайратимни билдирганимда у киши “Бизда бундан ҳам чиройлироқ жойлар кўп!” деганди. Бу сўзлар унинг қалбидан чиққан самимий сўзлар эди. Мен чин маънодаги Ватанпарварликни Ислом Каримовдан ўргандим. Ислом Каримов оқилона ва узоқни ўйлаб иш юритадиган буюк инсон эди. Мамлакатимизнинг энг оғир дамларида ҳам оёққа туриб олишида, иқтисодиётимизнинг ривожланишида халқнинг тинч, осойишта, фаровон ҳаёт кечиришида Биринчи Президентимизнинг ҳиссаси катта. Менда “кўпинча бахтиёрмисан” деб сўрашади. Мен “Албатта” дейман, чунки Ислом Каримовдек буюк инсонинг ёнида ўтган 25 йил мен учун катта ҳаётий мактаб бўлди. Ислом Каримовдан Ватанни, халқни севишни, юртнинг, табиатнинг гўзаллигидан бахра олишни ўргандим[1], деб юксак хурмат, эътироф билан хотирлади.

Мухтасар қилиб айтганда, Биринчи Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўпмиллатли халқимизни бирлаштириб, уни улуғ мақсадлар сари бошлаб борди. Ҳақиқий маънода буюк, адолатпарвар, юксак маънавият ва жасорат соҳиби бўлган Биринчи Президентимизнинг қилган буюк ишлари, юксак маънавий фазилатлари бир умр бизга маънавий куч бўлиб қолади.

МУСТАҚИЛЛИК АСОСЧИСИ, БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ - ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ СЎНГГИ ДАСТУРИ

Захидова С.А.-ТТЙМИ т.ф.н., доцент

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” [1] номли асари мамлакатимизнинг замонавий демократик давлатлар қаторига кириши, иқтисодиётнинг барқарорлашуви масалалари, аҳолини ҳаёт даражаси ва унинг сифатини ошириш борасида аниқ устувор вазифалар белгилаб берилган ва ўрганилиши лозим бўлган асар ҳисобланади. Китобда давлатимиз раҳбарининг ижтимоий соҳаларда – таълим-тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизиминини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар, жамиятда аёллар, кексалар ва ёшларнинг ўрни уларга яратилаётилган қулай шароитлар ва имкониятлар масалалари, ҳар бир минтақа бўйича истиқболли режалар, лойиҳалар, қадимги тарихими ва собиқ Совет тузумининг асл моҳиятини фош этувчи мисоллар, ўша тузумни тиклашга уринаётган баъзи кучлар,

[1] Kun.uz/ Дўстлар, оиладаги муносабатлар ва конвертация масаласи. Шахсий шифокор Ислом Каримовни эслади.

Ўзбекистоннинг ташқи концепцияси каби масалалар пухта баён этилган. Шунингдек, асарда “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” каби саволларнинг ечими амалий ишлар билан ҳал қилиниши лозимлиги уқдириб ўтилган.

Ўтмиш тарихимизни унутмай, собиқ Советлар даврида “октябрят”, “пионер”, “комсомол” бўлиб, шиорлар остида улғайиб, аслида миллий давлатимиз, давлатчилигимиз, тарихимизнинг кушандаси бўлган ўша тузум, 30-йиллардаги қулоқлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари натижаси минглаб ўзбек оиласига “халқ душмани”, “халқ душманининг фарзанди” тамғасининг босилиши, 30 ва 50-йилларда ўтказилган қатағонлик сиёсати, унинг машъум оқибатларида миллат ўз тарихи ва ўтмиши йўқотибгина қолмай, давоми сифатида 80-йилларда ўтказилган “Пахта иши” орқали эса ўзбек халқининг номи бутун дунёга тамомила қораланиб кўрсатилди. Халқимиз бебурд, ўз сўзида тура олмайдиган, бир бирини сотадиган, ўз қарашлари, урф-одатлари, анъанавий Шарқ тарбиясини унутган ҳолда маънавий қашшоқланди. 6 миллард тонна пахта етиштириш учун аҳоли зич яшайдиган Андижон вилояти экин майдонининг 88 фоизи ғўза майдонига айлантирилди. Албатта пахта ортидан бойишни истаган, қўли эгри, иши қинғир, ўз роҳатини ўйлайдиганлар ҳам бўлган. Аммо улар орқали бутун бир халқни қоралаш, судсиз, сўроқсиз оиласидан ажратиб, қамаш ноҳақлик ва қатағонликнинг янги бир кўриниши эди [2]. Бизга инъом этилган, аслида юз йиллаб вақт давомида ота-боболаримиз томонидан озодлик, эркин ва фаровон жамият қуриш йўлида тўкилган қонлар эвазига қўлга киритилган мустақиллик эндиликда юртимиз тараққиёти учун аввало кучли ва таъминланган ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб бориш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳот қилиш, янги замонавий мактаблар қуриш, замонавий ўқув лабораториялари яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш каби долзарб масалаларни ҳал қилиш лозимлигини билдиради [3].

Биринчи президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берган “Ўзбек модели” ҳозирги кунда ўзини тўла оқлаб бўлди. 2015 йилда нашр этилган ушбу асарда кейинги йиллар учун устувор вазифалар – таркибий ўзгаришлар сиёсати, яъни саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш орқали иқтисодиётдаги рақобатбардошликни ошириш, аҳоли турмуш-даражасини яхшилаш, тадбиркорликка, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш масалалар аниқ белгилаб берилган эди. Асарда кейинги 5 йилликда амалга оширилиши лозим бўлган ва қтисодиётни ривожлантиришдаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган:

- Хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотни қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий қилиш;
- Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожланишида барча тўсиқларни олиб ташлаш ва соҳага тўлиқ эркинлик бериш;
- Иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда давлат иштирокини танқидий баҳолаш ва қайта кўриб чиқиш, молополияга чек қўйиш, маъмурий буйруқбозликни чеклаш, давлат корхоналарини тугатиш ва уларни хусусий мулк шаклига ўтказиш;
- Экологик муаммо сифатида сув ва ер ресурсларини тежаб-тергаш, ирригация ва мелиорация ишларини жонлантириш, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, янги агротехнологияларни жорий этиш;
- Қишлоқ хўжалиги тараққиётига улкан ҳисса қўшувчи фермерлик ҳаракатини кучайтириш, қишлоқ аҳолисининг яшаш даражасини, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш ва табиий газ, электр тармоқлари, телекоммуникация тармоғини қайтадан шакллантириш;
- Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улкан имкониятларини яратишга эришиш;

- Чуқур таркибий ўзгаришлар ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминловчи катта кўламдаги инвестицияларни жалб этиш:

- Аҳолини бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш;

- Аҳолини ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориш [4].

Биринчи президентимизнинг издоши бўлган ҳозирги президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ана шу вазифаларни бажаришда, уларни янгича замон билан келиштирган ҳолда амалга оширишда собитқадамлик билан катта ишларни амалга оширмоқдалар [5].

Юртимизда таълим-тарбия масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, унда айнан ёшларимиз келажагимиз эгалари сифатида мамлакатимизнинг интеграциялашув жараёнида ўзларининг иқтидор ва салоҳиятлари билан катта ҳисса қўша олишларини ҳисобга олиб кенг имкониятлар яратилмоқда. Таълим тизимида олиб борилаётган асосий ислоҳотлар инсон манфаатларига қаратилган бўлиб, ундан ёш авлодни баркамол бўлиб ўсиши, таълим ва тарбия топиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Бунинг учун мамлакатда халқимизнинг бой маънавий мероси, дунё тараққиётига ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик машҳур алломалар ва олимлар мероси, умуминсоний қадриятлар ва демократик принциплар, замонавий билим ва маданият, фан ва техникага асосланган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизими миллий дастур асосида йўлга қўйилган.

Асоси мустақилликнинг илк йилларида (1992) бошланган, 2008 йилда эса Биринчи преидентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан “Ёшлар сиёсати” [6] Давлат дастурининг қабул қилиниши асосида ёшларимизга ҳар соҳада ўзларини тўла намоён этишлари учун катта имкониятлар яратилди. Олий таълим тизимида кадрларни ёшартириш, уларнинг илмий салоҳияти, малакасига алоҳида эътибор бериш, уларга имкон бериш, мотивациялаш орқали устоз-шогирд тизимида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўз касбининг эгаси, катта ва бой тажрибага эга, илмий-салоҳиятли устоз кадрлар ёш кадрларга устоз-шогирд тизими асосида ўзларининг бор билимлари ва тажрибаларини ўргатиш, ўз ўринларига муносиб кадрларни тайёрлаб қолдириш ишларини бошладилар.

Ҳозирги кунда олий таълим тизимида миллий кадрларни жаҳон таълим стандартлари асосида мутахассис сифатида тайёрлаш ва малакаларини ошириш жараёнлари кетмоқда. Олий ва ўрта таълимнинг кадрлар таркиби янгиланмоқда. Ҳозирги кунда кадрларга ўз соҳаси бўйича юқори иқтидор ва илмий салоҳиятга, касбий маҳоратга эга бўлиш, чет тиллари, компьютер технологияларини мукаммал билиш, дарс олиб бориш жараёнида жаҳоннинг тажрибасининг илғор ютуқларидан, педагогик технологияларни қўллаган ҳолда талабларни ўз устида мустақил ишлашга эришиш каби талаблар ўқитувчини баҳолашнинг асосий мезони бўлиб қолмоқда. Ислом Каримов “Бугунги кундаги авлод 18 йил аавал қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг меваси бўлиб, бу сиёсатнинг “портлаш эффектини” биз ўша йиллардаёқ кўришни орзу қилган эдик. Ҳозирги кунда энг қийин технологиялар билан бошқариладиган корхона ва заводларда бизнинг фарзандларимиз меҳнат қилмоқдалар” деган эдилар [7].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов тараққиётимиз асосини фуқароларимизнинг ижтимоий барқарорлиги ва ёш авлоднинг тарбиясида деб кўра олганлар.

Адабиётлар

1. Ислом Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон. 2015. - 302 б.

2. Ислом Каримов. Юқоридаги асар ... 24-25 бетлар.

3. Ислом Каримов. Юқоридаги асар ... 30-31 бетлар.

4. Ислом Каримов. Юқоридаги асар ... 47-66 бетлар.

5. Шавкат Миромонович Мирзиёев асарлари учун батафсил қаранг: 1) Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.;

6. “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида” ЎзР ПҚ-805. 2008 йил 29 февраль.

7. Ислом Каримов. Юқоридаги асар ... 249-бет.

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСЧИСИ

Ғаниев К.-СамДАҚИ доценти, т.ф.н.

Тарихий давр ва ижтимоий-сиёсий вазият улкан фазилатларга эга бўлган буюк шахсларни майдонга чиқаради. Бу ҳолат жаҳон тажрибасида кўп марта кузатилган. Жумладан, Ҳиндистон тарихида Маҳатма Ганди, Туркия тарихида Камол Отатурк, АҚШ тарихида Жорж Вашингтон ана шундай тарихий миссияни ўз бўйнига олиб, халқининг миллий-озодлик курашига бошчилик қилганини, ўз халқини янги тараққиёт йўлига олиб чиққанига дунё аҳли гувоҳи бўлган. Соҳибқирон Амир Темур ўн тўртинчи асрда Туркистон заминини мўғуллардан озод этиб, ана шундай миссияни адо этганини, нафақат Ўрта Осиё халқлари, дунё аҳли эътироф этган. Ислом Каримов ҳам ана шундай ўта оғир ва масъулиятли вазифани ўз зиммасига олди ва уни шараф билан уддалади.

Буюк шахс ўз халқининг мақсадларига, орзу-умидларига, интилишларига, севинчу-изтиробларига, бахтли ва ситамли онларининг гувоҳи бўлиб шаклланади, камолотга етади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ҳам ўтган асрнинг сўнгги чорагида Ўзбекистонда мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият оқимида шаклланди, собиқ совет тузумининг бутун моҳиятини, ўзбек халқининг тарихий қадр-қимматини чуқур англади. Натижада миллат шаънини тиклаш орзу-умиди билан яшади ва шаклланди. Ўзбекистон раҳбариятига келган Ислом Каримов қизил империя ва коммунистик партиянинг истиқболи йўқлигини, тажовуз ва ғоявий-мафкуравий зўравонликка асосланган сиёсатнинг узоққа бормаслигини, собиқ Иттифоқ ҳудудида мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнлар анча кескинлашганини ўз сафдошлари ва елкадошларидан анча олдин чуқур тушунди.

Ислом Каримов Москва билан ўзига хос муносабатда бўлди, унинг ўта қатъиятлилиги, ўз фикрига ва хулосасига эга эканлиги ҳамда ўз йўлига собитлиги “улуғ оға”ларга унчалик ёқмасди. Миллат манфаатига кўпроқ ён босгани, республика ички ҳаётидаги вазиятга чуқурроқ кириб борган сари собиқ СССР раҳбариятида унга нисбатан муносабат кескинлаша бошлади. Марказий нашрларда Ўзбекистон ва унинг раҳбариятига туҳмат ва иғвогарликлар уюштирилди. Ана шундай шароитда Ислом Каримов фақат ақл-идрокка, вазминлик ва мустаҳкам иродага таяниб иш тутиш намунасини кўрсатди 80-йилларнинг охири - 90-йилларнинг бошларида рўй берган саросима, таҳдид ва таҳликалар пайтида Ислом Каримов халққа суянди, халқ билан республика раҳбарияти ўртасида самимий муносабатларнинг шаклланиб, мустаҳкамланишига замин яратди. У республика раҳбари сифатида одамлар билан юзма-юз туриб гаплашди, халқнинг руҳини кўтаришга киришди. Халқ даҳосига ишонди, унга таянди. Бу эса ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг анча барқарорлашишига олиб келди. Таъкидлаш жоизки бу давр кўп минг йиллик тарихимизда Миллий тикланиш, Миллий уйғониш ва Миллий тараққиёт даврининг муқаддимаси бўлди.

Ўзбекистон раҳбарияти ўз сўзида туриб, турли хил иғво ва маломатларни қатъият ва амалий иш билан енгиб борди Ўзбекистон яна бир бор ўз маънавий қудрати ва сиёсий салоҳиятини намойиш этди. Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тарихий VI сессияси иттифоқдош республикалар ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилди ва уни “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари

тўғрисида”ги Қонун билан мустаҳкамлаб қўйди. Президент Ислом Каримов сессияда нутқ сўзлаб, собиқ Иттифоқда сўнгги пайтда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни таҳлил қилиб, улар Ўзбекистон тақдирига, халқимиз тарихига бевосита даҳлдор эканлигини ҳар томонлама асослаб берди. Ислом Каримов сессияда мустақилликнинг моҳияти ва унинг тарихий зарурат эканлиги ҳақида гапирар экан, мустамлакачилик асорати ва собиқ Иттифоқда қарор топган адолатсиз муҳит оқибатларини очиб ташлади: “Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртанги кунига ишончини кундан-кунга йўқотяпти... Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осойишталик, бошқа халқларга нисбатан ҳайрихоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қиляпти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатига яраша турмуш шароитларини талаб қиляпти. Бу ҳаққоний талабдир...Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл қўймайди, тенглар ичра тенг бўлиш халқимизнинг асрий орзусидир”[1,401-402].

Мустақиллик йўли – ҳақиқат йўли, инсон ҳақ-ҳуқуқлари йўли, маънавий етуклик, юксак маданият, бой инсоний фазилатлар йўлидир. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов танланган йўлнинг тўғрилигига қатъий ишонди ва халқимизни бунга ишонтира олди. У сессияда ўз мақсадларини қуйидагича қатъий равишда ифода этди. “Ортга қайтиш йўқ энди. Олдинда битта йўл бор: истиқлол йўли, мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли” [2,403]. Ислом Каримов миллий давлатчилик ва демократик тараққиёт йўлига содиқ қолди. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ, у барча чиқишлари ва нутқлари, асарлари ва рисолаларида Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш ва тараққиёт йўлини тўлиқ акс эттириб, машҳур беш тамойилга асосланган “Тараққиётнинг ўзбек модели” деб аталган концепцияни асослади.

Ислом Каримов томонидан асосланган ушбу концепция халқимизни ягона мақсад йўлида бирлаштирувчи уни эзгулик ва бунёдкорлик сари етакловчи миллий истиқлол мафкурасининг мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи тамойилдир. Ушбу тараққиёт концепцияси ўз моҳиятига кўра халқимизнинг мақсад ва интилишларини ўзида акс эттирган, орзу-истакларини амалга ошириш йўлида хизмат қиладиган ғоялар тизимидир. Мазкур миллий тараққиёт концепцияси фақат иқтисодий ривожланиш эмас, балки кенг маънодаги миллий тикланиш ва миллий тараққиёт моделидир. Унинг рационал мағзи янги жамият қуришнинг инқилобий йўли эмас, балки тадрижий-эволюцион тарзда ислоҳ этиш асосида кўзланган мақсадга эришишдир. Муҳтасар қилиб айтганда, Ислом Каримов томонидан асосланган миллий тараққиёт йўли бозор иқтисодиётига асосланган демократик тараққиётнинг ўзга хос йўлидир.

Адабиётлар

1.Ислом Каримов Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 401-402, 403-бетлар.

И.А. КАРИМОВ - ОСНОВАТЕЛЬ НЕЗАВИСИМОГО УЗБЕКИСТАНА

Жураева Ф.Ф.-Врач общей практики центральной многопрофильной поликлиники Самаркандской районной больницы,
Обладатель именной стипендии имени И.А.Каримова.

В истории и литературе было множество обсуждений роли и влияния личности на историю и её развитие, но на примере нашей страны, которая в 1991 году достигнув независимости и начав строить демократическое правовое государство и формировать сильное гражданское общество можно сказать, что влияние руководителя страны на её развитие огромно.

Именно с именем и деятельностью Первого главы нашего государства Ислама Абдуганиевича Каримова народ нашей страны связывает огромные достижения за годы независимости. Вся многогранная деятельность Ислама Каримова стала высоким

примером для нынешнего и будущих поколений. И наш народ также безгранично любил и уважал Ислама Абдуганиевича, по праву гордился своим выдающимся лидером.

Как мы знаем, в 1991 году Узбекистан был отсталой аграрной страной с гипертрофированно односторонней экономикой, разрушительно влияющей на нее монополией хлопка, крайне низким уровнем жизни людей. Страна не производила многие виды жизненно важных товаров и не обеспечивала собственные потребности.

Как отмечал в своих трудах Первый Президент независимого Узбекистана И.А. Каримов, он был твердо убежден в том, что политическая независимость не может быть обеспечена без достижения экономической независимости. Именно поэтому им была разработана, на основе известных пяти принципов, программа кардинальных реформ и структурных преобразований экономики Узбекистана, получившая признание во всем мире как «узбекская модель» развития. И фундаментальной основой этой модели стала практическая реализация стратегического приоритета - «Реформы не ради реформ, а во имя человека».

В годы независимости в нашей стране во главе Первого Президента И.А.Каримова были осуществлены кардинальные реформы в сфере здравоохранения. Созданы все необходимые условия для обеспечения здоровой и достойной жизни народа, воспитания физически и духовно здорового молодого поколения, расширения отечественного производства фармацевтической продукции. Принятые соответствующие законы Республики Узбекистан, указы и постановления Президента страны, Кабинета Министров служат важным фактором развития сферы здравоохранения. Указ Главы государства «О государственной программе реформирования системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 10 ноября 1998 года ознаменовал начало важного этапа в коренном реформировании отрасли.

Охрана здоровья матерей и детей, воспитание всесторонне здорового поколения определены в качестве приоритетных задач государственной политики. Одним из первых международных документов, к которым присоединился Узбекистан, была Конвенция ООН о правах ребенка, ратифицированная парламентом страны 9 сентября 1992 года, а 8 января 2008 года был принят Закон Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребенка».

Первый орден страны «Соглом авлод учун» («За здоровое поколение»), учрежденный 4 марта 1993 года, стал своеобразным символом воплощения мечты о здоровом поколении, а также масштабной работы по формированию физически и духовно развитого молодого поколения.

На основе принятой по инициативе нашего Первого Президента Государственной программы «Скрининг матери и ребенка» во всех регионах страны образованы современные скрининговые центры. Это позволило вывести на качественно новый уровень предупреждение и лечение многих врожденных и наследственных заболеваний.

В целях дальнейшего усиления и повышения эффективности проводимой в стране работы по развитию и укреплению системы охраны репродуктивного здоровья населения организованы Республиканский центр репродуктивного здоровья и его 13 региональных филиалов, которые оказывают высококвалифицированную медицинскую помощь, проводят работу по повышению информированности населения в области репродуктивного здоровья и формирования здоровой семьи.

Президентом И.А.Каримовым были приняты Постановления «О дополнительных мерах по охране здоровья матери и ребенка, формированию здорового поколения» от 13 апреля 2009 года, «О Программе мер по дальнейшему усилению и повышению эффективности проводимой работы по укреплению репродуктивного здоровья населения, рождению здорового ребенка, формированию физически и духовно развитого поколения на 2009-2013 годы» от 1 июля 2009 года. В ходе выполнения задач, намеченных в данных документах, особое внимание уделяется мерам, направленным на оздоровление женщин фертильного возраста, продление интервалов между родами, предупреждение ранних браков и браков между близкими родственниками, повышение квалификации

медицинских кадров, укрепление материально-технической базы учреждений родовспоможения и первичного звена здравоохранения, широкое информирование населения по вопросам репродуктивного здоровья. Проводимая работа по массовому привлечению детей и подростков к физической культуре и спорту также служит важным фактором воспитания гармонично развитого поколения.

Успешно реализуются проекты по обеспечению безопасной беременности, эффективному перинатальному уходу, реанимации новорожденных, грудному вскармливанию, мониторингу роста и развития детей. И что самое важное, в Узбекистане практически вся первичная медицинская помощь для населения является бесплатной.

Вместе с тем все мы хорошо осознаем, что современная качественная медицинская помощь основана на дорогостоящем оборудовании, которое к тому же нуждается в постоянном обновлении, а также дорогих лекарственных средствах и препаратах, что остро ставит на повестку дня вопрос о разумном сочетании бесплатного и платного лечения.

Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев с первых дней своего руководства страной предпринял конкретные шаги по должному увековечиванию памяти Первого Президента страны. В частности 25 января 2017 года было опубликовано Постановление Президента Ш.М. Мирзиёева «Об увековечении памяти Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова», по которому именем Первого Президента были названы центральные улицы городов и крупных учреждений и объектов страны, установлены памятники, организованы музеи и мемориальные комплексы, а согласно опубликованному 27 ноября 2017 года Постановлению «О праздновании 80-летия со дня рождения Первого Президента Республики Узбекистан, выдающегося государственного и политического деятеля Ислама Абдуганиевича Каримова» в 2018 году в нашей республике будут проведены широкомасштабные мероприятия в честь 80-летия со дня рождения Первого Президента Республики Узбекистан.

Своей многогранной политической деятельностью, благородными человеческими качествами Ислам Абдуганиевич Каримов оставил неизгладимый след в истории нашей Родины.

СОЗДАНИЕ «УЗБЕКСКОЙ МОДЕЛИ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ» И ЕЁ РЕЗУЛЬТАТИВНОСТЬ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ

Хамракулова О.Д.-СамГАСИ к.э.н., доцент

Обретение государственной независимости и суверенитета позволило Узбекистану изменить ориентиры своего развития, встать на путь радикальных социально-экономических и политических преобразований. «Суверенитет надо наполнять не лозунгами свободы, а политическим, экономическим, духовным содержанием».[2]

Сегодня можно смело говорить об эффективности узбекской модели экономических реформ. Узбекистан продолжает устойчивыми темпами развивать экономику страны, обеспечивать стабильный рост уровня жизни населения.[3]

Узбекистан - государство, избравшее свой, самостоятельный путь развития. Этот путь во всем мире призван как "узбекская модель" государственного и общественного строительства. Одна из основных характеристик которой состоит в системном преобразовании общества не революционным, а эволюционным путем. Узбекская модель развития признана международным сообществом благодаря тому, что она основана на богатейших традициях, ценностях и менталитете узбекского народа.

В конце XX столетия, после обретения государственной независимости и суверенитета, Республика Узбекистан изменила ориентиры своего развития, встала на путь радикальных социально-экономических и политических преобразований с учетом позитивного опыта и достижений стран Юго-Восточной Азии и ряда развитых стран мира.

Пройденный за годы обновления путь подтвердил правильность и действенность узбекской модели экономических реформ, которая получила одобрение и признание мировой общественности.

В основу реализации этой модели построения основ рыночной экономики положены пять разработанных Президентом Республики Узбекистан И.А. Каримовым ключевых принципов, на которых базируется политика переходного периода:

- полная деидеологизация экономики;
- сохранение роли государства как главного реформатора;
- во всех сферах жизни должен главенствовать закон;
- должна реализовываться сильная социальная политика;
- эволюционный путь перехода к рыночной экономике без "революционных скачков", "шоковой терапии", без ущерба для уровня жизни народа.[4]

Видимо, настало время осмысления пройденного пути реформирования экономики Узбекистана, на основе собственной национальной модели реформ, известной в мире как "узбекская модель перехода к основам рыночных отношений". Эта модель учитывает наряду с мировым опытом в области рыночной трансформации национальных хозяйственных систем также национальные особенности и интересы, целевую ориентацию построения демократического правового государства на основе исторических условий, реального состояния социально-экономической и политической сферы, традиций, обычаев и уклада жизни.

Для различных групп государств возникают совершенно разные задачи при переходных процессах. Это связано с тем, что в некоторых из них существовали конкурентные рынки и для таких стран актуальными были вопросы рыночной модернизации, в то время как для других, прежде всего постсоциалистических, на первый план выдвигаются вопросы осуществления перехода от командно-административного управления и централизованного планирования к рыночным отношениям в условиях преодоления кризисного состояния экономики.

Централизованно-плановая и рыночная экономики - это две целостные, внутренне логичные и поэтому совершенно несовместимые хозяйственные системы. В силу этого невозможно быстро, одномоментно трансформировать плановую экономику в рыночную.

Переход от централизованно-планового и командно-административного управления к рыночному регулированию и рыночной экономике - это не модернизация или совершенствование существующего хозяйственного механизма, а создание принципиально нового, переход из одного качественного состояния в другое.

Конкретное своеобразие процесса рыночной трансформации в Узбекистане было предопределено следующими социально-экономическими особенностями страны:

- сложной демографической ситуацией и низким жизненным уровнем населения, особенно в сельской местности;
- преимущественно сырьевой ориентацией структуры экономики;
- несовершенством структуры внешнеэкономических связей;
- недостаточными экономическими возможностями проведения макроэкономической политики (ограничители возможностей контроля над величиной доходов населения, ценами и денежным обращением, во многом еще несовершенная бюджетная и налоговая политика и др.);
- сохранением монопольного положения крупных предприятий в производстве основных видов продукции, отсутствием достаточного количества субъектов рыночных отношений;
- ухудшением экологической обстановки в отдельных регионах республики;
- неразвитостью рыночной инфраструктуры и недостаточной экономико-правовой подготовкой населения.

- Выбранная Узбекистаном модель перехода от административно-командной, централизованно-плановой системы к социально ориентированной рыночной экономике основана на следующих общих методологических подходах и принципах:
- формирование государством организованных конкурентных рынков;
- коммерциализация хозяйственной деятельности, осуществляемая в ходе трансформации монопольных структур в организованные конкурентные рынки;
- использование рыночных структур и технических преобразований как взаимосвязанных элементов модернизации национальной экономики;
- проведение приватизации как средства обеспечения конкуренции и формирования системы хозяйственной мотивации (а не конечной цели рыночных реформ);
- проведение реформ с целью улучшения экономического положения каждого человека.

Таким образом, модель экономических реформ в Узбекистане предлагает коренное преобразование экономической системы путем создания организованной рыночной конкуренции при обеспечении относительно безболезненного характера этого перехода. Такой путь пока не имеет аналогов в мировой практике.

Создание благоприятных для экономического развития макроэкономических условий в Узбекистане осуществляется путем комбинации экономических (стабилизационные программы, демонополизация, конверсия, реформа собственности, земельная реформа) и политических мер, демократических реформ, разрушения административно-командных структур управления и формирования новых институтов контроля за экономикой.

Подведя итог, можно сделать вывод, что формирование национальной модели экономических реформ в Узбекистане опирается на следующие важнейшие принципиальные положения:

- социальная ориентация на достижение конечного результата, обеспечивающего рост благосостояния людей.

-взаимоувязанное решение проблем стабилизации экономики, макроэкономического роста и оптимальной занятости трудоспособного населения.

-экономическое регулирование на основе использования рыночного механизма, обеспечивающего (на основе действия законов стоимости, спроса и предложения) ориентацию поведения всех хозяйствующих субъектов на поиск путей достижения наибольшей эффективности производства.

-отход от прямого государственного управления производством, предоставление свободы самим товаропроизводителям определять, исходя из экономической целесообразности, виды деятельности, объем и номенклатуру производимой продукции, круг производственно-хозяйственных связей.

-сохранение активной роли государства в выборе приоритетов инвестиционной политики и привлечении иностранного капитала, в регулировании экономики посредством введения "рамочных условий", использования экономических рычагов и стимулов, обеспечения надежных социальных гарантий.

Проведение сильной социальной политики на всех этапах формирования рыночных отношений, направленной, в первую очередь, на защиту социально уязвимых слоев населения - детей, пенсионеров, инвалидов, учащейся молодежи и др.

Годы независимости подтвердили правдивость и мудрость стратегических принципов реализации собственной «узбекской модели» развития, разработанных Первым Президентом Узбекистана И.А. Каримовым. «Эти принципы являются прочным фундаментом дальнейшего обеспечения политических, экономических и социальных преобразований в Узбекистане». [1]

Нельзя упускать из виду процессы мирового характера, которые могли оказать влияние на развитие нашей страны. Так, мировой финансово – экономический кризис 2008 года породил немало вопросов не только для экономической практики, но и теории.

Принятая Антикризисная программа (2009-2014 годы) позволила реализовать более 300 крупных инвестиционных проектов на сумму 24,5 млрд долл. США.[7].Узбекистан – одно из немногих государств, сумевшие за годы мирового кризиса сохранить набранные в прошлом высокие темпы экономического роста, не допустить спада производства (2008 год- темпы роста ВВП составили 9%, 2009 год – 8,1%, 2010г.- 8,5%, 2011год – 8,3%).[5]

Правильность выбранного курса находит своё подтверждение в стабильности экономического развития страны. Так, за последние 10 лет Узбекистан почти вдвое увеличил ВВП, среднегодовые темпы роста ВВП составили около 8,0%; причем, согласно FocusEconomics Узбекистан занял 7-е место среди 127 стран по темпам роста ВВП в 2016 году(7,8%), а по рейтингу DoingBusiness Узбекистан переместился в 2016 году на 87 –е место с 150 –го в 2011 году.

По версии аналитиков Всемирного банка, Узбекистан вошел в топ 10 государств мира, осуществляющих важные реформы в сфере предпринимательской деятельности.[8]

Новый импульс дальнейшему государственному и общественному развитию страны явилось принятие Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы (Указ Президента РУ от 7 февраля 2017 года № УП- 4947). На сегодняшний день во исполнение Стратегии действий принято 15 законов, свыше 700 нормативно-правовых актов. В рамках региональных программ социально-экономического развития реализовано 13 339 проектов, освоены кредиты на 2,1 трлн. сумов, созданы 10 СЭЗ, 5 малых промышленных зон; утверждены 22 «дорожные карты» в торгово-экономически, инвестиционных, технологических и финансово-технических сферах с ЕС и 21 зарубежной страной.[6]

Исходя из вышеизложенного, необходимо отметить следующее:

- принятие государственной независимости в Узбекистане (1991году) - основа формирования национальной экономики страны;
- И.А. Каримов разработал и претворил в жизнь 5 основных принципов « узбекской модели» рыночной экономики;
- при разработки «узбекской модели» рыночной экономики было осуществлено глубокое изучение мирового опыта и особенностей экономического, политического и духовного развития общества;
- « узбекская модель» показала правоту стратегического курса нашего государства на формирование социально-ориентированной рыночной экономики, где не малую роль сыграл Первый Президент РУ И.А.Каримов;
- углубление, реформирование экономики находит своё проявление в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, 5 основных направлений дают возможность определить перспективы государственного и общественного развития страны.

Литература

1. Доклад Президента РУ Ш.Мирзиёева на расширенном заседании Кабмина, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим направлениям экономической программы на 2017 год.- Правда Востока, 16 января 2017.
2. Каримов И.А. Узбекистан на пороге достижения независимости.Т., Узбекистан, 2011,306с.
3. Каримов И.А. Наша главная цель – решительно следовать по пути широкомасштабных реформ и модернизации страны. – Народное слово, 23 января 2013г.
4. Каримов И.А. Собственная модель перехода на рыночные отношения. Т., Узбекистан, 1993,116с.
5. «Рынок, деньги и кредит» № 3,2011,27с.

6. Распоряжение Президента РУ «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития РУ в 2017-2021 годах». - Народное слово, 16 августа 2017.
7. «Экономический вестник Узбекистана» №3, 2009,98с.
8. Экономика Узбекистана в цифрах за 2016 год.- «Экономическое обозрение» №3, 2017,с.33,38.

ИСЛОМ КАРИМОВ – МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БИРИНЧИ ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОНИ

Хўжамқулов У.Н.-ТМИ фил.ф.н., доцент

Мамлакатнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаётини таъминлаш, урушлар ва қуролли можароларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир давлат ўзининг мудофаа тизимини яратади. Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларида – 1991 йил 6 сентябрда ўзининг Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил қилди. 1992 йил 14 январда собиқ иттифоқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисмлари ва бўлинмаларини республика тасарруфига ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қабул қилди ва ушбу тарихий қарор қабул қилинган сана мамлакатмизда миллий байрам – “Ватан ҳимоячилари куни” сифатида нишонланади. Шу тариқа босқичма-босқич “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган Чегара қўшинлари бўлинмалари ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кимёвий ҳарбий қисмлар ҳақида”ги Фармонлари билан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган мазкур турлардаги қўшинлар республика тасарруфига олинди ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилди. Бу йиллар республикамизнинг қуролли кучларини барпо этишнинг ташкилий даври бўлиб, унда тизимни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва дастлабки таркибий тузилиши белгилаб олинди.

Кейинги босқичларда биринчи Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон қуролли кучларининг Олий Бош Қўмондони сифатида тизимда сифат масаласига эътибор қаратди. Биринчидан, миллий армиямизнинг таркибий тузилмаси ихчамлаштирилди, миллий шароитларимизга мос, ихчам ва тактик жиҳатдан пухта тайёргарликка эга ва тезкор бўлинмалар ташкил қилинди. Иккинчидан, ҳарбий хизматчи ва аскарларнинг таркибини сифат жиҳатдан яхшилашга ҳаракат қилинди. Эндиликда, ҳарбий хизматчиларнинг нафақат жисмонан соғлом ва бақувват бўлишларига, балки уларнинг интеллекти ва маънавий жиҳатлари ҳам баркамол бўлишига эътибор қаратилмоқда. Учинчидан, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар, олий ҳарбий таълим муассасаларнинг моддий-техника базаси ва у ердаги ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар яхшиланди. Тўртинчидан, мамлакатимизнинг геостратегик ва геосиёсий ўрнини инобатга олган ҳолда халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессияга қарши курашувчи махсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар тузилди. Буларнинг ҳаммаси қуролли кучлар тизимини замонавий талабларга мослаштириш, тизимда таркиб ва сифат ўзгаришларини амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бўлиб, унинг натижасида миллий армиямизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи мустаҳкамланди. Хусусан, 2015 йилнинг сентябрида Global Firepower экспертларининг берган маълумотига кўра Ўзбекистон армияси дунё армиялари орасида 54-ўринни эгаллаб, Ўрта Осиёда энг қудратли армия номини олди.

Бу йиллар давомида муддатли ҳарбий хизмат ўташ шартлари ҳам жиддий равишда ўзгартирилди. 2003 йилда унинг муддати 18 ойдан 12 ойгача қисқартирилган бўлса, 2008 йилдан эса ҳарбий хизматга чақириш йилига бир маротаба амалга ошириладиган бўлди.

Бугун муддатли ҳарбий хизматни ўташ йигитларимиз учун шарафли бурч саналади. Ҳарбий хизматга бориш истагида бўлган ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, жисмоний ва руҳий тайёргарлиги жиддий синовдан ўтказилган ҳолда, энг муносиб номзодлар миллий армиямиз сафига қабул қилинмоқда. Миллий армиямиз – миллий таянчимиздир. Унинг аввало ташкил топиши, кейинчалик таркиб ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши биринчи Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғликдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ – КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА И.А.КАРИМОВНИНГ ЮКСАК ҲИССАСИ

Ядгаров Т.Г.-ТДМРХОМ физ-м.ф.н., доцент

Мамлакатимизда ахборот-коммуникацион технологияларини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг юксак ҳиссалари ниҳоятда долзарб масалага айланган. Бу ҳақда жуда кўплаб инсонлар малакаси янада кескин даражада ошган десак хато бўлмайди. Назаримизда, мазкур масала бўйича жуда кўп қарорлар чиққан ва улар алоҳида ўрин тутади. Негаки, бизнинг келажагимизга ахборот – коммуникацион технологиялари ривожланиши ва ошириш борасида қимматли фикрлар билдирилган.

Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қуйидагиларни келтириш мумкин.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли фармони ижро этиш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунларини изчил амалга ошириш.

2. 2010 йилгача телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, маълумотларни узатиш ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг мақсадли йўналишлари;

3. 2010 йилгача маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш дастури.

Юқоридагиларни инобатга олганда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистонда миллий ахборот-қидирув тизимини шакллантириш ва ривожлантириш йўлида катта хисса қўшган.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримовнинг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашига ўз мурожаатларини мажлисларда ушбу қарор билан тасдиқланган мақсадли йўналишлар ва Дастурлар бажарилишини мунтазам равишда муҳокама этиб борганлар.

Яна булардан ташқари қуйидагиларни келтириш мумкин.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда, тасдиқланган мақсадли йўналишлар ва дастурий тадбирлардан келиб чиққан ҳолда, ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат айланмасини қўллаш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларни муттасил янгилаб бориш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқсин ҳамда уларни тасдиқлаш учун компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича ҳам Мувофиқлаштирувчи Кенгашга барча маълумотларни киритганлар.

Айни вақтда жамиятимизда ахборот-коммуникацион технологияларини қўллаш ва маданиятини ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур.

Яна қуйидагиларни мисол келтиришимиз мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Ахборот коммуникация

технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар яратишга ҳам жуда кенг имкониятлар яратилган.

Ўзбекистон республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг ишончли кўрсаткичларини тизимли тўплаш ва шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш самарадорлигини рейтингли баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолаш тизими 2014 йил 1 январдан бошлаб жорий этилсин.

2. давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолашни амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар йили 20 июнгача Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мувофиқ рўйхат бўйича индикаторларни қўллаган ҳолда аниқланадиган Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолати кўрсаткичлари тақдим этилсин.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 27-сон, 189-модда; 2013 й., 45-сон, 584-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2-сон, 17-модда, 28-сон, 341-модда; 2015 й., 13-сон, 155-модда, 26-сон, 338-модда; 2016 й., 23-сон, 269-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 октябрдаги ПФ-4578-сонли фармони таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 45-сон, 584-модда.

К ВОПРОСУ ОБ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ И ЭКООБРАЗОВАНИЯ В РАБОТАХ ПЕРВОГО ПРЕЗИДЕНТА УЗБЕКИСТАНА И.А. КАРИМОВА

Аскарходжаева К.У.-НИХД им.К.Бехзода к.б.н., доцент

В современных условиях перед человечеством встает задача жизненной важности: сделать все возможное для сохранения окружающей природной среды, предотвращения экологических катастроф.

Заявлении о целях и задачах Социально-экологического союза, принятом Шестой конференцией СоЭС [2] очень четко охарактеризовано настоящее состояние Человечества, достигшего в своем развитии уровня перехода количества в качество. Однако мы не можем не понимать, что как бы ни были строги законы и постановления, они не решат проблем.

Стратегия первого Президента Узбекистана И.А. Каримова ориентировал на неукоснительное выполнение приоритета экологических закономерностей во всех видах деятельности каждого экологически грамотного управленца. «Сегодня, – указывал он, – … все большую актуальность приобретают проблемы экологической безопасности, регулирования взаимоотношений человека с природой.

Ее решение затрагивает интересы всех народов, от нее во многом зависит настоящее и будущее цивилизации» [4. С. 22]. Для этого следует знать, уметь, осознавать,

чувствовать и так действовать, чтобы обеспечивать установление оптимальных отношений человека и общества к природе.

Мировое сообщество объединяет усилия для развития и совершенствования экологического образования, и, конечно, в первую очередь – подрастающего поколения. Отсюда и выдвинутая правительством задача достижения экологической грамотности населения страны: все звенья системы образования должны принимать участие в осуществлении экологического всеобуча.

Экологическое образование на современном этапе выступает в качестве одного из важнейших факторов общественного прогресса, здорового образа жизни. «Проблема экологической безопасности, - подчеркивал первый Президент РУз И.А. Каримов в своем выступлении исполнительного совета ЮНЕСКО, - давно вышла за рамки национальной и региональной, она стала глобальной проблемой человечества…» [2,6. С. 20]

Экологическое образование способствует социализации личности, приобщению ее к мировым экологическим ценностям, достижениям науки, техники и культуры, ускоряет процесс развития человека как здорового субъекта и индивидуальности, содействует формированию у подрастающего поколения духовности и мировоззрения, привитию общечеловеческих моральных принципов и выработке ценностных экологических ориентаций.

Проблема экологического образования общества приобретает все большее значение на фоне глобального кризиса цивилизации. Идеи, заложенные в трудах первого Президента Узбекистана, анализ источников трудов ученых, позволяют сделать вывод, что экологическое воспитание ориентирует человека на бережное отношение к природе. Её осуществление в каждой стране должна учитывать пространственные, территориальные и специфические особенности развития отдельных регионов.

Ступеньчатая и сквозная структура экологического образования в Узбекистане, её содержание, цели и методы созвучны принципам развития современности. Требования, к экологическому образованию поставили перед наукой и практикой ряд важных проблем, от правильного решения которых, зависят не только здоровый образ жизни и судьба молодого поколения, но и его творческая деятельность в процессе получения экологических знаний, наиболее полная реализация заложенного в них гуманистического начала и, в конечном счете, эффективность национальной экономики РУз

«Наша главная цель, – указывал И.А. Каримов, – воспитать подрастающее поколение физически и духовно совершенным. ...Конечно, мы можем строить крупные города и поселки, современные предприятия, красивые и величественные здания, но мы не достигнем поставленных задач, не воспитав всесторонне развитое поколение…» [5. С. 41].

Осуществлять экологическое образование в будущем придется новому, молодому поколению, поэтому главная ответственность за решение этой задачи ложится на тех, кто занимается воспитанием, формированием личности юных граждан страны.

Подчеркивая важность воспитательного процесса в развитии государства, Ислам Каримов указывал: «Для того чтобы быть воспитателем и наставником, формировать сознание других, передавать знания, растить молодежь настоящими патриотами, настоящими гражданами, необходимо прежде всего, чтобы сам воспитатель отвечал этим высоким требованиям, обладал такими замечательными качествами» [1. С. 108].

Проблема экологического образования общества приобретает все большее значение. Основное средство его формирования – целенаправленная система в процессе творческой деятельности ступенчато, и осуществляется уже в учреждениях дополнительного образования, т.е. внешкольных учреждениях. Таким образом, в экологическом воспитании и образовании целесообразно широко использовать различные методы обучения.

Педагогу-экологу следует не только хорошо знать свой предмет, но и уметь сделать эковоспитание достоянием своих слушателей. Это и есть следование основным

заветам, принятым стратегиям первого Президента Узбекистана об эковоспитании, экообразовании и экологической культуре подрастающего поколения.

Литература

1. Каримов И.А. Правовая гарантия нашего великого будущего. Доклад на торжественном собрании по случаю первой годовщины Конституции Республики Узбекистан 7 декабря 1993 г. // Каримов И. Наша цель: свободная и процветающая Родина. Ташкент: Узбекистон, 1996. Т. 2. С. 91-109.
2. Каримов И.А. Избранный нами путь – это путь демократического развития и сотрудничества с прогрессивным миром. Ташкент: Узбекистон, 2003. Т. 11. С. 111, 115.
3. Каримов И.А. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой воли нашего народа. Ташкент: Узбекистон, 2003. Т. 12. С. 100-102, 104, 108, 120, 121.
4. Каримов И,А. Высококвалифицированные специалисты – стимул прогресса. Речь на открытии Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан 3 октября 1995 г. // Каримов И. По пути созидания. Ташкент: Узбекистон, 1996. С. 39-56.
5. Каримов И.А. «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса» - Ташкент.: «Узбекистон», 1997.- 151 с.
6. Аскарходжаев Н.А., Аскарходжаева К.У. «Экология и охрана природы». Учебное пособие для студентов - Ташкент: ТДПУ, 2011.155с

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎРНИ

Джураев А.А.-ТашДАУ ф.ф.н., доцент

Республикамизда амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар ижтимоий-иқтисодий муносабатларни модернизациялаш, замон талаблари ва эҳтиёжларига жавоб берувчи янги типдаги ҳуқуқ тизимини шакллантиришга йўналтирилган. Мамлакатда демократиянинг ривожланиши, тартиб ва қонунчиликнинг мустаҳкамланиши аввало жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ривожланганлик даражаси, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланиши, ўз мажбуриятларини виждонан бажариши ва фаолиятида қонунга асосланиши билан белгиланади. Айнан шу боис аҳоли, айниқса ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш вазифаси давлатимиз ва жамоатчиликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон демографик хусусиятига кўра ёшлар мамлакати ҳисобланади. Юртимизда истиқомат қиладиган жами аҳолининг 60 фоиздан зиёдини 24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Социологик тадқиқотларга кўра “Ўзбекистон ёшлар мамлакати. Чунки аҳоли сонининг 65 фоизини 30 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этади.”[1] Бу рақамлар юртимиз навқирон миллат сифатида катта интеллектуал имкониятларга эга эканини ҳам намоён этади. Ана шу боис ҳам мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов истиқлолнинг илк йилларидаёқ «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат» деган ғояни илгари сурди. Маълумки, Ўзбекистон дунёдаги туғилиш даражаси юқори бўлган давлатлардан бири ҳисобланади. Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифасининг долзарблиги жамиятда янги авлоднинг пайдо бўлишига олиб келади. Ёшларнинг ҳар бир янги авлоди олдинги авлодлар тажрибасини ўрганиб, янги ижтимоий муносабатларни англаш, уларга мослашиш ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчларини шакллантиришнинг янги усул, шакл ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида демократик фуқаролик жамияти қуриш омилларидан бири ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдир. Айни чоғда бугунги ёшлар келажакда мамлакатимизни замонавийлаштиришда, демократик қадриятларнинг қарор

[1] А.Саидов. Халқаро тамойил эътирофи // “Ёш куч”, 2012, 10 сон, 29 бет.

топишида, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларни бошқариб, эркин, фаровон ва юксак маданиятли жамиятни барпо этишда катта кучга айланадилар. Шу ўринда Биринчи Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини эслаш жоиз: « … биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди»[1].

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан 1997 йилда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» тадқиқотчиларнинг ҳуқуқий маданиятни ўрганишга бўлган қизиқишини янада орттирди. Ҳатто уни махсус фан даражасида ўрганишга қаратилган дарсликлар ҳам пайдо бўлди. Бироқ, ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчларининг илмий-методологик, гносеологик, онтологик ва бошқа хусусиятларини ўрганиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса унинг фуқаролик жамияти қуриш жараёнида миллий белгилар билан боғлиқ хусусиятларини аниқлаш янги тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади.

Ёшларнинг ҳуқуқ онги ва маданиятини тадқиқ этиш зарурати, бир томондан, тинмай ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, демократик ислоҳотлар, мамлакатни замонавийлаштириш эҳтиёжлари жамият олдига янгидан-янги муаммолар қўяётгани, иккинчи томондан, ёшлар онгида, дунёқарашида, ҳаёт тарзида жамиятдаги ўзгаришларга мувофиқ ўзгаришлар содир бўлаётгани билан боғлиқ. Жамият ва шахсда содир бўлаётган ушбу ўзгаришларни тинмай кузатиб, ўрганиб, уларни ижтимоий манфаатларга мос келадиган томонга йўналтириб бориш учун зарур дастурлар, чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш эса илм-фаннинг вазифасидир.

Бугунги ёшлар эртага у ёки бу соҳадаги етакчи мутахассисга ҳамда у ёки бу гуруҳларни ўз атрофида бирлаштирган раҳбар ходимга айланади. Шу боис мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар тақдири уларга, уларнинг онги, билими, эътиқоди ва амал қиладиган ҳуқуқий, ахлоқий нормаларига бевосита боғлиқдир.

O’ZBEKISTON BIRINCHI PREZIDENTI I.A. KARIMOVNING HOZIRGI DAVRNING DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI BORASIDAGI MULOHAZALARI

Sobirova S.T.-TTYMI katta oqituvchi

XX asrning ikkinchi yarmida insoniyat oldida juda ko’p va murakkab muammolar vujudga keldi, ularning asosiy qismi ta’sir doirasining miqyosi va ahamiyatiga ko’ra global muammolar nomini oldi. Butun dunyoni qamrab olgan, insoniyatning bugungi kuni va kelajagiga xavf soluvchi, yechimini topishda barcha davlatlar va xalqlarning hamjihatlik bilan birgalikda harakatini talab qiluvchi muammolar global muammolar deb ataladi.Masalaning keskinligi va dolzarblidini biz tabiayatda sodir bolayotgan inqirozlarda, siyosiy tofonlarda, iqtisodiy-ijtimoiy inqirozlarda, demografik, energetik, xom-ashyo muammolarida, urush va tinchlik hamda ekologik muommolarda korishimiz mumkin. Albatta, ushbu muammolar ilgari ham mavjud edi, lekin ularning keskinligi va ziddiyatliligi, butun insoniyat va unind xayotiga xavf solmayotgan edi. Shuning uchun O’zbekiston Birinchi Prezidenti I.A. Karimov BMT Mingyillik rivojlanish maqsadlariga bag’ishlangan Sammiti yalpi majlisidagi nutqida butun dunyo hamjamiyati etiborini ushbu muammolarga qaratdi.Ayniqsa,keyingi yillarda sodir bolgan siyosiy-mafkuraviy taziqlar davomida yaqin qoshnichilik munosabatlarida bolgan xalqlar ortasida ham adovat urug’larini sepayotganliginii BMTning Ming yillik-rivojlanish deklaratsiyasida quyidagicha ifodalaydi:

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 77.

“2010 yilning iyunida Qirg’izistonda ro’y bergan fojiali voqealar Markaziy Osiyo mintaqasidagi vaziyatni izdan chiqarishga jiddiy xavf solmoqda. Shu yilning aprelida obro’-etiborini yo’qotgan prizident hokimiyatining ag’darilishi, yuzaga kelgan keskinlik va qarama-qarshiliklar, shuningdek, mamlakatda qonuniy hokimiyatning zaifligi Qirg’iziston janubida millatlararo qonli va shavqatsiz voqealar yuzaga kelishiga sabab bo’ldi. Buning natijasida yuzlab begunox odamlar qurbon bo’ldi, minglab tinch aholi jabr ko’rdi. O’z hududimizda yuz mingdan ortiq qochqinlar, bolalar, xotin-qizlar, qariyalarni qa’bul qilish, ularni joylashtirish va barcha zarur narsalar bilan ta’minlash juda katta kuch, mehnat va resurslarni talab qildi. Ayni paytda o’ta shavqatsiz zo’ravonlikning avj olishiga yo’l qo’ymaslik, chegara hududida osoyishtalikni saqlash, favqulodda oqibatlarga olib kelishi mumkin bo’lgan qahru g’azabni jilovlash, ekstremizmning shiddatli tus olishining oldini olish zarur edi. Faqat aql-idrok, oddiy haqiqatni, ya’ni ushbu zaminda ko’p asrlar davomida o’zbeklar va qirg’izlar yonma-yon yashab kelgani va bundan buyon ham ularning farzandlari hamda avlodlari ko’p asrlar mobaynida birga yashashini teran anglash bizga va xalqimizga mazkur fojianing Markaziy Osiyoda qarama-qarshiliklarning yangi, keng ko’lamli o’chog’iga aylanib ketishining oldini olishda muhim omil bo’ldi” [1].

Ming yillik-rivojlanish deklaratsiyasida boshqa globall muammolar haqida ham fikrlar bildirilgan bo’lib hususan, ijtimoiy rivojlanishidagi notekislik, mustamlakachilik, shuningdek, dunyo boyliklarini iste'mol qilishi va taqsimlashdagi adolatsizlik shunga olib keldiki, boy va kambag'al mamlakatlar paydo bo'ldi. Bu hol sobiq mustamlaka va rivojlanayotgan mamlakatlarning qoloqligi va shu bilan bog'liq bo'lgan ochlik, savodsizlik kabi global muammolarni tug'dirdiki, bu o'z navbatida insoniyat oldiga ana shu uzilishni yo'qotishga qaratilgan yangi tartibni yaratishdan iborat global muammoni qo'yadi. Masalan, gigant GESlarning qurilishi o'z navbatida ana shu regionning, iqlim sharoitiga, yon atrofdagi shahar va qishloqlarda xalq xo'jaligining ko'pgina tarmoqlariga salbiy ta'sir o'tkazishi mumkin (masalan, mavjud suv havzalarining sathini pasayishi, ekin maydonlarining qisqarishi, mavjud maydonlarning sho'rlanishi va ishdan chiqishiga olib kelishi mumkin). Bu holat O’zbekiston sharoitini ham chetlab o’tmadi. Bu borada Prizedentimiz o’z e’tiborini qaratib shunday deydi: “Bugun Orolbo’yida nafaqat ekologik, balki dunyo miqyosida og’ir oqibatlarga olib kelishi mumkin bo’lgan murakkab ijtimoiy-iqtisodiy va domografik muammolar paydo bo’ldi. BMT bosh kotibi janob PAN GI MUN shu yil Orolbo’yiga tashrifi chog’ida bunga ishonch hosil qildi. Orol dengizining qurishi davom etayotgani va uning atrofida gumanitar falokat sodir bo’layotgani sababli Orolbo’yining tabiiy biologik fondini asrab- avaylash, Orol inqirozining atrof-muhitga, eng muhimi, bu yerda istiqomat qilayotgan yuz minglab va millionlab odamlar hayotiga halokatli ta’sirini kamaytirish bugungi kundagi eng muhim vazifa hisoblanadi. Ko’plab xalqoro ekologiya tashkilotlari va nufuzli ekspertlar tavsiya qilayotganidek, Orolbo’yiga quyiladigan daryolar Amudaryo va Sirdaryolardan samarali miqdordagi energetika quvvatlarini olish uchun nisbatan havfsiz, ammo ancha tejamkor kichik GESlar qurilishiga o’tish oqilona yo’l bo’lur edi. Qurib borayotgan Orol muammosi- bu shu mintaqada yashayotgan BMTdek nufuzli tashkilotga umid bilan yordam so’rab murojaat qilayotgan millonlab odamlarning muammosidir” [2].

Dunyoning mafkuraviy va ma’naviy manzarasiga teran nigoh solgan yurtboshimiz, har bir muammoga chuqur yondoshgan holda takidlagandek:

"Bugungi murakkab mafkuraviy jarayonlarni ilmiy-amaliy jihatdan atroflicha tahlil qilish va baholash ,ularning ustuvor yonalishlarini kimga va nimaga qarshi qaratilganligini aniqlash, aholi turli qatlamlariga ta’sirini organish,milliy manfaatlarimizga ,xayot tarzimizga zid bolgan mafkuraviy hurujlarninig mohiyatini ochib berish,fuqarolarimiz qalbida milliy tafakkur va soglom dunyiqarash asoslarini mustahkamlash aloxida ahamiyat kasb etadi. ” [3].

Bu muommolarni hal etishda Birinchi Prizedentimi I.A.Karimov global ongni shakillantirish lozimligi, jamiyatdagi kisilarning manaviy-axloqiy savyasini yuksaltirish evaziga erishish mumkin deb hisoblagan.

Globall muammolarni yechimini topish, umuminsoniy madaniyat va ma’naviyatni, umuminsoniy axloq tamoyillariga ogishmay amal qilishni, oshkoralikni, hamjihatlikni, inson

aqlu- idrokini ezgu maqsadlarga yo'naltirishni, shu asosda inson bilan tabiat o'rtasidagi uyg'unlikni ta'minlashga erishishni taqozo etadi.

Hozirgi zamon sivilizasiyasiga xos bolgan asosiy belgilar-globallashuv, integrasiya jarayonlarining kopayishi, insonparvarlik hamda ijtimoiy taraqqiyotning etakchi tamoyiliga aylanishi, inson erki, huquqlarining eng oliy qadriyat sifatida etilishiga olib keldi.

Birinchi Prizedentimi I. A. Karimov o'zining "Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch" nomli asarida qayd etganidek: "Dunyodagi zo'rovon va tajovuzkor kuchlar qaysi bir xalq yoki mamlakatni o'ziga tobe qilib,boysindirmoqchi,uning boyliklarini egallamoqchi egallamoqchi bo'lsa, avvalambor, uni qurolsizlantirishga,y'ani eng buyuk boyligi bo'lmish milliy qadriyatlari, tarixi va ma'naviyatidan judo qilishga urinadi" [4].

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. BMT Mingyilik rivojlanish maqsadlariga bag'ishlangan Sammiti yalpi majlisidagi nutqi // "Xalq so'zi".- 2010.- 22.09.-2 b.
2. Karimov I.A. BMT Mingyilik rivojlanish maqsadlariga bag'ishlangan Sammiti yalpi majlisidagi nutqi // "Xalq so'zi".- 2010.- 22.09.-2 b.
3. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat engimas kuch. T., "Ma'naviyat" 2011. 126-127, 11 betlar.

IMPROVING SYSTEM OF LEARNING FOREIGN LANGUAGES DURING THE YEARS OF LEADERSHIP OF ISLAM KARIMOV

Abirova G.R., Sidikova F.Kh. - Senior teacher, senior teacher of Tashkent Branch of "Russian Economic University after G.V. Plekhanov"

With the announcement of independence of the Republic of Uzbekistan there opened a way to national revival and integration into world community, economic, social and other transformations. On this path, we are striving for a noble task which is to give young people deep and profound knowledge, grow up a generation with strong civic position and high intellectual potential and modern professions. And in order to achieve it there accepted all-round strategy by the First President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov which is embodied in historical documents - Law "On Education", National Program for Training of Personnel and State National Program for Development of School Education.

And today all of us are witnesses that National Program for training of personnel, adopted in 1997 and State National Program for Development of School Education, approved in 2004, wide-scale work carried out in this sphere has radically changed not only education and upbringing system, but also life of our whole society.

A logical continuation of measures to train specialists of new formation was the adoption of Decree "On measures to further improving system of learning foreign languages" on December 10, 2012, which allowed raising teaching of these disciplines to a new level in educational institutions of the republic.

On the basis of Resolution of the First President of the Republic of Uzbekistan in secondary schools, system of teaching foreign languages has radically changed. In this area, large-scale reforms are being implemented.

In all schools, lyceums, colleges and universities of the country there introduced a course of learning English as a compulsory subject. In addition, in such educational institutions as Uzbek State University of World Languages, Tashkent State Oriental Studies, University of World Economy and Diplomacy and other universities of the Republic of Uzbekistan a thorough course of learning this language is conducted.

All conditions for comprehensive studying English have been created in the Republic. Each library has free access to a variety of textbooks, manuals, dictionaries and other English literature. In each city of the country there are specialized centers for studying this language.

According to the Decree of the First President of the Republic of Uzbekistan "On Measures for Further Improving Foreign Language Learning System" of December 10, 2012 and the Decree of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On Approval of State

Educational Standard on Foreign Languages of Continuing Education System" dated May 8, 2013 there implemented State educational standard of a system of continuing education in learning foreign languages, in particular, English. [1]

Teaching staff of educational institutions has been regularly improving knowledge and methods of training in professional development centers. Besides, in cooperation with the Ministry of Public Education, Ministry of Higher and Secondary Specialized Education and British Council in Uzbekistan, various seminars, trainings, forums and conferences are held to improve quality of teaching, introduction of modern teaching methods and modernized programs in accordance with the latest world standards.

A Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On additional measures on improving qualification and professional skills of teachers of foreign languages of general education institutions" dated March 25, 2015, was a big confirmation of this issue. According to this document, there introduced weekly courses of improving professional skills of teachers of foreign languages, and established periodicity of passing mandatory certification exam by teachers.[2]

With a strong material and technical base, various modern technologies and laboratory equipment, much in ensuring the quality and effectiveness of training will depend on a level of qualification and skill of teacher. Current dynamic development of science and production places a very great responsibility on teachers of higher educational institutions, requires them to work constantly on themselves, improve their professional skills. It is worth mentioning here that the Decree of the First President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov "On measures on further improving a system of retraining and improving the skills of leading and pedagogical staff of higher educational institutions" of June 12, 2015 that serves as a basis for the growth of scientific and pedagogical potential of university teachers. Teacher’s skills in many respects determine a level of knowledge and skills of students. Therefore, teacher should always continue improving his qualification.

In general, according to initiative of the President of Uzbekistan Islam Karimov great changes have been made in national personnel training. Actual problem of education system in the conditions of transition to market relations is quality and professionalism of trained personnel. Besides it is necessary to note the facts that one of priority direction of Strategy of Action of Development of Uzbekistan in 2017-2021 is development of education and science sphere. In it, one of the main tasks is "... to continue course of further improving the system of continuing education, improving accessibility of quality educational services, training highly qualified personnel in accordance with current needs of labor market." [3]

Therefore the main task is to educate a new generation of young professionals who are competent in advanced technique and technology, modern information system who master several foreign languages, which is one of the strategic tasks of the republic. There created a complex system of teaching foreign languages aimed at formation of harmoniously developed, highly educated, creatively thinking younger generation, contributing to further integration of the republic into world community through training of specialists who are fluent in foreign languages.

Thus, foreign language is becoming a necessary component both of education system, scientific contacts and guarantee of future success of scientific and professional work of graduate students and applicants. It is well known that spreading and studying foreign languages is one of the most important conditions for human progress. Languages are needed in order to gain knowledge and be able to use them in professional communication. And it is natural that program on foreign languages determines teaching foreign language as one of the main components of training scientific personnel of highest qualification of all spheres of science and technology with the purpose of ensuring innovative development of economy of the republic. It means that during the entire period of studying, students should learn foreign languages quite intensively and effectively.

References

1. Каримов И. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков». Газета «Народное слово» № 240, 11 декабря 2012 г.
2. Каримов И. Доклад, посвященный итогам социально-экономического развития в 2013г. и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы 2014г. Газета «Народное слово» № 13, 18 января 2014 г.
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» - Источник: http://press-service.uz/ru/news/5384/- Пресс-служба Президента Республики Узбекистан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Қорабоев Н. М.-ТерДУ катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, барча соҳалар қатори ўз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларини белгилаб олишни асосий вазифалар қаторига қўйди. Бу масалада миллий ғоя ва мафкуранинг стратегик аҳамияти муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Хавфсизлик, барқарорлик ва танлаган йўлдан оғишмаслик деган, ана шу оддий сўзлар замирида чуқур маъно-мазмун бор. Биз буни билиб олмоғимиз ва англаб етмоғимиз зарур. Хавфдан қандай холи бўлиш мумкин? Ривожланиш учун куч-мададни қаердан излаш лозим? Булар стратегик муаммолар бўлиб, ҳар қандай мустақил давлат, энг аввало, ана шу муаммоларга эътибор бериб келган ва бундан буён ҳам эътибор беражак”[1]- деган фикрлари бу стратегик вазифанинг қанчалик долзарб эканлигини исботлаб беради.

Халқаро терроризм ва экстремизм бизнинг шароитимизда қандай муаммоларни келтириб чиқармоқда ва булар нималарда намоён бўлмоқда. Бу ҳақда И.А.Каримовнинг бир қатор маъруза ва китобларида батафсил сўз юритилган жумладан “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Шу доирадаги илмий амалий тадқиқотларда, оммавий нашрларда фикр билдирилмоқда. Ушбу доирадаги муаммоларнинг ошиб бориши уларга қарши курашининг янги усул ваа воситаларидан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Аввал ҳам таъкидланганидек бу муаммолар миллий давлатчилигимизга, мавжуд конституцион тузумга қарши кишиларимизни гиж-гижлашда, одамларни, ўлдириш, портлатиш ва қўрқитиш асосида халифалик давлати тузиш каби ишларни амалга оширишда кўринмоқда. Шунингдек одамларни, айниқса ёш болалар ва аёлларни терактларга жалб қилиниши, инсон зотига бўлган ваҳшийликнинг ашаддий кўриниши бўлиб қолмоқда.

Барқарорлик ва хавфсизлик бир бутун тизимнинг муҳим элементлари бўлиб, уларни бир-бирларига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, хавфсизлик муаммоси мустақил давлатчиликнинг шаклланиши ва жамиятда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий манфаатларнинг қарор топиши билан бир вақтда вужудга келади. Чунки шу вақтдан бошлаб, барқарорлик, ривожланиш билан бир қаторда хавф-хатар, турли-туман таҳдидлар ҳам пайдо бўлиб, уларни ҳисобга олиш, уларга асосланиб, давлат стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «...хавфсизлик, барқарорлик ва танлаган йўлдан оғишмаслик деган ана шу оддий сўзлар замирида чуқур маъно-мазмун бор. Биз буни билиб олмоғимиз ва англаб етмоғимиз зарур. Хавфдан қандай холи бўлиш мумкин? Ривожланиш учун куч-мададни қаердан излаш лозим? Булар стратегик муаммолар бўлиб, ҳар қандай мустақил давлат, энг аввало ана шу муаммоларга эътибор бериб келган ва бундай буён ҳам эътибор беражак».[2]

Айниқса, бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади. Шу борада айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, аввалombор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш қийин эмас.[3]

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов қарашларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда дунёдаги ҳеч бир муаммони алоҳида бир давлатнинг саъй-ҳаракати билан ечиб бўлмайди. Жумладан, хавфсизлик муаммолари камида минтақа миқёсидаги ҳамкорликни тақозо қилади. Шу маънода нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг ўрнатилиши муҳим масалаларни ечишда баҳамжиҳат ҳаракат қилишга кенг йўл очади. Биз яшаб келаётган глобал дунёда эса бунга эҳтиёж янада ортди. Эндиликда нафақат давлат, балки бутун дунё хавфсизлигини таъминлаш зарурати туғилди. Инсоният тарихининг учинчи минг йиллигига кириб келган терроризм, диний экстремизм, наркомания ва наркобизнес каби глобал муаммолар билан яккама-якка курашиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам давлатлар турли халқаро ва минтақавий ташкилотларга бирлашиб бормоқда.

Хуллас, бугун жаҳон ҳамжамияти ўз тараққиётнинг ўта мураккаб ва масъулиятли даврни бошдан кечирмоқда. Глобаллашув шароитида, ақидапарастлик муаммолари ҳамда миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хавф-хатарга дуч келинаётгани боис, сифат жиҳатидан янги дунёвий тартиб шаклланмоқда. Шу маънода диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг ҳар бир халқ, ҳар бир минтақа ва жаҳон миқёсида муаммолар туғдирмоқда ҳамда уларнинг кўлами кенгайиб бормоқда. Бу эса ҳар бир халқ, минтақа халқлари ва дунё халқлари олдига қатор муаммоларни қўймоқда.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.3
2.Каримов И.А.Ўзбекистон буюк келажак сари - Т.,Ўзбекистон, 1998.- 421-б.
3.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

ЁШЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ - ВАТАНИМИЗ БУЮК КЕЛАЖАГИ ГАРОВИ

Абдулҳакимов С.-ТошДАУ катта ўқитувчиси

Баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг ўта муҳим бўғинидир. Бугун Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ёшлар масаласи бўйича олиб борган оқилона сиёсатига содиқ қолган ҳолда, Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ҳам ёшлар масаласи, уларнинг келажаги ва бахтли ҳаётини таъминлаш борасида қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан 2016 йил 15 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Ўзбекистонинг ҳар ёш йигит ва қизи менинг фарзандим”, “Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида”, “Фарзандларим маррани катта катта олинглар” дея, давлатимиз таянчи ва суянчи бўлган ёшларни интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш учун кенг имкониятлар эшиги очиб берди.

Ёш авлоднинг билим олиши, соғлом униб – ўсиши ҳамда уларни қўллаб – қувватлашни давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирди. Биринчи Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек: “Бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни

замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт – шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз".

Ёшларга бўлган бундай юксак эътибор, аввало, буюк шахснинг ўз халқига, она Ватанига бўлган буюк эҳтиромини, меҳр-муҳаббатини англатади. Юртимиз ёшларини ўз фарзандидек кўрган Йўлбошчи уларнинг ёруғ истиқболини, фаровонлигини эзгу мақсад деб биларди ва унинг амалга ошиши учун астойдил курашди. Ёшларни келажаги буюк давлат қуришда катта куч, таянч деб билган Ислом Каримов ёшларимиз салоҳияти, иқтидори жаҳондаги бошқа мамлакатлардаги тенгдошларидан кам эмаслигига уларни ишонтира олди.

Ислом Каримов моҳият – эътиборига кўра, мутлақо янги таълим – тарбия тизими – Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини яратиш ва уни амалга оширишда бевосита етакчилик қилди. Унинг раҳнамолигида "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури каби тарихий аҳамиятга эга ҳужжатларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши биз танлаган тараққиёт йўли тўғри ва хаққоноий эканлигини яққол исботлади.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес - мактаблардан бири "INSEAD" томонидан 2012-йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда 5-ўринни эгаллагани бежиз эмас, албатта. Жаҳон мамлакатлари ўртасидаги бундай натижа кўп нарсани англатади.

Шу ўринда яна бир фактни келтириб ўтиш ўринлидир. Дунё мамлакатлари ўртасида таълим – тарбия соҳасида ҳар йили сарфланаётган ҳаражатларни қиёслаб кўрайлик. Юртимизда бу рақам ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу YUNESKOнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтириши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан деярли 2 баробар кўп демакдир.

Юртимиздаги кўплаб болалар янгидан барпо этилган ва қайта таъминланган 10 мингга яқин мактабда 1 минг 556 та лицей ва коллежда, 70дан зиёд олий ўқув юртларида янги таълим асосида билим ҳамда тарбия олиб, замонавий касб-ҳунарларга эга бўлиб, ҳаётда муносиб ўрнини топди. Мамлакатимиз таълим моделининг самараси ҳамда рақобатбардошлигини халқаро майдонларда намоён этишмоқда.

Юртимиз ёшлари учун яратилган бундай кенг имкониятлар, таълим-тарбия борасидаги йўл-йўриқ ўз самарасини бериб келмоқда. Ахир, ёшларимиз халқаро фан олимпиадалари, мусиқа танловлари ва фестивалларида, спорт мусобақаларида қанчалар муваффақиятларга эришди. Уларнинг шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, Ўзбекистон номи, мадҳиямиз жаранглаганида қанчалар қувондик, фахрландик. Ана шундай дамларда беихтиёр Ислом Каримовнинг "ўзбек болалари ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмаслиги" тўғрисидаги таъкидлари айни вақтида айтилгани ва уларга қанчалар куч бағишлаганлигига амин бўлади ҳар бир инсон. Бугун уларнинг салоҳиятини бутун дунё мамлакатлари тан олаётганига барчамиз гувоҳмиз ва бехад ғурурланамиз.

Юртимизда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Инҳа университети, Россия давлат нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети филиаллари фаолият юритмоқда. Мустақиллик йилларида таълим тизимида қўлга киритилган улкан ижобий натижалар бевосита мамлакат раҳбарининг номи, фидоийлиги билан боғлиқ. Фарзандларимизга, яъни ёшларимизга яратилган бундай имконият ва муваффаққиятлар Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига фахр-ифтихор бағишлайди. Бугунги ёш авлод мустақиллик йилларида камол топган, ўз келажагини мамлакатимизнинг келажаги билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакилларидир.

Мухтасар қилиб айтганда, Ислом Каримов ёшларга доим “Сизлар мани сунячим, таянчим. Президент сизларга айтяпди. Қўрқманглар! Маррани катта олинглар” дея меҳр билдириб, ғамхўрлик қилди. Ёшларимизни турли соҳаларда эришган, қўлга киритган ютуқлари ушбу сўзларнинг натижаси десак муболаға бўлмайди.

ИСЛОМ КАРИМОВ - ИСТИҚЛОЛИМИЗ МЕЪМОРИ

Сатвалдиев А.-АнМИ катта ўқитувчиси

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1989 йил 23 июндан Ўзбекистон Республикаси (Коммунистик Партиясининг Биринчи секретари сифатида) етакчиси вазифасига киришди. Бу инсон ўз вақтида Ўрта осиё политехника институтини ва Тошкент халқ хўжалик институтини имтиёзли натижалар билан тамомлаб, муҳандис-механик ва иқтисодчи иҳтисосларига эга бўлганига қарамай, тарих учун жуда қисқа давр ҳисобланган чорак асрдан зиёдроқ вақт мобайнида юртимиз ҳаётининг барча жабҳаларида салмоқли ижобий ўзгаришларни амалга оширди.

Собиқ Иттифоқ ҳокимияти даврида иқтисодиётнинг асоси пахта хомашёсини етиштириш тармоғидан иборат бўлган. 1990 йилда иттифоқ тузуми парчаланиши натижасида савдо ва ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлик алоқалари кескин сусайди. Илгари тўла қувват билан ишлаган барча соҳада корхоналар фаолияти пастлаб, ишсизлик кескин ортди. Республиканинг атиги икки ҳафталик ғалла заҳираси қолганди. Шу вақтда собиқ Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган пухта стратегия асосида мамлакат пароқандалигининг олди олиниб, миллионлаб гектар ер майдонлари аҳолига томорқа хўжалигида фойдаланиш учун берилди. Бу энг оқилона қарор бўлиб, пировардида кишилар яшаш учун энг зарур ўз тирикчилик манбасига эга бўлдилар.

Кечаю кундуз эл ғами ва ташвиши билан яшаб, олдида турган муаммолар ечимини топмагунча, бошлаган ишларни охирига етказмагунча ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тиним бермасдан меҳнат қилган инсонни халқ ҳақиқий етакчи-раҳбар сифатида қабул қилди. Чунки бу инсон наинки ўзларига, барча раҳбарларга ўта талабчан эди.

Юртбошимизнинг ўшанда давлат тепасига келиши халқнинг бахти бўлганининг исботини бугун кўряпмиз. Аниқ чизилган келажак йўлидан оғмай давом этаётган, эндиликда Каримов бошлаб берган йўлни давом эттираётган Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий қудратини, ўзбек армиясининг қувватини, мамлакат аҳолисининг, айниқса ёшларнинг илмий салоҳиятини, комиллик даражасини барча тан олмоқда. Қоғозда ёки оғизда эмас, амалда ўзбек давлатчилиги шаклланди, ривож топмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллик давридаги суверен ва изчил сиёсати нафақат Республикамизни, қолаверса, қўшни Марказий Осиё давлатларининг, минтақадаги бошқа мамлакатларнинг бугунги тинчлигини таъминловчи омил бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Бугунги кунда чет эл ахборот маконида Ўзбекистонни қоралаш, мамлакатда олиб борилаётган сиёсатни камситиш, ҳукуматни обрўсизлантириш йўлида “жавлон ураётган” кучлар, “бугун ўзбек халқи тинчлик-омонлик, хотиржамликни ҳар нарсадан устун кўраётганини” танқид қилишмоқда. Барака топгурлар, яна нима инсон учун бундан афзал бўлиши мумкин? Пайғамбаримиз (САВ) зикр қиладилар: “Ким оиласи тинч, жасади саломат ва ҳузурида бир кунлик таоми бор ҳолатда тонг оттирса, унга дунё тўлиғича берилибди”.

Иқтисодий ислоҳотлар, таълимга берилаётган юксак эътибор, шаклланиб бораётган хусусий бизнес эгалари синфи ўзининг оламшумул меваларини бермоқда. Бу билан Президент Каримовнинг оқилона сиёсати дунё жамоатчилиги томонидан яна бир карра эътироф этилди.

1991 йил декабрдаги Наманган воқеаларининг “ташкилотчилари” Каримовнинг водийдан кечиб юборишига ишончлари комил эди. Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида

терроризм ўчоғи йиллар давомида гуриллаб ёниши мақсад эди. Аммо Юртбошимизнинг жасорат билан Наманганга келиши, барча режаларни чиппакка чиқарди. Жунбушга келтирилган оломонга шуур қайтди. Юрт бирлиги сақлаб қолинди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг эволюцион, босқичма-босқич тамойили мамлакатнинг стратегик жабҳаларида давлат мулкчилик шаклини сақлаб қолди ва Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантиришнинг имкониятини таъминлади. Давлат ва хусусий мулкчилик шаклларининг тенгма-тенг ривожланиб бориши биринчидан ислоҳотларни амалга оширишда хусусий бизнеснинг эмас, давлатнинг ва аҳолининг манфаатларини биринчи ўринга қўйишга шароит яратган бўлса, иккинчидан ташқи спекуляциялар орқали мамлакат иқтисодий тизимини бировлар қўлига ўтишини имконсиз қилиб қўйди.

Ўзбекистон қарз олмаслик сиёсатини изчил сурдирди. Ўтиш даври раҳбари учун энг осони келажак авлодга "мерос" бўлиб қоладиган юқори фоизли кредитлар ҳисобига ўз мавқени ушлаб туришдир. Аммо "Фарзандларимиз биздан бахтли яшаши керак" тамойилини олға сурган Юртбошимиз иқтисодиётнинг тамалини мавжуд имконлар доирасида мустаҳкамлаш йўлини танлади.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур даврида мамлакатнинг бир чеккасидан бир боланинг бошига бир товоқ тилла танга қўйиб, йўлга чиқарилса, мамлакатнинг нариги чеккасига етиб олгунча битта ҳам камаймаганлиги битилган. Бугунги Ўзбекистондаги мавжуд тинчлик ва барқарорлик Буюк Соҳибқирон ўрнатган даражага деярли эришди.

Миллатлараро тотувлик юртимизда Ислом Каримов номи билан боғлиқ яна бир феномендир. Кўпмиллатли Ўзбекистонда миллатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик шаклланганлиги барчани бир мақсад, бир ният атрофида – буюк Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида бирлаштирди. Ўзбекистон ватандоши бўлган ҳар бир инсоннинг ватани – шу тупроқ эканига, барча бирдай тенг ҳуқуқ эгаси эканлигига ишонтира олиш ва бу тенгҳуқуқлилик тамойилини амалда жорий этиш орқали раҳматли Юртбошимиз мамлакатда якдилликни шакллантирди. Ўтиш даврида бўлган давлатларга қарши хуружларнинг энг асосийлари миллатлараро ва динлараро низолар чиқариш эканлигини назарда тутадиган бўлсак, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг бугунги тинч ҳаётимиздаги ролини ва ўрнини янада теранроқ англаб етамиз.

УСТОЗ ОТАНГДЕК УЛУҒДИР

Исломов Ў.П.-ТИҚХММИ катта ўқитувчиси

"Биздан озод ва обод ватан қолади". Бугун биз тарихий бир даврда - халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, аввалambор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз. И.А.Каримов

"Устоз - отангдек улуғ" дейди доно халқимиз. Бу билан устозларнинг улуғ инсон эканлиги, инсон тақдирида муҳим ўрин тутиши таъкидланади. Инсоният цивилизациясининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳар бир миллат нафақат ўз бойликлари, балки, биринчи навбатда, юксак маънавияти ва маданияти билан кучлидир, деган оддий ҳақиқатни қайта-қайта исботлаб келмоқда. Бу борада кўҳна ўзбек диёри жаҳон маданияти, илм-фани ва маънавияти хазинасини бойитишга беқиёс ҳисса қўшиб келаётган қутлуғ заминдир.

Бу юртда Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк алломалар ва мутаффакирлар туғилиб, дунё тамаддуни тарихида ўчмас из қолдиргани бунинг ёрқин исботидир. Бу буюк зотларнинг асарлари ҳозирги кунгача ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмасдан, улкан илмий ҳамда маънавий бойлик сифатида юксак қадрланиб келмоқда. Бошқача айтганда, бу бебаҳо мерос дунёдаги манаман деган ақл-

заковат соҳиблари эътироф этадиган ва бутун мусулмон уммати фахрланадиган бойликдир.

Тариҳдан маълум бизнинг заминда ҳеч қачон устоз - шогирд тизими ўз ўзидан йўқ булиб кетмаган. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин Амир Темур ва Мирзо Улуғбек сиймоларида кўриш мумкин. Бу боболаримизни қурган иморатлари бизга қолдирган нодир дурдоналари ҳозиргача бутун дунёни лол қолдириб келяпти.

Мустақилликимиз асосчиси Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти муҳтарам Ислом Каримовнинг мустақилликни қўлга киритишга, миллий давлатчиликни қуришда, эркин фуқаролик жамияти, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат асосчиси, бунёдкори сифатидаги ҳаёти ва серқирра фаолияти ёритиб берган буюк шахсдир.

Халқимизда бир улуғ нақл бор: “Яхши устоздан яхши шогирд қолади”. Мустақиллигимиз асосчиси Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти муҳтарам Ислом Каримов билан мустақиллик йилларидаёқ елкама-елка туриб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун катта ҳисса қўшган яна бир ўзбек ўғлони Шавкат Миромонович Мирзиёевни ўзбек халқига Президент этиб сайланди. Шуни айтсалар керак : “От ўрнини той босади” деб. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти муҳтарам Ислом Каримовнинг 2003 йил бўлиб ўтган йиғилишда ота-боболаримиздан қолган бир қутлуғ қадам ҳақида нақл” “Эл-юртимизга янги келган меҳмон раҳбар бўлса, ҳақиқатдан ҳам раҳбар ақлли, ишбилармон бўлиши мумкин, лекин қадами қутлуғ келмаса, иш юришмайди”, деб Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг омадини берсин, деб дуо берганлар.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев кўз очиб юмгунча мисли кўрилмаган ишлар, фармон ва қарорлар чиқариб, халқимиз тинчлигини ўйлаб, ўзининг Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бу жараённинг амалий натижалари, белги ва ҳусусиятлари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жавҳаларида, энг муҳими, халқимизнинг онги тафаккури, интилиш ва ҳаракатларида яққол кўзга ташланмоқда.

Бир сўз билан айтганда бугунги кунда мамлакатимизда мазмунан янги, янги жамият таркиб топоятган экан, унга мос равишда “Устоз ва шогирд” қадриятини ҳам ёшларимиз онгига сингдиришимиз лозим.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият ва енгилмас куч”. Тошкент, “Маънавият” 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миромоновичнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Тошкент, “Адолат” 2017.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШДАГИ ФАОЛИЯТИ

Саманова Ш.Б.-ТТА Урганч филиали ўқитувчиси

Мустақил мамлакатимизнинг шонли 25 йиллик тарихига назар ташласак, барча соҳаларда мислсиз ютуқлар, барқарорлик ва шиддатли ривожланишни кўришимиз мумкин. Аммо ўтмиш асоратидан бугунги куннинг долзарб муаммоларига айланган таҳдидларни бартараф қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ана шундай жонкуяр, фидойи фуқаро – ўзбек халқининг буюк фарзанди Ислом Каримов ўз фаолияти давомида экологик хавф-хатарларни олдини олиш ва ечишда салмоқли ишларни амалга оширди. Хусусан, мустақил давлатимиз Конституциясининг асосчиси сифатида: “Фуқаролар табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”[1], “Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш

мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”[2] – дейилган. Маълумки, миллий хавфсизлик тушунчаси ўз ичига ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, техноген ва экологик хавфсизликни таъминлаш, мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-маданий ва иқтисодий ҳаётида шахс камолоти ва жамиятнинг барқарор ривожи сингари бир қанча соҳаларни қамраб олади. Шунингдек, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида бугунги кунда давлатимиз хавфсизлигига таҳдид қилувчи асосий хавфлар сифатида: минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари билан бир қаторда экологик хавф-хатар каби иллатлар ва муаммолар таъкидланиб, уларнинг жамиятга қанчалик салбий таъсирга эга эканлиги батафсил изоҳланган.

“Бизнинг назаримизда,– дейди И.А.Каримов– экологик ва ядровий хавфсизлик муаммолари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз Марказий Осиё минтақаси ядровий қуроллардан холи ҳудуд деб эълон қилинишига эришмоқчимиз. Айрим қўшни давлатлар ядро қуролига эга бўлишга ошкора интилаётганлиги бизни айниқса ташвишга солмоқда”[3].

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов нафақат мамлакатда, балки минтақадаги экологик барқарорликни, унинг хавфсизлигини таъминлашнинг ташаббускори сифатида экологик хавфсизлик муаммолари аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланганлиги тўғрисида бир неча бор, шу жумладан БМТ Бош Ассамблеяси мажлисларида, бошқа нуфузли халқаро ва давлатлараро ташкилотларнинг саммитларида жаҳон ҳамжамиятини огоҳликка чақириб, уларни ҳамкорликда фаолият олиб бориш бўйича аниқ таклифлар билдирган эди.

Мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал этишда минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мавжуд халқаро конвенсиялар ва битимларга қўшилиш, бу соҳадаги миллий қонунчилик базани халқаро экология ҳуқуқи талабларига мослаштириш, халқаро ҳуқуқнинг самарали ва таъсирчан нормаларини Ўзбекистон қонунчилигига имплементатсия қилишга доимий эътибор қаратди.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро шартномалар базасини кенгайтириш ва ривожлантириш борасида бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳадаги 11 халқаро конвенсия ва улар доирасидаги 7 та кўп томонлама халқаро шартномаларга қўшилди. Орол денгизи фалокати ҳам жаҳон миқёсидаги улкан муаммодир. Удунёдаги анча мамлакатлараҳолисининг манфаатларига дахлдор бўлиб, кўплаб миллатларнинг авлодлари учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2017 йил 25 январ куни “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори[4] ва 2017 йил 27 ноябр куни имзоланган “Биринчи Президент Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари[5] Биринчи Президентимизнинг ўзбек халқи учун қилган буюк ишлари ҳамда устоз хотирасини абадийлаштириш учун юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзидир.

“2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Биринчи Президентимиз бошлаб берган кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг изчил давоми сифатида қабул қилинди ҳамда қисқа фурсатда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.–Т.: “Ўзбекистон”, 2015, 18-бет, 50-модда

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.–Т.: “Ўзбекистон”, 2015, 8-бет, 17-модда
3. И.А.Каримов. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида” –Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 23-б.
4. Lex.uz
5. Ўша манба

ИСЛАМ КАРИМОВ – ВЫДАЮЩИЙСЯ ПОЛИТИК И ЛИДЕР НЕЗАВИСИМОГО УЗБЕКИСТАНА

Темирова С.В.-ТашИИТ преподаватель

За последнюю четверть века, в историю нашей страны золотыми буквами вписано имя первого Президента Республики Узбекистан - Ислама Абдуганиевича Каримова. Число его заслуг перед Родиной неимоверно велико и не поддается сравнению. Граждане Узбекистана неустанно продолжают чтить память Президента, ушедшего от нас в сентябре прошлого года. За свою жизнь и годы на посту главы государства, Ислам Абдуганиевич оставил богатое наследие, о котором писали, пишут и будут писать множество людей.

Общественной практикой доказано, что на изломах жизни любого народа, на крупных переломных этапах истории, народ вручает свою судьбу лидеру, наделённому особыми личностными качествами, лидеру, который самим фактом существования способен сплотить нацию, вселить в неё веру в успех возрождения и прогресса [1].

Наше государство в 90-е годы было в крайне тяжёлом положении, особенно после знаменитого «узбекского дела». Люди не верили в своё будущее, но приход Ислама Каримова к власти дал надежду народу.

Одно из главных достижений И.А. Каримова является провозглашение независимости Республики Узбекистан 31 августа 1991 года. Наше государство обрело новый статус, что стало первым шагом к дальнейшему развитию. На первых президентских выборах, прошедших 29 декабря того же года, Ислам Абдуганиевич одержал победу и стал первым Президентом Республики Узбекистан.

С самого начала прихода к власти И.А Каримова, Узбекистан начал позиционировать себя как светское государство. Несмотря на разнообразие этнических групп, и религиозных направлений, Узбекистан стал государством, где все равны друг другу. И в этом, несомненно, заслуга лидера страны, который понимал, что в такой многокультурной стране продвижение лишь одной религии не приведет к положительным последствиям. Светские настроения, которые Президент всячески старался поддерживать, оказали хорошее влияние на благополучие и спокойствие народа. В годы независимости наряду с многочисленными мечетями и медресе, построены христианские церкви, иудейские синагоги и созданы все условия для верующих по всей стране. Ведь, человек и его интересы - самое главное и ценное в жизни нашего общества.

После обретения независимости следующей задачей для Президента стало построение новой модели экономического развития Узбекистана. Её суть И.А. Каримов раскрыл в своем труде «Узбекистан – собственная модель перехода на рыночные отношения», выпущенном в 1993 году. Эволюционный путь развития экономики Ислама Абдуганиевича помог стране избежать финансового кризиса, с которым в то время столкнулись многие государства.

Одной из крупнейших заслуг И.Каримова является улучшение экономического положения государства. Фундаментом послужило развитие промышленности. Экономические показатели становились стабильнее и выше с каждым годом. Ислам Абдуганиевич считал, что немаловажную роль в укреплении экономики играет развитие малого бизнеса и частного предпринимательства. Широкую дорогу малому бизнесу и укреплению позиций частного сектора открыл Указ главы государства «О мерах по обеспечению надежной защиты частной собственности, малого бизнеса и частного предпринимательства, снятию преград для их ускоренного развития». Благодаря чему бизнесменам был предоставлен простор для развития своей деятельности. Лишь

стратегически важные объекты оставались под неустанным контролем. Остальные неиспользуемые по должному назначению государственные объекты попали под владение частных собственников. Это помогло улучшить экономические показатели и доход населения. «Нельзя не отметить, что благодаря политике И.А. Каримова и новым условиям развития, уровень жизни населения Узбекистана существенно вырос. Средняя продолжительность жизни у мужчин поднялась до 73,5 лет, а у женщин в среднем – до 76. За годы независимости население страны увеличилось на 54 процента» [2].

Место Узбекистана на мировой арене за годы правления Ислама Каримова значительно изменилось. Государство вошло во многие международные организации, к примеру, ООН, членом которой мы являемся вот уже более 25 лет. В 2001 году Ислам Абдуганиевич Каримов добился вступления Узбекистана в «Шанхайскую пятерку», выросшую позже в полноценную организацию (ШОС). «Действительно, за исторически короткий период Узбекистан из отсталой, не способной содержать и защищать себя республики с гипертрофированно односторонней экономикой, разрушительно влияющей на нее монополией хлопка, крайне низким уровнем жизни населения, превратился сегодня в динамично и стабильно развивающееся мощное государство, занимающее достойное место в мировом сообществе» [3].

Доступ к бесплатному 12-летнему образованию (включая начальное, общее среднее и среднее специальное профессиональное образование) для всех детей гарантирован законодательством. В Узбекистане охват детей школьного возраста общим средним образованием составляет 99,8%. Высокий уровень доступности и среднего специального профессионального образования обеспечивается также за счет создания условий для различных национальных групп обучаться на родном языке. Общеобразовательные учреждения в Узбекистане предоставляют возможность обучения на семи различных языках: узбекском, каракалпакском, казахском, русском, таджикском и туркменском.

Прошедшие годы стали для нас периодом уверенного продвижения к высоким рубежам, а для этого необходимо было реализовать выдвинутую главой государства всесторонне продуманную стратегию, воплощенную в Законе «Об образовании», «Национальной программе по подготовке кадров» и Государственной общенациональной программе развития школьного образования. Сегодня сама жизнь подтвердила, насколько продумана была эта стратегия, которая кардинально изменила не только систему образования и воспитания, но и жизнь всего нашего общества.

В рамках реализации этих задач каждый год возводятся сотни образовательных учреждений, и производится капитальный ремонт имеющихся. Только в 2015 году выполнены работы на 423 миллиарда сумов для дальнейшего укрепления материально технической базы 384 объектов. Построено 29 общеобразовательных школ по типовым проектам, в 219 школах проведена реконструкция и 136- капитально отремонтированы.

Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по укреплению материально технической базы высших образовательных учреждений и кардинальному улучшению качества подготовки высококвалифицированных специалистов» от 20 мая 2011 года послужило качественному изменению содержания образования, совершенствованию учебного процесса на основе передовых традиций мировой образовательной системы. Направление образования и перечень специальностей оптимизированы в соответствии с развитием отраслей.

В Узбекистане открыты и действуют филиалы ряда ведущих вузов Европы и Азии – Вестминстерского университета, Сингапурского института развития менеджмента, Туринского политехнического университета, Университета Инха, Российского университета нефти и газа, Московского Государственного университета имени М.В.Ломоносова, Российского экономического университета.

Постановление Президента Республики Узбекистан И. Каримова «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы, изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года в общеобразовательных школах согласно которой, основной целью является

обучение практическому владению разговорно-бытовой речью и языком специальности для активного применения иностранного языка. Как в повседневном, так и в профессиональном общении.

В условиях рыночной экономики стало совершенно очевидно, что на рынке труда, связанном с иностранными производителями, наиболее востребованными оказались специалисты, свободно владеющие иностранными языками. Овладение, которыми должны быть ориентированы в сферу будущей профессиональной деятельности.

Модернизация вузов, их обеспечение новейшим учебным и лабораторным оборудованием позволили поднять обучение на качественный уровень, внедрять передовые педагогические технологии и новые формы обучения. Здесь уместно отметить, что Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы переподготовки и повышения квалификации, руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений» от 12 июня 2015 года, служит основой для роста научного и педагогического потенциала преподавателей вузов. Он направлен на кардинальное повышение качества подготовки высококвалифицированных специалистов, рост профессионального уровня и квалификации профессорско-преподавательского состава вузов. Увеличен срок обучения на курсах, сейчас он составляет 288 академических часов, что позволило организовать углубленное изучение норм законодательства, инноваций по преподаваемой дисциплине в области теории, передовых методов организации учебного процесса, современных информационно-коммуникационных технологий, специальных предметов, а также иностранного языка.

Оглядываясь назад и возвращаясь ко всему вышесказанному, стоит сделать выводы о том, насколько великим был вклад Ислама Каримова в историю развития Узбекистана в годы его правления. Такие личности рождаются раз в тысячу лет, а оставленное им наследие будет служить не одному поколению. Его опыт, проделанный труд во имя развития страны, любовь к своему народу навсегда останется в сердцах каждого узбекистанца.

Литература:

1. Левитин Л., Карлайл Д. «Ислам Каримов – Президент нового Узбекистана», Т.: 1996
2. Доклад И. Каримова, посвященный итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшим приоритетным направлениям на 2016 год
3. И.А. Каримов. Из праздничного поздравления ко дню 25й годовщины независимости.//Народное слово, 1сентября 2016

MUSTAQILLIK YILLARIDA MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHILARINI IJTIMOIY HIMOYALASH DAVLAT SIYOSATINING AMALDAGI TADBIG'IBIDIR

Karimova B.X.-TerDU tayanch doktaranti

O'zining uzoq yillik tarixiga ega o'zbek xalqi yuksalish va taraqqiyot yo'lida tinimsiz harakatda kelmoqda. Ana shu boiski bugungi kunda rivojlangan davlatlar darajasida o'zini namayon etmoqda. Bugungi kunning yorqin namunalariga erishish oson bo'lgani yo'q.Buning zaminida o'zbek xalqining bosib o'tgan mashaqqatli yo'llari mavjud.

Bu faravon hayotga erishishda biz muhtaram Birinchi Prezidentimiz marhum Islom Abdug'aniyevich Karimovni katta ishonch va g'urur bilan yod olamiz. I.Karimov o'zining hayotini xalqiga bag'ishlaganini barchamiz guvohimiz. O'zbekiston Respublikasini eng og'ir va qiyinchilik kunlardan bugungi faravon hayotga olib keldi. Bunda ana shu buyuk insonning qudratli jasorati qiyinchilik yechimini topishga sabab bo'ldi. Mard va tanti o'zbek xalqi uchun qadrli va buyuk bo'lgan I.Karimov bugun oramizda yo'q.Ammo aziz va qadrdon muhtaram

birinchi prezidentimiz I.Karimov xotirasi,bosib o'tgan yo'llari,buyuk jasorati hamda nodir asarlari abadul-abad qalbimizda yashaydi.

Marhum Prezidentimiz farovon hayotimiz asoschisi desak mubolag'a bo'lmaydi albatta. Aziz inson I.Karimovning bosib o'tgan yo'llarini dengiz deb oladigan bo'lsak,dengizdan tomchisiga ushbu maqola asosida to'xtalishga harakat qildik. I.Karimov jamiyat taraqqiyotida uning har bir sohasiga o'zining nodir asarlari orqali ham katta hissa qo'shib borgan. Oltinu gavharlarga teng juda ko'p asarlari o'z davrida hatto bugungi kunda asrlar osha xalqimiz uchun o'zining qudratli kuchini saqlab qoladi.

Muhtaram Birinchi Prezidentimiz jamiyatning har bir sohasiga chuqur kirib bora oldi va kuchli e'tibor qarata bildi. Buning natijasida mamlakatimizda taraqqiyot sari dadil qadam tashlandi. Jumladan, Mehribonlik uylarining mustaqillik yillaridagi rivojlanishiga e'tibor qaratishni joiz deb bildik.

Mustaqillik yillarida Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilariga g'amxo'rlik qilish uni ijtimoiy himoyalash I.Karimov ilgari surgan odil siyosatning amaldagi tadbig'i namunasidir.

Mazkur sohani davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida e'tirof etilishi esa jamiyatda bozor ishlab chiqarishiga asoslangan ijtimoiy qaror topayotgan va ijtimoiy munosabatlar mazmunida raqobat yetakchi o'rin egallayotgan mavjud sharoitda fuqarolarni moddiy va ma'naviy jihatdan qo'llab-quvvatlash imkoniyatini yaratdi. Aholini ijtimoiy himoyalash davlat oldida turgan muhim vazifalardan biri ekanligi O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov asarlarida ham alohida urg'u beriladi.

Hukumat va Prezident ko'radigan asosiy himoya choralari,eng avvalo,nogironlar,yetim-yesirlar,qariyalar, ko'p farzandli onalar,talabalar va maktab o'quvchilari manfaatlariga xizmat qiladi.

Yetimlik ilohiy bir qismat shuning uchun ham inson peshonasiga yozilganini ko'rishi taqdiri azaldir. Darhaqiqat, taqdir qismatidan qochib qutilib bo'lmaydi. Ana shunday qismat norasida go'dakni "Mehribonlik uyi"ga yetaklab keladi. Mehribonlik uylari sobiq sho'rolar davrida yetim xonalar nomi bilan paydo bo'lgan. Bu davrda minglab oilalarning xonavayron bo'lishi oqibatida yetim va qarovchisiz qolgan bolalarni boqish va ularni jamiyatga sodiq farzand etib tayyorlash maqsadida tashkil etilgan edi. Mustaqillik yillarida esa mehribon, xalqsevar, yurtboshimiz I.A.Karimov ularni o'z bag'riga olishi natijasida "Mehribonlik uylari" nomi bilan yuritilmoqda. Alohida ta'kidlash lozimki, O'zbekiston Respublikasi Mustaqillikka erishgandan buyon Mehribonlik uylariga alohida e'tibor qaratildi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 64-moddasida quyidagilar qayd etilgan: Ota-onalar o'z farzandlarini voyaga yetgunlariga qadar boqish va tarbiyalashga majburdirlar.

Davlat va jamiyat yetim bolalarni va ota-onalarining vasiyligidan mahrum bo'lgan bolalarni boqish,tarbiyalash va o'qitishni ta'minlaydi, bolalarga bag'ishlangan xayriya faoliyatlarini rag'batlantiradi.[1] [1-21]

Mustaqillik yillarida Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchisi hamda Mehribonlik uylari prezident tashabbusi bilan davlat tomonidan quyidagicha ta'minlandi:

- Ma'nan va ruhan qo'llab quvvatlandi
- Ta'lim–tarbiya jarayoni alohida e'tibor qaratildi
- Ijtimoiy–iqtisodiy jihatdan moddiy tomondan to'liq ta'minlandi.
- Tarbiyalanuvchilarning sog'ligiga alohida e'tibor berildi va tibbiy shart-sharoitlar yaratildi.
- Tarbiyalanuvchilarning barcha shart – sharoitlariga alohida e'tibor berildi.
- Ma'naviy-ma'rifiy tomonlariga zamin yaratildi.

Tarbiyalanuvchilar o'qish faoliyati bilan shug'ullanishi va bo'sh paytlarini mazmunli o'tkazishlari uchun barcha sharoitlar yaratildi.Ushbu fikrlar shuni ma'lum qiladiki, Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilarini doimo boshini silashga mehribon qo'llar borligini hamda vatanimiz,mehribon yurtboshimiz ularga g'amxo'r ekanligidan dalolat beradi.

[1] O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi T: "O'zbekiston"2015.71 b.

Bu dono hikmatli so’zlar ma’no mazmuni yetim-yesirlarni har tomonlama himoya qilish, ularga mehr-muruvvat ko’rsatish, milliy istiqlol g’oyasi asosida ta’lim-tarbiya berish kabi muhim masalalar bilan bevosita bog’liqdir.Yetim-yesirlarga g’amxo’rlik deganda,birinchi navbatda, Mehribonlik uylarini qo’llab-quvvatlash nazarda tutilgan.Boquvchisidan mahrum bo’lgan yetimlarga g’amxo’rlik qilish O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida maxsus Qonun bilan kafolatlanib qo’yilgan. Shuningdek, “Ta’lim to’g’risida”gi Qonun, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da ham boquvchisidan ayrilgan bolalarni himoya qilishga alohida e’tibor berilgan. Jamiyatning har bir a’zosi singari Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini ham milliy istiqlol mafkurasi ruhida tarbiyalash muhim vazifalardan biri sifatida shakllandi. U shaxs va ijtimoiy guruh xulq- atvorini muayyan tarzda yo’naltiradi, tartibga soladi. Milliy g’urur haqida marhum yurtboshimiz asarlarida ham keltirilgan. Jumladan, g’ururi bor odamning qaddi rost,boshi baland bo’ladi.Oldimizda turgan ulkan,juda og’ir vazifalarni bajarish,muammolarni yechish, katta sinovlardan o’tish bularning hammasi xalqimizning ruhini, milliy g’ururini tiklash bilan bog’liqdir.

Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini ijtimoiy hayotga tayyorlashning puxta asoslangan mexanizmini yaratish,keng jamoatchilik e’tiborini mazkur masalaga tortish, bu borada samarali sanalgan omillarni aniqlash,yangi imkoniyatlarni izlab topish muammolarini hal etishga bo’lgan ehtiyojning mavjudligi mustaqillik yillarida Prezident farmonlarida ham keltirilgan.

Mustaqillik yillarida Mehribonlik uylari faoliyatini yaxshilash maqsadida Prezidentimiz farmonlari, O’zbekiston Respublikasining Oliy majlisi hamda Vazirlar Mahkamasining qarorlari qabul qilindi. Ular asosida “Mehribonlik uyi to’g’risidagi Nizom” qabul qilindi. Masalan, Vazirlar Mahkamasining 1995 yil 18-fevralda 59-sonli qarori aynan “Mehribonlik uyi” to’g’risida qabul qilinib, u o’zining amaldagi ijrosini ta’minladi. Ushbu tarixiy qaror har tomonlama muhim ahamiyat kasb etdi. Ayniqsa bu qaror o’zbek xalqiga xos bo’lgan milliy qadriyatlarimizni, an’analarimizni o’zida namoyon etib, ajdodlarimiz merosiga asoslanadi. Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilariga har tomonlama yordam bera oladi. Vazirlar Mahkamasining ushbu qarorini amaldagi ijrosini ta’minlash maqsadida “Mehribonlik uyi to’g’risidagi Nizom” qabul qilindi.

O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2008-yil 17-oktabrdagi “Mehribonlik uyi to’g’risidagi Nizomni tasdiqlash haqida ”gi 230-sonli qarori ijro uchun qabul qilindi. Hatto “Ta’lim to’g’risidagi qonun”, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”ning 22-moddasida ham boquvchisini yo’qotgan bolalar haqida shunday deyilgan. “Yetim bolalarni va ota-onalarining yoki boshqa qonuniy vakillarning vasiyligisiz qolgan bolalarni o’qitish va ularni boqish davlatning to’la ta’minoti asosida qonun xujjatlarida belgilangan tartibda amalga oshiriladi”. Yana shuni alohida aytish lozimki istiqlolning dastlabki yillarida Prezident Islom Karimov rahbarligida islohatlar strategiyasi ishlab chiqildi. Tarbiyalanuvchilarni jamiyatning yetuk a’zosi sifatida ijtimoiy hayotga samarali tayyorlash,ular tomonidan muayyan kasb yoki hunar sirlarini o’zlashtirilishiga erishish,keskin raqobatlarga bardosh bera oladigan darajada ruhan kamol topishlari uchun zarur pedagogik sharoitlarni yaratish, mavjud imkoniyatlardan oqilona foydalanish chora tadbirlarini belgilash pedagoglar oldida ham muhim vazifalarni belgilab berdi.

Mehribonlik uylarida ta’lim-tarbya ishlarini tashkil qilish va olib borishning ilmiy-nazariy asoslarini tadqiq etish,shakl va metodlarini ishlab chiqish davlat ahamiyatiga ega bo’lgan dolzarb masaladir. Milliy g’ururni yuksaltirish orqali vatanga,xalqqa,kelajagi buyuk davlat istiqboliga sadoqat tuyg’ularini shakllantirish va tarbiyalash mumkin. Yurtboshimiz aytganidek, “Bundan keyin ham o’zbeklarning milliy g’ururini ma’naviy yuksaltiramiz va bu maqsad va vazifani sadoqatli bo’lgan barcha xalqlar bilan birgalikda intilib hamkorlikda hal qilamiz”.
Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarida milliy g’ururni milliy istiqlol g’oyasi va mafkurasi asosida tarkib toptirish va tarbiyalash davlat ahamiyatiga ega bo’lgan masaladir.

Bularning har biri maxsus Qonun bilan kafolatlangan.Bu O’zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov ilgari surgan kuchli ijtimoiy siyosat tantanasidir. Mehribonlik uylariga qilinayotgan g’amxo’rlik esa shu kuchli ijtimoiy siyosatning amalda tadbiq etilishidir. Bu siyosat

o’z navbatida Mehribonlik uylarida tarbiyalanayotgan bolalarning Vatandan va hukumatdan faxrlanish tuyg’ularining takomillashuviga samarali ta’sir ko’rsatadi.

“Ezgu odatimizga aylanib ketgan mehr-oqibat tushunchasi, uning juda teran tarixiy, milliy, diniy ildizlari borligini ko’rish mumkin. Bu avvalo insonning inson bilan, qo’shnining qo’shni bilan, qarindoshning qarindosh, oilaning oila bilan, eng muhimi, shaxsning jamiyat bilan uyg’un bo’lib yashashini, yetim-yesir, beva-bechora va nogironlarga, musofirlarga sahovat ko’rsatish, sidqidildan, beg’araz yordam berishni anglatadi va bunday xususiyat xalqimizning ma’naviy olamiga singib ketganini hech kim inkor eta olmaydi”.

Yurtboshimiz tomonidan 2004 yilni “Mehr va muruvvat yili”deb e’lon qilinishi munosabati bilan Vazirlar Mahkamasining “Mehr va muruvvat”yili dasturi to’g’risidagi qarori e’lon qilingan edi.[1][2-84]

Chunki mehr va muruvvat kabi hislatlar o’zbek xalqining eng yaxshi fazilatlaridan biri hisoblanadi. Bu yaxshi fazilatlar ajdodlarimizdan avlodlarga o’tib kelmoqda.

Mustaqillik yillarida Mehribonlik uylari va tarbiyalanuvchilarini milliy g’urur ruhida tarbiyalashga alohida e’tibor qaratilib, bunda I.Karimov tashabbuskorligini olib borilgan ishlar samarasi deb ayta olish mumkin.

Ushbu fikrlarimizning jonli misolini Surxondaryo viloyatida joylashgan 12-sonli Mehribonlik uyi misolida ko’rishimiz mumkin.Ushbu Mehribonlik uyi dastlab viloyatning Boysun tumanida joylashgan edi. Muhtaram Birinchi Prezidentimizning tashabbuslari bilan 2010yilda Termiz shahrida zamon talabi asosidagi bino barpo etildi.Ushbu binoga Boysun tumanidagi Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilari ko’chirildi hamda Termiz shahridagi 12-sonli Mehribonlik uyi deya nom berildi.

Ushbu dargohga kiraverishda esa O’zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov tashabbusi bilan barpo etilgani tarixiy sana bilan qayd etilgan.Ushbu g’amxo’rlik aziz bobokalonimizga aylangan I.A.Karimovning o’zbek xalqiga monand bo’lgan mehribonlik va insonparvarlik g’oyalari namunasidir.

Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilariga shunchalik katta e’tibor qaratilar ekan bunda pedagoglar o’z oldilariga qo’yilgan mas’uliyatni burch deya qabul qilishlari muqarrar. Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini ijtimoiy himoyalash va ularni milliy g’urur ruhida tarbiyalash davlat ahamiyatiga ega vazifa ekanligini I.A.Karimov asarlarida va olib borgan yuksak ishlarida ko’ra oldik. Har bir sohaga katta e’tibor qaratgani singari Mehribonlik uylariga ham yuksak e’tibor qaratgan I.A.Karimovning olib borgan siyosatlari pedagoglar oldiga yuksak vazifalarni belgilab berdi.U ham bo’lsa eng avvalo Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini milliy g’urur ruhida tarbiyalash demakdir.Jamiyatda boshqa bolalar singari Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini ham milliy g’ururli etib tarbiyalasak vatanni sevishga,uni qadriyatlarini qadrlashga,ajdodlarimiz merosini asrab-avaylashga da’vat etgan bo’lamiz. Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini ana shu ruhda tarbiyalashda mas’ullik qila olsak,marhum Prezidentimiz I.A.Karimov boshlagan ishlarini davomchisiga aylanib boramiz.

Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini milliy ruhda barkamol inson qilib tarbiyalashda sharq mutafakkirlarining yozgan nodir asarlariga tayanamiz jumladan, Kaykovusning “Qobusnoma”, Sa’diyning “Guliston”, “Bo’ston”, Amir Temurning “Temur tuzuklari”, Abdurahmon Jomiyning “Bahariston”, Alisher Navoiyning “Mahbub-ul-qulub”, Xusayn Voiz Koshifiyning “Axloqi muxsiniy” Yusuf Xos Hojibning “Qutadg’u bilig” kabi noyob asarlarni misol qilib olish mumkin.

O’zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimov asarlari va olib borgan ibratli ishlari taraqqiyotning har bir yo’nalishida kelajak avlod uchun yo’lchi yulduz bo’lib xizmat qiladi.Ayniqsa,mustaqillik yillarida Mehribonlik uylari va tarbiyalanuvchilarini ijtimoiy himoyalashga doir olib borgan ibratli va savob ishlari davlat siyosati darajasida muhim masala ekanligini belgilab berdi.Ushbu masalada har bir fuqaro mas’uldirlar.

Adabiyotlar

[1] Maxmudov Yu.F,“Milliy g’urur-ma’naviy komillik mezoni”. T:Dizayn – Press 2011.327 bet.

1. O’zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi T: “O’zbekiston” 2015. 71 b.
2. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi “Ta’lim to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasi Qonuni. Toshkent shahri, 1997 yil 29-avgust.
3. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1995 yil 18-fevraldagi 59-sonli “Mehribonlik uyi to’g’risida”gi qarori.
4. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2008-yil 17- oktabrdagi “Mehribonlik uyi to’g’risidagi Nizomini tasdiqlash haqida”gi 230-sonli qarori.
5. Karimov I.A. “Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir”. Toshkent, “O’zbekiston” 1995 yil.
6. Karimov I.A. “Yuksak ma’naviyat yengilmas kuch” T: “Ma’naviyat”, 2008 yil. 179 b.
7. Axloq-odobga oid hadis namunalari. T.: Fan, 1990, 16-b.
8. Xudoyqulov X.J. “Odob-axloq va tarbiya durdonalari”. Toshkent, 2010.122 b.

СОҒЛОМ АВЛОД - КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ

Курбаниязова М.З.-ТТА Урганч филиали ассистенти

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти муҳтарам И.А. Каримов мамлакатимизда инсон саломатлигини муҳофаза қилишни давлат сиёсатининг устувор вазифасига айлантирди. Ва 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигии мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорларни ижроси доирасида хотин-қизлар қўмитаси тузилган[5]. Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Миллат генофондини яхшилаш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш, соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида кенг кўламли умуммиллий дастурлар ҳаётга тадбиқ қилинди. Халқимизга хос болажонлик, аёлларни қадрлаш, оилани улуғлаш каби фазилатлар истиқлол йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги барчамизни ғурурлантиради.

Мустақиллик йилларида юртимиз тиббиётида мутлақо янги тизимларга асос солинди. Бир вақтлар тасаввурга ҳам сиғмайдиган скрининг ва перинатал марказлар фаолияти йўлга қўйилди. Шу маънода, 2016 йилни Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили” деб номлангани ҳамда бу борада Давлат дастури қабул қилингани мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди[4].

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз аҳолиси, биринчи навбатда, ҳотин-қизлар ва болалар саломатлигини яхшилаш борасида кўрсатган доимий ғамхўрлигини мустақилликнинг дастлабки йилларидан кўрамиз. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш хуқуқига эга” эканлиги аниқ кўрсатилди ва тиббиётнинг келажакдаги истиқболли йўналишлари белгилаб берилди[6]. 1996 йил 29 августда “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонуни, 1998 йилда “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури тўғрисида”ги Президент фармони асосида одамларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти муҳтарам Ислом Каримов ўзининг “Баркамол авлод-келажагимиз таянчи” асарида – биз ҳар бир ёшларимиз онги ва қалбига “сен соғлом бўлишинг керак, фарзандинг эса сендан ҳам соғломроқ бўлиши керак, шундагина халқимиз, миллатимиз янада кучли булади”. Мана шу улуғ мақсадларга эришиш учун ҳаммамиз бирлашишимиз, қўлни-қўлга бериб ишлашимиз, бутун жамиятимизни шу ишга сафарбар этишимиз керак. Биз кўзлаган буюк марраларга етишиш

учун - соғлом авлодни вояга етказиш, эртага ўрнимизга келадиган зурриётларимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбияламоғимиз лозим. Бўлажак оналар бўлмиш қизларимизнинг репродуктив саломатликларини муҳофаза қилишни барча таълим муассасаларида кенг қўламда амалга ошириш керак. Репродуктив саломатлик нафақат аёлнинг, балки эркакнинг ҳам ўзидан соғлом зурриёд қолдира олиш давридаги саломатлигидир. Одам келажак сари яхши ниятлар билан парвоз қилмаса билиб қўйинглар, бир нарсани йўқотгандек бўлиб юради. Инсон фақат хаёлда эмас, балки ҳаётда юксак натижалар, катта ютуқларга интилган ҳолда, парвоз қилиш, камолга етиш орзуси билан яшаши керак. Ҳаёт ҳақиқати шундайки, касалманд, жисмонан заиф, кўнгли ва руҳи безовта одам фақат ўзини қийнаётган дард билан олишиб яшайди. Бундай одамдан ўзига ҳам, жамиятга ҳам манфаат кам тегади. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун спорт керак[1].

Юксак ва олийжаноб туйғулар билан яшаш – бу инсон ҳаётининг маъно-мазмунини ташкил этади. Биз соғлом авлод тўғрисида гапирганимизда, кўпроқ бу масаланинг тиббиёт, соғликни сақлаш соҳаси билан боғлиқ жиҳатларига эътибор берамиз деганлар ва буни куйидагилар билан асослаганлар: 1998 - “Оила” йили; 1999 - “Аёллар” йили; 2000 - “Соғлом авлод ” йили; 2001 - “Оналар ва болалар” йили; 2005 - “Сиҳат-саломатлик” йили; 2006 - “Хомийлар ва шифокорлар” йили; 2010 - “Баркамол авлод” йили; 2012 - “Мустахкам оила” йили; 2013 - “Обод турмуш” йили; 2014 - “Соғлом бола” йили; 2016 - “Соғлом она ва бола” йили. Ўтган давр мобайнида боланинг соғлом туғилиши, оналар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилди, ҳомиладор аёллар учун зарур шарт-шароитларни яратиш, умуман, бу масалани замон талаблари даражасида ҳал этиш бўйича анча-мунча ишларни амалга оширилди. Жойларда бу борада кўп ишлар қилинган. Айниқса, аёлларимиз ва қизларимизнинг, бутун жамиятимизнинг эътиборини шу масалага қаратиб, “агар биз соғлом зурриёд масаласини тўғри ҳал қилмасак, ўз келажагимизга хиёнат қилган бўламиз” деган даъватимиз минг минглаб юртдошларимизнинг фикрини уйғотгандир[1]. Биз бошлаган ишларни давом эттирадиган, барча орзу-ҳавасларимиз тимсоли бўлган болаларимиз келажагини ўйлаб, керак бўлса, четдан, хориждан олиб келинган замонавий асбоб-ускуналарни ҳам биз аввало шу соҳага жорий этдик[2].

Мустақиллик йилларида мухтарам биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимида аҳоли репродуктив саломатлигига эришиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилиш, турли хил касалликларни олдини олиш, хотин-қизлар саломатлигини мустахкамлаш соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги кенг кўламли барча йўналишларда комплекс равишда хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла жамғармалари ҳамда тиббиёт ходимларининг фаол иштирокида амалга оширилмокда.

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида пойтахт ва вилоятларда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқ мажмуалари барпо этилгани, шу билан бирга “Она ва бола скрининги” Давлат дастури доирасида туғруқ ёшидаги ва хомиладор аёллар учун алохида тиббий маслахатхоналар ташкил этилгани, барча марказлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари, зарур материаллар билан таъминлангани алоҳида эътироф ва таҳсинга сазовордир. Бу эса турли ирсий касалликларни олдини олиш ва даволашни юкори даражага кўтариш, қолаверса болаларни ирсий касаллик ва нуқсон билан туғилишини анча камайтириш имкониятларини бермокда. Ана шу ишлар натижасида юртимизда болаларнинг соғлом бўлиб туғилиши ва вояга етиши борасида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ислом Каримов шуни қайта ва қайта таъкидлаганларки, - қўлга киритаётган муваффақиятларда шубхасиз тиббиёт ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади деганлар[4]. Зеро ҳар куни, ҳар соатда фидоий бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб

бориш, бу фазилатларни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантирмоқ лозимлигини такидлаганлар[3].

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов соғлом авлодни тарбиялаш орқали буюк давлат, фаровон ҳаёт асосини қуриш заруратига устувор эътибор қаратди ҳамда бу йўналишдаги изчил ва самарадор ислоҳотларнинг ташаббускори булди.

Адабиётлар

1. Баркамол авлод-келажагимиз таянчи. Тошкент “Маънавият” 2010. 84 б.
2. Ислом Каримов. Соғлом авлод – бизнинг келажагимиз. Тошкент Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2000. 40 б.
3. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент “Маънавият” 2008. 163 б.
4. Халқ сўзи газетаси. 2016 йил 4 сентябр. 3 б.
5. Халқ сўзи газетаси. 2016 йил 8 сентябр. 3 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент “Ўзбекистон”, 2008. 9 б.

YURT TINCHLIGI VA TARAQQIYOTIDA YO’LBOSHCHI SIYMO

Karimova B.X.-TerDU tayanch doktaranti
Rahmatillayeva M.D.-TerDU talabasi

Birinchi Prezident Islom Karimov respublika rahbari sifatida faoliyatining dastlabki yillaridan boshlab yurtimizda tinchlik va barqarorlikni saqlash va millatlararo hamjihatlikni mustahkamlash hamda yurt taraqqiyoti yo’lida yo’lboshchi siymoga aylandi.

Tarixda dunyo ahli yaxshilarni bashariyat farzandi sifatida doimo ulug’lagan. Shu ma’noda milliylik va umuminsoniylik qadriyati shakllangan. Bularni bir-biridan ajratip bo’lmaydi. Islom Karimov nomi Mustaqil O’zbekiston asoschisi, Shuningdek, bashariyat farzandi sifatida tarix sahifasida abadiy muxrlandi.

Islom Karimovning barcha muammolar haqida-ular qanchalik og’ir va noxush bo’lmasin ochiq gapirishi,hamisha haqiqatning ko’ziga tik qarashi unga nisbatan xalqimizning e’tirofi va ehtiromini uyg’otdi.Xalqimiz ana shunday mardligu jasoratni buyuk bobokalonimizga aylangan Islom Karimovdan o’rgandi.

Boshqa sohalar qatori, Islom Karimov faoliyatida davrimiznining bosh global muammosi, butun insoniyatning tarixiy taqdiriga tegishli bo’lgan tinchlik va xafsizlik, yani tinchlik madaniyati konsepsiyasi masalasi alohida kasb etadi. Tarixdan ma’lumki, ulug’ allomalar, san’atkorlar siyotchilar urushlar tufayli insoniyat boshiga tushayotgan mudxish jabr-zulmi, tabiatga o’nglanmas zararni va umuman inson va tabiat muvozanatidagi buzilishlarning oldini olish ya’ni “dunyoni qutqarish” yo’llarini tinimsiz izlashgan, turli g’oyalar va qarashlarni ilgari surishgan.

Prezident Islom Karimov inson g’oyasi va qarashlariga nisbatan shunday deydi: “O’z kindik qoni to’kilgan,ota-bobolari hoki yotgan ona yurtni dunyoda tengsiz,muqaddas Vatan deb biladigan odamning maqsad-muddaolari aniq,g’urur va iftixori yuksak bo’ladi”. [1-73]

Shuningdek, Birinchi Prezident Islom Karimov millatlararo munosabatlarga ham katta e’tibor qaratdi. Shuning uchun ham bu harakatlar yurtimizda tinchlik va barqarorlik, jamiyatimiz hayotida o’zaro hurmat, mehr-oqibat tizimini mustahkamlashda muhim ahamiyat kasb eta oldi.

YUNESKOning O’zbekiston hukumati taklifiga ko’ra 1998 yil 6- noyabrda Toshkentda o’tgan yakuniy majlisi muhim ahamiyatga ega bo’ldi. Toshkent Deklarasiyasi , YUNESKO Ijro kengashining 155-sessiyasi va uning yakuniy majlisida O’zbekiton Respublikasi Birinchi Prezidenti I.Karimovning tarixiy nutqida tinchlik madaniyati konsepsiyasiga asos solingan edi.

Birinchi Prezidentning tinchlik madaniyatini qat’iy qo’llanishini izhor etib: Mening nazarimda , madaniyati g’oyasi XXI asrdagi umumiy insoniy tarraqiyoti falsafasining manbai bo’lib xizmat qiladi.Bu g’oya bugun ham dunyoda tinchlik va barqarolikni saqlab qolish yo’lida xalqlarni birdamlik va ma’naviyati qutqaradi.

Islom Karimov rahbarligida 2000 yil 14 dekabrda , Oliy Majlisning to'rtinchi sessiyasida qabul qilingan "O'zbekiston xalqiga murojaati" tarixiy ahamiyatga molik xujjat bo'ldi. Unda XX asrga baho berish bilan birga , yangi XXI asr vazifalari belgilap berilgan edi.

O'zbekiston istiqlol yillarida mamlakatda mintaqada va jahon miqiyosida tinchlik va barqqarorlikni saqlash uchun g'oyatda keng ko'lamli amaliy ishlar bajardi. Davlatimiz rahbarligining mintaqaviy xavsizlik orqali butun dunyoda yalpi g'oyaga erishish g'oyasi – xafsizlikni O'zbekiston modeli sifatida butun jahonda tan olindi. O'zbek modeli tinchlik madniyatiga sodiqlik ruhu bilan xalqimizning tarixiga va mintalititiga mutloqo mosdir. O'zbekiston insoniyat tarixida turli tuman din va madaniyatga maxsus xalqlarga tinch va birgalikda yashayotgan yurt sifatida noyob hususiyat va tajribaga ega. Prezidentimizning oliy majlisga murojaatida bayon etilgan dasturiy qoidalarga amal qiladigan bo'lsak bugungi kunda bosh maqsadimiz 4 ta vazifani amalga oshirish bilan bog'liqdir. birinchisi –Vatan taraqqiyoti ….

- Yurt tinchligi
- Xalq faravonligi
- Kelajak avlodning baxt saodatidir.

Bularning barchasi butun jahon xalqlari o'rtasida do'stlik hamkorlik va hamjihatlika bog'liq.

Shuni faxr bilan aytish joizki,dunyodagi bebaho boylik bo'lgan tinchlik va osoyishtalikni saqlash,uni ko'z qorachig'idek asrash masalasi Islom Karimovning faoliyatida doimo eng muhim eng ustivor yo'nalish bo'lib kelgan.

Barchamiz uchun aziz va buyuk bo'lgan Islom Karimov doimo xalqiga qarata ibratli fikrlari bilan murojaat qilib har bir kishi qalbida chuqur iz qoldirdi. Islom Karimov

Qur'oni Karim ham do'stlikka, birodarlikka chaqiradi, nizo chiqarishni qoralaydi. Janjal chiqqan yurtning xudosi ham undan yuz o'girar ekan.Shu sabab baraka ham, rizq-ro'z ham nasiya bo'lib qolarkan.

Ana shunday oliyjanob fikrlarni ayta olgan Prezident Islom Karimov doimo xalqini tinchligi va baxt saodati yo'lida o'z hayotini bag'ishladi.

Prezident Islom Karimovning xalqimiz siyosiy tafakkuri xazinasiga bebaho hissa bo'lib qo'shiladigan "O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida" kitobi istiqlol tufayli asl ildizlarimizga qaytib,o'z taqdirimizni o'zimiz belgilash huquqiga ega bo'lganimizni, avlodlarga ibrat va namuna bo'ladigan buyuk ishlarni amalga oshirganimizni yana bir bor g'urur va iftixor bilan ta'kidlashga asos beradi. [2-23]

Buyuk va unitilmas yo'llarni bosib o'tgan Islom Karimov jasorati, xalqimiz tinchligi va faravonligi yo'lida amalga oshirgan ishlari qalblarimizda abadiy saqlanib qoladi.

Adabiyotlar

1.Karimov I.A Yuksak ma'naviyat- yengilmas kuch . T:. "Ma'naviyat"-2008. -173 b.
2. Karimov I.A O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. T:. "O'qituvchi"-2012 .-176 b.
3.Mahmudov Yu.G' va b Milliy g'urur-ma'naviy komillik mezoni.T:."Dizayn Press"2011.276 b.

ISLOM KARIMOV – AFG'ON MUAMMOSINI HAL ETISHDAGI ASOSIY TASHABBUSKOR

Norqo'chqarov X.E.,Muqimova G.X.- TDAU Termiz filiali o'qituvchilari

Bugungi kunda o'z yechimini topmayotgan muammolardan biri dunyoning turli mintaqalaridagi mamlakatlarda hukm surayotgan notinch va tahlikali vaziyat, hamda terrorchi guruhlar tahdidi xavfining ortib borayotganligidir. Jahondagi bunday murakkab ziddiyatli holat hammani doimo xushyor va ogoh bo'lishga undamoqda, holbuki, XXI asrga kelib yer yuzining deyarli barcha mintaqalariga, mamlakatlariga terrorizm va ekstremizm balosi xavf solmoqda hamda vaqt o'tgan sayin uning ildizlari yanada chuqurroq va qo'rqinchliroq ko'rinish olmoqda. Uzoq yillardan beri davom etayotgan va yechimini topmayotgan bugungi Afg'onistondagi murakkab vaziyat: turli muxolifat guruhlar o'rtasidagi o'zaro ichki urushlar, mamlakatning ba'zi mintaqalari turli qurolli-terrorchi guruhlar tomonidan egallab olinishi va markaziy hokimyatdan uzilib qolishi, hanuzgacha narkotik moddalar yetishtirishning kamaymayotganligi, yaqin-

yaqingacha davom etgan fuqarolar urushining olovi hali-hamon so'nmayotganligi, mamlakatdagi tolibon harakatining yana qayta faollashayotgani, buning ustiga Suriyadagi terrorchi tashkilotlarning jangarilari ham ushbu mamlakatdan qo'nim topayotganligi, afg'on xalqining qiyin va og'ir ahvolda murakkab tahlikali bir holatda hayot kechirayotganiga hamda mamlakatda bunday holatning yuzaga kelganiga ham 35 yildan oshdi.

Sharqshunos professor Ma'murjon Nishonov esa uning ildizlarini yanada avvalroqqa, "1973-yildagi davlat to'ntarishi natijasida mamlakatda monarxiya tuzumi ag'darilib, Afg'onistonning respublika deb e'lon qilinishi hamda 1975-yilda Afg'onistonning ba'zi bir viloyatlarida islomiy kuchlar respublika tuzumiga qarshi bosh ko'tarishi"[1] dan boshlanganini ta'kidlab o'tadi. Afg'oniston muammosi bugun faqat mintaqa mamlakatlarinigina emas balki butun dunyo hamjamiyatini yanada qattiqroq tashvishga solmoqda. Shu sababdan ham O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimov Respublika miqyosidagi xavsizlik masalalariga oid yig'ilish va uchrashuvlarida ham, xalqaro darajadagi sammitlar, yig'ilishlar va muloqotlarda ham doimo Afg'oniston muammosini tinch va qarama-qarshi tomonlarni o'zaro murosaga keltirish orqali hal etish mumkinligini ta'kidlab keldi. Xususan, 1993-yil Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 48-sessiyasida, 1999-yil 18-noyabrdagi Yevropada Xavsizlik va Hamkorlik Tashkilotining Istambul sammitida, 2008-yilgi NATO ning Buxarest sammitida, shuningdek Shanxay Hamkorlik Tashkilotining deyarli barcha yig'ilishlarida asosiy masala sifatida ko'tarib chiqdi.

Bizni hamisha ogohlikka va sergaklikka undaydigan asosiy jihat bu Afg'onistonning biz bilan bevosita qo'shni ekanligi, sarhadlarimiz o'zaro bir-biri bilan tutashib ketganligi, qadim tarixdan davlatlarimiz, shaharlarimiz, xalqlarimiz doimo mustahkam aloqada bo'lganligi va bugungi kunda mamlakatdagi notinch va tahlikali vaziyat bu aloqalarning yanada yuqoriroqqa chiqishiga to'siq bo'layotganligi tashvishlantirmasdan qolmaydi. Bu esa bevosita yanada rivojlanib kelayotgan iqtisodiyotimizning o'sishidagi dunyo mamlakatlari bilan savdo-sotiq aloqalarini olib borishda eng qulay yo'l hisoblangan dengizga chiqish uchun eng yaqin hudud ham aynan Afg'oniston hududi hisoblanadi. Mamlakatdagi mavjud vaziyat esa bizning ushbu imkoniyatdan to'laqonli foydalana olishimizni cheklaydi, ya'ni Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning ushbu masala yuzasidan aytib o'tgan quyidagi so'zlarini keltirib o'tsak maqsadga muvofiqdir: "Shuni alohida ta'kidlamoqchimanki, biz, ilgarigidek, Afg'oniston hududi orqali Pokistonning Hind okeanidagi portlariga chiqashdan mafaatdormiz. Faqat Afg'onistonda davom etayotgan urush va beqaror vaziyat bu Dasturni amalga oshirish yo'lida asosiy to'siq bo'lib qolmoqda"[2].

Afg'onistondagi tahlikali vaziyatni yumshatish, mavjud xavf-hatarni bartaraf etish va mamlakatdagi qarama-qarshi guruhlarni murosaga keltirish uchun Islom Karimov tashabbusi bilan tashkil etilgan "6+2" guruhi (1997, O'zbekiston, Tojikiston, Turkmaniston, Xitoy, Pokiston, Eron hamda AQSH va Rossiya), keyinchalik "6+3" (2008, O'zbekiston, Tojikiston, Turkmaniston, Xitoy, Pokiston, Eron hamda AQSH, Rossiya va NATO) shaklida bir qancha ishlarni amalga oshirdi. Birinchi prezidentimiz Islom Karimov Afg'on muammosi birinchi navbatda mintaqa davlatlari tinchligi va xavsizligi uchun eng katta xavf ekanligini ta'kidlab aytgan quyidagi so'zlarini keltirib o'tsak: "Afg'onistonda 30 yildan ziyod davom etayotgan urushni hisobga oladigan bo'lsak, shu davrda bu muammo atrofida juda ko'p chalkash, ziddiyatli, hatto bir-biriga mutlaqo qarama-qarshi bo'lgan fikrlar bildirildi. Shu mavzuda turli-tuman konferensiyalar, sammitlar, qancha-qancha suhbatlar, muloqotlar o'tkazilyapti. ..... . Shunday ekan, bu muammoning qanday katta xavfi borligini avvalo qo'shni davlatlar biladi. …… . Bizga nima kerak? Tinchlik kerak! Yana bir bor tinchlik va qo'shni davlatlar bilan hamjihatlik kerak."[1], "Afg'onistondagi muammolarni hal qilmay turib, Markaziy Osiyoda tinchlik va barqarorlik haqida gapirish mumkin emas, desak, ayni haqiqatni aytgan bo'lamiz."[2]

Islom Karimov barcha xalqaro minbarlarda Afg'on muammosining katta xavf ekanligini ta'kidlash bilan birga Afg'oniston mamlakatidagi muammo qanday kelib chiqayotganligi, qaysi

[1] Nishonov.M."Afg'oniston muammosi abadiy emas". "Hurriyat" gazetasi 2000-yil 17-20-may. № 20.
[2] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. – Том 7. Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. – 57-58.

sabablarga ko’ra to’xtovsiz davom etayotganligi haqida ham o’zining fikr-mulohazalarini bildirar va uning yechimiga oid takliflarini aytib o’tar edi. Xususan so’zimizning isboti sifatida Birinchi prezidentimizning ushbu so’zlarini keltirsak: “Ishonchim komil-ki, O’zbekistonning tinchlik va amaliy tashabbuslari qo’llab-quvvatlanib, biz taklif etgan mexanizmlar ishga solinganida edi, bugun jahon hamjamiyati, Markaziy Osiyo mintaqasi, bizning mamlakatimiz Afg’onistondagi urush keltirib chiqargan xavfsizlikka bo’lgan haqiqiy tahdidga ro’baro’ kelmagan bo’lar edi.

Bizning mamlakatimiz afg’on mojarosini hal etish bo’yicha aniq va ravshan takliflarga ega. Biz bu haqda ko’p marotaba gapirganmiz. Ularning asosiy mohiyati nimalardan iborat?

Birinchi. Muzokaralar jarayoni boshlanishining sharti sifatida barcha jangovar harakatlarni to’xtatish. Mojaroga daxldor bo’lgan barcha tomonlar oldindan hech qanday shart va talablar qo’ymasdan, jafokash afg’on xalqi manfaatlaridan kelib chiqib, afg’onlararo muloqotni boshlash uchun o’z siyosiy irodasini va insoniy mardliklarini namoyon etishlari darkor.

Ikkinchi. Tashqaridan ta’sir o’tkazishga, Afg’onistonning ichki ishlariga aralashishga barham berish.

Uchinchi. Afg’onistonga qurol-yaroq yetkazib berishni qat’iyan taqiqlash.

To’rtinchi. Mamlakatdagi barcha milliy-etnik va harbiy-siyosiy guruh vakillaridan iborat hukumat tuzush.

Beshinchi. Tinchlik o’rnatish jarayonida barcha manfaatdor mamlakatlar, eng avvalo Afg’onistonga qo’shni davlatlarning faol ishtirok etishi.

Shuni alohida ta’kidlashni istardimki, afg’on muammosini tinch yo’l bilan hal etishga qaratilgan barcha chora-tadbirlar faqat BMT homiyligida, manfaatdor xalqaro tashkilotlar ishtirokida o’tkazilishi kerak”[3] – deya ta’kidlab, Afg’on muammosini hal etish borasidagi O’zbekistonning qat’iy pozitsiyasini belgilab bergan edi.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. “O‘zbek xalqiga tinchlik va omonlik kerak”. “Xalq so’zi” gazetasi. – Toshkent, 2013-yil 10-may. № 91.
2. Karimov I.A. ShHT Davlat Rahbarlari Kengashining kengaytirilgan tarkibdagi majlisida so’zlagan nutqi. http://www.pressservice.uz. – 11.06.2010.
3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Том 7. Т.: Ўзбекистон, 1999. – 393 бет.
4. Nishonov.M.“Afg’oniston muammosi abadiy emas”. “Hurriyat” gazetasi 2000-yil 17-20-may. № 20.

BUYUK MAQSADLARGA RUHLANTIRGAN ULUG’ YO’LBOSHCHI

Kamalov B.M.-Berdaq nomidagi QDU, Nukus Shahri

Bugun yurtimizda kechagi kunni eslamaydigan, ajdodlarini, bobolarini yodga olmaydigan odamning o‘zi yo‘q, desam, adashmagan bo‘lamiz. Dunyo tarixida qudratli saltanat yaratgan sohibqiron Amir Temur bobomiz, o‘z aql-zakovati, ulkan ilmiy salohiyati bilan jahon tamadduniga beqiyos hissa qo‘shgan buyuk allomalarimiz, aziz-avliyolarimiz bilan kim faxrlanmaydi deysiz?

Biz o‘tgan asrning 90-yillarida, eng og‘ir va tahlikali bir sharoitda ortiqcha hissiyotlarga berilmasdan, chetdan bo‘lgan turli tazyiklar va soxta va'dalarga uchmasdan, O‘zbekistonimiz uchun yakkayu yagona to‘g‘ri, ya'ni tadrijiy, bosqichma-bosqich rivojlanish yo‘lini tanlab olganimiz, uzoqni ko‘zlab, yetti o‘lchab, bir kesgan holda, puxta o‘ylangan vazmin siyosat olib borganimizni bugun hayotning o‘zi qayta-qayta isbotlab bermokda.

Sobiq SSSR davrida O‘zbekistonga nisbatan Markaz tomonidan olib borilgan zo‘ravonlik siyosati, xalqimizni kamsitish, uiing extiyojlarini mensimaslik, yurtimizda paxta yakka hokimligi avjiga chiqib, iqtisodiy xolatimiz va xayotimiz jar yoqasiga kelib qolgani, norozilik lovullab yonib ketadigan darajada keskinlashib borgani hech kimga sir emas. Bunday vaziyatda xalqimiz juda tushkun ahvolga tushub qolgan edi. Hech qanday umid va ishonch yo’q edi. Bu vaqtda

xalqni qutqaruvchi qahramon orzuga aylangan va bu qiyinchiliklarning ohiri yo’qdek ko’rinar edi.

1989-yili 23-iyun kuni I.A.Karimov O’zbekiston Respublikasi rahbari etib saylandi. Bungacha bir necha kishilar bu lavozimga saylandi, lekin ularning ba’zilari o’zlarini o’ylasa ba’zilar yolg’on va’dalar bilan xalqni aldab keldi. Shu vaqtlari birinchi prezidentimizning “Biz bundan buyon eskicha yashay olmaymiz va bunday yashashga zamonning o’zi yo’l qo’ymaydi” deb aytgan gaplari mustaqilligimiz uchun bosilgan ilk qadamlardan biri deb hisoblasam adashmagan bo’laman. Chunki shu kundan boshlab xalqimiz orasida bu so’zlar umid uchqunlarini paydo etgandek bo’ldi. 1991-yil 18-avgust kuni o‘zini Davlat favkulodda holat qo‘mitasi - GKCHP deb atagan bir guruh siyosiy avantyuristlar davlat to‘ntarishini amalga oshirishga urindi. Ularning asosiy maqsadi eski, stabid, tugab borayotgan sovet tuzumini aslo o‘zgartirmasdan saqlab qolish edi. GKCHP ning murojaati 19-avgust kuni e'lon qilindi. Bu paytda I.A.Karimov ya'ni 1991-yil 17-19 avgust kunlari O’zbekiston delegatsiyasi rahbari bo‘lib Hindistonga ketgan edi. Ular GKCHP ning e’lon qilinganini eshitib Toshkentga qaytadi va 21-avgust kuni maxsus farmonga imzo chekadi. Unga binoan “Endi O‘zbekiston hududida hokimiyat va boshqaruv idoralari, korxonalar, tashkilot va muassasalarning qabul qilgan barcha qarorlari va ularning ijrosi O‘zbekiston SSSR konstitutsiyasiga va qonunlariga, O‘zbekiston SSSR Prezidentining farmonlari va O‘zbekiston SSSR Oliy Kengashi bilan O‘zbekiston SSSR Prezidenti huzuridagi Vazirlar Mahkamasi qaror va farmoyishlariga so‘zsiz mos kelishi shartligi belgilandi hamda GKCHP ning SSSR konstitutsiyasi va qonunlariga zid keladigan qonunlari hamda farmonlari haqiqiy emas” deb hisoblandi. Natijada 1991-yili 31-avgust kuni O’zbekiston Respublikasi Mustaqil deb e’lon qilindi va 1-sentyabr Mustaqillik kuni deb elgilandi. O’zbekiston sobiq mustabid tuzumdan qolgan o’ta og’ir muammolar, mavjud xavf-xatarlarga qaramasdan, o’z mustaqil taraqqiyot yo’lini qat’iy tanlab, demokratik jamiyat qurish sari dadil qadam qo’ydi. Mustaqillikning birinchi kunlaridan boshlab davlat suverenitetini mustahkamlash, ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy hayotni erkinlashtirish, inson manfaatlarini oliy qadriyat deb biladigan, bozor iqtisodiyotiga asoslangan huquqiy demokratik davlat, erkin fuqarolik jamiyati barpo etish, sog’lom va barkamol avlodni tarbiyalash davlat siyosati darajasiga ko’tarildi.

Mamlakatimiz mustaqillikga erishgandan so’ng bir qancha ishlar, islohotlar amalga oshirildiki, ularning sarhisobi esa bugungi kunda yaqqol ko’rinib, yuksalib bormoqda.Vatan ravnaqi, yurt tinchligi, yurtimizni har tomonlama yuksaltirib, erkin va farovon hayot sari bilimdon, aqlli, bilim darajasi yuqori bo’lgan yoshlarning shijoatli va g’ayratli, harakatchan, intiluvchan, eng muhimi yurtimiz ravnaqi uchun o’z hissasini qo’sha oladigan va ayamaydigan yoshlarni voyaga yetkazish oliy maqsadlardan biridir.

Mustaqil O’zbekistonning mamlakatlar ichida eng barhayotligi elimiz birligi, tinch-osoyishtaligi, gullab-yashnashi, barchasi yoshlarimizning hamfikr, hamjihatligidadir. Bugungi bilimdon, aqlli, zukko yoshlarimiz bor ekan, biz ular bilan faxrlanamiz, buyuk siymolar avlodi ekanligimizdan g`ururlanamiz, butun hayotimiz davomida bu bizga katta kuch beradi.

Bizning har bir sohada bilimdon, tadbirkorligimiz, birdamlik, hamjihatlikka egaligimiz, ota-bobolarimizni ijodiy meroslari-yu, buyuk mutafakkirlarimizning shunday ozod, obod, erkin demokratik fuqarolik jamiyatini qurish uchun o’zlarining butun umrlarini baxshida etib, mustaqillikka tamal toshi qo’ib ketganlari kunday ravshan.

Mustaqillikgacha bo’lgan davrda yagona mafkura hukmronligi ostidagi pedagogik tizim sharoitida yashadik, faoliyatimizni sobiq markazdan yuborilgan tavsiyalar asosida tashkil etdik. Natijada shaxs manfaatlari va ularning ma`naviy ehtiyojlari maktab devorlari ortida qoldi. Amalda maktab bitta yo’nalishga-kommunistik mafkurani mustahkamlashga xizmat qildi. Pedagogik ijod, ona tili va Vatan tarixi, geografiyasi, milliy urf-odatlar, an`analar, ma`naviyat va qadriyatni o’z o’quvchilariga o’rgatishdan deyarli mahrum etilgan o’qituvchi unga buyurilganlarnigina o’rgatuvchiga aylandi. Ta`lim-tarbiya ishlarining 70 yil davomida shakillanib qolgan ana shu illatlardan xalos qilish ta`limdagi islohotlarning tub mohiyatini tashkil qildi.

Mustaqil davlatimiz rahbariyati eng avvalo, ishni ta`lim sohasidagi davlat siyosatining huquqiy asoslarini yaratib berishdan boshladi. Sobiq ittifoq tarkibiga kirgan respublikalar ichida birinchilardan bo'lib, O'zbekiston Respublikasining Oliy Kengashi 1992-yil 2-iyulda "Ta`lim to'g'risida"gi qonunni tasdiqladi va shu yili qabul qilingan mustaqil O'zbekistonninng asosiy qonunida ham ta`lim sohasidagi davlat siyosati o'z ifodasini topdi. Bu dasturilamal hujjatda ta`lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy tamoyillari, ta`lim tizimi, uning boshqaruv tarkibi, pedagogik xodimlarning haq-huquqlari, burch va majburiyatlari aniq belgilab berildi.

Muxtaram birinchi Prezidentimiz Islom Karimov 1996-1997 yilga kelib, ta`lim-tarbiya tizimidagi jiddiy kamchiliklar ( maktablar, o'quv dargohlarining moddiy bazasi talab darajasida emasligi, o'qituvchi va tarbiyachilarning bilim saviyasi zamon talablariga javob bermasligi, 9 yillik majburiy ta`lim tizimi bugungi kun talablariga to'g'ri kelmayotgani va h.k.) ni bartaraf etish va bu sohani tubdan isloh etish bo'yicha muhim dasturiy xujjatlar qabul qilish lozimligini kun tartibiga qo'ydi. Shu bois tezda "Kadrlar tayyorlash milliy dasturini tuzish" komissiyasi tashkil etilib, unga Yurtboshimiz bevosita rahbarlik qildi. Natijada 1997-yil 29-avgustda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IX sessiyasida ta`lim sohasidagi islohotlarni takomillashtirish bilan bog'liq bo'lgan juda dolzarb huquqiy xujjatlar: "Ta`lim to'g'risida" gi qonun (yangi tahriri) va Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi qabul qilindi. Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi birinchi Prezidentimiz rahbarligida ishlab chiqilib, amaliyotga izchil joriy etildi. Bu dastur AQShdan so'ng dunyoda ikkinchi bor faqat O'zbekistonda qabul qilindi va bugungi kunda turli mamlakatlar bizning bu boradagi tajribalarimizni katta qiziqish bilan o'rganmoqda. Mazkur dastur o'zining mazmun-mohiyatiga ko'ra uzluksiz ta`limning yaxlit tizimini yaratishni, 9 yillik ta`limdan 12 yillik ta`limga o'tishni ko'zda tutadi. 2009-yildan boshlab, yurtimizda 12 yillik majburiy ta`lim joriy etildi.

O'zbekiston rahbariyati shunday bir sharoitda, xalqimiz, vatanimiz manfaati, yosh avlod kelajagini o'ylab, ta'lim-tarbiya soxasi ravnaq uchun zarur barcha kuch va imkoniyatlarni topib, ularni ishga solmoqda. Shu bois mamlakatimiz jahon jamoatchiligi tomonidan ta'lim-tarbiyaga ulkan e'tibor berayotgan davlatlardan biri sifatida e'tirof etilmokda.

AQSH ning CNN kompaniyasi tayyorlagan dunyo mamlakatlaridagi ta'lim sohasining ahvoli to'g'risidagi qiyosiy axborotda ta'kidlanishicha, ta'lim soxasidagi innovatsiyalar ko'rsatkichi bo'yicha dunyoda Irlandiya 75,70 ball bilan birinchi, O'zbekiston 75,38 ball bilan ikkinchi o'rinni egallagan.

Yillar, asrlar sinovida toblangan, ko'pni ko'rgan, bugun erkinlik havosidan nafas olib yashayotgan, o'z qadr-qimmatini, insoniy sha'nini, ne-ne ulug' zotlarning vorislari ekanini, o'zligini anglagan, milliy g'urur va iftixorini tiklagan, xalqaro maydonda o'ziga munosib o'rin egallab borayotgan, o'z kuchi va ertangi kuniga ishongan, o'z yurti, o'z farzandlarining kelajagi farovon bo'lishiga intilayotgan bizning xalqimizni hech qanday kuch to'xtata olmaydi.

Eng muhimi, mustaqillik yillarida xalqimiz o'zligini, kimlarning, qanday buyuk zotlarning avlodi ekanini anglab, milliy g'urur va iftixor tuyg'usi xamda qadriyatlarini tiklab, o'z kuchiga, bunyodkorlik salohiyatiga ishonib, bir-biridan ulug'vor ishlarni amalga oshirmoqda, erkin va ozod millatlar qatorida o'ziga munosib o'rinni egallamoqda. Mustaqilligimizning abadiyligi, go'zalligi, mustahkamligi bundanda yanada yuqorilab boraversin, tarixda shunday ajoyib, go'zal O'zbekistonning bardavomligi asrlar, ming-ming yillab davom etsin va yurtimizning ko'rkiga ko'rk, mustahkamligiga mustahkamlik, go'zal ravnaqi va rivojiga yoshlarimizning har biri o'zining hissasini qo'shaversin

Birinchi Prezidentimiz Muhtaram I.A.Karimovning "Menga qancha umr bersang, shu umrimning oxirigacha, butun borligimni, sizlar uchun, sizlarning baxtingiz uchun, sizlarning yorug' kelajagingiz uchun xizmat qilaman, kerak bo'lsa jonimni ham berishga tayyorman" deb aytgan gaplarini eslar ekanmiz, ular umrining oxirigacha, so'nggi nafasigacha, xalqimizning tinchligi va buyuk kelajagi haqida o'ylaganini yaqqol ko'rishimiz mumkin. Bizning xalqimiz bunday mard o'g'lonlarini hech qachon unutmaydi va biz yoshlar bunday buyuk xalqning farzandi, bunday ulug' ota-bobolarning avlodi ekanimizdan faxrlanib yashaymiz.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. “Mustaqillik - barcha ezgu reja va marralarimizning mustahkam mezonidir”. Toshkent, O’zbekiston, NMIU, 2013.
2. Karimov I.A. “O’zbekiston mustaqillikga erishish ostonasida”. Toshkent, O’zbekiston, NMIU, 2011.
3. Karimov I.A. “Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo’lida xizmat qilish eng oliy saodatdir ” Toshkent, O’zbekiston, NMIU, 2015.
4. Karimov I.A. “O’zbekiston XXI asr bo’sag’asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolotlari”, Toshkent, O’zbekiston, 1997.
5. Karimov I.A. “Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch”, Toshkent, “Ma`naviyat”, 2008.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Рахматов Н.Н.-БухДТИ ўқитувчи

Мамлакатимиз тарихида олтин сана сифатида мухрланиб қолган 1991 йил 1 сентябр албатта Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов исми билан боғликдир. И.А.Каримов 130 йил давомида мустақил давлатни орзу қилиб келаётган халқнинг ўз орзусига эришишида бир халқнинг фидоий вакили сифатида улғайиб майдонга чиққан ва ўз ортидан ҳаммани матонат билан эргаштира олиб, эртанги кунга ишонч уйғотган ва мамлакатни озодлик сари олиб чиққан жонкуяр бир давлат арбоби эди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида Биринчи Президент И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиёт йўли ва ислоҳотларни амалга оширишни белгилаб берган машҳур “Беш тамойил”и давлатни ҳеч оғишмай ўз олдига мақсад қўйиб дадил олға қадам ташлашга ёрдам берди. Ҳозирги кунда эса дунё жамоатчилигида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли “Ўзбек модели” сифатида эътироф этилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўтиш даврининг босқичини халқимизнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсат юритишга қаратилган давлат раҳбарининг сиёсати катта эътиборга моликдир. Айниқса, дастлабки даврларда кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга давлат ғамхўрлигини кўрсатиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлашга катта эътибор берилди. Маҳалла институти ташкил этилгандан кейин ҳам кам таъминланган ва кўп болали оилаларни қўллаб қувватлаш бўйича самарадорликни янада оширишга ва ижтимоий ҳимоя тизимини адресли йўналтиришга янада кўпроқ эътибор берила бошланди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш ва баркамол авлодни тарбиялашда ушбу тизимларни ҳамкорликда ривожлантириб, ислоҳотларни уйғун олиб боришга ҳаракат қилинди. Биринчи Президент И.А.Каримов томонидан айтилган “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур” каби фикрлари у кишининг олиб борган ижтимоий сиёсатларининг мағзини ташкил этди. Буюк бобокалонимиз Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида илгари сурилган комил инсон ва баркамол шахсни тарбиялаш концепцияси давлатимиз сиёсатининг азалий тамойилига айланиб улгурди ҳамда келажак авлодимизни жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келди. Ёшларимизнинг жисмонан соғлом бўлиб ўсишларини таъминлаш учун ҳам бирқанча давлат Дастурлари қабул қилинди, улар билан боғлиқ равишда ҳар бир йилга ном берилди. Жумладан, соғлом авлодни ва ҳар бир оиланинг мустаҳкамлигини ҳар томонлама таъминлаш мақсадида 1998 йил– Оила йили, унга мос равишда 2000 йил – Соғлом авлод йили, 2001 йил – Оналар ва болалар йили, 2007 йил- Ижтимоий ҳимоя йили, 2008 йил – Ёшлар йили, 2010 йил – Баркамол авлод йили, 2012 йил- Мустаҳкам оила йили, 2014 йил – Соғлом бола йили, 2016 йил – Соғлом она ва бола йили каби бир-бири билан ном ва амалий жиҳатдан боғлиқ бўлган йил номларининг қўйилиши ва улар бўйича соҳа ислоҳотларини олиб бориш ва ривожлантиришга

каратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ушбу йил Дастурлари давлат сиёсатининг энг асосий мақсади бўлган соғлом, маънавий етук ва билимли ёшларни етиштиришни назарда тутди. Биринчи Президентнинг 2002 йил 24 октябрида имзолаган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони ҳам бу соҳада қўйилган яна бир катта қадам бўлди. Ушбу фармон эса болаларимизни спорт орқали соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш масаласига жамиятимиз диққат-эътиборини қаратишга хизмат қилди. Бунда болаларимиз спорт орқали соғлом ва бақувват, ҳаётнинг барча мураккаб синовларига бардош берадиган инсонлар бўлиб вояга етишиши, руҳий-маънавий соғлом бўлиши ва ёмон йўлларга кириб кетишини олдини олишга қаратилган эди. Чунки, глобаллашув жараёнлари тез суръатларда ривожланаётган ва ўзга нотинч мамлакатлардаги турли нотинчликлар, террорчилик ва ақидапарастлик, гиёҳвандлик ёки жиноятчилик кўпгина давлатларга ўз салбий таъсирини кўрсатаётганлиги ортиб бормоқда эди. Спорт билан шуғулланган болаларда эса билим олиш, ўз қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга бўлган интилиш янада ортади. Шунингдек, таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотлар натижасида ёшларнинг таълим-тарбия олиши, ўз истеъдод ва иқтидорини намойиш этиши учун барча шарт-шароит яратилди. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури таълим тизимини, соғлом ва баркамол шахсни ўқитиш ва тарбиялашнинг ҳамма босқичларини тубдан ислоҳ қилиш, бу соҳада беқиёс натижаларга олиб келган янги узлуксиз таълим моделини яратиш учун асос бўлди. Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт- ё мамот, ё нажот- ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидир” каби айган фикрлари олиб борилган ислоҳотларнинг туб негизини ташкил этди.

Бугунги тез суръатларда ривожланаётган мамлакатларнинг ҳаётида юксак интеллектуал салоҳиятли кадрларга бўлган эҳтиёж кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда ҳам барча соҳалар учун мана шундай кадрларга эҳтиёжнинг борлиги ва уларни етиштириб чиқиш бўйича Миллий дастур И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилди. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни тайёрлаш жараёнида мамлакатимиз биринчи Президенти И.Каримов мутахассислар билан учрашган пайтларида бу ҳақда гапириб, Япония ва Америка Қўшма Штатларни мисол тариқасида келтирган эди. Япония охирги 50 йил давомида энг ривожланган давлатлар қаторига қўшилди. У бунга нима асосида эришди? Асосий сабаб таълим тизимининг такомиллашгани ва шу билан бирга ёшларда ўз таълим тизимига ишонч ҳосил қилганидир. Ваҳоланки мазкур мамлакатда тегишли ер ости ва ер усти бойликлари, табиий бойликлари йўқ. Америка Қўшма Штатлари дунёдаги кучли мамлакатлардан бири ҳисобланади. Аммо у ўзининг мавқеига бошқа йўл билан эришди. Америка кучли кадрларни, интеллектуал кучларни, асосан бошқа давлатлардан жалб қилиб олди. [1]

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ишлаб чиққан кадрлар тайёрлаш Миллий модели эса ўзининг ноёб ва такрорланмас хусусиятларга эга бўлиб, халқаро андозалардаги салоҳиятли, мустақил тафаккурли, билимли, малакали, ўз соҳасини чуқур эгаллаган шунингдек, ички инсоний сифатларга эга бўлган, маънан камолотга еткан кадрларни тайёрлашни ўз олдига мақсад қилган эди. 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” уч босқичда амалга оширилиб, 1997-2001 йиллар, 1999-2005 йиллар, 2005 йил ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олди. Мана шу давр ичида мамлакатимиздаги мактаб таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва ундан кейинги таълим тизими кенг ислоҳ қилинди ва юксак илмий салоҳиятга ва маънавий камолотга эга бўлган кадрларни тайёрлашга доимий эътибор қилинди.

Шунинг учун ҳам Биринчи Президент И.Каримов таъбири билан айтганда мамлакатимизнинг келажаги жисмоний ва маънавий камол топган, билимли ва кучли илмий салоҳиятли ёшларнинг қўлидадир.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов Баркамол авлод орзуси. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Тошкент–1999.
2. И.А.Каримов Биз танлаган йўл–демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. “Ўзбекистон” нашриёти, 2003.
3. И.А.Каримов Юксак маънавият–енгилмас куч. Тошкент “Маънавият” 2008.

ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ –ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ РАҲНАМОСИ

Рахмонов А.А.-ТТЙМИ ассистенти

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан то бугунги кунгачам спорт жуда ривожланди. Бунга сабаб биринчи президентимиз Ислом Каримовнинг олиб борган оқилона сиёсатларининг натижасидир. Биринчи президентимиз 1994 йил 30 май Тошкентдаги 1- халқаро теннис турнири очилиши маросимида - “Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди. Бизнинг бу халқаро турнирдан кўзлаган мақсаду муддаомиз - Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги катта салоҳиятини юзага чиқариш, бунинг учун етарли шарт-шароитлар борлигини кўрсатиш.

Спорт - ўзбек халқига қадимий анъана. Ўзбекистонимизда юзлаб халқ миллий спорт ўйинлари билан бир қаторда замонавий спорт турлари ҳам ривож топаяпти.

Биз ёзги ва қишки Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё биринчиликлари, чемпионатларида энг юксак ғалабаларга эришган юртдошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Спорт - тинчлик элчисидир. Бизнинг мақсадимиз ҳам - тинчлик, осойишталик ва шу асосда жаҳон аҳли билан ҳамкорлик қилиш.

"Соғлом танда - соғ ақл", дейдилар. Бизнинг яна бир мақсадимиз - ҳар томонлама камол топган, етук соғлом авлодни тарбиялашдир. Шу туфайли мустақил давлатимизнинг биринчи ордени ҳам "Соғлом авлод учун" деб аталди.

Соғлом авлодни эса спортсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ишончим комилки, мамлакатимизда сўнгги йилларда ўтаётган кўпгина халқаро мусобақалар қатори, теннис турнири ҳам бу хайрли ишимизга салмоқли ҳисса қўшади”- деб такидлагандилар.

Бундан ташқари Ислом Каримовнинг спортга оид хар бир сўзлари спортчилар учун ҳам қонун, ҳам рухий қувват сифатида таъсир қилади. Бунга мисол қилиб президентнинг қуйдаги - “Спорт - спорт учун эмас, энг аввало, одамлар учун, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан комил инсонлар этиб тарбиялаш учун, ер юзидаги барча кишиларнинг тинчлик-осойишталиги, дўстлик ва ҳамкорлиги, бахт-саодати учун хизмат қилиши даркор”- ҳикматли сўзларини келтириш мумкин.[1]

Юртимизда спортнинг ривожланишига яна бир сабаб спортга бўлган муносабат ва яратилган шарт-шароитлардир. Буларнинг сабабчиси албатта биринчи президентимиз Ислом Каримовдир.

Буни нфақат биз, балки бутун дунё такидлади. Биринчи президентимизга Халқаро Олимпия қўмитасининг Олтин ордени топширилгани яққол далилдир. 1996 йил 1 сентябрь Олимпия шон-шуҳрати музейининг очилиши маросимида сўзланган нутқларида “Бугун менинг катта бир орзуим амалга ошди. Менга Халқаро Олимпия қўмитасининг Олтин ордени топширилаётганда: "Олтин орден меники эмас, балки Ўзбекистон халқиники ва у янги очилаётган музейдан жой олади", деб ният қилган эдим. Энди бу орден Олимпия шуҳрати музейининг доимий экспонатига айланади. Мамлакатимиз вакилларининг Олимпия ўйинларидаги ютуқлари ҳам музейда кўз-кўз қилишга арзийди. Ҳисобимизда 38 та, жумладан 15 та олтин, 13 та кумуш, 10 та бронза медаль бор.

Бундан 5 йил муқаддам Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши мамлакатимиз спорти ҳаётида янги саҳифалар очди. Олдинги ютуқларни камситмаган ҳолда ке-йинги 5 йилда кўп йўналишларда 70 йил ичида эришилган натижадан кўра кўпроқ иш қилинди, деб айтиш мумкин.

Насиб бўлса, Олимпия ўйинлари олови албатта Тошкентда ёқилади. Ўзбекистон спортчилари ҳали кўплаб турнирларда рақиблару томошабинларни лол қолдириб, диёримиз номини шону шуҳратларга чулғайдилар.

Олимпия шуҳрати музейи шунчаки экспонатлар тўпламидан иборат маскан бўлибгина қолмасдан, балки у маънавият-маърифат ўчоғига, буюк Ватанга муносиб фарзандларни тарбиялаш марказига айланмоғини ва жаҳон спорт майдонларида фарзандларимизнинг юксак ғалабаларини тасвирлайдиган янги экспонатлар билан бойиб боришини истар эдим.

Ёшларимиз келишсин, кўришсин, қандай машҳур аждодлари, замондошлари борлигини билишсин, улар билан фахрланишни, ғурурланишни ўрганишсин. Ўз ўтмишини улуғлайдиган, бугунини эъзозлайдиган миллатнинг эртанги куни ҳамиша порлоқ бўлади” - деб таъкидлагандилар.[2]

Мамлакатнинг қудратини белгилайдиган омиллар кўп. Бироқ уларнинг энг асосийларидан бири шу юртда вояга етаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол ав-лоддир. Зеро, элюртнинг келажаги бугун камолга етаётган ёшлар қўлида. «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аввалambор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир», деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида.

Ана шу эзгу мақсадларни амалга ошириш мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлидаги давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан этиб белгиланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ёш авлодни юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва тафаккурга эга, айни пайтда соғлом турмуш тарзига риоя қиладиган, жисмонан соғлом, руҳан тетик инсонлар этиб вояга етказишнинг самарали тизими ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу жараёнда ўғил-қизларимизни жисмонан соғлом, кучли ирода ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга инсонлар этиб тарбиялашнинг бош омили, ўзбек спортининг келажаги, халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг асоси бўлган болалар спортини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантиришнинг ноёб тизимига асос солинди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 ав-густдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривож-лантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ислом Каримов Болалар спортини ривожлан-тириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда бу соҳада мамлакатимизда катта тажриба тўпланганини алоҳида қайд этди. Шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида ўнлаб замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этилди. 2011 йилда манзилли қурилиш дастурида болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгиланган топ-ширикдар тўла бажарилди. 214 та объект, жумладан, 130 та спорт иншооти, 19 та сузиш ҳавзаси ва 65 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мазкур жамғарма тузилгандан буён 1400 дан зиёд замонавий болалар спорти объекти фойдаланишга топширилди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган бу эзгу саъйҳаракатлар натижасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиз-дан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.

Бугун республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ўғил ва қизларнинг сафи тобора кенгаймоқда, улар томонидан қўлга киритилган совринлар миқдори, айниқса,

сўнгги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли спорт мусобақаларида Ўзбекистон вакиллари кенг ва фаол иштирок этмоқда. Бир пайтлар юртимиз спортчилари фақат орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида бугун истиклол фарзандлари - ёш спортчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритаётир.

Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 та медалга (51 та олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 182 та медаль (60 та олтин) жамғарди. Сув спорти турлари билан шуғулланадиган ёшларимиз энг кўп медал олгани алоҳида эътиборга сазовор.[3]

2011 йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида Узбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилгани юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатларнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Айни пайтда мамлакатимизда қарийб 30 та замонавий корхонада спорт товарлари ишлаб чи-қарилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш натижасида болалар спорти иншоотларини жиҳозлашда ишлатиладиган 120 турдаги спорт ускуна ва анжомларининг 113 тасини мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўтган 2016-йил бизнинг спортимиз тарихида унутилмас бўлди десам адашмаган бўлардим. Бразилияда бўлиб ўтган Олимпиадада юртдошларимимиз 4 та олтин, 2та кумуш ва 7 та бронзани қўлга киритишидир. Йил сайин юртимизда спорт ривожланмоқда ва бундан кейин ҳам ривожланади, бунга сабаб Биринчи президентимизнинг “Ёшларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт” –деган сўзлари бизларга куч-қудрат ва ишонч беради.

Адабиётлар

1. 1994 йил 30 май Тошкентдаги 1- халқаро теннис турнири очилиши маросимида сўзланган нутқи.
2. 1996 йил 1 сентябрь олимпия шон-шухрати музейининг очилиши маросимидасўзланган нутқи.
3. Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч»,Тошкент. 2008/
4. Баркамол авлод - мамлакатимизнинг мустаҳкам таянчи Президент Ислом Каримов раислигида 10 февраль куни Оксаройда Ўзбекистон Болалар спорти-ни ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтган.
5. «Умид ниҳоллари - 2012» спорт ўйинлари иштирокчиларига Ислом Каримов, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

БУЮК ЖАСОРАТ СОҲИБИ

Тошбобоев М.Ж.-ТАҚИ ўқитувчиси

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”

И.Каримов

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритган илк кунлардан бошлаб жуда оғир синовларни бошидан ўтказишига тўғри келди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов шундай ўғир паллада халқ дарду-ташвишини ўз елкасига олган юрт етакчиси бўлиб майдонга чиқди.

И.Каримовнинг Республика раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки йиллардан бошлаб юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, милатлараро ҳамжихатликни мустаҳкамлаш масалаларини энг муҳим устувор вазифалар этиб белгилаб олди. Мустақиллик шарофати билан бугун тинч ва осойишта юртда яшамоқдамиз боболаримиз ва момоларимиз дуога қўл очганларида доимо юртимиз тинч, осмонимиз

мусаффо бўлсин деган сўзни эшитамиз шу сўзнинг ўзиёқ тинчликни нақадар бебеҳо неъмат эканлигини исботлаб турибди. Бу тинч ва фаровон ҳаётимизни бевосита И.А.Каримов фаолияти билан боғлаганимиз бежизга эмас.

Биргина 1989-1991 йиллар оралиғида мамлакатимизда содир бўлган воқия ва ҳодисалар давлатдаги тинчликни издан чиқаришга, халқни яна узоқ йиллар қарамликда сақлашга қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Тинчлик масаласини нақадар долзарб эканлигини 1992 йил 4 январда Олий Кенгашнинг 9 сессиясида И.Каримовнинг халқимизга қилган қуйдаги мурожатларида ҳам кўришимиз мумкин бўлади. ”Азиз дўстлар! Нима керак бўлса, айтинг, ҳаммасини қилиб берамиз. Лекин, азиз оналар, опа-сингиллар, отахонлар, дўстлар укажонлар, мен Президент бўлсам ҳам сиздан тиз чўкиб сўрайман, илтимос қиламан: шу масалада ёрдам қилинг!

Ахир Қуръони Карим ҳам дўстликка, биродарликка чақиради, низо чиқаришни қоралайди.

Жанжал чиққан юртнинг худоси ҳам ундан юз ўгирар экан. Шу сабаб барака ҳам, рисқ-рўз ҳам насия бўлиб қоларкан!”[1]

Ушбу сўзлар йиллар давомида мустақиллика интилиб келган халқимизнинг қалбида ўз ифодасини топган сўзлар бўлди.

И.Каримовнинг вазиятга реал баҳо бериш, ностандарт қарорлар қабул қилиш қобилияти, халқимизнинг азму-шижоати, қатиий иродаси, бағрикенглиги,бунёдкорлик кучига эга бўлган чексиз ишончи ҳар бир нутқ ва марузаларида аниқ-равшан сезилиб турарди.

И.А.Каримов сиймосида тарихни бурилиш палласида халқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни яратади деган ҳақиқат ўз тастиғини топади. Бунга мисол сифатида мустақилликдан олдин яни 1990 йил 24 мартда Ўрта Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик лавозими жорий этилади. Бу эса табиийки марказдагиларга ёқмайди. Шундай жараёнда СССР давлат раҳбарлари йиғилишида СССР Президенти М.Горбачевнинг И.А.Каримовга нисбатан ўзидан кийинги иккинчи Президент деб мурожаат қилганида биринчи Президентимиз катта жасорат билан ҳеч кимдан кийинги иккинчи давлат раҳбари эмас балки ўзбек халқининг раҳбари эканлигини айтганда бошқа Совет давлат раҳбарлари И.Каримов жасоратини яна бир бор амалда гувоҳи бўлди.

Айниқса И.Каримов маънавият масаласига алоҳида эътибор берганликлари мустақилликни илк кунларида айтган ушбу сўзлари “Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар-қуллик ва мутейлик исканжасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримиз удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш- бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда .”[2] Бу сўзлар орадан қанча вақт ўтган бўлсада долзарблигини ва қадр-қимматини сақлаб қолмоқда.

Бугун дунёнинг энг ривожланган давлатларига эътибор берадиган бўлсак уларнинг энг катта муаммоси бу маънавият масаласи эканлигини кўришимиз мумкин бўлади. Чунки маънавият бу инсонни инсон қилиб турадиган, бевосита унинг ички дунёси, иймон эътиқоди ва виждони билан ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга қодир куч эканлигининг ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Инсон бахти нимада деган саволга И.Каримов шундай жавоб берган эдилар. “Инсоннинг бахти бу унинг ички дунёси билан, ички иродаси, иймон эътиқоди билан уйғун бўлса шу одамни мен бахтли ҳисоблайман.”[3] Ҳақиқатдан ҳам маънавий баркамол инсон шубҳасиз табиат гултожи ҳисобланади.

Ҳозирги кунда халқаро майдонда Ўзбекистон деганда барчанинг кўз олдига шубҳасиз “ўзбек модели” деган тараққиёт йўли келади. Тараққиётнинг “ўзбек модели”да

[1] Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент. Ўзбекистон 2011.
[2] И.Каримов Ўзбекистон миллий истиқлол , иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент. Ўзбекистон 1996й
[3] И.Каримов Юксак маънавият- енгилмас куч. Тошкент. Ўзбекистон 2008й

халқимизнинг барча ҳоҳиш истаклари мужассам бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаётдаги турмуш тарзини ўзида акс эттиради.

1993 йилда нашр этилган “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли асарида И.Каримов янги жамият қуришнинг беш тамоилини асослаб берди:

- Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги, ўзига хос ички қонунларга муофиқ ривожланиши.
- Давлат бош ислоҳатчи, иқтисодий ўзгартиришларнинг ташббускори.
- Қонун устуворлиги, қонун олдида ҳамманинг баробарлиги ва ҳамманинг қонунга бўсуниши.
- Бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолини муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялашнинг устуворлиги.
- Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил равишда ўтиш, ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш.

Шундай қилиб Ўзбекистоннинг ўзига хос тарққиёт йўли назарий ва амалий жиҳатдан пухта белгилаб олинди. Тараққиётнинг “ўзбек модели” бундан олдин яратилган ва мавжуд бўлган моделларнинг бирортасини такрорламаган ҳолда ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатдан бутунлай янги тараққиёт моделидир. Бу йўл халқимиз томонидан ҳам, халқаро майдонда ҳам тараққиётнинг “ўзбек модели” деб қабул қилинди.[1]

Танланган йўлимизни инқилобий йўл билан бажариб бўлмаслиги давлат раҳбарларидан бошлаб оддий фуқароларгача ҳаммага тушунурли эди. Ўзбекистонга хос тараққиёт йўлининг назарий, илмий, амалий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилиши бизнинг энг катта ютуғимиздир, танланган йўлнинг нақадар тўғри эканлигини халқимиз, дунёдаги нуфузли давлат арбоблари, сиёсатчилар, иқтисодчи олимлар томонидан эътироф этилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, тараққий топган Ўзбекистон давлатининг номи бевосита И.Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тарих зарварақларидан жой эгаллайди. Дунё тамаддуни шуни кўрсатадики буюк шахслар мангуга қолишлари учун уларга ҳайкал ўрнатилади. И.А.Каримов эса ҳали тириклик чоғидаёқ бутун ўзбек халқи қалбида ўз сиймосини мангуга муҳрлаган буюк жасорат соҳиби ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли. Тошкент. Ўзбекистон 1992.
2. Каримов И. Ўзбекистон- бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли Тошкент. Ўзбекистон 1993.
3. Каримов И. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент. Ўзбекистон 1996.
4. Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент. Ўзбекистон 2008.
5. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент. Ўзбекистон 2011.

ISLOM KARIMOV «O’ZBEK MODELI» ASOSCHISI

Iymanova D.A.- AndMI t.f.n.,dotsent,
Nazrullayev X.-AndMI talabasi

O’zbekiston xalqi istiqlol yillarida erishilgan mislsiz yutuqlarni haqli ravishda Islom Karimov nomi va faoliyati bilan bog’laydi. Islom Karimov mamlakatda amalga oshirilgan ulkan ishlar, tarixiy o’zgarishlarning tashabbuskori va rahnamosidir. Islom Karimov suveren va mustaqil O’zbekistonni barpo etish, xalqparvar demokratik huquqiy davlat yaratish, fuqarolar tinchligi va milliy totuvlikni ta’minlash ishiga qo’shgan ulkan hissasi hamda bu borada matonat va jasorat ko’rsatganligi uchun «O’zbekiston Qahramoni» unvoni, «Mustaqillik» va Amir Temur

[1] И.Каримов Ўзбекистон- бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли Тошкент. Ўзбекистон 1993й

ordenlari bilan taqdirlangan. Shuningdek, u bir qancha xorijiy davlatlar va nufuzli xalqaro tashkilotlarning faxriy unvon, orden va medallari bilan ham mukofotlangan. Xalqning o'ziga xos xususiyatlari hamda ilg'or jahon tajribalarini mujassamlashtirgan iqtisodiy islohotlarning yangi modelini ishlab chiqdi. Bu "O'zbek modeli" deb e'tirof etildi. Istiqlolimiz sharofati bilan iqtisodiyotimizga bozor munosabatlarini joriy etish, mavjud ijtimoiy-iqtisodiy, xalqaro masalalarni, o'z milliy manfaatlarimizdan kelib chiqqan holda mustaqil hal etish imkoniyati yaratildi. Boshqacha aytganda, mamlakatimizda bozor iqtisodiyotiga o'tish jarayoni qadimiy milliy davlatchiligimizni qayta tiklash va milliy iqtisodiyotimizni shakllantirish bilan uyg'unlikda olib borildi. Davlatimiz birinchi rahbari, Islom Karimov uzoqni ko'zlab, oqilona yuritayotgan siyosati samarasida O'zbekistonda bozor iqtisodiyotiga o'tishda butunlay katta yo'qotish va talotumlardan chetlab o'tildi. Ijtimoiy adolatsizlikka, aholining keskin tabaqalanishiga yo'l qo'yilmadi. Bozor iqtisodiyotiga o'tishning tadrijiy, bosqichma-bosqich yo'li tanlandi. Bu borada ijtimoiy adolatni ta'minlashda davlatning islohotchilik ro'li katta ahamiyatga ega bo'ldi. Prezidentimiz Islom Karimov o'zining iqtisodiy siyosatga bag'ishlagan asarlarida bozor iqtisodiyotining shakl-shamoyillari, unga o'tishning zaruriyati, shart-sharoitlari va omillarini puxta asoslab berdi.

Ma'lumki, O'zbekiston 1991- yili o'z mustaqilligini qo'lga kiritganidan so'ng umrini, o'tab bo'lgan mustabid, ma'muriy –buyruqbozlik, rejali taqsimot tizimidan voz kechib, "O'zbek modeli" deb nom olgan taraqqiyot yo'lini tanlab oldi. "O'zbek modeli" tushunchasi, avvalo O'zbekistonning mustaqil milliy taraqqiyoti qanday bo'lishi lozimligini asoslaydigan, uni muayyan maqsadlarga yo'naltiradigan eng umumiy nazariy xulosalar va mo'ljallar bilan davlatning belgilangan maqsadlarga erishishga qaratilgan amaliy soyosatining mushtarakligini anglatadi.

I.A.Karimov "O'zbekiston-bozor munosabatlariga o'tishning o'ziga xos yo'li" risolasida mamlakatimiz mustaqillikka erishganidan keying dastlabki yillardagi rivojlanish jarayonlarini tahlil qilib, O'zbekistonda davlat qurilishi va iqtisodiyotni isloh qilish dasturining o'zagi sifatida 5 ta asosiy tamoyilni belgilab berdi. Ilmiy va amaliy jihatdan puhta ishlab chiqilgan bu dastur nafaqat o'sha dasturdagi avlod taqdirini balki kelajak avlodlarimiz taqdirini ham o'ylab tuzilgan jahonga tanilgan taraqqiyot O'zbek modeli bo'ldi[1]. Islohotlarning "O'zbek modeli" bundan oldin dunyoda yaratilgan va mavjud bo'lgan modellarning birortasini takrorlamagan holda, o'z mohiyati va mazmuni jihatidan butunlay yangi taraqqiyot modeli bo'ldi. Taraqqiyotning "O'zbek modeli" quyidagi besh tamoyilga asoslandi;

1. Iqtisodiy islohotlar hech qachon siyosat ortida qolmasligi kerak, ya'ni iqtisodiyot siyosatdan ustun bo'lishi kerak. Shuningdek, ichki, tashqi va iqtisodiy munosabatlarni mafkuradan holi etishni ta'minlash zarur.

2. Bozor iqtisodiyotiga o'tish davrida davlat asosiy islohotchi bo'lishi lozim. U islohotlarning ustuvor yo'nalishlarini belgilab berishi, o'zgarishlar siyosatini ishlab chiqishi va uni izchillik bilan amalga oshirishi shart.

3. Qonun ustuvorligiga erishish, qonunlarga qat'iy rioya etish lozim. Buning ma'nosi shuki, demokratik yo'l bilan qabul qilingan yangi Konstitutsiya va qonunlarni barcha hech istisnosiz hurmat qilishi va ularga og'ishmay rioya etishi lozim.

4. Aholining demogratik tartibini hisobga olgan holda kuchli ijtimoiy siyosat o'tkazish kerak.

5. Bozor iqtisodiyotiga o'tish iqtisodiyotining obyektiv qonunlarini e'tiborga olib, yaqin o'tmishdagi inqilobiy sakrashlarsiz, ya'ni evolyutsion yo'l bilan puxta o'ylab, bosqichma-bosqich amalga oshirildi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ta'kidlab o'tganidek, mazkur bosqichda "Erkinlashtirish va islohotlarni chuqurlashtirish nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy, siyosiy vazifalarni hal qilishning asosiy shartidir" deb aytgan edi [2].

Islom Karimov olib borgan iqtisodiy siyosatning asosiy ustuvor yo'nalishlari quyidagilar bo'ldi:

• mamlakatni modernizatsiya qilish, jamiyatni yangilash, iqtisodiyot jadal sur'atlar bilan o'sishi va uning makroiqtisodiy mutanosibligini ta'minlashga qaratilgan islohotlarni yanada

chuqurlashtirish, bu yo'nalishlarni amalga oshirishning garovi bo'lmish tadbirkorlik, kichik biznes va fermerlik harakatining izchil qadamlar bilan erkin rivojlanishiga kafolat va imtiyozlar beradigan siyosatni davom ettirish va kuchaytirish;

• iqtisodiyotdagi chuqur tarkibiy o'zgarishlarni yangi bosqichga ko'tarish, faol investitsiya siyosatini amalga oshirish, soliq yukini kamaytirish, yuksak texnologiyalar bilan qurollangan tarmoq va ishlab chiqarish korxonalari, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivoji uchun yanada qulay shart-sharoitlarni yaratish;

• o'rta sinf vakillari – tadbirkorlik, fermerlik harakati va xususiy biznes tuzilmalarining, barcha moddiy va intellektual mulk egalarining manfaatlarini ustun qo'yish, ularga to'liq imtiyoz va imkoniyatlar yaratib berish, ularni qo'llab-quvvatlash;

• iqtisodiyot yuqori sur'atlar bilan rivojlanishini ta'minlash hisobidan xalqimizning real daromadlari va farovonligini oshirish, muhim ijtimoiy dasturlarni hayotimizga muvaffaqiyatli tadbiq etish;

• zamonaviy mehnat bozorini yanada kengaytirish asosida yangi ish o'rinlari tashkil etish, sog'liqni saqlash va aholi salomatligini muhofaza qilish, onalik va bolalikni himoya qilish, yosh oilalarni qo'llab-quvvatlash, yordam va ko'makka muhtoj toifalarga, kam ta'minlangan oilalarga e'tibor va g'amxo'rlikni kuchaytirishga qaratilgan ijtimoiy himoya siyosatini amalga oshirish;

• kuchli davlatdan kuchli fuqarolik jamiyatiga bosqichma-bosqich o'tishga erishish;

• hayotimizning barcha sohalarini erkinlashtirishga doir islohotlarni faol davom ettirish, shu asnoda inson, uning huquq va erkinliklarini eng oliy qadriyat va boylik sifatida jamiyatimiz hayotida asosiy o'ringa qo'yish, "Inson manfaati har narsadan ulug'" degan tamoyilni amalda ro'yobga chiqarish[3].

Yurtboshimiz: **"O'zbekiston yoshlarini hech kimga bermayman"**, derdilar. Biz yoshlar, qo'limizni ko'ksimizga qo'yib, baland ovoz bilan aytamiz: **"Biz yoshlar mustaqillikni hech kimga bermaymiz!!!".** Muhtaram Prezidentimiz siz yoshlar MENING FARZANDLARIM der edilar.

O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti Islom Abdug'anievich Karimovning porloq xotirasi qalblarimizda abadiy qoladi. Bu buyuk insonning O'zbekiston xalqi uchun qilgan buyuk xizmatlari, biz yoshlar uchun qilgan katta ishlari, bildirgan ishonchlarini oqlagan holda kelajakda albatta Vatanimiz uchun astoydil xizmat qiladigan kuchli, bilimli, salohiyatli mutaxassislar bo'lishga chin yurakdan harakat qilamiz.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. "O'zbekiston-bozor munosabatlariga o'tishning o'ziga xos yo'li- Toshkent: O'zbekiston: 1993: 14-bet.
2. Karimov I.A. "Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot-pirovard maqsadimiz-Toshkent " O'zbekiston: 2000: 15-bet.
3. "XXI ASR" gazetasi. 2016-yil 20-oktabr, 44 (676)-son.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АДАБИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ САЪИЙ-ҲАРАКАТЛАРИ

Айтмуратова П.Г.,Ибрагимова Д.С.-СамМИ ўқитувчилари

Ҳозирги кунда биз тинч, обод, бахтли ҳаётда яшаяпмизки, бу кунларга етишишимизга бизга ўз ҳаётини фидо қилган инсон Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовни эслаб турмасак адолатсизликка киради. Юртимиздаги ҳар бир инсон, яъни етти ёшдан етмиш ёшгача булган шахслар Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовни давлатимиз учун бажарган ишлари, юртимизнинг мувафақиятларига караб, миннатдор бўлиб эслашади.

Давлатимиз мустақиллик йилларида халқимиз фуқаролик жамияти ривожининг маънавий-маърифий жабҳаларида улкан ютуқларига эришди: миллий ўзлигини англади, менталитети жаҳон сари юз тутди, адабиёт ва санъат равнақ топди. Миллат ва элатлар ўз иззатини тиклади, юксалди. Яъни адабиёт қалб-шуури, маънавий бойлигимизга айланди.

Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов “Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор” асарида қуйидагича таъкидлаганлар: “Бир сўз билан айтганда, халқимиз адабиётни муқаддас ва улуғ бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз ҳаётида бу соҳа намоёндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди.” Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 2016-йил 13-майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони, ўша пайтда, адабиётнинг халқимиз ва жамиятимизнинг равнақ топиши, маънавий ривожи мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, қалбни руҳан покланишдаги роли ва ўрни нақадар аҳамиятли эканлигидан далолат бериши билан бир қаторда адабиётга-маънавиятга эътиборнинг яна бир тимсоли, бу соҳада бошланган туб ислоҳатларнинг давоми бўлди. Мазкур фармон янги ташкил этилаётган университетнинг энг муҳим масалалари сирасига: “..... илмий бадиий ва бошқа соҳалардаги адабиётларни ўзбек тилидан инглиз ва бошқа хорижий тилларга, шунингдек, жаҳон тилларидан она тилимизга юксак сифат ва маҳорат билан таржимо қиладиган таржимонлар тайёрлаш; талаба ёшларни ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунъё қарашга эга бўлган ва мустақил фикирлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб табиялаш;” лозимлиги кириши қайд қилинган.

Янгиланаётган адабиёт, ўз навбатида демократик жамиятнинг мустаҳкамланишида қудратли қурол вазифасини утайди. Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг яна бир қимматли “Юксак маънавият-енгилмас куч” деб номланган асарида: “Шу мақсадда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, юртимизда амалга оширилаётган кенг куламли ишларнинг амалий натижаси ўлароқ, адабиёт ва санъат, маданият, матбуот соҳаси мафкуравий тазийқдан бутунлай ҳалос бўлганини қайд этиш жоиз. Ҳар қандай ижод намунаси, бадиий асар синфий бўлиши ва қандайдир ғояга, коммунистик мафкура манфаатларига хизмат қилиши керак, деган қарашлар бугун ўтмишга айланди. Эркин ижод учун, миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонлик ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди”,- деб таъкидлаган эди.

Адабий миллийдир, у ҳар бир халқ маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Халқнинг тарихий ҳаёти ҳамда руҳиятидаги хусусиятлар адабиётнинг миллийлиги мазмунини ташкил этади ва ўзига хос миллий шаклни юзага келтиради. Миллий шаклнинг юзага келишида адабиёт томонидан узоқ давр мобайнида йиғилган тажриба ва анъаналарининг ҳам аҳамияти катта бўлади. Шу боис “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта”,- деб қайд қилиб ўтганлар Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч асари”да. Халқимизнинг минг асрга татигулик халқ оғзаки ижоди намуналари- “Алпомиш”, “Гўрўғли” достонлари каби қаҳрамонлик жасоратни тараннум этувчи эпослар ўқувчининг, ёш авлоднинг бадиий тафаккурини ўстиришга маънавий дунё қарашининг бойишига, Ватанга бўлган муҳаббат ва фахрланиш ҳиссини янада оширишга хизмат қилади.

Адабиёт барча оммавий ахборот воситалари, театр, кино, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолият, бу- халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосисида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтариш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шу боис Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг қуйидаги: “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Барчамизга аён бўлиш керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи-бўларчиликка ташлаб қўйилса, уша ерда маънавият энг онгсиз ва заиф нуқтага айланади.

Ва аксинча, қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл- идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, уша ерда маънавият қудратли кучга айланади.”- деб айтиб ўтган таъкидини барчамиз эслаб юришимиз зарур. Демак, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ҳам маънан, ҳам жисмонан қудратли куч сифатида намоён бўлар экан, давлатимиз тинч ва асойишта ҳамда очиқ фуқаролик жамиятига айлана бориши – асосий мақсадимиздан бири бўлиб қола беради.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов «Юксак маънавият- енгилмас куч». Т. «Маънавият» 2008.
2. И.А.Каримов «Миллий истиқбол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир». Т., «Ўзбекистон» 2000.

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЭНГ БУЮК ЖАСОРАТИ

Абдуллаева М.А.- ФарПИ ассистенти
Мухаммадёқубов Х.Э. - ФарПИ талабаси

Ўзбекистон Республикаси ўзининг куч ва имкониятларига таянган холда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган хуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият ва устивор мақсад қилиб қўйиладиган эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида қатъият билан боришида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ўрни беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси учун мустақилликка эришиш ўзи бир тарих. Айни бу тарих зарварақларида Ислом Абдуғаниевич Каримов номи мухим ахамият касб этади. Ислом Абдуғаниевич Каримов Республикамиз раҳбари этиб сайланган кундан бошлаб мамлакатимизда маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий сохаларда туб ўзгаришлар кузатилди. Бу борада 1989 йил 24 июнь куни Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон ССР Министрлар Советида катта мажлисдаги нутқининг ўзида, яъни “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”,[1] деган улуғ мақсадни ўзи мамлакатимизда барча сохалардаги ўзгаришлар учун замин бўла олган.

Халқ, унинг манфаатлари ва ахолининг яшаш шароитларида фаровон хаётни таъминлаш мақсадида 1989 йил 17 августда Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида “Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш хақида” қарор қабул қилинди.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 1989 йил 23 июндан бошлаб олиб борган амалий ишлари натижасида 1991 йил 31 август кунидан Ўзбекистон мустақил давлат дея эълон қилинди. Миллий давлат мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон бозор иқтисодиёти йўлини танлади. Биринчи Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуслари билан Собиқ шўралар давридаги социалистик тизимнинг иқтисодий асосини ташкил этган режалаштирувчи сиёсатдан воз кечди. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш қонунияти умумий бўлиб, ана шу қонуниятлар асосида ривожланиб бораётган ҳар бир мамлакат ўзининг тарихий тараққиёти анъаналари, миллий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган холад ўз йўли, ўз моделини ишлаб чиқиши лозимдир. Бу борада Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурини ўзаги сифатида бешта тамойилни ўртага ташлайди:

- Биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, яъни иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши кераклигидир.
- Иккинчидан, давлат бош ислохотчи бўлиши лозим.
- Учинчидан, қонун устуворлиги яъни қонунларга риоя қилиш устувор бўлиши керак.
- Тўртинчидан, мамлакатда кучли ижтимоий-сиёсатни амалга ошириш даркор.

- Бешинчидан эса, бозор иқтисодиётига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш зарурлигидадир.

Бу борада мамлакатимиз танлаб олган тараққиёт йўли “ўзбек модели” деб ном олган крнцепция Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳани ривожлантиришга мухим хисса қўшганлигини таъкидлаш ўринлидир. Мамлакатимизда мустақиллик йиллариданоқ иқтисодий соҳани ривожланишлилиги ижтимоий қатламни таъминлашга замин яратди. Шу ўринда 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг ахолини ижтимоий химоялаш тизими тубдан ўзгартирилди. Ахолига ижтимоий кўмак беришнинг кўмак беришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. 1994 йил 24 августда Биринчи Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида” ги фармонига кўра 1994 йилнинг октябръ ойидан давлат кам даромадли оилаларга фаол ёрдам бера бошлади.

1997 йил 10 декабрда болали оилаларга ижтимоий ёрдам берилишни кучайтириш, ахолини ижтимоий химоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда қуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни ва маъсулиятини ошириш мақсадида “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида” ги Фармони чиқарилди. Унга кўра 1997 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш йиғинлари орқали ёрдамга муҳтож, болали оилаларга болаларнинг сонига қараб энг кам иш ҳақининг 50 % дан бошлаб 175 % гача нафақа берилди.

Бу Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг аҳоли ижтимоий қатламини қўллаб-қувватлашнинг ўрта босқичлари бўлди, айни соҳага доир қонун, қарор ва фармонлар чиқарилиб ижроси таъминланди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов шу мамлакат ёшларини менинг фарзандларим, болаларим дея жонкуярлик билан иш олиб борди. Келажак эгаларига бўлаг биргина эътиборни 1997 йил сентябрь ойидан бошлаб ҳар йили 1-синф ўқувчиларига бепул ўқув анжомлари ва дарсликлар бериш жорий этилганидан кшриш мумкин. Аслида мамлакатимизда ёшларга эътиборни мустақилликка эришган илк кунларданоқ “Ёшларга оид давлат асослари тўғрисида” ги қонунни қабул қилинишидан англаш мумкин. Ислом Абдуғаниевич Каримов ёш авлодни тарбиялашга, уларни комил инсон бўлиб жамиятга киришликларига алоҳида эътибор қаратди. Буни Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ушбу сўзларидан “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жахон хамжамиятидаги обрў-эътибори аввалombор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб хаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир хақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак ”, кўриш мумкин.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг узоқни кўзлаб олиб борган оқилона сиёсати туфайли мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидаёқ автомабилсозлик йўлга қўйилди. Мустақилликка эришгунимизга қадар бир машина учун йиллаб навбат кутган ахоли, энди ўзимизни автомашинани навбатсиз олиш имкониятига эга бўлди.

Биринчи Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, бой маданий меросимизни асраб авайлашга алоҳида эътибор қаратди. Бу борадаги Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ушбу сўзларидан – “Умуман олганда, инсоният тарихи маънавият –инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч қудрат манбайи эканини, бу хаётда маънавиятсиз хеч қачон одамийлик ва мехр оқибат, бахт ва саодат бўлмаслигини яққол тасдиқлайди”[2]- қай даражада эътибор қаратганлигини билиш мумкин.

Аслида Ислом Абдуғаниевич Каримов мустақил Ўзбекистон учун амалга оширган фидокорона мехнатлари, ислохотлари буюк бир китоб бўлади. Шу халқ, унинг фуқаролари ҳеч кимдан кам бўлмай яшашлиги учун, юрт тинчлигини сақлаш учун яшаган Биринчи Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов тўғрисида адабиётшунос Озод Шарафуддиновнинг “Довондаги уйлар ”китобидаги қуйидаги сатрлар кифоя қилади. “Бу Президентнинг Америкага сўнгги сафари вақтида рўй берган эди. Нью-Йоркда йирик

давлат арбоблари, донгдор молиячилар, миллиардер бизнесменлар овқатланадиган ошхона бор экан. Мезбонлар Ислом Каримовни шу ерга олиб киришибди – бу дастурдан ташқари бўлган экан. Ислом Каримовнинг залга келгани баланд овозда эълон қилиниши билан ҳаётда унча-мунча Президентларни менсимайдиган, уларнинг олдида бамайлихотир овқатни кавшаб, сақичини чайнаб ўтираверадиган уч юз одам ўринларидан сапчиб туриб, уни давомли қарсаклар билан олқишлабди.

Мен бу гапларни эшитганимда яна бир марта бир қоп семирдим, гўё, ўша залда мен хам бор эдим-у Американинг манаман деган зодагонлари мени муборакбод қилиб қарсак чалишган эди. Аслида ҳам шундай эди-да. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Президенти эди, у ўзбек халқининг вакили, шу халқнинг мухтор элчиси эди. Унинг шаънига янграган олқишлар айни чоғда ўзбек халқининг, менинг халқим шаънига янграган эди. Бунинг учун ифтихор қилмай бўладими? ”[3].

Адабиётлар

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2015.
2. И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент, “Маънавият”, 2008.
3. О.Шарафиддинов “Довондаги уйлар” Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.

И.КАРИМОВ - МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ АСОСЧИСИ

Давлатова Ш.-ТерДУ катта ўқитувчиси

Истиқлол йилларида мамлакатимизда халқимизнинг ўтмиш тарихи, маънавияти, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари, анъаналари, тили ва динини қайта тиклаш, ўрганиш борасида бир қатор амалий ишлар қилинди. Асрлар давомида мустамлакачилик зулми асоратида эзилган, камситилган, шаъни ва ғурури топталган, ҳуқуқ ҳамда манфаатлари поймол этилган, ўзлигидан маҳрум қилинган ўзбек халқининг эзгу ниятлари рўёбга чиқди. Бу жараёнларнинг амалга ошиши давлат ва жамоат арбоби, етук сиёсатчи, ўзбек халқининг доно раҳбари И.Каримов номи ҳамда фаолияти билан боғлиқдир. И.Каримов тарихимизнинг оғир ва машаққатли, суронли, фожиали, талон-тарожликлар авж олган бир даврида давлат бошлиғи сифатида иш бошлаган эди. 1989 йил 23-июнда давлат тепасига келган бўлса, эртаси куни 24-июнда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фарғона водийси областларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган Кенгашида нутқ сўзлаб, “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи ҳам йўл қўймайди” деган масалани кун тартибига қўйди. Бу биринчи Президентимизнинг келажакни олдиндан кўра олиши ва ўша вақтдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни тўғри ҳамда ўз вақтида таҳлил қила билиши бўлди, десак хато бўлмайди. Кейинчалик халқимиз англадики, бу қуруқ ваъдалар эмас, балки аниқ, қатъий қарор, ҳаракат, изчил мақсад эди.

1989 йил 21-октябрда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши мустақиллик учун биринчи қадам ва маданият ҳамда маънавиятимизни тиклашнинг дастлабки амалий натижаси бўлди. Чунки совет мафкураси халқимизни “... ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам...”[1]га айлантиришни мақсад қилиб қўйган ва шу сари ҳаракатлар амалга оширилиб келинмоқда эди.

И.Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан мустақилликнинг илк давридан бошлаб ақлу заковати, илмий салоҳияти, бой маънавий мероси билан нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон цивилизациясига ўз ҳиссаларини қўшган, ўзбек халқининг миллий ғурури ва ифтихорига айланган Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, А.Темур, А.Навоий, З.М.Бобур, Улуғбек сингари буюк зотларнинг фаолиятини ўрганишга эътибор кучайди, уларнинг айримлари янгича ёндашувлар асосида талқин этила бошланди. Айни вақтда ана шундай буюк мутафаккирларимизнинг руҳларии ва хотиралари барҳаёт сиймолар

[1] Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т,Ўзбекистон, 2012, 69-бет.

сифатида ёд этилмоқда. Биринчи юртбошимизнинг шарофати билан матонатнинг, жасоратнинг, садоқатнинг, ватанпарварликнинг илк пойдеворини қўйган Широқ, Тўмарис, Алпомиш, уларнинг давомчилари Ж.Мангуберди, Н.Кубролларнинг номларини бугунги кунда ёшларимизга намуна қилиб кўрсатиш бахтига муяссар бўлдик.

Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида халқимиз, ватанимиз тарихи саҳифаларидан атайлаб ўчиришга ҳаракат қилинган, қатағон этилган, "ватан хоини", "халқ душмани" сифатида турли тазйиқларга дучор бўлган, жазоланган А.Қодирий, А.Чўлпон, А.Фитрат ва У.Носир каби Ватанимиз озодлиги, миллатимиз эркини ўз асарларида ифода этган сиймоларнинг номлари қайта тикланди, уларнинг асарлари қайта чоп этилиб ўрганилмоқдаки, бу ҳам бевосита И.Каримов номи билан боғлиқдир. Мазкур ишлар халқимизнинг маънавиятини тикланиши ва янгиланишига олиб келди. Бу ҳаракатлар биринчи Президентимиз томонидан "Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир",[1]- деган ғоянинг ижобати бўлди.

"Маънавият-тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиш керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди"[2].

Демак, ҳар бир халқ, миллат ўз маънавиятини ўзи яратади. Халқимиз И.Каримовнинг шижоати, бунёдкор давъатлари, буюк хизматлари, раҳнамолиги билан жамиятнинг барча соҳаларида бўлганидек, маънавий жабҳада ҳам туб янгиланиш ва ўзгаришларни бошлади ҳамда амалга оширди. Бу юртбошимиз учун ҳам, халқимизга осон бўлмади. Ўтиш давридаги иқтисодий ва сиёсий қийинчиликларга ҳар томонлама сабр-тоқат ила, ўрни келганда ақл билан, зарур бўлса қўл билан тинимсиз меҳнат қилиб бунга эришиб бормоқдамиз. Халқимиз аждодларининг маънавий хазинасидан баҳраманд бўлиб, уларга ҳар томонлама мос ва хос авлодлар эканликларини намоён этиб, мамлакатимиз тинчлигига таҳдид туғдирган Фарғона, Тошкент, Андижон, Бўка, Сариосиё, Узун ҳудудларида бўлиб ўтган турли террористик ҳаракатларни енга олди. Ишонч билан эътироф этиш жоизки, бунга И.Каримов юксак маънавий жасорат билан халқимизни қўллаб-қувватлаб туриши сабаб бўлди.

Хуллас, И.Каримов халқимизнинг асл фарзанди сифатида маънавият соҳасида ҳам бугунги авлодлар учун ибрат бўлаётган бир қанча ишларни амалга оширдиларки, айни даврда ҳар биримиз юртбошимиз томонидан бошланган эзгу ишларни давом эттирмоқдамиз ва бу табаррук сиймо ҳақида

Ҳурлик, озодлик учун Сиз чекдингиз кўп жафо
Эрк бердингиз бизларга истаб садоқат, вафо
Осон бўлмаяпти-ку айрилиқ, бўлмоқ жудо
Жаннат бўлсин жойингиз Ислом бобо алвидо, -деб хотирлаяпмиз.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BIRINCHI PREZIDENTI ISLOM ABDUG'ANIYEVICH KARIMOV – BARKAMOL AVLOD TARBIYASI XUSUSIDA

Habibullayev O.M.-TKTI o'qituvchisi

"Farzandlarimiz bizdan ko'ra kuchli, bilimli, dono va albatta baxtli bo'lishlari shart".

I.A.Karimov

"Bizdan ozod va obod Vatan qolsin",- "sizdan ozod, obod, mustahkam taraqqiyot uchun, kelajagi buyuk, asosli poydevorga ega Vatan qoldi". Darhaqiqat, o'zbek xalqining millat otasi, faxru iftixoriga aylangan buyuk shaxs, o'ziga xos iste'dod, noyob fazilatlar egasi, mustaqillik

[1] Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар 1-жилд, Т, Ўзбекистон, 1996, 76-бет.
[2] Ўша ерда 81-бет.

me’mori Islom Karimov “Yosh avlodga biz ozod va obod vatanni meros qoldirmog’imiz kerakki, ular bobolarning ulug’ niyatlari va ishlarini davom ettirsinlar. Chunki yoshlarning ma’naviy uyg’oqligi millatni gaflatdan asrovchi asosiy omillardan biridir”,-deya ko’p marotaba ta’kidlagan edi. Kishilik g’ururidan ustun kelgan noma’lum narsa, yuzlarni namlagan nurli tomchilar, o’zligim yo’qotib do’stlar rag’batiga muhtoj kunlarim, ularni foniy dunyoga kuzatib, hayotda yaqinlarni yo’qotishdek og’ir musibat taftini sezib, miyamni o’ylar majmui chulg’ab, tunlarni uyqusiz o’tkazgan damlarim hali-hamon esimda… Ayni sanalarda mening dunyo yuzini ko’rishim, ilmu tafakkur bilan uni anglashim, mavjud ijtimoiy hayotda shaxs sifatida takomil topishimga sababchi bo’lgan volidayi muhtaramam hamda padari buzrukvorimdan taqdiri ilohiy sabab judo bo’lgan edim. 2016 yil 2 sentabr nafaqat men, balki butun o’zbek millati, O’zbekiston xalqi o’z padarini yo’qotgandek og’ir judolikni boshidan kechirgan edi. Mamlakatimizda mustaqilligimiz sharofati bilan erishilgan yutuqlarimizdan biri marhum Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning zamonaviy fikr-o’ylari bilan bitilgan asarlari bo’ldi. O’zbekistonda har bir xonadonga kirib borgan ko’p ma’noli asarlarini o’qib, fikr-mulohaza qilib, munosabat bildirmagan kitobxon bo’lmasa kerak. Birinchi prezidentimiz Islom Karimov juda katta ilmiy, amaliy, ma’rifiy, ma’naviy salohiyat sohibi edi. Uning yuzdan ortiq asarlari dunyo yuzini ko’rdi. Bu asarlar hammamizga hayotning barcha jabhalarida harakat dasturi, boy bilim xazinasi bo’lib xizmat qilmoqda. Shuning o’zi har qancha e’tiboru e’tirofga munosib.

Bugungi kunlarimizda O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov xotirasini abadiylashtirish, yosh avlod tarbiyasida uning kuchli bilim, teran tafakkur, katta hayotiy tajriba asosida yaratilgan asarlarini keng ko’lamda tatbiq etish, tahlil etish, targ’ib etish borasida ko’pgina xayrli ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, Islom Karimovning “O’zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida”, “O’zbekiston XXI asr bo’sag’asida”, “Ma’naviy yuksalish yo’lida”, “Ozod va obod Vatan erkin va farovon hayot – pirovard maqsadimiz”, “Olloh qalbimizda, yuragimizda”, “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” kabi asarlarida ijtimoiy-falsafiy va axloqiy qarashlarida yoshlar ongi-ma’naviyatida hamda milliy mafkurani shakllantirishda muhim tarbiyaviy g’oyalar ilgari surilgan. Ayniqsa, “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” asari yoshlar dunyoqarashi, ongi va milliy mafkurasining shakllanishida muhim ahamiyatga ega bo’ldi. Unda yoshlarga ilm-fan sirlarini o’rgatish, yaxshi axloq-odob qoidalarini singdirish hayotiy hikmatlar hozirgi davr ruhiga mos yo’g’riltirilib yoshlar tarbiyasiga munosib hissa qo’shdi. Ushbu asarlarda mamlakatimiz taraqqiyotining bosh me’zoni sifatida barkamol avlod tarbiyasiga alohida e’tibor qaratilgan.

“Ta’lim-tarbiya sohasidagi islohotlarning chegarasi va poyoni yo’q, toki hayot davom etar ekan ta’lim ham, tarbiya ham zamon o’rtaga qo’yayotgan yangi-yangi talablarga ko’ra muttasil ravishda o’zgarib, yangilanib boraveradi. Faqat biz bu sohadagi dastlabki qadamlarni to’g’ri qo’ya olsak, poydevorini mustahkam qilib barpo etsak, men shunga inonamanki, bugungi avlod uning samarasidan bahramand bo’lajak, kelgusi avlod esa bizning qilgan ishlarimizni ehtirom va minnatdorlik tuyg’usi bilan eslaydi, deb bilaman. Biz joriy etayotgan maskur ta’lim modeli, vataniga, xalqiga, millatiga fidokor mustaqil fikrlaydigan, biron-bir masalani ongli ravishda mas’uliyat bilan hal qila oladigan, izlanuvchan, yangilikka intiluvchi kadrlarni tayyorlash uchun xizmat qilishi kerak”, -degan fikrlarni bildirgan Islom Karimov.

Istiqlol yillarida asosiy e’tibor yuqori darajadagi umumiy-kasbiy, ijtimoiy faollikka, mustaqil fikrlashga, turli vazifalarni qiyinchiliksiz yecha olish qobiliyatiga ega bo’lgan mutaxassislarni tarbiyalashga qaratildi. Dastavval, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”ni amalga oshirishning aniq vazifalaridan biri – ta’lim muassasalarining moddiy-texnik va axborot bazasini mustahkamlash, o’quv-tarbiya jarayonini yuqori sifatli o’quv adabiyotlari bilan ta’minlash masalasi qat’iy reja asosida tashkil qilindi. Eng asosiysi, yangilanayotgan jamiyatning hamma munosabatlari chinakam insonparvarlik asoslarida rivojlanib borishining zarur shartlaridan biri – kelajagimiz vorislari bo’lgan yoshlar tarbiyasi bilan bog’liqdir. Bu haqda Islom Karimov shunday bir ko’p ma’noli fikrni aytgan edilar: “Men chet ellik siyosiy arboblar katta ishbilarmonlar bilan uchrashganda, ular bizning farzandlarimiz haqida havas bilan “Yoshlaringizni ko’zi yonib turadi” degan fikrini ko’p eshitaman. Haqiqatdan ham, hayotda

Vatani, xalqi uchun kurashga bel bog'lagan irodasi mustahkam yoshlarning ko'zi yonib turadi." Amalga oshirilayotgan o'ta muhim harakatlardan biri jismoniy tarbiya va sportning ommaviyligini ta'minlashdir. Xorijlik siyosiy arboblar, katta ishbilarmonlar takidlaganidek, ko'zi yonib turgan, shijoatli, vatanparvarlik ruhi qalbida mujassam yoshlar misolida Andijon davlat universitetining talabalari Hasanboy Do'smatov, Ruslan Nuriddinov, Firdavs Musabekov, Muslima Odilova va Muzaffar Tursunxo'jayevlarni ko'rishimiz mumkin. Ushbu yoshlarimiz Brazilyaning Rio de Janeyro shahrida o'tkazilgan 31-yozgi va "Rio – 2016" paraolimpiyada o'yinlarida g'oliblikni qo'lga kiritib, mustaqil O'zbekistonimizni dunyo hamjamiyatidagi o'rnini yuqoriga ko'tarishda o'z hissalarini qo'shib, vatanimiz taraqqiyoti uchun vatanparvarlik tuyg'ularini his etgan holda prezidentimiz va xalqimiz oldida o'z burchlariga sodiq bo'lishmoqda. Bugungi kunda katta umid, orzu maqsadlar bilan vatanim taraqqiyotiga hissa qo'shaman, deb belini mahkam bog'lab, maydonga chiqayotgan, azmu shijoatli yoshlarimizni har tomonlama qo'llab-quvvatlash barchamizning nafaqat vazifamiz, balki burchimizga aylanishi lozim. (I.A.Karimov). Yoshlarning ma'naviy go'zal, axloqiy pok, komil insonlar shaxsini shakllantirish borasida yurtboshimiz fikr bildirib, bunday ezgu ishlar yo'lidagi harakatlarga e'tiborini qaratgan edi.

Bugungi xalqaro hayot kishilik taraqqiyoti shunday bosqichga kirdiki, endi unda harbiy qudrat emas, balki intellektual salohiyat, aql-idrok, fikr, ilg'or texnologiyalar hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Amir Temur bobomiz "Kuch adolatdadir", degan mash'hur ta'birini bugungi kunga nisbatan qo'llab aytadigan bo'lsak, men unga nisbatan kuch, bilim va tafakkurda, degan bo'lar edim. Faxr bilan aytishimiz mumkinki, O'zbekiston bolalari zamonga mos, vatanimizga, xalqimizga munosib ravishda o'zgarib bormoqda. Bu bizning eng katta (boyligimiz) baxtimizdir. Biz yangi mingyillikka kirib bormoqdamiz, XXI asrda qaysi davlat qudratli, qaysi xalq kuchli bo'ladi? Bu savolga aholisi intellektual nuqtai nazardan barkamol, yoshlari bilimli, or-nomusli, vatanparvar bo'lib unib-o'sayotgan davlat, deb javob qaytarish mumkin. Yangi mingyillikda davlatlarning, xalqlarning taqdirini moddiy boylik emas, intellektual boylik ya'ni ma'naviy-ma'rifiy boylik hal etadi. Bunday boylik ustuvor bo'lgan joyda moddiy boyliklarning o'zi oqib kelaveradi (I.A.Karimov).

Xulosa qilib aytganda, Birinchi prezidentimiz Islom Abdug'aniyevich asarlarini o'qigan kitobxon mana shu umummilliy, umumbashariy ahamiyatga molik fikrlar bilan oshno bo'lishi va ma'naviy ozuqa olishi muqarrar. Islom Karimov o'z Vatani, xalqi, vijdoni oldida pokligini sofdil holda anglagan rahbarlik bilan bir qatorda, ilmiy, ijodiy ishlarga ham o'z hayotini bag'ishlagan. Islom Abdug'aniyevich Karimovning sadoqatli, zukko shogirdi Shavkat Mirziyoyev uning dafn marosimida "Yo'qotish og'ir, uning o'rnini hech narsa qoplay olmaydi. Faqat bizga Islom Karimovdan ozod va obod Vatan qolganligi dalda bermoqda", degan edi. Haqiqatdan ham u qoldirgan buyuk me'ros uchun unga o'rnatilayotgan haykal va barpo etilayotgan muzeylar yangi dunyo qurayotgan minnatdor avlodlar qalbida faxr-iftixor tuyg'ularining eng mangu in'ikosi bo'lib qolajak.

Adabiyotlar

1. «Биздан озод ва обод ватан қолсин» Тошкент. -"Ўзбекистон"-1994.
2. «Баркамол авлод орзуси» Тошкент. -"Ўзбекистон"-1999.
3. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» Тошкент-"Ўзбекистон"-2000
4. «O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida» "Ўзбекистон" НМИУ 2011.
5. «O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida»
6. "Ma'naviy yuksalish yo'lida"
7. "Ozod va obod Vatan erkin va farovon hayot—pirovard maqsadimiz"
8. "Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch"
9. «Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йулида хизмат қилиш энг олий саодатдир» Тошкент-"Ўзбекистон"-2015.
10. «Халқ сўзи газетаси» 01-13-2015. 20-10-2017.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАЪНАВИЙ – МАЪРИФИЙ ТАЪЛИМОТИ

Юсупова С.- ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси

Куч билим ва тафаккурда.
Ислом Каримов

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга, унга холисона фикр билдиришга катта имкониятлар яратди. Асори-атиқа ёдгорликларимизни асраш миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни бир ёқламали ёритиш, чегаралаш, маълум жараён ва илм-фан арбобларининг фаолияти ва хизматини инкор этишдек нотўғри ғоялар ва усуллардан тозалашга, ҳур фикрлиликка шароит яратди.

Маданий меросимизни, ўтмиш қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, маърузаларида таъкидланганидек, ҳозирги миллий маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларини шаклланиш ва ривожланиш хусусиятларини кенг ўрганиш зарур. Бу ўз навбатида миллий онг, миллий ғурур, тарихимиз, ўтмиш авлодлар хизматига ҳурмат – эътиборни халқ меҳнатига, Ватанга севги туйғусини шакллантириш, янги жамиятимизнинг тўғри ривожини, келажакни, оқилона белгилаш, юксак демократик давлат қуриш учун хизмат қилади.

Маънавият, маърифат ва мафкура жамиятнинг тараққиёт талаблари ва эҳтиёжларига, руҳига уйғун бўлса халқни, миллатни камолотга бошлайди, манфаатларига зид келгудек бўлса ҳалокатга етаклайди, маънавий – ғоявий манқуртликка олиб келади. Айнан шу боис маънавият ва маърифат сингари миллий ғоя халқни халқ, юртни юрт қиладиган қонуний эҳтиёжга айланди. Ислом Каримов сиёсий – ғоявий таълимоти кашф этган қонуний ҳақиқат барчага ибрат бўлди.

Инсоният тарихий тажрибасининг кўрсатишича, бирон-бир жамият маданий-маънавий, маърифий имкониятларни, одамлар онги ва қалбида маънавий – ахлоқий қадриятларни ривожлантирмасдан туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Юксак маданият, маърифат ва маънавият ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир.

Маданий-маънавий тараққиёт ва маърифий юксалиш бутун инсоният ҳаётида катта ўрин тутган ва устуворлик қилганидек, мустақил Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли учун ҳам ҳаётий заруриятдир. Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлатга айланиши, Ислом Каримов таъкидлаганларидек, тўрт асосий негизга – умуминсоний қадриятларга содиқликка, халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва ривожлантиришга, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилишга ҳамда ватанпарварликка асосланади.

Халқ маънавиятини, миллий маданиятини доимий равишда юксалтириб бориш мамлкатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий – иқтисодий, сиёсий тараққиёт тақдирини маънавий – маърифий, ғоявий, сиёсий – ҳуқуқий жиҳатдан етук ва баркамол кишилар ҳал қилади. “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.”- деган эдилар Ислом Каримов.

Ислом Каримов асарларида инсонни инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асоси, одамни одам, миллатни миллат қиладиган маънавиятнинг асосий қоидалари, турлари, тарихий илдизлари, ривожланиш қонуниятлари, методологик асослари ва моҳияти, жамият тараққиёти ва шахс камолоти учун аҳамияти нималардан иборатлиги илмий – назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк

ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади."[1] деб оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамияти таъкидлаб ўтилган.

Оилада фарзандларни китоб ўқишга ўргатиш, иймон эътиқоди кучли, юксак маънавият соҳиби қилиб тарбиялашда ота-оналардан катта масъулият талаб этилади. Етук ахлоқий фазилатларни ўзлаштирган, миллий масъулият туйғуси қалбида чуқур жойлашган халқ ва миллатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади, келажак томон комил ишонч билан қадам ташлайди. Жамиятнинг барқарорлашиб бориши кишиларнинг келажак ҳаётга ишончини мустаҳкамлайди, маънавий – руҳий кайфиятини оширади. "Ўзликни англаш", "Миллий ўзликни англаш" ва миллий ғоя бир-бири билан узвий боғлиқ жараёндир. Мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлиб, эл-юрт, ватан равнақи учун муҳим аҳамиятга эгадир. Миллий ўзлигини, ўз манфаатларини, ўз мамлакати тараққиёти, истиқболини чуқур, холисона англаган инсон ва халқнинг ривожланиш имкониятларига эга бўла олишини тарих сабоқлари ҳар доим исботлаб келган. Доно халқимизнинг "Етти пуштингни билгин" деган ўгитлари бекорга келиб чиқмаган. Шунинг учун ҳам қадимги Шарқ донишмандлари инсон гавдасини олдинга, юзини эса ортга қаратган ҳолда тасвирлаганлар. Яъни уларнинг наздида инсоният келажак сари интилар экан, ўз ўтмишини доимо ёдда сақламоғи шарт. Бу кўхна ҳақиқатни теран англаган Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида истиқболдаги вазифаларни белгилаб берар эканлар "Тарих хотираси, халқнинг жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади"-деб, таъкидладилар. Тарихий хотира миллатга куч ва қудрат бағишлайди, ҳаётни оғир синовларини енгиб ўтишга, ўзлигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ўзга халқларни тобе этишга уринган бочқинчилар халқни ана шу қудрат манбаидан айиришга, шаҳар ва тарихий обидалари, маданий ёдгорликлари ва аждодларнинг маънавий меросидан маҳрум этиш орқали тарихий хотирасини заифлаштиришга ҳаракат қилганлар. Демак, жамият барқарор ғояларга таянсагина, тараққиётга эришади, маънавий жиҳатдан юксалади. Бунёдкор ғоялар маданий мерос ва тарихий хотирага таянади. Ўзлигини англайди ҳамда меҳр – мурувватни кучли бўлади. Манманликни хуш кўрмайди.

Инсон бу дунёнинг сир-асрорларини етарли даражада англаши, ўзининг ким эканини билиши ва ҳаёт мазмунини тушуниши керак. Бугунги кунда бунинг ягона йўли маънавий баркамол шахс сифатида вояга етиш бўлиб қолди. Маънавий баркамол шахс бўлиш учун ўз нафсини тия билиш, касб маҳоратини эгаллаш ва одам бўлиб яшаш кўникмасини ҳосил қилиши керак. Буларнинг барчаси бир сўз билан (маърифат) замирида жо бўлган. Билимли киши жаҳолат, нодонлик ва ёвузликка қўл урмайди. Бу "жаҳолатга қарши маърифат" тамойилининг мазмунидир.

Ислом Каримовнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" рисоласида "Жамият тараққиётинг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир"[2]-деб маърифат тамойилига алоҳида аҳамият берилган.

Маълум бўлмоқдаки, фикр, ғоя ва маърифат ҳар қандай шахсни, жамиятни ҳимоя қила олади. Шу сабабли Ислом Каримов маънавий қадриятлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб миллат ўзликни сақлаб қолиши мумкин."[3] Негаки, "Бирон бир жамият маънавий имкониятларни, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қоидаларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Чунки, ўзбек халқи руҳининг тикланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. Маънавият. 2015. 52- б.
[2] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 1998 й. 7-бет.
[3] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликак таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон. 1997 й.

ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда умумий руҳиятга, хулқ атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар.”[1]

Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий, мафкура”, “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”, “Бунёдкорлик йўлидан”, “Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Жамият мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин”, “Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ”, “Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” номли асарларида, нутқ ва мақолалари, рисолалари, суҳбатларида маънавият – маърифат, миллий қадриятлар ҳақида баён этилган назарий йўл- йўриқлар ва таълимотлар жуда катта илмий – амалий, сиёсий, таълим ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини бутун жаҳон ҳамжамияти тан олиб ўзларининг ижобий фикрларини билдирмоқдалар. Мазкур китоблар, шунингдек, нутқлар маърузалар ўзининг мазмун моҳияти билан Ислом Каримов таълимотининг нечоғли илмий асосланганлиги, назарий пухта пишиқлиги, замонавийлиги, тамомила янгилиги, амалий жиҳатдан муҳим ва зарурлигини кўрсатмоқда. Маънавият – маърифат, таълим – тарбия, халқ маорифини янгича қайта ташкил этиш ҳақидаги Ислом Каримовнинг ғоялари ва таълимоти Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим зарурий дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Маънавият билан жиддий шуғулланиш, уни юксалтириш ва бойитиш, миллий маънавий – маърифий қадриятларни умуминсоний қадриятлар мезонига айлантириш орқали комил инсонни вояга етказиш, юртни барқарорлаштириш, азалий – тарихий куч – қудрати ва шуҳратини тиклаш, маърифатни ривожлантириш табиий бош стратегик мақсад бўлиб қолди.

Жамиятимиз маънавиятни ва унинг мафкурасини ана шу тарзда муқаддас деб билди ва шунга муносиб ўз миллий мафкуравий сиёсатини ривожлантиришнинг маънавий – маърифий негизларини ишлаб чиқди. Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш, ривожлантиришни давлат ҳамжамиятнинг энг муҳим вазифаси, деб белгилади.

2015 йилда Ислом Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлила хизмат қилиш энг олий саодатдир” номли китоби чоп этилди. Китобда Ўзбекистоннинг мустақиллик давридаги тарихи ва тараққиёти, бугунги ютуқлари ва истиқбол режалари, ҳаётимизнинг турли соҳаларидаги сифат ўзгаришлари, халқимизнинг моддий ва маънавий қудрати, унинг бунёдкорлик даҳоси, аждодлар ва келгуси авлодлар олдидаги муқаддас бурч ва масъулият – ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайдиган ана шундай долзарб мавзуларни акс эттирган бу ноёб асар, табиийки, бутун халқнинг диққат эътиборини торди. Китобдаги мустақиллик, Ватан, миллат қайғуси, дахлдорлик туйғуси, тинчлик ва омонлик, миллий тикланиш, шукроналик ва “Ким эдигу ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?”[2]-деган, бош ғоя чуқур таҳлил этилган “Озод ва обод юртда яшайдиган одамларнинг ўйлари ҳам, уларнинг ҳаёти, турмуши ҳам гўзал ва фаровон бўлиши керак.”[3] деб таъкидланган.

Бу китобни ўқиб-ўрганиш, унинг мазмуни моҳиятини халқимиз, айниқса ёшларимиз онгига етказиш, унда илгари сурилган муҳим фикр ва ғоялардан кундалик фаолиятимизда фойдаланиш барчамизнинг муҳим вазифамиздир.

---

[1] Ўша жойда. 143-бет.

[2] Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. Т. Ўзбекистон 2015 йил. 72-бет.

[3] Ўша манба. 191-бет.

Инсоннинг маъавий олами асосий ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлса ҳам бу ўз навбатида жамият тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади.

Ислом Каримов Олий мажлисининг биринчи чақириқ биринчи сессиясида сўзланган нутқларида: “Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият – маърифатли инсоннинг икки қанотидир”[1] деб кўрсатган эдилар.

Ислом Каримовнинг мамлакатимизда маънавият ва маърифатга катта эътибор берганликларининг асосий сабаби ҳам ана шу маънавий заминларни қайта тиклаш орқали тараққиётга эришиш мумкинлигини кўрсатишдир.

Заминимизда камол топган, эл юртга танилган буюк зотлар, комил инсонлар ўзларида маънавият ва маърифатни юксак даражада мужассам этган алломалар бўлганлар. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳозирги даврда миллий камолот йўли, комил инсонни соғлом авлодни вояга етказиш фақат маърифат йўли билан амалга оширилади.

Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилинган маърузасида ҳам маънавият масаласи XXI аср бўсағасида устувор йўналиш деб қаралди. Ҳозирда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифа эканлиги қайд этилди. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом авлодни тарбиялашимиз керак эканлиги уқтирилган.

И.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” номли китобларида “Ислоҳотларнинг дастлабки босқичидан бошлаб ҳозирги қадар кенг кўламли сиёсий, иқтисодий-ижтимоий дастур ва режаларимизнинг барчасида халқимизнинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ масалалар алоҳида устувор йўналиш сифатида кун тартибига қўйилган”. “Демократия аввалambор маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир”[2] деб, таъкидланади. Ислом Каримов таълимотида маданий, маънавият ва моддий асосларни яратиш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги масала катта ўрин тутади. Инсоннинг маданий ва маънавий, маърифий камолоти моддий шарт-шароит ва эркинликларга эга бўлмасдан туриб, инсон ўзидаги қобилият ва истеъдодни юзага чиқара олмайди. Илм-фан асосларини эгаллаш, маданиятли, маърифатли бўлиш маънавий эҳтиёжларни қондириш учун мамлакатимиз фуқароларига барча шарт-шароитлар яратилган.

Таълим тарбиянинг бош вазифаларидан бири жамиятнинг барча аъзоларини,хусусан Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 70 фоизини ташкил қилувчи ёшларни Она-Ватанга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашдир. Бу ўз навбатида замонавий билимлар орқали ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришни тақазо қилади.

ИСЛОМ КАРИМОВ - МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНИМИЗ

Худойбердиева Г.-ТерДУ ўқитувчиси

Ислом Абдуғаниевич Каримов халқимизнинг миллий қаҳрамонидир. Агар Соҳибқирон Амир Темур 150 йил ҳукмронлик қилган муғул истибдодидан кейин марказлашган миллий давлатчилигимизга асос солган бўлса, Ислом Каримов чоризм ва мустабид тузумдан халос бўлган мустақил миллий давлатчилигимизга асос солди.

[1]Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., “Ўзбекистон”, 1995, 46-бет.

[2] Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. 109-бет.

Биринчи Президентимиз 1989 йил 23 июндан Ўзбекистонда туб бурилиш ишларини амалга оширишга киришди. Бу аввало мустақилликни яқинлаштиришдан иборат бўлди. 1989 йил 21 октябрда ҳали СССР тўла ўз кучига эга бўлган даврда ўзбек тилига давлат мақоми берилди. 1990 йил 24 март куни Республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида Ўзбекистонда президентлик лавозимини тавсия этиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Сессияда Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун қабул қилди. Олий Кенгашнинг иккинчи сессиясида 1990 йил 20 июнь куни "Мустақиллик декларацияси" қабул қилинди. 1991 йил 31 августда Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида" қарор қабул қилинди. Сессияда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти" қабул қилинди ҳамда "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги Қонунни ҳам тасдиқлади. Ўзбекистон, ўзбек халқи тарихида янги давр бошланди.

И. Каримов мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб Ўзбекистонда демократик давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлаш бўйича қатъий ва изчил сиёсат юритди.

Биринчи Президентимиз мустақиллик нима деган саволга қуйидагича жавоб беради: "Биз учун мустақиллик-энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун муътабар шу заминда ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат меҳру оқибатни қарорф топтиришдир.

Биз учун мустақиллик-Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол-миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаромиз учун миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъий назар-эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.

Биз учун истиқлол-давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимизнинг пайдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир"[1]

И.Каримов мустабид тузум даврида республикамиз ҳудудидаги аҳволни таҳлил қилиб 1989 йил 24 июндаги маърузасида: "Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди", деган эди. Чунки Республика бойликлари ва имкониятларини мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва тараққиёти, халқ ободончилиги, халқаро доираларда тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш мақсадларида фойдаланиш имкони фақат мустақиллик, суверенлик, эркинлик туфайлигина амалга ошиши мумкин эди.

Яқин ўтмишда Республиканинг тобелик, қарамлик, ҳолати унга ўз еринг бойликлари ва ўз меҳнатининг натижаларини мустақил тасарруф этишига ҳуқуқ бермас эди.

Олтин ва уран, бошқа қимматбаҳо ва ноёб метан конлари, саноат кохоналари умумиттифоқ мулки деб эълон қилинди, маҳсулотлар иттифоқ тасарруфида ишлаб чиқилди ва ҳеч қандай ҳисоб-китобсиз, бепул республикадан олиб чиқиб кетилди ва ўша пайтда ёзганларидек, "Оқсоч Урал мартен ва домналарида" ёқилди.

[1]Каримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 283-284-бетлар.

Оғир меҳнат эвазига яратилган Ўзбекистон ҳам ҳақи тўланмас, деярли бепул мамлакат ташқарисига олиб чиқиб кетилди. Ҳатто етиштирилган мева-сабзавот ҳам тенгсиз улушда бўлиниб, мажбурий равишда давлатга топширилар ва четга олиб кетилар эди. Бунинг натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти фақат бир томонга қараб ўсиб кетган, сунъий мажбуриятлар ҳисобига республика халқ хўжалигининг табиий ўсиши қўпол равишда бузилган, номутаносиблик ҳукм сурар эди. Шунинг учун ҳам собиқ Иттифоқда Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси энг паст бўлганлиги, ижтимоий тармоқда уй-жой, газ, сув билан таъминлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ҳам бежиз эмасди.

Халқдан унинг ҳақиқий тарихи ўтмиш аждодлар томонидан яратилган бой маънавий қадриятлари яшириб келинган ва рад этилган эди, миллий анъаналар ва урф-одатлар таг-томири билан йўқ қилинар, виждон эркинлиги ва эътиқод оёқ ости қилинар эди.

Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик ижтимоий тараққиётнинг янги, аниқ истиқболлари очиб берилди. Амалга ошмайдиган, ҳаёлий “коммунистик жамият ўрнида мамлакатимизнинг буюк келажаги сари ҳаракат қиладиган аниқ ва реал асосланган йўл, халқимизга муносиб турмуш шароитини ярата бошлади.

Шунинг учун ҳам И.Каримов Республикамиз мустақиллигини, эркинлигини эъзозлади. Халқаро муносабатлар масалаларига зийраклик ва талабчанлик билан ёндошди. Миллатдан юқори турадиган ҳар қандай бирлашма ва иттифоқлар тузишни мақсадга мувофиқ эмас деб билди. Собиқ империя тузумини бошқа қиёфада қайта тиклашга ўтишга қарши турди. И.Каримов Ўзбекистоннинг ўз кучи ва имкониятларига, тарихий тажрибаси, халқимизнинг ўзига хос хусусиятларига таянган ҳолда мустақил тараққиёт йўлида оғишмай бориш, бошқа мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг халқаро ташкилотлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишига бош-қош бўлди.

И.Каримов Конституциямизнинг ҳам яратувчиларидан биридир. Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқиш ғояси “Мустақиллик Деклорацияси”нинг қабул қилиниши муносабати билан илгари сурилган эди. Ўзбекистон ССР Олий енгашининг иккинчи сессияси (1990 йил июнь) Президент И.Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия тузди.

И.Каримов раҳбарлигидаги конституциявий комиссия қарийиб икки ярим йил давомида Бош қонунимизни тайёрлаш устида ишлади. Халқимизнинг давлатчилик қурилиши, уни мустаҳкамлаш йўлидаги ғоя ва фикрлари, халқаро ҳуқуқий ва сиёсий тафаккур, жаҳондаги етакчи давлатларнинг Конституциявийлик тажрибаси асосида Асосий Қонунимизнинг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳа 1992 йил сентябрь ойида матбуотда эълон қилинди ва 3 ой давомида умумхалқ муҳокамасида бўлди. Лойиҳа тўғрисида халқимиз томонидан 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилди”

И.Каримов раҳнамолигида Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли танланди, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг беш тамойили ишлаб чиқилди, ёш мустақил давлат тарихида туб ислоҳотлар даври бошланди. Тарихан қисқа муддатда янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди, миллий давлатчилик пойдевори бунёд этилди, кўппартиявийлик тизими барқарорлашди; ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилмоқда, истиқлол маънавиятини шакллантириш ва соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бу даврда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди (1992 йил 2 март), деярли барча нуфузли халқаро ташкилотлар ва минтақавий уюшмаларга қабул қилинди, дунёдаги кўплаб мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди. Ўзининг тинчликсевар ташқи сиёсати, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақа мамлакатлари ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, Орол денгизи муаммоларини жаҳон ҳамжамияти

кўмагида комплекс ҳал этишга қаратилган бир қатор ташаббуслари билан халқаро майдонда танилди, ўз нуфузига эга бўлди.

Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган бу йўл замирида мужассам бўлган беш тамойил, яъни иқтисодиётнинг мафкурадан тўла холи бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи экани, қонун устиворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳатларни босқичма-босқич равишда амалга ошириш билан боғлиқ тамойиллар юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт асосларини барпо этишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда Биринчи Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар бугунги кунда қандай ижобий самара бераётгани ҳақида кўп гапириш мумкин. Айниқса диёримизда барқарорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик мустаҳкам қарор топгани, иқтисодиётнинг изчил ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати сезиларли даражада ошиб бораётгани Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор туйғусини бағишлайди.

Ана шундай салмоқли натижалар қаторида юртимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган ёш авлод тарбияси йўлида эришган ютуқларимиз ҳақида алоҳида тўхталиш зарур.

Бу ҳақда гапирганда, И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини эслаш албатта ўринлидир: "Ўз-ўзидан аёнки, янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга".

Мана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда 1997 йили Ислом каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган ушбу Дастур 12 йиллик таълимга ўтишни узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини яратишни кўзда тутади. Дастур умумтаълим мактабларидаги тўққиз йиллик ўрта таълимни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги уч йиллик махсус касбга тайёрлаш тизимини ўз ичига олади.

Ўтган йиллар давомида республикамизда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари янгидан қурилди. 5 мингдан ошиқ умумтаълим мактаблари янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебель, ўқув лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилди.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислоҳатлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 65 та олий ўқув юртида 850 дан ошиқ йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба билим олмоқда.

И.Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, Вестманстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети, Инха университети филиаллари фаолият юритмоқда. Ёшларимизнинг минглаб иқтидорли вакиллари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олмоқда, бу эса уларнинг билим ва малакасини оширишда кенг имкониятлар очиб беради.

Бугунги кунда БМТ маълумотларига кўра мамлакатимизда таълимга йўналтирилган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоизидан ортиғини ташкил қилмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон давлат бюджетидан ҳар йили 35 фоиз маблағ айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда.

Ислом Каримов-таниқли жамиятшунос олим. Унинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, “Истиқлол ва маънавият”, “Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолатлари”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Юксак маънавият-енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Она юртимиз бахту истиқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир” ва бошқа ўнлаб асарларида нафақат иқтисодий, қолаверса ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг кўплаб долзарб масалалари тадқиқ қилинган, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати илмий асослаб берилган, жорий ва истиқболдаги вазифалар аниқланган муҳими, уларни амалга ошириш йўллари кўрсатилган. Жаҳон назарий тафаккурида биринчи бўлиб, И.А.Каримов истибдод иқтисодиётида эркин бозор муносабатларига ўтиш йўлларини асослаб берди ва уни изчиллик билан амалиётга татбиқ эта олди.

И.А.Каримовнинг Ватан олдидаги, Тарих олдидаги, инсоният олдидаги хизматлари ниҳоятда буюкдир: У биринчидан, Иттифоқнинг парчаланиб барбод бўлиши муқаррарлигини олдиндан кўра билди, империя емирилишидан 15 ой илгари Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилишнинг назарий асосчиси ва амалий ташкилотчиси бўлди.

Иккинчидан, Мустақил Ўзбекистон истиқлоли ва тараққиётини белгилашда жаҳон амалиётида биринчи бўлиб шарқона менталитетни, яънитадрижийликни асос қилиб олди ва бу йўлнинг тўғрилигини амалда исботлади.

Учинчидан, Дунё назарий тафаккурида илк маротаба “ривожланган социализм”дан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишни асослаб берди ва унинг муҳим тамойиллари ҳамда қоидаларини ишлаб чиқди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон халқининг мавқеи, маданияти, маънавияти, маорифини, ижтимоий руҳини ва қадрини кўтаришдек олижаноб ишга бошчилик қилди.

Халқимиз, юртдошларимизнинг И.А.Каримовга бўлган чексиз ҳурмат эҳтиромига сабаб унинг юксак мартабаси эмас, балки том маънода элим деб, юртим деб ёниб яшади. Унинг бутун ҳаёти, фаолияти ягона мақсадга-ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашига қаратилган эди.

И.А.Каримов ўз чиқишларидан бирида шундай деган эди: “Бизнинг гўзал юртимиз, ноёб табиатимиз, бетакрор Ватанимиз, меҳнаткаш, бағрикенг ва олижаноб халқимиз бор. Ана шундай юртда яшаш шундай табиатдан нафас олиш, мана шундай яккаю ягона Ватанга эга бўлиш, шундай халқнинг фарзанди бўлишдек тақдирни Оллоҳ таоло ҳаммага ҳам бермайди. Ана шу улуғ неъматга муносиб бўлиш, азиз Ватанимз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш чиндан ҳам барчамиз учун катта бахтдир.

Мен ўзимнинг бутун ҳаётим, умримнинг маъно-мазмунини мана шу буюк халқнинг бахту саодати йўлига бахш этишда деб биламан. Мен учун бундан бошқа ҳаёт, бундан бошқа мақсад йўқ”.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ - ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ МИЛЛИЙ ҒОЯСИНИНГ АСОСЧИСИ

Холияров Т.Ч.-ТерДУ катта ўқитувчиси

Барчамизга маълумки, буюк давлат ва жамоат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси бўлди. Шу сабабли Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Ҳақиқатдан ҳам, Биринчи Президентимиз биз учун янги ҳаёт, янги жамият асосчиси, мустақил Ўзбекистон бунёдкори сифатида тарихимизда мангу қолади, юксак ибрат намунаси бўлиб халқимиз қалбида абадий яшайди.”[1. 41]

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг энг катта хизматларидан бири одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида янги миллий ғоя, миллий

мафкура асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ишига раҳнамолик қилгани бўлди. Маълумки, академик Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзидан бебаҳо илмий, ижтимоий-сиёсий мерос қолдирди. Ватанимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”(1996), “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”(1996), “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”(1996), “Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби”(1997), “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида”(1998), “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз”(1999), “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз”(2000), “Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак”(2002), “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”(2006), “Юксак маънавият – енгилмас куч”(2008), “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”(2009), “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”(2011), “Она Ватанимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир”(2015) ва бошқа асарлари ҳамда маърузаларида баён қилинган ғоялари асосида ривожланишнинг равон йўлига чиқиб олди.

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғоялар ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон-бир жамиятнинг узоққа бора олмаслигини кўрсатди. Шу боис мустақиллик туфайли Биринчи Президентимиз мамлакатимиз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни қўйдилар. Бу эса келажагимизни яққол тасаввур этиш, жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик ва ниҳоят, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий ғояни шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди[8. 3]. Шундай қилиб, миллий ғоя ва мафкура фанининг вужудга келишидаги асосий сабаб Ўзбекистон халқининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик жамиятни шакллантириш ва ривожлантириш асосида муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш сари бошлаб борадиган миллий мафкурамизнинг бош ғояси – озод ва обод Ватанда, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш ҳамда асосий ғоялари – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик асосида бирлаштиришнинг назарий-методологик асосларини ва уни амалга оширишнинг амалий усул ва воситаталарини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш ҳамда ривожлантиришдан иборатдир[7. 10-11].

Шунинг учун ҳам миллий ғоя ва мафкура 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши асосида барча таълим муассасаларида ўқув фани сифатида ўқитила бошланди.

Миллий ғоянинг халқ онгига сингдирилиши миллий манфаатларни тўғри белгилашга ва ўз навбатида ватанпарвар, масъулиятли инсонларларнинг шаклланишига хизмат қилади. Шу маънода ҳаёт Биринчи Президентимизнинг “Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар” [2. 843] деган фикрининг нақадар тўғри эканини исботлади. “Ушбу ғояни қандай зарурат шакллантирди?” ва “Ундан кўзланаётган мақсад-муддаолар нима?” деган саволларга жавоблар буюк давлат ва жамоат арбоби Ислом Каримовнинг кўп йиллик изланишлари, асарларидаги фикр-мулоҳазаларида ўз аксини топди. Бу асарларда миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари аниқ ифодалаб берилган.

Ушбу яхлит таълимотнинг назарий манбаларини ўрганишда Биринчи Президентимизнинг истиқлолни илк йилларидаёқ чоп этилган асарлари муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, айниқса, “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” номли биринчи жилдга кирган асарларни алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу жилддан ўрин олган “Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар" асарида ҳам бу масалага катта эътибор берилган. Жумладан, давлатимиз раҳбари мазкур асарда бугунги кунда ҳам халқни якдил

қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмаслиги, уларнинг ичида энг улуғи, энг олижаноби — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш эканини алоҳида таъкидлайди. Ушбу фикрнинг давомида “Мафкура ҳукмрон бўлган жойда тенглик ва адолат бўлмайди. Биз буни ўтмишдаги аччиқ тажрибамиздан жуда яхши биламиз” [3.14] деган тарих ҳақиқати ўз ифодасини топган.

Буюк давлат арбоби Ислом Каримов ушбу асарда жамият мафкурасига қуйидагича таъриф беради. “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан”[2. 89].

Миллий ғоянинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари билан боғлиқ масалалар буюк давлат ва жамоат арбобининг “Миллий ғоя — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” мавзуида “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавобларида ўз аксини топган. Унда таъкидланганидек, бугунги дунё инсонлар ва халқларнинг онги ҳамда қалбини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг синов майдонига айланиб қолди. Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан илмий муомалага бир қатор тушунчалар киритилганлигини қайд этиш лозим. Улар қаторида “мафкуравий иммунитет”, “мафкуравий профилактика” кабилардир. Ана шу тушунчаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг характерини янада яққолроқ тасаввур қилиш имкони туғилади. “Мафкуравий иммунитет” тушунчасини Биринчи Президентимиз дастлаб Ислом Каримов ишлатган ва унга қуйидагича таъриф берган - “Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур” [4. 494]. Демак, мафкуравий иммунитет - давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов “Фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарар”лиги ҳақидаги фикрни алоҳида таъкидлаганлар [4. 494].

Миллий ғоянинг назарий манбалари қаторида Президент Ислом Каримовнинг Оқсарой қароргоҳида 2000 йилнинг 6 апрелида бир гуруҳ зиёлилар, олимлар ва мутахассислар билан бўлиб ўтган йиғилишдаги маърузаси алоҳида аҳамият касб этади. “Миллий ғоя - давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи” мавзуидаги мазкур маърузада таъкидланганидек, ўз давлатчилигига эга бўлишни кўзлаган ҳар бир халқ ўз мақсадига олиб борадиган ғоя ва мафкурани белгилаб олишга ҳаракат қилади, зеро, бусиз бирор жамият, давлат тараққиётга эриша олмайди. Келажак сари йўналтирувчи куч вазифасини эса миллий ғоя, миллий мафкура бажаради”[4. 440]. Ушбу асарда Биринчи Президентимиз миллий мафкура ҳеч қандай ҳолда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги кераклиги, мамлакитимизда ғоялар хилма-хиллиги сақланган ҳолда ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг ўз фикрларини эркин ифода этиши, шу билан бирга миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, халқимиз юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишда ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимизда ягона бирлаштирувчи куч-қанот бўлиши шартлигини таъкидлаган эдилар.

Президент Ислом Каримов асарлар тўпламининг 9-жилдида ҳам мамлакатимиз тараққиётининг барча муҳим масалалари теран назарий таҳлил қилинган, амалий мақсад ва вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, Ислом Каримов “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласига ёзган сўз бошида миллий ғоянинг асосий мақсади, мазмун

моҳияти, уни шакллантириш йўналиш ва тамойиллари ҳақида тўхталиб, шундай деб ёзади: “Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларнинг яратувчанлик ишларга даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш - миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир” [6. 222]. Биринчи Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида миллий ғояга аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларидир-деб таъриф беради[5. 71].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон халқи Миллий ғояси ижодкори бўлган Ислом Каримов:

Биринчидан, ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилди, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар эшигини очиб берди;

иккинчидан, буюк давлат ва жамоат арбоби асарларида кўтарилган ғоялар Ўзбекистон халқининг Миллий ғоясининг яратилишига асос бўлди;

учинчидан, Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўпмиллатли халқимизни бирлаштириб, уни улуғ мақсадлар сари бошлаб борди.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
3. Каримов И.А. Узбекистан: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т.: «Узбекистан», 1996.
4. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
5. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. 8-жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
6. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
7. Яхшиликов Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА МИНТАҚАВИЙ ТИНЧЛИК МАСАЛАЛАРИ

Хошимов А.-НДПИ ўқитувчиси

Мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш учун тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида алоҳида эътибор берилган. Ислом Каримов асарларида тинчлик маданиятининг мазмуни, асосий хусусиятлари, жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ долзарб вазифалар кўрсатилган бу асарларда масаланинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари атрофлича таҳлил қилинган ва унинг амалий томонлари кўрсатиб берилган[1].

[1] Каримов И.А. Миллий армиямиз- мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. - 30 б. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ

Бугунги дунёнинг манзарасини таҳлил этиш Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ҳозирги давр-дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган давр эканлиги ҳақидаги хулосасининг ниҳоятда тўғри эканини кўрсатади.

Марказий Осиёда тарихи, маданияти чамбарчас боғлиқ бўлган қардош ва қондош халқлар яшайди. Уларнинг тақдири, азалий анъана ва қадриятлари ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш. XX аср охиридаги туб ўзгаришлар натижасида ўз мустақил давлатларига эга бўлган бу халқларнинг ҳар бири ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан бормоқда. Минтақадаги тинчлик ва барқарорлик ана шу мақсадлар амалга ошиши учун асосий шартдир. Аммо бу тинчлик ва барқарорликка нисбатан таҳдид ва хавфлар ҳам йўқ эмас. Зарарли ғоялар хуружи, норкобизнес, диний ақидапарастлик шулар жумласидандир. Марказий Осиёда рўй бераётган жараёнлар ва бу минтақага нисбатан мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан ҳам узвий боғлиқдир. Бундай таҳдидларни олдини олиш учун эса И.Каримов таъкидлаганидек, "Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур"[1].

2010 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси «Мингйиллик саммити»да Ислом Каримов минтақа хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши фаол курашиш, Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ва жаҳон хавфсизлик тизимини такомиллаштириш муаммоларига эътибор қаратди, бу масалаларни ўта мураккаб тус олаётганлигини асослаб берди. Мустақил тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч - эътиқодни мустаҳкамлаш йўлида хавф-хатарларнинг олдини олиш учун муттасил огоҳ бўлиб яшаш, биргаликда кураш олиб бориш минтақа халқлари учун ҳаётий заруриятга айланиб қолди. "Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалитсия кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса кутилган натижаларни бермаяпти. Муттасил давом этаётган уруш Афғонистон халқининг аҳволини тобора оғирлаштирмоқда ва муаммони ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда. Ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш ғоят муҳим аҳамият касб этади"[2].

Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг бу учрашувлари умумий хавфсизликни таъминлаш, минтақа халқларининг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлаш ва мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан олға сурилган «Туркистон-умумий уйимиз» ғоясининг амалий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунинг билан бирга И.Каримов таъкидлаганидек, "Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини

керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 10 жилд. - 430 б. Каримов И.А. Мақсадимиз-тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. - Тошкент: Ўзбекистон, 1995. - 45 б. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ: иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқ (2004 йил 29 апрель). - Тошкент: Ўзбекистон, 2004. - 32 б. Президент Ислом Каримов: Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик учун: сборник. - Тошкент: Тошкент ислом университети, 2002. - 169 б.

[1] Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б.36.

[2] Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. 21.09.2010

мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, имкониятлари ва салоҳиятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш айниқса муҳимдир”[1].

Барқарорликни таъминлаш ва унга таянадиган тинчлик маданиятини шакллантиришнинг асоси ва ажралмас таркибий қисмини сўзсиз мустақилликни мустаҳкамлаш ташкил этади. «Барқарорлик, тинчлик, тотувлик, - деб таъкидлайди И.А.Каримов, - булар давлатимизнинг янги биноси барпо қилинадиган пойдевордир. Бу бизнинг эртанги порлоқ кунимизга олиб борадиган йўлдир»[2]. Ҳар бир инсон мустақил бўлишга, ўз эркига ўзи эгалик қилишга интилгани каби, тарих ҳар бир халқ ўз давлатининг мустақиллиги учун курашлар олиб борганлиги тўғрисида беҳисоб гувоҳлик беради. Ислом Каримов ўзининг хавфсизлик ва барқарорликка оид ғоялари орқали ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиёти учун аввало тинчликни энг устувор шарт эканлигини уқтириб келганлари нафақат ташқи сиёсатимизни, балки мамлакатдаги иқтисодий барқарорликни ҳам белгилаб берди.

ФАРОВОН ЖАМИЯТНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Шукурлаев М.С.-ТДМРХОМ Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти Ёшлар етакчиси

Мустақил Ўзбекистон Республикаси бу мамлакат менинг она Ватаним, мен шу юртнинг тенгдош фарзанди эканлигимдан қалбимда чексиз ғурур ва эҳтиром туйғуларини ҳис этаман. Бу туйғу ўзликни, ўз ота-боболарини англаш демакдир. Биз ҳар жабҳада, қадимги даврдан то бугунги кунгача бўлган тарих, бу бизнинг тарихимиз ва биз буни ҳеч қачон унутмаймиз. Ўзбекистон ёшлари Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Ислом Абдуғаниевич Каримов каби мард ва шижоатлий боболар фарзандлари. Биз бугун ва келажакда мустақил Ўзбекистон номини тилга олганда, бу тинч ва оссойишта мамлакатнинг асосчиси, жонкуяри, юрт отаси сифатида И.А.Каримов номи ҳамиша ҳурмат билан эсга олинади. Шу ўринда мустақиллик остонаси даврида бўлиб ўтган ҳаққоний, тарихий воқеалардан бирини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу тарихий воқеани гувоҳи бўлган, Ўзбекистон халқ шоири марҳум Абдулла Орипов, биз ёшлар билан бўлган ижодий учрашувда И.А.Каримов билан бўлган воқеани шундай эсга олган эдилар:

“Худди кечаги кундек ёдимда. ЎзССР Компартияси депутати сифатида 1990-йил охирларида Ислом ака раҳбарлигида бир қанча депутатлар марказга сессия йиғилишига бордик. Бу сиёсий жараёнга Совет иттифоқи таркибидаги барча мамлакат депутатлари йиғилган эди, қизғин тортишувлар асосида сессиянинг биринчи қисми якунланди. Барча тор қизил йўлакдан, агар икки киши бир вақтда келиб қолса, бири иккинчисига йўл бермаса, туртилиб кетадиган йўлакдан ташқарига чиқа бошлади. Мен депутатлар чиққунича шошмасдан ёнимдаги газетани бироз мутолаа қилдим ва одамлар чиқиб бўлгандан сўнг, мен ҳам йўлак томон юрдим. Шу вақт йўлакнинг бир томонидан Ислом ака, иккинчи томонидан марказ раҳбарларидан бири кела бошлади. Мен ўз қаторимдан йўлак бошига чиққанимда улар шу жойда учрашдилар. Йўлак торлиги сабабли мен чиқиб кета олмадим ҳамда улар ўртасида бўлиб ўтган суҳбатнинг гувоҳига айландим. Шу вақт Ислом ака бир неча маротаба расмий хат билан мурожаат қилганини ва ҳеч қандай жавоб олмагани тўғрисида гап бошладилар. Бу хатларда сўралган саволларга ҳеч қачон рухсат бермайман, мазмунидаги жавобни олдилар. Шунда Ислом ака мен ўзбек халқининг ўзиники бўлган бойликларини сўраябман. Булардан халқни ўзи фойдаланиш керак, дедилар ва икки ўртада қаттиқ тортишувлар бошланди. Шу вақт англадимки, сўз Ўзбекистон ҳудудидаги табиий ер ости бойликлари ҳақида борар эди. Суҳбат жараёнида ўша марказ раҳбарларидан бири Ислом акага, - Қўлингдан барча техникаларни тортиб оламан деди. Ҳар иккаласи ҳам оқ сариқдан келган одам эмасми, ғазабдан қизариб кетдилар. Шунда Ислом ака – керак бўлса лопаткалар билан қазиб оламиз дедилар ва

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 36.

[2] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.326.

лопаткаларингни ҳам тортиб оламан мазмунидаги гапга жавобан, вазминлик билан – халқим учун тирноқларим билан бўлса ҳам қазиб оламан, дедилар ва чиқиб кетдилар" - дея марҳум шоиримиз ўз сўзларини якунладилар.

Бу сўзлар биз ёш авлод вакиллари учун оддийгина сўзлар эмас, балки келажак авлодларга ҳам етказадиган сўзлардир. И.А.Каримов ва ўзбек халқи мустақилликка эришгунича ўтган ҳар бир сония нақадар таҳликали бўлганини ҳис қилиш қийин эмас, албатта. Мустақиллик ўз ўзидан инъом этилган тухфа эмаслиги, бу машақатлий вазифани ўз зиммасига олган ҳамда халқини мустақиллик сари дадил қадамлар билан етаклаган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовдир. Бу ёш давлатга 25 йил раҳбарлик чоғида барча соҳаларни тубдан ўзбекона ислоҳ қилган асосчиси бўлдилар. Биргина мисол келтириб ўтадиган бўлсак, ҳозирда мен таҳсил олаётган билим юртига биринчи Президентимиз томонларидан 1997-йил 8-январдаги ПФ-1695 сонли "Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар маҳкамасининг 1997-йил 21-февралдаги 101-сонли қарорига биноан Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилганлигидир. Бугунги кунда бу олий таълим муассасасида бир қанча иқтидорли йигит ва қизлар таҳсил олмоқда. Жорий йилда амалдаги Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуслари билан ташкил этилган И.А.Каримов номли давлат стипендияси соҳиби бўлдим. Бу ютуқ биргина ўзимни эмас, балки бутун Олий мактаб талаба-ёшларининг ютуғи, деб ҳисоблайман. Биз мустақиллик ёшлари Ислом Каримов ва Шавкат Мирзиёев сингари давлат раҳбарлари даврида фаровон жамиятда яшаётганлигимиздан фахрланамиз.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ИЖОДКОРИ

Юсупов Ш.Р.- ТТЙМИ катта ўқитувчиси

Жамиятчилик тарихида бир сифат ўзгаришидан иккинчисига ўтиш жараёни ҳамиша турли суронли ва таҳликали ҳолатлар билан кечиб ўтганлигига кўҳна тарихимиз гувоҳ. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган бу борадаги ислоҳот сиёсати йўли энг самарали йўл бўлиб, натижа ўзини амалда кўрсатди. Ислоҳот, аслида, эскининг асосида янгини шакллантириш демакдир. Асосчининг "Янгисини яратмай туриб, аввалгисини барбод этиб ташлаш қайси ақлга сиғади? Янги уйни-иморатни қурмасдан, эски уйни, ўзимиз истиқомат қилаётган уйни йиқитиш, вайрон қилиш - бу ақлдан эмас"[1] дея таъкидлаганида эволюцион ривожланиш йўлига асосланган жамиятчиликнинг моҳияти ёритиб берилган эди. Бу айнан ислоҳотлар асосига қурилишини назарда тутувчи дастлабки муносабатлар бўлган. Мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб янги ижтимоий ўзгаришлар И.Каримов номи билан шаклланган амалий натижалар яхлит механизмга айланди. Жамиятимизда мураккаб ўтиш даврида бошқа кўпгина муҳим вазифалар катори, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, унинг маънавий оламига зарар етишига, ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига, жумладан, аҳолининг бир қисми ўта бойиб, аксарияти ўта қашшоқликка юз тутишига йўл қўймаслик масаласи ҳам доимо диққат-эътибор марказида турди. Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз берётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатлари қўйилди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳияти ислоҳот- ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

[1] И.Каримов. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. Т.: "Ўзбекистон", 2016 йил, 308-бет.

Агарки мустақилликка эришганимиздан сўнг босқичма-босқич ривожланиш йўлини эмас, балки “шок терапияси” деб ном олган инқилобий сакраш йўлини танласак, энг қийин вазиятларда аксарият аҳолимиз қандай аҳволга тушиб қолар эди? Ҳеч шубҳасиз, стихияли тарзда юз берадиган шиддатли ўзгаришлар тўфонида одамларнинг моддий турмуш шароити кескин ёмонлашиб, уларнинг ҳаёт тарзи, аҳлоқий қадриятлари, миллий-маънавий қиёфаси бутунлай издан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Бир сўз билан айтганда, бундай бир ёқлама сиёсат ҳеч кутилмаган оқибатларга, ўрнини юз йилларда ҳам тўлдириб, қоплаб бўлмайдиган оғир йўқотишларга олиб келиши муқаррар эди.

Шунинг учун ҳам биз, четдан ҳар қанча таклиф ва тавсиялар, ҳатто талаблар бўлмасин, ҳеч қачон инқилобий сакраш йўлидан бормадик. Юртимиздаги тинч ва осойишта, бунёдкор ҳаёт, барқарор тараққиёт бундай ёндашувнинг нақадар тўғри бўлганини ва узоқни кўзланганини кўплаб соҳалардаги ижобий натижалар тасдиқлаб бермоқда. Ўша маъсулиятли пайтларда, кескин ижтимоий ларзаларга олиб келадиган ҳар қандай инқилобий ҳаракатларга қаршимиз, бизнинг тадрижий ривожланиш тамойилларига асосланган ўз йўлимиз бор ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз, деб айтилган қатъий сўз, мустаҳкам позиция, албатта бугун ўз ҳосилини бермоқда.

Бизнинг ислоҳотлар давомида наинки моддий фаровонликка, айни пайтда маънавий юксалишга ҳам эришишни ўзимиз учун асосий мезон деб билганимиз умумий тараққиётимизда бир томонга оғиб кетмаслик, жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган мувозанат ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бозор иқтисодиёти ҳамма нарсани жойига қўяди, деган енгил-елпи қарашга итоат қилиб, фақат моддий бойлик ортидан қувиш - халқимизнинг азалий орзу-интилишларига ҳам, инсонийлик билан йўғрилган миллий қадриятларимиз моҳиятига ҳам тўғри келмас эди. Шу боис ислоҳотларни амалга оширишда маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради, деган қоидани ўзимиз учун дастуриламал сифатида белгилаб олдик.

Маънавият ва иқтисодиёт соҳасининг минглаб ҳаётий масалалар, таъбир жоиз бўлса, жонли ришталар орқали ўзаро чамбарчас боғланиб кетганини инобатга олиб, халқимизнинг руҳияти, турмуш тарзи, қадимий урф-одат ва анъаналаримизга ҳар томонлама мос бўлган ислоҳотлар йўлини олдик. Айниқса, ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги ролини ислоҳотларни жорий этишнинг асосий шартларидан бири тариқасида қатъий белгилаб олингани иқтисодиётнинг универсал талаб ва мезонларини миллий маънавиятимиз хусусиятлари билан уйғунлаштиришда ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демократия аввалambор маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, қучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир. Айтиш мумкинки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиҳати, икки қанотидир. Айнан шу боис “Кучли давлатдан-кучли жамият сари” концепцияси ишлаб чиқилди.

Эътиборли томони шундаки, ислоҳотларнинг дастлабки босқичидан бошлаб ҳозирга қадар кенг кўламли сиёсий, иқтисодий-ижтимоий дастур ва режаларнинг барчасида халқимизнинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ масалалар алоҳида устувор йўналиш сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Табиийки, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш жараёнида одамлар онгида, жамият мафкурасида туб ўзгаришлар содир бўлади. Бироқ, баъзи бировларнинг хадиксираб, эркин бозор шароитида маънавий-аҳлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланиб қолади, деган хавотирлари ўринсиз экани Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришлар мисолида яна бир бор яққол аён бўлмоқда. Айни кунда мамлакатимизда давлат бюджетининг 50 фоизидан зиёди ижтимоий соҳага йўналтирилгани ҳам буни тасдиқлайди.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб “фуқаролик жамияти” атамаси ер юзидаги барча мамлакатларга ёйилди. Фуқаролик жамиятига доир турли қарашлар, мунозаралар ўртага ташланди. Аксарият сиёсатшунослар “фуқаролик жамияти” деганда давлат ва

иқтисодиётдан фарқ қиладиган, қўйидаги ўзини-ўзи ташкил этувчилардан иборат ижтимоий бирликнинг меъёрий моделини тасаввур этадилар: (1) плюрализм: оила, норасмий гуруҳлар ва ихтиёрий уюшмалар, ҳаёт шаклларининг турли-туманлигини таъминлаб турувчи институтларнинг плюрализмга берилганлиги ва уларнинг автономлиги;[1] (2) ижтимоий ҳаёт эркинлиги: маданият ва коммуникация институтлари; (3) шахсий ҳаёт дахлсизлиги: индивидуал ўзини ўзи ривожлантириш ва аҳлоқий қадриятларни ўзи танлаш соҳалари; (4) қонунийлик: плюрализмни чегаралаб олиш учун умумий қонун чиқаришга, шахсий ҳаёт ва ижтимоий соҳаларда иложи борича давлат органларига, ҳаётий интилишларда эса иқтисодиётга нисбатан бир қадар дахлсизлик. Ана шу тузилмаларнинг барчаси биргаликда замонавий фуқаролик жамиятнинг институционал мавжудлигини англатади. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси умумлаштирилса, замонавий фуқаролик жамиятининг асосий белгилари қуйидагича намоён бўлади: иқтисодий соҳада: нодавлат ташкилотлар; кооператив-ширкатлар; ижара жамоалари; акциядорлик жамиятлари; уюшмалар; корпорацияларнинг мавжудлиги; ижтимоий соҳада: оила; партиялар; жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар; иш ва яшаш жойларидаги ўз ўзини бошқариш органлари; нодавлат оммавий ахборот воситалари; жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг маданийлашган тартиблари; ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан тазйиқсиз қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлиги; маънавий соҳада: сўз, виждон ва фикр эркинлиги; ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имконияти; ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатдан таъминланганлиги. “Ҳаққоний давлатнинг барқарорлиги ундаги аҳлоқий тамойиллар, меъёрлар ва қоидаларнинг устуворлигига асосланади”[2].

Танлаган йўлимизнинг вазият тақозоси эканлиги ва унда маёқбоннинг олиб борган принципиал позицияси амалда самарали натижаларни кафолатлади. Маълумки, собиқ шўролар тизими таназзулга учраб, бир қанча мустақил мамлакатларнинг пайдо бўлиши ва ҳар қайси республика ўз йўналиши билан ҳаракатланиб, турли натижаларга эришганлиги айни ҳақиқат. Шу жараёнда Ўзбекистон ўзига хос ислоҳотлар йўлидан бориб, айниқса, бугунги босқичда жараённинг туб бурилишига эришмоқда. “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимларни топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда”[3] эканлиги бугунги кунда янги ижтимоий тақозо сифатида олдимизда турибди.

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ТИКЛАНИШИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Юсупов И.С.-ТАТУ Урганч филиали, Маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари,
Алиев О.А.- ТАТУ Урганч филиали ассистент

Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг Маънавий ҳаётимизда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Тарихимиз қайта тикланди. Она тилимизни англадик. Улуғ боболаримиз руҳини шод этдик. Жумладан Имом Бухорий, ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари халқ жигарбандларининг номи, иззат-икроми, ҳурмати ўз жойига қўйилди. Удумларимиз, қадриятларимизга қайтдик.

Биз шу улуғ сиймоларнинг ворислари сифатида халқимизнинг маънавий камолоти, тинч ва фаровон ҳаёти учун жавобгармиз. Юртимизга Наврўзи олам кириб

[1] И.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008 йил, 118-бет.
[2] Ж.С.Раматов. Ҳаётга фалсафий нигоҳ. Т.: JTA-press nashriyoti, 2017 йил, 342-бет.
[3] Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. “Халқ сўзи”. 2017 йил 16 январь, 1-бет

келди. Рамазон, Қурбон ҳайитларига етдик. Албатта бу ишлар ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ бунда Ўзбекистон Республикасини биринчи президенти И.А.Каримовни хизматлари жуда катта хисобланади. Бир зумгина ўша собиқ совет даврини хаёлан бир кўз олдингизга келтириб кўринг миллий қадриятларимиз қандай аянчли ахволга келиб қолган эди. Жумладан миллий қадриятларимиз бўлмиш Ўзбекистонда қадимдан табиатда тун ва куннинг тенг бўлиши, баҳорнинг бошланиши ҳақида далолат берувчи, халқ томонидан кенг нишонланувчи Наврўз байрами ва бошқа байрам ҳамда урф-одатлар социализм даврида жуда катта қийинчиликларга дуч келганини катта авлод вакиллари албатта яхши билади. Бироқ Ўзбекистон Республикасини биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарликка келганидан сўнг, ташаббуслари билан Ўзбекистонда 1989 йил 28 февралда Наврўз байрамини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1990 йил 21 март «Умумхалқ Наврўз байрами - дам олиш куни» деб эълон қилинди. 1990 йил 21 март кунидан Наврўз байрами оммавий нишонланадиган бўлди. Биз ҳали бу даврда мустақилликка эришмаган эдик. Буни ўзи ҳам бир қаҳрамонлик эмасми? Ўзбекистон мустақил бўлганидан сўнг эса республикамизнинг асосий расмий байрамларидан бирига айланди. Дунёдаги барча динлар ўзига хос байрамларига эга. Маълумки, ҳар бир диннинг кенг тармоқ отиб, ривожланиб боришида байрамларнинг аҳамияти беқиёс. Дунёдаги 3 та йирик диннинг бири бўлган ислом динининг 2 та асосий байрами «Ийд ал-кабир» (Қурбон ҳайити) ва «Ийд ал-Фитр» (Рўза ҳайити) мусулмон дунёсида кўп асрлардан буён нишонланиб келмоқда. «Ҳайит» арабча «ийд» сўзи билан боғлиқ бўлиб, «байрам» деган маънога эга. Шўролар даврида диний одат ва байрамлар таъқиқланиб келинди. Мустақиллик туфайлигина жамиятимизда рўй берган мафкуравий ўзгаришлар натижасида элимизда диний байрамлар, жумладан, Рўза ва Қурбон ҳайитлари яна эркин ўтказиладиган бўлди. 1992 йил 27 мартда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди [1]. Фармонда, жумладан, шундай дейилади: «Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб, ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр оқибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам Рўза ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин». 1992 йилдан бошлаб ҳар йили мамлакатимизда «Рўза ҳайити» умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Ўзбекистон Республикасида «Байрам кунлари тўғрисида»ги (1992 йил 3 июл) қонун асосида Рўза ҳайити билан бирга Қурбон ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб эълон қилинди. Виждон, дин, шахс, тилни танлаш, маданият ютуқларидан фойдаланиш эркинлиги ва ҳоказолар бўлмаса, чинакам мустақил давлат бўлмайди. Собиқ иттифоқ даврида эътиқод учун, аждодларнинг урф-одатларига риоя этилгани учун, кўпинча халқ анъаналарига ҳурмат кўрсатигани учун партиядан ўчиришар, лавозимидан бўшатишар эди. Биз қўрқув деворини емириб ташладик. Янги масжидлар, диний муассаса ва иншоотлар пайдо бўлди. Наврўз, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити каби ва бошқа умумхалқ байрамлари тикланди, салкам 50 та миллий-маданий марказ ташкил қилинди [2].

Халқимиз азалдан ислом дини ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келади. Бу ҳақиқатни жаҳон жамоатчилиги, бутун мусулмон дунёси яхши билади ва тан олади. Нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси - АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдиғи десак адашмаган бўламиз. Ўзбекистон Республикасини биринчи Президенти И.А.Каримовни қаҳрамонлиги шундаки собиқ иттифоқ таркибида бўлишига қарамай биринчилардан бўлиб ўзбек тилига давлат тили деб эълон қилганини биз ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Жумладан, 1989 йилнинг 19 октябрь куни бу ўта муҳим масала Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига қўйилди. Ва қарийб бир ярим асрлик қарамликдан сўнг мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Бу Ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеа эди.

Қабул қилинган қонунда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилган эди. Бу қонун ўша пайтда бошқа республикаларда қабул қилинган тилга оид ҳужжатлардан ўзининг демократик моҳияти билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, мазкур қонун давлат идораларида ишлаш, таълим олиш, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиш, фуқаролик сингари масалаларда одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини камситадиган турли шартлар ва «ценз»лардан холи экани билан жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган талаб ва қоидаларга тўлиқ жавоб берар эди. Шунинг учун ҳам у кўпмиллатли халқимиз томонидан ижобий кутиб олингани бежиз эмас [3]. Айниқса, давлат тилининг халқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборлидир. Хусусан, хорижий мамлакатлар раҳбарлари билан бўладиган учрашув ва суҳбатлар, музокаралар, тегишли ҳужжатларни имзолаш маросимларида, нуфузли саммитларда, расмий матбуот анжуманларида ўзбек тилининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётгани ҳаммамизга ғурур-ифтихор бағишлайди. Шу борада ўзбек тилининг компьютер ва Интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт каби махсус термин ва тушунчаларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўллана бошлагани унинг имкониятлари нечоғлиқ катта эканини кўрсатади.

Адабиётлар

1. Хоразм ҳақиқати // 1992 йил 28 март.
2. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011
3. И.А.Каримов, «Юксак маънавият-енгилмас куч», Тошкент 2008.

ИСЛОМ КАРИМОВ — СИЁСИЙ ЕТАКЧИ СИФАТИДА

Юсупова Х.Б.-ТТЙМИ “Маънавият ва маърифат” ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими услубчиси

Дунё харитасида мустақил Ўзбекистон номининг пайдо бўлиши буюк давлат арбоби, сиёсатнинг фаол актори ва сиёсий етакчи – Ислом Каримов номи билан боғланади. Мустақилликнинг қанчалик машаққатлар билан қўлга киритилганини бугун барчамиз биламиз, хотирлаймиз. “Ислом Каримов ҳокимият бошқарувини қўлига олган пайтида Ўзбекистон нақ ҳалокатнинг ёқасига келиб қолди..... У ҳокимият тепасига мамлакатни барча бало қазолардан сақлаб қоладиган киши сифатида келди. Шунинг учун уни пешонасига сиёсий етакчилик битилган киши деб атаган бўлардим..... Тарихнинг шундай бурилиш лаҳзаларида етакчига ва фавқулодда фазилатларга эга шахсларга бўлган эҳтиёж ниҳоят даражада кучайиб кетади”, — деган эди профессор Леонид Левитин ўзининг “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” номли китобида. Шу ўринда сиёсий етакчилик тушунчасига изоҳ берсак. Сиёсий фанлар доктори, профессор Ибодулла Эргашев талқинига кўра “Сиёсий етакчи мамлакат тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган, сиёсий жараёнларга ва вазиятларга таъсир кўрсата оладиган жамиятнинг муайян ижтимоий гуруҳнинг, ташкилотнинг обрўли шахсидир”. Шунингдек, Г.Х.Юсупова, Х.Ж.Жабборов, Х.Х.Қосимова муаллифлигидаги “Сиёсат назарияси” китобида сиёсий етакчилик тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: “Инсониятга хос бўлган энг қадимги универсал институтлардан бири ва у давлат ҳамда жамият миқёсида ҳокимият функцияларини бажарувчи субъектлардан биридир”. Қадимги универсал институтлардан бири сифатида давлатчилигимиз тарихида сиёсий етакчиларни кўплаб келтиришимиз мумкин: Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий. Бу буюк сиймолар қаторига эни Ислом Каримов номини ҳам киритамиз. 25 йил давомида давлатимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар, қўлга киритилган ютуқлар, халқаро миқёсдаги ҳамкорлик алоқалари – буларнинг бари Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ишлардир. Сиёсий адабиётларда келтирилганидек, сиёсатда ва жамиятдаги жараёнлар, одатда, етакчи шахс

номи билан боғланади. Сабаби, жамиятни бошқараётган сиёсий етакчи рўй бераётган воқеа-ҳодисалар учун бевосита масъул эканлиги назарда тутилади.

Соҳа олимлари сиёсий етакчиликнинг кўплаб турлари мавжудлигини таъкидлайди. Немис олими Макс Веберга кўра етакчиликнинг анъанавий, харизматик ва рационал-ошкора турларини келтиради. Ислом Каримовни бевосита рационал-ошкора етакчилик турига киритишимиз мумкин. Унга кўра етакчини сайлаш таркиби, унга берилган ҳокимлик ваколатларининг оқиллиги, қонунийлиги тўғрисидаги тасаввурларга асосланади. Фикримизнинг далили сифатида ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуриш мақсадимиз этиб белгиланган, бош қомусимизда белгиланган оқилона, қонуний, ошкора тартибда ўтказиладиган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, Президент ваколатларининг катта қисмини Сенатга, халқ вакиллик органига берилиши (“Бутун давлат ҳокимияти органлари ишининг самарадорлигини сақлаб қолган ҳолда ҳокимият ваколатларини марказ ихтиёридан соқит қилиш, бу ваколатларнинг бир қисмини марказдан минтақаларга, маҳаллий ҳокимият органларига олиб бериш йўлларини излаб топиш заруратга айланиб бормоқда.”[1]) кабилар Ислом Каримовни Вебер талқинидаги рационал-ошкора етакчилик турига киритишимизга асос бўлади.

Америкалик политолог Роберт Такер таълимотига кўра сиёсий етакчиликнинг консерватор, ислоҳотчи ва инқилобчи турларини ажратади. Ўз-ўзидан маълумки биз Ислом Каримовни ислоҳотчи сиёсий етакчи гуруҳига киритамиз. Роберт Такерга кўра ислоҳотчи сиёсий етакчи — ҳокимият таркибини кенг қамровли ислоҳотлар воситасида тубдан ўзгартиришга интилади. Биринчи Президентимиз миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналаримизни сақлаган ҳолда тоталитар тузумдан умуман фарқ қиладиган янги йўлни танлади ва “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган эзгу ғоя асосида иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлат бош ислоҳотчи бўлиши, жамиятнинг барча соҳаларида қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва бозор иқтисодиётига ўтишни босқичма-босқич амалга оширишдек буюк мақсадлар қўйилди. Натижада қачонлардир аждодларимиз кутган кунларга етдик: бугунги ўзбек ёшлари таълим соҳасида ёки спортда дунё ёшлари билан нафақат беллашмоқдалар, балки биринчиликни ҳам қўлга киритмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ривожи учун кенг имкониятлар яратилиб тадбиркорларимиз етакчи халқаро компаниялар билан рақобатлашмоқда, жаҳон бозорига чиқяпди, ижтимоий ҳимоя тизими қонуний мустаҳкамланди.....

— Илгари ҳавас қилган мақсадларимизга бугун эришмоқдамиз, — деган эди биринчи Президентимиз 2015 йил водий халқи билан учрашувда. — “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган эзгу ғоя одамларимиз ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. Бу барчамизга қанот, ўз кучимизга ишонч, айни чоғда қувонч бағишламоқда. Биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини барпо этишда шошма-шошарликка йўл қўймадик, маррани ким тезроқ эгаллайди, қабилидаги мусобақаларга қўшилмадик, ўзгалардан нусха олмадик. Чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган, жаҳон миқёсида “ўзбек модели” деб тан олинган дастурни босқичма-босқич амалга оширдик. Бунинг самарасини мамлакатимиз эришаётган улкан ютуқ ва марраларда кўриш мумкин.[2]

Хулоса ўрнида таъкидлаш керак, Ислом Каримов сиёсий етакчи бажариши лозим бўлган функцияларни бажара олди: ўзбек халқини умумий мақсад ва қадриятлар йўлида бирлаштирди, миллий урф-одатлар, анъана-қадриятларни сақлаган ҳолда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашди. Ватанга, халққа хизмат қилишда ўрнак бўлди, энг маъқул қарорларни ишлаб чиқди, халқимизни қонун бузилишлардан ҳимоя қилди, тартиб ва қонунчиликни назорат, рағбатлантириш чоралари билан сақлаб турди. Раҳбарларнинг халқ

[1] Каримов И.А “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”.-Т.:Ўзбекистон, 1997.

[2] http://uza.uz/uz/politics/islohotlar-samaralari-va-ezgu-maqsadlarimiz-ijobati-30-09-2015

билан бевосита алоқада бўлиш учун имконият яратди. Шунингдек, янгиланишлар ташаббускори бўлди.

Ислом Каримов келажаги буюк давлатни яратишдек мақсадга мустаҳкам пойдевор яратди, энди эса мақсадимизга етишда биз, ёшлар оғишмай, сидқидилдан ҳаракат қилишимиз зарур. Мана шундай буюк аждодлари бор юртнинг авлодлари эканлигимиз биринчи Президентимиз сўзлари билан айтганда "Барчамизга қанот, ўз кучимизга ишонч, айни чоғда қувонч бағишлаяпди". Ислом Каримов хотираси қалбимизда абадий яшайди.

МАЪНАВИЙ МЕРОС – МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Абдумажидова Ҳ. - СамДТИ ўқитувчиси,
Ахророва М. - талаба

"Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур".

Ислом Каримов

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг 15 майида Самарқанд шаҳрида "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусига бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияси Ўрта асрлар Шарқ алломаларига эҳтиром бўлибгина қолмай, жаҳон ёшларини, жумладан Ватанимиз ёшларини билим ва интеллектуал тафаккурини умумжамиятнинг прогрессив тараққиётига қаратиш, уларни янгидан-янги эзгуликларга бошлаш дебочасидир. Дунёни илм ила асрамоқ, келажакда ўз сайёрамизни фарзандларимизга ҳеч қандай маънавий хавфсиз, тинч ҳолатда топшириш бугунги ёшларимиз бурчидир. Шу сабабли ҳам, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов прогрессив инсониятни, айниқса ёш авлодни, абадиятга дахлдор бўлган илмий-маънавий хазинамизга ўзгача нигоҳда қараш, улардан ибрат олишга чақирди. Биринчи Президентимиз, "Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: "Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак", деб айтаман. Айни вақтда "Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!", деб такрорлайман" [1].

Шарқ Уйғониш даврининг энг катта ютуғи биринчи томондан, диний ва дунёвий фан ютуқларини яхлитликда олиб боргани бўлса, иккинчи томондан фақатгина назарияда эмас, балки амалиётда қўллай олганидир. Ўз давридаёқ бу икки ҳодиса - маънавият ва маърифатнинг, ажралмас ягона-яхлитлиги буюк кучлиги ҳамда фан ва ислом маданиятини жамият онгига сингдира олганидир. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ мезон - муқаддас динимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтадилар. Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида инсониятнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит тизимидир. Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлаш ва давом этишида муқаддас динимизнинг хизмати беқиёсдир. Негаки, ислом дини инсонийлик, меҳр-мурувват, ҳалоллик, поклик, эзгулик каби инсониятга хос бўлган фазилатларни ўзида мужассамлаштирган.

Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунё халқларининг қизиқиш ва интилишлари янада ортиб бормоқда. Лекин, динимизнинг поклиги ва бағрикенглигидан фойдаланиб айрим кимсалар, ўз манфаати йўлида динни ниқоб қилиб олган ҳаракатлар ҳам кузатилмоқда. Халқимиз азалдан ислом дини ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келади. Бу ҳақиқатни жаҳон жамоатчилиги, бутун мусулмон дунёси яхши билади

ва тан олади. Нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг таълим фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси - АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007-йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани, ҳам ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдиғидир. Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнақ топдиришга қўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, "Муҳаддислар султони" дея шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 октябрда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида "Ислом оламида Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари тўпламининг ишончли манбаи деб, эътироф этилган "Ал жомеъ ас-саҳиҳ" тўплами барча муҳаддислар устози бўлмиш Имом Бухорийнинг кўп йиллик фидокорона изланишлари самарасидир. Ўн икки асрдирки, ушбу асар муқаддас Қуръондан кейин Ислом дини ҳақидаги иккинчи ишончли ёзма манба бўлиб келмоқда. Нафақат бизнинг юртимиз, балки бошқа мамлакатлардан минглаб, миллионлаб мусулмонлар бу табаррук зот туғилган Бухорои Шарифга бориш ва унинг Самарқанддаги қабрини зиёрат қилишга интилиши бежиз эмас албатта" [2] деб таъкидлаган эдилар.

Адабиётлар

1. Президент Ислом Каримовнинг "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи//Халқ сўзи. 2014 йил 16 май.
2. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т., Ўзбекистон, 2017, 28-29 бетлар.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008.
4. Қурбон Али Жуманиёз Ортиқ ўғли "Маънавиятнинг етти хазинаси" Т. "Шарқ", 2013.

MUSTAQILLIK YILLARIDA BIRINCHI PREZIDENT ISLOM KARIMOV BOSHCHILIGIDA MUQOBIL ENERGIYA MANBALARIDAN FOYDALANISHNI TASHKIL ETISH BORASIDA AMALGA OSHIRGAN ISLOHOTLARI

Saidov F.S.-Islom Karimov nomidagi TDTU assistenti

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgan ilk kunlardan boshlab birinchi Prezidentimiz Islom Abdug'aniyevich Karimov tomonidan ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va madaniy soxalarda puxta o'ylangan, mantiqiy izchillikda tizimli ravishda ishlab chiqilgan islohotlarga start berildi. Bu chora-tadbirlar mamlakatni kompleks rivojlantirishga yo'naltirilgan bo'lib, mamlakatimizni agrar iqtisodiyotdan industrial rivojlanish darajasiga qadar olib chiqishni, aholi turmush darajasini va farovonligini oshirishni, zamonaviy ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini barpo etishni, xizmat ko'rsatish soxasini jadal rivojlantirishni nazarda tutadi. Ushbu maqsadlarga erishish uchun zarur shart-sharoitlarning yaratilishi, ishlab chiqarish omillari bilan ta'minlanganlik darajasi muhimdir. Elektr energiyasi huddi shunday omillar sirasiga kiradi.

O'zbekistonda ishlab chiqarilayotgan elektr energiyasining 85% issiqlik elektr stansiyalariga to'g'ri keladi[1]. Bu tabiiy resurslarning ko'p miqdorda sarflanishi va oqibatda ular zaxiralarining kamayib ketishiga olib keladi. Issiqlik elektr stansiyalarida elektrenergiyasi ishlab chiqarish jarayoni atmosfera havosini ifloslaydi. Gidroelektrstansiyalarda elektr energiyasi ishlab chiqarish mamlakatning suv resurslari bilan ta'minlanganligiga bog'liq bo'lib, bunda mintaqalar orasida nomutanosiblik vujudga keladi. Muqobil energiya manbalaridan foydalanishni kengaytirish muammoning eng oqilona yechimi bo'lib, u resurs iste'molining va atrof-muhitga texnogen ta'sirining kamligi bilan ajralib turadi.

O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimovning "Muqobil energiya manbalarini yanada rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlar to'g'risida"gi №PF-4512-sonli farmonini[3] amalga oshirish doirasida yuqori texnologiyali ishlanmalarni ro'yobgachiqarish

maqsadida sanoat sohasida iqtisodiyotning turli sohalarida quyosh energetikasidan samarali foydalanish, shu jumladan maxsus materiallarni sintezlash va termik ishlov berishda foydalanish bilan bog‘liq amaliy izlanishlar olib boorish uchun Toshkent shahrida Quyosh energiyasi xalqaro institute tashkil etildi.

Samarqand viloyatida Osiyo taraqqiyot banki mablag‘larini jalb qilganholda quvvati 100 MVtga teng bo‘lgan quyosh elektr stansiyasini qurish loyihasi amalga oshirilmoqda, stansiyani 2018 yilda ishga tushirish mo‘ljallangan bo‘lib, 2021 yilgacha Navoiy va Surxondaryo viloyatlarida quvvati 100 MVtdan bo‘lgan fotoelektrik stansiyalarini qurish rejalashtirilmoqda.

Respublikada shamol energetikasini rivojlantirish maqsadida Intec Gopa (Germaniya) kompaniyasi tomonidan GEO-NET bilan uyushgan holda mamlakatning shamoli mkoniyatlarini o‘rganish bo‘yicha loyiha-tadqiqoti shlari amalga oshirildi. O’rganish natijalari bo‘yicha taqdimot o‘tkazilib, “O’zbekiston Respublikasining shamol energetikasi imkoniyatlarini rivojlantirishni baholash – mezzo masshtabda modellashtirish va maydonlarni baholash” hisoboti taqdim etildi. Natijada Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Navoiy viloyatida shamol energetikasini yanada kengaytirish maqsadida katta imkoniyatlarga ega maydonlar tanlab olindi. Yaqin kelajakda quvvati 100 MVtdan ortiq bo‘lgan shamol stansiyasini barpo etish mo‘ljallangan.

Tiklanadigan energiya manbalarining har xil turlaridan foydalanish tajribasini to‘plash maqsadida “Sirdaryo IES” aksiyadorlik jamiyati, “Xorazm XETK” aksiyadorlik jamiyati, “Jizzax XETK” aksiyadorlik jamiyatining chorvachilik komplekslarida ajralgan biogazdan komplekslarning o‘z ehtiyojlari uchun foydalanish uchun biogas qurilmalari ishga tushirildi. Bundan tashqari “Toshkent XETK” aksiyadorlik jamiyatida yillik ishlab chiqarish quvvati 6,0 ming kubmetrga teng bitta biogas qurilmasini ishga tushirish masalasi o‘rganib chiqilmoqda. Shuningdek “O’zbekenergo” aksiyadorlik jamiyati ishtirokida “Jizzax” EIZda issiq suv bilan ta’minlash uchun mo‘ljallangan quyosh kollektorlarini ishlab chiqarish bo‘yicha “Quyosh issiqlik energiyasi” MChJ qo‘shma korxonasi tashkil etildi. Ushbu amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ta’minlash, ishlab chiqarishni yanada rivojlantirish va aholi turmush sifatini oshirishga yo’naltirilgan.

Adabiyotlar

1. O’zbekiston Resbublikasi Davlat statistika qo’mitasi rasmiy web sayti ma’lumotlari.
2. “O’zbekenergo” aksiyadorlik jamiyati rasmiy web sayti ma’lumotlari.
3. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Muqobil energiyaman balarini yanada rivojlantirish bo‘yicha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi №PF-4512-sonli farmoni, www.lex.uz
4. «Koreya Respublikasi Prezidentining O’zbekiston Respublikasiga davlat tashrifi chog‘ida erishilgan kelishuvlarni amalga oshirish va ikki tomonlama hamkorlikni yanada rivojlantirish bo‘yicha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi 2014 yil 25 iyundagi №2192-sonli qarori, www.lex.uz

ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

Турсунова О.Ф.-СамДУ доценти,
Зиявиддинов Д. - магистр

«Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Барчамиз яхши тушунамизки, соғлом фарзандни тарбиялашда аҳоли, айниқса, ота-оналарнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилган кенг кўламли тушунтириш ишларига алоҳида ўрин бериш айни муддао бўлади» [6, 2], - деган эди Биринчи Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллигига бағишланган нутқида. Мамлакатимиз дунёга юз тутаётган бир

даврда, фуқароларимиз, кадрларимизнинг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий савияси ва саводхонлигини юксалтириш бугунги куннинг қатъий талабига айланиб бормоқда. Республикамизда ҳуқуқий демократик давлат қурилишининг моҳияти, мақсадини чуқур англаш, баркамол авлод ва комил инсонни тарбиялаш фаолиятининг маъносига етиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, И.Каримов асарларида баркамол авлод масаласининг ёритилиши, мақсад қилинганлигини тушуниш жаҳон юридик ва педагогика фани томонидан яратилган ҳуқуқий институтлар ва таълимотларни ўзлаштиришга яқиндан ёрдам беради. Ҳар бир давлатнинг ўз ҳуқуқий тизими мавжуд бўлиб, унинг узлуксиз таълими меъёрлари давлат органлари томонидан яратилади. Жумладан, Биринчи Президентимизнинг фикрича: «Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор» [4, 3]. Албатта, ушбу долзарб вазифа мамлакатимиздаги узлуксиз таълим соҳасида фаолият олиб бораётган ҳар бир фуқаронинг мажбурияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг 9 декабрь 2009 йилдаги «Баркамол авлод йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойишига кўра,

« - болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; [5, 1]» вазифаси белгилаб берилган. Биргина чора-тадбир заминида устозлар зиммасида бир қатор бурчлар ётибди.

Шунингдек, Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида баркамол авлод масаласига катта эътибор қаратилган: «Бизнинг заминимиз баҳодирлар ва ҳимоячиларимиз бўлган полвонлар ва ботирларга бой ва уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда. Бугунги кунда ҳамма жойда спортнинг миллий турлари қайта тикланмоқда» [3,59]. Жумладан, И.Каримовнинг баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги қуйидаги фикрлари қимматлидир: «Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшликдан, оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак» [3, 60]. Шунингдек, Биринчи Президентимиз ўз асарларида баркамол авлод тарбияси узлуксиз таълим билан бирга чамбарчас олиб борилиши тўғрисида тўхталади: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касбкори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлилиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади» [3, 62].

Ислом Каримов «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа деб белгилайди: «Биз учун маънавият, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устувор вазифа бўлиши лозим» [3, 139]. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат дастурларини амалга ошириш таълим соҳаси вакилларига ҳам вазифалар юклади: «Таълим соҳасида ўтиш даврида умумий ва касб таълими сифатининг давлат стандартини, таълим соҳасида молиявий маблағлардан самарали фойдаланишни аниқ белгилаш, давлатдан ташқари таълим тузилмаларини ривожлантириш вазифаси биринчи ўринга чиқмоқда» [1, 140].

Ислом Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида ҳам баркамол авлод тарбиясига алоҳида аҳамият қаратади: «Пок ва софдил шахсни тарбиялашда, она тилини қайта тиклашда ҳеч ким ва ҳеч нарса оила билан тенглаша олмайди. Биз халқнинг, айниқса ёшларнинг маънавий-руҳий жиҳатдан қайта қад ростлашининг жўшқин ўчоғи бўлган энг олийжаноб маънодаги маҳалла, қўни-

қўшничилик, ўзаро ёрдамлашувнинг аҳамиятини кўпроқ қадрлай бошладик» [3, 304]. Шунингдек, Биринчи Президентимиз ушбу асарда ўз фикрларини давом эттириб: «Ёш авлоднинг инсоният даҳолари бўлган буюк аждодларимизга муносиб бўлиш йўлида тобора кучайиб бораётган интилишини ҳам янгиланишнинг салмоқли якуни сифатида алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Давлат ва жамиятнинг ёш авлод жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлишига эътибори ошганлиги ислоҳотларнинг шарофатидир» [3, 306].

«Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида баркамол авлод маънавий қадриятларнинг манбаи деб таъкидлайди: «Маънавий қадриятларнинг яна бир қудратли манбаи анъанавий оила ва қариндошлик муносабатлари одобидан иборатдир. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамиша унинг асосий қоидалари бўлиб келган» [3, 532]. Ушбу асарда Биринчи Президентимиз айниқса устоз ва мураббийларимизга қарата шундай фикрларни баён этади: «Ахлоқ ва маънавият мавҳум категорияларга айланмаслиги, фақат ташвиқотчи ва тарбиячиларнинг иши бўлиб қолмаслиги лозим. Юксак даражада ахлоқли фуқарони вояга етказиш – ҳар бир инсоннинг бурчидир» [3, 566].

Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида айниқса баркамол авлод масаласига алоҳида урғу берилган: «Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз» [2, 130].

«Энг муҳими шундаки, «портлаш эффекти»нинг ҳақиқий моҳияти ва аҳамияти вақт ўтиши билан, биз тарбия қилаётган соғлом ва баркамол авлоднинг сафимизга тобора илдам кириб бориши билан янада яққолроқ сезилади» (2, 64). Шунинг учун биз уларнинг тарбиясида Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларини ўзимизга шиор, керак бўлса дастуруламал қилиб олишимиз жоиз: «Мен ёшларимизга, менинг болаларимга қарата, ўрганишдан ҳеч қачон чарчаманглар, деб айтмоқчиман. Ўрганиш, интилиш ҳеч қачон айб саналмайди. Ниманидир билмасанг, уни ўрганиш зарур. Аввалambор, энди ҳаётга кириб келаётган ёшларга нима лозим? Ўрганиш, ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш керак. Касб ўрганган, илм ўрганган киши, ўзбекона айтганда, ҳеч қачон кам бўлмайди» [1, 240]

Шуни айтиш мумкинки, Ислом Каримовнинг барча асарларида баркамол авлод масаласи, бугунги кун комил инсон тарбияси алоҳида вазифа, мажбурият қилиб қайд қилиб қўйилган. Том маънода шуни таъкидлаш лозимки, бу вазифалар устоз, мураббий, тарбиячи, ўқитувчи ва ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий соҳаларнинг вакилларига катта масъулият юклайди.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2015, 304-б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. – 130 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 59 б.
4. Халқ сўзи. 2009. 6.12. № 237 (4900), - 3-б.
5. Халқ сўзи. 2009. 10.12. № 238 (4901), - 1-б.
6. Халқ сўзи. 2013. 7.12. - 2-б.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Сетмаматов М.Б.- УрДУ арх.ф.н., доцент

Савутов Р.Э.-ўқитувчи

Юлдашев У.М.- талаба

Юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан миллий маънавиятимизнинг мустаҳкам кўрғони ҳисобланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг фаровонлигини ошириш, шу асосда, баркамол авлод тарбиясига алохида эътибор қаратиб келинмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан олиб борилган давлат дастурлари ва йилларга берилган номларда маънан ёшлар тарбияси мужассам бўлган. Болани туғилишидан тортиб улғайиб вояга етгунига қадар уни тўғри овқатлантириш жараёни, соғлигига эътибор бериш, баркамол шахслар этиб шакллантириш ва тарбиялаш борасидаги кенг кўламли чора тадбирларни амалга оширишда юқорида қайд қилинган йилларнинг номланиши мамлакатимизда ёшларга, келажак авлодга қаратилаётган эътибор намунаси бўлди.

Ўзбек халқи қадимдан бўлажак оналар ва туғилажак фарзандлар саломатлигига катта эътибор қаратиб келган. Бинобарин, бўлажак насл учун қайғуриш аждодларимиздан қолган эзгу амал бўлиб, бўлғуси ота-она соғлом бўлсагина улардан жисмонан ва рухан баркамол фарзандлар дунёга келади. Соғлом авлод эса она Ватан равнақи ва жамият тараққиётига муносиб хисса қўша олади. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида она ва бола саломатлигига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикасининг оила кодексида “Никохланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш” қоидаси акс эттирилган бўлиб у соғлом оилаларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Мазкур кодекснинг 17 –моддасида никохланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муасасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтиши, тиббий кўрикдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб мустаҳкамланган.

Биринчи Президентимиз томонидан “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам юртимизда соғлом фарзандлар дунёга келишини кафолатлашга хизмат қилди. Шундай экан, барчамиз улуғ бир мақсад – Ватанимиз ва халқимиз эртасини соғлом баркамол кўриш истаги йўлида бирдам бўлмоғимиз лозим.

Ислом Каримов келажак авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб оналарни соғлом фарзанд давлатимиз пойдевори бўла олишига ишонтира олди ва дастури амал сифатида халқнинг онгига сингдириб маъносини англашга ундаган шахслардан биридир. У “Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизни хал қилувчи кучдир” дея таъкидлаб, ёшлар ҳар қандай мамлакатнинг кўзгуси эканлигини эътиборга олган холда, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш борасида кўплаб улкан тадбирларни амалга оширди. Ёшлар келажагимиз, эртанги кунимиз бунёдкорлари ва яратувчиларидир. Шундай экан, биз бор имкониятларимизни, маънавий-маърифий янгилаш жараёнини янада кучайтиришга, униб-ўсиб келаётган ёшларимиз таълим-тарбиясига сафарбар этишимиз лозим дея таъкидлаб ўтган эдилар.

Ислом Каримов томонидан таълимни ривожлантириш борасида янгича тизимнинг шаклланганлиги бу эса кириш имтихонларини тест асосида олишни йўлга қўйилиши абитуриентларни чуқур билим олишга чорлаган юксак салохият эгасидир. Унинг ғоялари ва таклифлари асосида олий таълим муасасаларига тест орқали киришнинг шаффоф тизими яратилди. Бундан кейин ёшларимиз тинимсиз ҳаракат қилиб ўқишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этишини таъкидлаб берган буюк шахсдир. У билан барча абитуриентларни тайёрлов мактабларига чорлаб қўшимча ўқишлари учун замин яратиб берди. Барча ўқувчи ёшлар юқори билим савиясига эга бўлган тенгдошларининг олий таълим муассасасига ўқишга кириши бошқа ўқувчи ёшларнинг ота оналари ҳам фарзандининг ўқишига эътиборли бўлишига ундайдиган тизим яратилди.

Соғлом ва баркамол, ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашда бу каби тадбирлар қатори ворисийликнинг ҳам аҳамияти катта ҳисобланади. Жамият ҳаётида ворисийлик тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Зеро, айнан ворисийлик анъаналар, қадриятларнинг сақланиши, бойитилиши, авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди ва ёшларни миллий руҳда тарбиялашга хизмат қилади. Ёшларни миллий руҳдаги тасаввурларини, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, ворисийлик ҳисси руҳида тарбиялаш кўп жиҳатдан қуйидаги омилларга боғлиқ:

- ✓ Миллий-маданий меросимизни билиш даражаси;
- ✓ Халқнинг тарихи тўғрисидаги билими;
- ✓ Урф-одатларни билиш;
- ✓ Диний қадриятларни билиш;

Шунингдек , ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун фидойилик кўрсатган, иймон-эътиқодли аждодларимиздан чет эл бочқинчиларига қарши сабр, матонат билан курашган Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур каби ватандошларимизнинг жасорати бугунги кунда ҳам ёшларимизда фахр ва ғурур туйғусини кучайтиради. [2]

Ватанимиз келажаги бўлган ёшлар ҳозирги замон талаблари даражасида билим ва тарбия бериш, уларни юксак маънавиятли, онги ҳар қандай салбий таъсирларга нисбатан бардошли қилиб вояга етказиш – бугунги кун таълим муассасаларининг асосий вазифасидир, чунки фақат ана шундай инсонларгина келажакда одил жамият пойдеворини ярата оладилар.

Биринчи президентимиз Ислом Каримовнинг "...Бундай эзгу мақсадларга эса, фақат юксак маънавият, узлуксиз маънавий тарбия орқалигина эришиш мумкин" деган сўзлари айни шу маънони англатади. Бу эса ҳар биримизнинг фарзандларимиз, ёш авлоднинг маънавий – ахлоқий камолоти, ғоявий чиниқишига, ҳар хил бузғунчи ғоя ва мафкураларга қарши муросасиз курашчи руҳида тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундайди. Айнан фарзандларнинг камолоти – эртанги кунда барчамизнинг тинч ҳаётимизни таъминлайди. Бунинг учун уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларга ҳурлик, озодлик, демократик тамойилларга асосланган жамият барпо этиш, эркин фуқаролик жамият асослари ҳақида тушунча бериш барчамизнинг бурчимиздир.[3]

Юртимиз келажагини юксакликка етаклаш борасида биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан яратилган давлат бошқарувидаги тамойиллар асосида давлатимиз янада равнақ топиб янгича аҳамиятга эга бўлган бошқарув тизимлари юртимизни келажаги буюк бўлган манзиллар сари етакламоқда. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримовнинг «Биздан келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолсин!» дея чин юракдан айтилган гаплари ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг шиори бўлиб қолади.

Адабиётлар

1. Дунё сиёсат жамият. 8-нашр. Гулистон-2017.
2. "Соғлом бола йилининг жамиятимиз тараққиётидаги ўрни" илмий-амалий семинар материаллари. Т-2014 й. 105-106 б.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т-, Ўзбекистон, 2000, 34-бет.

ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ И ВОСПИТАТЕЛЬНАЯ ПОЛИТИКА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В РАБОТЕ И.А.КАРИМОВА «УЗБЕКИСТАН НА ПОРОГЕ XXI ВЕКА»

Аскарходжаев Н.А. - к.б.н., доцент,
Аскарходжаева А.Н. - НИХД им.К.Бехзода

В книге первого президента Республики Узбекистан И.А.Каримова «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса» говорится о том, что сегодня для нас самая актуальная задача сформировать духовность свободного гражданина, личности. «Мы должны воспитать, отмечается в ней, свободных, всесторонне развитых людей, которые хорошо знают свои права, опираются на свои силы и способности, имеют самостоятельный взгляд на происходящее вокруг них и, вместе с тем, гармонично сочетают свои личные интересы с интересами страны и народа»[1].

Возросшую за последнее время потребность в валеологическом воспитании и образовании нельзя рассматривать как проявление научно-технического и технологического прогресса, порожденного какой-либо одной новой сферой наших

знаний, новым научным направлением. Современная валеология– это сложный междисциплинарный научно-практический комплекс, который затрагивает, по существу, большинство современных сфер деятельности.

Внедрение в учебный процесс метода проектов логично вписывается в образовательную и воспитательную политику РУз и создает инновационно-развивающую среду, что подразумевает валеологическую мотивацию учебной деятельности и проблемно-креативную направленность, обретение студентами знаний и навыков самостоятельной работы

Это требует внедрения инновационных методов обучения, которые обеспечивали бы обучение и воспитание студентов на принципах; способствовали бы их подготовке к жизни в гармонии с окружающей средой; формированию валеологически сознательного гражданина, который мог бы самостоятельно принимать решения, прогнозируя возможные последствия.

В основе метода проектов лежит развитие познавательных навыков и критического мышления студентов, умений самостоятельно конструировать свои знания и ориентироваться в информационном пространстве. Об этом упоменается и в выступлениях, произведениях первого президента РУз И.А.Каримов, где отмечается, что годы независимости стали периодом коренного поворота в жизни и мировоззрении граждан. Общество обрело совершенно новый облик и новое содержание. Меняется образ жизни людей, их мышление, особенно молодежи.

Время требует практически от каждого преподавателя естественных дисциплин умения пользоваться этим методом. Его использование в процессе обучения – это своеобразный показатель высокой квалификации преподавателя, его прогрессивной методики обучения и развития. Недаром эту методику относят к технологиям XXI века, предусматривающим, прежде всего, умение адаптироваться к стремительно изменяющимся условиям жизни человека постиндустриального общества [3].

Основываясь на разработанных логико-методологических подходах к исследованию инноваций в процессе воспитания в соответствии с современными задачами образования, которые определены в выступлениях Президента Узбекистана И.А. Каримова, решениях сессий Олий Мажлиса Республики Узбекистан, а также в документах ведущих организаций мирового сообщества ООН, ЮНЕСКО, ВОЗ, ЮНЕП, ЮНИСЕФ, мы считаем необходимым формирование педагогической системы, основанной не только на принципах целостности, ее неделимости, но и на международном сотрудничестве во всех сферах человеческой деятельности. В центре внимания этой системы будет забота о подрастающем поколении.

Образование должно быть нацелено в будущее, на развитие жизненно важных компетенций студентов, формирование в них валеологической культуры, новых образов мышления и деятельности. Подчеркивая важность воспитательного процесса в развитии государства, Ислам Каримов указывает: «Для того чтобы быть воспитателем и наставником, формировать сознание других, передавать знания, растить молодежь настоящими патриотами, настоящими гражданами, необходимо прежде всего, чтобы сам воспитатель отвечал этим высоким требованиям, обладал такими замечательными качествами» [1].

Проектная технология — одна из инновационных технологий обучения и воспитания, которая обеспечивает формирование экологических компетенций. В основе проектной технологии лежит развитие познавательной и исследовательской деятельности студентов, умение так конструировать свои знания, чтобы ориентироваться в экологическом пространстве. На передний план выступает опережающее развитие самого человека как частицы окружающей среды. Решение этой проблемы должно осуществляться по двум направлениям: по линии образования – путем воспитания посредством современной личности, социальной культуры, воздействуя на ее социоадаптационные механизмы, и по линии охраны философской и социальной среды от чуждой идеологии и морали. Это

соответствует Основному Закону – Конституции Республики Узбекистан, направлению стратегии Президента И.А. Каримова, Национальной программы по подготовке кадров [1,2].

Выполнение проекта в первую очередь ставит перед собой задачу *научить* студента использовать имеющиеся у него знания по валеологии и другим предметам для решения конкретных задач и (или) проблем.

Вторая задача метода – *воспитать* у студентов валеологическое мышление – уровень знаний, культуры, воспитания, при котором каждый в своей профессиональной и непрофессиональной деятельности преследует цели создания и организации оптимальных условий природной среды для дальнейшего её развития и сохранения.

Во время выполнения проектов решаются образовательные, развивающие и воспитательные задачи: создание образа целостных валеологических знаний для понимания закономерностей взаимодействия людей с окружающей средой; повышение мотивации в получении дополнительных валеологических знаний с целью превращения знания, мышления и идей в материальную силу прогресса общества; изучение методов научного познания применительно к окружающей среде, выработка способности к рефлексии и интерпретации полученных результатов; развитие исследовательских и современных качеств личности и совершенствование образа мышления; формирование валеологических компетенций. [2]

Таким образом, метод проектов имеет большие психологически-педагогические возможности для обучения и воспитания, а также развития валеологического мировоззрения. Подчеркивая важность воспитательного процесса в развитии государства, Ислам Каримов указывает: «Для того чтобы быть воспитателем и наставником, формировать сознание других, передавать знания, растить молодежь настоящими патриотами, настоящими гражданами, необходимо прежде всего, чтобы сам воспитатель отвечал этим высоким требованиям, обладал такими замечательными качествами» [1].

Литература

1. Каримов И. «Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса» - Ташкент.: «Узбекистон», 1997. - 151 с.
2. Полат, Е. С. Современные педагогические и информационные технологии в системе образования / Е. С. Полат, М. Ю. Бухаркина. – М.: Академия, 2007. – 264 с.
3. Давыдов В.В. Теория развивающего обучения. – М., 2003. – 425 с.
4. Юсуфбекова, Н. Р. Общие основы педагогических инноваций, М.: АТС, 1991. – 178 с.

ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Чўлпонова Х.Т.- ТТЙМИ катта ўқитувчиси,
Юнусова Н.Ш.- ф.ф.н., доцент

Мустақилликка эришганимиздан кейин бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ҳамда мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегик мақсад сифатида белгиланган.

Мустақилликнинг чорак асрга яқин даври ичида мамлакатнинг юз йилликларга тенг бўлган ривожланиш йўлини босиб ўтиши – бу мамлакат биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси ва йўлбошчилиги асосида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилиниши, бу соҳада “Ўзбек модели” асосида ислоҳотларни босқичма-босқич равишда амалга оширилганлиги бўлди. Демак, хуқуқий давлатни қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимизнинг ўз олдига қўйган мақсадидир. Асосий қонунимизнинг муқаддимасида Республикамизда шакллантирилаётган жамият – демократия ва адолат

принципларига таянувчи эркин инсонлар жамияти бўлишлиги кўрсатиб ўтилган. [1]. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана боргани сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита ҳалққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир”[2].

Мамлакатимизда шакллантириладиган фуқаролик жамиятининг шакл-шамойили қандай бўлишлиги тўғрисида тўхталиб ўтар экан, Республикамиз биринчи Президенти жумладан, шундай деб, таъкидлайди: “Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Айни вақтда, бошқа одам-ларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қилади”[3].

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти – ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамиятдир. Фуқаролик жамиятини шакллантиришдан асосий мақсад инсон ҳаётини муҳофаза қилиш, унинг мақсадлари, манфаатларини, муайян ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир. Фуқаролик жамиятининг мазкур институтлари, ўз навбатида, алоҳида шахс учун унинг ҳокимият манбаи эканлигини ҳис қилишга ҳамда унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси жамиятда юксак қадрият сифатида тан олинишини таъминлашга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий омил бўлиб ҳисобланадиган унинг таркибий институтлари тизими, уларнинг функциялари ва ўзаро нисбати билан боғлиқ масалалар илмий жамоатчилик томонидан кенг тарзда ўрганилиб келинмокда.

Биринчи Президент И.А.Каримов «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат»[4] деб таъкидлаган эди. Ўзбекистонда янги жамиятни ривожлантириш ислоҳотлари жараёнида жаҳондаги турли мамлакатларда фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши турли даражада ва даврларда амалга оширилганлигининг назарий ва амалий жиҳатларини, тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, фуқаролик жамиятининг бу прогрессив жиҳатлари (тамойиллари ва белгиларини) синалган тажриба сифатида ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда фуқаролик жамияти қуришда эътиборга олишга имкон беради. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамияти шакллантириш асносида мамлакатда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир тажрибалар ва ижтимоий-гуманитар фанлар билимлари ёрдамида нафақат янги жамиятда яшайдиган, балки бу жамиятни ривожлантиришда бевосита фаол иштирок эта оладиган ёш авлодни шакллантиришга қаратилган билимлар бериш назарда тутилади.

Фуқаролик жамияти тушунчаси – кишилик жамиятининг асрлар мобайнида шаклланган тафаккур маҳсули бўлиб инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳолати билан белгиланади. Фуқаролик жамиятининг пойдеворини яратиш ва уни амалда шакллантириш учун аввало у ҳақдаги ғоялар генезисини,асосларини билиш лозим. Фуқаролик жамияти маълум асослар (иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий) яратилгандагина шаклланиши мумкин. Фуқаролик жамиятининг асосий унсури айрим шахс бўлса, фуқаролик жамияти институтлари, ташкилотлар, гуруҳлар ва ҳоказолар уни шакллантирувчи омиллардир. Улар шахс, унинг манфаатлари, мақсадлари, ниятлари ва ҳоказоларни рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Шу сабабли иқтисодий ва сиёсий

ҳокимиятни ажратиш, ҳақиқий фуқаролик жамиятининг юзага келиши ва қарор топишининг бош омили ҳисобланади. Иқтисодий ҳокимият сиёсий ҳокимият билан қўшилганида муқаррар тарзда иқтисодий ҳокимиятнинг бир марказ, бир одам ёки шахслар гуруҳи қўлида жамланиши юз беради. Агар сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятлар турли марказлар, қўлларда жамланса, улар бир-бирини чеклаб туради.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини яратиш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан уч босқичга бўлиб таҳлил қилиш тавсия этилади.

Биринчи босқич ўз ичига 1991-2000 йилларни қамраб олади. Бу даврда, биринчи навбатда фуқаролик жамиятининг шаклланишининг асослари яратилди.

Иккинчи босқич (2000-2010 йиллар)да мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш бўйича фаол жараёнлар давом эттирилди.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг "Мамлакатда демократик ислоҳатларни янада чувурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"эълон қилинди. Бу Концепция мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг иккинчи босқичига якун ясади ва яни – учинчи босқични бошлаб берди.

И.Каримов таъкидлаганидек, "Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар" [5]. Демак, қисқа даврда мамлакатда "фуқаро - жамият -давлат" тизими қонуний асосга қўйилди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 40 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б.14
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б.173
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 2000. 8-жилд. -Б-331.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон. 2015. -Б.126.

БАРКАМОЛ АВЛОМ – ЮРТ ТАЯНЧИ, ВАТАН РАВНАҚИ

Рахимова М.П.-ТТА Урганч филиали ассистенти

Ватанимизни, халқимизни собиқ шўро мустамлакалигидан озод қилиш, миллатимизнинг азалий қадриятларини тиклаш, ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун тарихий роль ўйнади, бутун дунёда тан олинган ривожланишнинг "Ўзбек модели" асосида мамлакатимизни мисли кўрилмаган юксалиш даражаларига олиб чиқди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» да аввало, «мамлакатни иқтисодий танглик, чуқур инқироздан чиқиш йўли, фақат ривожланиш йўлида илгарилама ҳаракат» мужассам. Маънавий мезонларга асосланган тараққиётнинг «ўзбек модели» «мамлакат ҳаётида рўй бераётган барча ижобий силжишлар моҳиятан маданият, замин, оила ва жамоага таяниши керак» деган мақсад, муддаога элтувчи хосиятли ғояга асосланилди. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ янги Ўзбекистондаги сиёсий- иқтисодий ўнгланиш ва ривожланишга интилишларни ҳаракатлантирувчи кучи ҳам аслида шу бўлди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 25 йили давомида дунёда ўз номи, ўрни ва мақомига эга бўлди.Республикамизнинг барча ҳудудларида муқаддас қадамжоларимиз

тикланди, буюк алломаларимизнинг муборак номлари, улар қолдирган мерос беқиёс улуғланди. Ғаллачилик, энергетика ва бошқа ўнлаб соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Бу ислоҳотлар нафақат халқимиз, балки жаҳон аҳли оммаси томонидан юксак эътироф ва эҳтиром қозонди. Биринчи Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлиги йўлида кўрсатган фидойилиги, она-юртга муҳаббат, миллатимиз олдидаги юксак хизматларини ёшларимиз онги ва қалбига сингдириш, уларда тарихий хотирани янада юксалтиришда бебаҳо маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга. Айниқса, Биринчи Президент Ислом Каримов ҳар томонлама чуқур асослаб, мустаҳкам пойдеворини яратиб берган мамлакатимизни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришдаги буюк мақсадни амалга ошириш, уларнинг маъно-мазмунини ва аҳамиятини ўқувчи-ёшлар онгига сингдириш, юксак маънавиятли, қатъий эътиқоди ва мустақил фикрга эга бўлган, миллий ғоя руҳида тарбияланган баркамол авлодни шакллантиришда жуда муҳим роль ўйнайди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, дунёда “Ўзбек модели” деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган, буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди. Халқимиз ўзининг қисқа муддат - 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда айнан Биринчи Президент Ислом Каримов номи билан боғлайди ва шу улуғ инсоннинг беқиёс хизматлари деб биламиз” Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган салмоқли ютуқларни ҳақли равишда И.Каримов номи ва фаолияти билан боғлайди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»да аввало, «мамлакатни иқтисодий танглик, чуқур инқироздан чиқиш йўли, фақат ривожланиш йўлида илгарилама ҳаракат» мужассам. Маънавий мезонларга асосланган тараққиётнинг «ўзбек модели» «мамлакат ҳаётида рўй бераётган барча ижобий силжишлар моҳиятан маданият, замин, оила ва жамоага таяниши керак» деган мақсад, муддаога элтувчи хосиятли ғояга асосланилди. янги Ўзбекистондаги сиёсий ва–Мустақилликнинг илк йиллариданоқ иқтисодий ўнгланиш ва ривожланишга интилишларни ҳаракатлантирувчи кучи ҳам аслида шу бўлди.

И.Каримов мамлакатда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамосидир: Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакат мустақил тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбобидир;

демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг кафолатидир;

марказий ҳокимият ва унинг жойлардаги бўғинларини ислоҳ қилиш, давлат, жамият ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган янги сиёсий-ижтимоий тизим тамойилларини ишлаб чиқди ва амалга оширди;

халқнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда илғор жаҳон тажрибаларини мужассамлаштирган иқтисодий ислоҳотларнинг янги моделини ишлаб чиқди;

Бу ривожланиш йўли иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, ўтиш даврида давлатнинг бошқарувчилик роли, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя каби машҳур беш тамойилни ўз ичига олади ва у дунёда "Ўзбек модели" деб эътироф этилган;

Ўзбекистон давлатининг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучлар, Чегара ва Ички қўшинларни замонавий ислоҳотлар асосида ташкил этиш ишига бошчилик қилди;

КПСС Марказий Комитети бошчилигидаги кучлар Ўзбекистонда адолатсизлик ва тазйиқларни авж олдирган йилларда ўзбек халқининг номини ноҳақ таҳқир ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш, халқимизнинг ор-номусини, миллий ғурурини тиклашда фидойилик намунасини кўрсатди;

халқимиз маънавий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимизни, урф-одатларимизни, бебаҳо тарихий меросимизни ҳаётга қайтаришни давлат сиёсати даражасига кўтарди;

халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, ўзбек номини бутун дунёга тараннум этишга улкан ҳисса қўшди;

одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида янги миллий ғоя, миллий мафкура асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ишига раҳнамолик қилди;

юртимизда тинчлик-осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, уни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшди;

моҳият-эътиборига кўра, мутлақо янги таълим-тарбия тизими - Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини яратиш ва уни амалга оширишда бевосита етакчи бўлди;

маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими сифатида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббускори бўлди;

юртимизнинг турар жойларида янги қурилишлар, шу жумладан, улуғ аждодларимизнинг қадамжоларини обод қилиш, иқтисодимизнинг салоҳиятини оширишда катта ўрин тутган йирик-йирик корхоналарни бунёд этишда, кўпгина шаҳар ва қишлоқларимиз, аввламбор, пойтахтимиз Тошкентнинг шакл-қиёфасининг тубдан ўзгаришида бевосита раҳбарлик қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўпмиллатли халқимизни бирлаштириб, уни улуғ мақсадлар сари бошлади. XX асрнинг сўнгги йиллари ўзбек халқи тарихида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Бу Мустакиллик, Миллат тушунчалари билан боғлиқ бўлган Миллий Уйғониш, бутунлай янги тарихий шароитларда бутунлай янги миллий давлатчиликка асос солиш сингари абадиятга дахлдор ҳодисадир. Ўзбекистон Республикаси ўзининг жуда катта ақлий ва жисмоний имкониятларини намоён этиб, жаҳон сиёсатига энг замонавий фикрлар билан кириб бораётган, ўзининг новаторлик кучини кўрсатаётган, давлат ҳаётида юз бераётгани сингари жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини дам тубдан ислоҳ қилишга таъсир киладиган янги имкониятларини кўрсатиб бормокда.

Миллий уйғониш, миллий ўзлигини англаш мустақиллик берган буюк неъматдир. Ана шулар туфайли ҳам миллат қаддини ростламоқда. Қадимий, асрлар мобайнида тўплаган нуфузини қайтадан тикламоқда. Дарҳақиқат, ҳамиша уйғоқ халқ яратувчиликка, бунёдкорликка қодир бўлади. У ўз имкониятларини тобора бойитиб боради. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Мустақиллик, Миллат тушунчалари ва бевосита унинг ташаббускори Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлган учинчи Ренессанс даври бошланди.

Мустақиллик - ўзбек халқининг тарихий ва энг буюк ютуғи. Уни қўлга киритиш учун халкимиз ўта таҳликали ва таҳдидли, мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Асрлар оша халқимиз қалбида асраб-авайлаб келинган бу буюк орзуга кўплаб қурбонлар, таҳдидлар ва истироблар билан етишдик. Шу сабабли халқимиз бугунги тинч ва осойишта ҳаётга, тўкин ва фаровон дастурхонга, нурафшон орзулар ва режаларга буткул ҳақли ва муносибдир. Бугунги кунда бизнинг энг буюк вазифамиз мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу эса, аваламбор, эл-юрт осойишталиги, халқ фаровонлиги ва Ватан равнақи йўлида фидокорона меҳнатимиз, юртимиздаги бунёдкорликка ва халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига турли ички ва ташқи таҳдидларга нисбатан муросасиз фуқаролик позициямиз билан амалга ошади, албатта.

Муҳтарам Биринчи Президентимиз фарзандларимизни биздан билимлироқ, кучлироқ, ақллироқ, ва албатта бахтлироқ яшаши лозимлигини, Ўзбекистонимизнинг келажаги эса буюк бўлишини муқаррар билиб, бутун фаолиятлари ва барча орзу-умидларини шу юксак келажакка қаратганлар. Шундай экан, Ватанимизнинг мустақиллигини бундан кейин ҳам тобора мустаҳкамлашга интилиш, Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун фидокорона, ташаббускорона ва тадбиркорона меҳнат қилиш, эл учун, юрт учун ёниб яшаш биз учун энг буюк ҳаёт йўли бўлмоғи даркордир.

ИЛК ПОЙДЕВОР ВА БУГУНГИ КОШОНАЛАР

(Отам Эркин Самандар билан бўлган суҳбат асосида)

Самандарова Н.Э.-ТТА Урганч филиали ўқитувчиси

…Бирин-кетин Қўқон, Бухоро, Хива хонликлари Ўрусия томонидан ёвузлик билан босиб олингач (милодий 1870 йиллар), бу давлатлар ўз мустақилликларидан мосуво бўлганликлари тарихга рақам этилган.

Бу тобелик то 1990 йилларгача давом этгани ҳам маълум. Шу давр ичида халқимиз бошига тушган азоб-уқубатлар, қатағонлар, динимиз, қадриятларимиз оёқости этилиши тарихан эгилмас бўлиб яшаган юрт фарзандларининг юрагига санчилган ўқ каби эди.

Ниҳоят, 1990 йилларга келиб Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришди. Бу озодликнинг илк пойдевори Ўзбекистон Республикасининг ўша пайтдаги раҳбари Ислом Каримов бошчилигида қад ростлади.

Аммо бу пойдеворнинг душманлари, уни чилпарчин қилишга бел боғлаган унсурлари ҳам бор эди. Не-не бало тошларини отсалар-да, ниятларига ета олганлари йўқ. Чунки, мустақиллиқ қўрғони ҳимоясига Ислом Каримов қалқон бўлиб, элимизнинг эрксевар марду мардонларини сафарбар этди.

Ўша мураккаб даврда отам (собиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари) барча қийинчиликлар, қарама-қаршиликлар ва уларни бартараф этиш жараёнлари ичида бўлиб, қуйидагича эслайдилар:

- Намангандаги битта ғалаён - бузғунчиликни бартараф этишда Ислом Каримов кўрсатган жасурликни эслашнинг ўзи кифоя бўлса керак. Наманганга аввал Бош вазирнинг қишлоқ хўжалиги ишлари бўйича ўринбосари Исмоил Жўрабеков ва камина етиб бордик. Қуролланган қўзғолончилардан талабингиз не, деб сўралганида: буни биз фақат Каримовга айтамиз, деб қўрслик қилдилар. Биз Ислом Каримовга қўнғироқ қилиб, аҳволни билдирдик. Орадан бир соат ўтиб-ўтмай Ислом Каримов Наманганга етиб келди ва қўзғолончиларга рўбарў бўлиб, талабларини сўради. Уларнинг орасига бир ўзи, қўриқчиларсиз кириб кетиши дадилликнинг намунаси эди. Уларнинг талаби битта – Ўзбекистонни ислом давлати деб эълон қилиш, уларнинг тили билан айтганда, кофирларни ҳайдаб чиқариш. Ислом Каримов моҳир дипломатларга хос хусусияти билан уларни тинчлантирди, орадан ҳеч қанча ўтмай бу миллатчилар таг-томири билан йўқ қилинди.

Бу эсдан чиқадиган жасоратлардан эмас. Бу ва бундан ҳам оғирроқ воқеа-ҳодисалар ҳал этилганидан сўнг сўз аввалида тилга олинган фикр – мустақиллик пойдевори баланд тикланиб, халқимиз унга суянган ҳолда қаддини ростлаб, ўз юртига – ўз уйига ўзи эгалик қилгани дунёга аёндир. Отам Эркин Самандар айтишларича ...1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: - **“Биз мустақилмиз!”** – дея эълон қилди. Бу не-не авлодлар эшитишни орзулаган, жон олиб жон берган тарихий, жуда баланд сўзлар эди. Депутатлар шундай қилиш мумкинми, дегандек лол қотдилар. Муҳтарам Президентимиз кулиб, - Қани қарсаклар? деганидан кейингина хуши ўзига келган депутатлар ўринларидан туриб, қарсак чала бошладилар...Бу кун неча минг йиллик ўзбек халқи тарихининг энг ёрқин нуқталаридан бири эди. Бу энди ҳайратларнинг ҳайрати эди....

Одамларнинг қачон шундай бўлади, деб ўйлашга ҳам ботинолмаган бир даврда Ислом Каримовнинг бу қарори кечқурун дафъатан чиққан ой шуъласига менгзарди.

Яна бир мисол келтирадиган бўлсак, ҳамжиҳатлик тушунчасининг олий даражаси ҳам Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқ деб ўйлаймиз. Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросимида йиғилган зиёлиларга қарата айтган сўзлари ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайди:

“Улуғ бобокалонимизнинг сиймоси олдида келинглар, бир-биримизга сўз берайлик, озодлик ва истиқлол йўлида, бу эзгу ниятларни ҳаётимизга амалий татбиқ этишда бир жону бир тан бўлайлик! Ҳеч қачон танлаган йўлимиздан қайтмайлик!”

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистоннинг мустақиллиги, мадҳияси, байроғи, ўз тилининг давлат тили мақомига эга бўлиши, динга бўлган эътиборнинг ўзи ўша даврда Ислом Каримов кўрсатган жасорат ва шижоатнинг яққол намунасидир. Вақтлар ўтиши билан узоқ ва яқин тарихда рўй берган воқеа-ҳодисалар унутилиши табиий ҳол. Лекин, муҳрланиб қоладиган шундай кунлар ҳам бўладики, улар ҳеч қачон хотирадан ўчмайди. “Бугун биз яқин ўтмишимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан, миллий армиямизни барпо этиш жараёнлари Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши тарихи билан узвий боғланган дейишимиз мумкин. Ишончим комилки, орадан йиллар, асрлар ўтади, халқимизнинг истиқлолга эришиш тарихини ўрганадиган, бу тарихни авлодларимизга китоб орқали етказадиган ижодкорлар ва тарихчилар бу икки буюк воқеа бир-бири билан боғлиқ эканлигининг тасдиғини ҳар қадамда кўради”.

Ҳар қандай меҳнат унинг самараси билан гўзалдир. 26 йил муқаддам қўйилган пойдевор устида бугунги кунда қад ростлаган кошоналар тарихан қисқа муддат ичида инсон шижоати нималарга қодирлигини яққол намойиш этиб турибди. Бунинг битта мисол сифатида Хоразм вилоятида амалга оширилган ислоҳотлардир. Шулардан баъзиларини эсга оладиган бўлсак, Урганч шаҳрида олиб борилган кўплаб бунёдкорлик ишлари, жумладан, Шовот канали бўйида Султон Жалолиддинга муҳташам ёдгорлик бунёд этилганлиги, шунингдек, Хивада беназир бузрук - Пахлавон Махмуд ҳазратлари қадамжосининг таъмирлангани, Хоразмшоҳлар салтанати даврида Урганчда илми ҳикма – Маъмун академиясининг қайта ташкил этилгани Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқдир. Бугунга келиб бутун мамлакатимизда бўлаётгани каби Хоразмда амалга оширилаётган хайрли ва узоқни кўзлаб борилаётган тизимли ишлар юқорида тилга олинган пойдеворнинг эндиликда нақадар юксак кошонага айланаётганини дунёга маълум этажак. Унинг келажаги бундан-да зиёда бўлишини ҳаёт кўзгусининг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

YUKSAK SIYOSIY MADANIYAT TIMSOLI

Malikov B.Q.-TTYMI assistenti

Buyuk shaxslar insoniyat tarixida hamisha muhim o’rin tutib kelgan. Buyuk shaxslarni tarixiy vaziyat yuzaga chiqaradi, degan gap bor. Bunga qo’shimcha qilib, buyuk shaxslar xalqning buyuk orzu – umidlaridan tug’iladi, deyish ham mumkin. O’zbek xalqining mustaqillik, ozodlik uchun kurash tarixiga sinchiklab nazar solsak, bu xaqiqatning naqadar to’g’ri ekaniga ishonch hosil qilamiz. Xalqimiz tarixida Vatan ozodligi, yurt farovonligini hamma narsadan muqaddas deb bilgan ana shunday buyuk zotlar ko’p o’tgan. Xalq yo’lboshlovchilari ulug’ sarkardalar eng murakkab vaziyatlarda el-yurtni birlashtiradi, odamlar qalbida vatanga muhabbat, sadoqat tuyg’ularini oshiradi. Eng muhimi, ular o’z shaxsiy jasoratlari va fidoiyliklari bilan jamiyatimizning hayot tarzini, odamlarning dunyo qarashini o’zgartiradi, ularga yangicha ma’no-mazmun baxsh etadi. Jamiyat taraqqiyotining burulish davrlarida ulug’ maqsadlar, yuksak g’oyalar haqida juda ko’p gapirish mumkin. Lekin bunday davrda bir kishi elga bosh bo’lib o’z hayotini ana shu maqsad – muddao va g’oyalar ijobati uchun baxshida etmas, boshqalarga o’rnak, namuna bo’lmas ekan, xalqni birlashtirish va olg’a boshlash mumkin emas.

Keling, bu haqiqatni xalqimiz tarixida yashab o’tgan yo’lboshchilar ibrati, yigirma besh yil davomida mamlakatimizni istiqlol yo’lidan dadil boshlab kelgan birinchi Prezidentimiz Islom

Karimov faoliyati misolida ko'rib o'taylik. XX asrning 80-yillari oxirida, aniqroq aytsak 1989 yilda, sobiq Ittifoq davlati kundan-kunga zaiflashib, halokat sari yaqinlashib borayotgan paytda vatanimizda ishning ko'zini biladigan, el-yurtning orzu intilishlaridan, armonlaridan boxabar, O'zbekiston mustaqillikni ta'minlashni hayotning bosh maqsadi deb biladigan fidoiy rahbar maydonga chiqdi. Bu birinchi prezidentimiz Islom Karimov edi. U Respublika rahbari etib saylangan paytda yurtimiz juda og'ir ahvolda edi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov respublikada boshqaruv jilovini qo'lga olgan paytda siyosiy vaziyat ham murakkab edi. Ayrim siyosiy harakatlar vakillari Farg'onadagi fojiyali voqiyalarni baxona qilib, baqir-chaqirga, miting bozlikka zo'r berardi. Bu esa vaziyatni battar chigallashtirar edi.

To'g'ri, o'sha paytda respublikada bir-biridan murakkab va qaltis muammolar qalashib yotar edi. Farg'ona fojialaridan tashqari, paxta yakkahokimligining avj olishi, "Paxta ishi", "O'zbeklar ishi" degan soxta ayiblar bilan qizil jallotlar -Gdlyan va Ivanovning 40 mingdan ziyod odamni so'zsiz-so'roqsiz jazoga tortgani va sobiq Ittifoqning turli burchaklariga jazo o'tash uchun yuborgani, Orol fojiasi, go'daklar va ayollar o'limining kun sayin ortib borgani va boshqa muammolar shular jumlasidan edi. Ularni hal etish uchun quruq baqir-chaqir bilan ish bitmas, aksincha, og'ir-bosiqlik bilan, oqibatini o'ylab ish tutish lozim edi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov aynan ana shunday yo'l tutdi. Shu bois faqat mingbar uzra "dohiylik" qiladigan soxta "demakrat"larning so'ziga tez orada hech kim ishonmay qo'ydi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov amaliy siyosatining namunalari xalqning unga bo'lgan ishonch-e'tiborini yanada oshirdi. O'z navbatida, bu ishonch e'tibor Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovga kuch quvvat, g'ayrat-shijoat baxsh etar, u o'z xalqini mustaqillik sari yanada dadilroq boshlab borar edi.

O'zbekistonda Prezidentlik boshqaruvi joriy etilgach, respublikaning milliy qadriyatlarini tiklash, xalqning milliy g'urur va iftixorini uyg'otish siyosat darajasiga ko'tarila boshladi. Sovet davrida taqiqlab kelingan Navro'z, Ramazon hayiti, Qurbon hayiti singari qadimiy bayramlarimiz aynan o'sha yillari tiklandi, Qur'on va Hadis tarjima qilindi, yangi –masjidlar qurildi, Haj ziyoratiga borish uchun barcha shart – sharoitlar yaratildi.

Bunday amaliy natijalar xalqning mustaqillikka bo'lgan intilishini yanada kuchaytirib yubordi. Shu bois 1990 yilning yozida O'zbekiston suvereniteti haqidagi dekloratsiya qabul qilindi. Bu paytda sobiq ittifoqning deyarli barcha respublikalarida siyosiy g'alayonlar avj olib yotar, falaj ahvoldagi iqtisodiyot turli ijtimoiy-siyosiy guruhlarning o'zaro tortishuvidan battar inqirozga yuz tutar edi. O'zbekiston esa, bundan farqli o'laroq, tartib-intizomni, tinchlik – totuvlikni saqlashni ustuvor masala deb bildi va shu bois amalda mustaqillik sari boshqa respublikalarga qaraganda ildamroq bordi. 1991 yil 19 avgustdagi GKCHP voqeasidan so'ng sobiq Ittifoq uzil-kesil halokatga yuz tutadi. Tarixiy vaziyat etilganini anglab yetgan Islom Karimoy 1991 yil 31 avgust kuni O'zbekistonning davlat mustaqilligini e'lon qiladi. Bu - Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning ulkan jasorati edi.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning bunday fazilati davomida murakkab vaziyatda, mingtaqamizda turli manfaatlar kurashi etib turgan davrda mamlakatimizda tinchlik va barqarorlikni asrash muhim ahamiyat kasb etdi. O'zbekiston mustaqillik sari faqat o'ziga xos va o'ziga mos yo'ldan borganidek, istiqloldan keyin ham o'zigan xos taraqqiyot yo'lini tanladi, boshqa yosh mustaqil davlatlar kabi shoshib qolgani yo'q. Balki o'z tarixiy sharoitini, xalqining mentaliteti, milliy davlatchilik borasidagi tajribalarini hisobga olib, rivojlangan davlatning jamiyatni isloh etish borasidagi tajribalarini atroflicha o'rganib, yangicha taraqqiyot yo'liga kirdi. Bu taraqqiyotning o'ziga xos xususiyatlari birinchi Prezidentimiz Islom Karimov tomonidan ishlab chiqilgan va muvaffaqiyatli tarzda amalga oshirilgan o'zbek modelida, uning ma'no-mohiyatini belgilovchi mashhur besh tamoyili konsepsiyasida o'z aksini topdi. Tarixda, ayniqsa, xalq, jamiyat yangi davrga qadam qo'yayotgan paytda tarixiy shaxslarning o'rni va ahamiyati nihoyatda beqiyos bo'ladi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning mustaqil O'zbekiston tarixidagi o'rni - buning dalilidir. O'zbekistonning istiqlol yo'llaridagi tajribasidan ana shu narsa ayon bo'ldiki, jamiyatning, xalqning siyosiy irodasi, tafakkuri va madaniyatini belgilashda davlat rahbarining shaxsiy ibrati, unga xos bo'lgan yo'lboshchilik, yetakchilik, eng

muhimi, insoniy fazilatlar muhim o'rin tutadi. Agar birinchi Prezidentimizga xos bo'lgan fazilatlarni tilga olmoqchi bo'lsak, ular orasida avvalo, fidoiylik, Vatan, xalq manfaati uchun bor imkoniyat va salohiyatini baxshida etish xususiyati ko'z oldimizga keladi. Aynan shu fazilati bois, davlatimiz birinchi Prezidenti O'zbekistonni eng qiyin vaziyatlarda ham to'g'ri yo'lga boshlay oldi. «Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak», deya barchamizni vatanparvarlikka, fidoiylikka chorlab, Vatanni sevish, uning sha'nu sharafini ulug'lash borasida hammamizga o'rnak bo'ldi. Birinchi Prezidentimizning yana bir fazilati - adolatparvarlikdir. Ta'kidlash joizki, adolatparvarlik - buyuk hukumdor ajdodlarimizga ham xos bo'lgan olijanob xususiyat.

Loaqal Amir Temur bobomizning «Kuch - adolatdadir» degan dasturiy ahamiyatga molik hikmatini esga olaylik. Sharqda odil hukumdorlarning barchasi adolat timsoliga aylangan.

Birinchi Prezidentimiz adolat ustivorligi ─ ozod, erkin, demokratik jamiyat hayotining muhim sharti ekani haqida o'z asarlarida salmoqli fikrlarni ilgari surgan. Chunonchi, «Adolat har ishda hamrohimiz va dasturimiz bo'lsin» nomli suhbatida bu xususida shunday degan edi: «Eng muhim gap shuki, boshlanggan barcha islohotlarimizning pirovard maqsadi bitta - adolatli jamiyat barpo etish. «Adolat» so'zi ming yillar davomida insonlarga hamroh bo'lib kelgan. Asrlar davomida kishilar adolat uchun kurashgan, mislsiz qurbonlar bergan. Adolat haqida juda chiroyli gapirish mumkin. Adolat haqida juda uzoq gapirish mumkin. Ammo gap chiroyli va uzoq gapirishda emas, balki hayotda adolatni o'rnata olishda. Ayniqsa, rahbar adolati, elu yurtga yetakchilik qilishdek og'ir mas'uliyatni bo'yniga olgan odamni adolati bugungi kunda beqiyos ahamiyatga ega. Avvallari ham ko'p bor aytgan bir fikrimni takrorlamoqchiman: xalq ochlikka, yo'qchlikka, hamma narsaga chidashi mumkin, adolatsizlikka chiday olmaydi. Odil hukmdor, adolatli rahbar g'oyasi Farobiydan tortib Alisher Navoiygacha va yana boshqa ko'p-ko'p mutafakkirlarimizni ulug' ma'naviy ideali bo'lib kelgan. Sharqda qadimdan juda mashxur bo'lgan «Siyosatnoma» degan asarda podshoh, hokim, amir va beklar, qoziyu quzzotning, zamonaviy til bilan aytganda rahbarni bosh vazifasi, qo;yu qo'zilarni bo'rilardan muhofaza qilib, harom qo'llarni kesib, yer yuzini yomonlik qiluvchilardan tozalash, jahonni adolat va osyishtalik bilan obot qilishdan iborat, deb ko'rsatilgan. Har safar shu kabi hikmatli fikrlarni o'qiganimda chuqur o'yga tolaman. Qani endi, shu so'zlar harbir rahbarning, amal kursusida o'tirgan katta-kichik mansabdorlarning imon-e'tiqodiga aylansa, deb orzu qilaman».[1]

Birinchi Prezidentimizga hos yuksak fazilatlardan yana biri - doimiy ogohlikdir. Ogohlik ham, xuddi adolatparvarlik singari, buyuk donishmand bobolarimiz tomonidan orzu qilib kelingan oiliy janob hususiyatdir. Chunonchi xalqimiz ma'naviy dahosining timsoli Alisher Navoiy «Farhod va Shirin» dostoni xotimasida bu haqda shunday deydi:

Erursen shoh - agar ogohsen sen,
Agar ogohsen sen - shohsen sen.

Muxtasar aytganda, birinchi prezidentimiz Islom Karimov O'zbekiston davlati va davlatchiligini barpo qilish, demokratik fuqorolik jamiyati qurish asoslarini yaratdi, yangi asrda mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy yo'nalishlarini ishlab chiqdi, yurtimizning yorug' istiqboli yo'lida ko'p millatli xalqimizni birlashtirib uni ulug' maqsadlar sari boshlab borgan edi.[2]

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov o'zing xalqparvar, dono siyosati bilan haqiqiy xalq yo'lboshchisi edi. Uning har bir nutqi, har bir dasturiy chiqishi, jamiyatimizni erkin, demokratik taraqqiyot yo'lidagi harakatlarini yanada tezlatishga, ularga yangicha ma'no-mazmun baxsh etishga qaratilgan huquqiy hujjatlari xalqimiz ongining yuksalishga xizmat etgan edi, uni dunyoga, o'z taqdiri va taraqqiyotiga yangicha nazar bilan qarashga davat qilgan edi.

Bularning barchasi Islom Karimov siyosiy rahbar sifatida, mustaqil O'zbekistonning mard yo'lboshchisi sifatida butun fikri-yodi, bor kuch g'ayrati bilan mana shu ozod Vatan ravnaqi yo'lida sidqi dildan xizmat qilgani, elim deb yurtim deb yonib yashaganligidan dalolat

[1] «Adolat har ishda hamrohimiz va dasturimiz bo'lsin» .Birinchi prezidentimiz Islom Karimovning O'zbekiston Teleradio kampaniyasi rahbari savollariga javoblari. « Tafakkur» jurnali, 1999 yil,1- son, 7─8- betlar.

[2] «O'zbekiston Respublikasi Prezidentligiga nomzod Islom Abdug'aniyevich Karimovning tarjimai holi va dasturi». Toshkent, «O'zbekiston» nashriyoti 1999 yil, 5─8-betlar.

beradi. Bir so’z bilan aytganda, birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning faoliyati vatandoshlarimiz uchun ibrat, haqiqiy siyosiy yetuklik va donishmandlik timsolidir.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch. “Ma’naviyat”, 2008.
2. “Adolat har ishda hamrohingiz va dasturimiz bo’lsin”. I. A. Karimovning O’zbekiston Teleradio kompaniyasi rahbari savollariga javoblari. “Tafakkur” jurnali. 1999 yil, 1-son, 7-8-betlar.
3. “O’zbekiston Respublikasi Prezidentligiga nomzod Islom Abdug’aniyevich Karimovning tarjimai holi va dasturi”. Toshkent. “O’zbekiston”, 1999 yil, 5 - 8-betlar.
4. Hojiakbar Hamidov. O’zbekiston tarixi. Toshkent, 2015.

ТАДБИРКОР ЁШЛАР ВА БАНК ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ НИГОҲИДА

Сирожиддинова Ф.Х.-АнМИ ўқитувчиси

Устувор вазифа – банк ва молия тизимларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш.
Каримов И.А.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимизнинг миллий маънавий тикланиш концепцияси ҳамда тараққиётнинг “Ўзбек модели”га асосланиб ёшларнинг дунёқарашини ривожлантириш, улар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тўлиқ ҳуқуқий база яратилди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124-сонли Қарори эса мустақиллик йилларида ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини топиш борасидаги олиб борилган ислоҳотларнинг мантиқий ва қонуний давоми сифатида бу борадаги ишларнинг янги босқичларини бошлаб берди.

Республикамизда ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш соҳасида кредитларни ажратишни тартибга солувчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди. Бу борада Республика Марказий банки етакчилигидаги тижорат банклари томонидан Ўзбекистонда ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларни ошириш, уларнинг бизнес режаларини рўёбга чиқариш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларни рағбатлантириш мақсадида чора-тадбирлар дастури белгиланиб, қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Марказий банк раҳбарлигида олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини амалга оширишда сиёсий партиялар, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати (ҳозирда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи), Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон хотин-қизлари қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа тегишли манфаатдор вазирлик ва идоралар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Тижорат банклари, Камолот ЁИҲ (ҳозирда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи), Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бир қатор ташкилотлар билан биргаликда “Менинг бизнес ғоям”, ”Ёш тадбиркор-юртга мададкор” лойиҳаларининг республика босқичлари ўтказилиб, ғолибларга имтиёзли шартлар асосида микрокредитлар ажратилиб келинди ва келинмоқда.

Юқоридаги лойиҳаларни амалдаги ижроси орқали Ўзбекистон Республикасини иқтисодиёти, аҳоли турмуш даражаси, ёшларни иш билан бандлиги, янги инвестицион ғояларни пайдо бўлиши ва шу орқали жаҳон иқтисодий кўрсаткичларидан жой олишимиз албатта Биринчи Президентимиз И.А.Каримовни саъй-ҳаракатлари ва меҳнатлари мевасидир. Масалан, “Ёш тадбиркор-юртга мададкор” лойиҳасини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларни якка тартибдаги меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашиш, имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу орқали касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини

таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш борасида ёш авлоднинг ташаббус ҳамда интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмалари, ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборат. “Ёш тадбиркор - юртга мададкор” лойиҳаси 2008 йилдан буён ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этилиб келинмоқда. Шунингдек, Олий ўқув юртига шартнома асосида кирган талабаларга таълим кредитлари имтиёзли фоизларда берилмоқда. Республикамиздаги касб-ҳунар коллежларига тижорат банкларининг раҳбар ходимлари бириктирилиб, улар коллеж битирувчилари ўртасида тадбиркорликни йўлга қўйиш, банк хизматларини кўрсатиш, кредит ажратиш тартиблари тўғрисида тушунтиришлар олиб боришмоқда. Шу ўринда банк муассасалари томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам диққат марказида турганлигини таъкидлаш лозим. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожланишида ёшларнинг ҳиссаси муҳим ва салмоқлидир. Ёш тадбиркорлик субъектларига бўлган эътибор улар томонидан янги иш ўринларини очиш, барқарор даромад манбааларини яратишнинг энг муҳим омилига айланмоқда.

Умуман олганда биз нимагаки эришган бўлсак, ютуқларимиз замирида Биринчи Президентимизнинг биз ёшларга бўлган юксак ишончлари мужассамдир. Мухтасар қилиб айтганда, бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган барча банклар оилаларимиз фаровонлиги, юртимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қушиш учун бел боғлаган азми қатъий, ғайрат-шижоатли тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Бу эса Биринчи Президентимизни биз ёшлар келажаги учун қуриб берган асосий имкониятлар базасидир.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАЪНАВИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Тўхтаева Ю.- ТДАУ катта ўқитувчиси

Бугунги ўта мураккаб ва тез ўзгарувчан замонда турли мафкуравий таҳдидларга қарши кураш масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ҳақда гап борар экан, аввалambор, “маънавият” тушунчаси хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқдир, зотан, ушбу тушунча – оддий сўз, шунчаки бир калом эмас, балки унинг замирида моддий ҳаёт билан доимо ёнма-ён юрадиган, инсон, халқ ва жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлган эзгу ҳамда улуғвор ижтимоий ҳодиса ўз мужассамини топган.

Мамлакатимизда маънавият тушунчасини замонавий ижтимоий тафаккур ривожида биринчи бор Ислом Каримов томонидан илмий-фалсафий таърифланиб, методологик жиҳатдан асослаб берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биринчи Президентимизнинг таърифига кўра, маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бугун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади. Халқимиз маъанавият ва маданият, таълим ва тарбияга оид бой меросга эга бўлиб, асрлар мобайнида ёш авлодга инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, биродарлик ва камтарлик каби умуминсоний фазилатларни сингдириб келган.

Маънавият – инсонни руҳий покликка етаклайдиган, қалбини иймон-эътиқод нурлари билан чароғон қиладиган ва юксалтирадиган мезон. Инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади.

Маънавият – аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи кўприк вазифасини бажаради. У ота-боболаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва анъаналар мажмуи, қолаверса, аждодларимиз тўплаган тарихий ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади.

Маълумки, халқимиз тарихининг буюклиги, аввало, маънавияти ва маърифатининг юксаклиги билан белгиланади. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райхон ал-Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшган. Темурийлар, Бобурийлар томонидан яратилган буюк салтанатлар ва барпо этилган муҳташам тарихий обидалар бугун ҳам халқимиз даҳосининг ёрқин намуналари сифатида дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Уч минг йиллик тарихга эга бўлган “Авесто”дан бошлаб, “Тўмарис”, “Сухайл ва Гулдурсун”, “Ўрхун Энасой”, “Қобуснома”, “Ҳидоя”, “Ал-жабр ал муқобала”, “Тиб қонунлари”, “Девону луғатит турк”, “Қутадғу билиг”, “Девони хикмат”, “Қиссасул анбиё”, “Хазойин ул маоний”, “Хамса”, “Бобурнома” сингари улкан маънавият ва маъданият хазиналримизни санаб поёнига етиб бўлмайди. Ушбу асарлар асрлар давомида мисқоллаб тўпланган билимлар жавоҳиридир. Улар ҳақли равишда жаҳон адабиётининг тенгсиз дурдоналари сифатида инсониятнинг маънавий мулкига айланган.

Афсуски, эски тузум замонида “маънавият” сўзининг ўзи тилимизда истеъмолдан чиқариб юборилдики, бу тушунча замиридаки қадриятларимизнинг ўша даврдаги аҳволи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу боисдан, истиқлол арафасида маънавият соҳасига беқиёс эътибор қаратилиб, биринчи Президентимиз И.А.Каримов саъй-ҳаракатлари билан тилимизда, онгу тафаккуримиз-дунёқарашимизда “маънавият”, “юксак маънавият”, “маънавий бойликлар”, “маънавий тарбия”, “халқ маънавий бойлиги”, “халқ маънавияти”, “маънавий бурч” каби тушунчалар янгидан бошланди [1].

Тарих синовидан ўтган ҳақиқат шуки, эзгу ғояларга, маънавий меросга, анъаналар ва замонавий талабларга асосланмаган ҳар қандай давлат тизими узоққа боролмайди. Бу ҳақиқатни етмиш йилнинг бу ҳақиқатни етмиш йилда таназзулга учраган собиқ иттифоқнинг қисмати яққол исботлади. Айни вақтда мустабид тузум даврида халқимизнинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури поймол этилгани, кўхна тарихимиз ва муқаддас қадриятларимиз топталгани, маънавий қарамлик остида тақдиримиз жар ёқасига келиб қолганини асло унутиб бўлмайди.

И.А.Каримовнинг ташаббуси ва жасорати билан 1989 йилдаёқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган, биринчи Президентимизнинг 1990-1991 йиллардаги бир қатор фармонларига биноан, юртимизда “Наврўз” қайта тиклангани, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари ҳам катта байрам ҳамда дам олиш кунлари деб эълон қилингани – шу каби муҳим тарихий қарорлар халқимизнинг асрлар давомида армон бўлиб келган эзгу хоҳиш-иродаси ўз ижобатини топиши, миллий қадриятларимиз тикланиши йўлида илк йирик қадамлар бўлганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Яна бир муҳим жиҳати, биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган озод ва обод, фаровон ҳаёт юксак маъанавият тушунчаси билан шу қадар муштарак тушунчаки, уларнинг бирини иккинсидан ажратиб бўлмайди. Маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида ҳар томонлама чуқур очиб берилган. Ушбу асарни синчиклаб ўқиш асносида, мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар жамият ҳаётидаги бошқа барча ўзгаришлар билан нима учун бу қадар уйғун ҳолда келиб олиб бормлаётгани яққол аён бўлади [2].

Истиқлол йилларида мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда, унинг энг муҳим масалаларини изчиллик билан ҳал этишда, бу жабҳадаги ишларни янада юксак босқичга кўтаришда И.А.Каримовнинг шу борадаги асарлари, маъруза ва нутқлари дастуриламал бўлмоқда.

Адабиётлар

1. “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” қўлланма. Тошкент “Маънавият”, 2012. 50-б.

2. И.Каримов. «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир”. Тошкент – «Ўзбекистон” – 2016 й. 12-б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАЛАБА-ЁШЛАР КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИНИНГ АСОСЧИСИ

Эргашев Х.С.,Очилов М.Р. - Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Қарши филиали изланувчилари

Бугунги кунда давлатимиз тамонидан мамлакат ҳар бир фуқаросига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун қулай ишбилармонлик ва инвистиция муҳити яратилган. Жамият ҳар бир аъзоси фаолият турларининг ҳуқуқий асослари қонун йўли билан кафолатланган бўлиб, бунда ҳудудларнинг жуғрофий ва табиий жойлашувига мос “Иқтисодий зоналар” ташкил этиш орқали, жойларда кичик-кичик ишлаб чиқариш корхоналар барпо этилиб, рақоботли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган саноат линияларини қуриш ҳисобига қўшимча иш ўринларини яратиб, халқимизнинг турмуш даражасини сифат даражага кўтариш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Бу эса ўз навбатида жамиятнинг ҳар бир аъзосида фаол тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, танлаган, фаолият юритаётган касб-кори йўналишида истиқболни белгилай олиш, юртга фидоийлик, янгиланиш жараёнларига даҳлдорлик туйғуси, ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш бугунги куннинг долзарб муаммосига айланди. Юртимиз аҳолисининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларининг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида, 1991 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик” ҳақидаги қонун, 1991 йил 29 ноябрдаги “Республика деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб қувватлаш” тўғрисидаги Республикамизнинг Биринчи Президенти И.Каримовнинг қабул қилган қарорлари мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун асос бўлди.

Шу мақсадда қишлоқ аҳолисига мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ 700 минг гектар серҳосил ерлар томорқа ва фермер хўжалиги сифатида бўлиб берилди. Берилган томорқалар негизида кейинчалик юридик мақомга эга деҳқон хўжаликлари ташкил этила бошланди. Шаҳар ва туманларда оилавий ва хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес тармоғи ривожлантирилди. Масаланинг ўта муҳим бир жиҳати шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов мамлакат тараққиёти, иқтисодий юксалиш баробарида эски тузум ўрнини янги жамият барпо этилаётган бир шароитда, жамият аъзоларини меҳнатга онгли муносабатини шакллантириш халқимизнинг азалий қадриятлари ишбилармонлик ва тадбиркорликни янада тараққий эттириш баробарида ишбилармон ва тадбиркорларнинг янги авлодини тарбиялашнинг назарий методик концептуал тамойилларини ишлаб чиқди ва амалга оширишда давлат бош ислоҳотчи вазифасини ўтади.

Мавзумиз баҳсининг бош муаммоси саналган ёшларга касб-ҳунар сир асрорларини ўргатиш баробарида, уларда, ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришда ўзбек халқининг маънавий мероси саналмиш “Авесто” қадриятларида, Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Замахшарий, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий сингари Шарқ алломаларнинг номлари, ёзиб қолдирган дурдона асарларисиз, республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарлари шу соҳанинг ривожлантиришга қаратилган қарор ва фармонлари, нутқ ва маърузалари, концептуал тамойиллари, ғояларисиз бу соҳанинг яъни касб-ҳунар таълими назарияси ва методикасининг тарихи, бугунги ривожи ва келажак истиқболини тасаввур этиб бўлмайди.

Аждодларимиз яратган улкан моддий мерос хазинасида, ўзбек халқи халқ ҳунармандчилик намуналарининг ҳам ўзига хос муносиб ўрни бор. Афсуски, шўролар ҳукмронлиги даврида халқ ҳунармандчилиги эскилик салқити деб камситилди. Ўзбек халқи халқ ҳунармандчилиги намуналарини тарихий ва тадрижий равожланиш

босқичларини ўрганиш, тадқиқ қилиш, келажак авлодга етказиш улар фаолиятини давом эттириш тамомила таъқиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг “ Юксак маънавият енгилмас куч ” асарида “Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганликларини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда.., ҳали-ҳануз ўзининг кўрки тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади” дея таъкидлайди.[1]

Худди шунинг учун ҳам моддий меросни улуғлаш, уни ҳар тамонлама ўрганиш, асраб авайлаш, ҳар бир фуқарода, айниқса, жамиятимиз келажаги бўлган ёшларда миллий ғурурни кўтариш, ҳунармандчилик касблари йўналишида ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса республикамиз чекка ҳудудларида, қишлоқларда ўсиб улғайиб, ҳаётга энди кириб келаётган ўғил-қизларимизни ҳунармандчилик касблари, касаначилик фаолияти билан шуғулланишларига муносиб шароитлар яратишнинг кўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистонда халқ ҳунармандчилиги, ўзбек халқининг асирлар оша шаклланган ҳунармандчилик намуналари, моддий қадриятлари асраб авайлаш, уларни ёш авлодга етказиш ва ўргатиш, ҳунармандларга ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ҳамда унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Қолаверса, Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарори бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтарди. Хусусан, шу асосида мамлакатимизда келажагимиз ворисларининг истеъдодларини юзага чиқариш ҳамда муносиб рағбарлантиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди.[4]

Бунинг мантиқий давоми сифатида Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-29-96 сонли қарори ҳамда 2017 йил 17 ноябрдаги “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мамлакатимиз фуқароларини ҳунармандчилик касблари ва касаначилик фаолиятлари билан шуғулланишларини янада тараққий эттириш, ҳудудларда тадбиркорлик ва ишбиланирмонликни янги поғонага кўтариш, янги иш ўринларини яратишга кенг имкониятлар яратмоқда. Шу билан бир қаторда қарор ва фармон бандларида ишбилармон ҳунармандларнинг янги авлодини тарбиялаш, ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларида талаб ва таклифларни инобатга олган ҳолда янги касбларни ўқитиш ва ўргатишни йўлга қўйилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бугун халқ ҳунармандчилиги (моддий қадриятлар) олий ўқув юртларида ва ўрта махсус, касб ҳунар таълим муассасаларида ўрганиш, ўргатиш кенг йўлга қўйилди. Халқ ҳунармандчилиги намуналарининг тарихи, бугунги ҳолати ва келажак истиқболи ўқитилаётир. Ўрта умумий таълим мактаблари учун халқ таълими вазирлиги тамонидан тавсия этилган узвийлаштирилган Давлат таълими стандартларида меҳнат таълими ўқув предмети учун алоҳида ҳунармандчилик йўналиши ажратилган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида айнан ҳунармандчиликка ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларида юқори малакали, жаҳон стандартлари талабларига жавоб бера оладиган, ишбилармон ҳунармандларнинг янги авлоди, кичик мутахассислар тайёрланмоқда. Айтиш жоизки, бугун республикамизда ёшлар сиёсати мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Бу аввало, асосий Қонунимиз Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, қолаверса мазкур соҳага доир 22 та қонунда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг дастлабки муҳим ҳужжатлардан бири сифатида 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, 2016 йил 14

сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан янги таҳрири қабул қилинганида ҳам рамзий маъно бор.[2]

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг ҳамда амалдаги Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ёшларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, танлаган касблари йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кенг имкониятлар яратишга қаратилган қарор ва фармонлари, тавсия ва концептуал ғоялари, хулосалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги таълим муассасаларида, хусусан, ҳунармандчиликка ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини моддий қадриятлар интеграцияси воситасида ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим дастурамал бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида мамалакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, тараққиёт жараёнлари билан ёшларни таништириш уларни бу жараёнларга тайёрлаш, жамиятнинг ҳақиқий фаол иштирокчисига айлантириш узлуксиз таълим тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири саналади.

Бунда биринчи галда узлуксиз таълим тизимида ёшларни истиқболли касбга йўллаш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш каби долзарб муаммоларини жаҳон тажрибаси асосида илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш лозим.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимда илмий тадқиқот ишларининг кўламини янада кенгайтириш, такомиллаштириш, ДТС ва ўқув дастурлари асосида дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар яратишни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш.

Иккинчидан, ёшларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш. Бунда жамоат ташкилотлари таълим муассасаси, маҳалла, оила ҳамкорлиги ва ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграцион алоқани янада кучайтириш механизмини ишлаб чиқиш.

Учинчидан, узлуксиз таълим тизимидаги барча профессор-ўқитувчи (айниқса ижтимоий гуманитар ва махсус фан ўқитувчилари) ва техник ходимларни касбга йўллаш, ёшларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш малакаларини замон руҳига мос такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Бу эса умуммиллий ҳаракатнинг бош мақсадига айланмоғи лозим. Ёшларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига эришиш кечиктириб бўлмайдиган вазифлардан биридир.

Кўп йиллик олиб борган илмий тадқиқот ишларимиз натижаларидан якуний хулоса шуки, таълим муассасаларида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлигига асосланган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари таълим тарбия жараёнларига интеграциялашган таълимни тадбиқ этиш, ўқувчи-ёшларда танлаган касблари йўналишида ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишда энг самарали восита вазифасини ўтайди. Сўнгги йилларда республикада интеграцион таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки ҳозирги кунда 70 фоиз ривожланган мамлакатлар таълим тизимида интегратив фанлар ўқитилмоқда.

Таълимни интеграциялаштиришнинг мақсади (ўзаро мувофиқлаштириш) – ўқувчиларда дунёни яхлит ҳолда тасавур этиш қобилиятини ривожлантиришни ўзида ифодалайди. Бу эса талаба ёшларда жамиятдаги тараққиёт жараёнларнинг теран англаш, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун моҳиятини онгли равишда тушуниб етиш, мамлакатимизда давлатимиз томонидан ҳар бир фуқарога яратилаётган ишбилармонлик ва инвистиция муҳитида, танлаган касби йўналишида ўз фаолиятини режалаштириш ва келажак истиқболини белгилай олиш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган интегратив дастур ва дарсликлар яратишни тақозо этади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент “Маънавият”, 2016 йил, 87-бет.

2. Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлартўғрисида” ги Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони.

4. Қуронов М. Эзгу ғоялар рўёби. Тошкент, “Маънавият”, 2011 йил, 87-бет.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ ВА МАЪРИФАТИНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТИ

Эргашева З.-СамДЧТИ ўқитувчиси
Нуруллаев Н.-СамДЧТИ талабаси

Яна тонглар отиб, кун кулгайму, кулмагайму?
Кимни бой берди дунё, билгайми, билмагайму?
Сайёралар юз йилда ёзар экан бир дастурхон,
Бундай меҳмон минг йилда келгайму келмагайму?
(Иқбол Мирзо)

Юртимиз истиқлоли бизнинг олдимизда улкан имкониятлар очди ва халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашдек юксак мақсадлар йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Шу муқаддас заминда яшаб ўтган қанча-қанча аждодларимизнинг азалий орзуси бўлган мустақиллик Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошчилигида олиб борилган мардона курашлар натижасида рўёбга чиқди.

Тарихан жуда қисқа бироқ мазмунан асрларга тенг бу йиллар давомида халқимиз миллий тараққиёт йўлидан изчил ва қатъият билан бориб, барча синов ва машаққатларни енгиб ўтиб, оламшумул ютуқ ва марраларга эришди. Ҳаётнинг ўзи биз танлаган йўл ҳар томонлама тўғри эканини кўрсатди. Буни бутун жаҳон аҳли эътироф этмоқда. Бу йўл тараққиётнинг ўзбек модели сифатида кенг ўрганилмоқда. Халқимизнинг иродаси, куч қудрати ва бунёдкорона меҳнати самарасига, мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк меъмори Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган сиёсатга берилган ҳаққоний баҳодир.

Халқимиз буюк тараққиёт йўлидан оғишмай илдамлаб бормоқда. Меҳнаткаш ва меҳмондўст, саховатли, бағрикенг, маънавияти юксан ва олижаноб халқимиз ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини қўйганлиги Ислом Каримов номи билан боғланган. Бу улуғ мақсад йўлида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этиш ва унинг институтлари фаолиятини янада ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қиладиган давлат ҳокимияти ва бошқарувни янада демократлаштириш борасида изчил равишда самарали ишлар олиб борилди.

Мамлакатимизда баркамол авлод Ватанимиз истиқболининг мустаҳкам таянчи ва И.А.Каримов бошлаган буюк ишларнинг муносиб давомчиси, ёш баркамол авлодга таълим – тарбия бериш соҳасида эришилган муҳим натижа ва ютуқларни таҳлил этиш алоҳида аҳамиятга эгадир, чунки юксак тараққиётни таъминлашда баркамол авлоднинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, “мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни холисона баҳо бериш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма босқич ривожлантириш бўйича биз

танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини яққол кўрсатмоқда”[1].

Истиқлол йилларида кадрлар тайёрлаш масаласига муҳим эътибор қаратилди. И.Каримов таъбири билан айтганда, “Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир – оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ”[2] эди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда аҳолининг таълим савиясини ошириш, таълим шаклларини ўзгартириш, янги шаклдаги ўқув юртлари – коллежлар, лицейлар, бизнес мактаблар ташкил этиш масалаларига катта эътибор берилди. Истиқлол йилларида “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, амалга оширилди. Мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизими аҳолининг саводхонлик даражаси юқори даражада бўлиши таъминланди.

Юртбошимиз И.Каримов муқаддам бу ҳақда алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни қайд этган эди, “**Менинг орзуим шуки,** ўзбек йигит – қизларидан ҳам **чет тилларини чуқур биладиган,** дунёда тан олинган, халқаро майдонда танилган журналистлар чиқса. Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини мамлакатимиз келажаги билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда, Ёшларимиз сиймосида муайян касб, баъзан бир неча йўналиш бўйича диплом олган, бир нечта хорижий тилни ўрганган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил инсон сифатида шаклланган, бир сўз билан айтганда, эл-юрт хизматига шай, юраги ёниб, кўзларидан ўт чақнаб турган навқирон йигит-қизларни кўриб, қалбимда ишонч, ғурур, ифтихор туйғулари жўш уради”.

Ислом Каримовнинг концептуал яхлит сиёсий ва ғоявий, жумладан сиёсий ва маърифий таълимотининг юзага келиши муштарак шаклланиб, такомиллашиши миллий истиқлол давлатчилигимизнинг янгидан пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш босқичлари-ю жараёнларнинг ўзига хос қонуниятлари ҳамда ҳақиқатлари билан боғлиқ.

“Ўзбек модели”нинг машҳур беш тамойили ва унинг мантиқий узвий ҳалқаси бўлмиш олти устувор йўналиш билан боғлиқ ҳозирги эркинлаштириш жараёни Ислом Каримов сиёсий таълимотининг умумтан олинган кашфиёти сифатида миллий тикланишнинг туб асос – моҳиятларини белгилаб берган яхлид қоидлар квинтэссенциясига айланди. Ўзбекистон жамияти давлатимиз **Асосчиси**нинг айнан ана шу назарий – амалий таълимоти негизида ўзининг буюк келажаги сари ишонч билан дадил бормоқда[3].

Миллий тараққиётимизнинг ўзбекона андозалари силсиласида И.А.Каримовнинг сиёсий ва маърифий таълимоти тақдириломонлиги билан ажралиб туради. Зотан, мустақил давлат маърифатсиз, демак, юксак ақлий – интеллектуал салоҳиятсиз, янгича онг-у, янгича дунёқарашсиз цивилизациялашган истиқболли ривожга, камолга эриша олмайди. Дунёни бугун фақат ва фақат маърифат цивилизациясигина қутқара олади. Маърифатсиз миллатда, маърифати паст халқда истиқбол йўқ. Абдулла Авлоний ҳақ: “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур”.

Буюк маърифатпарварнинг ушбу ҳақиқати Ислом Каримов сиёсий ва маърифий таълимотининг, таълим-тарбия сиёсатининг назарий-амалий фалсафасига айланди. “Ислом Каримовнинг айтишича, - деб ёзади Л.Левитан ўзининг “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида...” китобида, - бу сўзлар унинг давлат бошлиғи сифатидаги фаолиятида асосий шиорлардан бирига айланиб қолди”. Мен бунга қўшимча қилиб, ҳатто,

---

[1] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 - ноябрь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010, 8-б.

[2] Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.: 2006, 110 – б.

[3] Ғуломов С. “Куч – билим ва тафаккурда” Т.: 2002. – 68-70 б.

қандайдир муқаддас бир қасамга, инсон ва сиёсатчи сифатида унинг доимий виждоний бурчига айланиб қолган, деган бўлардим. Ўзбекистон Президенти таълимнинг миллий моделини шакллантиришга доир ҳамма масалалар билан бир неча йиллардан бери кун сайин шуғулланиб келди. Бунда у фақат буюртмачигина бўлиб қолгани йўқ. Ислом Каримов чуқур амалий ғояларни ўртага ташлади. Бу ғоялар, шубҳасиз, мақбул ечимларини топишга ёрдам берди. Бу – мазкур моделни ишлаб чиқишда қатнашган Россия ва Ғарб мамлакатлари мутахассисларининг фикри.

И.А.Каримов сиёсий-маърифий фалсафасида таълим-тарбия миллат ва жамиятнинг ягона халоскори, эртанги нажоти сифатида қаралади. “Чунки, - дейди Йўлбошчи, - таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин, айни вақтда, онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 - ноябрь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010, 8-б.
2. И.А. Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.: 2006, 110 – б.
3. Ғуломов С. “Куч – билим ва тафаккурда” Т.: 2002. – 68-70 б.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаева М.Н.-ТТЙМИ и.ф.н., доцент
Қобилова Д.Ж.-ТТЙМИ талабаси

Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодини шакллантириш шароитида ҳуқуқиймаданиятни ошириш муҳим ҳисобланади. Шу билан қабул қилинган қонунлар сони билан эмас,балки қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади.

Ислом Каримов

Юртимизда айни вақтда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёни, яьни кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қурушдек эзгу мақсадимизни аҳолининг асосий қисми ташкил этувчи ёшлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳуқуқий давлат ва уни барпо этиш зарур шартларидан бири – бу аҳоли ҳуқуқий маданиятини, юксалтиришдир. Ҳуқуқий маданият фақат инсонга хос бўлган ҳодисадир. Давлатимиз раҳбари бу йилда қўйилган дастлабки қадамларга тўхталар экан, “Биз, энг аввало, ҳуқуқий асосни тайёрладик. Жамиятимизда асосий ақидалар, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган Конститутциямиз ҳам ана шу асосга қурилган. Биз қонунчилик базасини барпо этиб, бутун давлат тузилмасини ўзгартирдик”, деб қайд этади[1].

Фуқаролар ҳукуқий онгида мазкур билимларни ҳосил қилиш фақат махсус уюштирилган фаолият жараёнидагина эмас, балки ижтимоий воқеликнинг хилма-ҳил объектив омиллари таъсири остида хам рўёбга чиқарилади. Ҳуқуқий тарбия – бу ҳуқуқий нормаларига риоя қилиш, уларни бажариш ва бу нормалардан фойдаланишни таъминловчи муайян ижобий тасаввурлар, қарашлар, қадриятларни тушуниш, йўл–йўриқларни шакллантириш мақсадида одам онги ва хулк – атворига доимий таъсир ўтказиб боришдир.

Ҳуқуқий тарбия мураккаб фаолият тизими ҳисобланганлиги боиси мамлакатимизда ушбу масалага алоҳида эътибор билан қаралмокда. Ўзбекистон Республикаси Президенти

[1] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005.

фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Олий Мажлис қонунларида баён қилинган давлат ҳамда иқтисодий ислоҳ қилишнинг асосий тамойиллари демократик нормалар ва ижтимоий кафолатларни қарор топтиришнинг зарур ҳуқуқий маданиятининг шундай даражасига эришиш керакки, унда қонунларга риоя этиш ҳамма учун мажбурий бўлиб, уларни бузиш эса мутлақо мумкин бўлмай қолсин. Бозор иқтисодиётига асасланган йўл биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлиб қолиши даркор. Ҳар бир одам ўзлаштириб олиш керак бўлган мухим сабоқ шундан иборатки, у қонун асосидан яшаши ва меҳнат қилиш, қонун оркали ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишни ўрганиши, ўз мажбуриятларини оғишмай бажариши керак. Бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан қарашни ўрганишимиз лозим.

Бошқача айтганда, қонун устуворлиги ҳамма ерда тантана қилиши шарт. Ҳуқуқий онгни тарбиялаш фақат ҳуқуқ ҳақидаги билимларни кенгайтириш, жамиятимизнизнинг ижтимоий қадрияти сифатида унга нисбатан ижобий муносабатни шакиллантиришдагина иборат бўлмай, ҳуқуқий кўникмалари, одатларини тарбиялаш ҳам ғоят мухимдир.

Юртбошимиз “Янгича фикирлар ва ишлаш–давр талаби” асарида қуйидагиларга эътибор беришни таъкидланган эди:

- аҳолини ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш;
- унинг хуқуқий маданият даражасини ошириш;
- ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш;
- ҳуқуқий давлатнинг қарор топишига эришиш.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғиботнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш борасида қўшимча шарт-шароитлар яратилди. Зеро, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этилаётган экан, ундаги ҳар бир фуқаро хуқуқий асосларини, унинг амал қилиш тамойилларини, асосий ҳуқуқий норма ва қоидаларини билиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу жараён, айниқса, давлат тамонидан таълим муассаларида амалга ошириладиган ҳуқуқий билим беришнинг пировард мақсадини ташкил этади. Биринчи президентимиз алоҳида таъкидлагандек: “Халқимиз ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига лозим... Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳуқуқий эгалик ҳам демакдир”[1].

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида “Ёшлар иттифоқи” бошланғич ташкилоти, касаба уюшмалари, хотин-қизлар ташкилотлари, сиёсий партиялар томонидан тадбирлар, кўрик-танловлар кенг кўламли тарғибот ташвиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистоннинг келажаги бўлган баркамол авлодга ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгининг ўсишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, бу борада бироз бўлсада, камчиликлар учраб туради. Кундалик ҳаётимизда юз бераётган муаммоларнинг аксариятини айнан ҳуқуқий маданиятимиздаги мавжуд бўшлиқлар сабаб бўлиб келмоқда.

Ушбу камчилик ва муаммоларни бартараф этишда, ҳукуматимиз жуда катта эътибор бериб келмоқда. Жумладан:

- ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшликдан бошлаб бериб бориш;
- ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси ва таълимини такомиллаштиришга таълим ва тарбиянинг ҳали фойдаланилмаган механизмларини яратиш, улардан самарали фойдаланиш,тарбия ва таълимнинг янги шакллари ва воситаларини жорий этиш;

[1] Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т.6. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998. 29 – 30-бетлар

- ёшлар билан олиб бориладиган ҳуқуқий ишлар савиясини ошириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ва ўқув юртларининг кадрлар билан етарли таъминланишига эришиш.

Хулоса шуки, фуқароларнинг ҳуқуқий тажрибасини муваффақиятли амалга ошириш учун шахснинг сиёсий фаоллигини кучайтириш, унинг давлат ишларида иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, ошкоралик ва демократия принципларининг чинаккамига амал қилишини таъминлаш, мансабдор шахслар ва давлат органларининг ҳар қандай кўринишидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб бориши талаб этилади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т.6. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998. 29-30-бетлар

ISLOM KARIMOV – BUYUK DAVLAT ARBOBI, CHINAKAM YETAKCHI

Bazarova G.G`.- AnMI dotsenti,
Xomidov A.A. - AnMI 3-bosqich talabasi

Har tong uyg’onib yana bir kunga yetkazgani uchun, tinch-osuda, ko’rkam va farovon, ozod va obod Vatan bag’rida emin-erkin, hotirjam yashayotganimizga Allohga shukronalik keltiramiz. Musaffo osmon, charaqlab turgan quyosh, odamlar yuzidagi samimiylik, baxtiyorlik, quvonch, bularning barchasi ona Vatanimizning mustaqil va hech kimga qaram emasligidan dalolat beradi. Har bir O’zbekiston farzandi qalbida, ongu–shuurida bu Vatan ravnaqi yo’lida xizmat qilishga, har qarich tuprog’ini ko’z qorachig’idek asrashga bel bog’lashdek muqaddas burch mavjud. Shu o’rinda bunday mustaqil, erkin, osuda hayotimizning asosiy sababchisi, mustaqilligimiz asoschisi va me’mori bo’lgan insonni aslo unutmasligimiz lozim. Bu – albatta, O’zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti, «Xalq otasi» - Islom Abdug’aniyevich Karimovdir.

Islom Abdug’aniyevich, avvalo, shaxs sifatida ajoyib, ochiqko’ngil, samimiy va, albatta, qat’iyatli inson, chinakam yo’lboshchi edilar. Islom Karimov mamlakat yetakchisi sifatida, odilona siyosati, hech qanday havfdan qo’rqmasligi, unga tik boqib taslim eta olishi, uzoqni ko’ra olishi bilan dunyo ahlini lol qoldirgan.

Islom Karimov mamlakat tepasiga kelgan ilk davrlardanoq ona Vatanimizni, xalqimizni mustabid tuzum ta’zyiqidan halos etish choralarini izlay boshladi. Buning uchun o’zimizni, o’zligimizni, aslida kim ekanligimiz, kimlarning avlodlari ekanligimizni to’liq anglab yetmog’imiz lozim ekanligini chuqur his qilgan Birinchi Yurtboshimiz, avvalo, milliy an’analarimiz, qadriyatlarimiz, tilimiz, dinimizni insonlar ongida qayta tiklashga harakat qildi. Ammo, o’sha davrda respublikamizda hukm surgan, ozgina uchqun chiqishi bilan butun yurtimiz o’t – olov ichida qolib ketishi muqarrar bo’lgan g’oyat murakkab siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy vaziyatda bu ishlarni amalga oshirish ancha mushkul vazifa edi. Biroq, Islom Abdug’aniyevich ishbu mas`uliyatni tezroq amalga oshirish zarurligini, aks holda bundanda og’ir kunlar xalq boshiga tushishi mumkinligini anglab yetgani holda, hech narsadan cho’chimay milliy qadriyatlarimizni birma-bir tiklay boshladi.

Ma’lumki, Islom Karimov ko'p yillar davomida Davlat plan komitetida mas'ul vazifalarda xizmat qilgan, keyinchalik bu tashkilotning raisi, moliya vaziri, Ministrlar Soveti raisining o'rinbosari lavozimlarida faoliyat ko'rsatgan. Ish jarayonida minglab rasmiy hujjatiar, jumladan, maxsus statistik ma’lumotlardan foydalanish imkoniga ega bo'lgan. U respublika rahbari bo’lib saylanishidan oldin — Davlat plan komitetining raisi bo'lib ishlagan paytida, o’sha vaqtdagi paxta siyosati, paxta yetishtirishda mehnatning 84 foizi yurtimiz zimmasiga tushayotganligi va uni qayta ishlashning atigi 16 foizi bizga tekkanligi kabi murakkab masalalar ustida uzoq vaqt tizimli tarzda ishlab, bir muhim xulosani, yani O'zbekiston iqtisodiyoti shu tariqa bir yoqlama rivojlanishda davom etadigan bo'lsa, bu xatarli jarayon oxir-oqibatda halokatli natijalarga olib

kelishi muqarrar ekani va bu holatning oldini olishga qaratilgan, chuqur ilmiy asoslangan tahlilnomani respublika rahbariyatiga yozma ravishda taqdim etdi. Davlat. va xalq manfaatini o'ylab, kelajak haqida qayg'urib bildirilgan bunday takliflarga e'tibor qaratish o'rniga Markaz va uning respublikadagi gumashtalari bunday mustaqil va dadil qarashlar bilan chiqqan rahbarni poytaxtdan chetlashtirib, uni olis Qashqadaryo viloyatiga, ya`ni o`sha paytlarda ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan eng og'ir ahvolda qolgan mintaqaga rahbar qilib, aslida esa jazolash uchun yuboradi.

Agar o'sha yillar tarixiga e'tibor beradigan bo'lsak, Farg'ona voqealari haqida shov-shuv ko'targanlar, bunday qonli fojea hisobidan obro' topish, o'zining g'arazli manfaatlariga erishish, xalqimizni badnom qilishga uringan kimsalar ko'p bo'lgan. Islom Karimov bu borada kuyib-yonib, asl haqiqatni katta dard va jasorat bilan bayon qiladi, fojea oqibatlarini bartaraf etishning amaliy yechimlarini ishlab chiqadi va izchil amalga oshiradi. Misli ko'rilmagan siyosiy beqarorlik va boshboshdoqlik sharoitida, o'sha mash'um kunlarda sobiq Markazdagi kuchlar va ularning o'zimizdagi malaylari yurtimiz rahbariga har qadamda millatchilik yorlig'ini yopishtirish, uning shaxsiga nisbatan tuhmat va malomatlar yog'dirishga qanchalik urinmasin, qanday og'ir siyosiy va ma'naviy-ruhiy bosim ta'siri ostida ish olib borishga to'g'ri kelmasin, Islom Karimov Vatanimizning tom ma'noda mustaqillikni qo'lga kiritishiga erishishdek oliy maqsad yo'lidan hech qachon qaytmagan. Mamlakatimizda huquqiy demokratik davlat, fuqarolik jamiyati barpo etish yo'lida avvalboshdanoq asosiy ustuvor yo'nalishlarga aylangan masalalar-tinchlik va barqarorlikni saqlash, millatlararo hamjihatlikni asrash, aholini ijtimoiy muhofaza qilish, iqtisodiyotni tubdan isloh etish, milliy armiyani shakllantirish, sud-huquq tizimini yangicha asosda barpo etish, inson manfaati, huquq va erkinliklarini ta'minlash, ijtimoiy-siyosiy hayotni erkinlashtirish, aholi salomatligi, ilm-fan, ta'lim-tarbiya, madaniyat va sport jabhalariga e'tibor qaratish, jahon hamjamiyatidan munosib o'rin egallash kabi ko'pdan ko'p dolzarb vazifalar mustaqilligimizning poydevori qo'yilayotgan o'sha davrda birinchi Yurtboshimizning chiqishlarida har tomonlama o'z ifodasini topa boshlagan edi. Uning «faqat o'z kuchimiz, o'z salohiyatimizga tayanib ish ko'rishimiz kerak», «o'zimiz harakat qilmasak, chetdan kelib birov bizga yordam bermaydi» deb ta`kidlagan so`zlari, deyarli har bir chiqishining ma'no-mazmuniga singib ketgan da'vatkor so'zlarini o'qir ekanmiz, Yaratgan qaysi elni to'g'ri yo`lga boshlamoqchi bo'lsa, avvalo, unga donishmand, mard va azmu-shijoatli insonni yo'lboshchi qilib qo'yadi, degan hikmatning naqadar to'g'ri ekaniga yana bir bor ishonch hosil qilamiz.

Bugun, oradan yillar o'tib, ko'p narsalar oydinlashganidan so'ng yana bir haqiqatni alohida e'tirof etish har tomonlama o'rinli bo'ladi.

1990-yil 24-mart kuni o'n ikkinchi chaqiriq O'zbekiston SSR Oliy Kengashining birinchi sessiyasida ittifoqdosh respublikalar orasida birinchi bo'lib O'zbekistonda prezidentlik lavozimi joriy etildi. Bu o'rinda shuni aytish joizki, bundan o'n kun oldin ya'ni 14-mart, kuni SSSR xalq deputatlarining navbatdan tashqari uchinchi syezdida SSSR Prezidenti lavozimini ta'sis etish to'g'risidagi qonun qabul qilinib, M. Gorbachyov bu vazifaga saylangan edi.

Bepoyon Ittifoq hududida ikkinchi bir Prezidentning paydo bo'lishini Markaz va uning rahbariyati qanday qahr-g'azab va ichiqoralik bilan qabul qilganini tasavvur qilish qiyin emas, albatta.

Binobarin, o'lkamizda Prezidentlik institutining joriy etilishi birinchi Yurtboshimiz tomonidan O'zbekistonning davlat suvereniteti va mustaqilligiga erishish yo'lida qo'yilgan nafaqat tarixiy qadam, balki chinakam siyosiy va ma'naviy jasorat namunasi bo'lganini izohlab o'tirishga hojat bo'lmasa kerak.

«Paxta ishi», «o'zbeklar ishi» degan siyosiy kampaniyalar paytida qizil imperiyaning markaziy matbuoti el-yurtimiz sha'nini tahqirlab, uning boshiga «qo'shib yozish», «yulg'ichlik», «ko'zbo'yamachilik», «boqimandalik» kabi tuhmat va malomatlar bo'ronini yogdirgan tahlikali vaziyatda xalq dardiga darmon bo'lish o'rniga sobiq Markazning nog'orasiga o'ynagan, mustaqiilik g'oyasini niqob qilib, aslida ana shu muqaddas intilishga qarshi chiqqan kimsalar, Islom Karimovning turli ko'rinishdagi radikal siyosiy guruh va oqimlarga qarshi qanday katta jasorat, siyosiy iroda va vazminlik bilan kurash olib borgani, el-yurtimizga suyanib, uning

qalbiga yo‘l topib, vaziyatni o’nglash, yurtimizni halokatli inqiroz girdobidan olib chiqish, istiqlol sari boshlash bo'yicha qat'iy chora va tadbirlar, chuqur islohotlarni amalga oshirgani va nihoyat, 1991 - yil 31-avgust kuni O'zbekiston mustaqilligini e'lon qilgani yurtimiz hayotida unutilmas voqea hamda Islom Abdug’aniyevichning chinakamiga dovyurakligidan dalolat beradi.

Bularning barchasidan xulosa chiqargan holda, **«Mustaqillikni erkinlik to'g'risidagi shiorlar bilan emas, balki siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy mazmun bilan to’ldirish kerak»,** deb ta'kidlagan birinchi Yurtboshimiz, bu qarashni o’z faoliyalining bosh me’zoni deb belgilagan. Shu sababli, O'zbekistonning hayotiga daxldor bo'lgan har bir masalaga kompleks yondashib, ularning yagona to'g'ri va muqarrar yechimi – bu mustaqillik va faqat mustaqillik, degan mantiqiy xulosaga keladi.

Mustaqillikka erishilgach, birinchi Prezidentimiz eng avvalo o’z tariximizni, madaniy-ma’naviy me’rosimizni qayta tiklash, milliy an'ana va urf-odatlarimizni asrab-avaylash va rivojlantirish, mustabid tuzum davrida ta`qiqlab qo'yilgan Navro’z bayrami, Romazon va Qurbon Hayitlarini nishonlash, dinga hurmat bilan munosabatda bo'lishni qaror toptirish, Imom Buxoriy, Imom Termiziy, Bahouddin Naqshband va boshqa aziz-avliyolarimiz, Amir Temur, Jaloliddin Manguberdi, Zahiriddin Muhammad Bobur singari ko'plab ulug' ajdodlarimiz xotirasiga nisbatan tarixiy adolatni tiklash kabi jihatlarga e’tibor qaratdi.[1]

Islom Karimov davlat boshqaruvi jarayoni davomida buyuk bobokalonimiz, buyuk sarkarda Sohibqiron Amir Temurning «Temur tuzuklari» kitobiga ko’p bora murojaat qilgan, quyidagi sharxi bunga misol bo’la oladi:

«Shaxsan men o’z ish faoliyatim davomida bu kitobga takror-takror murojaat qilib, undagi hech qachon eskirmaydigan hayot hikmatlarining qanchalik to’g’ri ekanligiga ko’p bor ishonch hosil qilganman. Masalan, «Tajribamda ko’rilgankim, azmi qat’iy, tadbirkor, hushyor, mard va shijoatli bir kishi mingta tadbirsiz, loqayd kishidan yaxshiroqdir» degan fikrlar bugungi kunda ham naqadar dolzarb ekani barchamizga ayon. Yoki u zotning «Saltanat ishlarining to’qqiz ulushini mashvarat, tadbir va kengash, qolgan bir ulushini esa qurol bilan bajo keltirish zarur» degan ko’rsatmalarida hozirgi notinch zamon uchun, XXI asr siyosatdonlari uchun ham har jihatdan ibratli fikrlar borligini ta’kidlash joiz. Ayniqsa, bugungi murakkab va tahlikali davrda bu kitobni qayta-qayta mutolaa qilish, uning mag’zini chaqish birinchi galda rahbar, yetakchi bo’lishdek mas’uliyatli vazifani o’z zimmasiga olgan odamlar uchun, qolaversa, har qaysi ziyoli inson uchun bag’oyat foydali ekani haqida ortiqcha gapirib o’tirishga hojat yo’q deb o’ylayman.»[2]

Islom Karimov mustaqil O’zbekistonni dunyodagi bir qator gegemon davlatlar, jumladan, AQSH, Rossiya, Yaponiya, Germaniya kabi davlatlarga siyosiy, iqtisodiy jihatdan qaram bo’lib qolishiga yo’l qo’ymadi. Bu haqida yuridik fanlar doktori Leonid Levitin “Islom Karimov – Yangi O’zbekiston Prezidenti” nomli kitobida shunday yozadi: “Menga ma’lumligiga ko’ra, Islom Karimov AQSH davlat kotibining o’rinbosari Strob Telbot bilan suhbat chog’ida kim tomonidan va qanday shaklda namoyon bo’lishidan qat’iy nazar, O’zbekistonning ichki ishlariga aralashishlariga yo’l qo’yilmasligini aytgan edi. Ravshanki, muzokaralarning bunday uslubi, hozir gapirish yoqimli tuyulganidek, AQSH tomonidan O’zbekistonga moliyaviy yordam masalalarida “siljishlar”ga yordam berishi ham gumon. Biroq Islom Karimov bunga o’xshash vaziyatlarda o’zini boshqacha tuta olmas edi ham. U hamisha mustaqil shaxs bo’lgan. Bu zot o’z mamlakatining obro’-e’tiborini butun dunyoning oltini bilan ham o’lchab ko’rmaydi.”

Islom Karimov o`z chiqishlarining birida hech qanday xaspo’shlashlarsiz shunday deydi: “So’nggi vaqtlarda “ulug’ og’a” sifatida Rossiya o’rnini egallashni ko’zlayotgan kuchlar paydo bo’ldi. Ba’zi bir qo’shni Osiyo davlatlari bunga zo’r berib da’vogarlik qilmoqdalar. Bizning iqtisodiyot masalalaridagi nisbatan tajribasizligimizdan foydalanib, halol hamkornik o’rnida nohalol yo’lga o’tib olmoqdalar. Bizga eskirgan texnologiyalar va uskunalarni keltirib, xo’jalik rahbarlarimiz va tadbirkorlarimizni aldashni xohlamoqdalar. Biz hech qanaqa “ulug’ og’alar”ga muhtoj emasmiz”.

Darhaqiqat, bizning yurtimizga va xalqimizga xorijiy “ulug’ og’alar”ning aslo keragi yo’q edi va bo’lmadi ham. Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug’aniyevich, O’zbekistonni har tomonlama to’g’ri rivojlanish yo’liga boshlay oldi. U yurtimizning “O’ZBEKISTON” bo’lib jahon hamjamiyatiga har tomonlama tanilishi va tan olinishiga bor kuch-g’ayrati bilan harakat qildi va bunga erisha oldi deb bemalol ayta olamiz. Birgina sport sohasining o’zini oladigan bo’lsak, xalqaro arenalarda, Olimpiada o’yinlarida, turli chempionatlar doirasida yurtimiz sportchilari munosib qatnashib, Vatan dovrug’ini butun dunyoga tanitayotir. Xususan, so’ngi olimpiada Rio-2016 o’yinlarida yurtimiz bokschilari 2 ta oltin, 4 ta kumush va 2 ta bronza medallari bilan umumjamoa hisobida birinchi o’rinni olishdi, og’ir atletika baxslarida qatnashgan Ruslan Nuriddinov olimpiadaning mutloq rekordini o’rnatib, oltin medalni qo’lga kiritdi. Bu haqda Islom Karimovning “Hech bir yo’nalish sportchalik mamlakat dovrug’ini dunyoga tez tanita olmaydi” deya ta`kidladilar.

Muhtaram Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov yurtimizda ishlab chiqarish sohasining barqaror rivoj topishiga alohida e’tibor qaratgan. Xorijiy davlatlarning bu sohadagi boy tajribalaridan to’g’ri xulosa chiqargan holda O’zbekistondagi ishlab chiqarish, eksport, savdo-sotiq sohalarini to’g’ri yo’lga qo’ydi va nazorat qila oldi. Bu borada Ukrainaning 1994-2005 yillardagi Prezidenti Leonid Kuchma shunday degan: “Islom Karimov bilan suhbatlar chog’ida men shogird singari undan – u bozor islohotlarining yuqori amaliy natijalariga qanday erishganini, u qanday qilib ishlab chiqarish darajasi tushib ketishiga, odamlarning qashshoqlashuviga yo’l qo’ymagani, va xususan, O’zbekistonning jinoyatchilik bilan kurashdagi muvaffaqiyatining asosiy prujinasi nimalarda mujassamlashganini bilib olishga intildim. Endilikda kuchli ijroiya hokimiyatini saqlab, oldingi davlat tuzilmalarini inqilobchasiga buzib tashlanishiga yo’l qo’ymagan Karimovning qanchalik haq ekanligi hammaga ayon bo’layotir”.

Islom Karimov O’zbekistonni har sohada rivoj topdirish bo’yicha butun dunyo siyosat olamining e’tirofiga sabab bo’lgan O’zbekistin rivojlanishining o’ziga xos yo’li bo’lgan “Rivojlanishning O’zbek modeli”ni ishlab chiqdi. Bu model o’zida besh tamoyilni o’z ichiga olgan bo’lib, ular quyidagilar:

1. Boshqaruvning mafkuradan holiligi, iqtisodiyotnioing siyosatdan ustuvorligi;
2. Davlatning bosh islohotchi bo’lishi;
3. Qonun ustuvorligi’
4. Aholini ijtimoiy himoyalash;
5. Bozor munosabatlariga bosqichma-bosqich o’tish.

Bu tamoillar asosida mamlakatimiz o’zining bugungi rivojlanish darajasiga yetib keldi. Bu borada yana Levitinning “Islom Karimov – Yangi O’zbekiston prezidenti” nomli kitobiga murojaat qilamiz. Unda quyidagicha yoziladi: “Ishonchim komilki, iqtisodiy islohotlarning o’zbekona yo’li – “O’zbek modeli” bu Islom Karimovning kashfiyoti, ko’p ma’noda, agar ta’bir joiz bo’lsa, uning “nou-xau”sidir. Bu uning iqtisodiy salohiyatining, tiniq aql-idrokining, oddiy odamlarga nimalar zarurligini yaxshi tushunadigan siyosiy arboblik iste’dodining va albatta, jahon tajribasini yaxshi bilishning natijasidir”.

Islom Karimov haqida har qancha ijobiy xislatlarni so`zlash va yozish mumkin. Xulosa qilib aytganda, kim nima desa desinu, Islom Abdug’aniyevich Karimov Yaratgan tomonidan biz O’zbekiston ahliga yuborilgan buyuk inoyat edi. U mustaqilligimizni mustahkamlash, O’zbekistonni rivojlanishning yangi bosqichiga olib chiqish, xalqimizning turmush darajasini yanada yaxshilash yo’lida tunu-kun tinimsiz harakat qildi. Uning xalqiga, yurt farzandlariga qarata: “Bolalarim, marrani dadil olinglar. Buni men President aytyapman. Doimo olg’a intilinglar, orqangizda men borman” degan, barchani doimo ruhlantiradigan purhikmat chaqirig`i hali-hali qulog’imiz ostida jaranglab turadi. U O’zbekistonning “So’nmas quyoshi”, porloq kelajak yo’lini ko’rsatib turuvchi mayog`i sifatida dunyo siyosati tarixida o`z timsolini kashf qildi. Islim Karimovning samimiy chehrasi, qilgan ishlari, doimo jon kuyuntirib aytgan gaplari, matonati, shijoati, yozgan asarlari xalqimizning doimiy dasturilamali bol`ib qoladi.

Adabiyotlar

1. Leonid Levitin “Islom Karimov – Yangi O’zbekiston Prezidenti” 1996-yil;

2. “Temur tuzuklari” B.Abduxalimov, 2011-yil.
3. I.Karimov “O’zbekiston XXI asr bo’sag’asida” 1997-yil.
4. I.Karimov “O’zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida”.

ИСЛОМ КАРИМОВ ШАХСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ХИЗМАТЛАРИ

Баратов Р.Ў.- ТТЙМИ таянч докторанти

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганига ҳам йигирма олти йил тўлибди. Бу инсониятнинг узоқ тарихида арзимас вақтдир, аммо мамлакатимиз ҳаётида улкан ютуқлар даври бўлди десак муболаға бўлмайди. Мустақиллик йилларида барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқларимизни бевосита Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Зеро, тарихи ва ўтмишини унутган халқ парокандаликка мойиллиги баланд бўлади.

Илк мустақилликка эришиш арафасида мамлакатда барча соҳаларда жуда оғир аҳвол ҳукм сураётган эди. Шу жумладан темир йўл тизими ҳам оғир инқироз даврини бошидан кечираётган эди. Темир йўл соҳасига узоқ йиллик эътиборсизлик оқибатида кўпдан-кўп муаммолар тўпланиб қолган эди. Йўловчи ташишда шаҳарлараро ва республикалараро йўналишлардаги поездлар қатнови жадвалидан тез-тез чиқиб кетарди. Юк ташиш, вагонлардан фойдаланишдаги хўжасизликлар, давлат ва мижозлар мулкига хиёнат авж олиб борарди. Вагонлар ёзда иссиқ қишда совуқ чойшаб ва адёллар ишлатилаверганидан титилиб кетган, вагон ойналари тўкилиб бўлган, қамоқхонани эслатувчи темир панжаралар билан тўсиб ташланган эди.

Тобора чигаллашаётган бундай аҳвол республикамиз иқтисодиёти, ижтимоий турмушига жиддий зиён келтириб, ўта ташвишли муаммога айланиб бораётганди. Мисол учун 1990 йилда 1989 йилдагига нисбатан 6 фоиз кам юк жўнатилди. Хусусан, нефть маҳсулотларини жўнатиш 0,4 миллион тонна ёки 4,2 фоиз, минерал ўғитлар жўнатиш 0,2 миллион тонна ёки 4,5 фоиз, пахта толаси жўнатиш 150 минг тонна ёки 10,8 фоиз, ёғоч-тахта жўнатиш 26 минг тонна ёки 24,3 фоиз камайди.

Темир йўл тизимида юзага келган бу муаммолар зудлик билан кўриб чиқилмаса, тегишли чоралар кўрилмаса, аҳвол янада оғирлашиб, чигаллашиб кетиши турган гап эди. 1991 йил 25 февралда биринчи Президентимиз Ислом Каримов соҳа вакилларини йиғди. Вазият таҳлил этилди. Тармоқда жиддий бурилиш ясаш учун нималар қилиш зарурлиги кўриб чиқилди, галдаги вазифалар белгилаб берилди. Аҳволни ўнглаш учун чора-тадбирлар кўрилаётган бир пайтда собиқ иттифоқ парчаланиб, мамлакатимиз мустақилликка эришди. Янги мустақил давлатлар ўртасидаги келишмовчиликлар бошланди, ҳамкорлик бўйича ҳуқуқий асослар йўқлиги сабабли темир йўл тизимида янада мураккаб муаммолар пайдо бўлди.

Ўша пайтларда маҳаллий раҳбар кадрларни тайёрлашга эътиборсиз қараб келингани, соҳадаги муҳандис-техник ходимларнинг кўпчилиги кетиб қолиши вазиятнинг янада мураккаблашувига олиб келди. Бунинг устига, таъмирлаш базаси асосан собиқ марказда жойлашгани, эҳтиёт қисмлар юз фоиз Ўзбекистондан ташқарида ишлаб чиқарилгани, улар бизнинг манфаатимизга зид бўлган «бартер» усули орқали олиб келиниши иқтисодиётимиз учун катта молиявий зиён эди. Энг оғир масала транспорт коммуникациялари қўшни республикалар ҳудудидан ўтиши билан боғлиқ эди. Жанубий йўналишда ҳам, шимолда ҳам юк поездларининг асоссиз ушлаб турилиши сабабли темир йўлларимиз раҳбарлари чегара бекатларига бориб, ойлаб сарсон-саргардон бўлардилар. Баъзи йўналишларда эса, оддий қилиб айтганда, ўз уйимизга қўшнининг ҳовлиси орқали ўттиларди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов бу муаммоларни бартараф этиш учун, аввало, кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, Ўзбекистон темир йўлларида саноат ишлаб чиқарилишини, мавжуд техника ва технологияни модернизациялаш, муқобил йўлларни қуриш, ягона миллий темир йўл тизимини яратиш

сиёсатини илгари сурди. Бу ўша даврларда мамлакатимиз ўз бошидан жиддий синовларни бошидан кечираётган ҳамда иқтисодий жиҳатдан танг аҳволда бўлишига қарамасдан қўйилган мардона қадам эди. Ислом Каримов келгусида авлодлар бахти ва фаровонлиги учун ҳам шундай қарорлар қабул қилган десак муболаға бўлмайди.

Ўйлаб қаралса, бевосита денгизга чиқа олмайдиган мамлакатимиз иқтисодиёти ривожи кўп жиҳатдан темир йўллар тараққиётига боғлиқ эди. Шошилинч тарзда мамлакат темир йўл транспорт тизимининг моддий-техник таъмирлаш базасини, локомотив ва вагон саройини сақлаб қолиш, ягона миллий темир йўл тизимини барпо этиш юзасидан тегишли ҳуқуқий-ташқилий чоралар белгиланди. Бошқа республикалар ҳудудида турган вагон ёки тепловозларни қўлдан чиқармай, қайтариб олиб келиш, мамлакат иқдисодиётининг етакчи тизими ҳисобланган темир йўл тармоғи жиловини маҳкам ушлаб туриш кўп нарсани ҳал қиларди.

1994 йил 7 ноябрда Халқ хўжалиги ва аҳолининг темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташиш эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда темир йўлнинг барқарор ва хавф-хатарсиз ишлашини таъминлаш мақсадида Темирйўл транспорти тизимининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган темир йўл корхоналари ва темир йўл бўлимлари, саноат, қурилиш, савдо ва таъминот корхоналари, халқ таълими, соғлигини сақлаш, маданият ва спорт, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, бошқа ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари негизида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик темир йўл компанияси ташкил этилди.

Собиқ тузумнинг асоратлари шу қадар чигал ва мураккаб эдики, буларни катта зеҳн ва донишмандлик билан ҳал этиш талаб этиларди. «Мен энди мустақилман!» деб, бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган темир изларга тўсиқ қўйиб, асоссиз талабларни илгари сурган мамлакатлар ҳам бўлди. Бу калта ўйлов давлатлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий муносабатларни бир-биридан узиб қўйишдан бошқа нарса эмас эди. Айни шу пайтда яқиндагина собиқ иттифок ўрнида тузилган МДҲ давлатлари раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлисида биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсан ташаббуси билан МДҲ мамлакатларида темир йўллар яхлитлиги сақлаб қолинди ва бу тузилма мана 26 йилдирки изчил фаолият юритиб келаётган МДҲ Темир йўл бўйича Кенгаши тимсолида катта- катта масалаларни ҳал этмоқда. Халқаро транспорт ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш максадида Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни тузди. Бу нималардан иборат эди?

«Биринчидан, транспорт коммуникацияларини инвестициялаш қиммат турадиган ва кам фойда келтирадиган бизнес эканлигини жуда яхши тушунамиз, -деган эди Ислом Каримов. — Шунга қарамай, Ўзбекистан ўз манбалари ҳисобидан иккита йирик ва стратегик муҳим темир йўл магистралини: узунлиги 342 километр бўлган Навоий — Учқудуқ — Султан Увайстоғ — Нукус ҳамда узунлиги 223 километр бўлган Тошгузор — Бойсун — Қумқўрғон магистрали қурилишини бошлаб юборди. Уларни фойдаланишга топшириш нафакат табиий минералларнинг бениҳоя бой заҳираларига йўл очиб, республика ичида транспорт қатновини арзонлаштириш имконини беради, балки денгиз бандаргоҳларига, халқаро транспорт коммуникацияларига чиқишни ҳам таъминлайди».[2] Халқаро алоқаларни ривожлантириш нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг жуда катта ютуғи шунда эдики, республика ривожланган энергетика, коммуникация ва сув тизимларига, ягона, бир-бирини тўлдирадиган темир йўл тармоғига эга эди. “Буюк ипак йўли ўтган мамлакатимиз қадим замонлардан буён бепоён Марказий Осиё минтақасида муҳим геостратегик ўрин эгаллаб келган ва ҳозир ҳам эгаллаб келмокда. Бу ердан азалдан асосий савдо йўллари ўтган ва кесишган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик қарор топган. Шарқ ва Ғарбни, Жануб ва Шимолни магистрал йўллар орқали туташтирган Ўзбекистан бугун ҳам улкан транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.”[3] – дея таъкидлаган эди Ислом Каримов “Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон” темир йўли очилишига бағишланган

тантанада. Ислом Каримов шуни таъкидлаган эдики, минтақамизда рўй бераётган чуқур ва изчил сиёсий-иқтисодий жараёнлар амалдаги транспорт йўлакларидан оқилона фойдаланиш билан бирга, мавжуд йирик халқаро бозорлар ва фаол шаклланиб бораётган истиқболли бозорларни боғлайдиган янги, самарали йўналишларни очиш ва ўзлаштиришни тақозо этмоқда эди. Ана шундай йирик лойиҳалардан бири — Навоий — Учқудуқ — Мискин — Тўрткул — Султон Увайстоғ йўналишидаги янги темир йўлидир. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 6 августдаги 394-қарорига мувофиқ бошлаб юборилган янги темир йўлни бунёд этишда жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ транспорт ва коммуникация тизимини жадал ривожлантириш, юк ташиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш масалаларига катта эътибор қаратилгани юқоридаги сингари янги йўлларнинг қурилиши иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришга имкон яратди.

Узунлиги 223 километрни ташқил этган темир йўл линияси эндиликда наинки Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини, балки бу воҳани пойтахтимиз ва юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан бевосита чамбарчас боғлаб турибди. «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг тарихий аҳамияти шундаки, у фақат Ўзбекистан учун эмас, балки минтақамиз тараққиётида, қолаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қадимий Буюк ипак йўлини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 18 июндаги “Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини қуришни ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан республикамиз шарқий вилоятларини ягона темир йўл тармоғига улаш мақсадида умумий узунлиги 123,1 км бўлган “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси барпо этилди ҳамда аҳолига сифатли хизмат қилмоқда.

Темир йўл транспорти барча давлатлар иқтисодиётининг асосий қон томири ҳисобланади. Эътиборлиси, темирйўлчиларимизнинг куч-ғайрати билан кейинги йилларда 1 минг 200 километрдан зиёд янги темир йўл тармоғи барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1500 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Натижада темир йўлларнинг умумий узунлиги 7 минг 100 километрга етди ва улар мамлакатимизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ташкил этилган даврдан буён юк ташишлар 1,5 баробар, йўловчи ташиш 1,3 баробар ўсди. Умуман, 2015 йилда темир йўллар орқали қарийб 82 миллион тонна юк ташилгани ва 20,1 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани ҳамда мамлакатимизда юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали ташилаётганлигини инобатга оладиган бўлсак бунда мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёс.

ИСЛОМ КАРИМОВ МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ СОҲИБИ

Налибаева З. - ТТЕСИ катта ўқитувчиси
Норова Э. - Миробод саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Тарихдан маълумки, ҳар қандай давлат ва халқ тақдирини белгилашда ёки бурилиш нуқтасига сабаб бўлувчи омиллар ичида шахс омили, айниқса етакчи раҳбарлар муҳим аҳамият касб этган. Масалан, Ҳиндистон тарихида Махатма Ганди, Буюк Британия тарихида Черчилл, Туркия тарихида Камол Ота Турк ва бошқа шунга ўхшаш давлат раҳбарлари қийин ва оғир вазиятларда давлатни муқаррар инқироз ёки талафотдан қутқариб, қолаверса халқ жонига аро кириб, жамият тараққиётига сабаб бўлувчи чора-тадбирларни амалга ошириш орқали мислсиз жасорат соҳиблари сифатида улуғланиб келинмоқда. Ўзбекистоннинг янги давр тарихига асос солиб, мустақил давлат пойдеворини яратиб, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида улкан хизмат кўрсатган маънавий жасорат соҳиби сифатида биринчи Президент Ислом Каримовнинг номини келтиришимиз мумкин. Негаки, Ислом Каримов жамиятимизнинг

энг таҳликали ва беқарор бўлган бир даврида давлат тепасига келди ва уни мустақиллигига эришиши учун кескин вазиятларда оқилона қарор қабул қилиб, давлат суверенитетига эришди ва дунё харитасида Ўзбекистон деган ном билан аталувчи янги давлатга асос солди. Бу мустақил – Ўзбекистон деб аталувчи давлатнинг Биринчи Президенти сифатида тарихга ўз номини муҳрлади. Бу ҳақда "халқни якдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи, энг олижаноби – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз[1]-дея таъкидлаб, мустақиллик ғоясини илгари сурди ва бу ғояни амалга оширди.

Тоғнинг маҳобатини қанчалик ундан узоқлашганинг сайин ҳис қилинганидек, Ислом Каримовнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳадаги фаолияти вақт ўтиши билан чуқур англанмоқдаки, буни биз жорий йилда Республикамиз миқёсида кенг нишонланган "Ислом Каримовнинг 80 йиллик юбилейи" тадбирлари мисолида ҳам кўрдик. Бу чора-тадбирлар ёшларимиз онгу шуурида устоз-шогирд, ўтмиш аждодларни улуғлаш, халқимизнинг ўз қаҳрамонларини қандай қадрият даражасига чиқариши сингари маданий муносабатларни тизими тўғрисида тасаввур уйғотиши учун хизмат қилмоқда.

Ислом Каримов маънавият тўғрисидаги турли-туман фикр-мулоҳазаларга, қараш ва назарияларга асосланиб, маънавият тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти, жамият ва инсоният тараққиётида маънавиятнинг ўрни ва роли каби концептуал масалаларини ўзида ифодалаб, маънавият тўғрисидаги қарашларни тизимлашувга сабабчи бўлган "Юксак маънавият-енгилмас куч" номли асарида маънавий жасорат тушунчасининг изоҳини келтириб, "Жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси ни-ҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мурак-каб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин. Айнан ана шундай одамларнинг маънавий фазилатлари туфайли эзгу ҳис-туйғулар, муқаддас ва улуғ тушунчалар дунёда ҳануз барқарор бўлиб келмоқда. Бундай беназир зотларнинг барча халқлар ва миллатлар орасида кўплаб топилиши-маънавий жасорат туйғуси бугун башариятга хос хусусият эканидан далолат беради"[2]-дея таъкидлайди. Шу билан бирга бу асарда маънавий жасорат соҳибларининг номлари зикр этилиб, уларнинг инсон камолоти ва жамият тараққиётига таъсири тарихий мисоллар асосида ёритилганлиги Ислом Каримовнинг тарихий хотирага нисбатан муносабатини белгилаб берувчи мезон сифатида ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, маънавий жасоратга: "Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир" – дея таъриф берганлининг гувоҳи бўламизки, бу таърифни келтириш орқали айтишимиз мумкинки, Ислом Каримов тириклик давридаёқ ҳақли равишда маънавий жасорат соҳибига айланиб улгурган эди десак, ортиқча муболаға йўл қўймаган бўламиз.

Шунингдек, Ислом Каримов "Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган"лигини [3] таъкидлайди. Демак, биринчи Президент Ислом Каримовнинг маънавий жасорати унинг фаолияти мустақилликнинг дастлабки йиллари нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак қуйидаги жиҳатларида намоён бўлади:

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. XXII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида сўзланган нутқдан, 1992 йил июль). I жилд.-Тошкент, 1993. 15-бет.

[2] Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008. –159-160 бетлар.

[3] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. XXII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида сўзланган нутқдан, 1992 йил июль). I жилд. -Тошкент, 1993.- 25-бет.

- Мавжуд аянчли аҳволни тузатиш бўйича Марказ раҳбарияти олдига қатъий талабларни принципиал тарзда қайта-қайта қўйишдан чўчимаслик;
- Қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин-очиқ гапириш;
- Ҳамиша ҳақиқатнинг кўзига тик қараш;
- Юракдан чиққан самимийлик;
- Узоқ вақтлар газак олдирилган нуқсонларнинг илдизини очиш;
- Турли шов-шув билан халқимизни бадном қилишга уринган кимсаларга қонли фожиалар борасидаги асл ҳақиқатни дард билан баён қилиш;
- Кенг тафаккур, мустаҳкам ирода ва эътиқодлилик
- Қалб жароҳатларига малҳам қўйгандек бўлиш;
- Азму шижоатлилик, мардлик ва донишмандлик;
- Тартиб-интизомни тиклаш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олиш;
- Азоб уқубат ва қон тўкилишига сабаб бўладиган бошбошдоқлик, ҳокимиятсизлик ва адоват бўлишини истамаслик;
- Фожиа оқибатларини бартараф этишнинг аниқ амалий ечимларини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш;
- Кўнгилларда сўнган умид учқунларини уйғотиш;
- Халқнинг туҳмат ва маломатлардан эгилган руҳини кўтариш;
- Эл юртимиз дардига дармон бўлиш;
- Барча соғлом кучлар ҳамкорлигига таяниб, халқни жипслаштириш, унинг бунёдкорлик куч-ғайратини рўёбга чиқариш;
- Қонунга, адолатнинг кучига таяниш;
- Тинчлик ва осойишталик энг катта бойлик деб билиш;
- Ислоҳотлардаги тадрижийлик ва босқичма-босқичлик;
- Инсон манфаатлари ҳар қандай шароида ҳам биринчи ўринга қўйиш.

Ислом Каримов томонидан танланган, биринчи галда, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини амалга ошириш учун дастлабки шарт-шароитларни шакллантириш, барча соҳаларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш йўли ўзининг ҳаётийлигини намоён этгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Мамлакатимиз Ислом Каримов раҳбарлигида бошқалар юрган йўлдан бормай, жамиятимизни ривожлантириш учун ўз йўлимизни танлашида, ҳозирги тараққиёт босқичини самарали амалга ошишида фундаментал асоси бўлди десак хато бўлмайди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг фаолияти ва жамиятимиз ривожи, халқимиз тинчлиги ва барқарорлиги йўлида амалга оширган саъйи-ҳаракатлари сингари хусусиятлар етакчи раҳбар сифатида Ўзбекистон тарихи саҳифаларида номини абадийликка муҳрлади ва келажак авлод учун маънавий жасорат соҳиби сифатида намунаи ибрат мактаби бўлиб қолади.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР: ВОРИСЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ

Исақова З.Р.-НамДУ доценти, фал.ф.н.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов бошчилигида амалга оширилган маънавий-маърифий ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат [1.19.].

И.Каримов атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга янгича қараш, уларни бутун мураккабликлари билан тубдан янгича идрок этиш, янгича сиёсий, иқтисодий, маънавий [2.18.] мезонларда баҳолаш, янги жамият барпо этиш жараёнида инсонга ва жамиятга, бутун борлиққа муносабатни ўзгартириш, ижтимоий онгни янгилаш

борасида қилиниши лозим бўлган вазифаларни аниқ-равшан ифодалаган: “Агарки мендан, ҳозирги кунда маданият ва маънавиятни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўралса, аввалambор, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарих ва бой маданият, улуғ аждодларнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим” [3.9.].

Ўзбекистон мустақил тараққиётга қадам қўйгандан буён ўтган давр давомида маънавий соҳада юз берган ўзгаришлар халқнинг узоқ йиллар мобайнида тўплаган бой тарихий-маданий меросига эътиборнинг кучайишига олиб келди. Кун тартибида турган муҳим масалалардан бирида “бизга ҳамиша маънавий куч-қувват берадиган миллий қадриятларимиз, бой тарих ва маданиятимиз, буюк аждодларимизнинг қолдирган бебаҳо мероси, дину диёнатимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, эъзозлаб, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусини ўз амалий ишларимиз билан янада мустаҳкамлашимиз лозим” [4.9.]лиги қайд этилган. Жумладан, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда буюк мутафаккирлар, давлат арбоблари, қадимий ва навқирон шаҳарлар юбилейлари кенг нишонланди [5.]. Бу эса “халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг хақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир” [6.27.].

Эътироф этиш ўринлики, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислоҳотларни маънавият билан уйғун ҳолда амалга ошириш юксак самара бириш билан бирга, миллий онг, ғурур, урф-одат, анъаналар, қадриятларнинг миллат ҳаётида реал моддий кучга айланиши, миллатнинг ўзлигини англаши, унинг ўз тарихи, мероси ва ўз истиқболи учун масъулият ҳиссининг ошиши, маданият (ҳам моддий, ҳам маънавий маданият – З.И.), унинг кўриниши ва инсонга таъсир кўрсатиш имконияти юксалиши, миллий ғоя, мафкура ва унинг миллатни улуғлаш, эзгулик ва тараққиётга интилишига жиддий таъсир кўрсатади. Зеро, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади [7.34.]. Бирон бир жамият маънавий имкониятларни, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди [8.137.]. Асрлар оша халқ қалбидан чуқур жой олган, миллий маънавият ва турмуш тарзи, эзгулик, ҳалоллик, тўғрилик, яхшилик каби фазилатларни сақлашда юксак омил бўлиб хизмат қилувчи диний қадриятларни тиклаш борасида қилинган ишлар, жумладан, Тошкент ислом университетини очилиши, Ҳазрати Имом, Имом ал-Бухорий, Ҳаким Термизий мажмуаларининг қайтадан бунёд этилиши, мусулмонларнинг диний байрамлари Рамазон ва Қурбон ҳайитининг ҳам мамлакат миқёсида нишонланиши, ҳаж ва умрага бориш учун етарли шароит яратилиши, Қуръони карим ва Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдли ҳадислар тўпламининг нашр этилиши диққатга сазоворки, 2007 йилда таълим, фан ва маданият соҳасидаги халқаро АЙСЕСКО ташкилоти томонидан Тошкент шаҳри “Ислом маданияти пойтахти” деган юксак номга сазовор бўлди.

Ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор [9.113.]. Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одати ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш давр тақозосидирки, ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, фуқаролик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум [10.]дир. Бугунги кунда жамиятнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-

аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қонунлар, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини теран англаш ҳамда амалда фаол қўллаш орқали бартараф этилиши муқаррар.

Қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва, аксинча, қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади [11.72.]. Бугунги кунда маънавий-маърифий ишлар соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифа инсон муаммосини ҳал қилиш, башариятни “инсонийлаштириш”, миллатни умуминсонийликнинг улкан қадриятига айлантириш, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда мавжуд муаммоларни ҳам, маънавиятни кўтаришдир.

Мамлакатимизда маънавий қадриятларни тиклаш, муқаддас дин, урф-одатлар, бебаҳо тарихий меросни асраб-авайлаш ва ривожлантириш Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан изчил давом эттирилаётган ислоҳотлар бевосита ворисийлик анъаналарининг узлуксизлиги ва бардавомлигидан далолат беради. Жумладан, 2017 йилда “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарор ҳам миллий тараққиёт, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун беқиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бориши, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатлари, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Адабиётлар

1. Каримов И. Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 19-бет.
2. Маънавият – руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват иймон-эътиқодни бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир. Бу ҳақда қаранг: Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 18-20-бетлар.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. 9-бет.
4. Каримов И. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. 9-бет.
5. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги (1994 йил), Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги (1996 йил), Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги (1997 йил), Жалолиддин Мангуберди тавалуддининг 800 йиллиги (1999 йил), Авесто яратилганлигининг 2700 йиллиги (2001 йил), Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги (2002 йил), Маъмун академиясининг 1000 йиллиги (2006 йил), Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги (2006 йил), Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги (2007 йил), Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги (2007 йил), Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги (2009 йил).
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 27-бет.
7. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 34-бет.
8. Каримов И. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 137-бет.
9. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 113-бет.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. 2014. 16 май.
11. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 72-бет.

ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ – МУСТАҚИЛЛИК МЕЪМОРИ

Каримов Р.Х.-ТТА Урганч филиали ассистенти

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Мамлакатда барча соҳалар бўйича ислоҳотлар бошланди. Бунда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар муҳим аҳамиятга эга.Бу ислоҳотлар моҳиятини эса Ислом Каримов томонидан яратилган миллий маънавий тикланиш концепциясида олға сурилган ғоялар ташкил этади. Маънавиятнинг жамият, шахс ва миллат ҳаётидаги ўрни муҳим. Аммо уни реал ҳаётга қанчалик тадбиқ қилиш ё қилмаслик давлат олиб бораётган сиёсат билан боғлиқ. Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг миллий маънавиятни юксалтириш, қадимий урф одатларимизни қайта тиклаш борасида қилган ислоҳотлари алоҳида диққатга сазовордир. Ислом Каримов мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг миллий маънавий тикланиш концепциясини яратди ва уни ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида илк марта эълон қилди. Ушбу асарда шундай ёзади: «Халқимизнинг маънавий рухини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимизнинг қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб этиш ва озодликни севиш туйғуси билан етилган»[2]

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир” номли китобларида бир жумлани ўқиб ниҳоятда таъсирланганман.

“Ҳақиқат, тарих ҳақиқати болаларимиз учун сув ва ҳаводек зарур. Тарих ҳақиқатини тўлалигича кейинги авлодга етказиш ҳар бир инсоннинг келажак олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланади”[1]. Ўзбек халқи ва ўзбек давлатчилиги тарихини, тарихимизнинг бошқа саҳифаларини холисона илмий асосда ёритиш вазифалари Президент И.А. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар билан 1998 йил июн ойида бўлган суҳбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилди.

Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини ёритиш ва ўрганиш масалалари партиявийлик, синфийлик ёндошувлардан ҳукмрон коммунистик мафкура таъсиридан халос этилди. Неча ўн йиллар давомида бузиб кўрсатилган ёки сўз юритилмай келган тарихий воқеаларни холислик, тарихийлик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида ёритилган қатор илмий асарлар, дарсликлар ва ўқув адабиётлари яратилди.

И.Каримов томонидан белгилаб берилган ва олиб борилган сиёсатнинг маънавий асослари қуйидагиларда ўз ифодасини топди.

- урф-одат ва анъаналаримизга эътибор қаратиш ва уни амалий фаолият билан уйғунлаштириш;
-тарихий хотирига алоҳида эътибор бериш;
-қатағон қурбонларини ёд этиш куни(2001 йил 31 август) ҳамда Хотира ва қадрлаш куни нишонланиши (9 май);
-миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлиги ҳамда уларнинг жамият ҳаёти билан мудом уйғунлигини таъминлаш, барқарор тараққиётни омили сифатида қараш;
-миллатнинг бой тарихий тажрибасига таяниш, миллий қадриятларга устунлик бериш, жаҳон тажрибаси ва ва модернизация қилиш моделларидан танқидий нуқтаи назаридан фойдаланиш;
маданий анъаналар, тарихий тажриба, мавжуд мафкура ва таълим ташвиқот тизими ва ушбу жиҳатларни универсаллаштириш тамойили асосига қўйиш;
-миллий ғоя ва миллий онг уйғунлигини ҳамда уларни ижтимоий-сиёсий жараёнлар миллатнинг маънавий ўзлигини англаш омили сифатида қараш.[3]

Ота-боболарнинг руҳи покларини муқаддас сақлаш ва эъзозлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзоларнинг номлари қайта тикланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги кенг нишонланди ва шу муносабат билан юртимизда беқиёс маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди. Амир Темур юбилейи муносабати билан Самарқанд ва Шаҳрисабзда ўнлаб тарихий обидалар таъмирланиб, қайта тикланди, янги иншоотлар қурилди, боғлар барпо этилди. Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари марказида кўркам Амир Темур майдонлари барпо этилди ва улуғвор ҳайкаллари ўрнатилди. Шунингдек, бу шаҳарларга "Амир Темур" ордени топширилди. Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқа халқ зиёлилари номи, ҳурмати ўз жойига қўйилди, асарлари нашр этилди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Мазкур мажмуа қошида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи қурилиб, 2002 йил 27 август куни фойдаланишга топширилди.

Бу ёдгорликлар мажмуалари жамият мънавиятини юксалтиришга, миллий онг ва миллий ғурурини кўтаришга ҳамда халқимиз, айниқса, ёшлар онгида миллий истиқлол ғояларини шакллантиришга хизмат қилди. Юқорида келтирилган ютуқларни қўлга киритишимизни халқимиз адолатли равишда Ислом Каримов номи билан боғлайди. "Мустақиллик биз учун аввало ўзлигимизни англаш, инсоний қадримизни, урф-одат ва қадриятларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, азиз-авлиё ва алломаларимизнинг табаррук номлари ва меросини, ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби беқиёс имкониятлар очиб берганини алоҳида таъкидлаш зарур".[2]

"Буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиқадиган жойда, аввало, илму маърифат, маданият ва маънавият ўчоқлари ривожланган бўлиши керак".[2] Биз бой тарихимиз, улуғ аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. 2014 йил май ойида Самарқанд шаҳрида "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Дунёнинг 50 мамлакатидан келган атоқли олимлар томонидан халқимизнинг буюк тарихи, бой маданияти, ноёб ва бемисл илмий, маънавий ва маданий мероси юксак баҳоланиб, бу тарихий меросни бутун инсоният манфаати йўлида биргаликда ўрганиш, тарғиб қилиш ва ҳаётда янада кенгроқ қўллаш лозимлиги таъкидланди. Ҳақиқатдан ҳам, Ватанимиз заминида яратилган бундай илмий, маданий бойликлар бутун инсониятнинг бойлигидир.

Адабиётлар

1. Ислом Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон 2015.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.2.-Т: «Ўзбекистон», 1996.
3. Глобаллашув ва миллий маънавий тараққиёт тенденциялари Республика илмий амалий анжуманидаги маърузалар тўплами Тошкент 2015.

ISLOM KARIMOV MUSTAQIL O'ZBEKISTONNING IJTIMOIY HIMOYA ASOSCHISI

Valiyev L.A.-TTYMI assistenti
Xolliyev S.T.-TTYMI magistri

Mustaqillik munosabati bilan respublikamizda ijtimoiy himoya va ijtimoiy ta'minotning mazmun va mohiyati tubdan o'zgardi. Ijtimoiy himoya davlatimizning ichki siyosatining asosiy tamoyillaridan biri qilib belgilandi, chunki bozor munosabatlariga bosqichma-bosqich o'tib borar ekanmiz, aholini kam ta'minlangan, muhtoj qatlamini ijtimoiy larzalardan ishonchli tarzda himoyalash va kafolatlash zarur.

1989-1990 yillarda aholining katta qismi, ayniqsa, qishloq aholisi jamiyatda rasman e'tirof etilgan qashshoqlik darajasida yashardi. Rasmiy statistik ma'lumotlarga ko'ra, 1989 yilda jon boshiga hisoblanganda respublikadagi oilalarning 44 foizining pul daromadining rasman belgilangan eng kam ish haqidan ham oz edi.

Bunday sharoitda kuchli ijtimoiy kafolatni vujudga keltirmay turib, o'tkazilgan islohot barbod bo'lishi muqarrar edi. Bozor iqtisodiyotiga ziddiyatlarsiz, silliqqina o'tib bo'lmasligini oldindan ko'ra bilgan O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov: "Jamiyatning sifat jihatdan yangi holatga o'tishida bizga islohot chog'ida odamlar moddiy ahvoli yomonlashadigan, o'tish davrining barcha qiyinchiliklari aholi yelkasiga tushadigan andoza maqbul emas", - deb ta'kidlagan edi. "90-yilga kelib O'zbekistonda jon boshiga eng past daromad to'g'ri keladigan kishilar soni umumiy aholining 45 foizini, ya'ni 9 milliondan ortiq kishini tashkil etgan edi"[1].

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida fuqarolarning ijtimoiy ta'minot olishga bo'lgan huquqlari mustahkamlab va kafolatlab qo'yilgan. Jumladan, Konstitutsiyamizning 39-moddasida shunday deyiladi: "Har kim qariganda, mehnat layoqatini yo'qotganda va boquvchisidan mahrum bo'lganda va qonunda nazarda tutilgan boshqa hollarda ijtimoiy ta'minot olish huquqiga ega. Pensiyalar, nafaqalar, ijtimoiy yordam turlarining boshqa turlari rasman belgilab qo'yilgan tirikchilik uchun zarur eng kam miqdordan oz bo'lishi mumkin emas"[2]. Aholini davlat himoyasiga muhtoj bo'lgan qatlami ko'p bolali oilalarni, qariyalar, nogironlar, boquvchisidan mahrum bo'lganlarning ahvoli bozor munosabatlarga o'tish davrida narx-navoning oshishi, pulning qadrsizlanishi bilan tirikchiligi qiyinlashib qoladi. "Ijtimoiy adolat qoidalarini ro'yobga chiqarish, aholining eng nochor qatlamlari - keksalar, nogironlar, yetim-yesirlar, ko'p bolali oilalar, o'quvchi yoshlarning davlat tomonidan ijtimoiy muhofazaga bo'lgan kafolotli huquqlarini ta'minlashdir".

Kishilarning ijtimoiy himoyalashning va huquqiy kafolotlashning kuchli va ta'sirchan mexanizmi mavjud bo'lgandagina, ijtimoiy-siyosiy barqarorlikni saqlab qolish mumkin. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimovning "O'zbekiston - bozor munosabatlarga o'tishning o'ziga xos yo'li" asarida kuchli ijtimoiy siyosat, iqtisodiy o'zgartirishlarning ishonchli kafolati ekanligi va bozor iqtisodiyotiga o'tishning barcha bosqichlarida oldindan kuchli ijtimoiy siyosat o'tkazish kerakligi ta'kidlangan. Bu shuni anglatadiki, bozor munosabatlariga o'tish davridagi iqtisodiy tizim islohoti aholining, ayniqsa uning kambag'al qismini ijtimoiy himoyalash masalasi birinchi o'ringa qo'yildi.

Aholini ijtimoiy himoyalash masalalari ijtimoiy ta'minot organlari bilan birga Mehnat, Moliya, Sog'liqni saqlash, Aloqa vazirliklari, Pensiya Jamg'armasiga hamda jamoat tashkilotlari bo'lgan Ko'zi ojizlar, Kar-soqovlar, Nogironlar, Qizil Yarimoy jamiyatlari, "Mehribonlik", "Bolalar", "Navro'z", "Sog'lom avlod uchun" kabi xayriya jamg'armalariga ham yuklatilgan edi.

1993-yil 3-sentabrda Oliy Majlis tomonidan O'zbekiston Respublikasining "Fuqarolarning davlat pensiya ta'minoti to'g'risida"gi Qonuni qabul qilinib, 1994-yil 1-iyuldan respublika hududida kuchga kirdi. Qonunga asosan, bu pensiyalar yoshga doir, nogironlik va boquvchisini yo'qotganlik pensiyalaridir[3]. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimov Oliy Majlisning 1999-yil aprelda so'zlagan nutqida kelgusida ijtimoiy himoyani aniq toifa kishilariga qaratilishini kuchaytirish kerakligi haqida gapirib o'tdi. Bundan shu xulosa kelib chiqadiki, ijtimoiy ta'minot tizimida qo'llanilayotgan hozirgi qonunlarimizni ham qaytadan ishlab chiqish zaruriyati tug'ildi. O'zbekiston Respublikasi "Fuqarolarning davlat pensiya ta'minoti to'g'risida"gi Qonunda belgilangan pensiya yoshi Xalqaro Mehnat Tashkilotining "Nogironlik, qarilik va boquvchisini yo'qotganlik bo'yicha nafaqalar to'g'risida"gi Konvensiyada ko'zda tutilganidan 5 va 10 yil kamdir.

Aholini ijtimoiy himoyalash tizimida yolg'iz qariyalar, pensionerlar va huzuridagi nogironlarning talablari va ehtiyojlariga alohida e'tibor berish lozim bo'ladi. Birinchi Prezidentimizning 1999-yil 13-yanvardagi "Aholini aniq yo'naltirilgan ijtimoiy madad bilan ta'minlashda fuqarolarning o'zini-o'zi boshqarish organlari rolini oshirish to'g'risida"gi farmoni

hamda Vazirlar Mahkamasining 1999-yil 7-dekabrdagi “2000-2005-yillarda yolg‘iz keksalarning, pensionerlar va nogironlarni ijtimoiy himoya qilishni kuchaytirishga qaratilgan chora-tadbirlar Dasturi to‘g‘risida”gi qarori va O‘zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidentining 2006- yil 7-sentabrdagi 459-sonli qarori bilan tasdiqlangan “2007-2010- yillarda yolg‘iz keksalar va nogironlarni aniq ijtimoiy muhofaza qilish va ularga ijtimoiy xizmat ko‘rsatishni yanada kuchaytirish choratadbirlari” dasturi, “Fuqarolarning pensiya ta’minoti tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to‘g‘risida”, 2009-yil 30-dekabrda PF 4161-son Farmoni, hamda 2009 yil 30 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi byudjetdan tashqari Pensiya jamg‘armasining tashkiliy tuzilmasini shakllantirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi qarori va O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010 yil 12 fevralidagi 22- sonli buyrug‘i bilan tasdiqlangan “Bandlikka ko‘maklashish va aholini ijtimoiy muhofaza qilish markazlarining namunaviy Nizomi” yuqoridagi so‘zlarning yorqin dalilidir.[3]

Ushbu farmon va qarorlar Birinchi Prezidentimiz tomonidan aholini ijtimoiy himoya qilishda fuqarolarning o‘zini-o‘zi boshqarish organlarini rolini oshirish, ijtimoiy muhofazaning muayyan shaxsga yo‘naltirilganligini ta’minlashda ularning ma’suliyatini yanada kuchaytirish maqsadida qabul qilindi.qonun hujjatlarining hayotga izchillik bilan tatbiq etilishi, har yili davlatimiz byudjetining qariyb 60 foizi ijtimoiy sohalarni moliyalashtirishga sarflanayotgani hamda ijtimoiy sohani rivojlantirish, ijtimoiy islohotlarni bosqichma-bosqich, tizimli ravishda izchil olib borilishi natijasida mamlakatimizda ijtimoiy barqarorlik saqlanib, odamlarning ertangi kunga ishonchi mustahkamlanib, bunyodkorlik salohiyati tobora oshib bormoqda. Ma’lumki, Oliy Majlis Qonunchilik palatasi tomonidan har yili davlat byudjetnomasi ko‘rib chiqiladi. Unga ko‘ra joriy 2016 yilda ham ijtimoiy sohaga Davlat byudjeti jami xarajatlarining 59,1 foizidan ko‘proq mablag‘ ajratildi. Jumladan, ta’lim-tarbiya sohasiga davlat byudjeti xarajatlarining 33,7 foizi, sog‘liqni saqlash tizimiga 14 foizi yo‘naltiriladi. Ta’lim-tarbiya sohasini ta’minlash va rivojlantirish sarf-xarajatlari o‘tgan yilga qaraganda 16,3 foizga, sog‘liqni saqlash tizimida 16 foizga ko’payadi[4]. Dunyo tajribasini har tomonlama chuqur o‘rganib, xalqimiz mentalitetini hisobga olgan holda tanlangan yo‘limizga ko‘ra, bozor iqtisodiyoti ijtimoiy yo‘naltirilgan va eng avvalo, jamiyat manfaatlariga qaratilgan bo‘ldi. Shundan kelib chiqib, amalga oshirilayotgan islohotlarda, avvalo, aholining davlat va jamiyat tomonidan qo‘llab-quvvatlashga ehtiyojmand qatlami manfaatiga yo‘naltirilgan siyosat yuritish orqali iqtisodiy islohotlarning ijtimoiy samaradorligi oshirildi.

O‘zbekistonda mustaqillikning birinchi kunlaridan boshlab jamiyatning ijtimoiy tabaqalashuv darajasini kamaytirishga alohida e’tibor berildi. Yurtimizdagi 10 foiz ta’minlangan va 10 foiz yetarlicha ta’minlanmagan aholi daromadlari o‘rtasidagi farq, ya’ni “detsil koeffitsenti” deb nom olgan ko‘rsatkich barqaror pasayish tendensiyasiga ega bo‘lib, bu raqam 2010 yildagi 8,5 foiz o‘rniga 2015 yilda 7,7 foizni tashkil etdi. Aholi daromadlarining ortishi natijasida ichki iste’mol talabi kengaymoqda. Chakana savdo aylanmasi bir yilda 15 foizdan ziyod, pullik xizmatlar hajmi esa 10,8 foizga o‘sdi. Ayni paytda O‘zbekistonda “Islohot islohot uchun emas, inson uchun” tamoyilini hayotga tatbiq etish davom etmoqda.

Birlashgan Millatlar Tashkiloti homiyligida mustaqil tashkilotlar guruhi va xalqaro ekspertlar ishtirokida 2015 yilda 158 ta davlatda “Dunyoning eng baxtli mamlakatlari” degan mavzuda tadqiqot o‘tkazildi. Har qaysi mamlakatning o‘z fuqarolarini baxtli hayot bilan ta’minlash qobiliyatini ifoda etadigan ushbu indeks bo‘yicha O‘zbekiston 44-o‘rinni egalladi. Aytish joizki, yurtimiz 2013 yilda bu reytingda 60-o‘rinda edi. Ayniqsa, mustaqillikning ilk yillaridan kuchli ijtimoiy siyosat yurgizish masalasi mazkur taraqqiyotimizning o‘ziga xos yo‘lida munosib o‘rin topa oldi va bugun uning ijobiy natijasini yuqorida keltirilgan hayotiy misollardan kuzatib turibmiz. Muxtasar qilib aytganda, Mustaqil taraqqiyot yillarida bosib o‘tgan, oson kechmagan yo‘limizni, amalga oshirgan ishlarimizni, erishgan yutuq va marralarimizni sarhisob qilsak, yillar davomidagi islohotlar o‘zining buyuk natijasini berayotganiga guvoh bo‘lamiz. Eng asosiysi, bu kabi xalqparvarlik, ijtimoiy himoyaga qaratilgan

odilona davlat siyosati, odamlar qalbida Mustaqillikka, istiqlolga cheksiz muhabbat uyg‘otdi va uni asrab-avaylash yo‘lida kuchli shahd paydo qildi.

Xulosa qilib aytganda Respublikadagi hozirgi ijtimoiy ahvolni ana shu nuqtai nazardan baholab dadil aytishimiz mumkinki, xalqimiz chekiga tushgan va o’tish davrida muqarrar bo’lgan eng qiyin sinovlar ortda qoldi. Tor fikr yuritish, mafkuraviy mahdudlik bilan bog’liq bo’lgan hamma holatlar o’tmishga aylanmoqda. Mamlakat ichidagina emas, balki uning tashqarisida ham yuz berayotgan barcha hodisalarga daxldorlik hissi kuchayib bormoqda. Ayniqsa muxtaram prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan amalga oshirilayotgan Harakatlar strategiyasining 5 ustuvor yo’nalishlardan biri ijtimoiy himoyaga yo’naltirilganligi yuqoridagi ishlarning davomi desak adashmagan bo’lamiz.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A, “O‘zbekiston-bozor munosabatlariga o‘tishning o‘ziga xos yo`li. - T: “O‘zbekiston”, 1992-y
2. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, - T: “O‘zbekiston”, 2013.
3. “Fuqarolarning davlat pensiya ta’minoti to‘g‘risida”gi Qonun. T., 2012.
4. Ergashev T. Bozor iqtisodiyoti. T.: “O‘qituvchi”, 2002.

MUSTAQIL O`ZBEKISTONNING JAHON HAMJAMIYATIDAGI O‘RNI VA NUFUZINING OSHISHIDA PREZIDENT I. A. KARIMOVNING HISSASI

Normuminov R.X.-SamDChTI Akademik litseyi o‘qituvchisi

Mustaqillikning dastlabki kunlaridayoq O‘zbekistonning milliy manfaatlariga mos keladigan puxta tashqi siyosiy yo‘lni belgilash, jahon hamjamiyatga qo‘yilishi, xorijiy mamlakatlar bilan siyosiy, diplomatik – iqtisodiy, ilmiy – texnikaviy, madaniy aloqalar o‘rnatish masalalari dolzarb vazifa sifatida ko‘ndalang bo‘lib turardi. Negaki, davlatimiz mustaqilligini mustahkamlash, mamlakatning xavfsizligi, barqarorligi va taraqqiyoti ko‘p jihatdan ana shu vazifalarning oqilona hal etilishiga bog‘liq bo‘lib qolgan edi. Bu vazifa osongina yechiladigan vazifalar emas edi. Xuddi shu vazifalarni hal qilish uchun barcha og‘irlikni o‘z zimmasiga oladigan, oqilona qaror chiqaradigan mamlakatni to‘g‘ri yo‘lga boshqaradigan siyosatchi kerak edi. Har bir davrning o‘z olamshumul voqealari buyuk sarkarda, mohir siyosatchi diplomatlari bo‘lganidek XX asrning so‘nggi yillarida siyosat maydoniga mustaqil O‘zbekistonning birinchi Prezidenti Islom Abdug‘aniyevich Karimov chiqdi. Bu vaqtda ya’ni, O‘zbekiston endigina mustaqillikka erishgan edi, vaziyat murakkab edi. Masalaning murakkabligi shundan iborat ediki, ittifoq davrida tashqi siyosat yuritish, tashqi dunyo bilan aloqa qilish, tashqi savdoni tashkil etish markaziy hokimiyat tomonidan olib borilardi.

Respublikalar esa jumladan, O‘zbekiston ham, tashqi dunyodan ajralgan, to‘g‘ridan – to‘g‘ri aloqa qilolmaydigan yopiq mamlakat hisoblanardi. Shu bois davlatimiz tashqi siyosat yuritish tajribasiga ham, jahon diplomatiyasi va tashqi iqtisodiy faoliyatini biladigan kadrlarga ham ega emas edi. Respublikada bunday kadrlar tayyorlovchi birorta ham o‘quv yurti yo‘q edi. Vaziyat zudlik bilan tashqi siyosiy va tashqi iqtisodiy aloqalarni shakllantirishni talab qildi. O‘zbekiston rahbariga va rahbariyatiga bu sohada ko‘p qirrali ishlarni boshdan boshlashga to‘g‘ri keldi.

Qisqa vaqt ichida O‘zbekistonni xalqaro maydonda suveren mustaqil davlat sifatida tan olishiga erishish, uni xalqaro xuquqning to‘la huquqli sub’ektiga aylantirish kerak edi. Prezident xalqaro miqyosda e’tirofga erishish jahon hamjamiyati nazarida mamlakat obro‘sini oshirishni, chet el investitsiyalari uchun respublikaga yo‘l ochishni hamda qadimda sharq bilan G’arb o‘rtasidagi Buyuk ipak yo‘lining g’oyat muhim halqasi bo‘lgan O‘zbekistonning rolini qayta tiklashni anglatishini yaxshi tushunar edi. Davlat boshlig’i “Tinchlik va millatlararo totuvlik mintaqada osoyishtalik hamda barqarorlikning asosiy shartlaridir”, deb qayta – qayta ta’kidladi. Uning qattiq, biroq puxta tekshirilgan “Mintaqaviy muammolardan jahonshumul muammolarga”, – degan tamoyilini oxir – oqibatda jahon hamjamiyati tushunib yetdi.

Mamlakatning tashqi siyosati davlatning suveren tengligi, kuch ishlatmaslik yoki kuch bilan tahdid qilmaslik, chegaralarning daxlsizligi, nizolarni tinch yo‘l bilan hal qilish, boshqa davlatlarning ichki ishlariga aralashmaslik qoidalariga va xalqaro huquqning umume’tirof etilgan boshqa qoidalari va normalariga asoslanadi. Bu qoida va normalar “O‘zbekiston Respublikasi tashqi siyosiy faoliyatining asosiy qoidalari to‘g’risida”gi O‘zbekiston Qonunida o‘z tasdig’ini topdi.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov 2000 yil 22 yanvarda Respublika Parlamentida prezidentlik lavozimiga kirishish chog’ida nutq so‘zlab, bunday dedi: “O‘zbekistonning tashqi siyosat borasidagi faoliyatining asosini davlat milliy manfaatlarining ustuvorligi, xalqaro huquq mezonlari, tenglik va boshqa mamlakatlarning ichki ishlariga aralashmaslik, barcha bahsli masalalarni tinch muzokaralar yo‘li bilan hal etish kabi jahon miqyosida e’tirof etilgan tamoyillar tashkil qiladi”.

Davlat mustaqilligiga erishish BMT va boshqa xalqaro tashkilotlarga a’zo bo‘lib kirish, O‘zbekistonga o‘zining tashqi siyosatini mustaqil ravishda o‘tkazish, jahon hamjamiyatiga kirishning o‘z yo‘llarini ishlab chiqish, davlatlararo munosabatlarning yo‘nalishlari va ustivorligini belgilash imkonini berdi.

Islom Karimov yuritgan siyosatda O‘zbekistonni xalqaro nufuzini oshirishda tashqi aloqalarni ta’minlaydigan vazirliklar va muassasalar tashkil etildi. Tashqi ishlar vazirligi, tashqi iqtisodiy faoliyat milliy bank, ixtisoslashtirilgan tashqi savdo firmalari shular jumdlasidandir. Bundan tashqari jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat va jamiyat qurilishi akademiyasi va boshqa universitetlarda tashqi siyosiy va iqtisodiy faoliyat sohasi uchun mutassil kadrlar tayyorlash yo‘lga qo‘yildi.

Respublikamiz boshqa davlatlar bilan birgalikda xalqning manfaatlari farovonligi va xavsizligini ta’minlash maqsadida ittifoqlar tuzishi, hamdo‘stlarga va davlatlararo tuzilmalarga kirishi va ulardan ajralib chiqishi mumkin. O‘zbekiston qisqa davr ichida xalqaro miqyosda e’tirof etildi. Bunga misol qilib O‘zbekistonning 1991-yil 29-dekabrda Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligi tashkilotiga, 1992-yil 2-martda mamlakat xalqaro huquqning to‘la huquqli sub’ekti sifatida Birlashgan Millatlar Tashkilotiga qabul qilindi. Bu esa unga xalqaro iqtisodiy, ilmiy – texnikaviy va madaniy sohalarda faol hamkorlik qilish uchun yangi imkoniyatlar ochib berdi. 1992-yil 28-noyabrda Markaziy Osiyo Davlatlari Iqtisodiy Hamkorlik tashkilotiga a’zo bo‘ldi Hozir O‘zbekiston Yevropada Xavfsizlik va hamkorlik tashkiloti (YeXHT), YuNESKO, Jahon sog’liqni saqlash tashkiloti, “Islom konferensiyasi” tashkiloti, Jahon turizm tashkiloti, Xalqaro moliya korporatsiyasi, Xalqaro valyuta fondi (XVF), Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki (YeTTB), Osiyo va Tinch okean iqtisodiy va ijtimoiy komissiyasi, Atom energiyasini nazorat qilish xalqaro tashkiloti va bir qancha boshqa xalqaro tashkilotlarning a’zosidir. Toshkentda BMT vakolatxonasi, YuNESKO, YeXHT va boshqa xalqaro tashkilotlarning ofislari ishlab turibdi. Respublika Yevropada xavfsizlik va hamkorlik bo‘yicha Kengashning Xelsinki Yakunlovchi hujjatini imzoladi va shu tariqa Yevropa davlatlari hamjamiyatiga yo‘l ochdi.

1996 yil 21 iyunda Florensiyada Yevropa Ittifoqi a’zolari bo‘lgan davlatlar va mamlakatlar hukumatlari boshliqlarining majlisida O‘zbekiston Respublikasi bilan Yevropa Ittifoqi o‘rtasida sherikchilik va hamkorlik to‘g’risidagi Bitim tantanali vaziyatda imzolandi. Ilgari bunday Bitimni imzolagan yangi mustaqil davlatlar orasida faqat Rossiya ana shunday hurmatga musharraf bo‘lgan edi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov tomonidan 2002 yil oktabrda BMT Bosh kotibining O‘zbekistonga tashrifi chog’ida ilgari surilgan tashabbusning amaliy natijasi sifatida giyohvand, psixotrop moddalar va prekursorlarga qarshi kurash bo‘yicha Markaziy Osiyo mintaqaviy axborot – muvofiqlashtirish markazining ta’sis etilishi O‘zbekistonning BMT bilan amaliy hamkorlikni rivojlantirishga qo‘shgan katta hissasi bo‘ldi.

1999 yil aprelida, Vashingtonda NATO ning 50 yilligini bayram qili vaqtida O‘zbekiston GUAM mintaqaviy guruhiga qo‘shildi. Bu guruh unga kirgan Gruziya, Ukraina, Ozarbayjon va Moldova davlatlari nomining bosh harflari bilan atalgan. GUAM mamlakatlarining prezidentlari Eduard Shevardnadze, Leonid Kuchma, Haydar Aliyev va Pyotr Luchinskiy O‘zbekistonning

AQSh elchixonasida o‘zlarining o‘zbek hamkasblari Islom Karimov bilan uchrashdilar va O‘zbekiston Respublikasi ham bu guruhga qo‘shilishi haqida bir bitimga keldilar. Besh davlat – Gruziya, Ukraina, O‘zbekiston, Ozarbayjon va Moldova boshliqlari GUAM bundan buyon GUUAM (GUO‘OM) deb atalishi haqida kelishib oldilar. Ushbu uchrashuv yakunlari bo‘yicha deklaratsiya imzolanib, unda GUUAM doirasidagi hamkorlik “uchinchi mamlakatlarga va mamlakatlar guruhlariga qarshi qaratilmagan”ligi ta’kidlandi.

Xulosa qilib aytganda, O‘zbekistonning birinchi Prezident I.A.Karimov tarixiy jihatdan qisqa davrda xalqaro munosabatlarni yo‘lga qo‘yish va rivojlantirishi bobida asrlarga arziydigan ishlarni amalga oshirdi. O‘zbekiston o‘zining tinchliksevar, yaxshi qo‘shnichilik, o‘zaro foydali hamkorlikka qaratilgan siyosati va faoliyati bilan butun dunyoga tanildi va jahon hamjamiyatida o‘zining munosib o‘rnini egalladi va uning mavqei yildan yilga mustahkamlanib bormoqda. Bu albatta Prezident I. A. Karimovning ko‘magi, oqilona siyosati natijasidir.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ВА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ

Баротов Ж.С.- ТТЙМИ магистри

Бизга маълумки, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов баркамол авлодни шакллантириш концепциясида инсондаги ҳали тўла рўёбга чиқарилмаган, маълум бир объектив ва субъектив сабаблар туфайли ижодий, индивидуал, яширин қувватлари ривожланмаган, аммо мустақиллик шарофати туфайли зарур имкониятлар яратилгани учун энди тараққий эттириш мумкин бўлган ижтимоий, ижодий, ахлоқий, илмий, маънавий салоҳиятини қўллаб-қувватлашни назарда тутган эди. Шу ўринда айтадиган бўлсак “Баркамол авлодни шакллантириш” концепцияси Республикамизнинг стратегик мақсадини ифода этади ва демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш, озод ва обод ватан қуриш каби ҳислатларни ўз ичига олади

Баркамол авлодни шакллантириш концепциясининг муҳим хусусияти шундаки, ёшларни онгини ўстириш, уларни ватанпарвар этиб тарбиялаш, миллатини севадиган ёш авлодни вояга етказишдир. Ёш авлодни миллий қадрятларимиз орқали тарбиялашга ёрдам беради. Ёшларимиз келишсин, кўришсин, қандай машҳур аждодлари, замондошлари борлигини билишсин, улар билан фахрланишни, ғурурланишни ўрганишсин. Ўз ўтмишини улуғлайдиган, бугунини эъзозлайдиган миллатнинг эртанги куни ҳамиша порлоқ бўлади. Мана шундан кўриниб турибдики қанчадан қанча ёшларимиз спрот бўйича совринларни қўлга киритиб келяпти, ихтиролар қилишмоқда. Булар ҳаммаси бежизга эмас, ёшларимизга берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиётганидадир.

Баркамол авлодни шакллантириш концепцияси замонавий таълим-тарбия, илм-фан, техника ва технологияга асосланади. Бугунги жаҳондаги илғор давлатлар, маданият, илм-фан, кардлар тайёрлаш марказлари билан ижодий ҳамкорлик қилиб юксак малакали кадрлар тайёрлашни назарда тутади. Баркамол авлодни шакллантириш концепциясини яратиш тўғрисидаги қарашлари биринчи Президентимиз ўзининг 1997 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг IX сессиясидаги нутқида асослаб берди. “Бугунги кунда олдимизга қўйган мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири – буларнинг барчаси, аввалambор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз”[1].

Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек: “Азалдан халқимиз орасида доно ва истеъдодли ёшлар кўп чиққан, улар ақлу заковат бобида дунёни лол қолдиришган. Сиз, — дейди Биринчи президентимиз “Умид” жамғармаси грантлари совриндорларига йўллаган табригида, — фарзандларимизнинг томирида инсоният маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшган Амир Темур, Имом Бухорий, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг қони жўш

уради.

Борган жойингизда буюк тарих ва маданият юртининг фарзанди эканлигингизни намоён этишингизга ишончим комил”[2]. Баркамол авлодни шакллантириш ғояси ва мафкураси негизида шарқона ахлоқ, шарқона ҳаёт тарзи, шарқона демократик қадриятлар ётади. Баркамол авлод, комил инсон ғояси ҳам ана шу асосга таянади. “…Бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз”[3]. Биринчи президентимизнинг ушбу сўзларидан маълум бўладики, глобаллашиб бораётган таълим-тарбияни бизлар Шарқона кодексдан фойдалансак мамлакатимиз тараққиёти янада юксалишига ишончим комил. Бунда асосан миллий қадрятларимиз ананаларимизга таянган ҳолатда таълим-тарбияни берсак ёшларнинг ўзига бўлган ишончи, салоҳияти, тафаккури шаклланади. Демак, “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”. Бунинг учун И.А.Каримов “қарши иммунитет” ғоясини таклиф этади. “Маълумки,- дейди биринчи президентимиз,- ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг “даъвати” ҳам, ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди”[4].

Ёшларимизга берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланса, касб-ҳунарни ўрганса, билим олса, ватанга, ҳалқига меҳр-муҳаббат руҳида тарбия топган шахс ўткинчи даъватларга учиб кетавермайди. Инсон комилликка эришиш осон эмас, чунки машаққатсиз роҳатга эришиб бўлмайди. Ёшларимиз ўзларига бўлган ишончини оширсак давлатимизга инновацион ғояларни киритишига ишончимиз комил. Булар эса давлатимиз равнақига, тараққиётига, Ватанни чиройига чирой қўшиши ҳамда ҳаёт тарзига мазмун қушишига аминман. Шундай экан биз ёшлар ҳеч қачон меҳнат қилишдан тўхтамаслигимиз керак. Ёш авлодни миллий виждонни уйғотиб, ватанпарвар, адолатлилик, ростгўйлик, садоқатлилик, меҳнатсеварлик туйғуларини шакллантириш ва ҳамда уларнинг маънавиятини юксалиши билан бирга ўзига бўлган ишончи, иродаси ҳам кучайиб боради. Айтиб ўтиш жоизки, бундай ёшлари булган мамлакат ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.-15б.

2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.-325б.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.-66б.

4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.-120 б.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИГА ЭРИШИШИДА ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИЗМАТЛАРИ

Аҳмедова З.-СамДУ магистри

Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов бир суҳбатда буғдой донасининг қудрати ҳақида гапириб, бундай деган эди: “Дунёда энг паҳлавон нима?” деб сўрашибди. “Буғдой донаси”, дея жавоб берибди у. Назаримда донишманд буғдой донаси устида ётган залворли тупроқ юкини назарда тутган. Чунки буғдой донаси

тупроқни ёриб кўкариб чиқади. Аслида бу ҳаётнинг қудратидан. Ана шу ҳаёт ато этган қудрат ҳосиласи бўлмиш дон инсон учун нақадар азиз ва лазиздир.”[1]

Маълумки, мамлакатимиз аҳолиси дон ва дон маҳсулотларини нисбатан кўпроқ истеъмол қилади. Жумладан 90-йилларда Ўзбекистонда ҳар бир киши йилига ўртача 170 килограммдан дон маҳсулотлари истеъмол қилган бўлсалар, 1994 йилларга келиб бу рақам 152 килограммни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич собиқ Иттифоқнинг бошқа худудларига нисбатан 25-30 фоиз кўпдир. Бунинг асосий сабаби-суғориладиган майдонларнинг каттагина қисми пахта билан банд бўлиб, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари камроқ етиштирилиши натижасида аҳоли озиқ-овқатининг асосий қисмини дон маҳсулотлари ташкил этар эди. Ўзбекистонга йилига четдан ўртача 3 миллион тоннага яқин буғдой келтирилар эди. Табиийки, бундай миқдордаги ғалла асосан республикамиздан олиб чиқиб кетилаётган пахта толаси ва унинг қайта ишлашдан олинаётган маҳсулотлар эвазига берилар эди. Собиқ итттифоқ таназулга юз тутгач, ана шу ғаллани четдан ўзимиз сотиб олишимизга тўғри келди. Бунинг учун, биринчи навбатда, валюта керак эди. Баъзи ғалла сотувчи давлатлар эса ўзларининг сиёсий манфаатларини ҳам орага тиқиштиришга уринарди. Қолаверса, сотиб олинган ғаллани юртимизга етказиб келиш учун катта миқдорда йўл харажатлари ҳам талаб қилинар эди. Ана шундай мураккаб бир шароитда мамлакат Президенти ва ҳукумати озиқ-овқат таъминотида узилишлар юз бермаслиги учун барча чора-тадбирларни кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакат аҳолисини ўзимизда етиштирилган дон билан таъминлаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилди. Унинг босқичма-босқич амалга оширила бошлаши натижасида бир қатор муаммолар ўз ечимини топди:

биринчидан, аҳолини кафолатланган тарзда дон маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти юзага келди;

иккинчидан, деҳқонларимиз учун янги-янги иш жойлари ва қўшимча даромад манбаи яратилди;

учинчидан, пахта майдонларининг бир қисми қисқартирилиб, бу майдонларга ғалла экилиши ҳисобига экинларни алмашлаб экиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш имконияти яратилди;

тўртинчидан, ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экиш ҳисобига сабзавот етиштириш ҳажми кўпайди ва бу ҳам деҳқонларга қўшимча даромад олиш имконини берди;

бешинчидан, четдан ғалла сотиб олиш учун сарфланадиган валюта иқтисод қилиб қолинди;

олтинчидан, Ўзбекистонда дон ва дон маҳсулотлари бўйича ўзга давлатларга қарамликдан қутилди;

еттинчидан, чорва моллари учун озиқа базаси янада мустаҳкамланди.

Суғориладиган майдонларда ғалла экинлари 1993 йилдан кўпайтирила бошланди. 1996 йилга келиб умумий ғалла майдони 116,2 минг гектарга етказилди. Ҳосилдорлик 1992 йилиги 23,2 центнер ўрнига 2002 йилда бу кўрсаткич 42,4 центнерга етди, ёки салкам икки мартага кўпайди. Ялпи ҳосил эса суғориладиган майдонларда 1993 йилдаги 814 минг тоннадан 2002 йилда 5366,8 минг тоннага етказилди. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, дон етиштириш экин майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтирилган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, республикамизда лалми ғалла майдонлари бир оз камайди. Агар 1991 йилда 549,3 минг гектар ана шундай ерларга дон экилиб, ўртача 7 центнердан ҳосил олинган бўлса, 2002 йилга келиб 176,5 минг гектар лалми майдонга ғалла экилди ва ҳосилдорлик 9,7 центнерни ташкил қилди. Агар 1991 йилда давлатга сотилган ғалла миқдори 148,3 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 2454,8 минг тоннани ташкил қилди ёки 16,5 маротаба ошди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Ислом Каримов томонидан олға сурилган Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришиши борасидаги эзгу саъй ҳаракатлар 1997-

1998 йилларга келиб тўлиғича амалга оширилди. 1998 йилдан бошлаб давлат эҳтиёжи учун олинаётган дон миқдори 2 миллион тоннадан ошиб кетди. Натижада четдан ғалла олиб келишга эҳтиёж қолмади. Мустақиллик йилларида дон мустақиллигига эришиш вазифаси қуйилар экан буни қуйидаги мисолларда ҳам кўришимиз мумкин. 1991 йилда 1,9 миллион тонна дон, шу жумладан 600 минг тонна буғдой етиштирилган бўлса, 2002 йилда 5,4 млн тоннага яқин дон, шу жумладан 5,0 млн тоннадан ортиқ буғдой, 2007 йилда 6,25 млн тонна ғалла етиштирилди. Суғориладиган ерларда ўртача ҳосилдорлик гектарига 48,0 центнерни ташкил қилди. Андижон вилоятида эса рекорд натижага эришилди-ҳар гектаридан 75 центнердан ортиқ хирмон кўтарилди. [2]

Самарқанд вилоятида ҳам ғалла мустақиллигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор бериш натижасида бошоқли дон экилган майдонлар кенгайиб борди. Масалан, 1993 йилда барча тоифадаги хўжаликларда жами ғалла ва дон экинларининг майдони 200353 гектарни ташкил этиб, 201376 тонна дон олинган, ўртача ҳосилдорлик 10,1 центнерни ташкил этган бўлса, 1995 йилга келиб 243175 гектардан, 347794 тонна дон олиниб, ҳосилдорлик ўртача 14,3 центнерни ташкил этди. 1996 йилда 225204 гектардан 552430 тонна дон олиш ва ҳосилдорликни ўртача 21,5 центнерга етказиш борасида меҳнат қилинди. Айниқса, вилоятнинг Жомбой ва Тойлоқ туманларида бу борада олиб борилган ишлар самарали бўлди. 1995 йилда Тойлоқ туманида ҳар бир гектар бошоқли дондан ўртача 37,1 центнердан, жумладан шу туманнинг “Жумабозор” жамоа хўжалигида ўртача 61 центнердан, “Олмазор” жамоа хўжалигида 51 центнердан ҳосил олинди.[3]

2002 йилда Самарқанд вилояти ғаллакорлари 548 минг тонна ғалла ишлаб чиқарди ва 281 минг тоннаси давлатга сотилди. Шартномада белгиланганидан ортиқчаси – 250 минг тоннадан зиёди уни ишлаб чиқарганларга тарқатилди.[4]

2013 йилга келиб Самарқанд вилояти ғаллачилик соҳасида юқори натижаларга эришди. Вилоят ғаллакорлари 701,4 минг тонна ғалла етиштирдилар. Бу 2012 йилга нисбатан 59 минг тонна кўп деганидир. Бу Республикада тайёрланган ғалланинг 12 фоизи эди. Деҳқончилик учун ғоят мураккаб келган 2009 йилги оби-ҳаво шароитида ғалла етиштириш осон кечмади. Республикамизда ғалла етиштириш 1991 йилга нисбатан 2009 йил да қўйидагича бўлди. Жами ғалла майдони 717,5 минг гектардан, 1334,8 минг гектарга етди ёки 1,9 баробарга ошди. Суғориладиган ерларда ғалла майдони 221 минг гектардан, 1131,8 минг гектарга кенгайди ёки 5,1 баробарга ортди. Суғориладиган ерларда ҳосилдорлик 22,2 центнердан 50 центнерга етди ёки 27,8 центнерга кўпайди. Жами етиштирилган ялпи ҳосил 879,1 минг тоннадан 6 млн 610 минг тоннадан зиёдроқни ташкил этди ёки 7,5 баробарга кўпайди. Шундай қилиб, мустақиллк йилларида амалга оширилган тадбир туфайли том маънода мамлакатимиз ғалла мустақиллигига эришди, мамлакатимиз ва халқимизни ўз ғалламиз, ўзимизнинг нонимиз билан таъминлашдек тарихий вазифа бажарилди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиз ғаллачилигида эришилган муваффақиятлар замирида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилган оқилона ислоҳатлар,, хусусан, қишлоқ хўжалигидаги туб бурилишлар, ерларнинг ҳақиқий эгаларига берилиб, фермерлик ҳаракати ривожланиб борганлигидан бир сўз билан айтганда, деҳқонларнинг меҳнатлари мужассамланганидан десак муболаға бўлмас. Хулоса қилиб айтганда, ўзбекнинг ўз ғалласига эга бўлишида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг беқиёс хизматларини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Адабиётлар

1.Мустақил юрт ғалласи/ - Т.: “Ўзбекистон”, 2003. –Б.31.

2. Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи (Миллий истиқлол даври): Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 2-курс талабалари учун дарслик/ - 11-нашр. – Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2012.-Б.166.

3.Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Самарқанд вилоят бўлими (ЎзРПА нинг Самарқанд ВБ). Вилоят Кенгашининг 1/III сессияси материаллари. – 1996. - 10 январь. –Б.6-7.
4.Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида. – Т.. 1996.-Б.87.

ИСЛОМ КАРИМОВ МИНТАҚАВИЙ ТИНЧЛИК СИЁСАТИНИНГ ФИДОЙИСИ СИФАТИДА

Назарова Н.Ж.-ТТЙМИ катта ўқитувчиси,
Келдибеков З.О.-ТТЙМИ магистри

Ўзбекистоннинг минтақадаги ўрни унинг Марказий Осиё давлатлари интеграция жараёнларидаги фаолиятида яққол кўринади. Минтақа давлатлари Осиё қитъасининг марказий қисмида, денгиз ва океанлардан узоқда зич ҳолатда жойлашган. Шу сабабли мазкур давлатларнинг геосиёсий вазияти уларнинг денгиз савдо йўлларига чиқишларига нисбатан қўшни давлатларнинг муносабатига боғлиқдир. Экспертларнинг баҳоларига кўра, истиқболда ҳам ҳар қандай мамлакатнинг фаровонлиги унга чегарадош давлатлардаги барқарорлик, шунингдек, улар билан муносабатларнинг характерига боғлиқ бўлади.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Истанбул саммитида БМТ доирасида террорчиликка қарши курашнинг халқаро марказини очиш тўғрисида Ўзбекистон томонидан сурилган таклифи қўллаб–қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов 1993 йил 28 сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида қуйидаги таклифларни ўртага ташлаган эди:

- Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинарини Тошкентда чақириш;

- БМТнинг тинчликсевар фаолиятини, айниқса, можаролар чиқадиган жойларда тинчлик ўрнатиш фаолиятини янада кучайтириш.

Шуни эътироф этиш керакки, кўп ҳолларда нуфузли халқаро ташкилотлар можароли вазиятларга, ифодали қилиб айтганда, ёнғин ҳиди эндигина чиқаётган пайтда эмас, балки ловиллаб ёнаётгандагина эътибор беради[1].

- Марказий Осиё минтақасини ядросиз зона деб эълон қилиш;

- Марказий Осиёда кимёвий ва бактериологик қуролларнинг тарқалиши устидан назорат ўрнатиш;

- Гиёҳвандликка қарши курашда кучларни мувофиқлаштириш учун минтақада БМТнинг минтақавий комиссиясини тузиш;

- Атроф муҳитни назорат қилиш ва жаҳон миқёсидаги экологик фалокатларнинг олдини олишда БМТнинг ролини кучайтириш, жумладан, БМТнинг Орол денгизи бўйича махсус комиссиясини ташкил этиш;

Ушбу саммитда Афғонистондаги узоқ вақтлардан бери давом этаётган можарони тўхтатиш ва бу ерда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш юзасидан Ислом Каримов томонидан бир қанча муҳим таклифлар илгари сурилган эди. “Бу минтақа ҳозирги пайтда Европа ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларига гиёҳванд моддалар етказиб берадиган асосий йўлгина эмас, шу билан бирга бангифурушлик ва ажал қуроли савдосининг муҳим бўғинига айланиб қолганлиги”[2] кўрсатиб ўтилган.

1996 йил 22 октябрда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Афғонистон бўйича махсус резолюция қабул қилди. Унда Ўзбекистон таклифлари ҳам ўз аксини топди. Ҳужжатда БМТга аъзо давлатларнинг можароларини тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган музокараларга ёрдам беришга ва қўллаб қувватлашларига тайёр эканликларини таъкидлаб

[1] И.А.Каримов “Биздан озод ва обод ватан қолсин”. Т-2. Т:. “Ўзбекистон” 1996. 54 б.
[2] И.А. Каримов “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” Т-3. Т:. 1996. 59 б.

ўтдилар. 1997 йилнинг августида БМТнинг махсус вакили Лохдор Брахими Афғонистон ва унга қўшни бўлган Марказий Осиё давлатларига ташриф буюрди. Сафар чоғида 20-21 август кунлари Ўзбекистонга ташриф буюриб, биринчи Президент И.А.Каримов билан мулоқатда бўлди. Ўзбекистон раҳбари "6+2" номи билан машҳур Афғонистонга қўшни бўлган давлатлар ҳамда икки буюк мамлакат АҚШ ва Россия иштирокидаги контакт гуруҳини тузиш ташаббусини таклиф этди. Бу таклиф натижасида, 1999 йилда Тошкентда ушбу гуруҳ аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари кўп асрлардан бери бир-бирлари билан кўплаб соҳаларда муносабатлар ўрнатиб, яхши қўшничилик ришталари билан боғланиб келган. Афғонистонда салкам 30 йилдан бери давом этиб келаётган ўзаро ички низоларнинг тезроқ барҳам топиши, у ерда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, урушдан азият чеккан мазлум кўп миллатли афғон халқи тинч ҳаёт йўлига ўтишини, Афғонистон муаммосини тезроқ ҳал этиш ва минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун бир қанча мураккаб ва оғир, лекин бажарса бўладиган қуйидаги бир қанча масалалар Ислом Каримовнинг ғояларида ўз аксини топди.

Мамлакатимиз МДҲ ва минтақамиз доирасида ҳам тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам Ислом Каримов раҳнамолигида фаол иштирок этди. Бунга мисол сифатида 1992 йил 18 февралдаги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда келишиб харакат қилиш тўғрисидаги давлат бошлиқларининг Баёноти, 1992 4 ноябрда Олмота шаҳрида эълон қилинган Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон Республикалари ва Россия Федерациясининг Тожикистон Республикасидаги аҳвол тўғрисидаги Қўшма Баёноти, 1998 йил 12 октябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Россия Федерацияси Президентларининг Афғонистондаги вазият муносабати билан билдирилган Қўшма Баёноти, 1998 йил 30 ноябрда Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президентининг Тожикистондаги воқеалар ҳақидаги Баёнотларини кўрсатиб ўтиш мумкин[1].

Ўз миллий ва минтақавий хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш борасидаги Ўзбекистон сиёсатининг моҳияти манфаатлар, мудофавий ҳарбий стратегия, шахс ва жамият хавфсизлигининг устуворлигига эътибор қаратилди. Марказий Осиё минтақасида можароли вазиятларнинг олдини олиш, барқарорликни сақлаб қолиш учун вужудга келган чегараларни эътироф этиш, миллий ўзликни англашнинг ўсишига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, халқларнинг интеграциялашуви, маданий бирлашуви ва ҳоказалар минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг асосий шартларидан бири эканлигини Ислом Каримов ўз қарашлари орқали асослаб берди.

Дарҳақиқат, халқимиз жамоа манфаатлари, жамоатчилик фикри доирасида ва урф-одатларга содиқлик негизларида бирлашишга мойил ва шунга интилувчи халқдир. Юқоридагиларнинг барчаси республикамизнинг халқаро ва минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш борасида Ислом Каримовнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан салоҳияти, минтақадаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб беради.

И.А.КАРИМОВНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН: МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ИҚТИСОД, СИЁСАТ, МАФКУРА" КИТОБИДА ЕР ВА СУВ МУАММОЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ФИКРЛАРИ

Худойқулова Н.А.-ТТА Урганч филиали катта ўқитувчиси

Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хотирасини, унинг мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритишга, миллий давлатчилигимизни қуришга қўшган бебаҳо ҳиссаси ва Ислом Каримов шахсининг тарихий ролини абадийлаштириш, шунингдек, унинг меросини оммалаштириш мақсадида унинг содиқ ворислари сифатида биз педагоглар серқирра илмий изланишлар олиб боришимиз керак. И.А.Каримов жамиятнинг барча соҳасини ривожлантиришда савоб ишларни бизга мерос

[1] Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик), Тошкент: "Академия", 2006. 201-202 б.

қилди. Шу қаторда ерга бўлган муносабатнинг устунлигини англаган ҳолда хам жуда кўплаб долзарб муаммоларни англатиб ўтган. Она юртимизнинг бахту-иқболи учун жон куйдирган мухтарам биринчи юртбошимиз, фаравонлигимиз гарови бўлган ер ва сув муаммосини юракдан хис қилган холда, жуда кўплаб нутқларида, чиқишларида, журналистларга берган жавобларида ва асарларида, такрор ва такрор таъкидлаб ўтган. Мазкур мақолада Юртбошимиз тамонидан 1992 йилда Тошкент "Ўзбекитсон" нашриётида чоп қилинган "Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" китобида ҳам бу масалага эътиборини қаратди.

"Ўзбекистонда ислоҳотлар ўтказишга мавжуд табиий иқлим шарт-шароитлари ҳам катта таъсир қилади, албатта Республикада сув ресурслари ҳисобли. Етиштириладиган зироатлар сувни кўп талаб қилади. Ўзбекистон нафақат Ўрта Осиёда балки дунёда ҳам муҳим стратегик маҳсулот - пахта ва ундан ишланадиган маҳсулотларни экспорт қилишда етакчи ўрин тутади. Мева-чева, сабзавот, пилла ва бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам чет элларга экспорт қилиш қудратига эгамиз. Тупроғимизнинг ҳар бир қаричи тилла, қунт қилган одам ҳар йили бир неча бор ҳосил кўтариши мумкин". (9 бет)

"Дунё мамлакатларининг ўзаро савдо ва маданий алоқаларида ўзбек тупроғи кўприк воситасини ўтаган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон Ўрта Осиёда етакчи ўрин тутади. Унинг автоном энергетика ва сув системалари бор" (9 бет). Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга ошириш йўллари ва ёндашувларини танлашга табиий-иқлим шароитларининг ўзига хослиги белгиловчи таъсир ўтказмоқда. Республика қишлоқ хўжалиги аксарият сунъий суғоришга ва суғорма деҳқончиликка асосланади. Ўзининг сув имкониятлари жуда чекланган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши , бутун халқ хўжалиги таркибида пахтачилик етакчи ўрин тутади. Ўзбекистон мустақил Ўрта Осиё республикалари орасида ғоят ката экспорт имкониятига эга бўлган жуда муҳим стратегик хом-ашё пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотни етиштирувчи ҳамда етказиб берувчи асосий республикадир. Иқлим шароитлари мева – сабзавот маҳсулотлари, пилла ва бошқа ғоят қимматли қишлоқ хўжалик хом ашёсини нафақат ўз эҳтиёжларини қондириш учун, балки бошқа мамлакатларга етказиб бериш учун ҳам зарур миқдорда етиш-тиришни таъминлайди. (28-29 бет)

Ер хусусий мулк қилиб бериладиган бўлса, сувни ҳам, бутун ирригация тармоқларини ҳам хусусий мулк қилиб беришга тўғри келади. Ўрта Осиё шароитида сув бўлмаса, ернинг қадри қолмайди. Замонавий техника билан қуролланган ирригация иншоотларини бўлиб юбориш мумкин эмас. Мавжуд мелиорация тизими уни сақлаш ва тиклаш учун мунтазам равишда ката маблағ сарфлашни талаб қилади. У давлат мулки бўлиб қолгандагина давлат унга ката миқдорда маблағ сарфлаши мумкин. Бундан ташқари, республикада аҳоли зич жойлашган, қишлоқ аҳолиси эса бундан ҳам зичроқ. Иш-билан банд бўлган ҳар бир кишига ўртача бир-бир ярим гектар суғориладиган ер тўғри келади. Уларнинг оила аъзолари ҳисобга олинса, жон бошига ўртача 0,33 гектар ер тўғри келади. Келгусида эса аҳолининг бундай кўпайиш суръатларида деҳқончилик учун яроқли ерларнинг танқислиги яна ҳам ошади. Бундай шароитда ерни хусусийлаштириш ижтимоий вазиятни кескинлаштириши мумкин. Асрлар мобайнида давом этиб келган ерга эгалик қилиш учун шафқатсиз кураш халқ бошига сон – саноқсиз кулфат келтиргани ҳаммага маълум. Суғориладиган деҳқончилик шароитида ернинг алоҳида қийматини, ҳозирги демографик, аввало, қишлоқдаги шундай вазиятни, пахта етиштиришнинг замонавий агротехника талабларини ҳисобга олганда ерни давлат мулки сифатида сақлаб қолиш, Унинг сотилишига йўл қўймаслик мақсадга мувофиқдир. Бу гап сув ва суғориш тизимига ҳам тааллуқлидир. Ерни олди-сотди манбаига айлантириш аҳолининг ҳаётий асосларига путур етказган, ер билан чайқовчилик қилишни келтириб чиқарган, - деҳқонни эртанги кунга, ўз фарзандлари ва невараларининг тақдирига ишончдан маҳрум этган-бўлар эди (190 бет.)

Давлат қишлоқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш билан бир қаторда солиқлардан озод қилиш йўли билан ҳам, шунингдек, аниқ мақсадга қаратилган қўшимча

маблағларни ажратиш йўли билан ҳам унга бевосита ёрдам кўрсатади . Бутун дунёда қишлоққа ёрдам тариқасида маблағ ажратиб келинади. Мавжуд сармоялар ҳам айнан қишлоқ фойдасини кўзлаб сарфланиши лозим. Биз учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш устувор йўналишлардан биридир. Агар биз шундай қилмасак, истиқболдан маҳрум бўламиз. 1993 йилнинг ўзидагина биз камида 20 минг гектар янги ерни ўзлаштиришимиз керак. Янги ерларни ўзлаштириш, зовур-қувур тизимини, мелиорация ва ирригацияни яхшилаш, ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун маблағларни қидириб топишга ҳар томонлама ёрдам берамиз. Шу тариқа ҳамда замонавий чет эл технологиясини жорий этиш йўли билан иқлим шароитлари республикамиздагига ўхшаш бўлган мамлакатларда асосий экинлардан олинаётган ҳосилдорликдан кам бўлмаган ҳосилдорликка эриша оламиз. (192 бет.)

Геологик ва қидирув ишланмалари, бой минерал ресурсларнинг жойлашиши кўплаб хорижий компаниялар ва фирмаларни қизиқтирмоқда. Улар бу соҳаларни ривожлантириш учун маблағ сарфлашга тайёрликларини билдиришмоқда. Айнан манна шу тармоқлар республиканинг иқтисодий мустақиллигини, барқарорлигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг жадал ўсиши, бўлғуси юксалишининг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади. (198 бет)

Хулоса ўрнида юртбошимизнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтсак:

Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз - бу гул билан қопланган йўл эмас, бу - тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён - заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир. Бу - жаҳон цивилизациясига қўшилиш, чинакам сиёсий ва иқтисодий истиқлолга эришиш йўлидир. Бу йўлдан фақат ҳақиқий ватанпарварларгина, ўз мамлакати ва халқининг тақдири учун бутун қалби ва юрагини бағишлаган, ўз манфаатларини республиканинг қудратли ва фаровон бўлишига эришиш мақсадларига бўйсундира оладиган, бунга ўзининг куч – ғайрати, ташаббуси, билими ва меҳнатини бағишлай оладиган кишиларгина юра олади. Республиканинг ҳар бир фуқароси республика тақдиридаги тарихий ўзгаришларда иштирок таётганлигини, келажак учун шахсий масъулиятини ҳақиқий ҳис этган тақдирдагина халқимиз чинакам эркин ва бахтиёр яшайдиган кучли давлат қуриши мумкин. (200 бет)

Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаъни – шавкатини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир. Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.(202 бет)

Адабиётлар

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” Тошкент. “Ўзбекистон”-1996.

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ МАЪРУЗАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Қулматов Н.Э.-ТДАУ ўқитувчиси
Абдусалямова Ю.-Ангрен тиббиёт КХК ўқитувчиси

Ўзбекистонимизда миллий мустақилликка эришилгандан кейин ўтган 26 йил мобайнида яшаб турган ҳуқуқий демократик давлатимизнинг барча соҳаларида муҳим тарихий бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва оширилмоқда. Энг муҳими, ўтган қисқа вақт мобайнида биз сохта,ҳукумрон мафкуранинг якка ҳокимлигидан қутилдик. Биринчи президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “маънавият, мафкура ҳар қандай

зуғумлардан озод қилинди, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очилди”[1]. Маълумки, ижтимоий фанлар бизнинг ғоявий, назарий дунё қарашимиз ўзагини ташкил этади. Шунинг учун бу фанларни ўрганиш жараёнида ўқитувчи ҳар бир талабанинг эътиборини юксак маънавият ҳалқимизнинг миллий - маънавий маданиятини, унинг тарихий ва аҳлоқий тараққиётининг пойдевори эканлигига қаратмоғи лозим. Ижтимоий фанлар сохасида Хожа Ахмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Имом ат- Термизий, Бурхониддин Марғиноний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий каби алломаларимизнинг ҳикматларини ўзида мужассам этган маънавий меросларини таълим-тарбияда алоҳида ўрин эгаллайди. Шу сабабли юқоридаги буюк аждодларимизнинг ижодий фаолиятини билиш ёшларимизнинг маънавиятини мутаҳкамлашга, мустақил фикр юритишига, ўзига ишончини кучайтиришга хизмат қилади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўз маърузаларида янги давлатни барпо этишда маънавият, маданият ва халқ анъаналари каби миллий қадриятимиздан оқилона фойдаланишга даъват этади. Чунки, мустақиллик тараққиётини ёшларга кенгроқ тушунтириш ишини яхши йўлга қўймасдан, давр талабига жавоб берадиган мутахассис, фидоий қадрлар тайёрлаш мумкин эмас. Биринчи президентимизнинг маърузаларида жамият ҳаётида давлатнинг тутган ўрни, яъни ижтимоий ҳаётда унинг бунёдкорлик жихатларининг ошиб бориши назарий жиҳатдан асослаб берилган. Биринчи Президентимиз ўз маърузаларида таъкидлаганидек, халқимиз азалдан ўз маънавий қадриятларини ва диний эътиқодини юксак эзозлаб келган. Ўзбекистон Республикаси конститутциясининг 31-моддасида “ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланганлиги, ҳар бир инсон ҳоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод килмаслик ҳуқуқига эга эканлиги, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги”[2] қайд этилган. Фуқаролар мафкуранинг якка ҳокимлигидан кутилди, миллий мустақиллик мафкураси ва тафаккури ривожига кенг йўл очилди. Бу ижобий жараённинг ижтимоий моҳиятини биринчи президентимизнинг маърузалари асосида талабаларга мисоллар орқали тушунтиришда ўқитувчи-педагогларнинг ўрни катта. Ижтимоий фанлар тизимида динга муносабат масаласи ҳам муҳим ўринни эгаллаган. Чунки, дин халқимиз маънавиятининг таркибий қисми, шу сабабли ундаги фойдали омиллардан маънавий тарбия ишларимизда мақсадга мувофиқ фойдаланиш дарснинг сифатини оширишга олиб келади. Биринчи президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият-маърифатли инсоннинг икки қанотидир”. Шунинг учун ҳам ижтимоий фанлардаги биз ўрганаётган муаммоларни талабаларга тушунтириш жараёнида мустақиллик тафаккурини кенгроқ тушунтиришга эътибор кўчайтирилса фойдадан ҳоли бўлмайди. Натижада Ўзбекистон истиқболи ҳақида қайғуриш, ўз Ватанини, халқи номусини ҳимоя қилиш, астойдил самарали меҳнат қилиш каби маъсулиятлар ёшлар онгида тез шакллана боради. Биринчи президент ўз маърузасида мустақил давлатимиз бугунги кунда ўз фуқаросидан “Юртим деб, элим деб ёниб яшашини” талаб этаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Биринчи Президент: “Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни, маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз. Сиёсатимизни шунга курамиз ва уни тўла тадбиқ этамиз”[3],- деб таъкидлайди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбия қилиш, она диёрига садоқат, табиатга муҳаббат, ҳалқимиз дунёқарашнинг, ижтимоий ўзагини ташкил этади. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи, мустақил давлатимиз сиёсатининг йўналишларидан бирини ташкил этади. Халқ оммаси роли ижтимоий тараққиётимизда бош етакчи кучдир деган фикр Президент маърузаларида алоҳида ўрин тутади. И.А.Каримов баён этганидек, “келажаги

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б. 78.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 12-бет, 2014.

[3] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. “Ўзбекистон”, 1995, -Б 55.

буюк бўлишини истаган миллат ўз тақдирини улуғ мақсадга эга, олийжаноб, қатъиятли, маърифатли инсонларга ишонч билдириб топширган холдагина ўз муродига етади”[1]. Бунинг учун албатта ишчан, билимдон, юксак маънавиятли етук кишиларни тарбиялаб вояга етказиш учун, жамиятимизда зарур ижтимоий шароитнинг барпо бўлиши лозим. Бу масалада таълим тарбия масканлари, маданият ўчоқлари, матбуот шаҳобчалари кенг фаолият кўрсатишлари шарт. Ишлаб чиқаришда, ижтимоий тараққиётда ижтимоий фанларнинг роли қонуний равишда тобора ошиб бормоқда. Талабаларга умуминсоний ва миллий қадриятларни авайлаб эъзозлашни, сақлашни, уларни тобора уйғунлаштириб ҳаётга тадбиқ этишни англатмоқ зарур. Бу ҳаётимиз ва даврimиз таълабидан келиб чиқмоқда. Президентимиз ўз маърузаларида «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қил ади» деб бежиз уқтирмаган. Инсонларни комолатга етиштиришда ижтимоий фанларнинг роли бениҳоя катта ва келажакда янада ошиб боради. Ишончимиз комилки, миллий камолот йўлида унинг ҳиссаси катта бўлади. Шу боисдан ўзбек халқининг, мутафаккир аждодларимизнинг, ҳозирги замон етук олимларимизнинг жаҳон маънавияти ва маъданияти ҳазинисига қўшган ҳиссасига талабалар эътиборини қаратиб бориш, таълим-тарбияни яхшилаш ва такомиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистоннинг ҳозирги ижтимоий тараққиётида танлаган ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг тарихий жихатдан беқиёс эканлигини ёшларга, доимий равишда англатиб бориш зарур. Мустақиллик шароитида маънавий ва маъданий маърифий ишларнинг кўлами ошиб бормоқда. Комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш, энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Ана шундай маъсулиятли шароитда умуминсоний қадриятларни кенг тарғиб қилиш Ўзбекистон танлаган ижтимоий тараққиёт йўлининг талабидир. Модомики, ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият-маърифатли инсоннинг икки қанотини ташкил этар экан, бу соҳада ўз фидоийлигимизни амалда исбот қилишга интилмоғимиз шарт.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б. 78.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 12-бет, 2014 йил.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. “Ўзбекистон”, 1995, -Б 55.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. “Ўзбекистон”, 1995, -Б 45.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

Мажитов М.А.-ТерДУ катта ўқитувчиси

Маънан ва жисмонан етук шахсни тарбиялаш масаласи бугунги Ўзбекистон учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу борада жамиятни доимий ҳаракатга келтириб турадиган куч – миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қиладиган қадриятларни, илғор демократик қоида ва тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асраб-авайлаш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни ана шу билим ва кўникмалар билан тарбиялаш –маънавий тарбия соҳасидаги энг устувор вазифа ҳисобланади. Ўзбекистонда бу борада жисмонан соғлом, маънан баркамол ёшларни тарбиялаш учун ҳам 1991 йилдаёқ Ёшларга оид давлат сиёсатининг замонавий талабларини ўзида акс эттирган қонун қабул қилинди. Мустақиллик йилларида ёшлар ижтимоий қатлами манфаатларини ҳар томонлама

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. “Ўзбекистон”, 1995, -Б 55.

таъминлаш давлат сиёсатининг асосий устивор йўналиши бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2008 йилни “Ёшлар йили”, 2010 “Баркамол авлод йили”, 2012 йил “Мустаҳкам оила йили”, 2014 йил “Соғлом бола йили”, 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб номланиши муносабати билан уларга оид давлат дастурларининг қабул қилиниши ва 2014 йил 6 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2124-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек 2016 йил 15 сентябрда Халқ сўзи газетасида эълон қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун, ”Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қўвватлаш тўғрисида”ги 2017 йил 5 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ёшларга оид давлат сиёсати тамойилларининг жорий қилиниши ва амалга оширилишида муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. Бугунги глобаллашув даврида ёшларни маънавий етук шахс қилиб тарбиялаш, жараённи тўғри амалга ошириш, шахсни ижтимоий, маънавий ва маданий ҳаётга тайёрлаш кабилар долзарб масалалардан ҳисобланади. Худди мана шу масъулиятни тўла англаб етган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдирган: ”Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний, маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз” [1]

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг **“Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир”** асарида асосида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ёшлар сиёсати масаласида амалга оширилган ислоҳотлар ва ишларни таҳлил қилсак улар қуйидаги йўналишларда юз берганини кўрамиз:

- аввало Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури ва Таълим тўғрисидаги қонунининг қабул қилиниши ва ҳаётга тадбиқ этилиши;
- барча таълим муассасаларининг моддий-техник базасини тубдан янгилаш ва яхшилаш борасида қилинган ишлар;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг амалий ифодаси;
- мусиқа ва санъат мактабларининг қурилиши ва уларнинг амалий натижалари;
- маънавият ва маърифат соҳасидаги ислоҳотлар ва уларнинг туб моҳияти;
- ёшларга муносиб иш ўринларини ташкил этиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш масаласи;
- иқтидорли ва истеъдодли ёшларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш масаласи ва ҳоказолар.

Натижада ушбу изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти қуйидаги устивор йўналишларда яққол намоён бўлмоқда. ***Биринчидан,*** бугун тарбия соҳасида майда иш йўқлигини чуқур англаб етган ҳолда, ёшлар тарбиясига юксак малакали ўқитувчи-домлаларни, тренерларни жалб этиш ва уларнинг касбий-педагогик маҳоратига қўйилган малакавий талабни кучайтириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. ***Иккинчидан,*** бугунги информация ва дезинформация даврида ёшларимизда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш асосий вазифалардан бири бўлиб, бу борада ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. ***Учинчидан,*** миллий ғоя руҳида тарбия топган мустақиллик ёшлари катта меҳнат потенциали эканлигини унутмаган ҳолда, уларда касб-ҳунар ва илмни ўрганиш, уларга интилишда мустаҳкам мақсадларни қўя билиш ва уларни амалга ошириш чора тадбирларини шакллантириш учун кўплаб вазифалар олдимизга қўйилмоқда. ***Тўртинчидан,*** ёшларимизда мустақил фикрлаш ва ҳақиқат учун курашиш хислатларини юксалтириш учун уларни ҳаққоний тарих билан қуроллантириш ва бу орқали уларда милий ғурур-ифтихорни шакллантириш масаласи ниҳоятда муҳимлигини

бугун барчамиз англаб етмоқдамиз. Бугун Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг китоби бизнинг олдимизга ёшлар тарбиясида бир қатор амалга ошириш зарур бўлган долзарб вазифаларни қўймоқда:

- барчамиз ёшларга тўғри, ҳаққоний йўлни кўрсатишимиз лозим.
- ёшларимизда билимга интилишга рағбат, иштиёқ, ҳавас уйғотишимиз ва илмни бошқалардан тортинмасдан ўрганишини сингдиришимиз шарт.
- ёшларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялаш барчамизнинг виждон ишимизга айланиши зарур.
- ёшларимизда тинчликни қадрлаш ва тарихдан тўғри хулоса чиқариш кўникмаларини шакллантириш керак.
- ёшларимиз орасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини ёйиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш лозим.
- “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган, миллий маданиятимизга зид бўлган ёт ғоялар, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, терроризм, диний экстремизм каби хатарларнинг асл башарасини очиш, ёшларни огоҳлик, хушёрликка даъват этиш кундалик машғулотга айланиши лозим.
- энг муҳими ёшларимизга ўзимиз истаган замон келиши учун чин дилдан, фидойилик билан курашишимиз кераклигини, у замон ўз-ўзидан келмаслигини тушунтиришимиз лозим.

Биринчи Президентимизнинг бир истагини ёшларга, фарзандларимизга етказиш орқали у кишининг орзусини ушалтириш муҳим вазифа ҳисобланади: “Фақат ўз кучи ва салоҳиятига таяниб, ўзлигини англаб, бошини баланд кўтариб яшайдиган халқни дунё халқи ҳурмат қилади”.[2]

Хулоса қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистонда вояга етаётган ҳар бир ёшни маънавий баркамол, иродаси бақувват, имон-эътиқоди бутун, миллий ғоя билан қуролланган, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялашда, онгу тафаккурини ривожлантириб, ҳаётга, меҳнатга, мулкка муносабатини тубдан ўзгартиришда, ўз фуқаролик бурчини чуқур англаб, Ватанга муҳаббат ва садоқат, дахлдорлик туйғуси билан яшашида, ўз тақдирини Ватани тақдири билан муштарак деб ҳис қилишида ушбу асарнинг ўрни беқиёс бўлиб, уни асл моҳиятини ёшларга тушунтириш барчамизни устивор вазифамизга айланиши зарур.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010, 185 бет
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир.Тошкент,Ўзбекистон, 2015, 257 бет.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, БУЮК ДАВЛАТ ВА СИЁСАТ АРБОБИ

Айтбоев М.Ю., Умарова Ф. - ТошДАУ ассистентлари

Дунё яралибдики, қанчадан-қанча давлат раҳбарлари ўтган. Лекин, Рузвельт, М.Ганди, Мустафо Камол, Де Гольга ўхшаган инсонларни одамлар ёдидан чиқармайди. Менинг назаримда бунинг сабаби битта - бу инсонларнинг халқ учун қилган ишларидир. Саид Аҳмад айтганидек - “Одамлар бор, вафот этгандан кейин унутилиб кетади, одамлар бор, вафот этгандан кейин ҳам яшайверади”.

Халқимиз ўзининг қисқа муддат - 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда айнан Президент Ислом Каримов номи билан боғлайди ва шу улуғ инсоннинг беқиёс хизматлари деб билади.

Ислом Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишларига улкан ҳисса қўшди.

Ислом Каримов ижодкори бўлган Истиқлол ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилди, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар эшигини очиб берди. Жумладан, Ватанимизнинг дунё рейтингларида йилдан йилга обрўси ошиб бормоқда. 12 йилдан бери иқтисодий ривожланишимиз 8%дан тушмай келмоқда. Шу боис Ўзбекистон дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига чиқаётир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети олимлари 158 та мамлакатга бориб, ижтимоий тадқиқотлар ўтказишган. Тадқиқотлар асосида эълон қилинган "Бутунжаҳон бахт индекси"да Ўзбекистонимиз 158 мамлакат ўртасида 44-поғонани эгаллади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани тан олинди.

"Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказади. Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди". Бир пайтлари ҳеч ким билмайдиган давлатимизни бугун бутун дунё таниди нафафқат таниди балки бизга хавас билан боқмоқда. Ушбу ва шу сингари барча ютуқлар Ислом Каримов номи билан боғлиқ.

Мухтасар қилиб айтганда, Ислом Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўпмиллатли халқимизни бирлаштириб, уни улуғ мақсадлар сари бошлаб борди.

2017 йил 25 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида" ПҚ-2744 – сонли, 2017 йил 27 ноябрда буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнақи йўлидаги улкан тарихий хизматларини инобатга олиб ҳамда у кишининг хотирасини абадийлаштириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш мақсадида ПҚ-3404-сон қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам И.А.Каримов хотирасини абадийлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан,

- Москвада Ислом Каримов номидаги хиёбон ташкил этилиб, унга монумент ўрнатиш ишлари давом этаётгани;
- Туркманистонда мустақиллигимиз асосчиси номи билан аталган кўча ва ёдгорлик мажмуасини очилишида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этгани ва бу жаҳон матбуотида кенг ёритилгани;
- Қозоғистон пойтахти Астанада ҳам Ислом Каримов номи билан аталадиган кўча пайдо бўлиши ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда. Ислом Абдуғаниевич Каримов билан бир даврда яшаганим мен учун энг катта бахт.

ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ТИКЛАНИШИДА ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БЕҚИЁС ХИЗМАТЛАРИ

Мамадалиева Ф.-ТошДАУ ўқитувчиси

Даҳолар буюк сиймо фаолиятида ифодаланиб, бу фаолият бутун бир жамият, бирор халқ учунгина эмас, бутун инсоният учун оламшумул аҳамиятга эга бўлади. Даҳонинг иш қобилияти ва фаолияти бениҳоя юқори даражада бўлиб, улар кўп соҳаларда янги даврни бошлаб берадилар.

Мана шу янги давр биз учун бу мустақиллик даври эди. Мустақил Ўзбекистоннинг номи эса халқимизнинг даҳо фарзанди биринчи президентимиз - Ислом Каримовнинг номи билан абадий боғлиқдир. У кишининг Ватанимиз, халқимиз олдидаги хизматлари беқиёс. Чунончи, бу улкан хизматлар юртимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги ривожи, у ҳох иқтисодий , ижтимоий соҳа бўладими ёки сиёсий, маънавий, маърифий соҳа бўладими барчаси мамлакатимизнинг қисқа давр ичида юксалиши ва тараққиётига сабаб бўлди. Ислом Каримов том маънодаги ўзбек халқиниг даҳо фарзанди эди. Биз мустақил юрт ёшлари эса у кишидан Ватанни севишни ўргандик десак муболаға бўлмайди. Ислом Каримов ўзининг ҳар тарафлама олий жаноб эзгу ишлари билан нафақат ўзбек халқининг, балки бутун дунё халқларининг эътирофи ва эътиборига сазовор бўлган комил инсон эди.

Биринчи Президентимизнинг беқиёс хизматларидан бири мустақилликка эришганимизнинг илк кунлариданоқ диний қадриятларимизни тиклашга эътибор қаратганлигидир. Ўзбек халқининг диний қадриятлари бу бевосита ислом дини билан боғлиқдир. Ислом Каримов муқаддас ислом динига эътибор қаратар экан, ислом дини бу ота-боболаримизнинг муқаддас дини эканлигини, у асрлар оша кишиларни ахлоқ ва одобга, инсонийликка чорлаб келганлигини доимо эътироф этиб келганлар. Жумладан, Ислом Каримов ўзининг Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари асарида диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида, шундай дейди: «Биз дин бундан буён ҳам аҳолининг энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз»[1].

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг одилона сиёсати туфайли Ўзбекистонда исломий қадриятлар билан бир қаторда турли динларга мансуб қадриятларни асраб авайлаш, барча фуқаролар ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарурий шароитларни яратиб бериш, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасидаги қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга эътибор қаратиб келинган.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда динга, шу жумладан Ислом динига муносабат тубдан ўзгарди. Буларнинг моҳияти Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: «Ислом дини – ота-боболарнинг муқаддас эътиқоди. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида маънавияти, бой мероси ва ўзлигини омон сақлаб қолган. Мустақиллик туфайли Рамазон ва Қурбон ҳайитлари байрам ва дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Ҳаж ва Умра зиёратларига кенг йўл очилди. 3600дан ортиқ масжид ишлаб турибди. Қуръони Карим ўзбек тилига таржима қилинди ва 100000 нусхада нашр этилди. Юзлаб ислом тарихи, маданияти, ахлоқи ва тасаввуфга оид китоблар чоп этилди. Ўзбекистонда олиб борилаётган диний сиёсатга биноан жамият билан ислом дини манфаатлари ўртасидаги муштаракликни мустаҳкамлаш ва унинг халқни маънан поклаш мақсадлари бугуннинг асосий вазифалари жумласидандир. Хулоса қилиб айтсак, дин ахлоқий тарбия воситаси, маънавий комиллик калитидир. Бу вазифани ўташда Ўзбекистонда унга кенг йўл очилган»

Мустақиллик шарофати билан 1300 йил мобайнида ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом динига муносабат ҳам тубдан ўзгара бошлади. Айниқса, ўнлаб ўтмиш диний

[1] Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари..Т: «Ўзбекистон»,- 1997, 44-б.

уламоларимизнинг табаррук номлари, меросларини тикланди. Мақбаралари зиёратгоҳга айланди. Жумладан, Имом Бухорий мақбараси мажмуйининг бунёд этилиши, Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасининг янгидан таъмирланиб, обод этилиши, имом Мотрудий, Бурҳонуддин Марғиноний каби буюк сиймоларнинг хоки поклари қўйилган Самарқанддаги Чокардиза қабристонини тиклаш ва ўрганиш ишларининг жиддий йўлга қўйилиши – барчаси биринчи президентимиз Ислом Каримовнинг муқаддас динимизга, ушбу динни маърифат, маънавий қадрият даражасига кўтариб, жаҳонга танитган улуғ аждодларимизга бўлган юксак ва самимий эҳтиромнинг ёркин намойиши эди.

«Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди»[1], деган Ислом Каримов. Динни ниқоб қилиб низолар чиқаришга уриниш остида эса доимо муайян худбин ният, ғаразгўйлик ёки жаҳолат ётади. Шу сабабли И. Каримов ҳақиққий имон-эътиқодни сиёсий найранглардан фарқ қилиш зарурлигини таъкидлаш баробарида ўзбекнинг имони хусусида доимо собит туради:

«Мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлиман. Алҳамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунё- ю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман»[2]. «Бу эътиқод юртимиздаги миллионлаб ватандошларим қатори менинг ҳам дунёқарашимга асос бўлиб, бутун борлиғим, маънавий оламим мазмунини ташкил этади»[3]. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ислом Каримовнинг исломий қадриятларни тиклашдаги хизматлари беқиёс эди. У кишининг бу борадаги хайрли ишлари эса бугунги кунда давомийлигини биз шоҳиди бўлмоқдамиз.

И.КАРИМОВ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ АСОСЧИСИ

Абдуллаева Д.К. - ТерДУ

«Барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримов бугун орамизда йўқ. Бироқ, Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз».

Ш.Мирзиёев

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимизнинг асосий мақсади сифатида ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишга алоҳида эътибор қаратди.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан фуқароларимиз орасида ўтказилган сўровномада биринчи Президентимиз уларнинг хотирасида мамлакатдаги ўзгаришларнинг бош ислохотчиси ва ғоявий илхомчиси сифатида сақланиб қолишини билдирган. Хўш, буюк давлат арбобининг қайси фикр, ғоялари Ўзбекистонни янгилаш, ривожлантириш, гуллаб-яшнатишга хизмат қилди?
Бу саволга фуқароларимизнинг 93,4 фоизи “тараққиётнинг ўзбек модели” дея жавоб беришди[4].

Тараққиётнинг “ўзбек модели” бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузумга ўтишда истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов белгилаб берган беш тамойилга асосланади.

[1] Ислом Каримов. Асарлар. 1- жилд, 26-б.
[2] Ислом Каримов. Асарлар. 7- жилд, 352-б.
[3] Ислом Каримов. Асарлар. 7- жилд, 350-б.
[4] И.Қурбонов «Манфаатларимизни қалби ва ҳаёти билан ҳимоя қилган», «Vatanparvar» 2017 йил 1-сентябрь

Биринчи тамойил – иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, ишлаб чиқаришни мафкурадан ҳоли қилиш. Бу тамойил иқтисодиётнинг эркин равнақига кенг йўл очади. "...Иқтисодий ислоҳотлар хеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. ...Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш зарур", - деб таъкидлаган эдилар И.Каримов. Аммо, айримлар баъзан маънавий-маърифий тадбирларда ёки таълим тизимидаги дарс жараёнида, тушуниб-тушунмай, бу тамойилни: "Аввал - иқтисод, кейин - сиёсат", тарзида мутлақо нотўғри шархлаганига хам гувоҳ бўламиз.

Иккинчи тамойил - давлатнинг бош ислоҳотчи экани билан изоҳланади. Шундай йўл тутилмаса бўлмайди. Чунки, социализмда деярли барча мулк давлат қўлида бўлган. Уни жамиятга ўтказишни, аввало, давлат ўзи амалга ошириши лозим. Акс холда, уни хеч ким давлат қўлидан тортиб ололмайди-ку. Шунинг учун, Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, давлат "ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт".

Чунки, бозорга ўтилгани сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгаради. Шу тариқа янги тузумда давлат бозор иқтисодиёти ва демократия асосида ривожланган давлатлардаги каби стандартларга яқинлашади. Бунинг учун Биринчи Президентимиз ўртага ташлаган «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» шиорига катъий амал қилинади. Давлат социализм даврида ноўрин тарзда гарданига олган кўп-кўп вазифаларни босқичма-босқич жамият зиммасига юклай боради.

Учинчи тамойил – жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш. Чунки, бир тузумдан иккинчи тузумга қонуний асосда ўтиш лозим. Акс ҳолда, мамлакатда бошболдоқлик юз беради, адолатсизлик келиб чиқади, бирон-бир эзгу мақсадни охиригача амалга ошириш мумкин бўлмай қолади. Қонун устуворлиги дегани - Конституция ва қонунларга амал килиш хамма учун қатъий қоида қилиб олиниши керак дегани. Мамлакатимизда истиқлол йилларида қонунчиликни такомиллаштириш борасида амалга оширилган оламшумул ишлар, жумладан, икки палатали парламентга ўтганимиз замирида айнан қонун устуворлигига эришиш илинжи ётгани - барчага аён.

Тўртинчи тамойил – аҳолининг мураккаб демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритиш. Бир тузумдан иккинчисига ўтаётганда, хусусан, эски ишлаб чиқариш тизими, мавжуд иқтисодий интеграция ўз-ўзидан ва табиий равишда издан чиқади, уларнинг барини янгидан шакллантиришга тўғри келади. Шунингдек, мулкка эгалик қилишнинг шакли ўзгаради, давлат корхоналари, хатто, экин ерлари эгалари ўзгаради, ишчи кучи хам бевосита бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида қайта тақсимланади. Кимдир олдинги ишидан ажралиши, уни ўзгартиришга мажбур бўлиши хам замоннинг зайли ҳисобланади. Демак, ижтимоий химояга муҳтожлар сафи ўзгариб, яъни камайиб-кўпайиб туриши ҳам - табиий жараён.

Хўш, Ўзбекистонимизда шу муаммолар қандай ҳал этилиб келяпти? Биз бу борада қандай йўлни босиб ўтдик?

Бу борада Ислом Каримов 1993 йили белгилаб берган йўл - қатъий: "Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда ахолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади"[1].

Жамият-бир бутун тана. Унинг баъзи шохлари гуллаб-яшнаб кетса-ю, бошқалари қуруқ-қақшаб қолса, адолатдан бўладими? Йўқ! Бизнинг бу борадаги йўлимиз - аниқ: жамиятни хаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга ажралиб кетишига йўл қўймаймиз. Демак, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя сиёсати ана шундай илмий, хуқуқий, маънавий асосга суянади. Маърифатли жамият барпо этиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, адолатли хуқуқий давлат қуриш мақсади

[1] И.Каримов Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, 1996.

шуни талаб этади. Чунки кучли ижтимоий сиёсат иқтисодий ўзгартиришларнинг ишончли кафолати ҳисобланади.

Бешинчи тамойил - бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини хисобга олган холда, ўтмишдаги “инқилобий сакрашлар”сиз, пухта ўйлаб, тадрижий (эволюцион) йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш. Ўтиш жараёнини сунъий равишда тезлаштириш, шубхасиз, шошма-шошарлик, пала-партишликка, ишни чалакам-чатти амалга оширишга олиб келган бўлур эди.

Кейинги йиллар давомида юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7-8 фоиздан кам бўлмагани, энг муҳими, аҳолининг реал даромадлари 1991 йилга нисбатан 12,7 баробар, 2000 йилга қараганда эса, 2,7 марта ошгани, диёримиз, шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, одамларимизнинг чеҳраси тобора очилиб бораётгани мамлакатимиз ривожланишнинг янги, равон йўлига чиқаётганининг ёрқин далолати, десак, ҳеч қандай хато бўлмас. Бундай ютуқ ва натижалар бевосита давлатимиз биринчи Президенти ва мустақиллигимизнинг асосчиси Ислом Абдуғаниевич Каримов номи билан бевосита боғлиқ.

“Ўзбек модели” Ватанимизнинг ўз истиқлол йўлини ўзи белгилаб олганидан далолат беради. Биз бу йўлдан оғишмай илгарилаяпмиз. Шу йўл Ўзбекистонимизнинг жаҳонда алоҳида, ўзига хосу-мос обрў-эътибор ва мавқеъ-мақом топиб бораётганига назарий замин бўлиб хизмат қилаётир. Айнан тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга ошириш жараёнида тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Шу мақсадда 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди ва халқимиз томонидан мақулланди. Бу стратегия давлат курилиши, суд-ҳуқук тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришни жадаллаштириш ва фаол ташқи сиёсатни амалга оширишга оид бешта асосий устувор йўналишни қамраб олади.

Ишлаб чиқилган тамойиллар ҳаёт синовидан ўтди. Амалий иш жараёнида уларнинг тўғрилиги ва таъсирчанлиги тасдиқланди. Бу тамойиллар жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланди, энг муҳими, халқимизнинг ўзи уларни қабул қилди ва қўллаб-қувватлади.

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИНИ ТИКЛАНИШИДА ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХИЗМАТЛАРИ

Ўзбекова С.П.- ТТЙМИ ҳузуридаги академик лицей ўқитувчиси

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу - табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ

дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламиз.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда “Жамият маънавиятини юксалтиришда тарихий хотира, аждодлар тарихини билишнинг, миллий-ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бирон-бир халқ ўз тарихини билмай, асрлар оша яратилган маънавий меросга таянмай ва уни янада ривожлантирмай туриб ўз келажагини тасаввур эта олмайди. Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.” [1;3]

Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур” [2;7] - деган фикрни билдирганлар.

Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентимиз Ислом Каримов сай-ҳаракатлари билан мустабид тузум даврида сохталаштирилган халқимиз тарихини холисона, ҳаққоний ёритиш, барча ўқув масканларида Ватан тарихини ўқитиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

1996-йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси қошида “Ўзбекистоннинг янги тарих маркази” ташкил этилди.

Ўзбек халқи ва Ўзбек давлатчилиги тарихини, тарихимизнинг бошқа саҳифаларини холисона илмий асосда ёритиш вазифалари Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар билан 1998-йил июнь ойида бўлган суҳбатда, Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил, 27-июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорида белгилаб берилди.

Миллий давлатчилигимиз ўзининг йирик давлат арбоблари билан машҳур. Ислом Каримов Фармони билан 1996-йил “Амир Темур йили” деб эълон қилинди. Шу йили машҳур давлат арбоби ва саркарда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги мамлакатимизда ва жаҳон миқёсида “Амир Темур йили” сифатида кенг нишонланди. Тошкент шаҳрида Амир Темурга ҳайкал ўрнатилди, Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди. Амир Темур юбилейи муносабати билан Самарқанд ва Шаҳрисабзда ўнлаб тарихий обидалар таъмирланиб, қайта тикланди.

Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқа халқ жигарбандларининг номи, иззат-икроми, ҳурмати ўз жойига қўйилди. Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Бўзсув канали бўйида қатағон даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуйи бунёд этилди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан миллий давлатчилигимиз тарихини яратиш, аждодларимизнинг буюк меросини келажак авлодга етказиш борасида қилган буюк ишларини санаб адоғига етказиб бўлмайди. “Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур.”[3;9]

Ислом Каримов мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашда тарихий хотира ва аждодларимизнинг бой маънавий меросини тиклаш орқали курашишга даъват этгандилар. Зеро, ўтмишини чуқур англамаган халқни иродаси заиф бўлади, шундай эмасми?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. Тошкент; 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент; 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент; 2011.

ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ В ТРУДАХ ПЕРВОГО ПРЕЗИДЕНТА ИСЛАМ АБДУГАНИЕВИЧА КАРИМОВА

Махмудова А.Н. - старший преподаватель
Камариддинзода М.К.- студент СамМИ

С приобретением государственной независимости в нашей стране уделяется большое внимание воспитанию духовно богатого, гармонично развитого поколения. В результате последовательной реализации государственной политики, направленной на решение жизненно важных вопросов молодежи, наши юноши и девушки добиваются огромных успехов во всех сферах. Высокий уровень политико-правовой культуры и социального сознания сегодняшней молодежи у нас в стране, ее достижения в науке, искусстве, спорте требуют создания необходимых условий для поднятия реформ в данных сферах на качественно новый уровень.

По инициативе и под руководством первого Президента Узбекистана И. А. Каримова коренное реформирование системы образования, обучение молодежи на уровне мировых стандартов, воспитание личностей с высоким потенциалом и богатым мировоззрением стали приоритетным направлением государственной политики. На развитие сферы образования и воспитания выделяется огромные средства из государственного бюджета, что свидетельствует о том, что осуществляемые в нашей стране широкомасштабные реформы направлены на формирование и воспитание здорового, гармонично развитого молодого поколения.

В своем произведении «Высокая духовность – непобедимая сила» первый Президент нашей страны Ислам Каримов подчеркивал, что в настоящее время нашей основной задачей и человеческим долгом является воспитание подрастающего поколения всесторонним, здоровым гармонично развитым, а для достижения этого необходимо укреплять семью, которая станет духовной крепостью, обеспечивающей преемственность поколений. Также автор в книге особое внимание уделял системе образования и воспитания как важного фактора, непосредственно влияющего на формирование духовности; с уверенностью отметив, что грандиозная по масштабу и значению работа, проделанная за последние годы в сфере образования и воспитания, реализация намеченных целей, создание новой жизни, стали прочной основой на пути духовного развития молодежи, всего нашего народа.

В Конституции и во многих законах Узбекистана нашли свое отражение права и интересы молодежи. Соответствующие указы и постановления первого Президента нашей страны с первых дней независимости способствовали воспитанию молодого поколения в духе национальных и общечеловеческих ценностей, гармонично развитыми личностями. Одним из первых и значимых документов, в соответствии с которым осуществлялись меры по созданию необходимых условий для получения юношами и девушками глубоких знаний, приобретения ими востребованных профессий, реализации их творческих и интеллектуальных способностей стал принятый 20 ноября 1991 г. Закон «Об основах государственной молодежной политики в Республике Узбекистан». В связи с последовательным внедрением в жизнь Закона Республики Узбекистана «Об образовании», а также Национальной программы по подготовке кадров повысились качество и эффективность образования.

Согласно постановлению первого Президента нашего государства, в целях обеспечения активного участия молодежи в широкомасштабных реформах, последовательного осуществления государственной молодежной политики, направленной на воспитание всесторонне здорового и гармонично развитого подрастающего поколения, одобрена Программа дополнительных мер, направленных на реализацию в 2014 году государственной молодежной политики в Республике Узбекистан. Ряд других принятых законов, нормативно-правовых документах стали важной базой для реализации новых этапов деятельности в сфере молодежной политики, направленной на создание условий

для социального и духовного развития молодого поколения. В названиях и целях предыдущих годов – Год защиты интересов человека, Год семьи, Год здорового поколения, Год матери и ребенка, Год здоровья, Год молодежи – также приоритетное место отводилось вопросу воспитания гармонично развитого поколения, обеспечения его интересов.

Следует отметить, что воспитание молодежи физически здоровыми и гармонично развитыми личностями в духе любви и преданности к Родине, уважение национальных и общечеловеческих ценностей, духовного и культурного наследия узбекского народа, является неразрывной частью образовательной системы. Самой надежной опорой для нас является наша молодежь, уверенно входящая в жизнь как решающая сила, обладающая современными знаниями и профессиями, самостоятельно и по новому мыслящая, способная взять на себя ответственность за будущее Родины. Первоочередная задача государства и общества, в целом каждого гражданина – это воспитание молодежи как всесторонне развитой личности, способной внести посильный вклад в формирование гражданского общества; содействовать в совершенствовании их политической, правовой и экологической культуры; в выработке активной жизненной позиции; в развитии их творческих способностей и трудовых навыков.

Воспитание и образование — основные способы формирования личности, осуществляемого через систему различных социальных институтов (семья, школа, профессионально-технические, средние специальные, высшие учебные заведения). Основное содержание воспитания и образования - формирование социальных способностей. В отличие от обучения, воспитание формирует в человеке не умение выполнять ту или иную работу, а такие внутренние качества личности, как убеждения, моральные принципы, ценности, установки, мотивы, черты характера. Оно вырабатывает определенное отношение к действительности, к другим людям, без чего невозможна жизнь в обществе

И.А.Каримов постоянно подчёркивал, о том, что использование творческого потенциала молодежи в процветании Узбекистана является необходимым условием нашего великого будущего. Дальнейшее укрепление суверенитета страны, самой государственности, невозможны без опоры на молодые крепнущие силы, их ум, задатки и интеллект. Результаты преобразований находятся в прямой связи со степенью внедренности молодежи в систему проводимых реформ.

В статье 41 Конституции Республики Узбекистан закреплено, что «Каждый имеет право на образование. Государство гарантирует получение бесплатного общего образования. Школьное дело находится под надзором государства». Право на образование является одним из основных прав личности, и в нашей стране создан действенный механизм реализации данного права. Республикой Узбекистан ратифицированы международные документы в области права на образование, согласно которым каждому государству рекомендовано сделать начальное образование обязательным и бесплатным, среднее образование — всеобщим достоянием и обеспечить его общедоступность, высшее образование — доступным для всех на основе полного равенства и в зависимости от способностей каждого.

В ходе реализации Закона Республики Узбекистан «Об образовании», Национальной программы по подготовке кадров и Государственной общенациональной программы развития школьного образования создана уникальная национальная модель непрерывного образования, отвечающая требованиям времени и условиям обеспечения последовательного прогресса страны во всех сферах и отраслях, которая получила признание во всем мире. Сформирована прочная материально-техническая база, подготовлены квалифицированные педагогические кадры, разработаны новые государственные образовательные стандарты и учебно-методическая литература, необходимые для эффективной работы этой системы. Принятая Национальная программа по подготовке кадров, направленная на реформирование образования и укрепление в

сознании людей и в первую очередь подрастающего поколения демократических ценностей, ставит своей целью формирование всесторонне развитой и самостоятельно мыслящей личности, имеющей свой взгляд, свой выбор и твердые гражданские позиции в жизни. Она является обобщением накопленного опыта развитых демократических стран и в то же время учитывает требования быстро меняющегося современного мира.

В целях кардинального совершенствования системы обучения подрастающего поколения иностранным языкам, подготовки специалистов, свободно владеющих ими, путем внедрения передовых методов преподавания с использованием современных педагогических и информационно-коммуникационных технологий и на этой основе создания условий и возможностей для широкого их доступа к достижениям мировой цивилизации и мировым информационным ресурсам, развития международного сотрудничества и общения было принято Постановление первого Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года.

В заключении своей статьи, хочу подчеркнуть то, что благодаря основателю нашего независимого государства, выдающему государственному и политическому деятелю, великому сыну узбекского народа — именно таким останется в памяти граждан Узбекистана и международного сообщества Первый Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов, гармонично развитое поколение в нашей стране стало основой крепкого общества**.** Мы узбекский народ несем ответственность за наше независимое процветающее государство, которое основал первый Президент И.А.Каримов, за духовно-нравственный и моральный облик молодежи, за ее будущее и благополучие; ограждая их от различных негативных воздействий, обеспечив молодому поколению достойное место в обществе и возможность внести свой вклад в построении великого будущего страны.

Литература

1. Конституция Республики Узбекистан 2016 г.
2. И.А.Каримов Высокая духовность - непобедимая сила.
3. Постановление первого Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года.
4. Закон Республики Узбекистан «Об образовании».
5. Национальная программа по подготовке кадров.

СТРОИТЕЛЬСТВО ДЕМОКРАТИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА НА ОСНОВЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ДУХОВНЫХ ПРИНЦИПОВ

Рахманова Ш.К. - ТашИИТ к.ф.н., доцент
Мирзаев А.- студент 4-курса

В Республике Узбекистан осуществляются демократические процессы по собственному пути обновления и развития, в основу которого легли пять основных принципов, выдвинутых первым Президентом страны. В своей книге «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса» И.А.Каримов писал об ответственности этого выбора собственного пути национально-государственного, социально-экономического, духовно-нравственного обновления страны. Для достижения этого была сформулирована конечная цель — построения правового демократического государства с устойчивой рыночной экономикой, открытой внешней политикой, сильной социальной политикой. Только такое общество обеспечит народу достойную жизнь, права и свободы, духовно-нравственное развитие [1,39]. Но это должна быть демократия, которая бы отвечала «опыту народной жизни, национальным и культурным традициям, интересам всех социальных групп и слоев населения республики», — конкретизирует эту цель первый Президент [1,44]. Демократия — самый справедливый и желательный вид общества, которого народ и человек могут достигнуть в своей борьбе. В таком обществе духовное совершенство

человека должно быть высоким. То есть, всесторонне развитые и духовно богатые люди, объединяясь, могут построить демократическое общество. Именно так представляли справедливое общество великие мыслители и философы прошлого. В частности, в X веке Абу Наср Фароби посвятил свой «Трактат о взглядах жителей добродетельного города», в котором он подчеркивает, что насколько люди, образующие общество, будут добродетельными, нравственными, насколько их вера будет прочной, настолько и общество будет прочными, управление будет легким, власть не захватят случайные люди, Демократия по своему коренному значению — есть свободное гражданское общество. Человек пользуется правами и свободами, закрепленными в Законе, его деятельность направлена на улучшение жизни, удовлетворение потребностей, он имеет право делать все, что необходимо для его совершенства и совершенства его детей. Однако, и демократия, как и любой другой вид общества, предполагает сохранение правопорядка, общественной стабильности, властного управления. То есть и в таком обществе есть подчинение, подчинение Закону и правительству, избранному по воле большинства. Таким образом, власть в демократическом обществе превращается в выразителя народной, национальной воли.

Народ Узбекистана гордится тем, что за короткий срок реформирования экономики и общества, наша страна признана мировым сообществом, в котором занимает свое достойное место. Сегодня Узбекистан многонациональное и многоконфессиональное государство. Все нации и народности, представители всех религиозных конфессий живут в одном пространстве, поэтому национальная и религиозная толерантность является одной из важных граней политики нашего государства. Переход к рыночным отношением привел к некоторым сложностям и затруднениям в сфере духовности. Как известно, при рыночных отношениях коренной вопрос общества — собственность. После восстановления частной собственности понятия, связанные с ней — польза, выгода — тоже восстановились. Начались конкуренция и соперничество. Конкуренция, с одной стороны, развивает ум, поощряет личную инициативу и предприимчивость. достижение еще лучшего личного благосостояния, улучшения и укрепления собственности становится целью действий. В результате этого, изменяется понимание значения таких понятий, как сочувствие, сострадание, снисхождение, жалость, милосердие, благоразумие, деликатность, осмотрительность и т. д. В демократическом обществе повышается роль духовных ценностей, произведений литературы и искусства, становится необходимым пользоваться воспитательной силой религии, богатым опытом предков в сфере воспитания всесторонне развитой личности. Демократия — общество, в котором торжествует справедливость, не только социальная справедливость, но и справедливость в духовной сфере. Хотя ценность духовного богатого человека всегда на высоте, нельзя забывать и того, что духовное богатство может превратиться в товар. Демократия — есть плод духовного развития. Эти два понятия всегда поддерживают друг друга. Духовность — опора демократического государства [3]. «Демократия — не только теория и политический процесс, вместе с тем, это образ жизни народа, особенность его психологии, традиций, культуры» [2, 185]. Сегодня можно сказать, что за последние годы Республика Узбекистан достигла огромных и необратимых перемен в экономическом, политическом, социальном, духовном, правовом направлениях, ступила в новый этап реформирования и демократизации нашего общества. Этот вывод, сделанный первым Президентом страны И.А.Каримовым в его Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества, с одной стороны, убедительно доказал правоту избранной модели эволюционного, поэтапного развития нашего государства. С другой стороны, он подчеркнул необходимость усиления динамического развития процессов демократизации и либерализации во имя достижения великой цели — войти в число современных развитых, демократических государств, необходимость обеспечить народу достойные условия жизни [4]. При этом во всех проводимых в жизнь ключевых реформах Узбекистан руководствовался такими принципами как наиболее полный учёт менталитета

народа, его исторических и национальных особенностей, традиций, обычаев, как гарантии успешного осуществления модернизации общества, а также опирался на открытость государства миру, стремление глубже учитывать глобальные процессы, приобщиться к достижениям современной цивилизации, накопленному развитыми странами огромному опыту демократического строительства, рыночного хозяйствования.

Литература

1. Каримов И. А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса. Т.1. — Т.: Узбекистан, 1996. С. 36–81.
2. Каримов И. А.Узбекистан на пороге XXI века: угроза безопасности, условия стабильности и гарантии прогресса. — Т.:Узбекистан,1997.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. — Т.:Маънавият, 2008.
4. Народное слово. 2010. 13 ноября.

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ТАШАББУСКОРИ

Остонов О.А. - ТошДАУ т.ф.н.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин жиддий тарихий ўзгаришлар рўй бериб, ўзбек халқи тарихи ва маданиятини холисона ёритиш имкониятларига кенг йўл очилди. Ватанимиз тарихи ва маданиятининг кўпгина масалалари ўзининг янги, илмий жиҳатдан ҳаққоний ва ҳар томонлама ечимини топа бошлади. Ҳунармандчиликнинг барча турларини ҳар жиҳатдан ривожлантириш учун зарур чора-тадбирлар кўрилди. Миллий ҳунармандчилик анъаналарига муносабати ўзгарди. Бу ўзгариш Ўзбекистоннинг миллий меросни асраб-авайлашга йўналтирилган янгича мафкуравий сиёсати билан боғликдир. Миллий ҳунармандчилик турларига устувор аҳамият берилиши, мустақилликка эришилганидан кейин жамиятда этномаданий қадриятлар, жумладан ўтган асрлардаги бадиий тажрибаларга мурожаат қилиш кучайиши тўғрисидаги хулосаларини тасдиқлади. Бу эса ўз навбатида, ҳунармандчилик ривожига янгича ёндашиш ва унинг янада тараққий этиш учун кенг йўл бериши тақозо этади. Замонавий жамият ривожланиши борасида тўпланган тажриба миллий маданий меросни асраб-авайлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, республикада ўтган йилларда анъанавий ҳунармандчилик маданиятни қайта тиклашда салмоқли тажриба тўпланди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан сўнг ўзбек халқи ўзининг қадимий миллий ҳунармандчилиги ва унинг таркибий қисми ҳисобланган амалий санъат турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга бўлди. Миллий ҳунармандчилик меросига халқнинг миллий маданий бойлиги сифатида эътибор қаратди. Айнан шунинг учун ҳам халқимиз ўз қўли, меҳнати, тафаккури билан яратган ҳунармандчилик меросини асраб-авайлаш, қадрлаш, унутилган турларини қайта тиклаш ҳозирги куннинг муҳим ва долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда. Бинобарин, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юз бераётган янгиланиш жараёнлари ижодкор халқимизнинг миллий қадриятлари, анъанавий турмуш тарзи, азалий меҳнат кўникмалари асосида кечаётганлиги ҳам изчил илмий тадқиқотларни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда ҳунармандчиликни анъанавий миллий санъат ўзанида ривожлантириш учун ижтимоий-маънавий асос ва минг йилликлар давомида шаклланган халқ ҳунармандчилиги тажрибаси мавжуд эканлигини эътиборга олиб, Республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан мустақиллик йилларида соҳани тадрижий ривожлантириш борасида кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинган эди [1]. Бу Ўзбекистонда миллий халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат тараққиёти, касаначиликнинг тикланиши ва янада ривожланишида, айниқса миллий ҳунармандчиликнинг унутилган баъзи турларини, соҳаларини қайта тиклаш борасида қўйилган муҳим ҳуқуқий ва амалий қадам бўлди. Ўзбек халқи ўзининг қадимий миллий ҳунармандчилиги ва унинг таркибий қисми ҳисобланган амалий санъат турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга бўлди. “Бугун биз тарихий бир даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч осойишта ҳаёт кечираётган, аввалambор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик

давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз". Чунончи, мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳукумати миллий анъанавий санъатнинг асосий соҳаларидан ҳисобланган миллий ҳунармандчилик меросига халқнинг миллий маданий бойлиги сифатида эътибор қаратди. Айнан шунинг учун ҳам халқимиз ўз қўли, меҳнати, тафаккури билан яратган ҳунармандчилик меросини асраб-авайлаш, қадрлаш, унутилган турларини қайта тиклаш ҳозирги куннинг муҳим ва долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда. Бинобарин, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юз бераётган янгиланиш жараёнлари ижодкор халқимизнинг миллий қадриятлари, анъанавий турмуш тарзи, азалий меҳнат кўникмалари асосида кечаётганлиги ҳам изчил илмий тадқиқотларни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда давлат ва жамият курилишининг мутлақо янги сиёсий асослари яратилиши билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий ва маънавии соҳалар ривожланишининг устувор йоъналишлари белгилаб берилди. Ушбу тарихий йилларда тасвирий санъатимиз, шунингдек, халқ амалий санъатимизнинг ривожланиши учун муҳим омил бўлган кўплаб фармон ва қарорлари эълон қилинди. Булардан, "Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 январлади фармони, "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги фармонлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, ана шу каби фармон ва қарорлардан келиб чиққан халқ усталари ва ҳунармабдлари меҳнат шароитларини яхшилаш, уларнинг ижодий ишлари учун тўланадиган солиқлардан озод қилиниши, кўплаб халқ усталари ижодининг республикамиз ва чет эллада намойиш этилишлари учун имкониятларнинг кенгайтирилиши, уларни рағбатлантириш каби кўплаб тадбирлар ,шубҳасиз миллий санъатимиз ривожида бениҳоя ўрин тутади. Ўзбекистонда саноатлашган миллий ҳунармандчилик соҳасини ривожлантириш ва уни янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор чора тадбирлар амалга оширилди. Миллий маданиятни сақлаб қолиш, уни ривожлантириш, ҳунармандчилик соҳасидаги ишлаб чиқариш ва анъанавийликни тиклаш табиий жараёнга айланди. Шунингдек, бозор муносабатларига ўтиш йўли бу жараёнда корхона ва ишлаб чиқариш жамоаларининг тутган ўрни кескин масала қилиб қўйилди. Яъни, бозор мунособатларига ўтишнинг муҳим шарти кўп укладли иқтисодиётни, яъни мулкчиликнинг турли шаклларини юзага келтиришдан иборатдир. Бозор муносабатларини кенг жорий этишда, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтиришда, истеъмол моллари, халқ бадиий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришда уларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш муҳим бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари "Ҳунарманд" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартида "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни қўллаб қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида"ги 1741-сонли фармонига асосан ташкил топди ва барча ҳунармандлар ушбу фармонга асосан қатъий белгиланган солиқ ва божхона тўловларидан озод этилдилар. Ҳунарманд уюшмаси аъзоларининг сафи ҳам кенгайиб уларнинг сони ортиб бормоқда. Самарқанд, Жиззах, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида "Ҳунармандлар марказлари" ишга туширилди, тарихий обидалар қайта таъмирланиб, ҳунармандларга фойдаланиш учун топширилди, ҳунармандларга уюшма саъй-ҳаракати билан ҳокимликлар қарори билан ерлар ҳам ажратилди. Шаҳар ва туманларда бозорлар ишга туширилиб, ҳунармандлар учун махсус расталар ва дўконлар қуриб берилиши ҳунармандларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишга имконият бўлди. Бугунги кунда уюшма аъзолари 25 йўналиш бўйича фаолият кўрсатиб, 1000 дан ортиқ турдаги ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдалар. Ҳунармандларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яна Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 августдаги 351-сонли карори билан ҳунармандларга пенсия дафтарчалари очиш, қариганда тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқи кафолатланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги "Оилавий

тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 216-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳунармандларга ва уларнинг оила аъзоларига ҳунармандчилик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар берди. Ушбу қарорга асосан уюшма ва унинг ҳудудий бошқарма ҳамда бўлимлари томонидан 728 та касаначилик ишчи ўринлари яратилди. 2011 йил 25 майда Вазирлар Маҳкамасининг “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тартиби тўғрисида”ги Низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги 152-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан 24 йўналишд аги ҳунармандчилик маҳсулотлари экспертиза йиғимидан озод этилди. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги 327 -сонли “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига асосан “Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилиндилар ва 25 турдаги бундай буюмлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди”. ВМнинг 2012 йил 28 ноябрдаги 2-сонли йиғилиш қарорига асосан хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси, вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда “Ҳунарманд” бўлимлари ва уларнинг марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун давлат мулки бўлган бино-иншоотларни уларга фойдаланишга топширилиши жойлардаги “Ҳунарманд” бўлимлари учун катта кўмак бўлди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. –Тошкент, 1991, 30 октабрь – № 10; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. –Тошкент, 1991, 30 декабрь – № 12; Маърифат, 1997, 2 апрель; Халқ сўзи, 1997, 4 июнь; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2005; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2006; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами; – Тошкент, 2007; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2008; Халқ сўзи, 2010, 31 март.

ИСЛОМ КАРИМОВ ВАТАНИМИЗ ОЗОДЛИГИ ВА ОБОДЛИГИ УЧУН ҲАЁТИНИ БАҒИШЛАГАН ИНСОН

Махмудова Д.Э. - ТТЙМИ Маънавият ва маърифат ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими услубчиси

Ислом Каримов ижодкори бўлган истиқлол ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилди, топталган қадриятларимиз, динимиз, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаётимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар эшигини очиб берди. Биринчи Президентимиз Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакат мустақил тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган давлат арбобидир. Барчамиз ҳамиша Ислом Абдуғаниевичга беқиёс ҳурмат ва эҳтиром билан қараб келганмиз. Чунки, у бошқариб келган мамлакатда вояга етдик, ўқидик, камол топдик. Мустақилликнинг илк йилларида собиқ иттифоқдош давлатларнинг қанчасида хунрезликлар, урушлар юз берганини эсласак, Ўзбекистон эса, Отамизнинг раҳбарлигида ана шу муқаррар ҳалокатни четлаб ўтди. Биз Юртбошимизнинг қаноти, ҳимояси остида тинч ва осуда яшадик. Халқнинг фаровонлиги, турмуш даражаси, даромадлари, ўртача умр кўриш кўрсаткичлари йил сайин орта борди.

Ўзбекистон дунёнинг тинч, барқарор, ўз ўрни ва мавқеига, салоҳиятига эга давлатлар қаторидан жой олди. Ана шу эътибор, ғамхўрлик, яратилган имкониятлар, шарт-шароитлар натижасида ёшларимиз илм-фан, санъат, спорт соҳаларида ҳеч кимдан кам эмасликларини баралла намойиш этмоқда. Ўтган чорак аср давомида бутун бошли бир авлод, истиқлол даври фарзандлари камол топди. Бугун улар ўзининг кимлиги, қандай юртда яшаётгани, зиммасида қандай масъулият борлигини яхши билади.

Отамиз бутун умрини сиз билан бизга, айниқса ёшларга сарфладилар. Халқимиз ҳаёти тўкин ва фаровон, эртанги кунидан кўнгли тўқ. Бу ишларнинг барчасига ўзбек халқининг барча даврлардаги буюк вакили бўлган Ислом Каримов бошчилик қилдилар. Моддий томонини адоғига етиб бўлганидек, халқимизнинг маънавий дунёсини ҳам қанчалар ўзгартириб юборганлар. Бу натижага биринчи Президентимиз ўз амалий ишлари билан, халққа берган чексиз меҳр-муҳаббати билан эришдилар. Биринчи Юртбошимиз бутун халқимизга ишонч, умид берди. У бизни энг оғир дамларда ҳам қаддимизни эгмасликка, ҳеч кимга қарам бўлмасликка ўргатди. У биз, ёшларни жасоратга, матонатга, фидоийликка, шу азиз Ватанни чинакамига севишга, тинчликнинг қадрига етишга ўргатди. Унинг халқимизга, биз, ёшларга меҳру муҳаббати чексиз ва ҳадсиз эди!

Таълим тизимига қилинадиган сарф-ҳаражатлар даражаси бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг етук мамлакатларига яқинлашиб бормоқда. Фан ва таълим борасида кўрсатган катта хизматлари, жумладан, миллий дастурнинг шаклланишида ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатгани учун Олий таълим Халқаро Фанлар Академияси И.Каримовни ана шу нуфузли академиянинг нуфузли аъзоси қилиб сайлаган.

Ёшлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган муаммоларга алоҳида эътибор бериб, Биринчи юртбошимиз бир қанча жамғармалар ташкил этди. Юртимизда таълим соҳасида ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Мустақилликнинг ўтган даврида юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Ўтган йиллар давомида қад ростлаган кўркам бинолар, маънавий-маърифий обидалар, стадионлар, маданият ҳамда истироҳат боғлари, равон йўллар, кўприклар, замонавий уйлар, мактаб ва олий ўқув юртларининг янги бинолари шаҳримиз кўркига кўрк қўшди. Буни ҳар биримиз катта мамнуният, фахру-ифтихор билан тилга оламиз. Ушбу бунёдкорликларнинг барчаси Биринчи Президентимизнинг “Биздан озод ва обод Ватан қолсин!” деган сўзлари ҳар бир ишимизда шиор бўлади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир - Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. Ғуломов С., Убайдуллаева Р., Аҳмедов Э. Мустақил Ўзбекистон – Т.: Меҳнат, 1999.
3. “Халқ сўзи” газетаси, 10 (6968), 2018.

И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ

Муратова Д.А. - ТТЙМИ ассистенти

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишининг ҳаётий зарурати ва долзарблиги ҳақида гапирар эканлар, «Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда» деб алоҳида таъкидлайдилар. Бу вазифалар, биринчи навбатда келажакнинг бунёдкорлари бўлмиш ёш авлоднинг билим олиш, юқори малакали кадрлар бўлиб ўз юрти ва ҳалкига ситқидилдан меҳнат қилиш, озод юрт равнақи ва бахт-саодати учун ҳалол меҳнат қилишга ўргатишни назарда тутади. Зеро, мустақиллик айнан фидоий, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрларнинг жамиятни бошқаришини тақозо этади.

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий омиллари қуйдагилардан иборат:

- республиканинг демократик хуқуқий давлат ва адолатли фуқароли жамияти қуриш йўлларидан изчил илгарилаб бораётганлиги,
- мамлакат иктисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши,республика

иктисодиёти асосан хом-ашё йўналишидан ракобатбардош пировард махсулот ишлаб чикариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салохиятининг кенгаяётганлиги,

- давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устиворлиги қарор топганлиги, миллий ўзликни англашни ўсиб бораётганлиги, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига хурмат.
- Ўзбекистоннинг жахон ҳамжамиятига интегрцияси, республиканинг жахондаги мавқеи ва обру-эътиборининг мустахкамланиб бораётганлиги.

Мазкур дастўрнинг мақсади-таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маонавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни туёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутади:

*«Таълим тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш сохасида рақобат мухитини шаллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув илмий- ишлаб чикариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш,

*таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик хуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш.

*кадрлар тайёрлаш тизими мауссасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфўзини ва ижтимоий мақомини кутариш.

*кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эхтиёжларидан, фан, маданият, техника ва иехнологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш.

*таълим олувчиларнинг наонавий-ахлоқий тарбиялашни ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

*таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестақиядан ўтказиш ва аккредақия қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий этиш.

*янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимини амалда фаолият кўрсатиш ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устиворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш.

*таълим, фан ва ишлаб чиқаришни самарали интеграциялашувини таъминлаш тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тўзилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шаклантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш.

*узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестиқияларини жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

*кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

ИСЛОМ КАРИМОВ – МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ АСОСЧИСИ

Машарипова Ш.С. - ТТА Урганч филиали ассистенти

Юртимизда истиқлол арафасида ҳукм сурган чуқур инқироз ҳолатининг ҳаққоний тасвири ва таҳлили, ўша даврнинг сиёсий-ижтимоий манзараси ҳақида фикр юритар эканмиз, бугунги кунда янги тарихимизнинг яратилишида, эришган ютуқларимизда, давлатимизнинг гуллаб яшнашида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қилган хизматларининг беқиёс ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Республикамиз раҳбари сифатида фаолиятининг биринчи кунидан токи мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг умумхалқ сайлови асосида мустақил Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши ва ўз вазифасини бажаришга киришиш давридан имзоланган фармон ва қонунларари фуқароларимизнинг манфаатларини ҳимояга қилишга, давлатимизнинг иқтисодий ривожланишига, халқимизда миллатлараро тотувликка эришишга, ёшларимизнинг маънавий комил инсон бўлиб етишишларига учун сабабчи бўлди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг томонидан яратилган асарларда фақат халқимизнинг асрий орзуси бўлган миллий истиқлол мавзусига оид фикр ва қарашлар атрофлича ўз ифодасини топган. Озод ва мустақил ҳаёт сари боришда халқимиз қалбида туғилган барча саволларга жавоб бор. Шунинг учун ҳозиргача катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқилади. Бугунги кунда яна бир эзгу вазифани адо этишга, яқин тарихимизнинг ҳаққоний манзарасини акс эттириб, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Мухтасар айтганда, ҳам сиёсий-иқтисодий, ҳам ғоявий-мафкуравий, ҳам тарихий-маънавий тафаккур ва таҳлил усулларини ўзаро уйғунликда мужассам этган бу кенг қамровли асар халқимиз ҳаётининг вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган саҳифаларини тиклаб, истиқлол тарихимизни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни ҳар томонлама ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратди. Шу маънода, бу асарлар ўтмиш ва келажак, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийлик ришталарини кучайтиришда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилди, десак, адашмаган бўламиз.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг томонидан 22 йиллар олдин айтган гаплари ва истаклари бугунги кунда ижобат бўлмоқда. Узоқни кўра олиш, донолик билан иш юритишга одатланган киши ва янги ғояларнинг муаллифи сифатида давлатимизнинг мустақиллик йилларида садоқат билан халқимизга хизмат қилиб, халқимизни қийинчилик ва талотўплардан эсон-омон ёруғ кунларга олиб ўтди, десак хато бўлмайди.

Республикамизда 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида вужудга келган ҳақиқий аҳволни аниқ тасаввур қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби истиқлол тарихимизнинг ҳозирга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чуқур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида тўлдирилганини кўрамиз. Чунки, ҳозирги вақтда турли уйдирмаларни усталик билан ишлатиб, бу бўшлиқни ғаразли мақсадда тўлдиришга, шу масалада кимларнингдир режа ва буюртмаларини бажаришга, биз бошимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга қаратилган уринишларга бу китоб ҳеч қандай имкон қолдирмайди. Энг муҳим жиҳати ва аҳамияти аввало ана шунда. Атоқли немис олими Карл Ясперс ўз вақтида буюк шахслар бошқаларнинг эркинлиги ва озодлиги учун ўзининг мажбуриятини чуқур ҳис қилади, деб таъкидлаган. Дарҳақиқат, тарихий давр ва ижтимоий вазиятнинг ўзи улкан фазилатларга эга бўлган буюк шахсни майдонга чиқаради. Буюк шахс эса, тасодиф эмас. У ўз халқининг мақсадларига, орзу-умидларига, интилишларига, севинчу изтиробларига, бахтли ва ситамли онларига гувоҳ бўлиб, яхлит жамият маънавий-руҳий шароитида шаклланади, ривожланади, камолотга етади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ҳам айни Ўзбекистонда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий вазият оқимида шаклланди, тоталитар режимнинг бутун моҳиятини, ўзбек халқининг тарихий қадру қимматини чуқур англади. Натижада миллат шаънини тиклаш орзу-умиди билан яшади. Умуман олганда, замонавий билимлар савиясини эгаллаган, ҳар қандай шароитда тез ва тўғри қарорга кела оладиган кучли, ғайратли, қатъиятли, жавобгарликни чуқур ҳис қила оладиган, инсон сифатида ўзини намоён қилди. Атрофидагиларнинг манфаатларини ўз ҳаётидан кўра баландроқ қўя олди. Ўзи қабул қилган қарорларни ва режаларни амалга ошириш учун ҳар қандай хавф-хатарни зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов тасаввурида маънавият энг аввало Ватан туйғусидир. Ватан туйғуси ҳам миллий мансублик сингари ҳар бир шахснинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган мўътабар ҳодисадир. Зеро, инсон қайси замон ва қайси маконда яшамасин, туғилган юртини ўзгартира олмайди, ундан тонолмайди. Ватан ва миллат туйғусининг мўътабарлиги, улуғлиги, муқаддаслиги ана шунда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов энг аввало мустақилликни англаш учун миллатни англаш, ўзликни англаш, Ватан ва унинг буюк ўтмиши билан фахрлана олиш ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилган.

Айни пайтда мустақиллик йўли-ҳақиқат йўли, инсон ҳақ-ҳуқуқлари йўли, маънавий етуклик, юксак маданият, бой инсоний фазилатлар йўлидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ўз танлаган йўлининг тўғрилигига қатьий ишонди ва миллионлаб юртдошларимизни ҳам бунга ишонтира олди ва "Ортга қайтиш йўқ энди. Олдинда битта йўл бор: истиқлол йўли, мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. Эски тузумга қайтиш, бўйнимизни яна ўша бўйинтуруққа тиқиб бериш, яна такрорлаб айтаман, минг йиллик тарихимизга, халқимизга хаёнат, келажак авлодларимиз асло кечирмайдиган гуноҳ бўлади!", деб ўз мақсадларини қатьий ифода этган. Бугунги Ўзбекистон — янгидан-янги имкониятларни намоён этаётган, кучга тўлиб, нуфузи ошиб бораётган мамлакатдир. Бу- халқ билан давлат бирлигидан, омма фикри билан давлат сиёсатининг муштараклигидан далолат беради.[1]

Бутун дунёда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовни мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ – "Ўрта Осиёдаги энг кучли Президент, Ўзбекистонни эса Ҳамдўстлик мамлакатлари орасидаги энг тинч ва ривожланаётган мамлакат" деб тан олган. Бу юксак баҳо бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотган эмас.[2] Бугунги кунда собиқ Иттифоқ доирасидан ажралиб чиққан мамлакатлар ўртасида Ўзбекистонни энг барқарор ривожланаётган мамлакатга айлангани жаҳон жамоатчилиги, сиёсатдонлари ва йирик давлат арбоблари томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов сиёсий, ташкилий, ғоявий, маъмурий ва бошқа жиҳатлардан жуда мустаҳкамланган, янгича яшашни мутлақо истамайдиган тузум томирлари чирмашиб кетган бир шароитда янгича тафаккур ва янгича яшаш тарафдори бўлиб майдонга чиқди. Эскилик билан тинмай курашиб, янгиликни аччиқ изтироб ва машаққат билан халқ онгига сингдириб келди. Унинг новаторлик кучи мамлакатни бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўта ҳушёрлик, донолик билан олиб ўтишида, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига қатьий ишонч билан, барча соҳадаги ислоҳотларни эпчиллик ва уддабуронлик билан жорий этганлигидан намоён бўлган.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ КАФОЛАТИ

Раҳматов Д.Н.- ТТЙМИ ўқитувчиси

Ўтган асрнинг 90 йиллари бошида Ўзбекистоннинг сиёсий мустақилликка эришуви, истиқболда ўзининг миллий иқтисодиётини яратиш ва унинг асосида мамлакатда фаровон ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини барпо этишдек ғоят масъулиятли стратегик вазифани қўйди. Бутун дунё мамлакатларининг иқтисодий юксалиши бозор назарияси асосида юзага келишини вақт исботлади. "Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги йўлларини ишлаб чиқди. Тартибга солинган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган" [1] эди. Аммо бу йўлнинг ҳамма ерда

[1] Каримов. И.А. "Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир." Т.19. –Т: Ўзбекистон, 2011. - 360 б.

[2] Каримов И.А. "Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатьий иродамизга боғлиқ." Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.

ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ҳис этиш ва бозор муносабатларига ўтишнинг Миллий концепцияни яратиш Ислом Каримов зиммасига тушди. Мазкур концепция марҳум юртбошимиз Ислом Каримов рисолалари, мақолалари ва нутқларида, мамлакат Олий Мажлиси қабул қилган қарор ва қонунларида такомиллашиб борди.

Ўзбекистон концепцияси бозор иқтисодиётини илоҳийлаштиришдан йироқ, унинг ўз муаммолари борлигини эътироф этди. Ўтиш даври узоқ давом этишини, иқтисодий беқарорлик ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги узилишларни назардан қочирмаган ҳолда давлат иштирокида иқтисодий танг вазиятларни олдини олиш тадбирларини кўрди. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига собиқ социалистик давлатлар сингари ҳаммадан кейин ўтаётганлигини ҳисобга олиб, бозор иқтисодиётининг илк шакллига эмас, балки цивилизациялашган бозор иқтисодиётига ўтиш принципига асосланди.

Маълумки, Ислом Каримов республикамиз раҳбари сифатида иш бошлаган пайтда (1989 йил 23 июнь) ўлкамизда узоқ йиллар давомида ҳукм сурган коммунистик мафкура ва фақат хом ашё етказиб беришга асосланган бир ёқлама иқтисодий сиёсат ҳар бир соҳада ўзининг ҳалокатли салбий таъсирини кенг миқёсда кўрсата бошлаган эди[2]. Ўзбекистонда 9 миллиондан зиёд киши бечораҳол кун кўраётганини, аҳолининг 47 фоизга яқинини алоҳида шарт-шароитга муҳтож болалар ташкил этишини, бизда ўлим кўрсаткичлари энг юқори даражада бўлиб қолаётгани [3], бозор муносабатларга ўтиш даври қил устида турганлигини, носоғлом оппозициянинг мавжудлиги иқтисодий қатъий қарорлар қабул қилиш заруриятини янада ойдинлаштирди.

Қарорлар ва давлат раҳбарининг иқтисодий қарашлари қанчалик кескин бўлмасин, “республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар ва турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётнинг бир ёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланди”[4]. “Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, энг аввало, “шок терапияси” деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиётини ўзини-ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурларни воз кечдик” [5], деб ёзади Ислом Каримов.

Ислоҳотларнинг ҳар қандай босқичида кучли ижтимоий ҳимоя давлатнинг энг дастлабки вазифаси сифатида қабул қилинди. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш масаласи давлат раҳбарининг диққат марказида бўлди. Иқтисодиёни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шарти сифатида қаралди [6].

Ўзбек миллий моделининг муаллифи яратган тамойиллар жаҳон иқтисодий таълимотлар тарихига янгилик бўлиб кирди. Булар:

- Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги;
- Давлат бош ислоҳотчи бўлиши;
- Қонуннинг устуворлиги, ҳамма учун тенглиги;
- Кучли ижтимоий сиёсатнинг мавжудлиги;
- Бозор муносабатларига эволюцион йўл билан ўтилиши.

Ислом Каримов 2007 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги маърузасида республикамизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини икки даврга ажратиб кўрсатди. Жумладан, биринчи босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимизда ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эгалиги, иккинчи босқич – 2001-2007 йилгача бўлган муддатни фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври деб эътироф этилганди.

Миллий тараққиётимиз йўлида босиб ўтилган тарихий довон мамлакатимизда янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан

боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакилларининг ҳаётга кириб келиши учун ҳар томонлама мустаҳкам замин тайёрлади. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтириб бўлмаслиги, ислоҳотлар муқаррарлигининг ишончли кафолати сифати қаралди[7].

Ислом Каримов ўз кучига таянадиган, ўз ҳисобидан ривожланадиган, доимий тенг ҳуқуқли халқаро алоқаларни қўллаб-қувватлайдиган, маънавий салоҳиятга, эга мустақил ва кўп миллатли буюк давлатни мерос қолдирди.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., 1993, 22-б.
2. Каримов И.А.Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон, 2012, 4-б.
3. Бизни капитализмдан сакраб ўтишга ўргатишган. Ислом Каримовнинг “Комсомольская правда” газетаси мухбири саволларига жавоблар. 1991 йил 7 март.
4. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.:Ўзбекистон, 1998, 101-б.
5. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009, 7-б.
6. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.:Ўзбекистон, 2000, 15-б.
7. Ўзбекистонинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. И.Каримовнинг маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ ТИКЛАШ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛИДАГИ ЎРНИ

Ходжаева М.Б. - ЎзФА қошидаги “Ўзбекистон халқлари тарихи музейи” етакчи ходими

Ислом Каримов томонидан асос солинган мустақиллик мамлакатимиз бой маданий-маънавий меросини ўрганиш, сақлаш, уни кенг халқ оммасига тарғиб этиш ва келажак авлодга етказиб беришда янги имкониятлар очиб берди. Биринчи юртбошимизнинг маънавий-маданий соҳада амалга ошрган қатор ислоҳотлари туфайли халқимиз орасида ўз миллий қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари, тарихий меъморий обидаларига бўлган эътибор қайта жонлана бошланди. Моддий маданият ёдгорликлари қаторида номоддий маданиятимиз, яъни қадимий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, халқ ўйинлари, диний маросимлар қайта тикланди. Афсуски, ҳозирги кунда биз амал қилаётган урф-одат ва анъаналармиз бизгача ўз асл холида етиб келмаган, даврлар ўтиши билан ўзгариб кетган эди.

Авлоддан-авлодга оғзаки ижод орқали ўтиб келган анъаналар, қадриятлар, билим ва кўникмалар ҳар бир миллатнинг, элатнинг ўзига хос ҳаёт манбаи ҳисобланади. Миллий меросни сақлаш ва уни ўз холича давом эттириш жуда муҳим ва зарур. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудуди бўйича кўплаб маданий ёдгорликларни, эътиборга молик ҳамда ўз тарихи ва санъати билан аҳамиятга эга бир қанча тарихий қадамжоларни мисол келтириш мумкин. Масалан: Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, шу жумладан, Сурхондарё вилоятларида махсус археологик экспедициялар орқали топилган маданий минтақалар ва ҳозирги кунда давлат муҳофазасига олинган моддий ва номоддий ёдгорликларни қадр-қимматини янада ошириш, сақлаш, ҳаттоки таъмирлаш муаммолари ҳам давлат аҳамияти даражасига кўтарилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан жуда кўплаб тарихий ҳужжатлар қабул қилиндики, бунинг натижасида нафақат ўзбек миллий маданияти ривож топди, балки бутунжаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этила бошланди.

Давлат томонидан бошқа соҳалар қаторида музейшуносликка ҳам алоҳида эътибор қаратилиши натижасида “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғриси”даги[1] фармон қабул қилинди. Бу фармоннинг ижросини республикадаги

мавжуд музейлар, музей-кўриқхоналар, уй музейларининг қайта таъмирланиши ва янги замонавий технологиялар билан таъминланганлигида кўршимиз мумкин. Ислом Каримов томонидан “Музейлар тўғриси”даги[2] Қонуннинг имзоланиши музейлар фаолиятида тубдан ўзгаришлари содир бўлишига асос бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисда”ги қарори, 2007 йил 14 декабрда эса Ўзбекистон Республикасининг “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Бутунжаҳон конвенциясини (Париж, 2003 йил 17 октябр) ратификация қилиш тўғрисида”ги қонуни кучга кирди ва 2008 йил апрел ойидан бошлаб Республикамиз мазкур Конвенциянинг тўла қонли иштирокчисига айланди. Халқаро меъёр талаблари асосида мавжуд қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисда”ги Қонунига ўзгартиришлар киритилди, ҳамда 2009 йилнинг 9 октябрида Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасига Қонунига ўзгартиришлар киритиш хақида”ги 228-сонли Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунни амалга тадбиқ этиш мақсадида 2010 йил 7 октябрида “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тадиқлаш тўғрисида”ги 222-сонли Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

Мамлакатимизда бошланган демократик ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, маънавий ҳаётимизда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Олиб борилаётган одилона сиёсат натижасида кўп асрлик миллий қадриятларимиз қад ростлай бошлади. “Мустақиллиги–мизнинг дастлабки кунлариданоқ, - деб ёзган эди Биринчи Президентимиз Ислом Каримов, – аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш Давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”[3].

Давлатимиз томонидан белгиланган аниқ мақсадли амалий тадбирлар Ватанимизнинг жанубий ўлкаси – Сурхондарё вилояти маданий ҳаётида ҳам яққол кўзга ташланади. Хусусан, 1998 йили Термиз шаҳрида аждодларимизнинг қаҳрамонлик эпоси – “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди, шунингдек, 2001 йил вилоятнинг Бойсун тумани ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий бойликлари дурдонаси” сифатида эътироф этилди. Ватанимизда 2002 йилдан бошлаб ҳар йили “Бойсун баҳори” очиқ халқаро фольклор мусиқа фестивали мунтазам ташкил этилиб, унинг доирасида Бойсун тумани халқ оғзаки ижодига бағишланган халқаро илмий анжуман ўтказилиши анъанага айланиб улгурди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғриси”даги фармони. 1998 йил 12 январ.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғриси”даги қонуни. 2008 йил 12 сентябрь.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, Ўзбекистон. 2000 й. 32 б.

ГЛОБАЛ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАҲЛИЛИДА

Ражабов Х.И. - ТТЙМИ таянч докторанти

Глобаллашув ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим жиҳат сифатида жамият аъзоларининг диққат-эътиборини жалб этиб келмоқда. Айниқса, маънавий омиллар етакчи ўринга чиқаётган бугунги кунда мамлакатимизда жамият аъзоларининг маънавиятига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётганлиги ижобий ҳодисадир. Бугунги глобаллашув жараёни жаҳон миқёсида ахборот алмашинув омилини етакчи ўринга олиб чиқаётганлигини, унда дунёнинг бир бурчида рўй берган ҳодисанинг бир зумда иккинчи

бурчида акс-садо бераётганлигини ҳисобга олсак, ҳақиқатан ҳам жамият аъзоларининг маънавиятини юксалтириш миллий тараққиётни таъминловчи восита сифатида намоён бўлади. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганлигининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораяптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу маънода, глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”.[1] Ҳақиқатан ҳам глобаллашув жараёнлар кўламининг кенгайишига хизмат қилиб, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳамда иқтисодий тараққиётнинг ривожини таъминламоқдаки, ушбу жиҳат аввало ахборот алмашинув омилида ҳам ўзлигини намоён этмоқда.

И.А.Каримов таъбири билан айтганда: «Бугунги кунда жамиятимиз аъзолари нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз».[2] Ушбу жиҳат:

1. Демократик тараққиёт миллий давлатчилигимиз ривожини таъминловчи асосий омил эканлигини;
2. Мустақил Ўзбекистон ўзининг келажак ривожини таъминлашда республикамиз жаҳон жамоатчилиги учун очиқ бўлганидек, жаҳоннинг ҳам Ўзбекистон учун, фуқароларимиз учун очиқлигини таъминлаш бош вазифа этиб белгиланганлиги;
3. Глобал ахборотлашув жараёнининг узлуксизлиги шароитида Интернет тизимининг кенгайиб, бу мамлакатимиз ёшлари кундалик ҳаётига тобора чуқурроқ кириб келиши;
4. Шунингдек, жамиятимиз аъзолари ушбу омилнинг ижобий жиҳатларини ижтимоий-маданий ҳаётга сингдириб, салбий кўринишларини ғоявий касаллик сифатида енгиб ўтишларини тақозо қилади.

- миллий хавфсизликни таъминлашга қаратилган фаолият рағбатлантирилиб, хавфсизликка таҳдид сифатида намоён бўлувчи жиҳатларнинг олдини олиш;

- миллий манфаатлар етакчи ўринга чиқиб, жамият аъзолари фаолиятини умумий мақсад сари йўналтиришнинг самарали йўл ва усулларини тарғиб этиш;

- миллий бирлик ва фуқаролар ўртасидаги ҳамжиҳатликни таъминлаш мақсадида давлат ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг маданияти, урф-одат ва анъаналарининг тарғиб этилишига имконият яратиш;

- мавжуд миллий-маданий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаб, ўзаро дўстлик ва тинчлик-тотувликни тарғиб этиш;

- минтақавий можароларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятларни рағбатлантириб, мавжуд муаммолар ечимини тарғиб этиш;

- миллий қадриятларга таянган сиёсат асосида миллийлик, минтақавийлик ҳамда умуминсонийликнинг ўзаро муштарак жиҳатларини тарғиб этиш;

- жамият аъзолари тафаккурида мавжуд ахборот хуружларига қарши кучли иммунитетни шакллантириб ривожлантириш;

- таҳдид солишга интилаётган оммавий маданиятга қарши жамият ахлоқини ривожлантиришга эътибор қаратиш;

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 111.
[2] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 114.

- миллий моделларга асосланган демократик давлат ва қадриятларнинг устуворлигига таянган фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар ва уларнинг ечимлари Ислом Каримов асарларининг таркибий қисми бўлгани билан қимматлидир.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АГРАР СИЁСАТ ҲАҚИДАГИ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Хушвақтов Ҳ.О. - ТДАУ ўқитувчиси

“Ҳар қайси халқ, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов, - миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади”[1]. Бу мулоҳазалар ҳозирги кунда халқимизнинг советлар даврида бошидан кечирган мураккаб жараёнлар, жумладан Ўзбекистонда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириши ва у ерларга маҳаллий аҳолини “ихтиёрий-мажбурий” кўчиришнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига кўрсатган таъсирини муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки, совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими ҳукмронлиги даврида жамият тараққиётини белгилаб берувчи объектив иқтисодий-ижтимоий қонуниятлар эътиборга олинмади. Бу даврда аҳолини кўчириш ҳаракатига янги объектларни ишчи кучи билан таъминлаш ва заҳираларини яратиш воситаси сифатида қаралди. Ҳақиқатан ҳам бу ҳаракат кўплаб шаҳарлар ва аҳоли пунктларини вужудга келтиришда, республика ишчи кучлари салоҳиятини оширишда, турли халқлар вакилларининг ўзаро ҳамкорликда касбий ва малакавий тажрибалари ҳамда маданий-маънавий бойликлари билан ўртоқлашишлари уларни ўзаро яқинлашишларида етакчи рол ўйнади. Бироқ, бу даврда асосланмаган кўчиришлар оқибатида эгасиз, харобага айланган зоналар вужудга келиб, бу жойларда тўлақонли демографик умумийлик вужудга келмади, республикалараро кўчиришларнинг кучайтирилиши оқибатида миллатлараро келишмовчиликлар кўпайди. Масалан, Мирзачўлга кўчиб келган аҳоли учун бир қанча янги шаҳарлар, посёлкалар ва хўжаликлар бунёд этилди. Бироқ, бу шаҳарлар ва посёлкаларда қурилган уйлар маҳаллий иқлим шароити ва аҳоли менталитетини ҳисобга олмаган ҳолда, шошма-шошарлик билан бунёд этилган бўлиб, уларда аҳоли қанчалик қийин аҳволда яшаганлигини англаш қийин эмас. Бундай шаҳар ва посёлкаларни Ўзбекистоннинг Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов раҳбарлиги пайтидан бошлаб берилган ва бугунги кунда янада тақомиллаштирилаётган намунавий лойиҳалар асосида қурилиётган барча қулайликларга эга бўлган уй-жойлар қурилиши билан таққослаганда мулоҳаза қилаётган масалаларни қиёсий таҳлил қилиш осонроқ бўлади. Ўша даврда республика собиқ Иттифоқнинг саноатдаги ўртача даражасидан 40%, қишлоқ хўжалигида эса икки баробар орқада қолган эди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга қулай имкониятлар бўлгани ҳолда республиканинг бундай оғир аҳволга тушиб қолишини Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов қуйидагича изоҳлаган эди: “Назаримда, бунинг жавоби шундай бўлмоғи керак: 30-йилларнинг бошларида иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмуриятчилик, буйруқбозлик усуллари ғалаба қозониб, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди. Хўш бу иллатлар нималарда намоён бўлди? Аввало шундаки, бизнинг республикамиз асосан хом ашё базаси, саноат министрликлари ва идораларинннг мўмай хом ашё манбаи деб ҳисобланар эди. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам

[1]Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008. –Б. 97.

қилинмади. Иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон ССРнинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмади[1]". Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шерабод, Жиззах, Ёзёвон чўлларини ўзлаштириш Шароф Рашидовнинг номи чамбарчас боғлиқдир. Асрлар давомида қақшаб ётган миллионлаб гектар дашту биёбонда пахтазорлар, боғлар ва бошқа турли экин майдонлари пайдо бўлди. Бироқ, пахта майдонларининг кенгайтирилиши натижасида минтақада сув танқислиги муаммосини келтириб чиқарди. 1960 йиллардан эътиборан Орол денгизи сувининг камайиб бориши хавфини олдини олиш учун Ш.Рашидов Сибирь дарёлари сувларининг бир қисмини Орол денгизига буриш, ўзларини тобора яққол намоён қилаётган экологик муаммоларни бартараф этиш масалаларини кўтарган эди. "Марказ томонидан Ўзбекистонда пахта етиштиришни кўпайтириш талаби муттасил ортиб борган шароитларда Сибирь дарёлари сувини бу томонга йўналтириш режаси асосли равишда энг мақбул ҳисобланарди. Нима бўлмасин, Шароф Рашидович ўз ҳаёти сўнги йилларида кўп куч-қуввати ва вақтини "аср лойиҳаси" – Сибирь дарёлари сувларининг бир қисмини Ўзбекистонга йўналтиришга бағишлади. Ушбу дарёлар ўзанини ўзгартириш, асосли равишда, бирданига бир неча стратегик вазифаларни ҳал этиш имконини берарди"[3]. Бироқ ўша даврдаги Марказий ҳукумат раҳбарларининг бу масалаларни мунтазам пайсалга солиб келишлари оқибатида улар ҳал этилмай қолди. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Мирзачўл, Қарши, Сурхон – Шерабод, Марказий Фарғона ва Жиззах чўлларининг ўзлаштирилиши ва янги ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотига киритилиши кўп жиҳатдан бу ерларга кўчирилган аҳолининг фидокорона туфайли амалга ошди. Янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилган аҳолини оилавий жойлаштириш, уларни уй – жой билан таъминлаш ишлари ҳукумат томонидан режали, талаб даражасида олиб борилмади. Янги ерларда уй-жойлар, мактаблар, боғчалар, поликлиникалар ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари билан таъминлаш учун ажратилган маблағлар бошқа мақсадларда ишлатилди. Кўчиб келган кишиларнинг қарийб ярмига яқини орзулари саробга айланиб орқага қайтиб кетишга мажбур бўлдилар.

ISLAM KARIMOV-SYMBOL OF GREATNESS AND POWER

Ahmedova M.B. - Bukhara State University a teacher,
Chorieva M. - a student

"The difference between a politician and a statesman is that a politician thinks about the next election while the statesmen think about the next generation."

James Freeman Clarke

Initially, it is better to analyze the two words: politician and statesman. Why do we use the term 'statesman' for the first President of Uzbekistan Islam Karimov. He was the Man of his time, thinking about his nation's development, prosperity of the families, and peace in the country. No one in the time of 25 years of independence period had a fear to have bad misfortune of war, terrorism; as their president made them believe in goodness, forget about negative issues.

While he was leading the country from 1989 to 2016, thanks to him Uzbekistan achieved its long-awaited independence after over 100 years.

As Henry T.Blackaby (Spiritual Leadership: Moving People on to God's Agenda) noted "People are weary of politicians who make promises they are either unwilling or unable to keep. Society longs for statesmen but it gets politicians. Statesmen are leaders who uphold what is right regardless of the popularity of the position. Statesmen speak out to achieve good for their people, not to win votes. Statesmen promote the general good rather than regional or personal self-interest."

[1] Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент: "Ўзбекистон", 2012. 6-7-бетлар.
[3] Рашидова Г.Ш., Комилов Д.А. Инсон - давр кўзгусида ва давр – инсон тақдирида. –Тошкент: "Тасвир" нашриёти. 2017. 218-б.

In many ways, the leader's personal qualities continue to shape the fate of the people, the country. An exceptional politician, Islam Karimov was noted for his personal courage, his unbending will and his ability to penetrate the very essence of events with his statesmanlike discernment, as well as for his deep sense of responsibility for each and every one of his fellow countrymen and women, for whom he was indeed the true founding father of the country, and foremost among those fighting for an independent and prosperous future.

Another prominent politician Tycho Brahe stated "And when statesmen or others worry him too much, then he should leave with his possessions. With a firm and steadfast mind one should hold under all conditions, that everywhere the earth is below and the sky above and to the energetic man, every region is his fatherland." These words can be accepted as they were told for the first president of Uzbekistan, as for him each part of the country was important as his life. He cared for each person of his nation, listened to their weaknesses, needs and tried to help them and always thought how to make the life of common people better.

Heading the independent Uzbekistan for 25 years, Islam Abduganievich Karimov has attained a high authority in the country and in international community as an outstanding statesman, who has developed and implemented a deeply thought-out strategy of building a democratic constitutional state with a civil society and a market economy. Maintaining and strengthening independence of Uzbekistan has been the highest priority for President Islam Karimov and this has become a fundamental principle of his policy. The peoples of Uzbekistan inextricably relate the great achievements of the country in the years of independence with the name and activity of the Head of our state. He is rightfully considered the author of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, fully meeting the democratic requirements and international criteria, and has turned into a true guarantor of its implementation.

From agrarian monopolistic country Uzbekistan reached to be industrial economically developing country as a result extremely low level of people's standard of living increased for better. Accordingly, he developed a program of fundamental reforms and structural transformation of the economy of Uzbekistan, based on the well-known five principles, which has received worldwide recognition as the "Uzbek model" of development. The fundamental basis of this model was the practical implementation of the strategic priority - "The reforms are not for the sake of reforms, but for the sake of people." Under his initiative, mass-scale structural reforms have been carried out in Uzbekistan, completely new highly technological spheres of industry, such as oil and gas, chemical, car manufacturing, agricultural and railway machinery, pharmaceutical, electro technical, textile and construction materials industries, have been founded. Uzbekistan's growth rates among the top 5 developing economies of the world have been a practical manifestation of the results of the reforms, implemented by President Islam Karimov.

It is precisely thanks to Islam Karimov's outstanding statesmanship and unique personal qualities that Uzbekistan is today firmly going on through a path it has chosen for itself. The brightest symbol, the guarantor of Uzbekistan's independence and prosperity – these are just two, albeit far-reaching and objective, attributes to the breadth of his persona, his contribution to the future of the country and the nation.

Thanks to the First President's strength of spirit and impregnable will, his talented statesmanship, and skill in presenting the people with great goals and persuading them to follow him, an atmosphere of agreement and mutual understanding developed in the country. In Islam Karimov, Uzbekistan found a true leader, one able to hearken to and understand his people, establish peace and stability, and – most importantly – able to unite the people on the road to tremendous transformations for the sake of the prosperity of their native land. The First President, great son of the Uzbek nation and founder of Uzbekistan's independence, Islam Karimov is always remembered by Uzbek nation with proud and positive thoughts.

Literature

1. "Биография Ислама Каримова" (in Russian). Echo Moscow. 2 September 2016.
2. www.google.uz/islam-karimov-biography/eng

САМАРҚАНДНИНГ УЛУҒ ФАРЗАНДИ

Бодиров А., Бодирова З. - СамДЧТИ Академик лицейи ўқитувчилари

Ислом Каримов Самарқанд шаҳридаги 21-ўрта мактабни имтиёзли шаҳодатнома билан битиргандан сўнг Ўрта Осиё Политехника институтида ва Тошкент халқ хўжалиги институтларида ўқиб, муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга бўлади.

Дарҳақиқат, ўқувчилик йилларида ҳам, пойтахтимиздаги институтда таҳсил олган даврда ҳам, иккинчи мутахассислик-иқтисод бўйича маълумотга эга бўлиши ва илмий ишни тайёрлаш пайтларида ҳам, ишлаб чиқариш, давлат идораларида ишлаган кезларида ҳам у фақат ўзига, ўзининг куч ва имкониятларига таянган.

Ана шундай мураккаб ва синовларга бой ҳаёт йўлини босиб ўтган Ислом Каримов “Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг деган” қатъий қоидага доимо амал қилиб келган. Ушбу ҳаётий тамойилга амал қилган ҳолда у нафақат мамлакатда тинчлик ва миллатлараро тотувликни қарор топтириш, барча йўналишларда улкан ютуқ ва марраларга эришишга муяссар бўлди, балки ўз халқининг унитилизаётган ўтмишини, аждодлар томонидан мисқоллаб тўпланган, мустабид тузум ва якка мафкура ҳукмронлик қилган даврда сал бўлмаса бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган беқиёс моддий ва маънавий қадриятларни қайта тиклаб, уларга иккинчи ҳаёт бахш этди. [1]

Ислом Каримов Республикамизнинг биринчи раҳбари лавозимига қандай қилиб эришгани тўғрисида фикрларни, у киши ҳақида махсус китоб ёзган Леонид Левитин билан бўлган суҳбатларидан билиб олишимиз мумкин “Мен қандай қилиб Ўзбекистон Компартияси МК нинг биринчи котиби бўлдим? 1989 йилнинг июни эди. Таҳликали кунлар Фарғона, Қўқон, Қувасой, Гулистон, Паркент, Бўкада қонли тўқнашувлар пайти.

Худди буғ қозонининг қопқоғи отилиб кетгандек. Хўрлик ва таҳқирли йилларда йиғилиб қолган аламлар бутун республикада тўлқин бўлиб кўтарилган. Ҳокимият вазиятни бошқаролмай қолганди. Бу бошбошдоқликни тўхтата оладиган, республикани жар ёқасидан қайтара оладиган одамни ахтаришарди. Натижада менга тўхташди. Ҳозир аниқ эсимда йўқ 10 ёки 11 июнь эди. Сиёсий бюро Ўзбекистон Компартияси МК нинг биринчи котиби масаласини кўрарди. Муҳокама танқидийгина эмас, ҳурматсизлик рухида борарди. Шивир-шивирлар майда пичинглар кесатиқлар билан ўтарди йиғилиш. Шунда мен минбарда туриб Горбачевга қараб дедим: “Михаил Сергеевич! Менинг номзодимни олиб ташланг. Кўриб турибманки, кимларгадир ёқмаяпман. Яна олти ойга Рафиқ Нишоновични қолдиришни таклиф қиламан. У тартиб ўрнатади. Шундай кейин бу масалага яна қайтиш мумкин. Менга эса кетишга рухсат беринг. “Горбачев мени тўхтатиб қолмоқчи бўлди. У: “Агар шуни хохлаётган бўлсангиз, кетаверинг деди. Мен Тошкентга учдим ва заводга қайтмоқчи бўлдим. Лекин орадан икки кун ўтиб Нишонов уйимга телефон қилди ва Москва менинг номзодимни мақуллаганини айтди. 23 июнь куни Ўзбекистон Компартияси МК нинг пленуми бўлди, мен биринчи котибликка сайландим”.[2]

Дарҳақиқат Ислом Каримовнинг бу лавозимга сайланиши, унинг ёрдамида мустақилликни қўлга киритиш осон бўлмади. Самарқандда туғилиб ўсган бу улуғ инсоннинг давлатимиз, халқимиз учун амалга оширган буюк хизматлари ўзлигимизни англаш, инсоний қадримиз, урф-одат ва қадриятларимиз, муқаддас ислом динимиз, миллий-маънавий меросимизни тиклаш, буюк алломаларимиз номини абадийлаштириш, юртимиздаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни обод этишда ўз ифодасини топди.

Ислом Каримовга хос теран заковат ва кенг тафаккур унинг чуқур маъноли сўз ва иборалари миллионлаб ватандошларимиз қалбида акс садо бериб, улар учун ҳаётда руҳий қувват манбаи, ўзига хос манбавий таянчга айланиб бораётганида ҳам яққол намоён бўлади. “Ўзбекистон умумий уйимиз” дея лўнда ифодаланган ва изчил амалга оширилаётган тамойил мамлакатимизда тинчлик ва миллатлараро тотувликни асраб-авайлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ислом Каримов 1997 йилдан буён Самарқанд шаҳрида ўтказилиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг 2009 йил бўлиб ўтган еттинчи анжуманида тадбир иштирокчиларини табриклай туриб шундай деган эди. “… Шу буюк шаҳарда туғилиб, униб-ўсган инсон сифатида мен Самарқанд халқига қаратиб, уни таърифлаб, ўзимнинг меҳрим, фарзандлик муҳаббатим ҳақида такрор ва такрор гапиришдан ҳеч қачон чарчамайман. Ва бу табаррук тупроқ олдида ўзимни ҳамиша қарздор биламан” [3]

Дарҳақиқат жаҳоннинг буюк шаҳри ҳисобланмиш азим Самарқанд фарзанди Ислом Каримов миллий ва умуминсоний қадриятлар, тарих ва хозирги кунни уйғунлаштирган ҳолда ўзининг амалдаги сиёсий принциплар формуласини ишлаб чиқди. Айнан ана шу принциплар асосида замонавий Ўзбекистоннинг сиёсий тарихи яратилмоқда. Шунинг учун ҳам Ислом Каримовни ҳақли равишда Ўзбекистонда барпо этилаётган мустақил давлатнинг бош меъмори деб аташ бежиз эмас.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 25 йил давомида мустақил Ўзбекистонни бошқариб, очиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида мамлакатимизда ва ҳалқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонди. Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақиллигини сақлаш ва мустахкамлаш Президент Ислом Каримов учун ҳамиша энг олий устувор вазифа бўлиб келди ва у олиб борган сиёсатнинг асосий ўзак тамойили бўлиб қолди.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқлар ва натижалар мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ деб билади. Мамлакатимиз рахбари миллий-манавий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебахо тарихий меросларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-этиборини оширишга катта ҳисса қўшди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунини ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган ёшларимизнинг онги тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартирган, навқирон авлодни тарбиялаб вояга етказишнинг янги принципиал тизимини ташкил қилиш ва уни ҳаётга жорий этиш ишларига бевосита раҳбарлик қилди.

Ислом Абдуғаниевич ўз халқини чексиз меҳр-муҳаббат билан севар эди ва ўзининг сўнги кунларига қадар бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлади.[4]

“Нуроний” жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими раиси Ҳасан Нормуродов Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг она шаҳри Самарқандга бўлган фарзандлик меҳрини қуйидагича таърифлайди: “Ислом Каримовнинг ўз туғилиб ўсган шаҳри Самарқандга фарзандлик меҳри, садоқати ўзгача бўлган. У киши ҳар доим она шаҳри Самарқанд ҳақида гапирганда унинг буюк тарихи, олижаноб бунёдкор халқига бўлган чексиз муҳаббати, ҳурматини ифода этарди. Ҳар гал Самарқандга келганида, аввало, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилар, ушбу масканларни обод этиш бўйича ўз тавсияларини билдирарди. Шаҳар аҳли, зиёлилар билан суҳбатлашарди, уларнинг фикрларини эшитарди. Шундай учрашувларнинг бирида, аниқроғи, Амир Темур ҳайкалининг очилиши маросимида айтган қуйидаги гаплари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб туради:

“Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида улуғ бир ҳикмат бор, ҳар бир кўчаси, майдон ва ҳиёбонида салобат, файзу тароват бор. Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб, қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди”.

Бугунги кунда инсониятнинг бетакрор мўжизаси деб эътироф этиладиган дунёга машҳур Регистон майдони 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган, Биринчи Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг асосий саҳнаси вазифасини ҳам ўтаб келаётгани ҳам

Самарқанднинг жаҳоний мавқеини ошиб бораётганидан далолатдир. Ислом Каримовнинг алоҳида эътибори туфайли Амир Темур мақбараси ва темурийлар даврига оид тарихий ёдгорликлар, Шоҳизинда ёдгорлик мажмуаси, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейи, Дониёр пайғамбар зиёратгоҳи, Даҳбед ва Бўстонсарой кўчалари, Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи, Университет ҳиёбони ва яна бошқа ўнлаб обидаларда кенг қўламли реконструкция таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши натижасида амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг самарасида қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳри йирик халқаро анжуманлар, сиёсий мулоқатлар, маданий тадбирлар ўтказиладиган марказга айланди. Бугунги кунда шаҳардаги тарихий ёдгорлик ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан, хорижий давлатлардан минглаб сайёҳлар келмоқда ва аждодларимиз қолдирган тарихий меросимиздан завқ олмоқда. Ўзбекистоннинг равнақ топишида катта хизмат қилган, халқимиз учун бугунги фаровон кунларни яратиб берган, Мустақил юрт асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, халқимиз ва давлатчилигимиз тарихида ўчмас из ҳамда ўзидан обод ва озод Ватан қолдирган, буюк зот ва даҳо бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сўнмас хотираси мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи қалбида абадий сақланиб қолади.

Адабиётлар

1. Islom Karimov. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti. Albom. Toshkent, 2013.-B.38.
2. Sharifxo’jayev M. O’zbekistonda ochiq fuqarolik jamiyatining shakllanishi. T.: “Sharq”, 2003, -363-364-betlar
3. Каримов И.А. “Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари”. Т.: “Ўзбекистон” 2010. Ж. 18. –Б. 5-6.
4. “Халқ сўзи” 2016 йил, 3 сентябрь.

SO’Z SEHRI- BUYUK YO’LBOSHCHI TALQINIDA

Normuradova N. S., Rahmatova S.A., Umarov X.T.-SamDTI o’qituvchilari

Jamiyatda insonlar mavjud ekan ular doim bir-biri bilan uzviy muloqatda bo’ladi. Til kishilar o’rtasidagi muomalani yuzaga keltiradi, nutq esa muomalani yuzaga keltirishda ko’prik vazifasini o’taydi. Mana shu ko’prik orqali insonlar qalbiga kirib boriladi. Har bir inson o’z fikrini turlicha bayon qilib, tinglovchiga yetqazadi. Tinglovchiga qay tarzda ta’sir etishi so’zlovchining voizlik san’atini qay darajada egallaganiga bog’liq. Notiqlik san’atidan har bir inson xabardor bo’lishi kerak. Ayniqsa rahbar uchun eng zarur xislatlardan biridir. Butun xalqni nutqi bilan o’ziga jalb qilgan ko’plab hukmdorlar, rahbarlar, faylasuflar tarixdan bizga ma’lum. Ana shunday buyuk notiqlardan biri yurtimizning birinchi Prezidenti Islom Abdug’aniyevich Karimovdir. Islom Abdug’aniyevich Karimovning har bir chiqishida kuchli notiqni ko’ramiz, asarlarida esa o’ziga xoslikni.

Xususan, asarlarini o’qir ekanmiz, turli qochirimlar, o’xshatishlar orqali fikrini yanada jozibali qilganligi ko’zga tashlanadi. “Xalq bamisoli ulug’ va sharafli yo’ldan ilgarilab borayotgan ulkan karvon,uni yo’ldan chalg’itishga urinuvchilar,payt poylab orqasidan hamla qiluvchilar hamisha bo’lgan,bundan keyin ham bo’lishi mumkin. Karvon bexatar bo’lmas, degan gap bejiz aytilmagan.Ammo xalq karvonini hech qanday kuch ortga qaytarolmaydi”

I.A.Karimov fikrini bayon qilar ekan, tinglovchiga tushunarli bo’lishi uchun juda oddiy so’zlardan foydalanib, o’ziga xos qochirimlar qiladi. “Mana shunday ozod kunlarda bilib-bilmay yo’ldan toyib, ya’ni kuppa-kunduzi yo’lini yo’qotib, yot ellarda chalinayotgan nog’araga o’ynab yurgan ayrim yoshlarning ko’zini ochishda milliy mafkuramiz muhim o’rin tutishi shubhasiz.

Xalqqa murojaat qilar ekan, rasmiy nutqdan, rasmiy ohangdan qochadi. Doimo insonlar yuragiga yaqin ohangda jonkuyar otalarcha so’zlaydi. “Xalqimiz “bir kun janjal bo’lgan joydan qirq kun baraka ketadi” deb bejiz aytmaydi, muhiti nosog’lom bunday xo’jalik va tumanlarda haqiqatdan ham fayzu baraka va omad yo’qoladi. Ma’lum mavzuda fikr yuritar ekan, isboti

o’rnida xalq maqollari, naqllari, iboralariga murojaat qiladi. “Xalqimizda “o’n qo’ychiga bir boshchi” degan ibora bor. Buning ma’nosi shuki, xalqimiz azal-azaldan o’z yetakchilariga qattiq ishongan, ixlos qo’ygan. Birinchi yurtboshimiz nafaqat turli sohalarda rahbarlik qilayotgan xodimlarga, balki o’ziga nisbatan ham talabchan edi. Buni ko’plab chiqishlaridagi nutqidan ko’rishimiz mumkin. Boshliq fazilati to’g’risida gapirar ekan, xalq naqllaridan o’rinli foydalangan. “Rahbarlik qobiliyati bo’lgan, kerak bo’lsa, qattiq qo’llik xususiyatlariga ega, insofli, diyonatli odamlarninggina rahbarlik to’nini kiyishga ma’naviy haqqi bor.

Bizning hech bir yurtda uchramaydigan an’analarimiz qadriyatlarimiz bor. Shu bilan birga jamiyatimizning shunday bo’g’inlari borki, birorta mamlakatda shu tushunchani beradigan atama yo’q. Bu – hayotimizning bir bo’g’iniga aylangan mahalla tushunchasi bo’lib, uni buyuk notiq quyidagicha ataydi:

“Mahallani o’zini - o’zi boshqarish maktabi, ta’bir joiz bo’lsa, demokratiya darsxonasi deyish mumkin. Buyuk siymolar to’g’risida gapirar ekan, ishonarli, shu bilan birga o’rinli mubolag’a qiladi. “Agarki xalqimizning qadimiy va shonli tarixi tuganmas bir doston bo’lsa, “Alpomish” ana shu dostonning shoh bayti desak, to’g’ri bo’ladi.

Buyuk insonlar to’g’risida gapirar ekanmiz, ularning asrlarga tatigulik fikrlari bexosdan xayolimizdan o’tadi. Biz yod etayotgan siymoning bunday jumlalarini ko’plab keltirishimiz mumkin. “Ta’bir joiz bo’lsa, olamda turkiy va forsiy tilda so’zlovchi biror - bir inson yo’qki, u Navoiyni bilmasa, Navoiyni sevmasa, Navoiyga sadoqat va e’tiqod bilan qaramasa. Agar bu ulug’ zotni avliyo desak, u avliyolarning avliyosi, mutafakkir desak, mutafakkirlarning mutafakkiri, shoir desak, shoirlarning sultonidir. Yo'lboshchi “Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q”, - degan naqlni nechog'li to'g'riligini doimo isbotlab keldi. Shu bilan birga buyuk bobolarimiz tajribalariga, ularning olib borgan siyosatiga nazar tashlab, faoliyati davomida ulug’ siymolarning ibratomuz nasihatlariga amal qildi va xalqni ham shunga da’vat etdi.

“Amir Temur bobomizning bunday chuqur ma’noli hikmatlari xalqimizda qadimdan mavjud bo’lgan “Bilagi zo’r birni, bilimi zo’r mingni yiqar” degan maqolga g’oyat hamohang bo’lib, inson – doimo aql-idrok, adolat va yuksak ma’naviyat asosida yashashga dav’at etish bilan e’tiborlidir”. O’zbek maqollarini naqadar chuqur bilishini, asarlarini, ma’ruzalarini o’qiganimiz sari anglab boramiz.

“Agarki, e’tibor bersak, tilimizda halollik va nopoklik haqidagi ibratli hikmatlar bilan birga “Yo’lini topibdimi, qaddini ursin”, “Uzumini yeng-u, bog’ini surishtirmang” degan maqollar ham borligidan ko’z yumib bo’lmaydi”. O'zbek xalqining madaniy merosi, bitmas tuganmas xazinasi bu – xalq og’zaki ijodidir. Biz bilamizki, xalq og’zaki ijodi nutqimizgacha tayyor holda bo’ladi. Undan o’rinli foydalanish notiqning imkoniyatiga bog’liq. Yuqorida biz fikr yuritayotgan inson esa nutq madaniyatini chuqur egallagan.“Milliy mafkura - bu xalqning, millatning o’tda yo’nmaydigan, suvda cho’kmaydigan o’lmas e’tiqodidir. O’zbek xalqining iligi to’q, baquvvat”.

“Bolaning onggi asosan 5-6 yoshda shakllanishini inobatga oladigan bo’lsak, aynan ana shu davrda uning qalbida oiladagi muhit ta’sirida ma’naviyatning ilk kurtaklari namoyon bo’la boshlaydi. Xalqimizning “Qush uyasida ko’rganini qiladi” degan maqol o’ylaymanki, mana shu azaliy haqiqatni yaqqol aks ettiradi.” So’z sehri qudratli kuchdir. Birgina so’z ham butun asarga joziba berishi mumkin, yoki butun fikri birgina so’zda mujassam bo’lishi yohud fikrni chiroyli dalillashda bir necha so’z kifoya qiladi. Buni I.A.Karimovning “Sharq taronalari” 7-festivalida so’zlagan nutqida ko’ramiz:

“Bu festival biz yashayotgan bugungi notinch va o’ta murakkab zamonda el-u elatlar o’rtasida hamkorlik rishtalarini mustahkamlash, hayotbaxsh musiqa ohanglari orqali odamlar qalbida ezgu insoniy tuyg’ularni uyg’otish, mushtarak tomirlarni bir-biriga payvand etish kabi oliyjanob maqsadlarga xizmat qilish bilan alohida e’tiborga sazovor”.

I.A.Karimov xalqqa mirojat qilar ekan, samimiyligi bilan xalq qalbiga kirib boradi va har qanday mavzuda o’ta sodda ham kishiga xush yoquvchi tilda o’z fikrini namoyon etadi. Shu bilan birga jamiyatning qusurli tomonlari, og’riqli nuqtalari to’g’risida gapirar ekan, bevosita

bunga sababchi insonlarga nisbatan achchiq kinoyalar bilan yo'g'dirilgan jumlalar bilan o'rinli salbiy munosobatini bildiradi.

"Biz bu muammoning naqadar murakkab va xavfli ekanligini tushunishimiz, darhol uning oldini olishimiz zarur. Chunki bu yo'lga kirgan rahbar hudbinlik kasaliga duchor bo'lib, oyog'i yerdan uziladi, eng yomoni, rahbarlarga nisbatan keng jamoatchilikning ishonchi yo'qoladi. Bunday jamiyatdan baraka ketadi, ish yurishmaydi, aholi o'rtasida turli tortishuvlar va noroziliklar paydo bo'ladi."

"Viloyat davlat apparatining o'zagini layoqatsiz, siyosiy saviyasi past, axloqiy jihatdan nopok, ammo, rahbarning ishongan og'aynilari, eski qadrdonlari, bir hovuch laganbardor kimsalar tashkil etsa, odamlar e'tirozini kimga aytishi mumkin."

Har bir rahbar avvalo o'z xalqining farzandi bo'lishi kerak, shundagina uning so'zi va amalida xalq orzuzi o'z aksini topadi.

Yurtimizning birinchi Prezidenti ham o'zbek xalqining farzandi bo'lib, mamlakatimizda yashayotgan barcha millatlarga otalik qildi. Yuragidan otilib chiqqan otashin nutqi, har bir so'zi xalqimizning qalbiga jo bo'ldi. Shunday so'zlari, shunday fikrlari borki, undan butun bir qissaga teng ma'noni anglash mumkin. I.A.Karimov mana shu so'zlarni, fikrlarni tom ma'noda qissaga aylantira olgan notiq edi. Uning so'zlari -asrga, fikrlari –asrlarga tatiydi.

ISLAM KARIMOV'S CONTRIBUTION TO THE DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN AND ACHIEVEMENTS IN RAILWAY SYSTEM

Achilov O.R.- assistant teacher TIRE

Twenty-seven years after gaining its political independence, Uzbekistan has become a real powerful independent country in the world and this article contains a brief information about Islam Abduganiyevich Karimov, in the development of the conceptual principles of Uzbek's Ideology and the contribution of the independence, who made a remarkable contribution to achieving a worthy place in our country. Basically, Uzbekistan has become independent in front of United Nations Organization and all countries accepted it's an equal status in the world.

After independence in the branch of railways, which is counted as the main strategic steps to communicate and develop external affairs with neighbors. For many, this may seem like a small story, but it is emblematic of something that almost all the countries of the post-Soviet space have had to deal with. Moreover, Uzbekistan's transit developments are certain to have enormous consequences for several Central Asian states, given the concentration of populations from several countries living in the trans-border Fergana Valley area. And while this trend will further separate these neighboring republics, it may, in fact reduce tensions by allowing each of them to have better control over their own territories. Moreover, it may allow them to negotiate with their neighbors on the basis of equality rather than being hamstrung by inter-dependence problems that were associated with the earlier transportation arrangements.

In soviet times, Moscow drew political borders according to a very deliberate set of principles-both to recognize the dominant ethnic group in particular territories and to engage in divide and rule policies. However, Moscow typically ignored these political borders when it came to building transportation infrastructure like highways and rail lines and had them pass along the most geographically and economically convenient paths, even if that meant the residents of one republic would have to pass through another in order to go from one part of their homeland to another. From the perspective of the soviet authorities, such arrangements promoted the integration of the country, although far from all residents agreed or liked that outcome.[1]

Nevertheless, Uzbekistan is officially celebrating the fact that our country has finally achieved complete connectivity of its territory by rail and escaped from the soviet configuration, which didn't pay attention to the borders of republic, but now we may estimate the strong and independent unity of all our regions under unique republic of Uzbekistan.

[1] A.U. Ziyadullayev, N.N. Gadoeva "Uzbekistan after Independence" – T.: "Uzbekistan State University of world languages", 2015

National pride of Uzbekistan is it's railways and on this branch there were a lot of achievements under the control of our first leader- Islam Abduganiyevich Karimov, he devoted his all power to communicate Uzbekistan with the neighbor surrounding Kazakhistan, Kirghizistan, Turkmenistan, Tadjikistan and especially with Avghanistan as supporter of the peace in these republics. Heading the independent Uzbekistan for 25 years, Islam Abduganievich Karimov has attained a high authority in the country and in international community as an outstanding statesman, who has developed and implemented a deeply thought-out strategy of building a democratic constitutional state with a civil society and a market economy.

The projects held and controlled by himself are: Surkhon-Boysun –Kumkorgan, High speed Afrosiab lines such as Toshkent- Samarkhand- Bukhara, Navoi-Uchkuduk-Hazorasp and others. These connections had a great value to flourish regional economy and make them develop individually, consequently the results are gained after 2 decades which shared a deal with the whole development of republic.

Finally, it bears pointing out that most countries wanted to support us but the only supporter and founder of all innovative ideas in the country was I.A.Karimov and he made access to others to negotiate with republic and create numerous projects. His last prestigious project was opening Angren –Pop railway tunnel through Fergana mountains. This tunnel allowed pass through the territory of Tajikistan, Kirghizistan, Uzbekistan to connect with China and infrastructural investments will bring fruitful result in close future.[1]

Last years, this survival of the past attracted some international attention like World Development Bank, Asian Development Bank, various companies as General Motors on the basis of DAEWOO -Korean company, Isuzu and Man in cooperation with Japanese engineers, in the sphere of energy Mitsubishi (Japan)Corporation, Calik(Turkey) and Initec(Spain) companies, in the sphere of railways Talgo company(Spain), Chinese company, Russian Federation companies and the list of cooperations with Uzbekistan can be continued endless in the period of independence because of the greatest father of our nation. Undoubtedly, the Hero of Uzbekistan and a real son of his country made his best only to develop, protect and see it at the top of among all developed countries over the world.

KELAJAK YARATUVCHISI

Habibullayev B.Sh.- TerDU o'qituvchisi

Mana 2018-yilni ham katta orzular ila kutib oldik. Ortda qolgan yil avvalgilari kabi yurtimizda katta islohatlar davri bo'ldi. Qaysi viloyatga bormang, kim bilan uchrashmang hammaning yuzida bugungi kundan mamnunlik hissini, qalbida ulkan rejalarni, ko'zlarida kelajakka qat'iy ishonchni ko'rasiz. Yurtdoshlarimiz bugun jahon arenalarini zabt etib, yurtimiz dovrug'ini dunyoga taratmoqdalar, qaysi sohani olmang muvaffaqqiyatlar, yutuqlar bizga hamroh. Xalqimizga bunday qat'iy ishonchni kim berdi? Barkamol avlod uchun yorug' kelajakni kim kafolatladi? Albatta mustaqil diyorimizning birinchi prezidenti Islom Karimov. Bu buyuk shaxs xalq qalbida kelajakka bo'lgan ishonchni uyg'ota oldi. Katta yo'l qoshida mashaqqatli, og'ir yukni o'z zimmasiga olishdan qo'rqmadi. Xalqni qat'iyat bilan yorug' manzil tomon porloq kelajak sari olg'a boshladi.

90-yillarni eslolmayman. U paytda 2 yoshda edim. Men kabi millionlab yoshlar balki o'sha yillar tahlikasini, yurtimiz, yurtdoshlarimiz kechirgan og'ir tanglik paytlarini his etmaganmiz. Ammo bugun ulg'ayib, mustaqillik, tinchlik, farovon hayot o'z-o'zidan paydo bo'lmaganini buning ortida tinimsiz mehnat, yakdillik, uyqusiz tunlar va fidoyilik yotganligini yaxshi anglaymiz. Agarki, yaqin tariximizga-o'tgan asrning suronli 90-yillariga nazar soladigan bo'lsak, Islom Karimovning o'sha og'ir yillarda keskin muammolar girdobida turib, O'zbekistonning kelajagini aniq tasavvur qilgan holda ilgari surgan g'oya va dasturlari uning Vatanimizning yorug' istiqboliga qanday buyuk ishonch bilan qaraganidan yaqqol dalolat beradi

[1] Paul Goble "Uzbekistan Achieves Railroad Independence" –L.: Jamestown Foundation Global Research and Analysis, Eurasia Daily Monitor Volume: 13.

[1.11-b.]. Zaiflashgan, ruhan ezilgan, manan toptalgan millatni, oziq-ovqat zahirasi sanoqli kunlargagina yetadigan noumid xalqni qo'rqmasdan olg'a boshlagan, kelajakka bo'lgan ishonchni uyg'otgan jasoratli siymo, fidokor inson - Islom Karimovdir. "Bugungi kunda katta umid, orzu-maqsadlar bilan, Vatanim taraqqiyotiga hissa qo'shaman, deb belini mahkam bog'lab maydonga chiqayotgan, azmu shijoatli yoshlarimizni qo'llab-quvvatlash barchamizning nafaqat vazifamiz, balki burchimizga aylanishi kerak" [2. 235-b]. Yurtboshimizning ushbu fikrlaridan shu anglash qiyin emaski, Islom Karimov butun faoliyati davomida ayniqsa yoshlar masalasiga alohida e'tibor berganlar. Shiddat bilan uchayotgan bugungi zamonda yoshlarga parvoz qilishni o'rgatgan, **"yoshlar mening qanotlarimdir"** deya doim qo'llab quvvatlagan, bugun xalqni ishonchli qo'llarga topshirib, olislardan nurli kelajakni yoritib, yo'llarimizni charog'on qilib turgan inson siymosi abadiy qalbimizda qoladi. Bugun yurtdoshlarimiz o'tgan har bir kun, har bir daqiqa uchun undan minnatdor, bobomizning qilgan ezgu amallari bugun yuragimizda barchamizga yod bo'lib ketgan aytgan ibratli so'zlari qulog'imiz oldida tinimsiz jaranglayveradi. Bugun xalqimiz yaratgan barcha ezgu ishlarda, erishgan yutuqlarimizda, bizni kutayotgan muvaffaqqiyatlarda Islom Karimovning siymosi gavdalanaveradi. U biz bilan- ezgu amallarimizda, yoshlarning chaqnagan ko'zlarida, ulug'vor binolarimizda, sahnalaru-kitoblarimizda, farzandlarimiz ismlarida, chaqaloqlar yig'isida, bolajonlar kulgisida, xilpiragan bayrog'imizda, ko'chalaru-mahallalarimizda, otalarimiz o'gitlariyu-keksalarimiz duolarida biz bilan birga yashamoqda. Bugun biz yoshlar qiyinchiliklardan qo'rqmay, ma'suliyatni o'z zimmamizga olsak, Islom Karimov boshlagan ezgu ishlarni davom ettirishida yurtboshimizga kamarbasta bo'lib, kelajagimizni qurishda uning faol ishtirokchisi bo'lsak, shundagina biz Vatanimizga munosib voris bo'la olamiz. Zero, Islom Karimov ta'biri bilan aytganda mustaqil fikrlaydigan zamonaviy ilm-fan va kasb xunarlarni puxta egallagan o'z yurti, o'z xalqiga fidoyi, biz boshlagan ezgu ishlarni davom ettirishga qodir bo'lgan, har tomonlama sog'lom avlodni yengib bo'lmaydi [2.].

ИСЛОМ КАРИМОВ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АСОСЧИСИ

Кимсанбаева Ш.Б.- ТошДАУ ассистенти

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг фидойи, садоқатли фарзанди сифатида хотирамизда мангу яшайди. 25 йил давомида Ўзбекистон Президенти бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг вафоти ҳақидаги хабарни кўп миллатли халқимиз чуқур қайғу билан қабул қилди. Биринчи Президент мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун қадрдон ва азиз кишига айланган эди. Ислом Каримов ўзининг кўп қиррали сиёсий фаолияти ҳамда олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди.

Биринчи Президент Ўзбекистон халқи учун янги давлатни барпо этишдек тарихий қарор қабул қилди ҳамда миллий тикланишнинг ўтиш давридаги масъулиятни ва машаққатни зиммасига олди.

Собиқ тузумдан ажралиб чиққан бошқа давлат раҳбарларидан фарқли ўлароқ, Ислом Каримов ўз халқини қурбонларсиз ва «рангли» инқилобларсиз миллий тараққиёт йўлига бошлади. Ислом Абдуғаниевич «Мамлакат ҳаётининг барча соҳасидаги ўзгаришларнинг бош ислоҳотчиси ва ғоявий илҳомчиси» эди. Унинг давлатимизни модернизациялаш бўйича ғоялари, фикру қарашлари мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққий топтириш стратегиясининг назарий ҳамда амалий асоси бўлди. Шунингдек, мустақилликка эришилган пайтдан бошлаб Ўзбекистон Ислом Каримов раҳбарлигида Марказий Осиёдаги асосий давлат сифатида мустаҳкам қарор топди, ҳам ички сиёсатда, ҳам халқаро майдонда катта муваффақиятларга эришди, ўзини минтақадаги ва умуман, жаҳондаги хавфсизликнинг фаол тарафдори сифатида намоён қилди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида собиқ Иттифоқда таназзул жараёни тезлашди, кўп йиллар давомида ҳал қилинмаган муаммолар халқнинг сабр косасини тўлдирди ва бу

ижтимоий ларзаларга ҳамда миллий адоватга олиб келди. Ана шундай мураккаб даврда Ислом Каримов фуқароларда ижтимоий адолат ва келажакка ишончни қайта тиклай олди, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳақиқий моҳиятини, илдизини очиб бериб, миллатлараро муносабатларни барқарорлаштирди, Ўзбекистонда тинчлик ҳамда осойишталикни таъминлади.

Миллий-маънавий қадриятларимизнинг қайта тикланиши Биринчи Президентимизнинг асосий хизматларидан биридир. Ўзбекистонликлар халқимизнинг тарихий ҳамда маданий меросига, ўзбек тилининг нуфузини оширишга, шунингдек, юртимизда яшовчи турли миллат вакилларига ўз миллий маданиятларини ривожлантириши учун тенг шароит яратишга алоҳида эътибор қаратгани учун Ислом Каримовдан миннатдор.

Ҳақиқатан ҳам Ислом Каримов тинчликпарвар сиёсатчи, буюк Ўзбекистон давлати асосчиси сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган инсон ҳисобланади. Сабаби улуғ Йўлбошчимиз томонидан ишлаб чиқилиб, бугун бутун дунё ҳамжамияти томонидан тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилаётган бозор иқтисодиётига ўтишнинг аҳамиятли беш тамойили асосида мамлакатимизда иқтисодий тармоқларнинг барча жабҳаларида қўлга киритилган ютуқларимиз халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришида асосий омил бўлиб хизмат қилаётганликларини халқимиз ҳеч қачон унитмайди.

Зеро, мамлакатимиз 25 йиллик тараққиёт йўлини Мамлакатимиз Биринчи Президенти илгари сурган мақсад ва ғояларга таянган ҳолда босиб ўтганлиги учун жаҳон ҳамжамиятида ўзинг муносиб ўрнига эга бўлди. Биринчи Президент раҳбарлигида Ўзбекистон ҳар томонлама вазмин, миллий манфаатларга асосланган ташқи сиёсат олиб борганлигини қайд этишимиз мумкин. Бошқа давлатларга нисбатан муносабатларда куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига қатъий риоя этиш ташқи сиёсат соҳасида Ислом Каримовнинг бош ютуғи бўлди.

Ислом Абдуғаниевич жаҳон ҳамжамиятини халқаро терроризм хавфи ҳақида огоҳлантирган, дунё мамлакатларининг, йирик халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг куч ҳамда саъй-ҳаракатларини терроризмга, сепаратизм, диний экстремизмга қарши бирлаштиришга даъват этган илк сиёсатчиларнинг бири саналади. Айнан Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 2004 йилнинг январидан эътиборан Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг Ижроия қўмитаси ўз фаолиятини бошлаган. Мустақиллик йилларида Ислом Каримовнинг раҳбарлиги остида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб олти марта ўсди. Унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизгача кўпайди. Кейинги ўн йилдан ортиқ вақт давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари барқарор сақланиб қолинди. Қувонарлиси, Ўзбекистон иқтисодиёти энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторига кирди.

Инвестициявий сиёсат, саноатнинг янги юқори технологик тармоқлари, жумладан, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, тўқимачилик жадал ривожланмоқда. Ислом Абдуғаниевичнинг чуқур ўйланган ҳамда вазмин сиёсати туфайли мамлакатда жаҳон мезонлари бўйича ноёб иншоотлар қурилди. Устюрт ва Шўртан газ-кимё мажмуалари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, автомобиль заводлари шулар жумласидандир. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда замонавий йўл-транспорт ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси барпо этилди. Хусусан, Қамчиқ довони орқали ноёб туннелга эга бўлган Ангрен-Поп темир йўл линияси қурилди. Темир йўлларда юқори тезликдаги қатнов йўлга қўйилди, халқаро аэропортлар модернизация қилинди.

Шу билан бирга, юртимизда хусусий мулкни, тадбиркорлик ва кичик бизнесни равнақ топтириш учун кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистонда янги ижтимоий қатлам — тадбиркорлар синфи пайдо бўлди.

Дарҳақиқат, Ислом Каримов ўзининг бутун ҳаётини то сўнгги кунларигача Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017-йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, мамлакатимизда ҳар йили 2 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти хотираси куни сифатида белгиланди. Бу қарор она Ватанимиз мустақиллиги, элу юртимиз равнақи йўлидаги буюк тарихий хизматларини инобатга олган ҳолда, Биринчи Президентимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Каримовнинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш мақсадини назарда тутади. Биринчи Президентимиз авлодлар хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади.

КАРИМОВ ФЕНОМЕНИ

Ўзбекистон ёшлари учун чинакам ўрнак омилидир

Рўзиқулов Д. - ЎзМУ магистри

Жонажон Ватанимиз – Ўзбекистонимизни, мустақиллигимизни, тинч ва обод ҳаётимизни севиш ва қадрлашни, ўз юртимизга меҳр-муҳаббатни биз улуғ Юртбошимиздан ўрганганмиз.

Шавкат Мирзиёев

2018 йил 30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти, мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги нишонланади. Каримов феномени стратегик фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-ҳунар сирларини пухта ўзлаштираётган миллионлаб ўзбек фарзанди учун чинакам ўрнак вазифасини ўтайди. Ўзбекистон давлатининг асосчиси, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг шонли ҳаёт ва фаолият йўли, фидойилик, ватанпарварлик, ҳалоллик, нуктадонлик, тиришқоқлик каби фазилатлари бугун ёш авлод, айниқса балоғат остонасидаги ёшларга Йўлчи юлдуздек ҳамиша ҳамроҳ, ёрқин андозадир.

Профессор Леонид Левитин ва профессор Дональд С.Карлайлнинг «Ислом Каримов янги Ўзбекистон президенти» (Агротек, Вена, Австрия — 1995. «Ўзбекистон» нашриёти, Т. 1996 й.) номли китобида Биринчи Президентимиз тилидан келтирилган қуйидаги фикрларга эътибор беринг: «...Болалигимданоқ меҳнат ва бир бурда нонниг қадрини билиб ўсдим. Елкама-елка туриб ишлаганларим — оддий одамларнинг дарди-ўйини яхши билардим.

Эсимни таниганимдан бери ўқишни, ҳар нарсанинг тагига етишни яхши кўраман. Ўқиш менга ҳам доим завқ бағишлар, янги-янги нарсаларни ўрганганимдан таним яйрарди. Ёшлигимда битта мақсадни олдимга қўйдим: ўз касбимнинг шунақанги устаси бўлиб етишишим керакки, одамлар менинг ҳақимда ҳурмат билан: «Ҳа, бу одам ўз ишининг билимдони. Ҳақиқий профессионал» деб юришсин.

Ишониш қийин, лекин талабалик йилларининг энг кучли хотиралари мен кечкида ўқиб битирган иккинчи олий ўқув юрти билан боғлиқ. Бу Тошкент халқ хўжалиги институтидир. Мен бир нарсани эслайман. Бухгалтерия ҳисоб-китоби фанидан уч марта имтиҳон топширганман. Икки марта ўқитувчидан узр сўраб, ўзим чиқиб кетдим, чунки шу фандан олган билимим аввало ўзимни қониқтирмасди. Биласизми, мен ўзимнинг энг зўр ютуғим деб нимадан ғурурланаман? Бир неча йил авиазаводда ишлаб, биринчи тоифа конструктор бўлиб етишганимдан.

Ахлоқий принципларим тўғрисида. Бу — ҳақиқатгўйлик, ҳалоллик, ўз ишига ва сўзига содиқлик».[1]

Бу улуғ аждодимизнинг мамлакат эртасини белгиловчи келажак эгаларини буюк ишларга ундайдиган, мудом эзгуликка даъват этадиган, маррани баланд олишга руҳлантирадиган ўзига хос куч-қувват манбаи намунасидир. У бутун умри мобайнида амалга оширган ислоҳотлари самарасини аввало халқининг, навқирон авлоднинг бахту камолида кўради. Буни юртимиз мустақилликка эришган илк йилларданоқ ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор масала даражасига кўтарилганидан англаш мумкин. Бу борада дунёнинг бирор мамлакати тажрибасида учрамайдиган жиҳатлардан бири юртимиз ўқувчи-талабалари ўртасида анъанавий уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақаларини ўтказиш тизими йўлга қўйилганидир.

Иқтидорли талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ҳамда номдор стипендиялари жорий қилингани, Зулфия номидаги давлат мукофотининг таъсис этилгани илғор ва фаол ёшларга берилаётган рағбатнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Юқорида келтирилган манба ҳаммуаллифи Д.Карлайлнинг фикрича, «Ўзбекистоннинг сиёсати бошқа Ўрта Осиё давлатларидаги каби нафақат гуруҳнинг вакили (уруғ-қабиланинг, ҳудудий бирликнинг), балки авлоднинг вакили сифатида қаралмоғи керак. Сиёсий авлодни аниқлашда ҳал қилувчи омил уларнинг бир хил сиёсий тажрибаси, маданийлашиш жараёнидаги яқинликлари, ҳокимият тепасига чиқишдаги ўхшаш йўллари белгилайди. **Авлод вакили бўлиш** — ўзига хос сиёсий маданиятга тааллуқли феномен бўлиб, унинг ахлоқ ва феъл-атворларини ўзлаштириш, сиёсий соҳада ва бошқарув жабҳасида муайян услубда фаолият кўрсатмоқни билдиради.

Карлайлнинг фикрига кўра, сиёсий авлоднинг ичида уларнинг турфа хиллигини ажратиш мумкин. Уларнинг айримлари бошқалардан анчагина фарқ қилади ва бўлажак авлод учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди». Дарҳақиқат, ана шу сиёсий авлоднинг забардаст вакили, муносиб давомчиси Шавкат Мирзиёев халқимиз ишончи ва хоҳиши билан мамлакат раҳбарлигига сайланди ва Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтарди. Айни пайтда Биринчи Президент бошлаб берган йўлдаги саъй-ҳаракатлар карвони изчил ислоҳотлар силсиласида дадил одимламоқда.

Биринчи Президентимизнинг ёшларга қарата «Сизлар менинг фарзандларимсиз, ҳаммангизни бағримга босаман» деган самимий сўзлари, меҳри бизни мудом юксак марралар сари руҳлантириб туради.

Бутун умри давомида элим деб, юртим деб, ёниб яшаган Биринчи Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон ёшларини эзгуликка, илм-маърифатга ундовчи буюк тарихий сиймо сифатида хотирамизда мангу яшайди.

ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОСОЙИШТАЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

Эгамбердиев Э.Ҳ. - ТТЙМИ, Муҳандислик коммуникациялари ва тизимлари кафедраси ассистенти

Ўзбекистон инсоният маданий тарихида ўзининг бетакрор ўрнига эга бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Унда XX аср охири ва XXI аср бошларида кечаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий жараёнлар учун ҳам жаҳон сиёсатига таъсир этиб келмоқда. Бугунги кунда мазкур минтақада барқарор ривожланишни таъминлаш, биринчидан, шу ҳудудда яшаётган катта-кичик халқларнинг тинч-осуда яшашини ҳал қилиш, Шарқ ва Ғарб давлатлари, халқлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маърифий ва маданий алоқаларнинг кенг кўламда ривожлантириш глобал тараққиёт ва хавфсизликка таъсир кўрсатади.

[1] Левитин Л., Карлайл Д.С. Ислом Каримов янги Ўзбекистон президенти. Агротек, Вена, Австрия — 1995. — Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 5.

Ҳар бир давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири, бу унинг ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиши ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашидир. Шу боисдан, бу йўналишнинг муҳим бўғини бўлган минтақавий муаммолар мавзуси ижтимоий-сиёсий фанлар ва шу соҳа билан шуғулланувчи олимлар, мутахассислар ҳамда сиёсатшуносларнинг тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Бу борада мамлакатимизда тадқиқотларни чуқур ўрганишнинг назарий асослари биринчи Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган. Унинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари"[1] номли фундаментал асарида нафақат минтақамизга, балки бутун дунё хавфсизлигига таҳдид солаётган хавф-хатарлар ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Барқарорлик ва ўзгарувчанлик кўп жиҳатдан у ерда яшаётган халқларнинг жамият сиёсий ҳаётини ташкиллаштириш, хусусан сиёсий тизмини шакллантириш даражаларига ҳам боғлиқдир.Сиёсий тизимни демократик тамойиллар асосида шакллантириш орқали мамлакатда барқарорликни таъминлаш Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг тинч-тотув яшашини таъминлаш, яхши қўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлаш демакдир. Мамлакат ичидаги сиёсий барқарорлик минтақавий барқарорлик ва ўзгарувчанликни таъминлашнинг зарур шартидир. Бу хусусида биринчи Президент И.А.Каримов: "Марказий Осиёда юз бераётган кўплаб воқеаларни тушунишнинг калити ва минтақадаги барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш борасидаги мураккаб муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан ана шундай ёндашув замирида мужассам, десак, хато бўлмайди"[2],-деган эди.

Бугунги кунда бутун жаҳон ҳамжамиятини ларзага солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик, тажовузкор миллатчилик каби иллатлар келтириб чиқараётган оқибатлар ўтган асрнинг охирларидаёқ биринчи Президент И.А.Каримовнинг турли минбарларда сўзлаган нутқларида, ёзган китобларида келтирилган барқарор ривожланиш ва хавфсизликни таъминлашда ўзининг салбий хусусиятини кўрсатувчи бу омиллар-дунёга тажовуз солаётганлигига ишора бергандек. Жумладан, уларда диний фундаментализмнинг Ўзбекистон хавфсизлиги учун бўлаётган таҳдидлар кўрсатиб берилган.[3]

Шунингдек, биринчи Президент И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" номли асарида мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни издан чиқаришга уринаётган хавф-хатарларга алоҳида эътибор берган. "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз" ва бошқа бир қатор асарлари ҳамда маърузаларида Ўзбекистон сиёсатининг яқин келажакдаги асосий вазифаларини кўрсатиб берган[4].

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, нутқ ва мақолаларида Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари бўйича билдирган фикрлари методологик асос вазифасини ўтайди. Бу эса, ўз навбатида тадқиқотчилар олдига мазкур масалани ҳар томонлама илмий жиҳатдан ўрганишни вазифа қилиб қўяди.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, дунёда воқеаларнинг бориши шиддат билан ўзгариб турибди. Минтақамиз жаҳон оролининг марказида жойлашганлиги, Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи кўприк эканлиги ва учинчи минг йилликда ўзининг геостратегик имкониятлари билан дунё миқёсида муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга оладиган

---

[1] И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". -Т.: "Ўзбекистон" 1997.

[2] И.А.Каримов Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга,ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.Т.12-Т.: "Ўзбекистон", 2004.- 341-342 бетлар.

[3] Қаранг: Ўша манба. 44-47-бетлар.

[4] И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48- сессиясидаги маърузаси. -Т.: Ўзбекистон, 1993; И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... Т.: "Ўзбекистон", 1997; И.А.Каримов Озод ва обод Ватан....-Т.: 2000 й.,И.А. Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимизга ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т-12. -Т.: "Ўзбекистон", 2004 й.

бўлсак, бу маконда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг пойдевори қўйилиб, унинг асосини мустаҳкамлашда биринчи Президент Ислом Каримовнинг ҳиссаси катта бўлган.

O'ZBEKISTON BIRINCHI PREZIDENTI ISLOM ABDUG'ANIYEVICH KARIMOVNING MADANIYAT RIVOJIGA QO`SHGAN HISSASI

Zaitova N.- TDMRXOM magistri

O'zbekistonning birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimov hayoti bir tarixiy kitobdir. Uning har bir varag'ida ulkan shijoat, mardonavorlik va jasorat sezilib turadi. Uning siymosi o'zbek xalqi yuragida abadiy muxr bo'lib qoldi.

1991-yil O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgach muqobillik asosida o'tkazilgan umumxalq saylovida Islom Abdug'aniyevich Karimov O'zbekiston Respublikasi Prezidenti etib saylandi va umrining oxiriga qadar mana shu lavozimda jonkuyarlik bilan faoliyat olib bordi. O'zbekiston Fanlar Akademiyasi, shuningdek, iqtisod, fan, ta'limni rivojlantirishga qo'shgan ulkan hissasi uchun o'ndan ortiq xorijiy mamlakat universitet va akademiyalarining faxriy fan doktori, professor hamda akademik unvonlariga sazovor bo'lgan [1].

O'zbekistonning ichki va tashqi siyosati ilmiy asoslab berilgan, hozirgi va istiqboldagi vazifalar, iqtisodiyot, ijtimoiy-siyosiy taraqqiyotning dolzarb masalalari tadqiq qilingan ko'plab asarlari ingliz, rus, fransuz, ispan, nemis, hind, xitoy, arab, turk va boshqa xorijiy tillarga tarjima qilinib, bir necha bor nashr etilgan. O'zbekistonning birinchi Prezidentii Islom Karimov O'zbekistonda amalga oshirilgan ulkan ishlar, tarixiy o'zgarishlarning tashabbuskori va rahnamosi, mamlakatning istiqol dasturini ishlab chiqqan va milliy taraqqiyot yo'lini belgilab bergan atoqli davlat arbobidir. U demokratik talablar va xalqaro mezonlarga to'la javob beradigan O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining joriy qildi va uni hayotga tatbiq etishda jonkuyarlik ko'rsatgan insondir. O'zbekiston xalqining o'ziga xos xususiyatlari hamda ilg'or jahon tajribalarini mujassamlashtirgan iqtisodiy islohotlarning yangi modelini ishlab chiqdi. Bu rivojlanish yo'li iqtisodiyotning siyosatdan ustunligi, qonun ustuvorligi, o'tish davrida davlatning bosh islohotchilik roli, islohotlarni bosqichma-bosqich amalga oshirish, kuchli ijtimoiy himoyadan iborat 5 tamoyilni o'z ichiga olgan va u dunyoda "o'zbek modeli" deb e'tirof etiladigan katta yuksalishning asoschisi. Bu modelning tub negizini "Islohot – islohot uchun emas, avvalo inson uchun" degan strategik yo'nalishni amalga oshirishdan iborat edi. O'zbekistonda keng ko'lamli tarkibiy islohotlar amalga oshirildi, neft kimyosi, kimyo, avtomobil sanoati, qishloq xo'jaligi va temir yo'l mashinasozligi, farmatsevtika, elektrotexnika, to'qimachilik sanoati, zamonaviy qurilish materiallari sanoati kabi yuqori texnologiyalarga asoslangan mutlaqo yangi sanoat tarmoqlariga asos solindi.

Yana bir quvonchli jihati shundaki, O'zbekiston istiqlolning birinchi yillaridan boshlab, dinga o'z madaniy-ma'naviy an'analarining uzviy bir qismi sifatida qarab, unga munosabatni tubdan o'zgartirdi va, 1999 yilda O'zbekistonning birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimovning farmoniga muvofiq Toshkent islom universiteti tashkil etildi. Hozirgi kunga kelib mintaqadagi eng yirik ushbu oliy o'quv yurtida dunyoviy va diniy bilimlarni puxta egallagan, yuqori malakali mutaxassislar tayyorlanmoqda.

Ayniqsa XXI asr bo'sag'asida o'zbek millatining o'zligini anglashi, uning qadr-qimmatini joyiga qo'yish, o'zbek nomini butun dunyoga tarannum etishda qo'shgan hissasi beqiyosdir [2]. Odamlarning tafakkurini o'zgartirish, ularning ongida yangi milliy g'oya, milliy mafkura asoslarini shakllantirish va mustahkamlash, kadrlar tayyorlash milliy dasturini yaratish va uni amalga oshirishga rahnamolik qildi va mahallaning davlat va jamiyat boshqaruvidagi nufuzini oshirish, vakolat va huquqlarini kengaytirish, fuqarolarning o'z-o'zini boshqarish tizimi sifatida uni har tomonlama qo'llab-quvvatlash tashabbuskori bo'ldi. Yangi turar joylar qurish, shu jumladan, ulug' ajdodlarimizning qadam-jolarini obod qilish, iqtisodiy salohiyatni oshirishda katta o'rin tutadigan yirik-yirik korxonalarni bunyod etish, shahar-qishloqlar, avvalambor,

poytaxt Toshkentning shakl-qiyofasini tubdan o’zgartirish ishlariga bevosita rahbarlik qilib keldi.

1991-yilda O’zbekiston mustaqillikga erishgach, boshqa sohalar singari, san’atga bo’lgan e’tibor ham kuchaydi. 1997-yildan O’zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov tashabbusi bilan Samarqand shahrida “Sharq taronalari” musiqa festivalining o’tkazilib kelinayotgani buning yaqqol dalilidir. Bu festival sharq mamlakatlari o’rtasidagi hamkorlik, millatlararo totuvlik, dinlararo bag’rikenglik bilan bir qatorda ma’naviy yuksaklikning yorqin ifodasidir. Ushbu festivalning ilk yillarida sharq mamlakatlaridan 31 nafar musiqa ixlosmandlari ishtirok etgan bo’lsa, 2009 - yilga kelib ishtirok etuvchi mamlakatlar soni 50 dan oshdi. Ushbu festival sharq xalqlari san’ati, madaniyatini yuksaltirish bilan bir qatorda mamlakatlar o’rtasidagi o’zaro munosabatlarni yaqinlashtirishga asos bo’lmoqda. [3]

Har qaysi millatning urf-odatlari ma’naviyati tafakkuri shunchaki bir bo’shliqda shakllanmaydi. Uning vujudga kelishi va rivojlanishida aniq tarixiy manbalar asos bo’ladi. O’zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.Karimov tomonidan 1997 yil 8-yanvardagi 1695-sonli “O’zbek milliy raqs va xoreografiya san’atini rivojlantirish to’g’risida” gi Farmoni qabul qilindi. Mazkur farmon ijrosi yuzasidan qabul qilingan O’zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining 1997-yil 21-fevraldagi 101-sonli “O’zbekistonda milliy raqs va Xoreografiya san’atini rivojlantirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi Qarori o’zbek milliy raqs san’atini istiqboli hamda rivojiga asos bo’ldi. Ushbu qarorda Milliy raqs va Xoreografiya san’atini yanada rivojlantirish, o’zbek raqs san’atining tarixiy an’analarini va usullarini tiklash, uni yanada boyitish ko’zda tutilgan. Qaror ijrosi yuzasidan malakali kadrlarni tayyorlash esa ustuvor vazifaga aylandi. [4]

Aytish lozimki, Toshent Davlat milliy raqs va Xoreografiya Oliy maktabida o’nlab davlat mukofotlari sovrindorlari, O’zbekiston xalq artistlari, O’zbekistonda xizmat ko’rsatgan artistlar, O’zbekistonda xizmat ko’rsatgan madaniyat xodimlari, O’zbekiston Respublikasida xizmat ko’rsatgan san’at arbobi va Qoraqalpog’iston Respublikasi xalq artistlari kabi davlat mukofot sovrindorlariga extirom ko’rsatilishi o’zbek raqsining rivojida muhim ahamiyat kasb etdi.

Xulosa o’rnida shuni aytish mumkinki, bunday yutuqlarning, O’zbekistonning bunday taraqqiyotining, fidoiy va jonkuyar insonlarga berilayotgan ulkan rag’batlarning zamirida tinchlik va xurlik va o’z xalqimizga bo’lgan yuksak iftixor mujassamdir. Zero biz ham bu tinchlik va osoyishtalikni asrab avaylashga, O’zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Abdug’aniyevich Karimov aytganlaridek “Farzandlarimiz bizdan ko’ra kuchli, bilimli, dono, aqlli va albatta baxtli bo’lishlari shart ” degan g’oyani oldinga surib nurli kelajakni yaratishga, iqtidorli yoshlar safini ko’paytirishga munosib xissamizni qo’shishimiz lozim.

Adabiyotlar

1. I.A.Karimov hayoti va ijodi. https://vikipedia.uz.
2. I.A.Karimov Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch. – Toshkent, 2008.
3. N.Zaitova. “O’zbek raqslarida sharqonalik (G.Izmaylova ijodi misolida)” Ilmiy ish. – Toshkent, 2016.
4. I.A.Karimovning 1997 yil 8-yanvardagi 1695-sonli “O’zbek milliy raqs va xoreografiya san’atini rivojlantirish to’g’risida” gi Farmon // lex.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН УЛКАН ҲИССАСИ

Кандахаров С.И., Юлдашев С.А. - ТТЙМИ магистрлари

Темир йўл мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутади. Шу боис мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб юртимизда темир йўллар қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича катта кўламдаги лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда Президентимиз 1994 йилнинг 7 ноябрида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган темир йўл транспорти тармоқ қисмларнинг, корхона,

ташкилот ва муассасалари таркибида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси ташкил этилганлиги темир йўл тармоғи ривожланишидаги улкан қадам бўлди[1].

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги №ПҚ-4720 сонли қарорига асосан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик темир йўл компанияси «Ўзбекистон темир йўллари» Акциядорлик Жамиятига ўзгартирилиши бу соҳага янада инвесторларни жалб этиб, ушбу соҳани ривожлантиришдаги яна бир қадам бўлди. Айни пайтда, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ йиғма балансида инфратузилма ва ҳаракатланувчи таркиб (юк вагонлари ва локомотивлар) бўлганлиги сабабли вертикал интеграллашган жамият ҳисобланади. Мамлакатимиз биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуслари билан мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда янги пўлат изларни (магистрал) шакллантириш бўйича улкан ишлар қилинди. Жумладан, Қизилқум чўлларида Навоий-Учқудуқ-Султонувайстоғ-Нукус темир йўллари қурилди, Амударё орқали темир йўл-автомобил қўшма кўприги барпо этилди, мураккаб тоғ шароитида Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилди, ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ корхоналарида йўловчи ва юк вагонларини серияли ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги Тошгузар–Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линияси тоғли ҳудудда қурилган биринчи линия ҳисобланади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг табиий чегараси вазифасини ўтовчи 1800 м баландликдаги тоғни кесиб ўтади. 10-18,5 % қияликдаги йўлларнинг узунлиги тахминан 64 кмни ташкил этади, 5-10 % қияликда тахминан 35 км. Янги темир йўл қурилиш трассасида 37 та кўприк, галерея ва туннел барпо қилинган. Кўприк қурилиш зоналари кучли ажралма рельефли Ҳисор тоғ тизмалари билан ифодаланади. Бу ҳусусан, ҳавони совитиш мосламаси билан жиҳозланган купели вагонлар, юк вагонларининг энг катта талабга турлари – ёпиқ, нефт маҳсулотлари учун систерналар, яримвагонлар ва бошқалар. Юк ва йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш учун тегишли лицензия ва сертификатлар олинган, вагонлар стандартларга ва 1520 мм ли темир йўл оралиғи талабларига жавоб беради, саноат корхоналарида сифат менежменти тизими ИСО 9001-2000 жорий қилинган.

Бундан ташқари биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг темир йўл ривожига қўшган улкан ҳиссаларидан бири бу 2013 йилнинг 18 июнидаги “«Ангрен – Поп» электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкил қилиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-1985-сонли қарори бўлди. «Ангрен – Поп» электрлаштирилган темир йўл линиясининг қуриб фойдаланишга топширилиши Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа худудлари билан боғлади ва ягона миллий темир йўллар тизими яратиш борасидаги режаларни тўлиқ амалга оширишга замин яратди. Шу ўринда Қамчиқ довони орқали қурилган темир йўл тоннели ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтиш керак. Ушбу лойиҳа тоғли ҳудудда, ўта мураккаб шароитда қуриб битказилди. Тоннелнинг кириш ва чиқиш қисмлари орасида 141 метр баландлик фарқи бор. Тоннел мураккаб рельефли тоғ қатламлари орасида, ер стаҳидан 1200 метр чукурликида ўтган. Ушбу тоннел айнан шундай шароитда қурилган туннел дунёда ягона туннел бўлди[2]. Шуни ҳам инобатга олиш керакки ушбу йўлнинг очилиши Республикамизнинг шарқий қисмини бошқа ҳудудлар билан боғлаб қолмай балки иқтисодий самарадорликка ҳам эришилди. Масалан, ушбу йўналиш бўйича шу бугунга қадар Қамчиқ тоннели орқали 500 минг тоннадан ортиқ юклар Фарғона водийсига ва водийдан Республиканинг бошқа худудларига етказиб берилди.

2003 йил июн ойида, Афғонистон, Эрон ва Ўзбекистон Президентлари Трансафғон транспорт йўлаги ташкил этиш тўғрисида битим имзолади. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва Афғонистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида Ҳайратон-Мозори Шариф темир йўл қуриш лойиҳаси шартномаси имзоланди. Қурилишга расмий старт 2010 йил 22 январда берилди, 2010 йил 4 ноябрда темир йўл буюртмачига топширилди. Бу линиянинг узунлиги 75 км, йўлнинг устки қатламини ётқизиш-105 км, шунингдек бунинг ичида 20 км стантсия йўллари. Трасса суғорилмайдиган зонада трасса бўйлаб 9% максимал қияликда

ҳудуд текисликларидан ўтади, 5 стантсия ва 34 дона сунъий иншоотлар қурилган. Ҳудуднинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қум уюмлаирдан ҳимоя қилиш қурилмалари барпо этилди. Ҳайратон-Мозори-Шариф янги темир йўл линияси Афғонистоннинг энг ривожланган ва аҳоли зич жойлашган шимолий вилоятларини темир йўл ташишларини таъминламоқда ва минтақада қишлоқ хўжалиги, саноат, табиий газ ва гидроенергетика ривожлантиришга ҳисса қўшади. Темир йўл Афғонистоннинг шимолий вилоятлари ва Ўзбекистон ўртасида минимал чиқим билан юк ташишни амалга оширишни таъминлайди, шунингдек, минтақанинг бошқа давлатлари билан ҳам. Бундан ташқари, темир йўл тахминан 1,5 минг кишини доимий иш жойи билан таъминлайди. Бу лойиҳалар бажарилишида Ислом Каримовнинг жонбозлиги алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати йўловчи ташиш соҳасида янги технологияларни жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, темир йўл инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратганлиги боис, Испания томонидан Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйлаб тезюрар йўловчи ташиш ташкил қилиш бўйича таклиф киритилди. 2009 йилнинг июл ойида, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва "Талго" компанияси ўртасида темир йўл соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Бу битим асосида томонлар Ўзбекистон Республикасида тезюрар темир йўл йўловчи ташиш ташкил этиш лойиҳалар ва қўшма тадқиқотларда, шунингдек, юқори тезликдаги "Талго" йўловчи поезди сотиб олиш ҳақида ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. Янги тезюрар поезд номи Афросиёб бу – Самарқанд вилоятида жойлашган қадимий шаҳар шарафига қўйилди. 2011 йил 8 октябрдан «Афросиёб» (Испания компанияси “Талго”) тезюрар поезди Тошкент-Самарқанд-Тошкент 161/162 сонли хабар билан ишга туширилди.

Адабиётлар

1. “Миллий тикланиш” газетаси. ЎзА. Тошкент, 2015.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент, 2011.

ТАРИХИЙ МЕРОС ТИКЛАНИШИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН ШАХС

Нуров М.М. - ТошДАУ талабаси

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти даврида халқимиз тарихи, унинг тарихий хотира ҳамда маданий меросига бўлган катта қизикиш табиий бир ҳолдир. Бу биринчидан, ўтмишсиз келажакни асло тасаввур этиб бўлмаслиги, иккинчидан, халқимиз ўтмишини, моддий ва маънавий бойликларини ўрганишда, тарғиб қилишда ҳозиргача мавжуд бўлиб келган ҳар қандай қотиб қолган ва нохолис қолиплар, империал ва тоталитар фикрлашлар ва ёндошувлардан воз кечишнинг талаб қилинаётганлиги билан характерланади. Шу туфайли ҳам Ўзбекистон миллий мустақилликни кўлга киритиш арафасидаёқ, Республикага И.А.Каримов раҳбар бўлган даврдан бошлаб тарихий хотира ва меросни тиклаш масалаларига бўлган эътибор тубдан ўзгарди.

Тарихий мерос қадим замонлардан бери аждодларимиз, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган тарихий бойликлар – меъморчилик обидалари, ҳунармандчилик соҳалари, сиёсий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари мажмуидир. Тарихий мерос инқилобий йўл билан ҳосил қилинадиган ҳодиса эмас, у жамият тараққиётининг барча босқичларида унинг эҳтиёжлари туфайли юзага келади ва давр ҳаётини акс эттиради, у жамият ўзгариши билан йўқолиб кетмайди, кейинги авлодлар учун маънавий мерос бўлиб қолади.

Жамият маънавиятини юксалтиришда тарихий хотира, аждодлар тарихини билишнинг, миллий-ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. И.А.Каримов 2013 йил 9 май куни хотира майдонида журналистлар билан бўлиб ўтган суҳбатда тарихий хотира тушунчасига яна бир бор ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосда таъриф берган эдилар. “Тарихий хотира – бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини,

ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир".

Тарихий хотира-миллий ғурур ва ифтихор ҳиссининг заминларидан биридир. Миллат ва элатлар узоқ даврда тарихан таркиб топади. Ана шу давр уларга ўзлигини англаш, тили, маданияти, урф-одатлари, маънавиятини вужудга келтириш учун талаб этилади. Тарихий хотира миллатни ана шу ўтмишини билишни, уни таҳлил этишни, тарихдаги ўз ўрнини асослаб беришни талаб қилади. Ўз ўтмишини билмаган халқда миллий ғурур бўлмайди. Яъни у бошқа миллатларга сажда қилади ва шу тариқа ўзини камситади. Миллатнинг тарихий хотираси қанчалик бой, мазмунли ва узвий боғланган бўлса, бу миллат шунчалик уюшган, тадбиркор, ҳаракатчан ва ҳамжиҳат бўлади. Ундай миллат ўз аждодлари шаънига ярашадиган ишларни бажаришга ҳаракат қилади. Ҳозирги замон миллатларнинг ўзаро ижобий ва ижодий мусобақаси даври. Масалан, унча йирик бўлмаган голландлар, шведлар, финлар, данияликлар, корейслар кўп соҳада ҳаммани лол қолдирмоқда. Чунки уларда энг аввало тарихий хотира кучли. Ўз тарихини чуқур билади ва унга содиқ. И.Каримов "Биз 3000 йиллик тарихга эгамиз", деб кўп айтган. Шунинг учун қадимий тарихимизни чуқур ўрганишимиз, Амир Темур, Бобур, Навоий каби улуғлар шаънига мос ишларни қилишимиз, бугунги миллий тараққиётнинг асосий мақсадидир. Тарихдан маълумки, ҳар қандай босқинчи энг аввало халқнинг тарихий хотирасини йўқотишга ҳаракат қилади. Бизда ҳам Чор Россияси ва Шўролар даврида шу сиёсат олиб борилди. Тарихий хотираси йўқ халқ оддий буйруқ бажарувчи хизматкор оммага айланади. Шунинг учун ҳам И. Каримов тарихий хотирани тиклашга, тарих билан халқни қуроллантиришга алоҳида аҳамият берган эдилар. Чиндан ҳам, тарихий хотира одамни беғамлик ва бефарқлик туйғусидан уйғотади, унинг ғафлат ботқоғига ботиб қолишига йўл қўймайди. Бу фикрга ишонч ҳосил қилиш учун Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобига мурожаат қилиш жоиз, деб ўйлаймиз. Ушбу китобдан ўрин олган, 1990 йил 5 июнда республика миқёсидаги катта бир мажлисда мамлакатимиз раҳбари томонидан баён этилган, чуқур сиёсий мазмунга, дастурий аҳамиятга эга бўлган маърузанинг "Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан" деб аталиши буни яққол тасдиқлайди. Юртбошимиз раҳномолигида маънавий-аҳлоқий қадриятларимзни тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатувчи янги босқичга асос солинди ва келажаги буюк Ўзбекистоннинг маънавий камолатида янги уйғониш даври юзага келди.

TINCHLIGIMIZ QALQONI – MILLIY ARMIYA

Milliy armiyaning tashkil topishi va yuksalishiga Islom Karimovning qo`shgan hissasi

Raxmanova M. - O`zMU talabasi

Dunyoning turli burchaklarida millatlararo nizolar, o`zaro qurolli to`qnashuvlar, terroristik harakatlar, siyosiy manfaat tufayli davlat chegaralarida yuz berayotgan qonli urushlar bugungi kunda xalqlarning forovon turmush kechirishiga, mamlakatlarning iqtisodiy jihatdan rivojlanishiga, shuningdek, eng bebaho boylik bo`lmish – tinchlikka rahna solayotganligi barchamizga yaxshi ayondir. O`zbekistonning 26 yillik tarixi davomida yurt tinchligi va osoyishtaligini, mamlakatimiz mustaqilligi va ozodligini saqlab qolish uchun bel bog`lab xizmat qilayotgan Qurolli Kuchlarning tashkil etilishida birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning xizmatlari naqadar beqiyos ekanligini ta'kidlab o`tish lozim.

Qanchadan-qancha buyuk ajdodlarimiz kurashib, aziz hayotlarini fido qilgan, biroq ular erisha olmagan mustaqillikni saqlash, uni umrboqiy qilish - istiqlolning eng dastlabki kunlarida birinchi Prezidentimizning birlamchi niyati, maqsadi bo`lgan. Aynan shuning uchun ham mustaqilligimiz, xalqimiz himoyachisi bo`ladigan o`z milliy armiyamizni tuzish tarixiy zarurat va zamon talabiga aylangandi. "Yillar o`tadi, zamonlar o`tadi, ammo, hech shubhasiz, milliy armiyamizni tashkil etish bilan bog`liq jarayonlar mustaqil O`zbekistonimiz salnomasida, yangi

tarixiy sahifalarida o`chmas harflar yoziladigan buyuk voqealaridan biri bo`lib qoladi[1]" degan so`zlarining nechog`lik haqiqat ekanligini Islom Karimov Qurolli Kuchlar sohasini tubdan isloh qilish bilan bog`liq ishlarni amalga oshirishda yaqqol isbotlab berdi.

Endigina istiqlolni qo`lga kiritgan O`zbekiston olib borayotgan mustaqil siyosatga qarshi bildirilgan ogohlantirish va do`q-po`pisalar, amalda namoyish etilgan tazyiqlar, bir so`z bilan aytganda, O`zbekistonni o`zi tanlagan taraqqiyot yo`lidan qaytarishga qaratilgan jiddiy harakatlar–milliy armiyamizni shakllantirish haqidagi fikr va maqsadlarni uyg`otishga va bu borada amaliy ishlarga o`tishga sabab bo`ldi. Dastlab, bunga qadar tuzilgan Mudofaa ishlari qo`mitasi negizida birinchi Prezidentimiz tashabbuslari bilan 1991-yilning 6-sentabrida Mudofaa ishlari vazirligi tashkil etildi. Mudofaa ishlari vazirligi zimmasiga umumiy safarbarlik, Milliy gvardiyani tuzish, fuqorolar mudofaasini amalga oshirish, harbiy ta`lim sohasini boshqarish, harbiyga chaqirish va muqobil xizmatni tashkil qilish, qo`shinlarni joylashtirish, harbiy texnika va qurol-yarog`larni saqlash va takomillashtirish kabi vazifalar yuklatildi.

"Eng zamonaviy talab va andozlarga javob bera oladigan Qurolli Kuchlarimizning barpo etilishi, xalqimizning tom ma'nodagi faxr iftixoriga aylangan milliy armiyamizning vujudga kelishi davlatchiligimizning shakllanish jarayonida hal etilgan eng muhim vazifalardan biri bo`ldi"[2] deya ta'kidlagan edi I.A.Karimov. 1992-yil 14-yanvarda mamlakatimiz hududida joylashgan sobiq ittifoq Qurolli Kuchlarining barcha qismlari, harbiy o`quv yurtlari, muassasalar va tashkilotlar O`zbekiston Respublikasi tasarrufiga olindi. 1992-yil 24-martda Milliy xavfsizlik xizmati qoshida Chegara qo`shinlari boshqarmasi tashkil etildi va davlat hududidagi barcha chegara qo`shinlari bo`linmalari uning tasarrufiga o`tkazildi. Shu yilning 18-may kuni esa havo desant qo`shinlari, harbiy transport aviatsiyasi, razvedka qo`shinlari, ta'minot qismlari, 12-noyabrdan havo hujumiga qarshi harbiy qismlar, 13-noyabrdan esa kimyoviy harbiy qismlar O`zbekiston Qurolli Kuchlari tarkibiga o`tkazildi[3]. "Qurolli Kuchlarning mamlakat suvereniteti va hududiy yaxlitligini saqlash, xalqimizning tinchligi hamda bunyodkorlik mehnatini himoyalash, yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashdagi ahamiyatini inobatga olib hamda 1992-yil 14-yanvarda mamlakat hududidagi harbiy qism va bo`linmalarning davlatimiz tasarrufiga o`tkazilishi munosabati bilan O`zbekiston Respublikasining 1993-yil 29-dekabrdagi qonuniga binoan 14-yanvar yurtimizda "Vatan himoyachilari kuni" deb e'lon qilindi[4] ". Shu tariqa professional, har tomonlama chuqur bilimga ega bo`lgan, yuksak harbiy ta'limga ega, o`z xalqiga, ona zaminiga sadoqatli bo`lgan, Vatanining sha'ni va qadr-qimmatini oxirigacha himoya qila oladigan jangchilarga ega bo`lgan armiyani bosqichma bosqich vujudga keltirishdan iborat sharafli vazifa amalga oshirildi. Keyingi bosqichlarda Islom Karimovning qaror va farmonlariga binoan O`zbekistonda yuqori malakali ofitser kadrlar tayyorlash tizimi yaratildi. Toshkent umumqo`shin komandirlari, Samarqand avtomobilchi komandir – muhandisligi, Chirchiq tankchi komandir-muhandisligi, Jizzax harbiy aviatsiya oliy bilim yurtlari, Toshkent axborot texnologiya universitetida tashkil etilgan maxsus fakultet Qurolli Kuchlar saflariga turli mutaxasisliklar bo`yicha yuqori malakali komandirlar tayyorlab yetishtirmoqda. Toshkenda oliy qo'mondonlar tayyorlovchi Qurolli Kuchlar akademiyasi tuzildi. Harbiy akademiyada zamonaviy harbiy bilimlarni egallagan sharq sarkardalarining, avvalo, sohibqiron Amir Temurning harbiy san'atini, jahon harbiy ilmi va jangovar tayyorgarligini ilg'or tajribalarni o`zlashtirgan oliy qo`mondonlarni tayyorlash yo`lga qo`yildi. Bugungi kunga kelib, O`zbekiston Qurolli Kuchlari zamonaviy qurol-yarog`lar va texnika vositalari bilan ta'minlangan, jangovorlik xususiyatlarini o`zida to`la namoyon eta oladigan armiyaga aylandi. Buning yorqin dalili sifatida Global Firepower reytinggi tomonidan berilgan ma`lumotlarni keltirib o`tadigan bo`lsak, 2015-

[1] I.A.Karimov - "Milliy armiyamiz mustaqilligimizning, tinch va osoyishta hayotimizning mustahkam kafolatidir" T; "O`zbekiston", 2003; 23-b.
[2] I.A.Karimov. Tom №10 "Xavfsizlik va tinchlik uchun kurashmoq kerak." - T; "O`zbekiston" 93-b.
[3] "Armiya - davlat tayanchi, tinchlik kafolati" "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi; Toshkent – 2004; 13-b.
[4] I.A.Karimov - "Milliy armiyamiz mustaqilligimizning, tinch va osoyishta hayotimizning mustahkam kafolatidir" - T; "O`zbekiston", 2003; 22-b.

yilga kelib O`zbekiston armiyasi jahonning 106 mamlakati qurolli kuchlari o`rin olgan jahon armiyalari reytingiga 48-o`rinnini egalladi[1].

Xulosa o`rnida shuni aytib o`tish joizki, birinchi Prezidentimizning bu boradagi orzu-maqsadlari to`laligicha amalga oshishda davom etmoqda deyish mumkin: "Mening orzuim shuki, armiyamiz xalqimiz, millatimizning ming yillar davomida shakllangan asl qiyofasi, azaliy qadriyatlari va hislatlarini o`zida mujassam etsin, uning saflarida xizmat qiladigan farzandlarimiz o`zi tug`ilib o`sgan, voyaga yetgan, ota-bobolarining xoki yotgan muqaddas zaminimizga bir umr sadoqatli bo`lsin[2]" deb ta'kidlagani bejizga emas. Zero tarix sahifalarida o`zining nomini o`chmas harflarda muhrlagan ulug` ajdodlarimiz: Jaloliddin Manguberdi, Amir Temur, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi harbiy sarkardalarning munosib izdoshlari, vataniga, o`zi tug`ilib o`sgan ona zaminiga, xalqiga sadoqatli, ularning osoyishtaligi, farovon hayoti uchun jonini fido qiluvchi mard o`g`lonlardan iborat milliy armiyamiz muqaddas ona yurtimiz hisoblanmish O`zbekistoning po`lat qalqoni, tinchlik osmoninining mustahkam ustunlaridir.

Adabiyotlar

1. I.A.Karimov Milliy armiyamiz mustaqilligimizning, tinch va osoyishta hayotimizning mustahkam kafolatidir T; "O`zbekiston", 2003.
2. I.A.Karimov. Xavfsizlik va tinchlik uchun kurashmoq kerak. - T; "O`zbekiston".
3. Armiya - davlat tayanchi, tinchlik kafolati. Toshkent: "Sharq", 2004.
4. www.GlobalFirepower.com – "2015 Military Strenght Ranking".

ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АСОСЧИСИ

Муратова Д.А.- ТТЙМИ ўқитувчиси,
Убайдуллаев А.М. - ТТЙМИ магистри

Мустақиллик – бу, аввало, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимизнинг кафолати, демакдир. Ушбу ғоятда таъсирчан шиорни бугунги кунда ҳар бир ўзбекистонлик ўз қалбидаги бемисл фахру ғурур, бахтиёрлик ва шукроналикнинг ёрқин, самимий ифодаси сифатида қабул қилмоқда мамлакатлар, халқлар тақдирида нафақат халқ балки халқни ўз кетидан эргаштира оладиган буюк шахслар фаолияти ҳам муҳим ўрин тутишига кўҳна тарих гувоҳ. Тарихдан маълумки, мустақилликка эришмоқ жуда қийин иш. Лекин уни асрамоқ истиқлол йўлига кирган ўлкани бўҳронлар ботқоғидан олиб чиқмоқ, турли – туман ёвуз кучлар ҳуружидан асрамоқ янада қийинроқ. Бу иш беқиёс фидойиликни, чинакам довюракликни, улкан ақл-заковатни талаб қилади.

Ислом Абдуғаниевич Каримов - мустақил Ўзбекистоннинг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузим қарамлигидан озодқилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, дунёда "Ўзбек модели" деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў – эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида ватанимиз тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди.

Халқимиз ўзининг тарихан қисқа муддат ичида эришган барча ютуқ ва марраларини айнан Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов номи билан боғлайди ва шу улуғ инсоннинг хизматларини юксак баҳолайди. Ислом Абдуғаниевич Каримов ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди. У 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Ўрта Осиё политехника ва Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатган, мухандис-конструкторлик ва иқтисодчи мутахассислигини эгаллади, илм билан шуғулланди. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди ва шу жумладан, 1996 йилда Боку

[1] www.GlobalFirepower.com – "2015 Military Strenght Ranking"
[2] I.A.Karimov - "Milliy armiyamiz mustaqilligimizning, tinch va osoyishta hayotimizning mustahkam kafolatidir" - T; "O`zbekiston", 2003, 29-b.

давлат университети фахрий доктори унвонини, Жавохарлал Неру номидаги университет фахрий доктори 1994 йил январда, 1992 йил декабрда Ал-Азҳар университети фахрий доктор унвонини, 1992 йил июнда Сеулдаги Соганг университетининг фахрий фан доктори бўлган. Олий мажлиснинг 1996 йилдаги 269-1 қарори асосида Мустақиллик ордени билан тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 1994 йилдаги 1048-ХР-қарори асосида Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини, Олтин юлдуз медалига лойиқ кўрилган. 1997 йилда Осиё олимпия кенгаши Олтин медал фахрий унвонини олган. Корея Республикаси ҳукумати катта Могунхва-2 ордени билан тақдирлади. 1996 йил апрел ойида Юнесконинг Авиценна олтин медали билан тақдирланган. Евроосиё халқаро кикбоксинг федерациясининг хотира кубоги унвони билан тақдирланган.

ХХ асрнинг 80-йиллари поёнида собиқ СССРда сиёсий вазият кескинлашди, республикаларда аҳолининг давлат сиёсатига нисбатан норозилиги кучайди. Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашди. Бу ҳолат Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий аҳволи танг ҳолатда эканлигидан дарак берар эди. Ўзбекистон маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича иттифоқдош республикалар орасида 12-ўринда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад умимиттифоқ кўрсаткичидан 2 баробар кам, республика аҳолиси турмуш даражаси бўйича СССР да охирги ўринлардан бирида эди. Республика иқтисодий потенциалининг 70% ни фақат хом-ашё ташкил қилар эди. Энг ачинарлиси, ўзимиздан олиб кетилган хом-ашёдан тайёрланган газламалар, махсулотлар ўзимизга бир неча баробар қимматга сотиларди. Бу – Марказий Комитет бошчилигидаги кучларнинг адолатсизлиги ва тазйиқлари авж олган, ўзбек халқи ноҳақ таҳқир ва ҳақоратларга учраган давр эди. Бундай аянчли ҳолатдан чиқиш, ўзбек халқи номини ноҳақ таҳқир ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш, ҳалқимизнинг ор-номуси, миллий ғурурини тиклаш Республика раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримовдан фидоийликни, жасоратни талаб қиларди. СССР да юз берган қалтис сиёсий вазиятни ўнглаш, давлат бошқарувини мустаҳкамлашни талаб этарди. 1990 йил 14 мартда СССР да президентлик бошқаруви институти жорий этилди. 10 кун ўтар-ўтмас 24 март 1990 йили Ўзбекистонда ҳам президентлик бошқарувига асос солинди. Бу халқимизнинг асрий мустақилликка эришиш орзусининг рўёбга чиқишида муҳим қадам бўлди. 1991 йил 31 август Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритган тарихий сана ҳисобланади. Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий тараққиётнинг “Ўзбек модели” ўзининг ҳаётийлигини Ўзбекистоннинг асрий қолоқликдан холос бўлганида, илғор изчил ривожланиб, тобора чирой очиб, гуллаб – яшнаётган ўлкага айланганида, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборининг тобора ортиб бораётганлигида ўз ифодасини топди.

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанаси маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” номли маърузаларида таъкидлаганидек: “Биринчи Президентимиз ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас ва ёркин из қолдирди”.

Адабиётлар

1. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2014.
2. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир”. –Тошкент. “Ўзбекистон”. 2015 йил.
3. Леонид Левитин, Доналд С.Карллайе. Ислом Каримов-янги Ўзбекистон Президенти. “Ўзбекистон овози”, 1996 йил 13 июн.
4. Озод Шарафутдинов. Мустақиллик меъмори. “Тафаккур” журнали, 2003 йил 1-сон, 5-17 бетлар.

I.A.KARIMOV ASARLARIDA YOSH AVLOD TARBIYASIGA OID QARASHLARNING USTUVOR JIHATLARI

Asranova F.A. - ADU o'qituvchisi
Qo'ldosheva G.Q. - ADU talabasi

Ota-onaning eng muqaddas orzusi- farzandining baxt-u saodatini ko'rish. Bugungi kunda bu masala nafaqat ota-onalar,balki davlatimiz, jamiyatimizning ustuvor maqsadiga aylandi.

Zero, Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov asarlarida ilgari surilganidek, "Hozirgi eng muhim, eng dolzarb vazifamiz- jamiyatimiz a'zolari, avvalambor , voyaga yetib kelayotgan yosh avlodni kamol toptirish, ularning qalbida milliy g'oya, milliy mafkura, o'z Vataniga mehr sadoqat tuyg'usini uyg'otish, ularni o'zligini anglash, milliy va umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalashdan iboratdir". Afsuski, dunyoda yoshlar dunyoqarashini buzishga qaratilgan xatti-harakatlar tobora avj olayotgani ko'zga tashlanmoqda. O'z Vatanini yomon ko'rsatish, o'tmishga nisbatan bepisandlik ruhini singdirish, davlat va jamiyatga, kelajakka nisbatan ishonchsizlik hissini uyg'otish – yoshlar dunyoqarashini buzishga qaratilgan g'oyalardir. Buning aksi o'laroq, G'arb hayoti xuddi jannatdek ko'klarga ko'tarib maqtalmoqda.

Biz o'zgalar turmush tarzi, axloqini ko'r-ko'rona qabul qilmaymiz. Bu bizning asriy an'analarimizga yot. I.A.Karimov ta'kidlaganlaridek: Bugungi zamon voqe'likka ochiq ko'z bilan real va hushyor qarashni, jahonda va yon atrofimizda mavjud bo'lgan, tobora kuchayib borayotgan ma'naviy tahdid va xatolarni to'g'ri baholab, ulardan tegishli xulosa va saboqlar chiqarib yashashni talab etmoqda" . Demak, avvalo, har bir ota-onaning mafkurasi mustahkam bo'lsa, oila, farzandlar, butun mamlakat aholisining mafkurasi mustahkam bo'ladi. Buning uchun har bir ota-ona farzandini o'z domiga ilintirishga intilayotgan buzg'unchi go'yalarning mazmun mohiyatini va maqsad muddaosini teran bilib qo'yishi shart. Biroq o'tkazilayotgan tadqiqotlar ota-onalarning dunyodagi ma'naviy tahdidlar haqida bilimlarni zamon talablari darajasida emasligini ko'rsatmoqda. Shu bois, ota-onalar bilan dunyoning mafkuraviy manzarasi to'g'risida suhbatlashishga ehtiyoj tug'ildi. Chunki: "Qush uyasida ko'rganini qiladi". Mafkura, go'ya masalasida ham.

Hozirgi vaqtda millat, Vatan himoyasi barchamizdan hushyorlik, ogohlik, kurashchanlikni talab etmoqda. Demak, har birimiz ana shu xislatlarni namoyon qilishga tayyor bo'lmog'imiz kerak. Bu o'rinda oilalarda mafkuraviy tarbiyaning yo'lga qo'yilishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Bugun hech kimga sir emas, fuqarolar xulq-atvorida, xatti-harakatida "ro'y berayotgan ayrim salbiy holatlar, yovuz ishlar, avvalo, mafkuraviy bo'shliq tufayli sodir bo'lmoqda".

Xayolparast, erinchoq, "nima ishim bor", "menga tegmasa bo'ldi, nima qilsa ham mayli" deydiganlar har doim millat oyog'iga bog'langan tosh bo'lishgan. Shunday ota-onalarning bolalari xizbut tahrirga, akromiy kabilarga lahim go'sht bo'ldi. So'fi Olloyorning : "Aqida bilmagan shaytonga eldir, Agar ming yil ibodat qilsa-yeldir"-degan ajoyib gapi bor. Aqidasi ota-bobolariga bog'lanmagan yoshlar yo'ldan ozadi.

Jaholat izg'ib yurgan jahonda ma'rifatli otalarning loqaydlik to'shagida yonboshlab yotishi bizga yarashmaydi. I.A.Karimovning: "Albatta, farzandga mehr qo'yish, ularning qornini to'q, ustini but qilish o'z yo'li bilan, lekin bolalarimizning yoshlik chog'idan boshlab milliy g'oya, axloq-odob, yuksak ma'naviyat asosida voyaga yetkizish biz uchun doimo ahamiyat kasb etib kelgan. Bu masalaga e'tibor bermaslik nafaqat ayrim ota-onalar, balki butun jamiyat uchun juda qimmatga tushishini ham ko'pgina hayotiy misollarda ko'rish mumkin", - degan fikrlari hammaga davr uchun qimmatlidir . Ushbu fikrlardan kelib chiqib, bir narsadan kechmay, ikkinchi narsaga yetib bo'lmaydi. Xo'sh, ana shu maqsadga erishish uchun nimadan voz kechishimiz zarur degan savol tug'iladi. Birinchi Prezidentimiz bolalarimizni kurashchan, jo'shqin, g'ayratli, vatanparvar qilib tarbiyalashimiz uchun hafsalasizlikdan, "bizga bo'laveradi" dan, o'zlarining va qo'shnilarining bolalari xulqiga, tarbiyasiga loqaydlikdan, degan fikrlariga amal qilishimiz kerak deb hisoblaymiz.

MUSTAQILLIK YILLARIDA TELEVIDENIYE VA TARAQQIYOT

Nurmanova B.A. - O'zDSMI magistri

"Bu hayot, bu umr Amudaryo suvidek tez va shiddat bilan o'tib ketadi, lekin insonning ezgu ishlari, ezgu xotirasi boqiy yashaydi".

Islom Karimov

Bugun mamlakatimiz tom ma'noda islohotlar maydoniga aylandi. Bu o'zgarishlar zamirida esa birinchi o'rinda yoshlarimizni turli yot g'oyalardan asrashdek ulkan vazifa turadi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev "Birinchi Prezidentimiz muhtaram Islom aka bilan faxrlanamiz, u kishi boshlagan ishlarni mutlaqo yangicha miqyos va talablar asosida davom ettirishni o'zimiz uchun yuksak burch va mas'uliyat deb bilamiz" degan haqli da'vatlarida yillar davomida yoshlar ongida paydo bo'lgan mafkuraviy bo'shliqni turli xatar va g'oyalardan himoya qilishni nazarda tutgan desak yanglishmaymiz. Chunki, Shavkat Mirziyoyev prezidentlikni boshlagan ilk kunlaridanoq xalq va hokimiyat o'rtasidagi uzviylikni taminlashni o'zining asosiy ustuvor vazifasi deb bildi. Shu bois, 2017 yilni "Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili" deb nomladi. Mana shu qisqa davr mobaynida har bir sohaga bo'lgan xalqning fikri o'rganildi va tanqidiy taxlil qilindi. Natijada hal qilinishi zarur bo'lgan ko'plab mummolar ko'zga tashlanib qoldi. Mafkuraviy bo'shliqning paydo bo'lishidagi asosiy omillardan biri san'at va madaniyat sohasida qanchalik keng ko'lamli ishlar qilingan bo'lmasin, yetarli emasligi namoyon bo'ldi. Demak tarixni o'rganish xatoni ikkinchi bor takrorlamaslik imkonini beradi. Shundan kelib chiqib, bugun biz mavzuni san'at va madaniyat sohasida birinchi prezidentimiz Islom Karimov boshchiligida qilingan ishlar haqida to'xtalishni joiz deb bildik. Zero tarix ertangi taraqqiyot asosidir. Shavkat Mirziyoyev bu haqda to'xtalar ekan, "Bugun biz xalqimizni ishontirib, baland ovoz bilan aytishimiz zarurki, buyuk ustozimizning siyosiy merosi, ya'ni, u kishi belgilab bergan taraqqiyotimizning asosiy tamoyillari, ustuvor yo'nalishlar, maqsad va vazifalarni so'zsiz va to'liq amalga oshirish biz uchun ham qarz, ham farzdir".

Albatta, mustaqillik yillarida amalga oshirilgan barcha islohotlar insonni nafaqat moddiy balki ma'naviy yetuklikka eltuvchi o'zgarishlarga asos bo'ldi desak adashmaymiz. Barcha sohalarda bo'lgani kabi televideniye sohasida ham qator islohotlar amalga oshirildi. Xususan, birinchi navbatda sohaning huquqiy bazasiga e'tibor qaratilib, rivojlangan davlatlar tajribalarini o'rganish boshlandi. Mustaqillik yillarida ommaviy axborot vositalari faoliyatini tartibga soluvchi qator qonun hujjatlari, qaror va farmonlar qabul qilindi. Undan tashqari bosh qomusimizning 67-moddasida "Ommaviy axborot vositalari erkindir va qonunga muvofiq ishlaydi. Ular axborot to'g'riligi uchun belgilangan tartibda javobgardirlar. Senzuraga yo'l qo'yilmaydi" deb belgilab qo'yilgani ommaviy axborot vositalarining naqadar zarur tarmoq ekanligining amaldagi isbotidir.

Islom Karimov Milliy kadr masalasining dolzarb ekanligini ko'p bor ta'kidlagan. Bu borada bir qancha amaliy ishlar bajarilgan. Jumladan, 2009 yilda Toshkent axborot texnologiyalari universitetida "Televideniye texnologiyalari" fakulteti hamda Respublika televideniye va radio kasb-hunar kolleji ochilgan bo'lsa, 2012 yil 4 iyunda Toshkent davlat madaniyat instituti hamda O'zbekiston davlat san'at instituti negizida O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining tashkil etilishi bu borada qilingan ishlarning amaliy natijasidir.

Undan tashqari, televideniye dasturlarini kengaytirish va yoshlar auditoriyasini qamrab olish maqsadida mustaqillik yillarida bir nechta yangi teleradiokanallar o'z ish faoliyatini boshladi. Bu haqida jurnalist Ilmira Rahmatullayeva o'z monografiyasida quyidagicha ma'lumot beradi: "1998 yilning 1 sentabridan boshlab O'zbekiston televideniyesida yangi mustaqil kanal – "Yoshlar" telekanali o'z faoliyatini boshladi. O'zbekiston Prezidenti Islom Karimovning tashabbusi bilan mamlakatimiz yoshlari hayotining deyarli barcha qirralarini yoritish, ularni mustaqil davlatimizga munosib avlod qilib voyaga yetkazish yo'lida ish boshlagan kanalga "Yoshlar" degan nom berildi". [1., 82-b]

"Yoshlar" telekanalining tashkil etilishi o'sib kelayotgan yosh avlodni mustaqil fikrlashga, o'z kelajagini yurt kelajagi bilan bog'lay oladigan, vatan himoyasi, ravnaqi yo'lida

bor kuch g’ayrati bilan kurashadigan yoshlarni badiiy-g’oyaviy jihatdan tarbiyalash, hayotga tik qarash kabi maqsadlarni targ’ib qilishni o’z oldiga ulkan vazifa qilib qoydi.

2011 yil 24 fevraldagi “O’zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi Mediamarkazi faoliyatini tashkil etish to’grisida”gi qaroriga asosan O’zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi “O’zbekiston MTRK Mediamarkazi” davlat unitar korxonasi tashkil etildi. 2012 yil 30 iyulda esa O’zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi tarkibida “Madaniyat va ma’rifat”, “Dunyo boylab” kabi telekanallar tashkil etildi va ular o’z faoliyatlarini mustaqil olib borishlari belgilab qoyildi.

2012 yil 12-noyabrdagi Oliy Majlis palatalarining navbatdagi qo’shma yig’ilishida Prezidentimiz “Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi”da axborot soxasiga alohida to’xtalib o’tdi.

“Mamlakatimizda fuqarolarning axborot sohasidagi huquq va erkinliklarini ta’minlash borasida amalga oshirilgan keng ko‘lamli ishlarni tanqidiy baholar ekanmiz, muhim bir masalaga alohida e’tibor qaratishimiz zarur, deb o‘ylayman. Ya’ni, bu o‘rinda gap ommaviy axborot vositalari va davlat hokimiyati organlari o‘rtasidagi munosabatlarning ustuvor jihatlarini to‘g‘ri belgilash, jumladan, ommaviy axborot vositalari faoliyati ustidan nazorat qilishning iqtisodiy mexanizmlarini, axborot manbalarining yopiqligini, shuningdek, tahririyatlarga hokimiyat organlari va ma’muriy tuzilmalar tomonidan bo‘layotgan ma’lum darajadagi bosimlarni bartaraf qilish bilan bog‘liq muammoli masalalarni hal etish haqida bormoqda”. [2, 39-b]

Mustaqillik yillarida ommaviy axborot vositalari faoliyatini optimallashtirish maqsadida “Davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari faoliyatining ochiqligi to‘g‘risida”, “Teleradioeshittirishlar to‘g‘risida”, “Telekommunikatsiyalar to‘g‘risida”, “Ommaviy axborot vositalari to‘g‘risida” “Reklama to‘g‘risida”, «Mualliflik huquqi va turdosh huquqlar to‘g‘risida»gi qonunlar qabul qilindi. Qabul qilingan qonunlar va boshqa qator qonunchilik hujjatlariga tegishli o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritildi. Bu esa yangi siyosiy shart-sharoitda ommaviy axborot vositalari sohasidagi demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirishni ta’minladi.

Xulosa o’rnida shuni ta’kidlab o’tish joizki, mustaqillik yillarida soha rivojida olib borilgan ishlar ko‘lami keng. Biroq, moddiy texnik baza shakllantirilishiga qaramay yoshlar ongida yot g‘oyalarga ergashish sezilarli darajada ko’rinayotgan edi. Buning asosiy sabablaridan biri televidenie sohasida yoshlarni o‘ziga jalb qiladigan va yot g‘oyalardan asraydigan ko‘rsatuvlar kamligida deb baholash mumkindir. Sohada olib borilgan islohotlar ota-bobolarimizdan qolgan buyuk moddiy-ma’naviy merosni yuksak darajada yoshlar ma’naviyatini boyitishga xizmat qilmoqda.

Adabiyotlar

1. Ilmira Rahmatullayeva. Televideniye va yoshlar: kecha va bugun. Toshkent, “Yangi asr avlodi”. 2005.
2. Karimov I., “Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi”. Toshkent, “O’zbekiston”, 2011.
3. O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Toshkent, “O’zbekiston”, 2017.
4. O’zbekiston Respublikasining qonun hujjatlari.

MUSTAQILLIK YILLARIDA MILLIY-MA’NAVIYATNI TIKLASH VA RIVOJLANTIRISHDA ISLOM ABDUG’ANIYEVICH KARIMOVNING XIZMATLARI

O’rinboyev R.R. - TTYMI talabasi

Malikov B.Q. - TTYMI o’qituvchisi

“Ma’naviyat – insonni ruhan poklanish, qalban ulg’ayishiga chorlaydigan, odamning ichki dunyosini, irodasini baquvvat, iymon-e’tiqodini butun qiladigan, vijdonini uyg’otadigan beqiyos kuch”[1].

Mustaqillikni qo’lga kiritishimizdan oldin kim Abu Mansur Motrudiy, G’azzoliy, Imom At–Termiziy, Imom Al–Buxoriy, Naqshband kabi allomalarimizning ismlarini tilga olar edi,

[1] Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. Toshkent “Ma’naviyat”, 2008, 19-bet.

ularning bizga meros qilib qoldirgan boy ma’naviy manbaalarini o’rganar edi? Kim Islom dinini, Qur’oni Karimni, diniy hadislarni o’zlashtira olar edi? Kim Zahiriddin Muhammad Bobur, koinot sultoni bo’lmish Mirzo Ulug’bek kabi madaniyatimiz, ma’naviyatimiz yulduzlarini erkin – emin tilga olar edi? Kim Cho’lpon, Fitrat, Qodiriy, Usmon Nosir, Behbudiy singari ma’rifatparvar, ulug’ bobokalonlarimizni eslay olardi?

Shu singari savollarning chegarasi yo’q. Shu va shunga o’xshash savollarning o’zi ham milliy ma’naviyatimizning toptalganligidan dalolatdir.

Faqatgina, bundan 27 yil oldin biz yashayotgan jannatmakon zaminda misli ko’rilmagan voqea yuz berdi. 1991 yil 31 avgust sanasida butun o’zbek xalqi yuraklarida hayajon bilan marhum birinchi prezidentimiz Islom Abdug’aniyevich Karimovning nutqini tingladilar. I.A.Karimov: “Men shu bugundan e’tiboran 1 sentabrni Jumhuriyatimizda mustaqillik kuni umumxalq bayrami deb e’lon qilishni taklif etaman”. Bu nutqni eshitgan o’zbek xalqining ko’zlariga yosh keldi. Mustaqillikni qo’lga olishimiz sababli, ma’naviy merosimizni, tariximizni o’rganish, jahonda birinchilar qatorida bo’lish va sivilizatsiyada yetakchi bo’lish, demokratik davlat qurishdek baxtga ega bo’ldik.

Bunday yutuq va imkoniyatlarga ega bo’lishimizga millatimizning, xalqimizning sevimli farzandi, vatanparvar va millatparvar insoni, davlat va siyosat arbobi Islom Abdug’aniyevich Karimov janobi oliylarining rahbarlik va yetakchilik ro’li juda katta ahamiyatga ega bo’ldi deb ayta olamiz.

Marhum birinchi prezidentimiz Islom Karimovning milliy va ma’naviy tiklanishimizda ko’rsatgan xizmatlari haqida fikr yuritar ekanmiz, bu insonning konseptual g’oyalar ishlab chiqish, ularni amalda qo’llash borasida qilgan ulkan xizmatlari haqida alohida ta’kidlash lozim bo’ladi.

1994 yildayoq mamlakatimizda “Ma’naviyat va Ma’rifat” jamoatchilik markazini tuzish to’g’risida farmon chiqarganligi va amalda bajarilganligi. Mustaqillik yillarida madaniy va ma’naviy merosimiz rahnamolari nomlari tiklanganligi va bu buyuk insonlarning tavallud topgan kunlarini bayram tariqasida har bir ilm dargohlarida nishonlanayotganligi, ularning har qanday asarlari nashriyotlarda chop etilayotganligi har bir yurtdoshlarimiz ko’zlariga quvonch ko’z yoshlarini olib kelmoqda. Chunonchi, 1998 yilda Imom Al–Buxoriy hazratlarining 1225 yilligi, Bahouddin Naqshband tavalludining 675 yilligi, Ahmad Al–Farg’oniyning 1200 yilligi, Najmiddin Kubro tavalludining 850 yilligi kabi bayramlarda o’zi bosh–qosh bo’lganliklarini ta’kidlash lozim.

Amir Temur, Zahiriddin Muhammad Bobur, Mirzo Ulug’bek kabi ajdodlarimiz nomlari qayta tiklandi. Amir Temur tavalludining 660 yilligi, Mirzo Ulug’bekning 600 yilligi keng nishonlanmoqda va shu sababli yurtimizda beqiyos ma’rifiy – ma’naviy ishlar amalga oshirilmoqda. Mustaqillik tufayli milliy istiqlolimiz kurashchilari Cho’lpon, Abdulla Qodiriy, Usmon Nosir, Fitrat, Behbudiy shu va boshqalarni nomlari tiklandi, asarlari nashr etildi, ular tavallud topgan kunlar umummilliy bayramlarimiz sifatida nishonlanmoqda. Mustaqil bo’lganimizdan so’ng Islom dinining Qur’oni Karim kitobi o’zbek tiliga tarjima qilindi va Imom Al–Buxoriyning to’rt jildlik hadislari, Xo’ja Ahmad Yassaviyning “Hikmmatlar” to’plami, Qur’oni Karimning sharhlariga oid kitoblar ko’p nusxada chop etildi va ulardan butun mamlakatimiz aholisi foydalanayotganiga guvoh bo’lamiz. Iyd Ramazon va Qurbon Hayit kunlari diniy bayramlarimiz bo’lib nishonlanmoqda. Navro’zi olam bayrami esa vatandoshlarimiz hayotida mustahkam o’rin oldi. Har yilda 3000 dan ziyod yurtdoshlarimiz muborak HAJ safarini ado etmoqdalar. Ko’plab masjid va madrasalar qayta rekanstruksiya qilinmoqda. Yuqorida keltirganlarimizning barchasiga xalqimiz adolatli ravishda marhum birinchi prezidentimiz Islom Abdug’aniyevich Karimovni esga olishadi.

Milliy – ma’naviy tiklanishimiz borasida marhum prezidentimiz tomonidan amalga oshirilgan ishlar qatoriga quyidagilarni qo’shish lozim:

- Milliy – ma’naviy tiklanishning ilmiy – nazariy konsepsiyasini ishlab chiqqanligi, madaniy – ma’naviy taraqqiyotimizning XXI asrdagi vazifalarini aytib o’tganligi.

- Milliy – ma’naviy tiklanish davlatimizning totalitarizmdan demokratik davlatga o’tish sharoitida o’ziga xos xususiyatlarini asoslab berganligini ham ta’kidlab o’tishimiz lozim.

Marhum prezidentimiz tomonidan royobga chiqarilgan barcha ishlar fuqarolarimizni va yurtimizni qaddini ko’tarmoqda, millatimiz abadiyligini, tinchligimiz abadiyligini mustahkamlamoqda.

2016 yil 2-sentabr bu kun butun o’zbek xalqining yuraklari tilka-pora bo’lgan kundir. Sababi, Islom Karimov bu olamni tark etdi. Bu inson fuqarolarimiz qalbida abadiy-abad saqlanib qoladi. Biz sizni hechqachon unutmaymiz bobojon!

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch. T., "Ma'naviyat", 2008 y
2. Karimov I.A. O’zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. T., “O’zbekiston”, 2011.

BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA BIRINCHI PREZIDENTIMIZ ISLOM KARIMOVNING MA’NAVIY MEROSI

Qayumova Sh.T. - GulDU talabasi

Bugun biz yashayotgan musaffo osmon ostida, erkinlik havosidan nafas olib, ertangi kunimizni hech qanday hadiksiz, aksincha cheksiz orzu-umidlar, yangi maqsadlar bilan kutadigan tinch-totuv zamon, garchi ko’plab mustaqillik yoshlari uchun go’yoki avvaldan shunday bo’lib kelgan va shunday bo’lishi muqarrardek tuyulsa-da, bu hayot ko’p emas, bor yo’g’i yarim asr oldin butun bir xalqimizning buyuk orzusi edi. Ichdan nurab borayotgan Sobiq Sovet Sotsialistik Respublikasining saqlanib qolishidan manfaatdor bo’lgan hukumat amaldorlari qo’lidagi qon tomib turgan qamchisidan hayiqmay xalqining asriy orzusini amalga oshirish uchun o’zbekning mard va vatan uchun jonfido farzandi maydonga chiqdi hamda mustaqilligimizni ulardan tortib oldi. Hammaning ham chekiga tushavermaydigan mana shunday eng buyuk jasorat – “ma’naviy jasorat” ko’rsatgan inson O’zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti Islom Karimovdir.

Rivojlanishning tadrijiy-evolutsion yo’lini tanlagan holda taraqqiyotning “o’zbek modeli”ni ishlab chiqqan birinchi yurtboshimiz iqtisodiy va yana boshqa sohalar bilan bir qatorda ma’naviy soha islohotining ham naqadar muhim ekanligini ta’kidladi: “… bizga zarba bo’lib tushgan eng og’ir tanglik iqtisodiy emas, balki ma’naviy tanglikdir. Asrlar mobaynida qaror topgan axloqiy-ma’naviy qadriyatlarni g’oyaviy qarashlarga qurbon qilish oqibatlarini bartaraf etish iqtisodiyotni tartibga keltirishdan ko’ra ancha mashaqqatli bo’ladi.”[1] Darhaqiqat, 130 yil mobaynida kommunistik va attestik g’oyalar majburlab singdirilgan xalqning ongini zudlik bilan milliy istiqlol g’oyalari asosida qayta shakllantirish, sovet davrida eskilik sarqitiga chiqarilgan diniy qadriyatlarimizni tiklash, asriy udumlarimiz, milliy an’analarimizni qaytarish yangi hayot qurish yo’lidagi eng muhim va og’ir vazifalardan biri edi. Bu haqda Islom Karimovning o’zi shunday deydi: “Biz o’z mustaqilligimiz va suverenitetimizning dastlabki kunlaridan boshlab o’tmishda shakllangan ta’lim tizimini tubdan isloh qilmasdan turib, eski kommunistik mafkuraning qolip va aqidalaridan butunlay voz kechmasdan, yoshlarning ongida demokratik qadriyatlarni mustahkamlamasdan turib yangi jamiyatni barpo etib bo’lmaydi, degan qat’iy xulosaga kelgan edik.”[2]

Jumladan, “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” asari jonajon Vatanimiz – mustaqil O‘zbekiston tarixida chuqur iz qoldirgan buyuk va jonkuyar bobomiz, birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning xalqimiz, xususan, yurtimiz kelajagi bo‘lmish yoshlar ma’naviyatini yuksaltirish va shu bilan birga mustaqillikni mustahkamlab, mamlaktimizni yanada taraqqiy toptirish g‘oyalarini keng tarannum etish yo‘lidagi ulkan qadami bo‘ldi desak aslo mubolag‘a bolmaydi. Shu nuqatai nazardan bu asar ahamiyatini muallif o‘zi: “Vatanimizning kelajagi,

[1] Islom Karimov. O’zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida, “O’zbekiston”, T: - 2011, 178-bet.

[2] Islom Karimovning “O’rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidagi roli va ahamiyati” mavzusidagi xalqaro konferensiyaning ochilish marosimidagi nutqidan, 2014-yil

xalqimizning ertangi kuni, mamlakatimizning jahon hamjamiyatidagi obro‘-e’tibori avvalambor farzandlarimizning unib-o‘sib, ulg‘ayib, qanday inson bo‘lib hayotga kirib borishiga bog‘liqdir. Biz bunday o‘tkir haqiqatni hech qachon unutmasligimiz kerak,” – deya talqin etadi. Asarni o‘qir ekanmiz ilk sahifalardan “ma’naviyat” tushunchasiga berilgan ohoriy ta’rif diqqatimizni o‘ziga tortmay qo‘ymaydi. Islom Karimov “Ma’naviyat” so‘zi mazmuni, shunchaki, “ma’ni”, “ma’no” so‘zlari doirasida chegaralanib qolmay, balki o‘ta chuqur mohiyatga egaligi haqida so‘z yurita turib, “… ma’naviyat – insonni ruhan poklanish, qalban ulg‘ayishga chorlaydigan, odamning ichki dunyosi, irodasini baquvvat, iymon-e’tiqodini butun qiladigan vijdonini uyg‘otadigan beqiyos kuch, uning barcha qarashlarining mezonidir,”[1] deya bu tushuncha haqidagi o‘z shaxsiy nuqtayi nazarini bayon etadi. Haqiqatan ham, oddiygina hayotimizga nazar tashlaydigan bo‘lsak, bilimi, aql-farosati yuqori, irodali, iymon-e’tiqodli, vijdonli, sabr-toqatli, sahiy, halol-pok hayot kechiradigan va hamisha muhtojlarga qo‘lidan kelgancha yordam berishga tayyor bo‘lgan jonkuyar insonlarga nisbatan ma’naviyatli yoki ma’naviayti yuqori ekan degan jumla qo‘llaniladi. Yoki pul topishnigina o‘ylaydigan, bu yo‘lda hech narsadan tap tortmaydigan xudbin, razil, nokas kimsalarning ham jamiyatimizda uchrab turishini hisobga olsak, ularga nisbatan ma’naviyatsiz yoki ma’naviyati past deymiz. Shu hayotiy misollardan ham Islom Karimov keltirgan ta’rifning nechog‘lik to‘gri va haqiqat ekanligiga, ya’ni ma’naviyat insonning jamiyatdagi o‘rni, burch-vazifalari, barcha xatti-harakat, o‘y-fikrlari, qo‘yingki butun hayoti uchun yuksak me’zonligiga yana bir bor amin bo‘lamiz. Shunday ekan, yosh avlod ma’naviyatini shakllantirish bu butun jamiyat oldida turgan buyuk vazifa, e’zgu burchdir.

“Ma’naviyat, - deydi muallif, - insonning qon-qoni, suyak-suyagiga yillar davomida ona suti, oila tarbiyasi, ajdodlar o‘giti, Vatan tuyg‘usi, bu hayotning ba’zida achchiq, ba’zida quvonchli saboqlari bilan qatra-qatra bo‘lib singib boradi”. Rostdan ham, oilada chaqaloq tug‘ilar ekan, unga yaxshi niyatlar bilan ism qo‘yilib, go‘dakligidan alohida e’tibor qaratilishi, yoki bolaning onasi aytgan e’zgu tilak, musaffo orzularga yo‘g‘rilgan alla og‘ushida orom olishi, keyinchalik jamiyatning asosiy bo‘g‘ini bo‘lmish oila hamda “haqiqiy demokratiya darsxonasi” bo‘lmish mahalladagi tarbiya muhiti, xalq ijod namunalari bo‘lmish – ertak, doston, qo‘shiq, askiyalar, asriy urf-odat, udumlar, milliy bayramlar ham murg‘ak qalbga ma’naviyatning ilk tushunchalari va shakllarini singdirishda muhim o‘rin tutadi. O‘zbek oilalaridagi va mahallalaridagi sog‘lom turmush muhiti, uzoq mingyilliklarga borib taqaladigan ko‘xna tariximizga oid osori atiqalar, shunday tarixga ega xalqimiz urf-odatlari, an’analari, milliy bayramlarimiz, har bir sohada, ilm-u fanda butun bashariyatga dasturul amal bo‘ladigan asarlar yaratgan, butunjahon sivilizatsiyasiga bemisl hissa qo‘shgan bobokalonlarimiz ma’naviy me’rosimiz bor ekan bugungi va kelgusi o‘zbek xalqining ma’naviyatda birovdan ortda qolishi mumkin emas. Ammo asarda aytilganidek, buning uchun bor imkoniyatimizdan faqatgina g‘ururlanib yashash emas, balki ularni chuqur o‘rganib tahlil qilishimiz, yanada rivojlantirib kelgusi avlodga ham yetkazishimiz kerak va bu bizga oldimizda turgan yuksak mas’uliyatni taqazo etadi. Shu jumladan, Islom Karimovning bemisl ma’naviy me’rosini o’qib-o’rganishimiz, kerak bo’lsa, uning tamoyillarini hayotimiz uchun dastur ul-amal qilishimiz darkor.

TEMIR YO‘L TRANSPORTINING RIVOJLANISHIDA ISLOM KARIMOVNING JASORATI

Saidov D.N. - TTYMI talabasi

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov chorak asrdirki, mustaqil davlat va jamiyat qurish, xalqimiz uchun hech kimdan kam bo‘lmagan farovon hayot barpo etish yo‘lida haqiqatan ham o‘n yillarga, balki asrlarga teng keladigan yo‘lni-masofani barpo etdilar.

Tom ma’noda tarixiy yutug‘imiz shu bo‘ldiki, birinchi Prezidentimiz o‘z vaqtida, bizning taqdirimiz hal bo‘layotgan o‘ta og‘ir va xatarli bir zamonda, turli xomhayollardan voz kechib, bizga ko‘rsatilgan tazyiq va zo‘ravonliklarga qaramasdan, bugungi kunda dunyoda taraqqiyotning “o‘zbek modeli” deb tan olingan, demokratik davlat, erkin bozor iqtisodiyotini

[1] Islom Karimov. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch, “Ma’naviyat” T: - 2008, 13-bet

shakllantirish, xalqimizning hayot darajasini munosib bosqichga ko‘tarish bo‘yicha chuqur o‘ylangan rivojlanish yo‘limizni qat’iy belgilab berdi.

Buyuk Ipak yo‘li o‘tgan mamlakatimiz qadim zamonlardan buyon bepoyon Markaziy Osiyo mintaqasida muhim geostrategik o‘rin egallab kelgan va hozir ham egallab kelmoqda. Bu yerdan azaldan asosiy savdo yo‘llari o‘tgan va kesishgan, turli sivilizatsiyalar o‘rtasida o‘zaro samarali hamkorlik qaror topgan. Sharq va G‘arbni, Janub va Shimolni magistral yo‘llar orqali tutashtirgan O‘zbekiston bugun ham ulkan transport-kommunikatsiya va tranzit salohiyatiga ega.

Hozirgi kunda dunyoda, ayniqsa, mintaqamizda ro‘y berayotgan chuqur va izchil siyosiy-iqtisodiy jarayonlar amaldagi transport yo‘laklaridan oqilona foydalanish bilan birga, mavjud yirik xalqaro bozorlar va faol shakllanib borayotgan istiqbolli bozorlarni bog‘laydigan yangi, samarali yo‘nalishlarni ochish va o‘zlashtirishni taqozo etadi. Iqtisodiyotning, avvalo, yetakchi sohalarning tarkibi tubdan o‘zgarishi, yangi-yangi zamonaviy tarmoq va ishlab chiqarish sohalarining paydo bo‘lishi, raqobatga bardoshli mahsulot hajmi va ekspert salohiyatining o‘sishi, iqtisodiyotimizning barqaror sur’atlar bilan rivojlanishi – bular avvalombor xalqimizning hayot darajasiga ijobiy ta’sir o‘tkazayotgani haqida gapirishga bugun to‘liq asos bor.

Bu uzoq muddatli umumiy manfaatlarimizga mos keladi, boy tabiiy zaxiralar va mineral-xomashyo resurslaridan keng foydalanishni ta’minlashga ko‘mak-lashadi, shuningdek, davlatlarimizni ijtimoiy-iqtisodiy barqaror rivojlantirishning kafolati bo‘lib xizmat qiladi va gumanitar hamkorlikni kengaytirish uchun yangi imkoniyatlar ochadi.

Muhtaram birinchi Prezidentimiz davrlarida davlatimizda O‘zbekiston Temir yo‘l tarmog‘ini modernizatsiya qilish bo‘yicha kompleks dasturlar tuzildi va ular birma-bir amalga oshirildi. Jumladan, poyezdlar parkini yangilash, yo‘llarni qayta tiklash, ixtisoslashtirilgan sanoat korxonalarini rekonstruksiya va modernizatsiya qilish, yangi tezyurar yo‘lovchi elektropoyezdlar harakatini yo‘lga qo‘yishga doir birinchi galda bajarilishi lozim bo‘lgan chora-tadbirlar amalga oshirildi. Birinchi Prezidentimizning qabul qilgan konsepsiyaning amaliyoti orqali temiryo‘l transporti va unga nisbatan odamlarning munosabatini o‘zgartirdi. Mamlakatimiz hududida murakkab tabiiy-iqlim sharoitida “Toshguzar-Boysun-Qumqo‘rg‘on” zamonaviy temiryo‘l liniyasi bunyod etilgani, faoliyat ko‘rsatayotgan “Navoiy” multimodal logistika markazining rivojlantirilishi, shuningdek, o‘zbekistonlik mutaxassislar tomonidan Transafg‘on transport yo‘lagining “Hayraton – Mozori Sharif” qismining barpo etilishi, Toshkent-Samarqand hamda Toshkent-Samarqand-Qarshi yo‘nalishida tezyurar poyezdi qo‘yilishi mintaqa davlatlarining transport-kommunikatsiya va transit imkoniyatlarini yanada kengaytiradi.

“O‘zbekiston temir yo‘llari” Aksiyadorlik Jamiyati – O‘zbekistondagi eng yirik kompaniyalardan biri hisoblanadi. “O‘zbekiston temir yo‘llari” Aksiyadorlik Jamiyati Prezidentimiz rahbarligida 1994 yil 7 noyabrda O‘zbekiston Respublikasi hududida joylashgan sobiq O‘rta Osiyo temir yo‘llari negizida tashkil etilgan. Jamiyatning asosiy yo‘llarining umumiy uzunligi bugungi kunda 3645 kilometrni tashkil etadi. Jamiyatda 54,7 mingdan ortiq kishi ishlaydi. Jamiyatning yillik yuk aylanmasisining 90% ga yaqinini tashkil etib kelinmoqda.

Temir yo‘l bo‘ylab yuklarni ekspeditsiyalash va yetkazib berish, temir yo‘l vagonlarining ta’mirlash va texnik xizmat ko‘rsatish, yo‘lovchilarni, turistlarni tashish, lokomotiv va vagon parkini yangilash, xizmat ko‘rsatish hamda optik tolali tarmoqlarni qo‘llash bilan aloqa kanallarini mustahkamlash, yangi elektrovoz va vagonlar sotib olish, shuningdek borini modernizatsiyalash, yangi temir yo‘llar qurish, temir yo‘llarni elektrifikatsiyalash, temir yo‘llarni kapital ta’mirlash lohiyalarini amalga oshirish, jamiyat zavodlarida yo‘lning yuqori qurilmasi elementlarini, ehtiyot qismlar va boshqalarni ishlab chiqarishni tashkil etish, bularning barchasi hozirgi kunda “O‘zbekiston temir yo‘llari” Aksiyadorlik Jamiyatining ustuvor vazifalaridan biri bo‘lib kelmoqda.

Birinchi Prezidentimizning O‘zbekiston temir yo‘llarida tarixda qoladigan ishlaridan shuni ta’kidlab o‘tish joizki, O‘zbekiston va Xitoy hamkorligining yirik va istiqbolli lohiyasi ijrosi – Pop-Angren elektrlashtirilgan temir yo‘li hamda Qamchiq tunnelining ochilishi O‘zbekiston uchun katta yutuq, muhim va unutilmas tarixiy voqea bo‘ldi. Qurilish davomida

O‘zbekiston va Xitoy quruvchilari, muhandislari, mutaxassislari ahil hamkorlikda mehnat qilib, yuksak kasb mahoratini namoyon etdi.

Amudaryo uzra avtomobil vat emir yo‘l qatnovi uchun mo‘ljallangan zamonaviy ko‘prikni o‘z ichiga olgan Navoiy-Uchquduq-Sulton Uvaystog‘-Nukus temir yo‘lining barpo etilishi bu boradagi dastlabki qadam bo‘ldi. Keyinroq “asr mo‘jizasi” deya nom olgan noyob inshoot – Toshguzar-Boysun-Qumqo‘rg‘on temir yo‘l liniyasi ishga tushirildi. Ushbu bunyodkorlik inshooti mamlakatimizda yagona milliy temir yo‘l tizimini yaratishning navbatdagi muhim bosqichi bo‘ldi.

Temir yo‘l transporti barcha davlatlar iqtisodiyotining asosiy qon tomiri hisoblanadi. E’tiborlisi, temiryo‘lchilarimizning kuch-g‘ayrati bilan keyingi yillarda 1 ming 200 kilometrdan ziyod yangi temir yo‘l tarmog‘I barpo etildi, 3 ming 800 kilometrlik yo‘l modernizatsiya qilindi va qaytadan ishga tushirildi, qariyb 1100 kilometrlik temir yo‘l magistrallari elektrlashtirildi. Natijada temir yo‘llarning umumiy uzunligi 6 ming 500 kilometrga yetdi va ular mamlakatimizning barcha mintaqalarini qamrab olish imkonigaega bo‘ldi.

Angren-Pop elektrlashtirilgan temir yo‘li mamlakatimiz taraqqiyoti va farovonligining yanada yuksalishida alohida ahamiyat kasb etadi. Bundan 25-30 yil ilgari bu yerlardan temir yo‘l o‘tadi, desa birov ishonmasdi. Boisi, Qamchiq dovonining ulkan qoyalari, chuqur jarliklari, pastu baland adirlari uzra poyezd qatnovini yo‘lga qo‘yish aqlga sig‘mas ish edi-da, - deydi Toshkent viloyati Parkent tumanida istiqomat qiluvchi 79 yoshli mehnat faxriysi Soliddin Salohiddinov. Albatta, bunyodkor xalqimizning azmu shijoati, birinchi Prezidentimizning uzoqni ko‘zlab amalga oshirgan oqil siyosati va tashabbusi bilan bunday ulkan ishlar haqiqatga aylandi. O‘ylaymanki, ularning ishlarini biz davom ettirib yurtimiz taraqqiyotiga hissamizni qo‘shishimiz kerak.

Adabiyotlar

1. Karimov I. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo‘lida xizmat qilish-eng oliy saodatdir. T. – “O‘zbekiston” – 2015
2. Karimov I. Jahon inqirozining oqibatlarini yengish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish va taraqqiy topgan davlatlar darajasiga ko‘tarilish sari. T. - “O‘zbekiston” – 2010
3. www.railway.uz, www.tashiit.uz, www.uza.uz

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Абдуқодиров С.А. - ТТЙМИ магистри
Налибаева З.О. - ТТЕСИ катта ўқитувчиси

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг шарофати билан давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин республикада ва унинг халқ манфаатларига тўғри келадиган мустақил ижтимоий-иқтисодий ва маънавий маърифий сиёсатни ўтказиш имкониятлари тўғилди. Бунда илк асос вазифасини кишиларнинг ўз қадриятлари тизимини ва аниқ мақсадли тутилган йўл, миллий анъаналар ва тарихий шарт-шароит, реал ижтимоий-иқтисодий ва маънавий маърифий сиёсий муҳитни шакллантириш муҳим вазифа бўлди. Мустақиллик биз учун аввало ўзлигимизни англаш, инсоний қадримизни ва қадриятларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, азиз-авлиё ва алломаларимизнинг табаррук номлари ва меросини, ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ўсиб келаётган ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби беқиёс имкониятларга катта йўл очиб берди. Айнан ана шундай тўғри йўлни танлаганимиз туфайли мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, ривожланган демократик давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаш, халқимиз ва келгуси авлодларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт шароитларини яратиш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш бўйича улкан, айтиш мумкинки, асрларга тенг бўлган мураккаб йўлларни босиб ўтдик. Мана шундай мустаҳкам мамлакатни барпо қилишимиз ва пойдеворини мустаҳкамлашда

бизга таянч ва суянч бўлган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ҳисобланади.

Ислом Каримов мустақилликни илк кунлариданоқ баркамол, соғлом авлодни тарбиялаш ва ёшлар масаласига, шунингдек, мустақил давлатнинг келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаш ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш долзарблигини илгари сурган инсондир. Сиёсий ислоҳотлар амалга ошириш ва янада кучайтириш мақсадида муҳим аҳамиятга эга бўлган таълим, тиббиёт, спорт каби соҳаларга оид кўплаб қонун, қарор, фармон ва дастурлар ишлаб чиқилди. Улар эса таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида, рақобот муҳитини шакллантиришга хизмат қилди десак хато бўлмайди.

Мустақил фикрлайдиган замонавий илм-фан ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, ўз халқига фидоий, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир бўлган, ҳар томонлама соғлом авлодни енгиб бўлмайди. Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биринчи Президентимиз “Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиш керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз - мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, аввалambор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсон бўлиб вояга етишига боғлиқдир” шунингдек, “Мен ёшларимизга, менинг болаларимга қарата, ўрганишдан ҳеч қачон чарчаманглар, деб айтмоқчиман. Ўрганиш, интилиш ҳеч қачон айб саналмайди. Ниманидир билмасанг, уни ўрганиш зарур. Аввалambор, энди ҳаётга кириб келаётган ёшларга нима лозим? Ўрганиш, ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш керак. Касб ўрганган, илм ўрганган киши, ўзбекона айтганда, ҳеч қачон кам бўлмайди”, – дея алоҳида таъкидлаганлар.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан олиб борилган сиёсат бугунги кунда уларнинг издошлари Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан давом эттирилмоқда. Фақатгина биз ёшлар бу яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз билимимиз, меҳнатимиз билан юртимиз тараққиётига жавоб қайтаришимиз лозим деб ўйлайман.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов “Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. Тошкент-2015.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Тошкент-2011.
3. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” Тошкент-1998.

O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA JANUBIY KOREYA O’RTASIDAGI ALOQALARDA ISLOM KARIMOVNING XIZMATLARI

Tolibjonov Q.K. - TTYMI talabasi
Malikov B.K. - TTYMI o’qituvchisi

Mustaqillik sharofati bilan mamlakatimizning iqtisodiyotida tub o`zgarishlar yuzaga keldi. Bunday o`zgarishlar Ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy- ma`rifiy, ta`lim-tarbiya va boshqa sohalarda ham amalga oshirildi. Mamlakatimiz mustaqillikka erishgandan so’ng bizning mustaqilligimizni garovi va jahon hamjamiyatidagi o’rnimizni belgilab bergan Konstitutsiyaga birinchi prezidentimiz asos solgan. Konstitutsiyada xalqimizning Davlat boshqaruv tizimi, shaxsiy, ijtimoiy, siyosiy huquqlari va mamlakatimizning ichki va tashqi siyosati ko’rsatilgan. Tashqi siyosatimizning asosiy prinsplari bo’lgan chet davlatlar bilan aloqalarni yaxshilash, ular bilan

turli jabhalarda aloqalarni rivojlantirishga Birinchi Prezidentimiz asosiy e'tiborni qaratdi. Bularga misol qilib: Turkiya , Hindiston, Janubiy Koreya va boshqa rivojlangan davlatlar bilan aloqalarni o'rnatishni boshladi. Shu o'rinda Janubiy Koreya bilan ham. Misol uchun: 1992 yil iyun oyida O'zbekiston Respublikasi birinchi prezidenti I.A. Karimovning Koreya respublikasiga tashrifi chog'ida "Daewoo"guruhi zavodlari bilan tanishish vaqtida respublika avtomobil sozlik sanoatida birinchi tamal toshini qo'ygan edi. O'sha yilning iyul oyida O'zbekiston va Koreya Respublikasi o'rtasida Asaka shahrida avtomobil zavodi qurish bo'yicha anjuman uyishtirildi. 1992 yil noyabr oyida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan "Uz Daewoo Avto "qo'shma korxonasi barpo etish to'g'risida farmoyish qabul qilingan. 1996 yil 19 iyul Asakada Markaziy Osiyoda birinchi avtomobil zavodining tantanali ochilishi bo'lib o'tdi. Ochilish marosimida Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov bunday degan edi: «Bugun nafaqat O'zbekiston va Markaziy Osiyo mintaqasida, balki sobiq Ittifoq miqyosida ham butunlay yangi zavod – qo'shma korxona ishga tushishi, tariximizda ilk bor zamonaviy, jahon andozalari talablariga javob beradigan yengil mashinalar – avtomobillar ishlab chiqarilishi – buning o'zi biz tanlagan siyosatning tamal toshi, desak hech qanday mubolag'a bo'lmaydi»[1].

Janubiy Koreya O'zbekiston avtomabil sohasida dunyo mamlakatlari ichida 28 o'rinni egallashida asosiy turtki bo'lgan o'z avto mashinalariga ega bo'lishida katta yordam bergan mamlakat deb aytsak mubolag'a bo'lmaydi. O'zbekistonning birinchi prezidenti Islom Karimov 1991 yildan 2015 yilgacha Janubiy Koreyaga 7 marta safar qilgan edi. Bu safarlar chog'ida mamlakatimiz bilan Koreya respublikasi o'rtasida ijtimoy-iqtisodiy sohalarda samarali ishlar olib borganlar. Koreya Respublikasi bilan O'zbekiston Respublikasi strategik sheriklardir. Janubiy Koreya yuksak darajada taraqqiy etgan, ulkan iqtisodiy, ilmiy-texnikaviy, innovatsion va intellektual salohiyatga ega davlat sifatida dunyoda e'tibor qozongan mamlakatlar sirasiga kiradi. Koreya bilan aloqalarni yaxshilash maqsadida Islom Karimov boshchiligida 1992-yili Koreya Respublikasi bilan diplomatik aloqalar yo'lga qo'yilgan. Ayni shu lahzalardan boshlab O'zbekiston Respublikasi bilan Koreya Respublikasi hamkorligi keng ko'lam kasb etgan. Rasmiy Seulning O'zbekiston iqtisodiyotiga jalb etgan investitsiyalari hajmi 7 milliard dollardan oshganligi ma'lum. Yurtimizda ushbu mamlakat kapitali ishtirokida 461 korxona faoliyat yuritmoqda. Ularning 386 tasi qo'shma korxona bo'lsa, 75 tasi to'laligicha Koreys sarmoyasi evaziga tashkil qilingan. Mazkur korxonalar neft-gaz, neft-kimyo va kimyo, mashinasozlik, elektrotexnika hamda to'qimachilik sohalarida, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, transport va logistika, turizm yo'nalishlarida muvaffaqiyatli ish olib bormoqda. Bugungi kunda I.A.Karimov tamal toshini qo'ygan aloqalar yetuk darajada rivoj topdi deya ayta olamiz. Masalan: Koreya Respublikasi xalqaro hamkorlik agentligi hamda Koreya eksport-import banki mamlakatimizda qator loyihalarni amalga oshirmoqda. "Samsung", "LG" singari yirik korporatsiyalar yurtimizda qo'shma korxonalar tashkil qilmoqda. Xususan, "Samsung" "Artel" kompaniyasi bilan maishiy texnika vositalari ishlab chiqarishni yo'lga qo'ygan. Ma'daniy-gumanitar aloqalar mamlakatlarimiz o'rtasidagi hamkorlikni yanada mustahkamlamoqda. Yurtimizda Koreya Respublikasi ma'daniyati kunlari bo'lib o'tdi. Koreys madaniyati va san'ati uyi qurilmoqda. Ushbu loyiha mamlakatimizdagi koreys diasporasiga qaratilayotgan yuksak e'tiborning yaqqol ifodasidir. Ta'lim sohasidagi aloqalar ham tobora rivojlanib bormoqda. Mamlakatimizdagi oliy ta'lim muassasalari Janubiy Koreyaning 30 dan ortiq ilmiy-tadqiqot muassasasi bilan hamkorlikni yo'lga qo'ygan. Qator ta'lim muassasalarida koreys tili hamda madaniyati markazlari ochilgan. Bugungi kunda ham bu aloqallarni yanada rivojlantirish uchun Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev tomonidan Koreyaga 22-noyabr kuni davlat tashrifi uyushtirildi.Tashrif chog'ida Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev dastlab ikki mamlakat iqtisodiy va moliyaviy tuzilmalari rahbarlari, yetakchi ishbilarmonlari ishtirokida o'tgan Janubiy Koreya – O'zbekiston biznes-forumida qatnashdi. 700 dan ortiq ishtirokchi qatnashgan forum ochilishida Koreya Respublikasi Prezidenti Mun Chje Inning qutlovi o'qib eshittirildi.[2]

Koreya Respublikasi Osiyo – Tinch okeani mintaqasida O'zbekistonning yetakchi savdo-

[1] "Xalq so'zi" I.A Karimov T.1992.B 13-14b.
[2] O'zbekiston Milliy axborot agentligi 23.11.2017 bergan bayonotidan

iqtisodiy va investitsiyaviy sheriklaridan biridir. 2016-yil yakunlari bo‘yicha o‘zaro tovar ayirboshlash hajmi 1 milliard AQSh dollaridan oshdi. Janubiy Koreyaning Markaziy Osiyo mamlakatlari bilan savdo aylanmasida O‘zbekiston ulushi qariyb 50 foizni tashkil qiladi. Birinch Prezidentimiz o’zaro munosabatlarni yanada yaxshilash maqsadida O’zbekistondagi Koreyalik muhojirlar uchun yetarlicha shart-sharoitlar yaratgan. O‘zbekiston prezidenti matbuot xizmatining bildirishicha, 2017 yilda koreyslarning O‘zbekistonda istiqomat qila boshlaganiga 80 yil to‘ladi. Shu sababli o’tgan yili mamlakatimizda koreys xalqining 80 yilligi keng nishonlandi. Bir so’z bilan aytganda birinchi Prezidentimiz davomchisi sifatida Shavkat Miromonovich Mirziyoyev xalqlar o’rtasidagi aloqalarni rivojlantirmoqda. Bunga yaqqol misol qilib Janubiy Koreyaning maktabgacha ta’lim prinsplarini o’rganish va O’zbekistonda joriy etilishi to’g’risida qarorini ko’rsatishimiz mumkin. Bu aloqalar rivojida birinchi Prezidentimizning xizmatlari beqiyosdir.

ISLAM KARIMOV IS THE FOUNDER AND LEADER OF UZBEKISTAN'S INDEPENDENCE

Khaydarov A.A. - student TIRE

World-famous scholars and public figures grew up in the area of Uzbekistan, which has a rich history that has a special place in world civilization. I want this article to tell the Republic of Uzbekistan and its independence. I have written to honor the position of the first President of Uzbekistan, Islam Abduganiyevich Karimov, in the development of the conceptual principles of the National Ideology and the contribution of the statesman, who made a remarkable contribution to achieving a worthy place in our country. Uzbekistan, in the summer of 1989 and in the spring of 1990, The life of the Uzbek people has been a turning point in his leadership. At the same time, the ways of development of the Uzbek people were solved. In particular, it was defined as the main strategic direction of the democratic development of the independent Uzbekistan, which is aimed at protecting human rights as a priority. At the beginning of this line, from June 1989, the head of Uzbekistan, as the President of Uzbekistan in March 1990, Islam Abduganievich Karimov was on. Brave and courageous Karimov, who understood all aspects of his life, became "the most dangerous" in the allied republics. - The restoration of our historical, religious and national values, the peaceful atmosphere in the society, the increasing role of the independent Republic of Uzbekistan in the international community, connects our entire nation, the world community with the name of Islam Karimov.

“The national ideology of national independence should help the citizens of our country to achieve a great goal. We need national ideology - people's ideology”-they were the words of Islam Karimov. It is important to unite the people together for the sake of achieving that goal and for continuous development of independent Uzbekistan[1]. With the independence of Uzbekistan, the ideology of the former Soviet regime was to be abandoned. The Soviet ideology was based on the ideas of the Communist Party and served as the ideological supporter of the Soviet totalitarian regime. This ideology was an ideology that was incompatible with the interests of the people with ancient and rich historical and spiritual values. Because it was strangely alienated from nationality, against nationalism - an innate, all religious beliefs were atheistic ideologies. That is why it was abandoned. It is also an urgent task to protect these young people from the influence of foreign ideologies. Because in the early years of independence, unimaginable young people who have not been formed ideological values of various extremist movements, religious fanatics, religious and confessional organizations, and their ideologies have been violated in order to serve their deformational ideas, to join forces.

The greatest achievement of the people of Uzbekistan during the years of independence is the established peace, stability and disciplined discipline in the country. The vast majority (97.5%) of the population of the republic believe that such conditions were achieved directly under the leadership of I.Karimov. A poll conducted by the “Social opinion” Center for Public

[1] I.A.Karimov “Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch”

Opinion Studies on the eve of the Day of the First President of Uzbekistan allowed us to identify the views of our compatriots about the role of this person in the development of our independent state. It was attended by about 1,100 people from all over the country living in different parts of the country[1]. The survey found that Our multinational people were deeply saddened by the news of death of Islam Karimov who was the president of Uzbekistan for 25 years. Consequently, the First President became a dear person to every citizen of our country. Islam Karimov left an indelible mark in the centuries-old history of our Homeland with its multifaceted political activity and noble human qualities. The absolute majority of Uzbeks - 98.8 percent of the respondents consider the First President a founder of our independent state. As they pointed out, the First President made a historic decision to build a new state for the people of Uzbekistan and took on the responsibility and burden of the era of national reconstruction. Indeed, Islam Karimov dedicated his entire life to the service of Uzbekistan until the last days. On January 25, 2017, President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev signed a decree. According to that the memory day of the First President of the Republic of Uzbekistan is celebrated annually on September 2 in our country. This decision is aimed at eliminating the memory of the First President, the Hero of Uzbekistan Islam Karimov, taking into account the great historical services of the Motherland, the independence of our Homeland and the prosperity of our country. Thus, the participants of the social survey unanimously noted that the First President a talented and wise leader, who has transformed Uzbekistan into a modern, developing, modern-day state, as a person and politician who defends the interests of his country, his countrymen, with all their heart and soul. The monuments of Islam Karimov were installed in Samarkand , Tashkent and Karshi. Today, the loyal disciple of Islam Karimov, the current President of Uzbekistan, Shavkat Mironovich Mirziyoyev, who is deeply aware of the plans, concepts and ideas of his mentor, is successfully applying these ideas based on today's requirements. In particular, the decisions on further improvement of spiritual education include the Center for Islamic Civilization in Tashkent, the International Research Center of Imam Bukhari in Samarkand, the International Center for Imam Termizi in Termez, the Mir Arab High School in Bukhara and the Nasafi Center in Karshi is a continuation of his work in the implementation of I. Karimov's national ideology concept. The time has come for the First President to dream. In short, Islam Abduganiyevich Karimov is the founder and implementer of the concept of national ideology, the leader of social, economic and political processes in Uzbekistan. He is a great inspirer for the development of the Homeland. He will always live in our soul.

Literature

1. www.islomkarimov.uz
2. Karimov.I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. Toshkent. “Ma’naviyat”, 2008. P. 45-47.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСАТИНИНГ ЯРАТУВЧИСИ

Каландаров Б. - ТТЙМИ талабаси
Юсупов Ш.Р. - ТТЙМИ катта ўқитувчиси

Ватан равнақи, юрт келажаги, халқимиз осойишталиги – бу тушунчалар миллий ғоямизнинг асосий ғояларидан ҳисобланиб Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан асослаб берилди. Ёшлар сиёсатида белгиловчи мезон сифатида назарда тутилган мазкур ғоялар мамлакат келажагининг позицион асосларини шакллантиришга қаратилган эди.

Юртимизда ёшлар учун кенг имкониятлар яратилган. Даставвал Ёшларга оид давлат сиёсати дастури ишлаб чиқилганида соҳанинг истиқболини меъёрий асосларини яратишга пойдевор шакллантирилган эди. Эътибор берадиган бўлсак, мустақилликка эришган дастлаб ойларида Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши томонидан 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Ресубликаси ёшларга оид давлат сиёсатининг

[1] http//.www.islomkarimov.uz

асослари тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилди. Унинг 4-моддасига кўра, ёшларга оид давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси ушбу қонунга ва ёшларнинг манфаатларига дахлдор бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳамда муносабатларни тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатларига асосланди. Мазкур қонун 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқароларга таалуқли давлат сиёсатининг асосий негизини белгилаб беради ва уни тегишли қонунларни ривожлантириш ҳамда тизимга солиш учун асос деб эътироф этади. Биз очиқ, демократик ҳуқуқий давлат барпо этмоқдамиз. Ёшларимиз фуқаролик жамиятини қуриш ва бозор иқтисодиётида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлида фаол иштирокчиларидир. Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантириш ўз йўли тўртта асосий негизга таянади. Улар,

- Умумий қадриятларга содиқлик;
- Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- Ватанпарварлик.

Юртимизда олиб борилаётган жамиятнинг ҳар бир соҳасидаги ислоҳотларда ёшларнинг ўрни беқиёс. Фақатгина бу иштирокда ҳуқуқий онг, билим, тафаккур, сиёсий фаоллик талаб этилади. 1997 йилнинг 20 майда биринчи Президентимиз И.А.Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идора раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда “Юксак ҳуқуқий тафаккур-демократик жамият тақозоси” мавзусида суҳбат юритди. Бунга кўра учта муҳим масалага алоҳида диққат қаратилди. Яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабати уйғунлигини таъминлаш. Демак, а) ҳуқуқий онг ҳуқуқий тафаккур. Онг ижтимоий онг формаларидан бири бўлиб у турмуш тарзининг инъикосидир. Яъни ҳуқуқий онгни шакллантириш учун турмуш даражасини ўстириш уни эркинлаштириш лозим; б) ҳуқуқий билим-ҳуқуқий онгни шакллантириш элементи, у мактаб ва олий ўқув юртларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш инсон ҳуқуқларига эътибор бериш каби омиллар билан боғлиқ. Ҳуқуқий маданият бу ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий билимларнинг узвий ривожланган қисми бўлиб у жамият ҳуқуқий маданиятининг ошганлигини билдиради. Шу боисдан ҳам юқоридаги уч тушунча бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб ҳуқуқий маданиятнинг такомиллашуви ҳуқуқий давлат ривожланишига олиб келади. Ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг муҳим йўналишлари қуйидагилардан иборат: -Юксак даражада ривожланган юридик фанларнинг мавжудлиги ҳуқуқий онг ва маданиятнинг муҳим қисми, -Кенг ва фаол онг-маданиятининг бир қисми бўлиб, у давлат ва ҳуқуқий воқеаликлар ҳақидаги ғоялар-қарашлар ва фикрлар тизими, -Барча тўпланган ҳуқуқий тажриба ва манбалар уларни оммага тарқатилиши ҳуқуқий маданиятга киради, -Амалда меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қонунлар конституция фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий манбалар ҳуқуқий асосни ташкил этади, -Олимлар, ҳуқуқ ижодкорлари, депутатларнинг ҳуқуқий билимлари дунёқараши қанчалик юқори ва ҳолисона бўлса ҳуқуқий маданият ҳам шунчалик юксак бўлади, -Мамлакат ҳаётидаги қонунчилик даражаси ҳамманинг қонун ва суд олдидаги тенглиги ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир. Хулоса қилиб айтганда, Биринчи Президентимиз ёшларга имконият яратиб бериш ва уларнинг билимли, фаол бўлишлари учун ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган фикрларини доимо таъкидлаб келдилар.

САМАРҚАНД ФАРЗАНДИНИНГ УЛУҒ ЖАСОРАТИ

Сатторов Ж.А. - СамДЧТИ Академик лицейи 3-курс ўқувчиси

Бу кўҳна заминда шундай халқ фарзандлари яшаб ўтганлар-ки, уларнинг фидокорона хизматлари, кўрсатган матонати замирида улуғворлик мужассам бўлган, сўзлари халқ қалбида мангу яшайди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзбек халқининг ана шундай матонатли фарзандларидан бири эди. У киши иқтисодиёти,

маънавияти, маданияти қолоқлик ботқоғига ботиб бораётган қарам республикани қонуни устувор тинчлиги барқарор, халқи маърифатли, келажаги буюк, мустақил мамлакатга айлантиришдек шарафли вазифани бажариш йўлида бутун умрини бахшида этди. Ушбу фикрларнинг тасдиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини мисол тариқасида келтиришни ўринли деб ҳисоблайман. “Ислом Абдуғаниевич Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон келажаги буюк давлат деган шиорни қалбида ҳис эта олди ва 25 йил давомида ҳар куни шу сўзларни таъкидлаб, барчамизни шу буюк келажакка ишонтирдилар, иноитирдилар”.

Биринчи Президентимиз 1989 йил ҳали мустақилликка эришилмай туриб ўзбек тилига давлат тили мақомини бердилар ва “Адабиёт масаласи- маънавият масаласи” деган шиорни кўтариб чиқдилар. У кишининг раҳнамолиги остида ватанимизда 175 та музей, 39 та театр, 1000 дан ортиқ парклар, 301 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 296 республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 211 та баркамол авлод марказлари ташкил этилди ва фаолияти жадал ривожлантирилди.

Мамлакатимиз раҳбари миллий маънавий қадриятларимизга кўҳна ва боқий урф-одатларимизга, тарихий ёдгорликларимизга, буюк аждодларимизга, муқаддас ислом динимизга юксак хурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишни мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган ёшларимизнинг онг-у тафаккурига сингдириш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар ва бу ишнинг уддасидан чиқдилар. Ул зотнинг олий мақсадларини тилга олар эканмиз “Фарзандимиз – бизнинг ғуруримиздир. Бу ҳар бир инсон учун тушунарли, албатта. Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак – уларни замонавий билим ва тажрибаларга эга, иймонли, эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим”, – деган улуғ сўзларини таъкидлаб ўтишимиз жоиздир. Шу улуғ сўзлар замирида Ислом Абдуғаниевич Ватанни севишни, инсонни фарзандларини улуғлашини бутун дунёга кенг намоён этган халқпарвар шахс сифатида кўз олдимизда гавдаланади, шунинг учун биз ёшлар ҳақли равишда буюк сиёсат ва давлат, жамоа арбоби мутафаккир бобомиз Ислом Абдуғаниевични миллат отаси дея таърифламоқдамиз. Улуғ йўлбошчимизнинг (биз) ёшларнинг камолоти йўлида кўрсатган беминнат хизматларини тилга олар эканмиз яна бир ҳақиқатни асло унутмаслигимиз лозим. Ўзингиз айтинг, бу дунёнинг қайси ривожланган давлатида ҳали мустақил ҳаётга қадам қўймаган фарзандлар кўкрагига биздаги “Зулфия”, “Ўзбекистон ифтихори” каби мукофотлари тақилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Мард ўғлон”, “Келажак бунёдкори” каби давлат мукофотларининг таъсис этилиши ҳам шу улуг ишларнинг давоми деб ўйлайман. Халқимизнинг юртимиз ёшларининг ўйнаб-кулиб бахтиёр ва шодон яшаётгани оналар юзидаги кулги-табассум, оталар кўнглидаги хотиржамлик ўзбек халқининг буюк фарзанди Ислом Каримовнинг қатъияти ва матонати эмасми. Юртбошимиз ҳар бир ўғил-қизига оталарча меҳр кўрсатди. Ўқиб ўрганишлари учун жаҳоннинг ҳеч бир давлатидан кам бўлмаган имкониятлар эшигини очиб берди

Улуғ йўлбошчимиз ташаббуси асосида, эскича қолиб ва мезонлардан бутунлай воз кечган ҳолда кенг миқиёсдаги кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, таълим-тарбия тизимини энг замонавий халқаро стандартлар бўйича тубдан ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар дастури ишлаб чиқарилди ва жорий этилди. Ислом Абдуғаниевич 2001 йил 24 январда ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишдаги сўзлаган нутқида шундай дейдилар, “Бугун дунёнинг энг машҳур илм даргоҳларида ўзининг ақл заковати, эришган натижалари билан обрў-эътибор топаётган қанчадан-қанча юртдошларимиз, нуфузли мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтараётган ўнлаб ўғил-қизларимиз, айтайлик бокс бўйича, кураш, шу жумладан, ўзбек кураши таэквандо, каратэ, шахмат ёки теннис бўйича салмоқли ютуқларга эришаётган спортчиларимизнинг ҳаёти ва фаолияти китобларга, фильмларга мавзу бўлишга арзимайдими? Нима учун бизуларни замонамиз қаҳрамонлари деб улуғламаймиз? [1] Қаранг улуғ йўлбошчимиз бизни қанчалар яхши

кўрар эди. Биз ҳам шу сабабдан шу буюк сиймони чексиз меҳру-муҳаббат билан яхши кўрамиз ардоқлаймиз ва муқаддас хотирасини мангу сақлаймиз. Йиллар ўтиб жуда кўп нарсалар ўзгариши мумкин жуда кўпчилик унутиши мумкин, аммо биз ёшларнинг меҳрибон ғамхўри бўлган Ислом Абдуғаниевичдек буюк сиймо ўзбек халқининг қалбида мангу яшайди.

Ислом Абдуғаниевични мамлакат тараққиёти йўлидаги хизматлари халқаро миқёсда ҳам чуқур ҳурмат ва эътобор билан тилга олинмоқда. Хусусан, 2016 йил 3 сентябрда Самарқанд шаҳрида Форумлар мажмуасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов билан видолашув маросимида сўзга чиққан Туркманистон Республикаси Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов ўз нутқида "Ислом Каримов том маънодаги ватанпарвар инсон ва буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи унинг барча ташаббуслари халқаро майдонда қўллаб қувватланган Туркманистондаги барча ёшу-қари у кишининг чин дилдан ҳурмат қилар эди", [2]-деб таъкидлаган эди. Чиндан ҳам Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ўз халқи ватанига жаҳонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига фидокорона хизмат қилганнинг ёрқин намунасидир.

Шу ўринда улуғ йўлбошчимизнинг "ўзини раҳбарман, етакчиман деган инсон, аввало, ўз олдига халқим эртага бировнинг қўлига қарам бўлиб қолмаслиги учун мен ўзим нима иш қилдим, бугун қандай чора тадбирларни амалга оширмоқдаман деб савол қўйиши ва шу саволга жавоб топишим керак" деган сўзлари юрагимни жумбушга келтиради. Ҳа, Ислом Абдуғаниевич бутун умри давомида шу саволга жавоб топиб яшади. У кишининг кўп миллатли Ўзбекистон халқига "халқимиз манфаати унинг эртанги тақдирига даҳлдор бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишда етти ўлчаб бир кесишимиз зарур", -деган мурожатига эътибор қаратадиган бўлсак ҳар бир қарорни қабул қилишдан олдин чуқур ўйлаб халқ фикри ва муҳокамаси асосида ўзгартиришлар киритиб кейин ҳаётга жорий қилганлигига амин бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов мана шундай эзгу ишлари фидокорона хизматлари ва халқига кўрсатган меҳри туфайли ўзи тириклик чоғидаёқ ўзбек халқининг қалбига ўз ҳайкалини ўрнатган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 8 ноябр куни Самарқанд вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқида Юртдошимиз Ислом Абдуғаниевич ни хотирлаб "Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин буюк Йўлбошчимизнинг мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва уни ҳар томонлама равнақ топпиш йўлидаги беқиёс жасорати ва тарихий хизматларини халқимиз ҳеч қачон унитмайди", -деган эди. [3]

Адабиётлар

1. Каримов И. Ватан равнақи учун барчамиз масъулмиз. Т. 9. Т.: "Ўзбекистон" –Б.209.
2. Халқ сўзи, 2016 йил 3 сентябр.
3. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ. –Б.173.

MEMORY OF ISLAM KARIMOV

Umirzaqov D.D. - student TIRE
Achilov O.R. - Scientific Supervisor

"We know Islam Abduganiyevich Karimov was born on January 30, 1938 in Samarkand in a family of servicemen. He graduated from the Central Asian Polytechnic Institute and Tashkent Institute of National Economy on mechanical and economical specialties.

Islam Abduganiyevich Karimov was elected as the first secretary of the Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan in June 1989. At that time the republic was on the verge of civil war, bloodshed, ethnicity and inter-confessional conflict. Similar developments have taken place in neighboring countries. In such a difficult period, he has saved our people and our country from such a fate with its ability to predict its events, its strong will and

determination. It was during that time that our people, in the name of Islam Abduganiyevich Karimov, had a special responsibility for the fate of their homeland and people, each of their compatriots, who can see the essence of the sudden, he had a real leader, who could feel the truth. Happily, Islam Abduganiyevich Karimov was chosen as the First President of the Republic of Uzbekistan on December 29, 1991, a wise and selfless man who has his own way to bring the nation to the list of developed nations. This respected person is the great statesman who has been working and conducting the deeply thought-out strategy of building a democratic state based on open civil society and market economy for over 25 years.

Our distinguished President is a great person who has made a great contribution to the development of our country not only in the economic sphere, but also in many other spheres. The preservation and strengthening of sovereignty and independence of Uzbekistan has always been a top priority for Islam Abduganievich Karimov and became the fundamental principle of his policy. The people of Uzbekistan regard all the achievements and results achieved in the years of independence as being connected with the First President's name and activity of the country. He is the author of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, rightly conforming to democratic requirements and international standards and became a real guarantor of practical application of life. Islam Abduganiyevich Karimov was a firm advocate of the idea that political independence cannot be achieved without gaining economic independence. This is why the President has developed a program of radical reforming and structural transformation of the economy of Uzbekistan, which is known as the "Uzbek model" of development throughout the world on the five principles. The core of this model is the implementation of the strategic direction "Not for the Reformation, but for Man".

Angren-Pap railway line, including Tashguzar-Baysun-Kumkurgan, which includes a number of modern road-transport and engineering-communication infrastructures, including a unique tunnel through the Qamchik mountain pass, on railway station. High-speed train connections have been launched from Tashkent to Samarkand, Bukhara and Karshi, modernized international airports, international logistics center has been established at the Navoi airport and the construction of the Uzbek national highway has been completed [1].

Islam Abduganiyevich Karimov was awarded with the heroic title of Hero of Uzbekistan."The President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev visited the complex and delivered a speech at the ceremony. Islam Karimov, as the true leader of the nation, selflessly loved people who grew up and brought him up, his beautiful and inimitable Motherland, defended and realized its interests, considered the main goal of his life, noted the President of our country. He always followed the call that was forwarded by himself – “To live for the sake of people, for the sake of the country” and became an immortal ideal for future generations.

Leading independent Uzbekistan for 26 years, the First President of our country has gained great authority among our people and in the international community as the great statesman who developed and implemented a deeply thought-out strategy of establishing of a market-based constitutional democratic state and open civil society. Large-scale reforms initiated by the First President are now being consistently continued by the head of our state Shavkat Mirziyoyev.

The resolution of the head of our state “On perpetuating the memory of the First President of the Republic of Uzbekistan Islam Abduganiyevich Karimov of January 25, 2017 became a practical reflection of the boundless respect and love of our people for their great son. As stipulated in the resolution, large-scale measures are taken on perpetuating the blessed memory of the First President of our country. In October 2016, the Republican charitable public foundation named after Islam Karimov was established. The mosque in Fergana street of Yashnabad district of Tashkent is called “Islom-ota”. A significant work was carried out on organization of a museum of Islam Karimov in Samarkand. Within the framework of implementation of the resolution, Tashkent state technical university, Asaka automobile plant, the Palace of arts in Fergana, Tashkent international airport, the central streets of the capital of our country, Nukus, regional and district centers are named after Islam Karimov [2].

The President of our country ShavkatMirziyoyev visited the final resting place of the First President of our country in Samarkand several times. Becoming familiarized with the project of the memorial complex, which will be erected on the burial site of Islam Karimov, gave instructions on its improvement.

Islam Abduganievich Karimov loved his people with infinite love and dedicated his entire lifeto serving Uzbekistan until his later days Unfortunately, our esteemed president died on September 2.2016 of a serious illness. This feeling of loneliness has puzzled the entire Uzbek people. When we checked out our president, he was full of tears and a panic in his heart. We, young people, have been losing our most precious and close people. In fact, our first president, a caring father for us, made great plans for the future, and was our guide to unity and courage. In order to perpetuate this heritage, our country has three magnificent statues: the city of Tashkent, the capital city of Samarkand and the city of Karshi. At the same time, a statue of our president was set up in the neighboring Turkmenistan, and one of the streets was named after Islam Karimov. The memory of Islam Abduganievich Karimov, the great son of the Uzbek people, will remain forever in the hearts of all our dear compatriots and all our people.

Literature

1."Xalq so`zi "2017.y 241-son. Sh.M.Mirziyoyev. p.14. T.Yo`ldoshev, p.26.
2."Fuqarolik Jamiyati" 2017.y 3-son. M.Ismoilov.p,4. R.S.Azimov . p.5.

МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА АСОСЛАНГАНЛИГИ

Рузимурадов Ш.А. - ТТЙМИ талабаси
Юсупов Ш.Р. - ТТЙМИ катта ўқитувчиси

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан давлатимизни мустақиллик асосини яратиб берганларидан сўнг, миллий ғоя ва мафкурамизни яратиш, халқимиз онги ва тафаккурида мустақиллик ғояларини мужассамлаштириш, эски собиқ иттифоқ мафкурасидан халос этиш каби масалалар бирин-кетин ҳал этилишига эътибор қаратилди. Республикамизда тенглик, осойишталик, ўзаро ишонч тўйғуларини самарали фойдаланишга ва бу жараёнларга монанд маънавият яратилишига дадил қадамлар қўйилди. Шу асосда ўз характерли хусусиятга мувофиқ яхлит асосга, ягона мақсадга, таркибий қисмига ва унинг асосий йўналишларини ҳаётга тадбиқ этиш имкониятларига аста-секин эга бўлди. Миллий мафкуранинг таркибий қисмлари асосан:

1. Ўтмиш меросий қадриятларни янги таянч ва қудратли илдиз сифатида;
2. Келажакка бўлган ҳаракатимиз жараёнида шаклланадиган ва фозил инсонни тарбиялаб вояга етказадиган асосий ғоя сифатида;
3. Истиқбол тараққиётимизнинг оқибати, мақсади адолатли демократик давлат барпо қилиш сифатида намоён бўлмоғи лозим.

Миллий мафкуранинг тарихий илдизлари – халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва маънавий меъроси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, қўшиқлари, байрам ва маросимлардаги озодлик, эркинлик учун кураш руҳи, ота-боболаримизнинг мустақиллик йўлида кўрсатган жасорати, бунёдкорлик ишлари ҳамда уларни амалга оширишда маънавий руҳ берган тафаккур тарзида намоён бўлади. У асрлар мобайнида йиллар синовига дош бериб, сайқалланиб, такомиллашиб келган. Миллий мафкуранинг маъно-мазмунини белгилайдиган асослардан бири – бу халқимизнинг қадимий бой тарихидир. Чунки тарих – буюк мураббий. У инсонга ибратли хулосалар берибгина қолмасдан, баъзи аччиқ сабоқларни тан олишга ундайди. Халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатининг ифодаси бўлган халқ оғзаки ижоди намуналари, “Алпомиш” “Шашмақом” каби санъат дурдоналари, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурнинг соғлом манавияти маҳсули бўлган “Куч-адолатдадир” деган шиори миллий ғояни таркибий қисмига айланиб келган, мамлакат бирлигини таъминлаш, марказлашган давлат барпо этишда, уни одиллик билан бошқаришда маънавий-мафкуравий асос бўлиб

хизмат қилган. Миллий истиқлол мафкурамизда халқларимизнинг маънавий-ахлоқий онги ва тафаккури ривожланишида катта ўрин тутадиган зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби “Авесто”нинг асл Ватани Ўрта Осиё, аниқроғи, кўҳна Хоразмдир. “Авесто”нинг яратилганига қарийб 3 минг йил бўлмоқда.Умуман энгқадимги маданий, тарихий, адабий ёдгорлик ва бойликларимиз қуйидаги 3 та асосий манбага таяниб ўрганилади:

1. Халқ оғзаки ижоди материаллари.
2. Буюк адиблар, алломаларнинг ижодий мероси.
3. Археологик топилмалар.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов 2000-йил 6-апрель куни Оқсаройда миллий мафкура – мамлакат келажаги пойдевори эканлигини таъкидлаш билан бирга, ўз келажагини қурмоқчи бўлган ҳар қандай жамият албатта ўз ғоясига суяниши ва таяниши кераклигини таъкидлайди. Давлат тизими, уни бошқариш сиёсати аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозимлигини айтиб ўтдилар. Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йуқотиб қўйиши муқаррардир. Миллий мафкурани яратиш зарурияти билан боғлиқ фикр биринчи бор Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан 1993-йилнинг 23-апрелида, унинг Республиканинг бир гуруҳ адиблари билан учрашувида илгари сурилди. Орадан кўп ўтмасдан мамлакат Олий Кенгаши X сессиясида (1993-йил 6-май) маънавиятсиз ҳеч қандай ижтимоий тараққиётнинг бўлиши мумкин эмаслигини, олдимизда турган энг муҳим масала – бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва уни ҳаётимизга тадбиқ этиш эканлигини таъкидлади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёв ташаббуслари билан илгари сурилган 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бу мавзу атрофлича кўрсатилган. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясининг V бўлими, “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таьминлаш ҳамда чуқур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” бандида келтирилган фикрларни келтиришимиз мумкин. Ахборот хавфсизлиги, миллатлар ва конфессияларо тинчлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш миллий қадриятларни асраб уларни янада ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Бу ишларнинг амалда ҳам натижасини кўришимиз мумкин. Масалан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёв ўзбек миллий мақомчилик санъатини ривожлантириш тўғрисидаги қарорни имзолади. Қарорда ўзбек мақом санъатини чуқур ўрганиб, ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини янги босқичда равнақ топтириш, унинг “олтин фонди”ни яратиш ва бойитиш, халқаро нуфузини ошириш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида давлат муассасаси шаклида ўзбек миллий мақом санъати марказини ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳужжат билан ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Хулоса қилиб айтганда, миллийликка бўлган эҳтиёж миллий мафкурани келтириб чиқаришда муҳим рол ўйнайди. Одамлар тафаккурини ўзгартирадиган, уларнинг дунёқарашини янгилайдиган воситалардан бири Президент И.Каримов таъбири билан айтганда, тарих ва фалсафадир.

TA’LIM SOHASIDA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISLOHOTLARNING KONSTITUTSIYAVIY HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI

Xushvaqtov N.H. - SamDU magistri

Jamiyatning rivojlanishi unda yashovchi fuqarolarning iqtisodiy, madaniy, siyosiy va ma’naviy ehtiyojlarini qay darajada qondirilishiga bog’liqdir. Hozirgi globallashuv jarayonida har bir sohaning konstitutsiyaviy huquqiy asoslarining yaratilishi, demokratiyaning eng muhim belgilaridan biri hisoblanadi. Chunki, har bir suveren davlatning bosh huquqiy asosi bu uning Konstitutsiyasidir.

O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida eng muhim ustuvor maqsad sifatida inson manfaatlari, fuqaro va davlat munosabatlari o’z aksini topgan. Shu o’rinda Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev Konstitutsiyamizning 24 yilligiga bag’ishlangan ma’ruzasida quyidagilarni ta’kidlab o’tadilar: «Bosh qomusimiz Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi va boshqa asosiy xalqaro hujjatlar talablariga to'la mos holda, inson va fuqarolarning shaxsiy huquq va erkinliklari, siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy huquqlarini kafolatlab berdi. Insonning ma'naviy kamol topishi va har tomonlama uyg’un rivojlanishi uchun shart sharoitlar yaratdi».[2]

O’zbekistonda tarixan ta’lim-tarbiya va ilm-fan sohalariga juda yuqori darajada e’tibor qaratilgan. Keyingi paytda buyuk ajdodlarimizning so’nmas dahosiga hurmat-ehtirom, ularning boy ilmiy merosini o’rganishga bo’lgan qiziqish xorijiy ellarda ham ortib borayotgani barchamizni quvontiradi [3].

Yurtimizda o’tgan 25 yil mobaynida konstitutsiyaga asoslangan holda o’ziga xos ravishda ta’lim qonunchiligi taraqqiy etib bormoqda. Ma’lumki, mamlakatimiz mustaqilligi milliy ta’lim-tarbiya, fan va madaniyat sohalarida islohotlarni amalga oshirish uchun zamin yaratdi. O’zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov boshchiligida 1992-yil 8- dekabr XII chaqiriq O’zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining 11-sessiyasida qabul qilingan “O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi”ning qabul qilinishi barcha sohalar qatori ta’lim sohaning qonunchilik asosini yaratilishida asos bo’lib xizmat qildi. Jumladan, Konstitutsiyaning 41- moddasida: ”Har kim bilim olish huquqiga ega. Bepul umumiy ta’lim olish davlat tomonidan kafolatlanadi. Maktab ishlari davlat nazoratidadir” va 42-moddasida: “Har kimga ilmiy va texnikaviy ijod erkinligi, madaniyat yutuqlaridan foydalanish huquqi kafolatlanadi. Davlat jamiyatning madaniy, ilmiy va texnikaviy rivojlanishiga g‘amxo‘rlik qiladi”[1] deb, belgilanib qo’yilishi respublikamizda ta’lim sohasining keying taraqqiyotiga tayanch huquqiy asos bo’lib xizmat qildi. Davlat ta’limsohasida shaxslarga yetarli shart-sharoitlar yaratib beradi. Fuqarolar esa bilim olish huquqi orqali o’z salohiyatlarini amalga oshiradi.[5]

O’zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov “O’zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida” nomli kitobida kadrlar tayyorlash milliy dasturining qabul qilinishing tarixiy mohiyati ochib berilgan. Jahon jamoatchili-gi tomonidan keng e’tirof etilgan, dunyoda o’xshashi kam bo’lgan O’zbekistonning Kadrlar tayyorlash milliy dasturi haqida bormoqda. Shunisi hayratlanarliki, bu noyob dasturning mazmun-mohiyati, asosiy maqsad va vazifalari, ustuvor yo’nalishlari haqida Yurtboshimiz 1990 -yilda respublikamizda ilm-fan va ta’lim sohasining moddiy-texnik bazasi, kadrlar tarkibi achi-narli ahvolga tushib qolgan, bu sohalar «qoldiq» prinsipi asosida moliyalashtirilayotgan, jumladan, 1700 ta maktab binosi avariya holatida bo’lgan. O’tgan davr mobaynida Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning bevosita tashabbusi va rahbarligida ishlab chiqilib, 1997-yili qabul qilingan Kadrlar tayyorlash milliy dasturi va uning uzviy, mantiqiy davomi bo’lgan, 2004-yili qabul qilingan Maktab ta’limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish na-tijasida 1600 ga yaqin akademik litsey va kasb-hunar kolleji, qariyb 10 mingta umumta’lim maktabining, 200 ga yaqin bolalar musiqa va san’at makta-bining yangitdan barpo etilgani va rekonstruksiya qilingani, 1200 tadan ziyod bolalar sport inshooti qurib foydalanishga topshirilgani va zamonaviy asosda jihozlangani, hyech shubhasiz, yuqorida tilga olingan so’z va ish birligining amaldagi yorqin namoyonidir, desak, aslo mubolag’a bo’lmaydi [4].

“Ta’lim to’g’risida” gi Qonun, Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi, Prezident farmonlari, farmoyishlari va qarorlari, Vazirlar mahkamasining qarorlari hamda oliy va o’rta maxsus ta’lim vazirligining buyruqlari sohada olib borilayotgan islohotlarning taraqqiyoti davomiyligini belgilab berdi. Dastlab 1992-yil 2-iyulda “Talim to’g’risida” gi Qonun tasdiqlandi. Ushbu qonun hujjatda ta’lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy tamoyillari, ta’lim tizimi, uning boshqaruv tarkibi, pedagog xodimlarning huquqlari, burch va mas’uliyatlari aniq belgilab berildi. Bu muhim davlat hujjatining qabul qilinishi ta’lim sohasida amalga oshiriladigan barcha islohotlarning boshlanish davri bo’lib xizmat qildi. 1997-yil 29-avgustda “Talim to’g’risida” gi Qonunning yangi tahriri va yuksak ahamiyatga ega bo’lgan, ta’lim sohasida eng ilg’or yangilik

hisoblangan “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” qabul qilindi. Qabul qilingan dasturga muvofiq mamlakatimizda uzluksiz ta’lim tizimi joriy etilib, uning qonunchilik asoslari ham belgilanib berildi.

“Talim tog’risida”gi Qonun 5 bo’lim va 34 moddadan tarkib topgan. Ushbu Qonun fuqarolarga ta’lim, tarbiya berish, kasb hunar o’rgatishning huquqiy asoslarini belgilaydi va har kimning bilim olishdan iborat konstitutsiyaviy huquqini taminlashga qaratilgan.[6]

Kadrlar tayyorlash milliy dasturi O’zbekiston Respublikasining “Ta’lim to’g’risida” gi Qonun qoidalariga, milliy tajribaning tahlili va ta’lim tizimidagi jahon miqyosidagi yutuqlar asosida tayyorlangan hamda yuksak umumiy va kasb-hunar madaniyatiga, ijodiy va ijtimoiy faolikka, ijtimoiy-siyosiy hayotda mustaqil ravishda istiqbol vazifalarini ilgari surish va hal etishga qodir kadrlarning yangi avlodini shakllantirishga yo’naltirilgandir.

Mamlakatimizda olib borilgan ta’lim sohasidagi islohotlar o’zininig amaliy natijalarini dunyo jamoatchiligi o’rtasida ham o’z o’rniga ega ekanligini yana bir bor ko’rsatdi.«Jahon intellektual mulk tashkiloti va yetakchi xalqaro biznes maktablaridan biri – «INSEAD» tomonidan 2012-yilda inson kapitalining taraqqiyot darajasi bo’yicha o’tkazilgan tadqiqot natijalariga ko’ra O’zbekiston 141 mamlakat orasida 53-o’rinni, ta’lim tizimini rivojlantirish darajasi, jumladan, ta’lim maqsadlari uchun ajratiladigan mablag’lar bo’yicha esa dunyoda beshinchi o’rinni egalladi.[7]

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi “O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi to’g’risida”gi Farmoni bilan Harakatlar strategiyasini “Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturining “Ijtimoiy sohani rivojlantirish” deb nomlangan to’rtinchi yo’nalishida maktabgacha ta’lim muassasalarining qulayligini ta’minlash, umumiy o’rta, o’rta maxsus va oliy ta’lim sifatini yaxshilash hamda ularni rivojlantirish chora-tadbirlari belgilab berildi. 2016-yil 29-dekabrda “2017-2021 yillarda maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida” Prezident qarori qabul qilindi va uning asosida dastur ishlab chiqildi.

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 20-apreldagi “Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora tadbirlar to’g’risida”gi PQ-2909 Qarorining qabul qilinishi mamlakatimizda ta’lim sohasining yanada rivojlanishiga asos bo’ldi. Shu o’rinda, bugungi kunda yurtimizda maktabgacha ta’lim muassasalariga ham katta e’tibor qaratilgan holda, Maktabgacha ta’lim vazirligi tashkil etildi. Xalqning xohish va takliflaridan kelib chiqqan holatda, davlatimiz tomonidan maktablarimizda 11 yillik ta’limining joriy etilsihi, o’sib kelayotgan yosh avlodning har tomonlama ya’ni ham nazariy va ham kasbiy bilim ko’nikmalarining rivojlanishiga keng imkoniyatlar yaratib berilmoqda. Chunki, ta’lim ijtimoiy hayotning muhim sohasi hisoblanadi, aynan ta’lim jamiyatning intelektual, madaniy va ma’naviy darajasini shakllantiradi. Hozirgi kunda har qanday davlatning kuchi-qudrati, rivojlanish darajasi, undagi ijtimoiy-siyosiy muhit ushbu davlatning intelektual salohiyati bilan belgilanadi. Intelektual salohiyatning o’sishi esa asosan ta’lim sifati bilan baholanadi. Shuning uchun jahon andozalari talablariga mos keladigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash hozirgi kunning eng dolzarb vazifalaridan biri bo’lib turibdi. Chunki, fan-texnikaning rivojlanishi barcha fanlar va sohalarga oid axborot oqimining jadallashuvi tayyorlanayotgan kadrlarni bilim, malaka va ko’nikmalarini zamon talabi darajasiga ko’tarishni talab qilmoqda. Bilimli mutaxassisni tayyorlashning asosiy omillaridan biri, o’qitish jarayoni va sifati samaradorligini oshirish hisoblanadi. Ta’lim jarayoni sifatini oshirishning asosiy omillaridan biri uning meyoriy-huquqiy ta’minoti hisoblanadi. Shuning uchun, bugungi kunda ta’lim jarayoniga qaratilayotgan e’tiborni inobatga olganda, bu sohaning meyoriy-huquqiy ta’minotini, jumladan, ta’lim to’g’risida Qonun, Oliy ta’lim to’g’risida Nizom, Davlat ta’lim standartlari, o’quv reja va o’quv dasturlar, sohalar bo’yicha faoliyatni tashkil etishga doir nizomlar va boshqa normativ-huquqiy hujjatlarni qayta ko’rib chiqishni va ularni rivojlantirishga oid dasturlar ishlab chiqishda rivojlangan davlatlar tajriblaridan foydalanishni yanana takomillashtirish zarur deb hisoblaymiz.

Adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.-T: “O’zbekiston”, 2014.
2. Mirziyoyev Sh. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash-yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi.-T: “O’zbekiston”, 2017.
3. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch.-T: “Ma’naiyat”, 2008.
4. Karimiv I.A. O’zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida.-T:”O’zbekiston” 2010.
5. Қаюмов.Р.К., Мирҳамидов. М., Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш .-Т: “Ўзбекистон”, 2001.
6. Топилдиев.В.Р. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил етишнинг меёрий-ҳуқуқий асослари.Тошкент-2015.
7. 2017-2021-yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasini “Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili” da amalga oshirishga oid Davlat dasturini o’rganish bo’yicha Ilmiy-uslubiy risola.-T:”Ma’naviyat”, 2017.

ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ РАҲБАРЛИГИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИСЛОҲАТЛАР

Джуманиязова З.Ф. - ТТА Урганч филиали ИКП т.ф.н., доцент
Абидов Ф. - ТТА Урганч филиали ИКП ассистенти

“Кадрлар тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан – астойдил, бетиним, изчил меҳнатни талаб этади” И. Каримов

Ўзбекистон Республикасининг бугунги ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқлар истиқлолнинг дастлабки кунларидан халқимиз танлаб олган тараққиёт йўлининг хар томонлама тўғри ва оқилона эканини кўрсатмоқда. Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан танланган ва дунёда тан олинган “ ўзбек модели” деган ном олган йўл, унинг замирида мужассам бўлган беш тамойил юртимизда эркин ва фаровон хаёт асосларини барпо этишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда [2] .

Мамлакатимизда Биринчи Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар бугунги кунда ижобий самара бермоқда. Юртимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган ёш авлод тарбияси йўлида эришган ютуқларимизда алоҳида тўхташ зарур. Бу ўринда фикр юритганда собиқ раҳбаримизнинг куйидаги сўзларини айтиб ўтиш ўринлидир: “Ватанимиз келажаги, ҳалқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аввалambор фарзандларимизнинг ўниб-ўсиш, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак [4]. Ўз-ўзидан аёнки янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият куриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.” Ушбу мақсаддан келиб чиққан холда, 1997 йили Ўзбекистонда Ислом Каримовнинг ташаббуси билан “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги қонун” қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар қабул қилинганидан буён таълим мазмуни тубдан ўзгарди. Таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари жорий этилди. Меҳнат бозори талабларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизими шаклан ва мазмунан барқарорлашмоқда.

Кадрлар тайёрлаш дастурнинг мазмун ва моҳиятига кўра 12 йиллик (9+3) таълимга ўтишни, узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини яратишни кўзда тутади. Дастур умумтаълим мактаблардаги тўққиз йиллик ўрта таълимни, академик лицей ва коллежлардаги уч йиллик махсус касбга тайёрлаш тизимини ўз ичига олади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 2009 йилгача бўлган даврда мўлжалланган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ҳам амлга оширилмоқда.Таълм соҳасида 1140 тага яқин академик лицей ва касб-хунар коллежи, 4680 тадан зиёд

умумтаълим мактаби янгидан курилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилди, таълим муассасаларининг моддий-техник базалари яхшиланди.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Олий таълим икки босқичли бўлиб, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Ўзбекистонда 65 та олий ўқув юртида, шу жумладан хорижий таъхлим муассасаларнинг филиалларида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 минга яқин ўзбекистонлик ва хорижий талабалар билим олмоқда. Ўтган йиллар мобайнида замонавий, ҳар томонлама жиҳозланган ўқув юртларини барпо этиш учун 5 миллиард доллардан ортиқ бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар йўналтирилди. Таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 %дан ошмайди [3].

Ўтган давр ичида таълим соҳасида қуйидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қайта қабул қилинди [1]:

- Таълим-тарбия тизимини бошқариш;
- Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш;
- Молиялаштириш ва моддий-техник таъминот;
- Педагог ва илмий-педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- Таълим хизматлари бозорини ривожлантириш;
- Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳалқаро алоқалар;
- Чет тилларини ўрганиш;
- Электрон кутубхоналар яратиш ва ягона тармоққа бирлаштириш;
- Таълим соҳасида ижтимоий ва молиявий давлат ёрдамини таъминлаш.

Олий таълимнинг такомиллаштирилган Давлат таълим стандартларини тайёрлаш борасида таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги тамойиллари асосида умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-ҳунар ва олий таълимнинг фан дастурлари модернизациялашмоқда.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, айрим иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини жадал юксалтириш, янги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини ташкил этиш ҳақидаги бир қатор қарорларга, шунингдек олий маълумотли кадрларнинг асосий истеъмолчи бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда бевосита олий таълим муассасаларининг таклифларига асосан таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори тайёрланди. Халқимиз Ўзбекистон эришаётган барча ютуқ ва натижаларни ҳақли равишда Ислом Абдуганиевич Каримовнинг фаолияти билан боғлайди. Собиқ юрбошимиз бежиз айтмаганларки: “XXI асрда ҳалқи интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат қудрали ва ...кучли бўлади”.

Адабиётлар

1. Б.Ю. Ходиев таҳрири остида. Олий таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тошкент, 2013.

2. И.Каримов. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотлапримизнинг пировард мақсадидир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2007.

3. Ислом Каримов – Ўзбекистон Республикаси Президенти. Тошкент, 2008.

4. И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008.

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI BIRINCHI PREZIDENTIMIZ NIGOHIDA

Muxtorov U.B. - TTYMI talabasi
Matkarimova J.D. - TTYMI s.f.n., dotsent

O`zbekiston mustaqilligining dastlabki yillaridanoq Birinchi Prezident I.Karimov boshchiligida ijtimoiy yo`naltirilgan bozor iqtisodiyotiga ega demokratik davlat qurish, inson

manfaatlari, huquq va erkinliklari asosiy qadriyatga aylanadigan, qonun ustuvorligi ta`minlanadigan fuqarolik jamiyatini shakllantirish yo`lini tanladi. O`zbekistonda kuchli fuqarolik jamiyati hamda huquqiy demokratik davlat barpo etish asosiy maqsad etib belgilab olindi. Bu boradagi olib borilgan harakatlar samarasi o`laroq fuqarolik jamiyati institutlari, nodavlat notijorat tashkilotlar demokratik qadriyatlar, inson huquq va erkinliklari, barkamol avlodni har tomonlama qo`llab quvvatlash, millatlararo hamjihatlik hamda ularni huquqiy manfaatlarini himoya qilishning muhim omiliga aylanib, fuqarolarning o`z salohiyatlarini ro`yobga chiqarishi, ularnning ijtimoiy, sotsial-iqtisodiy faolligi hamda huquqiy madaniyatini oshirish uchun sharoit yaratib bermoqda. Eng muhimi, jamiyatda turli millatlar manfaatlari muvozanatini ta`minlashda fuqarolik jamiyati institutlari ta`sirchan kuch sifatida shakllandi. O`zbekistonda barkamol avlodni tarbiyalash, ularni har tomonlama yetuk, komil inson bo`lishi masalasi davlat siyosatining asosiy mezoniga aylandi. Mamlakat aholisining qariyb 64 foizini yoshlar, ya`ni 30 yoshgacha bo`lganlar tashkil etadi. O`zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov ta`kidlaganlaridek, “Biz farzandlarimizning nafaqat jismoniy va ma`naviy sog`lom o`sishi, balki ularning eng zamonaviy intellektual bilimlarga ega bo`lgan, uyg`un rivojlangan insonlar bo`lib, XXI asr talablariga to`liq javob beradigan barkamol avlod bo`lib voyaga yetishi uchun zarur barcha imkoniyat va sharoitlarni yaratishni o`z oldimizga maqsad qilib qo`yganmiz”[1].

Albatta o`tgan davr mobaynida shuni alohida ta`kidlash joizki, xususan 2014-yil 25-sentabrda qabul qilingan “Ijtimoiy sheriklik- to`g`risida” gi qonun qabul qilinishi beqiyos ahamiyatga ega bo`ldi. Ushbu qonun nodavlat notijorat tashkilotlarning davlat sektori – ma`muriy boshqaruv idoralari bilan mustahkam va izchil aloqasini ta`minlab, o`zaro amaliy yordam almashuvni ta`minlaydi. Shu bilan bir qatorda ushbu qonunda millatlararo, madaniyatlararo totuvlik va fuqarolar totuvligi g`oyalarini mustahkamlash, ko`p asrlik, an`anaviy ma`naviy-ahloqiy hamda tarixiy madaniy qadriyatlarni tiklash va saqlash atrof muhitni, aholining sog`ligini muhofaza qilish va sog`lom turmush tarzini qaror toptirish, har tomonlama sog`lom va barkamol avlodni shakllantirish, yoshlarga bilim berish ularni ma`naviy axloqiy jihatdan tarbiyalash va kasbga yo`naltirish, onalik va bolalikni, shuningdek, xotin qizlarning huquqlarini himoya qilish, ularning ijtimoiy-siyosiy, sotsial –iqtisodiy, madaniy hayotida to`laqonli ishtirok etishini ta`minlash, sog`lom oilani shakllantirish, fan, ta`lim, axborotlashtirish, madaniyat va sportni rivojlantirishga alohida e`tibor qaratildi va ijtimoiy sherikchilikning asosiy sohalari sifatida belgilab qo`yildi.

Ijtimoiy sherikchilikning muhim sohalaridan biri bo`lgan har tomonlama sog`lom va barkamol yosh avlodni shakllantirish, yoshlarga bilim berish, ularni ma`naviy ahloqiy jihatdan tarbiyalash va kasbga yo`naltirish, ular ongida tarixiy ma`daniy qadriyatlarni shakllantirish masalasi Respublika siyosatining eng ustuvor yo`nalishi hisoblanadi. Mustaqillikning dastlabki kunlaridan boshlab Respublikada yosh avlodga nisbatan alohida g`amxo`rlik ko`rsatilib, mazkur masalaga oid davlat siyosati izchil ravishda amaliy hayotga tadbiq etib kelinmoqda. Bu siyosatning mazmun –mohiyati, asosiy yo`nalishlari, yoshlarga beriladigan ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va huquqiy kafolatlar O`zbekiston Respulikasining 1991-yil 20-noyabrda qabul qilingan “O`zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatining asoslari to`g`risida”gi qonunda belgilab qo`yilgan. Qonunga ko`ra yoshlarga oid siyosat O`zbekiston Respublikasi davlat faoliyatining ustuvor yo`nalishi bo`lib, uning maqsadi yoshlarning ijtimoiy shakllanishi va kamol topishi, ijodiy iqtidorini to`la-to`kis ro`yobga chiqishi uchun ijtimoiy, iqtisodiy, huquqiy, tashkiliy jihatdan shar-sharoit yaratish hamda ularni kafolatlashdan iboratdir. Bu qonunning qabul qilinishi, o`sib kelayotgan yosh barkamol avlodni tarbiyalash yuzasidan “Ta`lim to`g`risida”gi qonuni, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi” kabi bir qator hujjatlarning ishlab chiqilishida poydevor sifatida xizmat qildi. O`zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta`kidlaganidek, “Biz farzandlarimizning nafaqat jismoniy va ma`naviy sog`lom o`sishi, balki ularning eng zamonaviy intellektual bilimlarga ega bo`lgan, uyg`un rivojlangan insonlar bo`lib,

[1] Karimov I.A. asosiy vazifamiz – Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirishdir. – Toshkent: O’zbekiston.

XXI asr talablariga to`liq javob beradigan barkamol avlod bo`lib voyaga yetishi uchun zarur barcha imkoniyat va sharoitlarni yaratishni o`z oldimizga maqsad qilib qo`yganmiz”.[1] Shu nuqtai nazardan O`zbekistonda 1991-2012 yillardagi islohotlar, jamiyat hayotining barcha jabhalarini modernizarsiyalar va yangiash masalasi, mamlakatda yoshlarning aholi tarkibidagi salmog`i ko`pligini tashkil etishini e`tiborga olingan holda amalga oshirildi.

O`tgan davr mobaynida xususan, 2008-2014 yillarda barkamol avlodni tarbiyalash, yoshlarni ilmiy texnik, ijodiy va intellektual salohiyatini rivojlantirish masalasida yuqorida nomlari qayd etib o`tilgan nodavlat notijorat tashkilotlar davlat bilan ijtimoiy sherikligi natijasida bir qator ishlar amalga oshirildi. Shunga qaramasdan o`tgan yillar tahlili shuni ko`rsatib beradiki, mustaqillikni ilk yillarida qabul qilingan mavjud qonunni takomillashtirish, zamon ruhida moslash davr taqazzosi hisoblanadi. Bu esa yoshlarni yangidan yangi sharoitlar yaratish barobarida o`zlarini namoyon qilishlariga imkoniyatlar tug`diradi. Shu maqsadda, O`zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi tomonidan 2016-yil 12-avgustda qabul qilingan , Senat tomonidan 24-avgustda maqullangan va 2016-yil 14-sentabrda O`zbekiston Respublikasi Prezidenti vazifasini bajaruvchi Sh.Mirziyoyev tomonidan imzolangan “Yoshlarga oid davlat siyosati to`g`risida”gi[2] O`zbekiston Respublikasi Qonuni bugungi kunda yoshlar manfaatlarini ishonchli himoya qiluvchi hujjat bo`lib hisoblanadi.

Ushbu qonunni amalga oshirishda yoshlarga oid davlat siyosatini ro`yobga chiqarishni amalga oshiruvchi hamda unda ishtirok etuvchi organlar va muassasalar maslasi aniq ko`rsatilgan bo`lib, ularning vakolatlari, imkoniyatlari va majbutiyatlari belgilab qo`yilgan. Qonunning eng muhim normalaridan yana biri- bu yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda mahallalar, nodavlat notijorat tashkilotlari, ommaviy axborot vositalarining o`rni aniq belgilab qo`yilganidadir. Ayniqsa, mazkur tuzilmalar huquqlarida yoshlarga oid davlat siyosati sohasidagi qonun hujjatlarining ijro etilishi, davlat dasturlarining va hududiy dasturlarining ro`yobga chiqarilishi ustidan jamoatchilik nazoratini amalga oshirish belgilangani muhim ahamiyat kasb etadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev ta`biri bilan aytganda, “Birinchi Prezident millatning haqiqiy yetakchisi sifatida go`zal Vatanini jonidan ham ortiq sevar edi, xalqining manfaatlarni himoya qilish va ro`yobga chiqarishni o`z hayotining bosh maqsadi deb bilar edi. U kishi “Elim deb, yurtim deb, yonib yashash kerak” degan o`zining g`oyasiga doim amal qilib, kelajak avlodlar uchun, ularning har tomonlama yetuk insonlar bo`lib yetishishi uchun haqiqiy ibrat maktabini yaratdilar. Yoshlarga oid davlat siyosatini yaratib, barkamol avlodni tarbiyalash, ularni har tomonlama yetuk, komil inson bo`lishi masalasini davlat siyosatining asosiy mezoniga aylantira oldilar desak hech ham mubolag`a bo`lmaydi. ”

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA BOZOR MUNOSABATLARINING SHAKLLANISHI, UNING YO‘NALISHLARI, BOSQICHLARI VA XUSUSIYATLARI

Ne`matjonov H.Sh. - FPI talabasi

1991-yil o`zbek xalqining azaliy orzusi bo`lgan mustaqillikka erishdi. Bu kunni biz juda uzoq kutdik. Chunki asrlar davomida ajdodlarimiz shu kun uchun kurashib keldilar,buning uchun o`z jonlarini fido qildilar. Sho`rolarga,ularning mafkuraviy tayziqiga qarshi mardonovor kurashdilar. Bu kurashlar bekor ketmadi. Ulg`ayib borayotgan yosh o`zbek o`g`lonlari uchun bu o`rnak bo`ldi. Ularni ham mustaqillik uchun kurashishga undadi.

Bu ishda juda ham katta mashaqqatni,qiyinchiliklarni,sinovlarni boshdan kechirishga to`g`ri kelardi. Ana shunday qiyinchiliklarni o`z zimmasiga oladigan xalqimizning orzu-umidlarini amalga oshiradigan inson juda ham kerak bo`lgan bir pallada kurash maydoniga Islom Abdug`niyevich Karimov kirib keldi va o`z jonidan kechib xalq orzusi uchun kurashdi.Islom Karimov barcha qiyinchiliklarni ortda qoldirib o`z mustaqilligimizni qo`lga

[1] Karimov I.A. asosiy vazifamiz – Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirishdir. – Toshkent: O’zbekiston.

[2] “Yoshlarga oid davlat siyosati to’g’risida”gi Qonun 2016 yil,14- sentabr//Xalq so’zi,2016,15-sentabr.

kiritdilar. Bunga erishish oson bo`lmaganini biz juda yaxshi bilamiz. Men qanday qilib mustaqillik uchun Islom Abdug`aniyevich Karimov qanday kurashganlarini emas,mustaqil bo`lganimizdan so`ng xalq uchun nimalar qilganlari haqida gapirmoqchiman.

Xo`p biz amalladik,mustaqillikka erishdik endi qanday yo`l tutish kerak. Nima qilinsa yurt kelajagi uchun foyda,nima qilinsa bu yosh davlat tez suratlarda rivojlanib,dunyo tan oladigan davlatga aylanadi? Ana shunday savollar bizning birinchi Prezidentimizni qiynar edi.Butun dunyo nigohi biz tomonga qaratilgan bir paytda Islom Abdug`niyevich Karimov ham oqilona yo`l tuta boshladilar.Avvalo o`z qomusimizni qabul qildik. Chegaralarimizni mustahkamladik va chetdan keladigan ko`rinishidan beg`araz bo`lgan,ammo buni ostida katta manfaatlar bo`lgan takliflarni rad etildi. Keyin esa xalqimiz ongiga singib ketgan sobiq ittifoq mafkurasi uchun kurashishga qaror qabul qilindi. Aynan shu qaror yurtimiz kelaji uchun juda ham muhim qaror bo`lgan deb o`ylayman. Chunki hali mustaqillik nima ekanligini tushunmagan,endigina bunga ishonib borayotgan xalqimiz uchun bu kerak edi. Islom Karimov buning uchun nima qildilar? Avvalo o`zbek xalqi kimligini va kimning avlodi ekanligini,ularning ajdodlari qanday ekanligini eslatdilar. Pok nomlari bulg`angan,xalqimizga dushman sifatida tanitilgan ajdodlarimiz nomlari qayta tikladilar. Mafkuraviy hujumlar kuchayib borayotgan paytda o`z mafkuramizni yaratdilar.Iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanish yo`limizni aniq belgilab berdilar. O`zimizning qat`iy maqsadimizni tanlab oldilar. Bu:”Ozod va obod erkin va farovon vatan qurish oliy maqsadimizdir”.Ana shunday murakkab davrda o`z xalqini yorqin kelajak sari yetaklagan inson yurtning qahramoni deyishga loyiq insondir.

Islom Karimov o`zlarining “O`zbekiston XXI asrga intilmoqda” asarlarida shunday deganlar:” **Bugun o’sha davr to’g’risidagi haqiqatni xolisona aytadigan bo’lsak, u zamondagi hayotimizni jahon tarixi va amaliyoti bilan taqqoslaydigan bo’lsak, shuni ochiq aytish kerakki, u paytda O’zbekiston bir yoqlama iqtisodiyotgamarkazga butunlay qaram, izdan chiqqan iqtisodiyotga ega bo’lgan yarim mustamlaka mamlakat qatoriga aylangan edi**”[1].

Mustaqillik xalqimizni iqtisodiy zulum, mutelikdan ozod etdi, o’z eri, er osti boyliklari, suv, o’simlik va hayvonot dunyosi va boshqa tabiiy zahiralariga to’la egalik qilish huquqini berdi. Barcha mulk, korxonalar O’zbekiston tasarrufiga olindi, mustaqil iqtisodiy siyosat yuritish, o’z iqtisodiy taraqqiyot yo’lini o’zi belgilash erkinligi qo’lga kiritildi.Bular iqtisodiy o`zgarishlar hisoblanadi. Bugungi kunda bu qanchalik to`g`ri ekanligiga guvoh bo`layapmiz.

Oldimizda turgan muhim vazifalardan yana biri xalq o`zini o`zi boqishi uchun yerimiz,tuprog`imiz unumdorligini oshirishdan iborat edi.Qishloq xo`jaligi sohasida ham katta o`zgarishlar qilindi. Yerga ishlov berish uchun agrotexnika vositalari bilan dehqonlarni ta`minlash,fermer xo`jaliklarini tashkil etish va ularni ko`p tarmoqli fermer xo`jaliklariga aylantirish masalalari ko`rib chiqildi. Aytish mumkinki qisqa muddat ichida salmoqli natijalarga erishildi.Ma`lumot o`rnida O`zbekiston hududida 4 million 300 ming gektar sug`oriladigan yerlar mavjud.Shulardan 60% kuchli darajada sho`rlangan. Juda kata mablag`lar evaziga ushbu muammo ma`lum darajada o`z yechimini topdi. Agar kata mablag`larni shu muammoga sarflamaganimizda bizni kim boqar edi. Muhimi shundaki Birinchi Prezidentimiz ushbu muammoni xo`jaliklarni o`zi xal qilsin degan qarashga chek qo`ydilar.

Zamonaviy agrotexnologiyalarni joriy etish va fermerlarni yuqori unum bilan ishlaydigan qishloq xo`jaligi texnikasi bilan ta`minlash hisobidan qishloq xo`jaligi ishlab chiqarishida intivsiv usullarga o`tish ushbu sohani rivojlantirishning eng muhim yo`nalishlaridan biri bo`ldi.

Darhaqiqat aytish mumkinki, ushbu muammolar va ularning yechimlarini Birinchi Prezidentimiz debocha sifatida boshlab berdilar. Biz yoshlarning hozirgi kundagi asosiy vazifamiz ana shu nmuammolarning hal etilishida o`z faolligimizni, kuch g`ayratimizni ko`rsatishdan iborat. Xalqimizning kelajagi va uning turmish tarzini yanada yaxshilash yo`lida Islom Abdug`niyevich Karimov kabi jonkuyarlik, adolatlilik va albatta sadoqat bilan xizmat qilishimiz kerak.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирсолихова Д.Н. - ТТЙМИ талабаси

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳатлар амалга оширила бошланди. Ҳарқандай мамлакатнинг кучи унинг фуқароларининг маънавий етуклиги, интеллектуал салоҳиятга эгалиги билан белгиланади. Шу борада таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ишлаб чиқилди. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Ўзбекистоннинг тараққиётини таминлай оладиган, уни жаҳоннинг илғор мамлакатлари даражасига кўтарилишига ҳисса қўшувчи дадил, мустақил фикрловчи, билимли, малакали мутахассис бўлган кадрларни тайёрлаб вояга етказиш учун ташкил этилди”. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қараш ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва аҳлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш миллий тизимини яратишдан иборатдир. Мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг қон томирларидан ҳисобланган “Ўзбекистон темир йўллари” ривожлантириш мамлакатимизнинг фуқороларига қулайликлар яратиб бериш ва сифатли сервис хизматларини ташкил этиш учун кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга эди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил 7 ноябрдаги Фармонига мувофиқ ташкил этилган “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик темир йўл компанияси зиммасига мамлакатнингйўловчи ва халқ хўжалиги юкларини ташишга бўлган эҳтиёжини қондириш юзасидан муҳум вазифалар қўйилган. Бундай долзарб масъулятни адо этиш тармоқ тизимини ислоҳ қилиш, уни ҳалқаро андозалар талаблари даражасига чиқаришни тақозо этади. Ушбу мураккаб катта техник ва технологик тузилмавий ечимларни ҳал этишда И.А.Каримов ҳамиша йўл-йўриқ бериб, бутун фаолиятимизни йўналтириб, зиммамизга катта масъулятни юкладилар. Барча ишларимизнинг бошчиси ҳам, илҳомчиси ҳам ўзлари бўлдилар. 2011 йилдан бошлаб йўловчилар чипталарни интернет орқали буюртма қилиш имкониятига эга бўлди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон, Хитой, Корея ва Япония давлатларини Эрон, Туркия ва Ғарбий Европанинг жануби билан туташтирадиган Трансосиё магистрали (Истамбул – Тошкент – Олмаота – Пекин) қурилишида хиссабай иштирок этмоқда. Бу магистралнинг “Дружба” станцияси (Қозоғистон), Туркманистонда Тажан – Сарахс ва Эронда Сарахс – Машхад қисмлари қуриб фойдаланишга топширилда. 1996 йилнинг 13 майидан бошлаб бу йўлларда поездлар қатнови бошланди.

Ватанимизнинг жанубий сарҳадлари бўйлаб, Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳригача пўлат изларимиз бориб етди. Бу муҳим лойиҳа давом этиб, қўшни мамлакатларорқали Форс кўрфазига, яъни денгиз сув йўлларига чиқиб бориш имкониятларини беради.

Таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш жараёнини давом эттириш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан белгилаб берилган кенгмиқёсли ислоҳотлар мамлакат иқтисодиётида муваффақиятли давом этмоқда И.А.Каримовнинг 2010 йил 21-декабрдаги ПҚ-1446 сонли “2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожланритиришни жадаллаштириш тўғрисида” ги қарори доирасида амалга оширилаётган чора – тадбирлар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда таркибий туб ўзгаришлар жараёнини чуқурлаштириш, тармоқ участкаларини ривожлантиришга оид кенг кўламли чора – тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Мавжуд темир йўлларни реконструкциялаш ва электрлаштириш локомотив ва вагонларни модернизациялаш билан бир қаторда, уларнинг янгиларини ишлаб чиқариш, саноат корхоналарининг

ишлаб чиқариш қувватларини замонавийлаштириш, янги турдаги ҳаракат таркиби ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришга қаратилди. Олиб борилган катта саъй-ҳаракатлар натижасида юқори тезликдаги поездлар ҳаракатининг қатнови йўлга қўйилди. Юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатновини йўлга қўйишда мутахассислар учун "Тошкент – Самарқанд" линиясининг бутун масофаси жуда муҳим эди. Аммо унинг ичида "Ғаллаорол -19 разъезд – Булунғур" участкасининг техник ҳолати устивор бўлиб, уни юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" электропоездларқатновига мослаштириш муҳим эди. Шу боис темир йўл компанияси бошқаруви раиси раҳбарлигида тегишли хизмат, корхона ва бошқармалар, "Ўзтемирйўлназорат" вакилларидан иборат нуфузли ишчи гуруҳ зарур бўлган бутун масофа давомида ўзларига таалуқли омилларни хар томонлама ҳисобга олиб бордилар. Натижада, поезд силкинмасдан юқори тезликда ишончли ҳаракатланадиган янги қурилган темир йўл участкаси 2012 йилнинг 16-ноябрида фойдаланишга топширилди. Темир йўл линияси бўйлаб қатор мухандисик иншоотлари, бекат ва разъездлар, янги темир йўл бинолари қурилди. Янги объектларнинг ишга туширилиши, фаолият кўрсатаётганларни кенгайтириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратилди. Марказий Осиёда ягона саналган ушбу поездлар ҳаракатининг йўлга қўйилиши, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, муҳим роль тутади.

Юқори тезликдаги поездлар ҳаракати жараёни, улар ҳаракат хафсизлиги талабига мос тарзда бўлиш заруратини кун – сайин кучайтирмоқда. Мутахасисларнинг фикрича, бундай шароитда ҳаракатдаги таркибларни таъмирлаш ва қуриш саноат корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлаш, уларнинг темир йўл тармоғида эгаллаган ўрнини мустаҳкам сақлаб қолиш, кўп жихатдан, саноат сохасидаги ишлаб чиқаришга замонавий технология ва инновацияларни оқилона қўллашга боғлиқ. Бу айниқса, теплозов ва электровоз харакат таркиблари учун ўта муҳимдир. Шу боис темир йўл транспортида харакатнинг ушбу етакчисоҳалари модернизация қилиниб, илм-фан ва техника ютуқлари изчил тадбиқ этилмоқда. Истиқлол йилларида харакатдаги таркибларни таъмирлаш ва қуриш базаси қайта тикланди. Темир йўл соҳасини янада ривожлантириш мақсадида И.А. Каримов темир йўл транспорти тасарруфидаги саноат соҳасини янада ривожлантириш, таъмирловчи ёки бутловчи қисмларни ҳажмларини кенгайтириш, уларни рақобатбардош турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга оид қабул қилинган дастурларнинг тизимли амалга оширилишини давом эттириш мақсадга мувафиқдир деган фикрларини баён этган эди. Ўтган давр мобайнида Ислом Каримов темир йўл соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссани қўшган инсондир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти таъкидлаб ўтган бир фирни айтиб ўтмоқчиман . "Буюк ипак йўли" ўтган мамлакатимиз қадим замонлардан буён бепоён Марказий Осиё минтақасида муҳим геостратегик ўрин эгаллаб келган ва ҳозир ҳам эгаллаб келмоқда. Бу ердан азалдан асосий савдо йўллари ўтган ва кесишган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик қарор топган. Шарқий ва Ғарбий, Жанубий ва Шимолий магистрал йўллар орқали туташтирилган Ўзбекистон бугун ҳам улкан транспорт-коммуникация магистрали ва транзит салоҳиятга эга.

Адабиётлар

1. "Пўлат белбоғ" Тошкент, 2015.
2. Актуальные вопросы высокоскоростного движения. Тошкент 2013.
3. "Темирйўлчи"газетасининг 31 июль 2015 йилдаги махсус сони.

YOSHLARDA TOLERANTLIK FAZILATLARINI SHAKLLANTIRISH YO'LIDA

Boybo'riyeva Sh.M. - TDPU akademik litseyi o'qituvchisi

O'zbek millati buyuk millat sifatida o'z ona tilini, o'z milliy va ma'naviy qadriyatlarini va tarixini tiklashni, birgalikda hayot kechiruvchi kam sonli xalqlarninig taqdiri, ularning o'ziga xos madaniy va ma'naviy xususiyatlarini saqlab qolish, rivojlantirish, ularning kamol topishi uchun

keng imkoniyatlar va sharoitlar yaratishni o‘z burchi deb biladi. Mamlakatimiz Birinchi Prezidenti Islom Karimov o‘z faoliyati davomida "fuqarolar o‘rtasida tinchlik, millatlararo totuvlik va do‘stlik, ularni sakqash va mustahkamlashga intilish doimo xalqimizning o‘ziga xos fazilati bo‘lib keldi va shunday bo‘lib qolishini” ta’minlashga katta e’tibor qaratdi [1].

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini yaratishda Vatanimizda istiqomat kilayotgan har bir inson yoshi, millati, ijtimoiy maqei, diniy etiqodi, jinsi, irqidan katiy nazar teng huquqlarga va imkoniyatlarga egaligi, Birinchi Prezident diqqat markazida bo‘ldi.

Islom Karimov rahbarligida demokratik huquqiy jamiyat barpo etish yo‘lida olib borilgan keng qamrovli faoliyatda milliy, diniy, siyosiy, mafkuraviy bag‘rikenglik tamoyillariga amal qilish uchun barcha imkoniyatlar yaratildi. 1991 yilning 14-iyunda O‘zbekiston Respublikasining “Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to‘g‘risida”gi qonuni qabul qildi. Bu qonunga asosan fuqarolarning dinga e’tiqod qilishi yoki qilmaslik huquqiy kafolatlandi. 1998 yil 1-maydagi O‘zbekiston Oliy Majlisining XI sessiyasida esa “Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar tug‘risida” qonun yangi tahrirda qabul qilindi. Bu qonunga binoan dunyoqarashi to‘la shakllanmagan yoshlar diniy tayziqlardan himoya qilinadi. Bu qonunning 3-moddasida shunday deyilgan: “Voyaga etmagan bolalarni diniy tashkilotlarga jalb etish, shuningdek, ularning ixtiyoriga zid tarzda o‘qitishga yo‘l ko‘yilmaydi”[2].

Islom Karimov takidlaganidek, “Insonning, shaxsiy qadr-qiymatinn ustivor qadriyat sifatida e’tirof etuvchi xozirgi dunyoda, mazkur ziddiyat insonning erkin fikrlash, xoxlagan diniga e’tiqod qilish erkiga yoki hech qanday dinga e’tiqod qilmaslik erkiga bo‘lgan huquqni tan olishga aylandi. Bugungi kunda dinlararo bag‘rikenglik – g‘oyasi nafaqat dindorlar, balki butun jamiyat a’zolarining tinchlik va ozodlik yo‘lidagi hamkorligini nazarda tutadi hamda tinchlik va barqarorlikni mustahkamlashning muhim sharti hisoblanadi. Islom Karimov ta’biri bilan aytganda: “Din xech qachon odamlarni yomon yo‘lga boshlamaydi, u bu dunyoning o‘tkinchi ekanini oxiratiing haqligini eslatib turadi. Odam bolasini xushyor bo‘lishiga, xarom yo‘llardan uzoq bo‘lishga, yaxshi bo‘lishga, yaxshi iz qoldirishga undab turadi”[3]. Ko‘xna tarixdan bizga ma’lumki bag‘rikenglik, mehmondo‘stlik, ochiq ko‘ngillik, oriyatlilik o‘zbek xalqiga xos milliy kadriyatlardan xisoblanadi.

Islom Karimov 2006 yil 25 avgustda “Milliy g‘oya targ‘iboti va ma’naviy - ma’rifiy ishlar samaradorligini oshirish to‘g‘risida” qabul qilingan qarorida yoshlarni ma’naviy - axloqiy tarbiyalash xozirgi davrda naqadar muhim ekani alohida ta’kidlagandi. Bu qarorda aholining keng qatlamlari, avvalambor, yoshlar o‘rtasida Vatanga muhabbat va sadoqat, ijtimoiy bag‘rikenglik, insonparvarlik fazilatlarini tarbiyalash, milliy urf-odat, an’ana va qadriyatlarning xayotimizdagi o‘rni va ahamiyatini xar tomonlama ochib berishga yo‘naltirilgan suxbat va uchrashuvlar, ma’rifiy tadbirlar o‘gkazish ma’naviyat sohasida faoliyat yuritayotgan mutaxassislarning asosiy vazifalaridan biri ekanligiga urg‘u berildi [3].

Bag‘rikenglik ijtimoiy hayotning mavjudligi uchun mutlaqo zarur bo‘lgan xususiyatdir. Odamlarda bu xususiyat bulmasa jamiyat o‘zaro urush - janjallar maydoniga aylanib qoladi. [4] Ana shunday holatning oldini olish uchun o‘kuvchi va talaba yoshlarda bag‘rikenglik fazilatini shakllantirishga alohida e’tibor zarur. Akademik litsey va oliy ta’lim tizimida bag‘rikenglikni tarbiyalashga qaratilgan maxsus fan bo‘lmasa ham, ijtimoiy -gumanitar shakldagi bir qator fanlarda bu masalaga u yoki bu darajada e’tibor qilinadi. Ta’lim tizimi o‘kuv rejasiga kiritilgan ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitish jarayonida va darsdan tashqari vaqtlarda madaniy-ma’rifny tadbirlardan bag‘rikenglikni shakllantiriшda foydalanish alohida axamiyatga ega.

Xulosa qilib shuni aytish kerakki, Islom Karimov ijtimoiy taraqqiyotning o‘ziga xos, o‘ziga mos yo‘lini, o‘zbek modelini ishlab chiqar ekan, yoshlarimiz ma’naviyati va asosiy fazilatlarini shakllantirish vazifalarini ko‘rsatib bergan.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. Bizning bosh maqsadimiz – jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va isloh etishdir. – Toshkent: O‘zbekiston, 2005

2. O‘zbekiston Respublikasining “Vijdon erkinligi diniy tashkilotlar to‘g‘risida”gi Qonun. 1991 y. 3-modda

3. Karimov I.A. “Milliy g‘oya targ‘iboti va ma’naviy-ma’rifiy ishlar samaradorligini oshirish to‘g‘risida”gi qaror. // Xalq so‘zi. 2006 yil 25 avgust.

4. Karimov I.A. Jamiyat mafkurasi xalqni – xalq , millatni – millat qilishga xizmat etsin. Tom-7. Toshkent: O‘zbekiston, 1999 y. 56 b.

УЗБЕКСКАЯ МОДЕЛЬ – ПУТЬ, ОПРЕДЕЛИВШИЙ БУДУЩЕЕ РАЗВИТИЕ СТРАНЫ

Насуллаев А.Х. - студент бакалавриата ТашИИТ
Шарипова Л.Д. - к.ф.-м.н., доцент ТашИИТ

Долгие годы наша страна была частью могущественного государства, которой использовались, в основном, в качестве поставщика сырья, не имела право свободного выбора своей судьбы, не могла самостоятельно распоряжаться своими национальными и природными богатствами. 26 августа 1991 года Верховный Совет Республики подготовил проект закона о Государственной независимости Узбекистана, и 31 августа 1991 года была проведена историческая шестая внеочередная сессия Верховного Совета Узбекистана XII созыва. На этой сессии депутаты Верховного Совета приняли закон «О Государственной Независимости Республики Узбекистан», а Узбекская ССР была переименована в Республику Узбекистан. На сессии было принято «Заявление Верховного Совета о Государственной независимости Республики Узбекистан». В этом Заявлении Верховный Совет, основываясь на международном праве на самоопределение и чувствуя всю ответственность за судьбы народа в Республике, торжественно объявил о Государственной Независимости Узбекистана и о создании свободного суверенного государства – Республики Узбекистан.

Народ Узбекистана всецело поддержал решение Верховного Совета Республики. Это отразилось в ответах граждан Республики Узбекистан во время всенародного реформа. В бюллетенях всенародного референдума был такой вопрос: «Вы поддерживаете решение Верховного Совета Республики Узбекистан об объявлении государственной независимой Республики Узбекистан?» В референдуме участвовало 9 898 707 человек или 94% граждан из числа избирателей. Из них за объявление государственной независимости Республики Узбекистан проголосовали 9 718 155 человек или 98,2% из числа участвовавших в референдуме. Независимые наблюдатели из США, Турции, Малайзии и других стран отметили организованность, высокою степень политической активности и соблюдение законов во время указанного референдума.

Независимость – это не подарок судьбы, а великая победа, достигнутая за счет многолетней борьбы всего народа, миллионов людей. Приобретение Государственной Независимости – событие, имеющее большое историческое значение [1].

Во-первых, узбекский народ получил право самоопределения своей судьбы, народ стал единым хозяином государственной власти.

Во-вторых, независимость Узбекистана открыла возможность построения справедливого демократического государства, гражданского общества, создания национальной государственности.

В-третьих, благодаря Независимости, Узбекистан получил возможность равноправного партнерства со своими странами мира на основе международных норм, а также возможность показать себя на международной арене. Узбекистан получил свое место в мировой карте как молодое, независимые государство.

В-четвертых, были созданы все условия для коренных изменений в экономике, то есть условия для перехода на рыночную экономику. В корне изменились отношения к собственности, и была получена возможность формирования нового класса собственников в обществе.

В-пятых, Независимость создала все условия для духовного возрождения народа. Мы являемся свидетелями того, что в годы независимости стали восстанавливаться

история страны, древняя культура, нашему народу были возвращены исторические традиции и духовные ценности. В корне изменилось в положительную сторону отношение к религии.

С первых дней независимости на основе всестороннего изучения мирового опыта, с учетом всех этих реалий Первым Президентом Республики Исламом Каримовым была разработана программа построения открытого демократического государства с социально ориентированной рыночной экономикой. В ней было определено, что путем сохранения дальнейшего укрепления наших национальных обычаев и традиций, наряду с глубоким приобщением к общественным человеческим ценностям, Узбекистан будет развиваться в гармонии с мировым сообществом [2].

Эпоха Независимости ознаменовалась для Узбекистана переходом к рынку, что стало важнейшим этапом развития, Рынок, как подчерквал в своих трудах глава нашего государства, побуждает быть восприимчивым к нововведениям, смело и энергично внедрять последние достижения науки и техники, по достоинству оценить профессионализм, то есть добиваться того, что не удавалось сделать в условиях централизованного управления экономикой [3]. Благодаря рынку осуществляется своего рода кристаллизация культурных традиций, когда наибольшее развитие получают те из них, которые способны обеспечить стороны сравнительного преимущества в той или иной сфере. Рыночные отношения помогут обеспечить, с одной стороны, эффективное использование этих огромных потенциальных возможностей, которые заложены в производительных силах республики.

Разработанная первым Президентом нашей страны Исламом Каримовым собственная модель перехода Узбекистана к социально ориентированной свободной рыночной экономики, базирующаяся на известных пяти принципах, деидеологизация, прагматичность экономической политики, проявляющаяся в приоритете экономики над политикой; возложение роли главного реформатора на государство, обеспечение верховенства закона, проведение сильной социальной политики, поэтапность и постепенность в реализации реформ, особенно в условиях разразившегося в 2008 году мирового финансово-экономического кризиса, еще раз доказала свою абсолютную правильность и состоятельность. Об этой модели, признанной во всем мире как «Узбекская модель развития», воплощающей в себе самостоятельный путь развития Узбекистана, о ее превосходстве было высказано много суждений и оценок в мире авторитетными политиками, экономистами экспертами и аналитиками.

Сегодня мы можем гордиться тем, что за исторически короткий период сформирован фундамент национальной государственности, базовые ценности которой определяет Основной Закон нашей страны – Конституция Республики Узбекистан, где четко закреплены важнейшие принципы государственного и общественного строительства, ключевым из которых является принцип разделения государственной власти на законодательную, исполнительную и судебную.

За годы независимости в Узбекистане произошли кардинальные изменения и в структуре собственности. В стране реально сформировалась многоукладная экономика, частная собственность получила приоритетное развитие. Малый бизнес и частное предпринимательство заняли не только определяющее место в экономике страны, но и стали основным источником наполнения рынка необходимыми товарами и услугами, роста доходов и благосостояния людей, важнейшим фактором повышения занятности населения [2].

Делая умозаключение, хотелось бы закончить словами нашего первого Президента Ислама Абдуганиевича Каримова: «Новорожденному требуется год, чтобы научиться ходить. Обстоятельства сложились так, что обретший независимость Узбекистан вынужден был с первого дня встать на ноги и идти самостоятельно». Это показывает нам главную сложность после обретения нами независимости, а именно, мы должны были стать независимыми не только на словах, но и на деле. Все трудности мы должны были

решить исключительно своими силами, промедление решения которых могло привести к катастрофическим последствиям. Теперь, сегодня, смотря на достигнутые вершины, можно сказать, что мы выбрали правильный путь, который с первых же дней обеспечил нам «становление на ноги».

Литература

1. http://www.test-uz.ru-history_test _viev.php?id=184.
2. Достижения Узбекистана за годы независимого развития. Газета «Правда Востока», 31.08.2010.
3. Каримов И.А. Экономические реформы: ответственный этап. – Т.: Узбекистан, 1999.

ISLOM KARIMOVNING O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING TASHQI SAVDO FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISHDAGI O'RNI

Xayitboyev Sh.X. - JIDU talabasi

Mustaqillik yillarida birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning tashabbusi bilan O'zbekiston Respublikasida tashqi savdosining tarkibini takomillashtirish va erkinlashtirish borasida izchil islohotlar olib borildi. O'zbekistonni ko'plab davlatlar tan oldi. Rivojlangan davlatlar bilan tashqi siyosatni olib borish davlat rahbari uchun katta bilim va kuchni talab etadi. Shuningdek, tashqi savdoni tartibga solishning insititutsional va huquqiy bazasi yaratilgani, tashqi savdoni tartibga solishning xalqaro amaliyotiga mos keladigan dastaklari joriy qilingani eksportga yo'naltirilgan tashqi savdo siyosatini amalga oshirishning muhim omili bo'lib, bunda Islom Karimovning tashqi siyosiy faoliyati muhim rol o'ynadi.

Islom Karimov tomonidan mustaqillik yillarida amalga oshirilgan tashqi iqtisodiy aloqalar samaradorligini oshirish maqsadida, 2017-yilning 25-dekabridagi mamlakatimiz eksport imkoniyatlarini oshirish masalalariga bag'ishlangan videoselektor yig'ilishida korxonalarimizning an'anaviy tashqi bozorlardagi o'rnini mustahkamlash va kengaytirish, yangi bozorlarga kirib borish bo'yicha sa'y-harakatlarni kuchaytirish zarurligi Prezident Sh.M.Mirziyoyev tomonidan ta'kidlandi [1].

Tahlillar shuni ko'rsatmoqdaki, O'zbekistonda 2013-yilgacha tashqi savdo aylanmasi, eksport va import hajmi bo'yicha o'sish qayd etildi. Hatto 2008-2009-yillarda sodir bo'lgan Jahon moliyaviy inqirozi davrida ham, savdo hajmining o'sish darajasi keskin pasaygan bo'lishiga qaramay, bu ko'rsatkich ijobiy natijani namoyon qildi. Inqirozning ta'siri oqibatida tashqi savdo ko'rsatkichlari past darajalarda o'sa boshladi. Biroq 2014-yilda Rossiya Federatsiyasida sodir bo'lgan valyuta inqirozi O'zbekistonning tashqi savdo ko'rsatkichlariga ta'sir etmay qolmadi. 2015-yilga kelib Tashqi savdo aylanmasi 2014-yilga nisbatan 10% ga, eksport hajmi 8,8% ga va import hajmi esa 11,2% ga qisqardi. 2016-yilda esa ushbu ko'rsatkichlarning qisqarish darajasi kamaydi. Lekin quvonarli tomoni shundaki, barcha davrlarda mamlakatimiz musbat tashqi savdo balansini qayd etilgan bo'lib, bunda birinchi Prezident Islom Karimovning sa'iy-harakatlari amaliy ahamiyat kasb etdi.

Xususan, mamlakatimizda Islom Karimov tashabussi tufayli 2016-yilda eksport va import hajmi mos ravishda 12,6 milliard va 12,1 milliard AQSH dollarini tashkil etgan holda, qariyb 0,5 milliard AQSH dollari qiymatidagi tashqi savdo balansiga erishildi.

Mustaqillik yillarida O'zbekiston Respublikasi tashqi iqtisodiy aloqalarini erkinlashtirish borasida chuqur islohotlar amalga oshirilishi natijasida tashqi savdoning geografik tarkibida jiddiy ijobiy o'zgarishlar yuz berdi. O'zbekiston hozirda 175 ta mamlakat bilan tashqi savdo munosabatlarini amalga oshirib kelmoqda va 2016-yilda 86 ta mamlakat bilan ijobiy saldoga erishdi [2]. O'zbekistonning asosiy hamkor mamlakatlari Xitoy, Rossiya, Qozog'iston, Janubiy Koreya, Qirg'iziston, Hindiston, Yaponiya, Eron, Malayziya (Osiyo), Shveysariya, Turkiya, Germaniya, Italiya, Fransiya, Latviya, Litva, Polsha, Ukraina, Belorussiya (Yevropa), AQSH, Braziliya (Shimoliy va Janubiy Amerika) kabi mamlakatlar hisoblanadi. Boshqa qolgan mamlakatlar va O'zbekistonning o'zaro tashqi savdo aylanmasi kichikroq qiymatni tashkil etadi.

O’zbekistonning tashqi savdo samaradorligi uning hamkor mamalakatlariga ham bevosita bog’liq hisoblanadi. Xususan, ulardagi iqtisodiy o’zgarishlar O’zbekistonning tashqi savdosiga ta’sir ko’rsatadi. Masalan, Rossiyaning valyuta inqirozi oqibatida milliy avtomobillarimizni sotib olish miqdorini qisqartirgani yoki Xitoyning O’zbekistondan gaz importini to’xtatib qo’ygani, albatta, mamlakatimiz daromad manbaining qisqarishiga sabab bo’ladi. Shuning uchun ayni paytda mamlakatimiz tashqi savdo samaradorligini oshirishning yana bir yo’li yangi tashqi bozorlarni topish va hamkor mamlakatlar bilan savdo aloqalarni yanada mustahkamlash orqali tashqi savdo geografiyasini kengaytirish hisoblanadi.

Xulosa o’rnida shuni aytish mumkinki, Islom Karimov tomonidan mustaqillik yillarida O’zbekistonning tashqi savdodagi asosiy maqsadi bu ichki imkoniyatlardan to’liq foydalangan holda, bir tomondan, mamlakatda eksportbop va raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish va ularni tashqi bozorda sotish orqali katta daromad olish bo’lsa, boshqa tomondan, ishlab chiqarishni mahalliylashtirish orqali import mahsulotlarini mamlakatda ishlab chiqarish va mahalliy ishlab chiqaruvchilar hamda ichki bozorni tashqi ta’sirlardan himoya qilish hisoblanadi.

Adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining matbuot xizmati. Mahalliylashtish va eksport masalalari muhokama qilindi, Toshkent. http://www.press-service.uz
2. O’zbekiston Respublikasi davlat statistikasi qo’mitasi. https://stat.uz

BIRINCHI PREZIDENT ISLOM KARIMOVNING BARKAMOL AVLOD TO’G’RISIDAGI QARASHLARI

Haydarova K.E. - GulDu talabasi

Barchamizga ma’lumki, azaldan ota-bobolarimiz ta’lim –tarbiyani inson kamolotida yuksak baholab kelishgan.Taraqiyotning haqiqiy darajasi mamlakatda tarbiyalanayotgan insonlar qiyofasi bilan belgilanadi. Respublikamizda kelajagimiz bo’lmish yoshlarni tarbiyalash va ta’lim berish masalalariga jiddiy e’tibor qaratilib kelinmoqda .Yurboshimiz yosh avlod tarbiyasiga e’tibor qaratishi natijasida oilada sog’lom turmush tarzini vujudga keltirish ,ona va bola salomatligini ta’minlash, ta’lim-tarbiya samaradorligini oshirish, urf-odatlarimiz va boshqa qadriyatlar tizimida unut bo’lgan jihatlarni qayta tiklash kabilarga e’tibor kuchaydi va biz yoshlar dunyoqarashimiz shakillanishiga zamin yartildi. Zero, mamlakatimiz rahbariyatining barcha ezgu niyatlari markazida yoshlarni ham jismoniy, ham ma’naviy jihatdan sog’lom qilib o’stirish, baxtu saodati, farovon kelajagini ko’rish, dunyoda hech kimdan kam bo’lmaydigan qilib tarbiyalash orzusi turadi.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov yoshlar siyosatiga har qachongidan ko’ra katta e’tibor qaratib, davlat siyosati darajasiga ko’tardilar. Bu borada I.A.Karimov: ,,Biz bugun yosh avlod tarbiyasiga har qachongidan ham ko’ra katta ahamiyat bermoqdamiz, madad va tayanchimiz –bu o’sib kelayotgan yosh avlodimizdir”- deya ta’kidlagan edilar.

O’zbekistonda jismonan sog’lom, manan barkamol yoshlarni tarbiyalash uchun 1991-yildan yoshlarga oid davlat siyosatining zamonaviy talabllarini o’zida mujassam etgan qonunlar qabul qilindi. Mustaqillik yillarida yoshlar ijtimoiy qatlami manfaatlarini har tomonlama ta’minlash davlat siyosatining asosiy ustuvor yo’nalishi bo’ldi.Respublika birinchi prezidenti tomonidan 2008-yil ,,Yoshlar yili”, 2010-yil ,,Barkamol avlod yili”,2014 yil ,,Sog’lom bola yili”, 2016-yil - ,,Sog’lom ona va bola yili” deya nomlandi va ularga oid davlat dasturi qabul qilindi.

Darhaqiqat, bugungi galoballashuv davrida yoshlarni ma’naviy yetuk shaxs qilib tarbiyalash ularni ijtimoiy va madaniy hayotga tayyorlash kabilar dolzarb masalalrdan hisoblanadi. Xuddi mana shu mas’uliyatni to’la anglab yetgan O’zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti bu haqida quydagi fikrlarni bildiradi: ,,Biz farzandlarimizning nafaqat jismoniy, ma’naviy sog’lom o’sishi, balki ularning eng zamonaviy inntelekyual bilimlarga ega bo’lgan, uyg’un rivojlangan insonlar bo’lib, XXI asr talablariga toliq javob beradigan barkamol

avlod bo’lib voyaga yetishi uchun zarur barcha imkoniyat va sharoitlarni yaratishni o’z oldimizga maqsad qilib qo’yamiz”.

Islom Karimov ona Vatanimizning kelajagi bo'lgan yoshlar masalasiga, ularning o'qishi , ta'lim- tarbiya olishi, jamiyatda o'z o'rnoini topishiga alohida e'tibor qaratadi. O'z asarlarida yoshlarning har tomonlama mukammal va komil inson bo'lib voyaga yetishishini takror-takror ta'kidlagan. ,,Men yoshlarimizga, mening bolalarimga qarata, o'rganinshdan hech qachon charchamanglar, deb aytmoqchiman. O'rganish intilish hech qachon ayb sanalmaydi.Nimanidir bilmasang,uni o'rganish zarur.Avvalambor, endi hayotga kirib kelayotgan yoshlarga nima zarur? O'rganish, o'rganish va yana bir bor o'rganish kerak. Kasb o'rganish, ilm o'rganish kishi, o'zbekona aytganda, hech qachon kam bo'lmaydi".

O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov erkin fuqaro, ozod shaxs, barkamol inson haqida gapirib, quydagi to'rt jihatga e'tiborni qaratgan edi. Ya'ni har bir fuqaro:

-o'z haq-huquqini taniydigan bo'lsin, buning uchun kurashsin;

-o'z kuchi va imkoniyatlariga tayanadigan bo'lsin,imkoniyatlarini ishga solib, samarasini ko'rsatsin;

-atrofida sodir bo;layotgan voqea hodisalarga mustaqil munosabat bildira olsin;

-shaxsiy manfaatini mamlakat va xalq manfaati bilan uyg'un holda ko'rib, faoliyat yuritsin.

O'z xalqining tarixini, milliy qadriyatlarini, tilini, istiqbol manfaatlarini bilmagan, qadrlamagan, milliy mansubligini unutgan, o'z millati istiqboli uchun qayg'urmaydigan, kurashmaydigan kishilarda milliy g'urur ham, millat bilan faxrlanish ham, millatparvarlik ham bo'lmaydi. Bunday kishilarni ma'naviy barkamol deya olmaymiz .Shunday ekan har bir inson shu muqaddas va betakror ona zaminimiz – O'zbekistonimizda tug'ilgan ekan, uni jondan aziz asrashi va sevishi, kerak bo'lsa jonini fido qilsa arziydi.G'ururli va mard farzandlar o'z Vatani, xalqi ba ota-onasi uchun jon fido qilishga tayyordir.

Xulosa qilib aytganda, mustaqil O'zbekistonda voyaga yetayotgan har bir yoshni ma'naviy barkamol, irodasi baquvvat, iymon – e'tiqodi butun, milliy g'oya bilan qurollangan, kuchli mafkuraviy imunitetga ega shaxs sifatida tarbiyalashda, ongu tafakkurini rivojlantirib, hayotga, mehnatga, mulkka munosabatini tubdan o'zgartirishda, o'z taqdirini Vatani taqdiri bilan mushtarak deb his qilishida Islom Karimov g'oyalarining o'rni beqiyos bo'lib, uning asl mohiyatini yoshlarga bo'lgan, kelajagimizga bo'lgan orzu va umidlarda hamda ishonchda ko'rishimiz mukin.

Adabiyotlar

1. I.A.Karimov ,,Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch''.-T.: ,,Sharq", 1999.

2. I.A.Karimov ,,O'zbekiston mustaqillika erishish ostonasida''.T.: ,,O'zbekiston'', 2016.

3. I.A.Karimov ,,Ona yurtimiz baxtu iqboli va kelajagi yo'lida xizmat qilish-eng oliy saodatdir''.T.: ,,O'zbekiston", 2015.

4. I.A.Karimov ,,Barkamol avlod orzusi''-T.: ,,Sharq", 1999.

BIRINCHI PREZIDENT I.KARIMOVNING O'ZBEKISTONDA AHOLINI IJTIMOIY HIMOYA QILISH BORASIDAGI MULOHAZALARI

Mullajonov I. - TDSHI magistri
Rahmonov D. - O'zMU tadqiqotchisi

O'zbekiston bugungi kunda jahondagi kamdan-kam davlatlar qatorida yuksak, barqaror sur'atlar bilan o'sib, odamlarning kundalik turmushi, hayoti har tomonlama obod va farovon bo'lib bormoqda. Bizga yaxshi ma'lumki, bozor iqtisodiyotiga bosqichma-bosqich o'tish sharoitida kuchli ijtimoiy siyosat alohida o'rin tutadi.

O'zbekistonda islohotlar amalga oshirila boshlangan dastlabki yillardayoq kuchli ijtimoiy himoya tizimini yaratishdan maqsad, insonga munosib turmush va faoliyat sharoitlarini vujudga keltirishdan iborat, deb belgilangan edi. Bu o'rinda O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning "O'zbekistonnning o'z yangilanish va taraqqiyot yo'liga asos bo'lgan eng muhim qoidalardan biri bozor iqtisodiyotiga o'tishning barcha bosqichlarida oldindan kuchli ijtimoiy siyosatni o'tkazishdir", degan so'zlarini keltirish joizdir.[1]

Ijtimoiy himoya yoshi, salomatligi, ijtimoiy ahvoli, tirikchilik vositalari bilan yetarli ta’minlanmaganligi tufayli yordamga muhtoj fuqarolarning to’laqonli hayot kechirishi va faoliyat ko’rsatishini ta’minlovchi davlat siyosatidir. Ijtimoiy himoyaning asosiy maqsadi aholi farovonligining to’xtovsiz yaxshilanib borilishini amalga oshirish, aholi qatlamlarining ta’lim, madaniyat, malakasi, daromadlari jihatidan keskin tafovutlarga yo’l qo’ymaslik, jamiyat tomonidan har bir kishiga munosib hayot darajasini va inson taraqqiyotini ro’yobga chiqarishga yordam berishdan iborat.

Mustaqillik yillarida mamlakatimizda aholini ijtimoiy himoya qilishning huquqiy asoslarini yaratgan “O’zbekiston Respublikasida nogironlarni ijtimoiy himoya qilish to’g’risida” (1991 yil 18 noyabr), “Fuqarolarning davlat pensiya ta’minoti to’g’risida” (1993 yil 3 sentabr)gi qonunlarining qabul qilinishi islohotlarning dastlabki bosqichida ijtimoiy himoya sohasidagi chora-tadbirlar o’tkazilishining poydevori bo’lib xizmat qildi.[2] Mazkur qonunlar asosida yurtimizda bir qator ishlar amalga oshirildi. Jumladan, 1991 yilning 9 oyi davomida yurtimizda ijtimoiy tadbirlarga 2 milliard 516 million so’mdan ziyod yoki rejadagiga nisbatan 99,9 foiz mablag’ yo’naltirildi. Shu davr mobaynida nogironlarni maxsus avtovositalar bilan ta’minlash ishlari amalga oshirilib kelinmoqda. Respublikamizga nogironlarga ham katta e’tibor qaratilmoqda. Nogironlar yer yuzidagi jami aholining 7,5 foizini tashkil qiladi. Mamlakatimizda esa bu ko’rsatkich 2,5 foiz atrofida. Ularning har biriga nafaqa va boshqa imtiyozlar bilan bir qatorda o’rtacha 2-3 minimal ish haqi miqdorida yordam berib kelinmoqda. Ularga 1491 ta “Zaporojets” mashinasi (shundan 1123 tasi bepul), 103 ta motorli aravacha, 1068 ta suyanchiqli velo aravacha, shuningdek sihatgoh va kurortlarga 16 mingta yo’llanmalar berilgan.[3]

Islohotlarning ilk bosqichida respublikada oldindan butun aholini ijtimoiy himoyalash yo’lidan borildi. Bu davrda shuningdek, ish haqi, pensiya, stipendiya, nafaqalar miqdori muntazam ravishda ko’rib borildi. Aholiga turli xil imtiyozlar, tovon to’lovlari, dotatsiyalar va subsidiyalar shaklidagi bevosita pul to’lovlari ham berib borildi. Eng kam ish haqi va pensiyalardan soliq olinmaydigan bo’ldi. Keng iste’mol mollari va xizmatlarning ko’pgina turlari narxlaridagi tafovutlarning o’rni qoplandi. Ayni paytda qo’shimcha ijtimoiy imtiyozlarning butun bir majmui: boshlang’ich sinflar o’quvchilari va yolg’iz pensionerlar uchun bepul nonushtalar, 2 yoshgacha bo’lgan bolalar uchun bepul ovqat, barcha maktab o’quvchilari va studentlar uchun ovqatning arzonlashtirilishi kabi imtiyozlar amal qilib turildi. Ko’pgina toifadagi fuqarolarga turar joyi shaxsiy mulk qilib bepul berildi, ba’zi turdagi communal xizmatlar haqini to’lashda yengilliklar joriy qilindi. Bu kabi chora-tadbirlar kishilarning turmush darajasi keskin tushib ketishining oldini olishda katta rol o’ynadi, mamlakatda tinchlik va barqarorlikni ushlab turish omili bo’ldi.

Hozirgi sharoitda aholining ijtimoiy himoya turlari kengayib, uning qo‘llanish asoslarini tubdan o‘zgartirish talab qilinayotgan bir paytda xizmat ko‘rsatilayotgan aholi soni va sarflanayotgan mablag‘ miqdori jihatidan pensiya ta’minoti aholini ijtimoiy himoyalashda asosiy o‘rinni egallaydi. 1993-yil 3-sentabrda Oliy Majlis tomonidan O‘zbekiston Respublikasi «Fuqarolarning davlat pensiya ta’minoti to‘g‘risida»gi Qonun qabul qilinib, 1994-yil 1-iyuldan respublika hududida kuchga kirdi. Ushbu Qonun 9 ta bob, 67 ta moddadan iborat. Undagi moddalar davlat pensiyalarini 3 xil turiga bag‘ishlangan va Qonun faqat ish staji bo‘lgan shaxslargagina va ularning oila a’zolariga pensiya tayinlash mumkinligini ko‘zda tutadi. Qonunni qabul qilishda O‘zbekiston Respublikasining demografik, geografik va iqlim sharoitlari va urf-odatlari hisobga olingan. Bu xususiyatlar Qonunning ish stajini hisoblashga, imtiyozli pensiyalar tayinlashga doir boblarda o‘z ifodasini topgan. Qonun respublika qishloq xo‘jalik mahsulotlari ishlab chiqarishga moslashganini hisobga olib, qishloq xo‘jalik xodimlarining ayrim toifalari paxtakor, sholikor, tamakikor ayollarga, cho‘ponlarga, paxta suvchilariga umumiy pensiya yoshini besh yilga qisqartirilgan holda imtiyozli pensiya tayinlash mumkinligini belgilagan. Davlat pensiyalarining quyidagi turlari belgilangan: a) yoshga doir pensiya; b) nogironlik pensiyasi; d) boquvchini yo‘qotganlik pensiyasi. 1992 – 1994 yillar davomida ish haqi va pensiyalarning eng kam miqdori bir necha bor oshirildi, ularning maqdorlari bu davrda tegishli ravishda 428 baravar va 1230 baravar ko’paytirildi.[4]

Dastlabki yillarda yurtimizda ijtimoiy himoya tizimini shakllantirish uchun zarur va qulay sharoit mavjud emas edi. Bu borada 1994 yil 23 avgustda “Kam ta’minlangan oilalarni ijtimoiy himoya qilishni kuchaytirishga oid tadbirlar to’g’risida”gi Farmonining e’lon qilinishi muhim ahamiyat kasb etdi. Shu sananing o’zida Vazirlar Mahkamasining “Kam ta’minlangan oilalarni ijtimoiy himoya qilishni tashkil etish masalalari to’g’risida” gi qarori ham qabul qilindi. Yuqoridagi farmonga muvofiq, 1994 yil oktabr oyidan e’tiboran aholini ijtimoiy himoyalash tizimi takomillashtirildi, ya’ni ijtimoiy himoyaning asossiz tenglashtirish yo’lidan aniq maqsadli va aholining muayyan qatlamlarini qamrab oladigan tizimga o’tildi. Chunki islohotlarning boshlang’ich bosqichida amalga oshirilgan ijtimoiy himoya tadbirlari tahlil qilinganda isrofgarchilik va boqimandalik kayfiyati kuchayganligi ko’zga tashlandi. Dotatsiya va imtiyozlar muhtojlik darajasini hisobga olmagan holda aholining barcha qatlamlariga taalluqli qilib qo’yildi. Bu esa ko’pincha o’ziga to’q oilalar ham ijtimoiy yordamdan foydalanishiga olib keldi.

Shu boisdan islohotlar chuqurlashib borgan, bozor munosabatlari rivojlangan sayin amalga oshirilayotgan ijtimoiy siyosatning asosiy yo’nalishlariga o’zgartirishlar kiritildi. Eng asosiy e’tibor haqiqatan ham muhtoj bo’lgan oilalarga yordam berishga qaratildi. Endilikda barcha nafaqalar va moddiy yordam faqat oila orqali yetkaziladigan bo’ldi. Ularni asosan kam ta’minlangan oilalar, keksalar va bolalar ola boshlashdi. 1995 yilda respublikada 500 mingdan ortiq ehtiyojmand oilalarga mahalla qo’mitalari orqali jami 6 milliard so’m hajmida moddiy yordam berildi. [5]

1996 yil 10 dekabrda O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Bolali oilalarni davlat tomonidan qo’llab-quvvatlashni yanada kuchaytirish to’g’risida”gi Farmoni chiqdi va unga asosan 1997 yil 1 yanvardan boshlab 16 yoshgacha bolalari bo’lgan oilalarga nafaqalar mahalla fuqarolar yig’ini, tarkibida mahallasi bo’lmagan holda shaharcha, qishloq va ovul fuqarolar yig’ini qarori bilan tayinlanadigan bo’ldi. 1997 yilda 16 yoshgacha bo’lgan farzandi bor oilalarga nafaqa to’lash uchun 9,6 milliard so’m mablag’ sarflandi[6]. Bu haqda 1996 yil 10 dekabrda Vazirlar Mahkamasi tomonidan maxsus qaror qabul qilindi va mazkur qaror asosida “Voyaga yetmagan bolalari bo’lgan oilalarga nafaqalar tayinlash va to’lash to’g’risida” Nizom tasdiqlandi. Ushbu nizomda mahallalar tomonidan oilalarga nafaqa berish paytida ijtimoiy adolat tamoyillariga rioya qilish, oshkoralikni ta’minlash, ajratilgan mablag’ning manzilli bo’lishi lozimligi alohida belgilab qo’yildi. O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “2000-2005 yillarda yolg’iz keksa pensionerlar va nogironlarni ijtimoiy himoya qilishni kuchaytirishga qaratilgan chora-tadbirlar to’g’risida” qarori O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Aholini aniq yo’naltirilgan ijtimoiy madad bilan ta’minlashda fuqarolarning o’zini-o’zi boshqarish organlari rolini oshirish to’g’risida” (1999 yil 3 yanvar), “Aholini ijtimoiy himoya qilish tizimini yanada takomillashtirish va mustahkamlashga oid chora-tadbirlar to’g’risida” (2007 yil 19 mart)gi Farmonlari va boshqa hujjatlar qabul qilindi.

Xullas, mustaqillik davrida mamlakatimiz hududida ijtimoiy sohaga oid qonunlar, qarorlar va farmonlarning ijrosi ta’minlanishi yurtimizda aholini ijtimoiy himoya qilish tizimini yanada kuchaytirdi, qo’shimcha ijtimoiy himoya choralariga muhtoj kam ta’minlangan oilalar va fuqarolarning farovonligini oshirish uchun asos bo’lib xizmat qilmoqda hamda mazkur soha bilan bog’liq Davlat dasturlarini to’liq amalga oshirishda muhim omil bo’lmoqda.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. O’zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura. 1-jild.-T.; O’zbekiston.
2. Karimov I.A. Amalga oshirilayotgan islohotlarimizning yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini qurish – yorug’ kelajigimizning asosiy omilidir //Prezident I.A.Karimovning O’zbekiston Respublikasi konstitutsiyasi qabul qilinganligining 21 yilligiga bag’ishlangan tantanali marosimdagi ma’ruzasi //Xalq so’zi, 2013 yil 7 dekabr
3. Karimov I.A. O’zbekiston buyuk kelajak sari - T.: “O’zbekiston”, 1998.
4. O’zbekiston Milliy Ensiklopediyasi.12-jild. 2006 yil.
5. “Mahalla” / gazeta. 2007 yil 21 fevral.
6. Jo’rayev N. O’zbekiston tarixi (milliy istiqlol davri). 3-kitob. “Sharq”-T.:-2011 y. 272-bet.

СИЗНИНГ ЎГИТИНГИЗНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ (РАҚС САНЪАТИ МИСОЛИДА)

Досжанова Д.К. - ТДМРХОМ магистри

Халқимизнинг энг жонкуяр фарзанди, буюк давлат қуриб, тинчликни тараннум эта олган юртимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов мана бугун 80 ёшни қарши олар эдилар. Улар ҳақида гапирганда, И.А.Каримовнинг мунгли сиймоси ва ёшларга қарата айтаётган “Келажагимиз сиз ёшларнинг қўлингизда” ёхуд “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз” деган руҳлантирувчи сўзлари тилимиз ва қалбимизга муҳрланиб қолган.

Бугун сиз эккан ўша дарахт мева бермоқда, бобожон-деб, баралла айтишимиз мумкин. Барча соҳаларнинг ривожланиб, такомиллашиб боришида И.А.Каримовнинг ўгитлари биз учун катта пойдевор бўлди. Ҳаттоки санъат соҳасида ҳам юксалиш ва ўсиш яққол намоён бўлди. Балет ва рақс санъати хам шулар жумласидандир. Ўсиб келаётган баркамол авлоднинг тарбиясида, шахс маънавиятини шакллантиришда бу санъат турининг ўрни беқиёс. Бу санъат кўп меҳнат талаб қилади, аниқлилик ва сабрлиликни ўргатади.

1947 йили 10 сентябрда Тошкентда Ўзбек хореография билим юрти ташкил этилди. Уста олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева ва Исохор Окиловлар ўқув юртини ташкил этилишига катта ҳисса қўшдилар. М.А.Харатов Тошкент Ўзбек хореография билим юртининг биринчи директори, машҳур балерина З.Н.Афанасьева бадиий раҳбар бўлиб фаолият бошлашди. Аммо бу соҳа вакиллари жуда камчиликни ташкил этар эдилар, шу сабабли билим юртига малакали кадрлар етишмас эди. Шунинг учун балет мактабида тахсил олган бир қатор балет ва рақс соҳасининг мутахассислари В.Н.Губская, Н.А.Давгели, Л.А.Засс ва бошқа бир қатор педагоглар ўқувчиларга санъат сирларини ўргатиш учун Москва ва Петербургдан ташриф буюришган. Шу билим юртининг битирувчилари ўзбек ҳамда жаҳон ҳалк рақслари билан машхур Тамарахоним, халк артисти Галия Измайлова, Ўзбекистон халк артисти Розия Каримова, халк артистлари Дилором Шерова, Б.Б. Зинатулина ва таниқли ўзбек рақсшунос-санъатшунос олимаси, санъатшунослик фанлари номзоди Л.А.Авдеева каби мутахассислар кейинчалик ўзлари ўқиган хореография билим юртида педагог бўлиб, ўз фаолиятларини давом эттирдилар[1]. Санъатга эътибор кам бўлганлиги учун бу билим юртига кириш учун ўқувчилар ошиқмас эдилар. Хореографияга кирадиган ўқувчилар сони йилдан-йилга тобора камайиб борар эди. Ўзбек хореографияси жар ёқасида тургандек эди. Бу ҳодиса эса барча педагог ва рақс санъати усталарининг олдида катта муаммо бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1997 йил 8 январдаги “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш туғрисида”ги 1695-сонли Фармони билан ҳамда Вазирлар маҳкамасининг 1997 йил 21 февралдаги 101-сонли қарорига биноан Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилди. Бундан асосий мақсад миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқ баркамол авлодни жисмонан соглом ва бақувват қилиб тарбиялаш, эстетик тафаккури чархланиши, тасаввури бойиши, идрок қилиш қобилияти ўсиши, бундан ташқари миллий рақсимизни ривожлантириш, мамлакатимиз байроғини юқори чўққиларга кўтариш, ер шарида миллий қардиятлари ва анъаналарига эга тарихий давлат борлигини дунё аҳлига билдириш эди. Ҳозирги кунга келиб бу даргоҳдан қанчадан-қанча ҳалкаро танловлар лауреатлари, ниҳол мукофоти совриндорлари ва ўзбек балет юлдузлари етишиб чиқмоқдалар. Улар нафақат юртимизда балки хорижда хам миллий рақсларимизни ижро этиб, она заминимизни танитиб келмоқдалар.

Санъат тинчлик элчисидир. Шунинг учун бўлса керак, юртимизнинг «Мустақиллик», «Наврўз», «Шарқ тароналари», ва бошка барча байрам ва тантаналарида Олий мактабнинг ўқувчи ва талабалари давраларни ўзларининг профессионал гўзал рақслари билан безаб турадилар. Шунинг учун ҳам ўқув тизимининг илк босқичларидан бошлаб болаларнинг онгига рақс санъати тушунчаси унинг сирлари, мусиқани тинглаш

хамда унинг оҳангига мос ритмик харакатларни ижро эта олишни, ўз касбини севишни ва тинимсиз меҳнат қилишни сингдириб бориш бу сохани чуқур ўзлаштиришга олиб келади. Бу борада ТДМРХОМда кўпгина ишлар амалга оширилиб келмоқда. Буни яққол тасдиғи сифатида олий мактабда таълим олувчиларнинг эришаётган ютуқларини айтиш мумкин. Олий таълим муассасасининг даражасини ундаги талабалар сони эмас, балки сифати юқори даражада эканлиги мақсадга мувофиқдир.

Шу кунга қадар олий мактабни 4000га якин профессионал миллий рақс ва балет санъати усталари битириб чиқдилар. Уларнинг юздан ортиғи халк ва хизмат кўрсатган артистлардир.

Ҳозирги мураккаб глобаллашув жараёнида инсон тафаккурида миллий маънавий қадриятларга содиқлик туйғуларини шакллантириш ва буни кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот эта олишда рақс санъатининг роли каттадир. Ана шу маънода айтиш мумкинки, ёш ижрочиларнинг ҳалкаро танловлардаги иштироки нафақат уларнинг маънавий дунёсини бойишига ва фикрлаш доирасини ошишига, балки ўзбекнинг кимлиги, унинг қадимий рақс санъати орқали қадриятлари, улкан бой маданий меросини кўрсатиш ва тарғибот қилиш имконини беради. Шу билан бир каторда дунёнинг турли бурчакларидан келган ҳар хил миллат ва ирқга мансуб танлов иштирокчиларининг санъатини кўриб ўрганиш, баҳо бериш, таққослаш, улар билан фикр алмашиш, бахс – мунозаралар қилиш, соханинг янада юксалишига туртки бўлади. Бу табиийки, ёшлар онгида бугунги кунда зарур бўлган миллатлараро бағрикенглик, дўстлик ғояларининг шаклланишига олиб келади.

«Дунёда хеч нарса тасодифан пайдо булмайди. Ҳаммасининг илдизи, томирида албатта қандайдир бир асос, замин бўлади. Ҳеч қачон бўм-бўш жойда улуғ зотлар пайдо бўлмайди. Агарки қайсидир мамлакатда бир янги кашфиёт қилинибди, ноёб мутафаккир пайдо бўлибди, деб айтса, билиб қўйинглар, ўша ерда қадимий анъана, илмий мактаб бор. Илмнинг, ижоднинг замини бор жой, албатта, вақти келиб улуғ олимларни етиштириб беради. Бу, ўз навбатида, одамда миллий ғурур ҳиссини уйғотади»,[2] - деб айтган эди биринчи Президентимиз И.А.Каримов.

Ана ўша ўзбек ижод заминини қайта тиклаб, мустақиллигимизни, эркинлигимизни, миллий ғуруримизни қайтариб берганингиз учун биз, сизнинг фарзандларингиз, сиздан умрбод миннатдормиз.

Адабиётлар

1. Ўзбек хореографияси санъатида ворислик масалалари. –Т.: Мумтоз сўз, 2015.
2. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида ҳизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Зухриддинов Ҳ.Қ. - ТТЙМИ магистри

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2017 йил 27 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Мазкур қарорннги қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат сифатида Ер юзида пайдо бўлишида ва жаҳон ҳамжамиятида ўзини намоён қилиб, муносиб ўрин эгаллашида, Ватанимиз иқтисодиятини асосий тармоқларини ривожланиш йўналишларини белгилаб беришда, ўзи бош бўлган давлат бошқарувини уддалай оладиган ишончли давлат ва сиёсий арбобларни тарбиялашда Ислом Каримовнинг хизматлари ниҳоятда буюк эканлигини яққол исботидир.

Ватанимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида ислоҳотлар ўтказилмоқда, жумладан 1994 йилнинг 7 ноябрида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг

ПФ-982 сонли фармони асосида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган темир йўл транспорти тармоқ қисмларнинг, корхона, ташкилот ва муассасалари таркибида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси ташкил этилди.

2001 йилда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти қарори билан белгиланган ва Вазирлар Маҳкамасининг темир йўл транспортини ислоҳ қилиш бўйича Давлат дастурига мувофиқ, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат унитар корхонаси, 100% давлат улуши бўлган очиқ акциядорлик жамиятга айлантирилди. Соҳанинг асосий вазифалари ягона темир йўл транспорт тармоғини модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш, қатнаётган темир йўл техникаларни янгилаш ва ўзининг таъмирлаш базасини яратиш, дунё бозорига чиқиш учун имкон берадиган муқобил транспорт йўлакларини излаб топиш, транзит юк ва бошқа қўшимча ҳажмларини жалб қилиш белгилаб берилган.

Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720 сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда 2015 йил 3 апрелдаги компания кенгаши ва ягона акционер умумий йиғилишида “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат-акционерлик темир йўл компанияси “Ўзбекистон темир йўллари” Акциядорлик Жамиятига ўзгартирилди.

2002 йилда ислоҳот жараёнида бир қатор корхоналар Очиқ акциядорлик жамиятларига ўзгартирилди: контейнерларда юк ташиш бўйича “Ўзтемирйўлконтейнер” ОАЖ, музлатгич бўлимларда тез бузилувчан маҳсулотларни ташиш бўйича “Йўлрефтранс” ОАЖ, халқаро, маҳаллий ва шаҳар атрофига йўловчиларни ташиш бўйича “Ўзтемирйўлйўловчи” ОАЖ, юк вагонларини таъмирлаш бўйича “Ўзтемирвагон” ОАЖ, йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш бўйича “ТашВҚТЗ” ОАЖ биринчи Президентимиз раҳнамолигида ташкил этилди.

Маркизий Осиё ҳудудида Тошкентдан Самарқандгача илк бор тезюрар йўловчи ҳаракатни ташкил қилиш мақсадида 2008 йил “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Талго” (Испания) компанияси ўртасида 2 та тезюрар йўловчи электропоездларни сотиб олиш тўғрисида битим имзоланди.

2011 йил 8 октябрдан «Афросиёб» юқори тезликда харакатланадиган поезди Тошкент-Самарқанд-Тошкент 161/162 сонли йўналишда ишга туширилди. Янги тезюрар поезд бу маршрут орқали хизмат кўрсатадиган бошқа электр поездлар билан бирга, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида ҳаракат қилади. Юқори тезликдаги «Афросиёб» поезди икки соат ва ўн беш дақиқа ичида 344 км темир йўл масофасини босиб ўтади. Максимал тезлиги соатига 250 километрни ташкил этади.

2016 йилнинг 22 июнда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ва истиқболли лойиҳаси ижроси – Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросимининг энг муҳим аҳамиятга эга томонларидан бири, ушбу маросимда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Сзинпин иштирок этгани бўлди. Жаҳонга машҳур икки давлат раҳбарлари “Ўзбекистон” йўловчи поездининг Қамчиқ туннелидан ўтишига рухсат берувчи светафорни ёқиш учун махсус тугмани босганликларини бутун дунё кузатиб турди.

Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этишдан мақсад ҳам нафақат Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имкониятини яратиш, шу билан бирга, Хитой – Марказий Осиё – Эвропа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиши назарда тутилган эди. Узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрен-Поп темир йўлининг Қамчиқ довонидан ўтган қисмида 19,2 километрлик туннел барпо этилди.

Ушбу қурилиш жараёнлари давомида ўзбекистонлик темир йўлчиларнинг салоҳиятига хитойлик мутахассислар қойил қолишди, хитойликларнинг маҳоратига ўзбекистонликлар тасаннолар айтишди. Катта меҳнат ғалабасига ҳар икки томоннинг

юксак меҳнати, ҳамжиҳатлиги туфайли муддатидан аввал эришилди. Бундай улкан лойиҳа собиқ Президентимиз Ислом Каримов айниқса Фарғона водийси аҳолисига темир йўл соҳасида катта имкониятлар яратиб берганини водий аҳолиси ҳеч қачон унутмайди.

Институт мисолида биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг темир йўл соҳаси ривожи қанчалик кераклиги ва зарурлигини олдиндан билиб кўра олганликлари ўз эътирофини топди. Баркамол авлод орасидан етишиб чиқаётган етук кадрлар, улар олиб бораётган илмий ишлар, ишлаб чиқараётган юзлаб хил маҳсулотлар дунё юзини кўраётгани ҳаммани қувонтиради.“Ўзбекистоннинг буюк келажаги ҳар жиҳатдан ёшлар қўлидадир”[1], деган гаплари нақадар донолик билан айтилган сўзларини исботидир.

Кейинги йилларда институт жамоасининг ривожланган давлатлар олий ўқув юртлари билан алоқалари янада кенгайиб бормоқда. Булардан Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Корея Республикаси ва Польша олий ўқув юртлари билан шартномалар қилиниб малака ошириш, илмий изланишларда ҳамкорлик қилинмоқда.

2016 йил 26 апрелида биринчи Президентимиз И.А.Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашув жараёнида Россия Федерациясидаги Н.Э Бауман номидаги Москва давлат техника университети билан Тошкент темир йўл муҳандислари институти билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш шартномасини тузишга муваффақ бўлинди. Бу биз ёш темирйўлчилар учун жудаям катта келажак дарвозаларини очиб берди. И.А.Каримов ишларини изчил давом эттираётган Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ҳалқимиз орасида бўлиб, қилаётган маърузалари, олдимизга қўяётган амалий ва долзарб вазифалар Ватан равнақи, унинг [1] ривожи, жаннатмакон ўлкани асраб-авайлашни ва янада гўзаллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланганлиги ва изчил амалга жорий этилаётгани, биринчи Президентимиз И.А.Каримов бошлаган ишлар муносиб қўлларда эканлигини яққол исботидир[4].

И.А.Каримов хотирасини, унинг келажагимизни чуқур ўйлаб қолдирган фикрлари ва айниқса, ёшларимизга қарата айтган қуйидаги доно сўзларини эслаб ўтишни истар эдим: “Мен, аввалambор, ёшларимизга айтмоқчиман: ўқинг, тарихни ўрганинг, тарихини, ўтмишини билган одам келажакда янглишмайди” [2,3]. Шу рухда тарбиялашимиз даркорлигини айтганларида беҳад ҳақ эканларини, шуларни дилга жо қилиб яшаш лозимлигига ишонч ҳосил қиламан. Биринчи Президентимиз И.А. Каримов ўз халқини дилдан севарди, унинг ғаму-шодликлари ила яшаб, келажагини ўйлаб, режалар тузарди. Шунинг учун ҳам у ватандошларимизни нафақат ўзи туғилиб ўсган-улғайган гўша билан бирга бутун Ўзбекистон тақдири ҳамда келажагини ўйлаб яшашга ундаши, уларнинг қалбига она Ватанга фарзандлик меҳри ва садоқатини кучайтиришни талаб қилиши ҳам бежиз эмаслигини ҳис қиламиз.

Халқимизнинг асл фарзанди И.А.Каримов фаолиятининг ҳали биз англаб етмаган қирраларини очиш, айни пайтда жамиятнинг тараққиёт фалсафасини кашф етишимиз ва уни амалга оширишда изчил ҳаракатда бўлишимизни ҳаётнинг ўзи талаб қилиб турганини сезган ҳолда яшашимиз зарур бўлади.

Адабиётлар

1. Karimov I.A. O’zbekiston mustaqilikka erishish ostonasida. Toshkent, “O’zbekiston”, 2011.
2. Islom Karimov. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo’lida xizmat qilish-eng oily saodatdir. Toshkent, “O’zbekiston”, 2015.
3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат (илмий-оммабоп рисола). Тошкент, “Маънавият”, 2016.
4. Шавкат Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2017.

BUYUK KELAJAKNING BUYUK YOSHLARI

Xonov M. R. - TTYMI talabasi
Jumaniyozova N.S. - TTYMI assistenti

“Farzandlari sog’lom yurt qudratli bo’lur – qudratli yurtning farzandlari sog’lom bo’lur”.
I.A.Karimov

Ushbu so’zlarni eshitganimizda beixtiyor qalbimizda bir tuyg’u jumbushga keladiki ko’z oldimizda marxum birinchi I.Karimov gavdalanadi. U inson davlatni rivojlantirishda jaxon minbarlarida alohida ta’kidlab o’tilishiga sabab bo’lishdi. Xalqaro maydonlarda bayrog’imizni balandda turishida asosiy vazifani bajarishda yoshlarimiz birlamchi ustun hisoblanadi. Shu sababli yurtimiz mustaqillikka erishgan yillaridanoq bu sohada “Barkamol avlodni tarbiyalash konsepsiyasi”ni ishlab chiqildi va taqdim etildi. Mana necha yillar o’tibdiki o’z samarasini ko’rsatmoqda.

Barkamol avlod tarbiyalash ularga yangi shart-sharoit va imkoniyatlar yaratib berish, ularning qalbida ezgulik, vatanni sevish, insonparvar hislarni uyg’otishning turli xil shakldagi tadbirlar olib borilmoqda. Yoshlarga to’g’ri ta’lim-tarbiya berish dolzarb masaladir. Ta’lim-tarbiya berishni to’g’ri tashkillashtirish, ularga malakali kadrlarni jalb qilish, xalqaro diplomatik nazariyalarni o’rgatish, diniy va dunyoviy bilimlarni o’rgatishda davlat dasturi qabul qilingan. O’qitish jarayoni borasida quyidagi fikrni bildirganlar: “Tarbiyachi – ustoz bo’lishi uchun boshqalarning aql idrokini o’stirish, ma’rifat ziyosidan baxramand qilish, haqiqiy vatanparvar, haqiqiy fuqaro qilib yetishtirish uchun eng avvalo tarbiyachining o’zi ana shunday yuksak talablarga javob berishi va shunday buyuk fazilatlarga ega bo’lishi kerak”. Bu esa o’z navbatida o’qituvchi va tarbiyachilarning yuksak kasbiy va shaxsiy fazilatlar egasi bo’lishini taqazo etadi. Shuning uchun ham o’qituvchi oldiga qo’yilgan vazifalar o’ta murakkab, mas’uliyatli va ayni paytda sharaflidir. Bugungi kunda kelajagimiz bo’lgan yoshlarni oliy va o’rta maxsus xalq ta’lim vazirliklarida olib borilayotgan o’zgarishlar natijasida kadrlarni mukammal bilimli bo’lishlari yo’lga qo’yilgan.

Barkamol avlodni shakllantirish maqsadida joylarda olib borilayotgan isloxotlar taxsinga sazovor. Ayni paytda president I.Karimov tashabbusi bilan joriy etilgan uch bosqichli uzluksiz tizim – “Umid nihollari”, “barkamol avlod” va “Universiada” sport musobaqalari yoshlarimizning mamlakatimiz yoshlari uchun katta hayot yo’lini belgilab beradigan muhim sport bayramiga aylandi. Bu musobaqalar barkamol avlodni tarbiyalashda katta baza hisoblanadi va bu baza maktab, litsey, kollej va oliy ta’lim muassasalari tarbiyalanuvchilari ishtirokida saralanib boradi.

“Barkamol avlod” sport o’yinlari Respublika final bosqichi birinchi bor 2001-yilda Jizzaxda o’tkazilgan va bu musobaqa yurtimiz yoshlari orasida sportga bo’lgan mexr-muxabbatni yanada kuchaytirdi. Shundan so’ng musobaqaga Andijon, Chirchiq, Nukus, Termiz va Namangan shaharlari mezbonlik qildi. Bu musobaqalardan tashqari yoshlarga e’tiborni kuchaytirish maqsadida prezidentimiz tomonidan 2010-yilni “Barkamol avlod yili” deb e’lon qilindi va bundan ko’zlanayotgan asosiy maqsad mamlakatimizda sog’lom va barkamol avlodni tarbiyalash, yoshlarning o’z ijodiy va intelektual salohiyatini ro’yobga chiqarishi, yurtimiz yoshlarini XXI asr talablariga to’liq javob beradigan har tomonlama rivojlangan shaxslar etib voyaga yetkazish uchun zarur shart-sharoitlar va imkoniyatlar yaratish bo’yicha keng ko’lamli aniq yo’naltirilgan chora-tadbirlarni amalga oshirishdir. Natijada bir qancha samarali natijalarga erishtik. Yurtimizning chekka hududlaridagi iqtidorli yoshlarni topib ular bilan ishlash yoshlarning imkoniyatini yanada oshirish bosh vaqtlarini samarali otgazish maqsadida joylarda guruhlar, klublar, yoshlar markazlari faoliyat yurutmoqda. Shunday markazlardan biri Qoraqalpogiston Respublikasi “Barkamol avlod“ yoshlar markazidir. Ozbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011yil 4-maydagi 71b-sonli farmoishi asosida respublikamizdagi barcha maktabdan tashqari talim muassasasi faoliyati tugatilib, ularning negizida tashkil etilgan bitta respublika, 16 ta tuman va shaxar “Barkamol avlod” bolalar markazlari tashkil etildi. Bu

esa ijodkor yoshlarimiz uchun juda qulaylik yarati bermoqda. Tuman va shaharlardagi bunday markazlar faoliyati orqali bir qancha yoshlarimiz san'at, sport, ilm-fan sohalarida yuqori marralarga erishmoqtalar. Bu yoshlar xalqimiz faxriga aylanmoqda. Bugungi kunda barcha xududlarida rivojlanish yaxshigina taraqqiy etmoqda. Yillar o'tar ekan hayotimiz o'zgarib boraveradi, zamon turf axil imkoniyatlar yaratilishiga sabab bo'ladi. Barchamizga ma'lumki yoshlarning ishonchi, hamkori va suyanchig'i bo'lgan, yoshlar hayotiga to'g'ridan-to'g'ri dahldor bo'lgan va ko'plab iqtidorli yoshlarni kashf qilgan "Kamolot yoshlar ijtimoiy harakati" ham yurtimizda o'z o'rniga ega. Bugungi kunda ko'plab o'zgarishlar qatorida "Kamolot yoshlar ijtimoiy harakati" ham o'zgarib yangicha nom, yangi imkoniyatlar bilan faoliyat boshladi. Bu harakat 2017-yil 30-iyunda "Yoshlar ittifoqi" o'z ish faoliyatini boshladi.

Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev tashabbuslari bilan ta'sis etilgan bu harakat endilikda faqat ma'lum imtiyozli yoshlar bilan emas balki barcha iqtidorli, tashabbuskor yoshlar bilan ishlashni, ularni qo'llab quvvatlash bu tashkilotning asosiy vazifasi etib belgilaganlar. Texnika va texnologiya asrida yashar ekanmiz yoshlarni har tomonlama mukammal shaxs etib tarbiyalash barkamol avlodni shakllantirish shu yurtda yashovchi yosh-u qarini, erkak va ayolni, yigit-u qizning muqaddas burchidir. Zero bu yurt bizniki kelajak yoshlarimizniki. Yoshlar esa siz-u biz, siz va bizning farzandlarimiz-nabiralarimiz.

Fikrimni quyidagi satrlar bilan tugatmoqchimiz, I.A.Karimov aytganlaridek, "Bizning farzandlarimiz-nabiralarimiz bizdan ko'ra bilimdon, bizdan ko'ra kuchli, aqlli, don ova albatta bizlarga nisbatan baxtli bo'lishi shart".

I.A.KARIMOVNING «TARIXIY XOTIRASIZ KELAJAK YO'Q» ASARINING BIZ YOSHLARNING HAYOTIMIZDA TUTGAN O'RNI

Abaraliyev O.I. - TTYMI talabasi
Qosimova D.K. - TTYMI assistenti

Har bir xalq uchun o'z qiyofasini aniq-ravshan ko'rish imkoniyatini beradigan ko'zgu o'zining Tarixidir. Shu bilan birga tarix-bu millat ko'zgusi xalq ma`naviyatining asosidir. U insoniyat va uning mahsuli bo'lgan sivilizatsiya rivoji, jamiyat va davlatlar o'tmishi taraqqiyoti jarayonini o'rganuvchi fandir.

1998 yilning iyun oyida O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov bir guruh tarixchi olimlar va ijodiy ziyolilar vakillari bilan uchrashib, Vatanimizning mustaqillikka erishgani tufayli tarix fani oldida vujudga kelgan eng dolzarb vazifalarni davlat va millat manfaatlari nuqtai nazaridan ko'rsatib berdi. Uchrashuvda o'rtaga qo'yilgan fikr-mulohazalar «Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q» deb nomlangan asarda o'z aksini topdi va u O'zbekiston tarixi fani taraqqiyotida muhim bosqich bo'ldi.

Prezident bu uchrashuvda avvalo shuni ta`kidladiki, mustaqillikka erishganimizdan keyin xalqimizning o'z yurti, tili, madaniyati, qadriyatlari tarixini bilishga, o'zligini anglashga qiziqishi ortib bormoqda. Odamzod borki, avlod-ajdodi kimligini, nasl-nasabini, o'zi tug'ilib voyaga etgan qishloq, Shahar, xullaski, o'z Vatani tarixini bilishga qiziqadi.

Mustaqillik tufayli tarixiy haqiqatni bilishga, o'zligimizni teran anglashga intilishimiz tabiiy xoldir. «Endilikda-mustaqil davlatchiligimiz tub burilish pallasiga kirgan bir paytda o'zimizning zamon va makondagi o'rnimizni aniq belgilab olishimiz, nasl-nasabimiz, kimligimizni bilishimiz kerak» degan edi yurtboshimiz. Chunki o'zlikni anglash tarixni bilishdan boshlanadi.

Shu munosabat bilan Islom Karimov e`tiborini o'tmishimizni chuqur va keng o'rganish, uni to'laqonli xolis yoritish kabi bir qator muhim, dolzarb masalalarga qaratdi. Tariximizni ilmiy asosda yoritishda bahs, munozara, tahlil mevasi bo'lgan xulosalargina bizga to'g'ri yo'l ko'rsatishi mumkinligini ta`kidladi.

Tarixiy ildizini izlagan inson men shu millat farzandi ekanman, mening ajdodlarim kimlar bo'lgan, millatimning ibtidosi qayda, uning oyoqqa turishi, tiklanish, shakllanish jarayoni qanday kechgan, degan savollarga javob izlaydi, uni o'rganishga harakat qiladi. «Tarixiy xotirasi

bor inson-irodali inson. Takror aytaman, irodali insondir. Kim bo'lishidan qat`i nazar, jamiyatning har bir a`zosi o'z o'tmishini yaxshi bilsa, bunday odamlarni yo'ldan urish, har xil aqidalar ta`siriga olish mumkin emas. Tarix saboqlari insonni hushyorlikka o'rgatadi, irodasini mustahkamlaydi», - degan I.Karimov.

Demak, yurtimiz fuqarolarida tarixiy xotirani teranlashtirish, tarixiy ongni shakllantirish muhim vazifadir. Shu bois I.Karimov xolis tariximizni tiklashda-avvalo o'lkamizda miloddan oldingi davrlarda aholining o'troqlashuvini, ilk davlatlarning vujudga kelish omillarini, mashhur «Avesto» va boshqa manbalardan, arxeologlarning yangi izlanishlaridan to'g'ri foydalanishimiz lozimligini ta`kidlaydi. Shuningdek, «Avesto»ning bu qadim o'lkada buyuk davlat, buyuk ma`naviyat, buyuk madaniyat bo'lganligidan guvohlik beruvchi xujjatlariga e`tibor qaratadi.

Asarda ko'tarilgan dolzarb masalalardan biri O'rta Osiyo hududida davlatchilikning paydo bo'lishi muammosidir. Bu masalasini o'rganayotgan, tadqiqot o'tkazayotgan Arxeologiya, Tarix, Sharqshunoslik va boshqa institutlar mutaxassislari faoliyati atroflicha yoritilishi asosiy vazifa qilib qo'yildi. Davlat, davlatchilik bugungi kunda siyosiy masala bo'lib turibdi. Shu bois o'zbek tarixchilari, olimlari davlatchiligimizning ilmiy nuqtai nazaridan asoslangan tarixini yaratishi, uni kelajak avlodga etkazishi lozim. Xalqimizning davlatchiligi qaysi asrdan paydo bo'ldi? Qanday tarixiy bosqichlarni bosib o'tdi? kabi savollariga javob topish zarur.

Davlatchiligimiz boy tarixini yoritish-uni dastlabki shakllangan birlashma uyushmalardan tortib rosmana davlatlarning-Katta Xorazm, Qadimiy Baqtriya, So'g'diyonaning tashkil topishi, boshqaruv tizimining takomillashuvi va rivojlanishini ko'rsatib berishdir. Keyingi asrlarda, xususan, Amir Temur davrida davlatchiligimiz yangi bosqichga ko'tarilganligini, mumtoz asar-«Temur tuzuklari»ning ulkan ahamiyatini chuqur anglash va yorqin misollarda yoritib berish lozim. Asarda Amir Temurning «Kuch - adolatda» shiori mazmunini idrok etish zarurligi aytiladi. I.Karimov Sohibqironning bu shiordagi fikrini rivojlantirib, «Kuch - bilim va tafakkurda» -degan g'oyani o'rtaga qo'yadi. «Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q» asarida o'zbek xalqining kelib chiqishi (etnogenezi) masalasiga alohida to'xtab o'tilgan. «Biz o'zimizni millat deb bilar ekanmiz, o'zbekchiligimiz haqida aniq tushunchaga ega bo'lishimiz kerak», -deb ta`kidlaydi yurtboshimiz. Shu bilan birga millatimiz ma`naviy qiyofasiga e`tiborni tortib, qat`iyat bilan biz Beruniylarga, Buxoriylarga, Amir Temur, Mirzo Ulug'bek, Mirzo Boburlarga vorismiz, deydi. O'zbekning fe`l-atvori barchaga ayon. U yerni, tabiatni sevadi. Do'ppisida suv tashib bo'lsa ham, daraxt ko'kartiradi. O'zbek tom ma`noda bunyodkordir. Unga birovning yeri kerak emas. Mabodo qo'liga qurol olguday bo'lsa, faqat o'zini himoya qilish uchungina oladi, -deb ta`kidlagan Islom Karimov. Bizning ajdodlarimiz, xalqimiz,-deydi yurtboshimiz, - qadim-qadimdan o'troq yashagan, millatimizning iligi o'troq madaniyat sharoitida qotgan. Xalqimizda «iligi to'q, baquvvat» degan tushuncha bejiz paydo bo'lmagan.

Odatda, xalqning tarixi uning nomidan ilgari yuradi. Masalan, dunyoning bir qancha xalqlari-inglizlar, fransuzlar, ruslar va boshqalar avval turli qabila nomlarida bo'lgan va asrlar osha (xususan milodiy VI-XIII asrlarda) hozirgi nomlarini olganlar. Turkiylarning bosh bo'g'ini bo'lgan o'zbeklar uch ming yillik tarixga ega bo'lsalar ham, hozirgi nomi XI asrda tilga olinadi va millat sifatida XVI asrdan boshlab shunday ataladigan bo'ldi. SHuning uchun Prezidentimiz: «Biz xalqni nomi bilan emas, balki madaniyati, ma`naviyati orqali bilamiz, tarixining tag-tomirigacha nazar tashlaymiz»,-deb uqtirgan edi.

Yurtimizga Aleksandr Makedonskiy, Qutayba, Chingizxon va boshqalar bostirib kirib, bu yerdagi siyosiy hokimiyatni qo'lga olgan. Biroq hududimizda asrlar davomida yashab kelayotgan mahalliy aholini, uning ko'p ming yillik madaniyatini yo'q qila olmaganlar. CHunki o'z tarixini bilgan, undan ruhiy quvvat oladigan xalqni yengib bo'lmaydi.

Islom Karimov tarixchi olimlarga murojaat qilib, ularni haqqoniy tariximizni tiklashga, xalqimizni, millatimizni ana shu tarix bilan qurollantirishga chaqiradi. Uchrashuvdan bir oy o'tgach, O'zbekiston Fanlar akademiyasi Tarix instituti faoliyatini takomillashtirish to'g'risida hukumatning maxsus qarori qabul qilindi. Unda o'zbek xalqi va uning davlatchiligi haqqoniy tarixini o'rganish, mamlakatimiz va chet ellarda mavjud tarixiy manbalar tahlili asosida olingan ilmiy natijalarning jahon miqyosidagi e`tirofiga erishish, ularga tayangan holda ilmiy, ilmiy-

ommabop asarlar, darsliklar, turli adabiyotlar yaratish va mazkur bilimlarni keng yoyish hamda tarix sohasida yuqori malakali ilmiy kadrlar tayyorlash vazifalari belgilangan edi.

Bu qarorni amalga oshirishda Tarix instituti jamoasi, shuningdek oliy o'quv yurtlarining tarix fani o'qituvchilari birmuncha muvaffaqiyatlarga erishdilar. Tarixiy tadqiqotlarni rivojlantirish konsepsiyasi va O'zbekiston davlatchiligi tarixini hamda o'zbek xalqi etnogenezini o'rganish dasturi ishlab chiqildi. Akademik Yahyo G'ulomov nomidagi «O'zbek davlatchiligi tarixini o'rganish» ilmiy seminari faoliyat ko'rsatmoqda. «O'zbek davlatchiligi tarixi», «O'zbekiston tarixi: davlat va jamiyat taraqqiyoti», «O'zbek xalqining etnik shakllanish jarayoni» kabi monografiyalar va bir qancha darsliklar chop etildi va yangilari ustida ish olib borilmoqda. Oliy o'quv yurtlarida o'quv qo'llanmalari yaratilmoqda, o'qitish jarayoni anchagina takomillashdi. Universitet va institutlarni bitiruvchi talabalar O'zbekiston tarixi bo'yicha davlat attestatsiyasidan o'tmoqdalar. Tariximizga oid maqolalar gazeta va jurnal sahifalarida, radio va televidenie eshittirish va ko'rsatuvlar dasturidan keng o'rin olib kelmoqda.

I.Karimovning «Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q» asari yosh avlodni tarbiyalashda katta o'rin tutadi. Chunki O'zbekiston rahbariyati komil inson tarbiyasini davlat siyosatining ustuvor sohasi deb e`lon qilgan. Komil inson, avvalo, ongi yuksak, mustaqil fikrlay oladigan, xulqi-atvori bilan o'zgalarga ibrat bo'ladigan bilimli, ma`rifatli kishilardir. Bunday odamlarni har xil oldi-qochdi gaplar bilan aldab bo'lmaydi. U har bir narsani aql, mantiq tarozisiga solib ko'radi. O'z fikr-o'yi, xulosasini mantiq asosida qurgan kishi yetuk odam hisoblanadi. Bunday insonni esa, yoshligidan tarbiyalab, to'g'ri yo'lga solib voyaga etkazish kerak. «Muhimi, yoshlarning orasiga kirish ularning ichidan qobiliyatli, fidoyilarini topish, ularning yuragini yondirish karak», -deb ta`kidlagandi I.Karimov. Bu asarda o'sib kelayotgan yosh avlodga katta umid bildiriladi.

«… yoshlarmizga ishonamiz, suyanamiz, kelajak umidlarimizni ular bilan bog'laymiz. Ularga qancha tez yo'l ochib bersak, ilmda, ijodda shuncha ko'p izlanish, bahs bo'ladi. Izlanish, bahs, munozara bor joyda esa haqiqat yuzaga chiqadi, taraqqiyot bo'ladi», -deb takidlagan edi buyuk bobomiz.

Xullas, Islom Karimovning «Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q» asari boy o'tmishimizni chuqur o'rganish, xolis tadqiq etishda, keng ommaga targ'ib qilishda va yoshlarimizni komil inson qilib tarbiyalashda katta o'rin tutadi. Shuning uchun ham bizning institutimiz talabalariga O'zbekiston tarixi fanini o'rganish jarayonida, o'z mustaqil ishlarini tashkil qilishda hurmatli Prezidentimizning bu asari muhim omil bo'ladi, degan umiddaman.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q. -T.: Sharq, 1998.
2. Karimov I.A. Barkamol avlod-O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. -T.: O'zbekiston, 1997.
3. Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. -T.: O'zbekiston, 1997.
4. Karimov I.A. Ma`naviy yuksalish yo'lida. -T.: O'zbekiston, 1998.
5. Karimov I.A. O'zbekiston buyuk kelajak sari. -T.: O'zbekiston, 1999.
6. Karimov I.A. Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot-pirovard maqsadimiz. -T.: O'zbekiston, 2000.

ISLAM ABDUGANIEVICH KARIMOV – THE FOUNDER OF CIVIL SOCIETY IN UZBEKISTAN

Alimov Y. - student TIRE
Achilov O.R. - Scientific Supervisor

Following the dissolution of the Union of Soviet Socialist Republics in 1991, the Central Asian republics formerly within the Soviet Union gained their independence, including the Republic of Uzbekistan. In the process, they also inherited overbearing bureaucratic political systems as well as faltering economies. The first President of Uzbekistan, Islam Karimov came to the area of government as a success of a nation and a founder of civil society in Uzbekistan.

In June 1989 Islam Abduganievich Karimov was elected as first secretary of the Central committee of the Communist Party of Uzbekistan. It was a time when the country was on the brink of a civil war, bloodshed, ethnic and religious conflicts, in line with the scenarios that were implemented in the neighboring countries.[1] In this difficult period, he, with his foresight, will and determination saved our people and country from this gloomy fate. On 24 March 24 1990 Islam Abduganievich Karimov was elected President of the Uzbek SSR at the session of the Supreme Council of the Uzbek SSR. On 29 December 1991 he was elected the First President of the Republic of Uzbekistan in multi-candidate elections.

During the past decades Uzbekistan has attempted to effect a transition from the Soviet model of single-party, authoritarian rule with a command economy toward an ostensibly more liberal-democratic model of a multi-party, representative democracy with a market economy. However, a necessary condition for the success of both state and economy in the liberal-democratic model is the development of an independent and vibrant civil society. Recognizing this necessity, President Islam Karimov, the powerful Uzbek leader, has argued resolutely for the development of civil society in Uzbekistan.[2] President Karimov has earned praise from US leaders for his efforts in resisting the Taliban-influenced Islamic Movement of Uzbekistan and certain other militant Islamic organizations. These organizations advocate the establishment of an Islamic state, while Karimov appears to advocate the creation of a decent society with overtones of Western liberal values. Yet the character of Karimov's resistance has also caught the attention of the US government, as well as human rights organizations throughout the world, as a result of his severe limitations on political opposition and religious expression.

The justification and maintenance of this apparent conflict between the promulgation of Western values defending religious freedom and government edicts restricting religious freedom is one of Karimov's greatest challenges, a challenge that, if not overcome, may prevent Uzbekistan from joining the international community of liberal and decent societies.

Our Fatherland, all Uzbek people suffered a huge and irreplaceable loss. An outstanding statesman and politician, the first President of the Republic of Uzbekistan Islam Abduganievich Karimov passed away after a serious illness on 2 September 2016.

Heading the independent Uzbekistan for 25 years, Islam Abduganievich Karimov has attained a high authority in the country and in international community as an outstanding statesman, who has developed and implemented a deeply thought-out strategy of building a democratic constitutional state with a civil society and a market economy.[3]

Completely abandoning the old dogmas and stereotypes, a large-scale National program for cadres training and a radical reform of the education system on the basis of the most modern international standards have been developed and practically implemented on the initiative of Islam Karimov.[4]

For his outstanding contribution to formation of a sovereign and independent Uzbekistan, creation of a democratic constitutional state, maintaining civil peace and national accord and for courage, Islam Abduganievich Karimov was awarded the title Hero of Uzbekistan and was decorated with the Mustaqillik (Independence) and Amir Temur orders. He received awards from foreign states and international organizations. He was a full member of the Academy of sciences of Uzbekistan, for his contribution to economics, science, and education he was awarded honorary doctorates from a number of foreign universities, received awards from foreign states and international organizations.

[1] John r. Pottenger - Civil society, religious freedom, and Islam Karimov: Uzbekistan's struggle for a decent society. p.56.

[3] Mirziyoev Sh.M. President of the Republic of Uzbekistan Islam Abduganievich Karimov. 2015, p.20.

[4] Elmuratova U.F. The typical peculiarities of education system in Uzbekistan, 2016. p.47.

Islam Karimov infinitely loved the people of Uzbekistan and all his life, until the last few days, dedicated to the service of his country. The bright memory of the First President of the Republic of Uzbekistan, the great son of the Uzbek people Islam Abduganievich Karimov will remain forever in the hearts of our people and the grateful memory of our compatriots.

Literature

1. Tajieva A. Educational reforms in the republic of Uzbekistan and operation in Uzbekistan. 2015
2. Elmuratova U. The typical peculiarities of education system in Uzbekistan, 2016.p.47-64.
3. Mirziyoev Sh.M. “President of the Republic of Uzbekistan Islam Abduganievich Karimov”. 2015, p.20.
4. John r. Pottenger. Civil society, religious freedom, and Islam Karimov: Uzbekistan’s struggle for a decent society. 2004, p.56.

BARKAMOL INSONDAN ─ BARKAMOL JAMIYAT SARI

Astanaliyev E.T. - TTYMI talabasi
Malikov B.Q. - TTYMI assistenti

Sharq falsafasida, xususan, Abu Nasr Farobiy, Ibn Sino, Mavlono Jaloliddin Rumiy singari faylasuflarning qarashlarida komil inson masalasi muhim o’rin tutadi. Umuman, sharqona, jumladan, o’zbekona turmush tarzi zamirida «boshingga ne balo yog’sa, birovdanmas, o’zingdan ko’r», ya’ni ijtimoiy hayotning qanday bo’lishi, avvalo, insonning o’ziga bog’liq, degan falsafa yotadi. Boshqacha aytganda, bizda insoniy komillik hamisha ustuvor ahamiyat kasb etgan. Shu bois siyosiy madaniyat masalasini ham ana shu nuqtai nazardan - komillik doirasida tahlil etishga to’g’ri keladi. Ya’ni inson barkamol bo’lsa, u ayni paytda yuksak ma’naviyat, yuksak tafakkur va yuksak siyosiy madaniyat sohibidir; inson barkamol bo’lmasa, uning siyosiy ongi ham, siyosiy madaniyati ham yetarli darajada emas.

Bugungi kunda barkamol insonni voyaga yetkazish borasidagi eng muhim vazifa yoshlarning ongida mafkuraviy bo’shliqqa yo’l qo’ymaslik, ularning miyasini zararli aqidalar ta’siridan tozalash va ularni bunyodkorlik, Vatanga, millatga sadoqat ruhidagi mafkura asosida tarbiyalash masalasi bo’lib turibdi. Shuning uchun bugungi kunda inson ongi va qalbi uchun kurash ketayotgan paytda bu masala g’oyatda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov «Fidokor» gazetasi muxbiri savollariga bergan javoblarida, «Milliy istiqlol g’oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar» risolasiga yozgan so’z boshisida milliy istiqlol mafkurasining ma’no-mohiyati, uning yoshlarni tarbiyalash borasidagi ahamiyati, jamiyatimiz o’z oldiga qo’ygan ijtimoiy-siyosiy maqsadlarni anglab yetishning mafkura shakllanishiga ta’siri, ijtimoiy fanlarning bugungi ahvoli, xalqimizga xos bo’lgan tuyg’u va tushunchalarning milliy mafkurada tutadigan o’rni kabi masalalarga atroflicha to’xtalib o’tgan.[1]

Bugungi xalqimiz milliy o’zligini anglash jarayonini boshdan kechirmoqda. Milliy mafkura bu jarayonga yangicha ruh, yangicha mazmun baxsh etib, uni yanada kuchaytiradi. Binobarn, milliy mafkura barkamol insonni voyaga yetkazish borasidagi bir talay muammolarga ham javob bo’ladi, ayni paytda jamiyatimiz siyosiy madaniyatini oshirishga xizmat qiladi.

Shuning uchun bu o’rinda birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning «Fidokor» gazetasi muxbiri savollari javoblariga batafsilroq to’xtalib o’tamiz. Islom Karimov mafkurani, avvalo, insonning, jamiyatning yashashdan, taraqqiyotdan ko’zlagan maqsad-muddaosini belgilab beradigan, uning hayotiga ma’no-mazmun baxsh etadigan kuch deb bilgan. Ruhida, ongida ana shunday quvvat bo’gan xalq, jamiyat o’z yo’lidan hamisha olg’a qarab boradi, o’tkinchi, havoyi ta’sirlarga uchmaydi. «Har qanday inson, tabiiyki, murod-maqsadsiz yashay olmaydi, - degan edi Islom Karimov. - Binobarin, toki hayot mavjud ekan, mamlakatlar, davlatlar va ularning

[1] «Donishmand xalqimizning mustahkam irodasiga ishonaman». Islom Karimovning «Fidokor» gazetasi muhbiri avollariga javoblari. 2000 yil, 8 iyun soni, «Milliy istiqlol g’oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar» risolasi.

manfaati bor ekan, ular o'z taraqqiyot yo'lini, ertangi kun ufqlarini o'zining milliy go'yasi, milliy mafkurasi orqali belgilab olishga intiladi».[1]

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov turli xil manfaatlar kurashi kelayotgan bugungi dunyoda ayrim g'arazli guruhlar o'zlarining g'arazli maqsadlariga erishish uchun hech narsadan qaytmayotgani, barcha vositalardan foydalanishga urinayotganini juda to'g'ri takidlagan edi. Masalan, «hizbut-tahrir», «vahhobiylik», «ISHID» kabi ekstremistik oqimlar islom g'oyalarini bayroq qilib, allaqanday xalifatchilik davlatini o'rnatish haqida safsatalar sotib, yoshlarimizni yo'ldan chalg'itishga urinmoqda. Holbuki, biz shundoq ham, alhamdullilloh, musulmonmiz. Yetmish yildan ziyod davom etgan sho'ro davrida ham dinimizdan voz kechmaganmiz. Qolaversa, islom dini asoslaridan biri - muqaddas hadislarni tiklagan buyuk hadisshunoslarning aksaryati bizning Vatanimizdan yetishib chiqqan. Binobarin, biz allaqanday «davlatchilar»siz ham o'z o'tmishimiz, yorug' kelajagimizni yaxshi tasavvur etamiz.

Islom Karimov ayrim yoshlarning ana shunday «davlat»larga aldanib qolmasligi uchun ularda o'ziga xos immunitetni tarbiyalash lozimligiga e'tiborni qaratgan edi. «Ma'lumki, har qanday kasallikning oldini olish uchun avvalo kishi organizmida unga qarshi immunitet hosil qilinadi. Biz ham farzandlarimiz yuragida ona Vatanga, boy tariximizga, ota-bobolarimizning muqaddas diniga sog'lom munosabatni qaror toptirishimiz, ta'bir joiz bo'lsa, ularning mafkuraviy immunitetini kuchaytirishimiz zarur. Toki ular milliy ildizlari baquvvat, dunyoni chuqur anglaydigan, zamon taraqqiyoti bilan barobar qadam tashlaydigan insonlar bo'lib yetishsin. Ana shunda johil aqidaparastning «da'vati» ham, axloqni rad etadigan, biz uchun mutlaqo begona g'oyalar ham ularga o'z ta'sirini o'tkaza olmaydi». Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov milliy istiqlol mafkurasini shakllantirishda xalqimiz tanlab olgan yangi jamiyat barpo etish borasidagi maqsad va vazifalarni anglab olish g'oyat muhim ahamiyatga ega ekanini ta'kidlaydi: «Chunki jamiyatimiz, mamlakatimiz o'z oldiga qo'ygan maqsad va vazifalarni aniq ravshan belgilab olmasdan turib, millatimizning asriy an'ana va urf odatlarini, o'zligimizning asosiy xususiyatlarini mujassam etadigan milliy mafkurani shakllantirish mumkin emas».

Islom Karimov shu tariqa yangi jamiyat qurulishining siyosat, iqtisodiyot, ta'lim va ma'naviyat kabi sohalaridagi vazifalarga atroflicha to'xtaldi hamda ularni tahlil etib bordi. Shuningdek, milliy mafkuramizda xalqimizga xos bo'lgan tuyg'u va tushunchalar - Vatan tuyg'usi, ona tili, oila, ayol, mahalla muhim o'rin tutishiga e'tibor qaratdi.

Agar e'tibor bersak, birinchi Prezidentimiz Islom Karimov mustaqillikning dastlabki yillaridayoq mamlakatimizning o'ziga xos va o'ziga mos taraqqiyot yo'li mavjud ekani haqida to'la ishonch bilan gapirgan edi. Istiqlolning chorak asr davomidagi o'ziga xos yo'l - taraqqiyotning o'zbek modeli amalda o'zini oqladi, uning afzalliklariga butun dunyo tan berdi. Bugun bir narsani dadil aytishimiz mumkinki, milliy istiqlol mafkurasining tamal toshi o'sha paytda - birinchi Prezidentimiz Islom Karimov O'zbekistonning o'ziga xos va o'ziga mos yo'li bor, deb to'liq ishonch bilan gapirgan kezdayoq qo'yilgan edi. Chunki xalqni, jamiyatniyangicha taraqqiyot yo'liga ishontirish va dadil olg'a boshlash borasidagi sa'y-harakatlar aynan o'shanda boshlangan edi. Ishonch esa - har qanday mafkuraning asosidir. Binobarin, xalqning yangicha taraqqiyotga, buyuk davlat barpo etishga bo'lgan ishonchi - milliy istiqlol mafkurasi negizini tashkil etadi.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. O'zbekiston kelajagi buyuk davlat. Toshkent, 1992 y.
2. Karimov I.A. O'zbekistonning o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li. Toshkent, 1997.
3. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat ─ yengilmas kuch. "Ma'naviyat". 2008.
4. Ibrohimov A., Sultonov X., Jo'rayev N. Vatan tuyg'usi. Toshkent ─ "O'zbekiston" ─ 1996.
5. Begmatov A. Ma'naviyat falsafasi yoxud Islom Karimov asarlarida yangi falsafiy tizimning yaratilishi. "Sharq" nashriyoti.- 2000.
6. To'rayev Sh. «Demokratik jarayonlar va milliy g'oya». Toshkent «Ma'naviyat» 2008.
7. Saifnazarov I. «Ma'naviy barkamollik va siyosiy madaniyat». Toshkent ─ 2001.

[1] Yuqoridagi manba.

ISLOM KARIMOVNING BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASH KONSEPSIYASINING AHAMIYATI

Fayzullayev X.I. - SamDCHTI talabasi

Vatan! Bu aziz so'zni o'z qalbiga chuqur singdira olgan, yurtining ertangi porloq kelajagini o'zining ertangi kuni bilan bog'liq deb hisoblaydigan barkamol avlodni tarbiyalash har doim dolzarb mavzu bo'lib kelgan. Ammo bu mavzuga faqatgina ma'rifatparvar hukmdorlargina e'tibor qaratgan. Shonli tariximizda barkamol avlodni tarbiyalash muhim ekanligini anglab yetgan davlat rahbarlari ko'p bo'lganligini yurtimizda yetishib chiqqan buyuk siymolar va ularning insoniyat sivilizatsiyasiga qo'shgan hissalari isbotlab turadi.

Mamlakatimiz o'z mustaqilligini qo'lga kiritganidan so'ng, ta'lim-tarbiya jarayonini izchil rivojlantirish, milliy qadriyatlarimizni tiklashga qaratilgan keng ko'lamli ishlar xalqimizning buyuk o'g'loni, ma'rifatparvar siymo hisoblangan Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov boshchiligida olib borildi. Hatto Islom Karimov o'zining dastlabki faoliyati davomida ham yosh avlodning tarbiyasiga juda katta e'tibor qaratganligi, ta'lim tizimini isloh qilish haqidagi fikrni birinchilardan bo'lib taklif etganligini 1988-yili Qashqadaryo viloyatida ishlagan chog'ida aytib o'tgan quyidagi so'zlaridan ham bilib olishimiz mumkin.

"Kishilarning umumta'lim va professional darajasini oshishirish, yangi talablar asosida kishilarning savodxonligini o'stirish, uzluksiz ta'lim sestemasini joriy etish – eng muhim masala. Har kim chuqur va mustahkam bilimsiz oldimizda turgan vazifalarni bajarish mumkin emasligini aniq tushunmog'i lozim"[4] . Birinchi Prezidentimiz buyuk va porloq kelajakni barpo etadigan bo'lsak, sog'lom va barkamol avlodni voyaga yetkazish kerakligini mustaqillikka erishmasimizdan ham ilgariroq anglab yetganligi albatta, tahsinga sazovordir.

"Mustaqillik yillarida yurtimizda har tamonlama komil yosh avlodni voyaga yetkazish yo'lida amalga oshirilgan ulkan, tom ma'noda tarixiy ishlarimiz bugungi kunda mamlakatimizni jadal taraqqiy toptirish, boshqalar havas qilayotgan yuksak marralarga erishishda hal qiluvchi omilga aylanmoqda."[1:243]. Bugungi kunda mamlakatda olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar milliy mustaqillik g'oyasi, yangi mafkurani shakllantirish hamda o'z Vatanining taqdiri, uning buguni va kelajagi uchun ma'suliyatni chuqur his etadigan, mustaqil va yangicha fikrlaydigan yosh avlodni tarbiyalash bilan bog'liq ravishda amalga oshirilayotgani zamirida Islom Karimovning o'rni beqiyosdir.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov o'zining "Barkamol avlod orzusi" asarida "Ta'lim - tarbiya - ong mahsuli, lekin ayni vaqtda, ong darajasi va uning rivojini ham belgilaydigan omildir. Binobarin, ta'lim-tarbiya tizimini o'zgartirmasdan ongni o'zgartirib bo'lmaydi. Ongni, tafakkurni o'zgartirmasdan turib esa biz ko'zlagan oliy maqsad – ozod va obod jamiyatni barpo etib bo'lmaydi" [2:3] , deb aytgan fikrlari qanchalar muhim va to'g'ri ekanligini biz bugungi kunda yana bir bor amin bo'lmoqdamiz.

O'zining "Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish - eng oliy saodatdir" nomli asarida Birinchi Prezidentimiz yoshlarning ta'lim-tarbiyasi bilan bog'liq bu kabi ishlarni davom ettirishimiz kerakligi ta'kidlab shunday fikrlarni bildirib o'tadi. "Eng to'g'ri yo'l – ta'lim-tarbiya tizimini yanada rivojlantirish, yanada mustahkamlash yo'lidir. Biz bu yo'ldan hech qachon qaytmaymiz. Yangi –yangi maktablar qurish, zamonaviy o'quv labaratoriyalarini tashkil etish, kollejlarni bitirib chiqayotgan bolalarimizni to'liq ish bilan ta'minlash masalalari doimo e'tiborimiz markazida turadi."[1:31]

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning "O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti, buyuk davlat va siyosat arbobi Islom Abdug'aniyevich Karimov tavalludining 80 yilligini nishonlash to'g'risida"gi qarori barcha yurtdoshlarimiz qatori biz- yoshlarni ham g'oyat xursand qildi. Birinchi Prezidentimizning xalqimiz, Vatanimiz uchun qilgan har bir ishi bugungi kunda o'z mevasini bermoqda. Shuning uchun ham xalqimiz mamlakatimizning mustaqilligini ta'minlagan bu ulug' zotni o'zgacha ruh va kayfiyat bilan eslaydi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug'abiyevich Karimovning ulkan jasorat va donishmandlik bilan kelajakni oldindan ko'rib, amalga oshirgan

ulug'vor ishlarinin yozgan kitoblarining mohiyatini yanada tushunib borganimiz sari, uning bebaho qirralarini yana bir bor kashf etaveramiz. Demak, buyuk tafakkur g'oyalari nafaqat bugungi kunimizga, balki istiqbolga qaratilganligi bilan muhim ahamiyat kasb etadi. Uning 23 jilddan iborat asarlari, risola, kitoblari abadiyatga daxldor merosdir. Ayniqsa mazkur asarlarda barkamol kelajak avlodni tarbiyalash konsepsiyasi va uning mazmun-mohiyati, tamoyillari turli qarashlar, yondoshuvlar vositasida yaqqol tushuntirib berilganligi u olib borgan siyosatning asosiy mohiyati mamlakatimizning porloq kelajagini barpo eta oladigan yoshlarni tarbiyalash ekanligini ko'rsatadi. Bu uning naqadar ma'rifatparvar davlat rahbari bo'lganligidan dalolat beradi.

Adabiyotlar

1. Karimov. I. A. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish - eng oliy saodatdir. T: O'zbekiston. 2015.
2. Karimov. I. A. Barkamol avlod orzusi. T: Sharq. 1998.
3. Karimov.I.A.Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch.T: Ma'naviyat.2008.39-bet
4. "Qashqadaryo haqiqati". 1988-yil 24-may.

ISLOM KARIMOV YUKSAK MA'NAVIYAT VA UNING MEZONLARI HAQIDA

Beknazarov B.D. - TTYMI talabasi
Valiyev L. - TTYMI o'qituvchisi
Zokirova D.X. - Qo'qon PI o'qituvchisi

Mamlakatimizni erishgan yutuqlarni tub mohiyatiga yetib borish uchun bugungi hayotni kechagi hayot bilan solishtirib ko'rish kerak . Yashash darajasi bo'yicha O'zbekiston 15 ta davlat ichidan eng pastki o'rinlarga tushib qolgani, uch – to'rttalab oila katalakdek hovlilarda tiqilib yashagani, ishsizlik onalar va bolalar o'limi keskin oshib ketgani ham tasdiqlaydi. Bu dunyoda yomonlikni ko'rmagan odam yaxshilikning qadriga yetmaydi. Qiynalmagan odam haqiqiy hayot nimaligini anglab yetmaydi. Bir paytlar ba'zi tuman rahbarlarimiz biz agrar Respublika, deb maqtanib yurardi. Ular nimani o'ylagan tushunib bo'lmaydi, umrbod SSSR tarkibi bo'lamiz deb o'ylashganmi, bu odamlar ozgina fikrlab ko'rishsa bo'lar ediku, suv, yer yetishmasa, xalqimiz ko'payib borayotgan bo'lsa, faqat g'alla paxta, sabzavot yetishtirish bilan mamlakatimizning taraqqiyotini ta'minlash mumkin edimi?

Mana sizlarga yana bitta raqam 1991 – yil . Bu yilda mamlakatiz aholisi 20 million 500 ming kishi edi. Bu ko'rsatgich 25 yil ichida 1,5 karra o'sdi ya'ni 31 millionga yetdi2. Ma'naviy ko'z bilan dunyoga boqib, teranlik, aql bilan muloxaza qilsak mustaqilligimizni 25 yilligi bizga asrlarga tatigudek ulkan muvaffaqiyatlar koni bo'ldi desak adashmaymiz.O'zbekiston Respublikasi o'z bayrog'iga, o'z gerbiga, o'z madhiyasiga, o'z konstitutsiyasiga, va o'z tiliga ega. Istiqlol sharofati bilan milliy qadriyatlarimiz tiklandi. Qanchadan – qancha ziyoratgohlar, masjid, madrasalar, qayta ta'minlandi. Turkiy va arabiy yozuvlardagi bir qancha qo'l yozmalar o'rganildi. Diniy maktab, madrasa va oliygohlar ochildi. Bobokalonlar meroslari qa'tiyat bilan o'rganilmoqda. Har bir viloyatda misli ko'rilmagan o'zgarishlar vujudga keldi. Chiroy bahsh etuvchi ko'p qavatli binolar, obod mahallalar, diagnostika markazlari ochildi, o'quv tizimlari qayta isloh qilindi, Maktablar, bog'chalar, o'quv tizimlari yangilandi kollej, litseylar qad ko'tardi, 12 yillik majburiy ta'lim joriy etildi. Bu o'zgarishlar olamshumul voqealarni bir ko'rinishi xolos.

Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug'aniyevich Karimov oqilona siyosat yuritib xalqni to'gri yo'lga boshladilar. Xalq o'z rahbari izidan dadil qadam tashladi. Elning ishonchini qozongan davlat arbobi 25 yil ichida asrlarga arzigudek ishlarni amalga oshirdilar. Ayniqsa "Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch" asarlari har bir o'quvchi tomonidan keng mulohaza qilinadi. Odamzod uchun bir umr zarur bo'ladigan 1) tabiiy ko'nikma va xususiyatlar, masalan, har qaysi bolaning o'ziga xos va o'ziga mos qobilyati, 2) atrofdagi odamlar bilan muomalasi, tengdoshlari orasida o'zini qanday xis qilishi, 3) yetakchilik hislatlariga ega bo'lishi yoki ega bo'lmasligi, kerak bo'lsa, 4) dunyoqarashi – bularning barchasi avvalo uning tug'ma tabiati, shu

bilan birga, 5) oilada oladigan tarbiyasiga uzviy bog'liq ekanini hayot tajribasi ko'p misollarda tasdiqlab beradi. Xar qaysi millatning o'ziga xos ma'naviyatini shakllantirishda, oilaning o'rni va ta'siri beqiyosdir. Chunki insonning eng sof pokiza tuyg'ulari, ilk hayotiy tushuncha va tasavvurlari birinchi galda oila bag'rida shakllanadi.

Ta'lim-tarbiya – ong mahsuli, lekin ayni vaqtda ong darajasi va uning rivojini xam belgilaydigan, ya'ni xalq ma'naviyatini shakllantiradigan va boyitadigan eng muhim omildir. Shu bilan birga maktab ta'lim-tarbiya masalasini davlat va jamiyat nazoratida bo'lishi asosiy qonunimizda belgilab qo'yilgan. Shuni unutmasligimiz kerakki, kelajagimiz poydevori bilim dargohlarida yaratiladi, bu haqida fikr yuritilganda, Abdulla Avloniyning "Tarbiya biz uchun xayot – yo mamot – yo najot – yo halokat – yo saodat – yo falokat masalasidir" degan chuqur ma'noli so'zlarni eslaymiz. Buyuk ma'rifatparvar bobomizning bu so'zlari o'tgan sar boshida millatimiz uchun qanchalar muhim va dolzarb bo'lgan bo'lsa hozirgi vaqtda ham biz uchun shunchalik, balki undan ham ko'ra muhim va dolzarb ahamiyat kasb etadi. Nega deganda, bizga sobiq tuzumdan meros bo'lib qolgan maorif tizimning eng nomaqbul tomoni shundan iborat ediki, unda o'quv jarayonida o'quvchi va talabalarning mustaqil va erkin fikrlashga yo'l qo'yilmas edi. Har qaysi o'quv yurtini bitiruvchilarning bilimiga qarab emas, aksincha, ularning sobiq sovet tizimiga va soxta g'oyalariga sadoqatini hisobga olib baholash hayotga yo'llash tamoyili asosiy o'rinni egallar edi. Ko'p hollarda sifat o'rniga son ketidan quvish ustunlik qilar edi. Aksariyat yoshlar haqiqiy bilim yoki malaka orttirish maqsadida emas, ko'proq amalda diplomli bo'lib olish ilinjida texnikum yoki institutlarga kirar edi. Shuning uchun ham mustaqillikning dastlabki yillaridanoq butun mamlakat miqyosida ta'lim va tarbiya, ilm-fan, kasb – hunar, o'rgatish tizimlarini tubdan isloh qilishga nihoyatda katta zarurat sezila boshladi. Darhaqiqat, istiqlol davrida barpo etilgan barcha shart – sharoitlarga ega bo'lgan akademik litsey va kasb hunar kollejlari, oliy o'quv yurtlarida tahsil olayotgan, zamonaviy kasb – hunar va ilm ma'rifat sirlarini o'rganayotgan, hozirdanoq ikki-uch tilda bemalol gaplasha oladigan ming – minglab o'quvchilar, katta hayotga kirib kelayotgan, o'z istedodi va salohiyatini yorqin namoyon etayotgan yosh kadrlarimiz misolida ana shunday orzu – intilishlarimiz bugunning o'zida o'z hosilini berayotganini guvohi bo'lmoqdamiz. Shu maqsadda yurtimizda kadrlar tayyorlash milliy dasturini amalga oshirish jarayonida maktab ta'limi, ayniqsa umumta'lim maktablarning moddiy – texnik bazasini mustahkamlashga e'tiborni kuchaytirish biz uchun kun tartibidagi eng muhim va jiddiy masalaga aylandi.Shu maqsadda yurtimizda kadrlar tayorlash milliy dasturning uzviy va mantiqiy davomi bo'lmish 2004-2009 yillarda maktab ta'limini rivojlantirish umummilliy davlat dasturi qabul qilindi. Ushbu dasturga muvofiq, yurtimizda mavjud bo'lgan o'n mingga yaqin umumta'lim maktabining moddiy texnik bazasini mustahkamlash, ta'lim jarayonning mazmunini tubdan takomillashtirish, o'qituvchilarning mehnatini moddiy va ma'naviy rag'batlantirish bo'yisha katta ishlar qilinmoqda. Kechagi qilinga orzular bugunga kelib amalga oshdi. Yoshlarimiz hohlagancha yuksaklikda parvoz qilib, ilm cho'qqilarni egallashga, chet ellarga borib malakalarini oshirish huquqiga ega. Hunarli yoshlar o'z bilimlarini tadbiq etib qancha – qancha zavod, fabrikalarni kengaytirilmoqda. Ishlab chiqarish muvafaqiyatlariga erishilmoqda. Yana yoshlarga vatanparvarlik, vatanga sadoqat ruhida tarbiyalanmoqda. Go'zal O'zbekistonimizning Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug'aniyevich Karimovning boshlagan ishlarini mana biz farzandlar davom ettirishga va'da beramiz.

ISLAM ABDUGANIEVICH KARIMOV – MY FIRST PRESIDENT

Hayitboyev B.T. - TF-303 group, TIRE

Everybody appreciates that one person can live forever among people with their ways of living, doings when he or she is alive despite of their death. We can give many, many examples for them. Because our life is full of kind, courageous, steady, noble human – beings.

Islam Abduganievich Karimov was one of these people. He was our first unique president. He remained us our independent, peaceful country. We, all citizens of the republic of Uzbekistan, are in debt from him for this amazing, heaven – like motherland.

He was born in Samarkand, the city that had became the capital of Temurids' dynasty on January 30, 1938. The painful point of is that he was brought up in orphanage. Although his early years were passed in this place, it didn't have a bad affect on young boy's knowledge, interest to education. In 1960, he graduated from the Central Asian Polytechnic Institute with a degree in mechanical engineering. Nowadays this institute has become Tashkent Technical University named after Islam Karimov. The reason of calling this university with the name of first president is in honor of his sacred memory. During several years not only he worked as an engineer, but also he joined the Ministry of Water Resources of the Uzbek Soviet Socialist Republic. He got master's degree in the subject of economics in Tashkent State University of Economics in 1967. And of course, it was the opening to his promotion in life.

From time to time, he achieved lots of progress in various stages of life. Between 1966 and 1986 he got his ranks higher as a specialist, department head, Minister of Finance of the Uzbek SSR, chairman of the State Planning Committee and deputy chairman of the Council of Ministers of the Uzbek SSR. In 1986, Islom Karimov designated as a first secretary of the Kashkadarya Regional Committee of the Communist Party of Uzbekistan. From 1990 to 1991, he served as a member of the Central Committeeand Politburo. On 24 March 1990, he was elected the first President of the Republic by the Uzbek Supreme Soviet.

On 31 August 1991, Islam Karimov announced Uzbekistan as an independent republic in the meeting of deputies. In this way we achieved our honorable independence with courageous attempts of our first president. The first day of September was stated "Independence day". From this time we celebrate our sovereignity, our peace.

Step by step our president took all government offices, army to his hand and run the republic of Uzbekistan with justice over the years. During the years he gained the respect of Uzbek nation. Uzbek nation hardly found their strong, fair, decisive governor. He with his humanitarian characters was fully worth of calling the leader who follows the nation to the way of development.

In addition our first president did many progresses in education sphere. The president opened many ways to the youth. I.A. Karimov highlighted "Our young generation must be quick-cutter wiser, healthier and of course, must be happier than us". Thus he required universities to serve a strictly pedagogical purpose and not as a branch of civil society.

For his outstanding contribution to the independence of Uzbekistan our first president was awarded with several popular orders like "Mustaqillik" and "Amir Temur". He was called the Hero of Uzbekistan. Islam Karimov infinitely loved the people of Uzbekistan and all his life. So he spent his last days to the services of his country. The bright memory of the first president will remain in the souls of the Uzbek nation.

Literature

1) www.wikipedia.com Islam Karimov ilmiy ma'rifiy majmuasi.
2) www.mdis.uz

ИСЛОМ АБДУҒАНИЕИЧ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ РАМЗИДИР

Кушаков Ф.А. - ТТЙМИ ассистенти

1991йил 31 август куни жаҳон харитасида янги, ёш, мустақил давлат - Ўзбекистон пайдо бўлди. Бу давлат тарихан буюк аллома ва давлат арбобларини етиштирган макон бўлиши билан бирга 70 йил мобайнида ўзлигидан, тарихидан ва миллийлигидан маҳрум қилинишга маҳкум бўлиб келган ҳудуд сифатида қаралди. Собиқ шўролар даврида аграр хўжаликка (пахта якка хокимлиги) тўлиқ мослаштирилган бўлиб, аҳолининг яшаш даражаси ўта паст, урф-одат, дин, маънавият каби тушунчаларни аҳолининг саноқли қисми теран англаб етган ҳудуд сифатида қаралган эди.

1989 йил Ўзбекистон Компартиясининг биринчи секретари этиб И.А.Каримов тасдиқланди. Бошқарувининг илк кунлариданоқ Ўзбекистондаги қийин аҳволни теран англаган ҳолда тинчлик йўли билан бу қийинчиликларни бартараф этишга киришиб

кетган. (кейинчалик бу хотираларини ўз асарларида кўрсатиб ўтганлар. ”Мен, - дейди Ислом Каримов, - биринчи котиб этиб сайланганимда, Ўзбекистон халқи руҳий шикаста ҳолатда эди. Демак ишни руҳиятни тузатишдан бошлаш керак”).

Ислом Абдуғаниевич ҳалқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйиб. атрофдаги раҳбарлардан ҳам шуни талаб қила бошлади.1989 йил Ўзбекистон Миллий Университети (ТошДУ) “Маданият саройи”да қилган маърузасида -“Биз энди эскича яшай олмаймиз, бизга буни замоннинг ўзи йўл бермайди”, деб таъкидлаган эди. Бундай фаолиятнинг натижаси эса 1991 йил 31 август куни Ўзбекистоннинг мустақиллигини эълон қилиниши даражасидаги ютуқ билан белгиласак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Ислом Каримов нафақат мустақилликни илк қадамини ташлашда рахнамо бўлди, балки уни мустаҳкамлашда ҳақиқий раҳбар сифатида ўзини кўрсатди. Ҳеч кимга сир эмас мустақилликнинг илк йиллари аҳоли иқтисодий жиҳатдан қийинчиликка учради, аммо биринчи Президентимиз ушбу қийинчиликлар ўз халқи билан елкама-елка туриб, ушбу қийинчиликлар вақтинча эканлигини таъкидлаб, меҳнатларимиз самараси бўлишига нафақат ўзи, балки бутун Ўзбекистонни ишонтира олди ва ўз ваъдасининг устидан чиқди.

Мустақилликнинг илк йиллари нафақат иқтисодий муаммолар, балки миллий ўзликни англаш каби муаммолар хам долзарб эди. Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзбек халқининг буюк тарихини қайта тиклаш, топталиб, қадрсизланаётган қадриятларни қайта тиклаган холда халққа қайтариш каби тарихий воқеаларга бош бўлди. Имом ал-Бухорий, Бахоуддин Нақшбандий, Имом ат-Термизий, Шайх Олхўжа Эшон(Занги ота), Соҳибқирон Амир Темур ва яна бошка ислом оламида беқиёс ҳурмат ва ўрингa эга намоёндаларининг қабрларини қайта таъмирлаб ва зиёратгохларга айлантириб, халққа ўз тарихини қайта топишда беқиёс хизмат қилди. Алишер Навоий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Захириддин Мухаммад Бобур каби илм аҳли намоёндаларининг илмий меросини қайта тиклаш, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини тарихий шаҳарлар қаторида бўлишига ва бу шаҳарнинг 2500 йиллик тарихини нишонлашда катта хисса қўшди. Ислом Каримов бошчилигида жадидчилик ҳаракати намоёнлари Махмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби қатоғон қилинган адибларнинг номлари қайта тикланиб, уларнинг фаолияти ва халқ йўлидаги хизматларини муносиб баҳоланиб, уларни номларига “Қатағон шаҳидлари” майдони барпо этилди.

Ислом Абдуғаниевич давлат бошқарувида адолатли бошқарув ва маънавий етукликка жуда катта эътибор берди. Республикамизда жорий қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосчиси айнан Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳисобланади. Ушбу дастур мамлакатимиз ёшларининг жаҳон талабларига мос таълим олишда асосий замин бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ислом Абдуғаниевич ёшлар тарбияси, уларнинг замонавий билим олишига, ҳеч кимдан кам бўлмасликка даъват этиб келдилар. Бунга мисол тариқасида - “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт” деган фикрларини келтириб ўтсак бўлади. Ёшларнинг маънан ва жисмонан етук бўлишлари учун давлат дастурлари даражасида қарорлар қабул қилиниб, Ўзбекистон ёшларига ўз имкониятларни тўлиқ намоён этишларида чин маънода раҳнамога айланди. “Ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчалик танита олмайди”- деган сўзлари мамлакатимизда болалар спортига бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Республикамизнинг ҳеч бир ҳудуди йўққи, ёшлар спортини ривожлантиришга беэътибор муносабатда бўлган бўлса.

2016 йил 2 сентябр куни Ислом Абдуғаниевич Каримов вафот этдилар. 25 йил мобайнида ўз ҳалқи учун бутун борлиғини хизмат қилган инсон ўзбек ҳалқининг қалбида абадий ўчмас ўрин эгаллаган. Ўзбекистондаги ҳеч бир инсон йўққи, ушбу маъшум воқеадан сўнг ғамгинлик холатига тушмаган бўлса. Бир мақолада Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг фаолиятини ёритиб беришнинг имкони йўқ. Шундай бўлса ҳам ушбу инсоннинг ўз халқига бўлган меҳри, фидокорона хизмати ҳаммамизга ибрат бўлиши лозим. Ҳозирги кунда шоҳ кўчаларга, Олий таълим муассасаларига, аэропортларга Ислом Абдуғаниевич Каримов номи берилмоқда. Энг асосийси Ислом Абдуғаниевич

Каримовнинг номи ўз халқининг қалбидан чуқур ўрин эгаллаган ва ушбу авлод ҳеч қачон ўз юртбошчисини унутмайди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов номи ўзбек халқининг қалбида абадий қолади!

ИСЛОМ КАРИМОВ – БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ, МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗ АСОСЧИСИ

Исмоилова Х. - ТИҚХММИ талабаси
Химматалиев Д.О. - п.ф.н., доцент

Буюк давлат арбоби Ислом Каримовнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг озод, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш билан бирга ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги улуғ хизматларини ватандошларимиз юксак эътироф билан эслайди. Биринчи Президентимиз мамлакатимизда, моҳият-эътиборига кўра, мутлақо янги таълим-тарбия тизимини яратди ва уни ҳаётга изчил татбиқ этишга раҳнамолик қилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов барча жабҳаларда, илм-фан, қишлоқ хўжалиги, энергетика, туризм, озиқ-овқат хавфсизлиги, замонавий уй-жой қурилиши, ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратган.

Бу борада амалга оширилаётган ишларни дунё ҳамжамияти эътиборига етказиш, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш, ўзаро яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида ҳам эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилган. Жумладан, охирги 5 йил давомида “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзусидаги халқаро симпозиум, “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусида, “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусида, “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусида, “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусида, “Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциялари Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бевосита ташаббуслари ва раҳбарликларида айнан Ўзбекистонда ўтказилди.

Давлатимизнинг ушбу йўналишларда амалга оширилган ишлари, қўлга киритган ютуқлари ва тажрибалари бутун дунё жамоатчилиги ва халқаро ташкилотларнинг эътирофига сазовор бўлди. Айниқса, бу муваффақиятларга Биринчи Президентимиз томонидан эришилгани халқаро меҳмонларнинг диққат марказида бўлди ва ҳақли равишда эътироф этилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 200 га яқин асарлари халқимизнинг бебаҳо миллий меросига айланди. Биринчи Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Баркамол авлод орзуси», «Кучли давлатдан кучли жамият сари», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда», «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз», «Тинчлик учун курашмоқ керак», «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», «Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида», «Юксак маънавият – енгилмас куч», «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида», «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» ва бошқа

асарларида иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг, маънавият ва маданиятнинг долзарб масалалари атрофлича таҳлил қилинган, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати илмий асослаб берилган. Биринчи Президентимизнинг кўплаб асарлари инглиз, рус, француз, испан, немис, ҳинд, хитой, араб, корейс, турк ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган.

Айниқса, Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарлари нафақат бутун халқимиз, балки бутун дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилган. Биринчи Президентимиз ушбу беназир асарида таъкидлаб ўтганидек, биз бошимиздан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантиришга мутлақо йўл қўйилмаган. Аксинча, халқимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафкурани ҳар қандай йўллар ва зўравонлик билан жорий этишга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу соҳадаги аҳволни тубдан ўзгартириш юртимизда энг долзарб ва ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди.

Дарҳақиқат, яқин тарихда халқимиз ўз бошидан кечирган бундай азоб-уқубатларни, тақдиримиз жар ёқасида турган машъум кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мамлакатимизнинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва ундан кейинги дастлабки ойларда олиб борган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятларини акс эттирган "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" деб номланган асарлари бутун халқимиз томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Шуни фахр-ифтихор билан айтиш жоизки, "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" китобида Биринчи Президентимизнинг мамлакатимизни сиёсий ва иқтисодий ривожлантириш, жумладан, ижтимоий соҳалар – таълим-тарбия, илму фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт тизимини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар, жамиятимизда аёллар, кексалар ва ёшларнинг ўрни, уларга янада қулай шароит ва имкониятлар яратиш билан боғлиқ масалалар; ҳар бир ҳудуд ва минтақа бўйича яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган режалар, устувор лойиҳалар; қадимий ва янги тарихимиз ҳақида, собиқ советлар тузуми моҳиятини фош этадиган мисоллар, бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида бу тузумни тиклашга бўлаётган ҳаракатлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлари ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинган. Китобда баён этилган кўплаб воқеа-ҳодисалар мустақил Ўзбекистонимиз, халқимизнинг янги тарихини ўрганишимизда ғоят қимматли манбадир.

Мазкур тўпламнинг бош ғоясини қуйидаги сўзларда мужассам бўлган энг муҳим ўзак фикр ташкил этади: «Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вақтда «Эртага ким бўлишимиз. кандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим».

Бугун юртимизда тинчлик, барқарор тараққиёти, бир сўз билан айтганда Истиқлолда истиқбол топаётган бахтли мамлакатлардан бири. Албатта, бундай дориломон кунларга осонгина эришилмайди ва эришилгани ҳам йўқ! Фаровон ҳаётга етишишнинг машаққатли йўлида қанчадан қанча даҳо инсонларнинг заҳматли меҳнати сарф этилди.

Шундай инсонлар бўладики, уларнинг раҳбарлиги учун эмас, балки чин инсоний фазилати, халқ олдидаги беқиёс хизматлари туфайли қалбларимиздан чуқур жой эгаллайди. Мен ушбу улуғ инсон, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентибуюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳақида тўлиб, тўлқинланиб сўзлагим келаверади. Ҳар гал уларнинг суратларига боққанимда, гўёки янги мақсадларга ундаётгандек, маррани янада баланд олишни таъкидлаётгандек туйилаверади. Мустақилликнинг ўтган 25 йилида шахсан уларнинг ташаббус ва раҳнамолигида ватанимиз юксак натижаларга эришди. Бир авлод туғилди, улғайди, камолотга эришди.

Айниқса, биз ёшларга уларнинг муҳаббати ўзгача эди. Буни кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишимиз учун яратиб берилган имкониятларда ҳамиша сезиб яшаганмиз. Меҳрларини ҳар бир чиқишларидаги нутқларида ҳис қилганмиз. Бу ёрқин хотираларни ҳеч қачон унутмаймиз, унутишга ҳаққимиз ҳам йўқ! Шуни алоҳида айтишим керакки, мен қандай ютуққа эришган бўлсам, у адабиёт соҳасида бўладими ёки бошқа, умуман оиламиз қўлга киритган барча яхши натижаларни бевосита у кишининг фаолият жараёни билан узвий боғлайман. Бунинг учун улардан чексиз равишда миннатдорман!..

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳақиқий инсоннинг ёди ҳеч қачон ўлмайди, дейишади. Забардаст инсонларнинг мангу қўними дилларда яшашлигини уқтирадилар. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бир чиқишларида Америкаликларнинг Жорж Вашингтони, туркларнинг Отатурки бўлганидек, Ўзбекистоннинг Ислом Каримови “миллат отаси” сифатида унутилмаслигини, ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган инсон эканлигини айтган эдилар. Дарҳақиқат, Ислом Абдуғаниевич Каримов қарийб 33 миллион ватандошларимизнинг самимий меҳр-муҳаббатига сазовор инсон эди. Бу ҳақиқатни ҳаммамиз яхши англаймиз.

BIRINCHI PREZIDENT ISLOM KARIMOVNING JAHON HAMJAMIYATIDA MILLATLARARO TOTUVLIKNI TA’MINLASHGA QO`SHGAN HISSASI

Xayrullayeva M.O`. - O`zMU talabasi

O`zbekiston xalqining ko`pchiligi o`zining shaxsiy manfaatlarini emas, balki o`z oilasi, qarindoshlari, yor-birodarlari va qo`shnilarining sog`lig`i hamda farovonligi to`g`risida g`amxo`rlik qilishni birinchi o`ringa qo`yadi. Bu – insonning eng oliy ma’naviy fazilatidir. Bizni xalqimiz hech qachon o`zini boshqa xalqlardan yuqori qo`ygan emas. Boshqa millatlarga, boshqa dinlarning namoyondalariga munosib hurmat ehtirom ko’rsatib kelgan.

Islom Karimov Jahonda bugungi dinlararo va millatlararo notinchlik bo`lib turgan tahlikali kunlarda O`zbekistondagi mavjud dinlararo va millatlararo barqarorlikni ta’minlashdagi siyosat turli davlatlar tomonidan o`rnak bo`lishga loyiq ekanligi e’tirof etilgan. Bu albatta, Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning mustaqillikning dastlabki yillaridayoq olib borgan oqilona siyosatining natijasidir. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov millatlararo munosabatlardagi barqarorlikni ta’minlashda o`zining nazariy xulosalari, shu bilan birgalikda amaliy harakatlari bilan jahon hamjamiyatida o`ziga xos o`rin egallagan. Birinchi Prezidentimiz o`zining jahon minbarlarida turib so`zlagan qator nutqlari va ma’ruzlarida bugungi kunda dunyoda o`z yechimini kutayotgan va kun sayin murakkablashib borayotgan muammolarni hal etishning muqobil yo`llarini ishlab chiqishni dolzarb vazifa qilib qo`yganligi alohida diqqatga sazovordir. Aynan Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov tomonidan millatlaro munosabatlardagi barqarorlikni ta’minlashning nazariy asoslari ishlab chiqildi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov eng tajribali va dono siyosatchilardan biri sifatida nafaqat Markaziy Osiyoda, shuningdek, dunyoda ro`y berayotgan jarayonlar va yuzaga kelayotgan vaziyatning barcha nozik jihatlarini teran anglab, unga o`zining shaxsiy fikr-mulohazalari va takliflarini bera oldi. Birinchi Prezidentimiz o`zining teran nutqlari va ma’ruzalarida asosiy e’tiborni xavfsizlik masalalariga qaratib, O`zbekiston nafaqat Markaziy Osiyodagi yetakchi davlatlardan biri, balki jahon hamjamiyatida o`zining munosib o`rniga ega, o`z fuqarolari uchun ham, dunyo xalqlari uchun ham birdek muhim bo`lgan tinchlik va xavfsizlik ishiga sodiqligini namoyon etayotgan mamlakat ekanligini isbotladi. Shu boisdan ham biz bu buyuk zotni millatlararo munosabatlardagi barqarorlik va totuvlikni ta’minlashda, ayni bir vaqtning o`zida ham nazariyotchi ham amaliyotchi deb e’tirof eta olishimiz mumkin. Birinchi Prezidentimizning 1997 yilda nashr etilgan “O`zbekiston XXI asr bo`sagàsida: Xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari” asari bu masalaga nazariy va amaliy jihatdan yondashilganligi bilan ajralib turadi. Ushbu asarda mintaqaviy tahdidlarning qator turlariga izoh berilgan. Mazkur asar yozilganligiga uzoq fursat bo`lganligiga qaramasdan, o`zining qadr-qimmatini yo`qotmagan bo`lib, hozirgi kunda ham barchamiz uchun nazariy qo`llanma bo`lib xizmat qilmoqda. Shu bilan birga, ushbu asar bugungi kundagi mavjud dolzarb barcha muammolarni o`z ichiga olgan asar

hamdir. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov istiqlolimizning ilk kunlaridayoq O`zbekistonning milliy manfaatlariga mos keladigan puxta siyosiy yo`lni belgilash, jahon hamjamiyatiga qo`shilish, xorijiy mamlakatlar bilan siyosiy, diplomatik, iqtisodiy, ilmiy-texnikaviy, madaniy aloqalar o'rnatish masalalarini dolzarb vazifa sifatida bildi. Negaki, davlatimiz mustaqilligini mustahkamlash, mamlakatimizning xavfsizligini ta'minlash, barqarorligi va taraqqiyoti ko`p jihatdan ana shu vazifalarning oqilona hal etishiliga bog`liq bo`lib qolgan edi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov "O`zbekiston XXI asr bo`sagàsida: Xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari" asarida: "Biz uchun mustaqillik – o`z erkinligimizni anglashgina emas, balki o`z hayotimizni o`z irodamiz bilan va milliy manfaatlarimizni ko`zlagan holda tashkil etish, o`z kelajagimizni o`z qo`limiz bilan qurish huquqidir[1]"- deya ta'kidlagan edilar. Hozirgi kunda yurtimizda bir yuz o`ttizdan ortiq millat va elat, o`n olti diniy konfessiya vakillari o`zaro ahillik va totuvlikda yashab, Vatanimiz ravnaqi yo`lida samarali mehnat qilib kelmoqda. Polietnik tarkibga ega O`zbekiston Respublikasida yuritilayotgan etnik siyosat xususida Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov quyidagi savol bilan murojaat qilgan edi: "O`zbekistonda va butun Markaziy Osiyo mintaqasida barqarorlikni saqlab turish uchun qanday etnik siyosat olib borish kerak? "Markaziy Osiyo aholisining asosiy qismini tashkil etadigan hozirgi tub etnoslar ildizlari o`tmishda vujudga kelgan millatlar sifatida shakllanishning murakkab va o`ziga xos yo`lini bosib o`tgan. Bu sohadagi ayrim ziddiyatli hodisalarga qaramay, aholisi ko`p millatli bo`lgan milliy davlatlarning qaror topishida iborat qaytmas jarayon davom etmoqda. O`zbekiston aholisining ko`p millatliligi o`zbek xalqining milliy o`zligini anglashi ma'naviy qayta tiklanishining o`sishi bilan chambarchas bog`liq holda jamiyatni yangilash, demokratlashtirishga undovchi zo`r kuch bo`lib xizmat qilmoqda. Bu respublikaning jahon hamjamiyatiga qo`shilishi uchun qulay shart-sharoit yaratmoqda [2]".

1989 yildayoq jamoat tashkilotlari – milliy madaniy markazlar tuzila boshlangan edi. Hozir respublikada 80 dan ortiq markaz ishlab turibdi. Ular O`zbekistonning ko`p millatli jamiyatini siyosiy, iqtisodiy, madaniy-ma'naniy jihatdan qayta qurish jarayonida ijobiy rol o`ynamoqda. Xalqning birligi, jipsligi va osoyishtaligi haqida gapirar ekanmiz, bu – bizning bebaho boyligimiz, deya ta'kidlaymiz [3].

Xususan, Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning BMT Bosh Assambleyasining minbarlarida turib so`zlagan nutqlari tahsinga sazovordir. Shu o`rinda aytib o`tishimiz kerakki, mamlakatimiz Birinchi Prezidenti I.A.Karimovning BMT Bosh Assambleyasining 1993-yil 27-sentabrda bo`lgan 48-sessiyasidagi ishtiroki va qilgan ma'ruzasi mustaqil O`zbekistonimizni jahonga ko`hna va yosh, navqiron davlat sifatida namoyon etdi[4]. O`zbekiston Respublikasi nomidan Markaziy Osiyoda xavfsizlik, barqarorlik va hamkorlik masalalari bo`yicha BMT ning Toshkentda doimiy ishlovchi seminarini chaqirish, narkobiznesga qarshi kurashni kuchaytirish, Orol muammosini hal etish va boshqa masalalar bo`yicha bir qator takliflar o`rtaga qo'yildi. BMT Bosh Assambleyasining 1995-yil oktabr-noyabr oylarida bo`lgan yubiley sessiyasida Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ham qatnashib va nutq so`zlab, bu nufuzli xalqaro tashkilot faoliyatini yaxshilashga doir takliflarni bayon etdi. O`zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti anjuman ishtirokchilariga qarata murojaat qilar ekan, ular e'tiborini Markaziy Osiyoda yuzaga kelgan muammolar, BMT tuzilmalarini isloh qilish, uning faoliyatining samaradorligini oshirish zarurligi, Xavfsizlik kengashi safini kengaytirish, unga jahon siyosatida muhim o`rin egallagan Germaniya va Yaponiya singari davlatlarni doimiy a'zo sifatida kiritish lozimligiga qaratdi. BMTning Xavfsizlik kengashini Afg`onistondagi mintaqa barqarorligiga xavf solayotgan birodarkushlik urushiga barham berish uchun bu mamlakatga qurol-aslahalar olib kirishni taqiqlashga dav'at etdi. "Afg`oniston urush emas, tinchlik va barqarorlik obyekti bo`lmog`i lozim [5]"- deb o`z so`zini davom ettiradi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning yuritgan bag`rikenglik siyosati mohiyatan Afg`oniston uchun og`ir bo`lgan davrda, avvalo, afg`on xalqining manfaatlaridan kelib chiqqan holda, butun Afg`oniston kelajagini nazarda tutib, ushbu mamalakatda urushni to`xtatish bo`yicha aniq va keng ko`lamli chora-tadbirlarni taklif etgani, uning bu boradagi aniq va qat'iy pozitsiyasi yuksak hurmat va alohida e'tiborga sazovordir. Shu o`rinda Birinchi Prezidentimizning BMT Bosh Assambleyasining mingyillik

rivojlanish maqsadlariga bag`ishlangan oliy darajadagi yalpi majlisidagi nutqiga nisbatan xorijiy ijtimoiy-siyosiy doiralar vakillari tomonidan bildirilgan munosatlaridan birini misol tariqasida keltirib o`tmoqchiman: “Xalqaro maydonda o`z qarashlari va yondashuvlari bilan yildan yilga e’tibor qozonayotgan Prezident Islom Karimov BMT minbaridan so`zlagan nutqi orqali o`zini yuksak mas’uliyatli va uzoqni ko`ra biladigan siyosiy yetakchi sifatida yana bir bor namoyon etdi. Ushbu nutqda mintaqaning faqat Markaziy Osiyo xalqlariga bog`liq bo`lmagan eng og`riqli muammolari ham o`z ifodasini topdi. Mintaqa barqarorligi va xavfsizligiga ta’sir etayotgan Afg`oniston muammosi shular jumlasidandir. Bu muammoni hech kim O`zbekiston rahbari singari yaxshi bilmaydi va tushunmaydi. Uning BMT Bosh Assambleyasi sammitida Afg`oniston bo`yicha ilgari surgan fikrlari va tashabbuslari kelgusida afg`on muammosini hal etishda xalqaro hamkorlik uchun asos bo`la oladi [6]”, - deb o`z fikrini bildirgan edi Koreya Respublikasining “Koreya tayms” gazetasi prezidenti Pak Mu-Jon.

Yurtimizda millatlararo totuvlik va barqarorlikni ta’minlash borasida olib borilayotgan islohotlar, xususan, 2017 yilning 7 fevralida Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan qabul qilingan “Harakatlar strategiyasi” to`g`risidagi Farmonidan so`ng o`ziga xos ahamiyat kasb etdi. “Harakatlar strategiyasi”ning beshinchi ustuvor yo`nalishi, aynan “Xavfsizlik, millatlararo totuvlik, va diniy bag`rikenglikni ta’minlash, chuqur o`ylangan o`zaro manfaatli va amaliy ruhdagi tashqi siyosat yuritish” deb nomlanganligi mazkur masalaning naqadar muhimligini ko`rsatib beradi.

Xususan, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil 24-yanvarda qabul qilingan Farmoniga muvofiq, Respublika baynalmilal madaniyat markazining 25 yilligi munosabati bilan milliy madaniy markazlarning bir guruh faollari faxriy unvonlar, orden va medallar bilan taqdirlandi. Prezidentimiz tashabbusi bilan 2017 yilning 19-may sanasida “Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do’stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to`g`risida” gi Farmoni imzolandi [7]. Mazkur farmonga binoan, Respublika baynalmilal madaniyat markazi va do`stlik jamiyatlarining Markaz negizida O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do`stlik aloqalari qo`mitasi tashkil etildi va uning asosiy vazifalari belgilab berildi. 2017 yilda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan amalga oshirilgan keng ko’lamli ishlar yurtimizda istiqomat qilayotgan 130 dan ortiq millat va elatlarning tinch-totuv yashashi va millatlararo munosabatlardagi barqarorlikni ta’minlash, bag`rikenglik tamoyillarining mustahkamlanishida o`ziga xos yangi bosqichni boshlab berdi, desak adashmagan bo`lamiz.

Xulosa qilib aytadigan bo`lsak, Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov tub negizida boshqa davlatlarning ichki ishlariga aralashmaslik va vujudga kelayotgan qarama-qarshilik va mojarolarni faqatgina tinch, siyosiy yo`l bilan hal etishga asoslangan tinchlikparvar siyosat mujassam bo`lgan O`zbekiston Respublikasining Tashqi siyosat konsepsiyasini ishlab chiqdi va amalga oshirdi. Islom Karimov mintaqamizda va butun dunyoda tinchlik va millatlararo munosabatlardagi barqarorlikni saqlashga ulkan hissa qo`shdi. Xususan, Islom Abdug`aniyevich Karimov suveren va mustaqil O`zbekistonni barpo etish, xalqparvar demokratik huquqiy davlat yaratish, fuqarolar tinchligi va milliy totuvlikni ta’minlash ishiga qo`shgan ulkan hissasi hamda bu borada matonat va jasorat ko`rsatgani uchun “O`zbekiston Qahramoni” unvoni, “Mustaqillik” va “Amir Temur” ordenlari bilan taqdirlanganligi bejiz emas.

Adabiyotlar

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997, 299-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997, 72-б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.–Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997, 83-б.
4. “Xalq so`zi” gazetasi, 1993 yil , 28 sentabr.

5. “Xalq so`zi” gazetasi, “Prezident Islom Karimovning BMT tashkilotining ellik yilligi munosabati bilan Bosh Assambleyaning maxsus tantanali yig`ilishida so`zlagan nutqi”, 1995 yil, 26 oktabr.
6. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimovning BMT Bosh Assambleyasining mingyillik rivojlanish maq sadlariga bag`ishlangan oliy darajadagi yalpi majlisidagi nutqi// Xorijiy ijtimoiy-siyosiy doiralar vakillarining munosabatlari va sharhlari. Toshkent “O`zbekiston” 2010, 34-b.
7. “Xalq so`zi” gazetasi, 2017 yil, 23 may.

ШАХС МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА И.А.КАРИМОВНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Ботиров Ж. - ТТЙМИ талабаси
Раматов Ж.С. – ТТЙМИ профессори

Маънавият тушунчасининг шахс, миллат, давлат ва жамиятнинг қудратли кучи сифатидаги аҳамияти мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ўрганила бошланди, десак хато бўлмайди. Чунки, мустақиллик жамият миллий тафаккури тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Маънавият ҳам, кишиларнинг қалби, тафаккури, яшаш тарзи, умуман олганда, ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи феномен сифатида мустақиллик каби жамиятимизда тубдан янгиланиши лозим бўлган йўналишлардан бири эди. Бу йўналишнинг пайдо бўлиши ва унинг концептуал ғояларининг назарий жиҳатдан ишлаб чиқилиши Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов номи билан боғлиқ. Унинг қатор асарлари, рисолалари, маърузаларида маънавият тушунчасининг моҳияти кенг ва чуқур очиб берилган. Бу маънавиятни мустақил омил сифатида ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки ҳар қандай илгари сурилаётган ғояларнинг моҳияти очиб берилмас экан, унинг жамият тараққиётида миллат ва шахс камолотидаги ролини белгилаш мумкин бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов “маънавият” тушунчаси ва унинг аҳамиятини илмий истеъмолга олиб кирган назариётчи ва амалиётчиси ҳисобланиб, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб маънавиятни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. У “Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиши ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан”[1],-деб таъкидлайди. Мазкур таъриф мазмун ва моҳиятига кўра “маънавият”нинг барча қирраларини ўзига қамраб олган. Унда инсоннинг ички руҳий оламини ифодаловчи барча асослар ўз ифодасини топган ва унинг инсон баркамоллигини таъминлайдиган катта куч эканлиги белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида маънавиятнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини очиб бериб шундай ёзган эди: “Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчилик билан маънавият чашмасини излайди”[2]. Маънавиятнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини бундан юқорироқ даражада таърифлаш қийин бўлса керак. Яна бир карра айтиш жоизки, маънавият масаласи давлатимиз раҳбарининг доим диққат марказидаги муаммоларидан бири бўлиб келган.

2008 йилда нашр этилган “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавиятнинг жамият ҳаётидаги ҳал қилувчи ҳодиса эканлигини тўла асосланди, десак муболаға бўлмайди. Асарнинг салмоғи, унинг назарий ва амалий ғояларга бойлиги маънавият ҳақидаги олдин билдирилган барча фикрларни муайян бир мустаҳкам тизимга солинганлиги билан аҳамиятлидир. Шу боис ҳам асар қарийб беш йилдан буён бир неча марта

қайта нашр қилинди, қатор чет тилларига таржима қилинди. Ҳамонки, тадқиқотчилар маънавиятга дахлдор изланишлар олиб борар экан, мазкур асар уларнинг дастуруламали бўлиб хизмат қилмоқда. Биз қуйида эътиборингизга ушбу асардаги маънавият феноменининг аҳамиятига оид айрим фикрларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Асарда маънавият феномени борасида илгари сурилган ғоялар фундаментал аҳамиятга эга. Биз "маънавият"ни бежиз "феномен" деб атамаяпмиз. Зеро, феномен деганда бетакрор, ўхшаши йўқ, ноёб ҳодисалар тушунилади. Фикримизча, маънавият ҳам, инсон ва жамият ҳаётидаги шундай ноёб ҳодисаки, усиз инсонни инсондек, жамиятни жамиятдек тасаввур этиб бўлмайди. "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида маънавиятнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ ва теранроқ англаш учун ундаги ғояларни чуқур ўзлаштириб олишимиз лозим бўлади. Асарда келтирилишича, "маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир...[3]". Бундан келиб чиқадики, маънавият аввало, инсоннинг ички дунёсида шаклланиб, сўнг фаолиятга кўчади. Руҳан пок бўлиш инсоннинг ҳалол ва пок яшаши билан боғлиқ. Ахлоқ ва одобни ўзига зеб деб билган, олижаноб фазилатларни касб қилган инсонларни руҳан пок инсонлар деб аташ мумкин. Қалбан улғайиш эса, ички оламни илм-маърифат билан бойитиб бориш, эзгу фикр ва ниятларни доимо юксалтириб боришни тушунамиз. Инсоннинг маънавиятли эканлигини унинг қалбан улғайишга интилишида кўришимиз мумкин. Бундай инсонлар қаторига илм-маърифат олишга интилаётган, ўз билимларини яратувчанлик, эзгулик, бунёдкорлик йўлида сарфлаётган фидойиларни киритишимиз мумкин. Одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қилувчи куч ҳам, шубҳасиз – маънавиятдир. Чунки, "маънавият" жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни тўла жам этади"[4]. Виждоннинг уйғоқлиги – инсоннинг тўғри яшаши, бировнинг ҳақига кўз тикмаслиги, адолат ва ҳақиқат тарафдори бўлишига сабаб бўлувчи ахлоқий-диний ҳодисадир. Зеро, биз ҳаётда, омонатга ҳиёнат қилмайдиган, ҳалол ризқ билан умр кечирувчи, муҳтожларга ёрдам берувчи, адолатсизликка қарши сабрсиз курашувчи инсонларни виждонли деб атаймиз. Жамиятнинг иқтисодий-сиёсий барқарорлиги, тинчлиги учун виждонли инсонлар зарур. Асарда маънавиятни англаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилган. Маънавиятнинг айрим категориялари (тушунчалари) фалсафа, эстетика, этика, диншунослик ва бошқа фанларнинг тушунчалари билан ҳам уйғунлашиб кетган. Бу табиий хол. Зеро маънавиятни уларнинг уйғунлигисиз тассаввур ҳам қилиб бўлмайди. Ана шу мураккабликка қарамасдан унинг категорияларини аниқлашга эҳтиёж катта. Шу эҳтиёжни ҳисобга олиб «маънавият» нинг тушунчалари хақида дастлабки қарашларни илгари суриш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти таъкидлаганидек, маънавият қуйидаги омиллар таъсирида шаклланади: 1) маънавий мерос; 2) маданий бойликлар; 3) кўҳна тарихий ёдгорликлар; 4) халқ оғзаки ижоди; 5) миллий байрамлар; 6) муқаддас диний қадриятларимиз; 7) илмий ижод кашфиётлари; 8) Амир Темур мероси; 9) оила; 10) маҳалла; 11) таълим-тарбия тизими.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов инсон ва жамият ҳаётидан маънавиятнинг тутган ўрни ҳақида фикр юритган экан, инсонга хос орзу-ниятларни рўёбга чиқариш учун ҳам моддий, ҳам маънавий омиллар зарур эканлигига, диққат қаратиб, уларни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёслайди. Бу масалага бир ёқлама ёндашув, хусусан, "одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш охир-оқибатда жамият ҳаётида инқирозга олиб келиши муқаррар эканлигини тарих кўп маротаба исботлаган"[5], дея таъкидлайди.

Хуллас, "...ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало, инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу

ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур қилиш қийин[6]". Шундай экан, биз ҳам ҳаётий мақсадимизни амалга оширишда маънавият ва маърифатни билиб ёндашсак мақсадга мувофиқ иш бўлади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: "Ўзбекистон", 1999. –Б.17.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура (нутқлар, суҳбатлар мақолалари). –Т.: " Ўзбекистон", 1993. –Б.78.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. –Б.19.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. –Б.19.
4. Ўша асар. 20-б.
5. Ўша асар. 29-60 бетлар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BIRINCHI PREZIDENTI ISLOM ABDUG'ANIYEVICH KARIMOVNING "O'ZBEKISTON MUSTAQILLIKKA ERISHISH OSTONASIDA" ASARIGA MULOHAZA

Karimov B. - TTYMI talabasi
Ramatov J.S. - TTYMI professori

O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimovning ushbu risolalari xalqimizni mustaqilikni qadrlashi va yurtni bundanda gullab – yashnashi uchun harakat qilishga da'vat etuvchi bir ulkan ish bo'ldi. Ayni shu davrda yurtimizda juda ko'p qiyinchiliklar yuz bergan, lekin bunday qiyinchiliklarga bardosh bergani holda I.A.Karimov xalqni faqat olg'a qadamlar sari yetakladi. Shunday qiyin vaziyatlarga baho berarkan I.A.Karimov shunday fikrlarni bildiradi, hozir shunday vaziyat vujudga keldiki, u jamiyatni yangilash uchun kurashayotgan barcha kuchlarni birlashtirishni talab qilmoqda. Odamlar aslo kechiktirib bo'lmaydigan muammolar — oziq-ovqat, transport, savdo, sog'liqni saqlash, uy-joy qurilishi, mehnat rejimi va unga haq to'lash, dam olish sharoitlari kabi muammolarning hal etilishini kutmoqdalar. Keyingi vaqtlarda iqtisodda paydo bo'lgan bir qancha salbiy tendensiyalar vaziyatni jiddiy ravishda chigallashtirmoqda. Ko'pgina xalq iste'moli mollarining taqchilligi sezilarli ravishda ko'paydi. Pul tobora qadrsizlanib bormoqda. Davlat byudjetining kamomadi o'sib bormoqda. Ishlab chiqarish va mehnat intizomi ancha pasayib ketdi. Ana shularning hammasi sotsial keskinlikning kuchayishiga olib kelmoqda. Milliy masala hamon o'tkirligicha qolmoqda. Armaniston, Ozarbayjon, Gruziyada, Boltiqbo'yi hamda boshqa respublikalarda mojarolar davom etmoqda. Mana shu va boshqa ziddiyatlar, qiyinchiliklar bizning respublikamizni ham chetlab o'tmadi. Ayni vaqtda O'zbekistondagi ishlarning ahvoli respublikaning o'zigagina xos bo'lgan bir qancha muammolarning namoyon bo'lishi bilan chigallashmoqda. Prinsipial ahamiyatga ega bo'lgan ba'zi eng jiddiy muammolarga to'xtalib o'tishimga ijozat bergaysiz. Birinchidan, respublikada demografik vaziyatning murakkabligidir. Keyingi ro'yxat ma'lumotlariga ko'ra, so'nggi o'n yil mobaynida aholimiz 4,5 million kishiga yoki 30 foiz ko'paydi va hozir 20 million kishini tashkil etadi. Respublikada aholining o'sish sur'atlari umumittifoq sur'atlariga qaraganda uch barobardan ziyod yuqoridir.[1]

Shuni ochiq e'tirof etish kerakki, aholining bunday o'sishi ko'p yillardan buyon sanoatda va xalq xo'jaligining boshqa tarmoqlarida ish joylarini ko'paytirish hamda aholining hayot ta'minoti uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish bilan mustahkamlanmayapti. Odamlar turmushi tobora behalovat bo'lib borayotganligi, ijtimoiy-foydali mehnat sohasida band bo'lmagan kishilar, oddiy qilib aytganda ishsizlar ko'payayotganligi, ijtimoiy mehnat unumdorligi va aholining daromadlari kamayib, pirovard natijada xalq farovonligi pasayib ketayotganligi mana shundandir. Statistikaning ko'rsatishicha, hozir O'zbekistonda aholi jon boshiga hisoblaganda daromadi 75 so'mdan oshmaydigan 8 million 800 mingga yaqin kishi yashab turibdi, bu esa aholining 45 foizini tashkil etadi. Mutaxassislarning hisob-kitoblariga ko'ra, kun kechirish uchun kamida hozirgi kunda 85 so'm

[1] I.A.Karimov. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida, T., 2011, 47 – bet

zarurligini e’tiborga oladigan bo‘lsak, ana shunda odamlar qanday qiyinchilik bilan, uchma-uch yashab kelayotganiga o‘zingiz baho berishingiz mumkin.

Ikkinchidan, respublika xalq xo‘jaligi biryoqlama, aytish mumkinki, haddan tashqari nomaqbul ixtisoslashtirilgan. Natijada shunday ahvol vujudga keldiki, qishloq xo‘jaligi bilan bir qatorda sanoatda ham asosan xom ashyoni birlamchi qayta ishlash tarmoqlari ustunlik qilmoqda, tayyor mahsulot, birinchi navbatda xalq iste’moli mollari ishlab chiqaruvchi tarmoqlar esa arzimas salmoqqa ega. Hozir qishloq xo‘jaligi xom ashyosining talaygina hajmi (paxta tolasi, xom ipak va boshqa ko‘pgina xom ashyo mahsulotlari) respublikadan olib ketilmoqda, ayni vaqtda esa aholining iste’mol tovarlariga bo‘lgan ehtiyojini qondirish uchun 8-9 milliard so‘mlikka yaqin tayyor mahsulot olib kelinmoqda.[1]

Uchinchidan, ishlab chiqaruvchi kuchlar va, avvalo, sanoat ob’ektlari asosan stixiyali ravishda, aniqrog‘i, har xil o‘zboshimchalik, buyruqbozlik qarorlari asosida, ko‘pincha ilm-fan vakillari, bilimli va obro‘li mutaxassislarning tavsiyalari mutlaqo e’tiborga olinmay joylashtirildi. Respublika sanoat salohiyatining 50 foizga yaqini joylashtirilgan Toshkent va Toshkent oblasti shaharlari, Farg‘ona, Andijon, Qo‘qon, Navoiy shaharlari hamda respublikaning boshqa bir qancha mintaqalari misolida hozir ana shunday joylashtirish, ayniqsa salbiy ta’sir o‘tkazayotganini ko‘rish mumkin.

Bunday joylashtirish respublikaning ekonomikasiga va aholi punktlarining ekologiyasiga g‘oyat katta ziyon etkazganiga hozir baho berish qiyin, eng asosiysi esa, bu hozir aholining hayot ta’minotiga, odamlarning yashashi va uyg‘un kamol topishi uchun zarur sharoitlarni yaratishga ta’sir o‘tkazmoqda. To‘rtinchi va aytish mumkinki, eng muhim masala — respublikadagi sotsial ahvolning, odamlarning sotsial ta’minoti va ularni ijtimoiy himoya qilishning mutlaqo qoniqarsizligidir. Qishloq aholisining atigi 5 foizi kanalizatsiya va vodoprovod bilan, salkam 50 foizi – ichimlik suv bilan, 17 foizi tabiiy gaz bilan ta’minlanganini normal ahvol, deb hisoblash mumkin emas. SHuni e’tirof etish kerakki, ko‘rilayotgan barcha choralarga qaramay, aholini uy-joy, sog‘liqni saqlash, madaniyat, maishiy xizmat ob’ektlari, maktablar, bolalar bog‘chalari va hokazolar bilan ta’minlashda hozircha sezilarli siljishlarga erishilgani yo‘q. Hozir ochig‘ini aytish kerak, biz bu haqda juda ko‘p gapirdik va hali ham gapiryapmiz, ammo, ming afsuski, masalani dalil-isbotlar bilan asoslab to‘g‘ri qo‘ya olmayapmiz. Biz, rahbarlar, bu masalalarni qat’iyat bilan, bilimdonlik bilan o‘rtaga qo‘yishimiz, ularning hal etilishiga izchillik bilan erishishimiz, har qanday holda ham aybni birovlarga to‘nkamay va birovlarning orqasiga yashirinmay, mas’uliyatni o‘z zimmamizga olishimiz kerak. Oldinda bizni juda katta ishlar kutmoqda. Biz intizomni, yana bir karra intizomni mustahkamlash uchun hamma ishni qilishimiz, kadrlar mas’uliyatini oshirishimiz, g‘ayrat bilan, tashabbuskorlik bilan harakat qilib, odamlarimizning turmushini yaxshilashga erishishimiz kerak.

I.A.Karimovning mustaqillik sari intilishlari, fuqarolar tinchligi uchun jonkuyarliklari tufayli biz hozirda shunday tinch yurtda, musaffo osmon ostida, to’kin-sochin dasturxonlar bilan erkin va ozod hayotda yashab kelmoqdamiz. Shunday ekan, biz ham shunday kunlarning porloq kelajagi sari olg’a harakat qilishimiz va doimo bu kunlar qadriga yetmog’imiz zarur.

ISLAM KARIMOV IS THE FOUNDER OF “UZBEK MODEL”

Mekhriddinov J.Q. - student TIRE

Our country gained independence on August 31, 1991. The new independent state in Uzbekistan has a worthy place in the map of the world. He has embarked on a vast field of development in a short 26-year history. First, our political views have changed. Over the past years, in our country, along with economic and spiritual reforms, major political reforms have taken place. A completely different political consciousness came into our minds. Democracy, civil society, and the rule of law are not just words. Each of these is a great idea. There is a great deal of struggle for the people, their aspiration and work.

[1] I.A.Karimov. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida, T., 2011, 47 – 48-b.

The Decree of the First President of the Republic of Uzbekistan "On Preparing and Conducting the Twenty-Four Years of State Independence of the Republic of Uzbekistan" states that " completely abandoned unsuccessful models such as the administrative-command system of the system, the one-sided economy, the shock therapy, and firmly chose its path of development, based on the five principles, and the "Uzbek model" has achieved real results on this groundbreaking development strategy." Some politicians who have been tempted by the shift from socialism to the transition to a market economy have rashly called "the theory of shock". In their imagination, just as the "miracle" happens suddenly, all the flourishing prosperity and speed of lightning develops instantaneously. The first President of our nation, Islam Karimov, was absolutely opposed to shock therapy and said that Uzbekistan's domestic economic policy was based on the general principles of our renewal and social progress, as well as our own peculiarities. The founder of our state, in particular, writes: "Because of the real economic situation and the low living standards of many families, the" shock therapy "of the country's transition to the market is unacceptable.In practice, it turns out to be a "shock without therapy", that is, all structures, norms, relationships that are composed quickly collapse, in other words, completely destroyed. It is time to change the organizational, economic, financial and credit systems, create a legal framework, create a market chain, and train staff. It is also necessary to take into account the time factor of the technology required for the production and re-equipment of production. Finally, as long as the laws based on the proportion of need and supply do not go into effect, it may take time to change the layers and norms that are tightly fixed. The market economy must be step-by-step, not by great leaps, but through a revolutionary and gradual transformation. " Bearing in mind that these words at the very beginning of independence - in 1992, many years after that, we have seen once again how wise our journey was first to begin.

Life is always in motion. It's almost impossible for him to pause for a moment or to roll back the history wheel. As the society is always moving forward, the consciousness with it constantly changes and improves. Therefore, the essence of the changes is directly related to the interests of the individual, and the responsibility for the reform also lies with the government and directly to citizens. Therefore, in the first years of independence, the first President of the country was firmly grounded on the issue, "Reform is not for the sake of reform, but primarily for the sake of human interests and human interests." Or it is very important to grasp these ideas, which he wrote in his book, "The path of independence and prosperity of Uzbekistan," written in 1992: "The transition to the market is inevitable. This is the order of the period, objective reality. At the same time, the market is not merely a target, but a way of forming new values and reaching a qualitatively high level of prosperity of people. "[1] There was a transition from the system of capitalist market relations to the transition from socialism to the world. But there was absolutely no experience of shift from socialism to a democratic transition based on market relations. Nevertheless, all states that had renounced old socialism were forced to experience the transition.

So, what should we do? Who, what rule, what principles should be adhered to? The property is primarily state-owned, based on planned production, with a single ideology being dominated by dominant socialism, and over the course of years, it has been acknowledged that the transition from state to command, totalitarianism, authoritarianism to a democratic, democratic system based on market economy - civil society, ready-made mold, experience, no fluid path, and no. At that time, the Uzbek leader has developed five major transitional principles for the country. The situation required strict compliance with these five crucial resolutions. These principles are interconnected, one comes from the other, one requires the other, and so on. Similar five principles were quickly recognized as world-class "Uzbek model of development". As we try to understand the essence of the glorious path of our independence over the 26 years of our independence, it is clear that these five principles need to be reviewed separately in order to determine their place in the reform process.

[1] I.A.Karimov «O‘zbekistonning o‘z istiqlol va taraqqiyot yo‘li». T., 1992.

The first principle - the priority of the economy on politics, the removal of production from the ideology. We find a wise idea in the book of First President Islam Karimov "High Spirituality - Invincible Power": "... The material and spiritual world, which is necessary for realization of human dreams, I think it will be appropriate if we compare the two wings of a bird. "[1]

The second principle is that the state is the chief reformer. The First President said: "As the market grows, the role of the state in the management and regulation of the economy will change dramatically." Thus, in the new system, the state is close to standards such as market economy and democracy. The motto "From a Strong State to a Strong Civil Society", which has been put forward by our country's first president, will be followed. Throughout the old system, the government has gradually taken over many of the many tasks that it has taken in the wrong way.

The third principle is to achieve the rule of law in all areas of society's life. It is well-known that in our country, a great deal of work aimed at improving the legislation in the years of independence, including the transition to a bicameral parliament, is aimed at achieving the rule of law.

The fourth principle is to pursue a strong social policy, taking into account the complex demographic structure of the population. When evaluating the work done on social security, we have a general assessment of the socio-political stability of the people and the well-being of the citizens, including the protection of the socially vulnerable groups and groups of people without the sharp decline in living standards should be noted separately. The state has been steadily advocating this position from the beginning of independence.

The fifth principle is a gradual transition to a market economy based on sound economic and legal requirements. The artificial acceleration of the transition would undoubtedly lead to haste, anxiousness, and misunderstanding.

There are five principles that we can count on. The "Uzbek model of development" has justified itself during the global financial and economic crisis. Because in Uzbekistan, the state and the people are consistently implementing the reforms based on these principles. Thus, our Motherland has gained a special and unique reputation as it has set itself the path of independence and its progress.

Literature

1. Karimov.I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. Toshkent. "Ma'naviyat", 2008. -P. 64-66.
2. www.mfa.uz

I.A.KARIMOVNING "TARIXIY XOTIRASIZ - KELAJAK YO'Q" ASARINING TARIXIY MISOLLARDA YORITILISHI

Ne'matullayev B. - TTYMI talabasi

O'z tarixini bilgan, undan ruhiy quvvat oladigan xalqni yengib bo'lmas ekan, biz haqqoniy tariximizni tiklashimiz, xalqimizni, millatimizni ana shu tarix bilan qurollantirishimiz zarur. Tarix bilan qurollantirishimiz, yana bir bor qurollantirish zarur.[2]

I.A.Karimov

Barchamizga ma'lumki, O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti har bir asarlari xalqimizning boy mentaliteti va qadriyatlari, me'rosi hamda orzu-umidlarini ifodalaydi. Masalan, o'zbek xalqining tarixiy hayoti haqida ma'lumot beruvchi hamda chuqur mulohazakorligi bilan ajralib turuvchi asarlaridan biri "Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q" asaridir. Bu asar biz uchun fundamental manbalardan biri hisoblanadi.

Asar "Muloqot" jurnalining 1998-yil beshinchi sonida e'lon qilingan va Prezidentimiz asarlar to'plamining yettinchi jildiga kiritilgan. Asarning mazmuni Prezidentimizning "Millatning madaniy saviyasi uning o'z tarixiga bo'lgan munosabati bilan belgilanadi"- degan

[1] Karimov I.A. "Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch"
[2] Kaarimov I.A. "Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q" Toshkent: Sharq, 1998 24-b.

keng qamrovli fikrlarida o'zining yorqin ifodasinin topgan. Asarda respublikamiz olimlari zimmasiga Vatanimiz tarixiga yangicha yondashish, uning turli jarayonlari va voqealariga adolatli baho berish, qadimgi davrdan to bizning zamonamizga qadar bo'lgan boy o'tmishimizni aniq yondashuvlar asosida o'rganish, tadqiq etish va shu yo'l bilan tarixiy ongni shakllantirish zarurligi, "O'zbek xalqining shakllanishida qanday elatlarning ta'siri bor, qadim ajdodlarimiz hayotining asosini o'troq madaniyat tashkil etganmi yoki ko'chmanchilik?" kabi savollarga javob topish muhim vazifa qilib topshirilgan. Prezidentimizning ushbu risolasida o'z tariximizni chuqurroq o'rganish eng dolzarb masala sifatida e'tirof etilgan. Yuqoridagi masalalarga oydinlik kiritsh va savollarga javob topish maqsadida Tarix arxeologiya institutlari, shu sohaga oid bo'lgan ilmiy muassasalar tarkibini, ish faoliyatini o'zgartirish, mavjud kamchiliklarni bartaraf etish, shart – sharoitlar yaratish borasida ko'plab ishlar yo'lga qo'yildi. Shuningdek, Ommaviy Axborot Vositalari orqali tarix mavzusini yoritishga ham keng e'tibor berila boshlandi.

O'zbekistonning nafaqat o'tmishi, buguni, balki, uning urf-odati, an'analari, turmush – tarzi haqida ma'lumot beruvchi, har yili o'tkazib kelinadigan "Asrlar Sadosi" festivali joriy qilindi. Bu yo'l bilan oz bo'lsa-da xalqimizni buyuk, haqqoniy tariximiz bilan yaqindan tanishtirish imkoniyati paydo bo'ldi.

Darhaqiqat, "haqqoniy tarixni bilmasdan turib o'zlikni anglash mumkin emas". Chunki tarix muayyan bir millatning o'tmishi, madaniyati, ma'naviyati, qadriyatlarini, hayot tarzini o'zida aks ettiradi. Tarix – insoniyatni taajjubga soluvchi, uni xatolardan asrovchi, to'g'ri yo'l ko'rsatuvchi ibrat maktabi, g'urur va iftixor hissini o'zida mujassam etgan keng qamrovli tushuncha. Yozuvchi Abdurauf Fitrat esa tarixni quyidagicha ta'riflaydi: Tarix – millatning o'tmishi, kelajagi, bugunining tanazzul ham taraqqiyoti sabablarini o'rgana turg'on ilmdur. O'zbekiston Respublikasining birinchi prezidentining mazkur "Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q" asarida tashqi yovuz kuchlar qanchalik urinmasin xalqimizning yengilmas, metin irodasi oldida ojiz ekanliklari bir necha asrlar davomida yaratilgan tarixni aslo yo'q qilib bo'lmasligi haqida ham so'z yuritiladi. Yozuvchi O'tkir Hoshimov tili bilan aytganda esa: "O'qib ko'rdilar, yoqmadi. Qayta yozdilar, asl holiga qaytdi. O'chirib tashladilar, tag'in asliga qaytdi. Olovga otdilar, yonmadi… Bu kitob – Tarix edi."

O'zingizga ma'lum, sho'rolar zamonida tarixiy haqiqatni bilishga intilish rag'batlantirilmas edi, xukmron mafkura manfaatlariga xizmat qilmaydigan manbalar xalq ko'zidan iloji boricha yiroq saqlanardi. Salkam qariyb bir asr ya'ni, 70 yil davomida o'zgalar tomonidan noto'g'ri yozilgan tariximiz xalqimizga umuman boshqacha o'rgatilib kelingan bo'lsa – da, mustaqillik sharofati va yurtboshimizning say – harakati mahsuli o'laroq, biz o'zligimizni, o'z tariximizni asl holida anglashga muvaffaq bo'ldik. Mustaqillik e'lon qilinganidan keyin har sohada bo'lgani kabi tariximizni o'rganishga bo'lgan yondashishlarda ham tub o'zgarishlar yasaldi. Shunday davrda mustaqil davlatni rivojlantirish, tashkil topgan davlatning ildizi baquvvat bo'lishida o'zlikni anglash uchun kimdir bizga haqqoniy tariximizni anglaishi zarur edi. O'zida ana shunday maqsadni mujassam etgan mazkur asar nafaqat o'z tarixini bilishga, balki, shunday go'zal tabiatli janatmakon zaminda o'tgan qanchadan - qancha buyuk insonlar kabi yashashni, ularga mos va xos bo'lishga chorlaydi.

Yurtimizda tarixiy shaxslar, shaharlar, madaniy yodgorliklarning yubiley va bayramlarini o'tkazish yaxshi an'anaga aylanib qoldi. Bu borada yurtboshimiz mazkur asarda shunday deydi: "Biz biror ajdodimizning to'yini o'tkazsak, bunga uning millatimiz ravnaqi uchun qilgan ishlari, tariximizda tutgan o'rni sabab bo'ladi. Biz ularning o'z davrida kelajak avlodlar uchun qoldirgan salmoqli me'rosi, ijobiy ishlari, kerak bo'lsa, umumjahon sivilizatsiyasiga qo'shgan hissalarini qadrlaymiz".

Tarixga nazar solsak, O'zbekiston xalqining jahon tarixi, fan va madaniyat, adabiyot va san'at, tibbiyot va boshqa sohalar taraqqiyoti xazinasiga bizning bobkalonlarimizning qo'shgan hissasi nihoyatda salmoqli bo'lganligining guvohi bo'lamiz. Buyuk ajdodlarimiz Muhammad Muso al – Xorazmiy, Abu Nasr Farobiy, Abu ali Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Amir, Temur, Mirzo Ulug'bek, Alisher Navoiy, Bobur va boshqa yuzlab allomalarimiz bilan nafaqat o'zbeklar, butun turk dunyosi, qolaversa, butun dunyo ahli faxrlanmoqda. Jumladan, she'riyat mulkining

sultoni – Mir Alisher Navoiy o'z asarlarida 25300 ta so'z qo'llagan, bu esa dunyo bo'yicha yuqori ko'rstkich edi. Ul zotdan so'ng esa Shekspir (21000), Pushkin va boshqalar turadi. Shu o'rinda yana bir dalilni keltirib o'tishni joiz deb topdik. Navoiyning bir necha g'azallari ozarbayjon, turk, arab, hind kabi tillarga tarjima qilinib, uning nashri bo'yicha taqdimot marosimi bo'lib o'tgan. Taqdimotda qatnashgan mehmonlardan biri nihoyatda to'lqinlanib shunday deydi: "Navoiyning mana shu g'azallari bir necha tillarga tarjima qilinib, ko'plab mamlakatlarga tarqatilsa, o'zbek adabiyoti birgina shu g'azallar bilan ham jahonga mashhur bo'la olardi". Demak, bobomizning durdona asarlari nafaqat bizga, balki butun dunyoga ham ulkan ma'naviy ozuqa bera oladi.

Matematika, astronomiya, tibbiyot sohalarida ham dunyo tan olgan buyuk mutafakkirlarimiz bo'lib, ulardan biri algebra faniga asos solgan alloma Al-Xorazmiydir. Uning "Al-jabr al-muqobala" asari Sharq va G'arb olimlariga algebra fani bo'yicha dasturulamal bo'lib xizmat qilib kelmoqda. Xorazm Ma'mun Akademiyasining tashkilotchisi va rahbari bo'lgan Abu Rayhon Beruniyning hayoti va serqirra faoliyati har qanday insonni hayratga solishi muqarrar. Bu ulug' vatandoshimiz matematika va astronomiya, geodeziya va farmokologiya, kimyo va botanika, geografiya va etnografiya, tarix va falsafa kabi fan sohalarida 150 dan ziyod asar yaratib, nafaqat o'z davri, balki bugungi yuksak texnologiyalar asri uchun ham g'oyatda qimmatli kashfiyotlarni amalga oshirganini barchamiz yaxshi bilamiz.

Asar bilan tanishish jarayonida yana bir buyuk ajdodimiz – Abu Nasr ibn Iroq haqida ham ma'lumotga ega bo'ldik. Beruniyning ustozi, Xorazmning qadimiy poytaxti Kot shahrida tavallud topgan Abu Nasr ibn Iroq matematika va astronomiya sohasidagi tengsiz kashfiyotlari bilan "Ikkinchi Ptolomey" degan yuksak unvonga sazovor bo'lgan. Akademiya qomusiy olimlaridan biri, Sharq olamida "Shayxur - rais", ya'ni allomalarning allomasi deb e'tirof etilgan Abu ali Ibn Sino jahon fani taraqqiyotiga hissa qo'shgan. Xususan uning "Tib qonunlari" asari butun dunyoga mashhur bo'lsa, dunyo ahli uning o'zini "Avitsenna" deya tilga oladi. Ibn Sinoning davolash usullari hozirgi kunda ham keng qo'llaniladi.

Istiqlolimizning ilk kunlaridanoq yurtboshimiz eng avvalo, ulug' bobokalonlarimizning maqbaralari va ma'naviy me'rosini tiklashga asosiy e'tiborini qaratdi. Jumladan, BMTning maxsus agentligi UNESCO hamkorligida 1996 – yil Parijda Amir Temur sharafiga o'tkazilgan xalqaro konferensiya, 1997- yil qadimiy, hamisha navqiron Buxoroning va ochiq osmon ostidagi muzey deb nom olgan Xiva shaharlarining 2500 yilligi keng tantanali ravishda nishonlandi, 2000-yil 12-may kuni Qatag'on davri qurbonlari xotirasini abadiylashtirish maqsadida "Shahidlar xotirasi" yodgorlik majmuasi ochildi, 2003-yil Shahrisabz shahrining 2700 yilligi nishonlanishlari fikrimiz isbotidir. Biz ham kelajak avlodlarga ushbu ma'naviy va madaniy me'roslarimizni ko'z qorachig'idek asrab, avaylab qoldirmog'imiz shart, bu har bir avlodning ajdodlari oldidagi burchidir.

Biz bozor iqtisodiyotiga aoslangan, ochiq fuqarolik jamiyatini qurayotgan ekanmiz, bu jamiyat fuqarolarining ongi yuksak, mustaqil va teran, shu bilan birga zamon bilan hamnafas fikrlay oladigan, ma'naviyati yetuk, komil inson bo'lishlari lozim. Buning uchun ular albatta, limning sarchashma buloqlaridan suv ichgan hamda demokratik qadriyatlarni milliylikka asoslangan holda shakllantirishlari kerak bo'ladi. Zero, hadisi sharifda ham, dunyoviy ilmlarda ham ilmlilikka, ma'rifatlilikka alohida e'tibor qaratilgan. Tarixni anglash – o'zlikni anglash demakdir. Tarixiy saboqlar jamiyat taraqqiyotiga turtki bo'ladi, biz kimning avlodi ekanimizni anglash va shunga munosib hayot tarzini qurish asosiy maqsadimizga aylanishi lozim. Ma'naviyat, ma'rifat, qadriyatlar – u madaniyat – bularning barchasi tarixga bog'liq, tarixda mujassamdir. Zero, tarix – xalq ma'naviyatining asosidir.

Xulosa qilib aytganda, biz buyuk davlat qurishni o'z oldimizga maqsad qilib qo'ygan ekanmiz, buning uchun zamonaviy siyosiy, iqtisodiy, ilmiy – texnikaviy, ma'naviy imkonlarimiz bilan bir qatorda tarixiy asosimiz ham bor. 2700 yillik buyuk davlatchilik o'tmishimiz bor. Davlatimiz, millatimizning haqqoniy ilmiy tarixini yaratish keng jamoatchiligimiz uchun g'oyat muhim va dolzarb masalaga aylanishi lozim. Vatanimiz tarixini o'qitish va o'rganish hozirda rivojlanayotgan islohotchilik va yangilanish harakati davrida ijtimoiy zaruratga emas, balki,

hayotiy ehtiyojga aylangan. Tarixga bo'lgan ehtiyojning qondirilishi taraqqiyot va milliy uyg'onishning asosidir. Zotan, yurtboshimiz aytganlaridek: "Ma'naviyatini tiklashi, tug'ilib o'sgan yurtida o'zini boshqalardan kam sezmay, boshini baland ko'tarib yurishi uchun insonga, albatta, tarixiy xotira kerak".

Tariximiz buyuk, uning buyuk ekani barchaga ma'lum, bugungi kunni ham avlodlar uchun buyuk tarixga aylantirish bizning asosiy vazifamiz, toki avlodlar ham o'zlarining tarixlarini biz kabi faxr bilan tilga olsinlar. Zero, yurtboshimiz aytganlaridek: "Farzandlarimiz, kelajak avlodlar bizdan shu o'lani, shu muqaddas zaminni yana ham boy, kuchli va qudratli holatda qabul qilib olishlari uchun, biz buyuk ajdodlarimizga nisbatan qanday minnatdorchilik tuyg'ularini his etayotgan bo'lsak, o'g'il-qizlarimiz, kelajak avlodlar ham bizga nisbatan shunday minnatdorchilik tuyg'ularini his etishlari uchun lozim bo'lgan hamma ishni qilish – bizning fuqarolik burchimizdir".

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "ЮКСАК МАЪНАВИЯТ - ЕНГИЛМАС КУЧ" АСАРИДА МАЪНАВИЯТНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Парпиев Д.Қ. - ТТЙМИ талабаси
Муратова Д.А. – ТТЙМИ ассистенти

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов асарларидаги фалсафий фикр ва мушоҳадалар турли масала, мавзу, муаммолар муносабати билан айтилган алоҳида-алоҳида фикрлар, мустақил хулосалар бўлиши билан бирга улар ягона тизимнинг бўлаклари, қисмлари ҳамдир. Бу фикр ва мулоҳазаларни ягона фалсафий тизим сифатида бирлаштириб турган нарса *маънавият* масаласидир. Президент асарларида маънавиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни, ижтимоий тараққиётнинг турли жабҳаларида эгаллаган ўрнининг чуқур талқин қилиниши янги фалсафий тизим шаклланишини таъминлади.

"Юксак маънавият-енгилмас куч" асари эса мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан маънавиятга оид ёзилган энг мукаммал асардир. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари: Муқаддима, тўрт боб, ўн фасл ва Хотима қисмларидан иборат. Шу билан бирга асарда Ватанимиз ва мустақиллигимиз тарихига бағишланган 28 та рангли расмлар билан безатилган(1-бўлимда 16 та, 2- бўлим 12 та). Асарда 81 нафар кишининг номлари тилга олинган, 121 та тушунчалар ва 156 та иборалар қўлланилган. Асарда 2 та ҳадис, 11 та ҳикмат, 8 та мақол ва маталлар, 2 та тафсиф, 12 та асар, 7 та шарафли номлар, 9 та тамойил ва шиорлар ва 13 та таърифлар келтирилган. Асарни кириллча нусхаси 176 бетдан иборат.

Бугун биз тарихий бир даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, аввалambор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз.

Инсоният маданияти ва тарихий жараёнларни ўрганиш шуни кўрсатадики, инсоният учун доимий бўлган «эзгулик» ва «ёвузлик» ўртасидаги абадий кураш ҳамиша мавжуд бўлган. «Эзгулик» доимо инсониятни тараққиётга, инсонпарварликка, меҳр-мурувватга ундаган, «ёвузлик» эса тараққиётни орқага буришга, зулм, зўрлик, кулфатни келтириб чиқарган.

"Ёвуз ғоялар доимо диний, миллий, синфий шиорларни илгари суриб, зўрлик воситасида халқларнинг турмуш тарзини, қадриятларини ўзгартиришга, халқни ўз иродасига бўйсиндиришга ва уни мафкуравий асороатга солишга ҳаракат қилган. Бугунги кунда ғоявий кураш янги қиёфага кирмокда. Турли тўқнашувларга асосий сабаблар, одамларга эса беҳисоб қайғу-кулфатлар келтирмоқда".[1]

[1] А.Қирғизбоев, Ф.Синдарова, Н.Жўраева."Каримов И.А. «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарини ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида ўрганиш бўйича дастур ва услубий қўлланма" - Т.: 2010.45-бет

Шу сабабдан ҳам мустақил Ўзбекистонда ҳозирги даврда миллат, жамият, давлатнинг бирлаштирувчи байроғи бўлган миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш ва халқимиз онгига сингдириш юзасидан фаоллик билан иш олиб борилмокда. Доимо ҳушёр ва сергак бўлиш, Ўзбекистонимизни, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир.

“Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, Барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин”.[1]

Янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга масала эканлиги, 1990 йил 24 март куни президентлик бошқарувининг жорий этилишининг тарихий аҳамияти таъкидланади. Маънавий тикланиш ва ривожланишнинг илк режалари ва қадамлари сифатида қуйидагилар назарда тутилаган эди:

- миллий маданият халқ маънавий бойликларига эътибор бериш;
- маърифатвамаданиятнингмоддий- техник базасинимустаҳкамлаш;
- инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган мактаблар, кутубхонлар, театр ва бошқа маданият ўчоқларини кўпайтириш, уларнинг шароитини яхшилаш;
- она тилига давлат тили мақоми берилишининг миллатимиз учун катта аҳамиятга эгалиги;
- ёш авлод манавий тарбиясига катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш;
- ватанга муҳаббаттуйғуси ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши зарурлиги;
- муқаддас динимиз арконларини доимо улуғлаш шу билан бирга дунёвий ҳаётга ҳам қатъий ишонч билан интилишнинг эзгу мақсадларга етаклаши;
- тарихий хотира ва тафаккур уйғониши масаласи;
- маънавий соҳадаги тадрижий-эволюцион йўл ва ҳ.к.

Жасоратларни 7 таси Платон, Абу Наср ибн Ироқ, Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий, Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей ва Маҳатма Ганди бошқа: юнон, араб, форс, поляк, италян, ҳинд халқлари вакилларидир.

Китобда қайд этилган исм-шарифдан 11 тасига умумий баҳо, 6таси (Платон, Жалолиддин Мангуберди,Маҳатма Ганди, Яҳё Ғуломов, Зулфия ва Озод Шарафиддинов)га эса алоҳида баҳо берилган.

1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик - XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир.[2] Ушбу жамоавий жасорат бевосита ва билвосита Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқлиги оддий ҳақиқатдир!

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BIRINCHI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV FAOLIYATIDA BARKAMOL AVLOD TARBIYASI

Narzullayeva N.I. - O’zMU talabasi

Unib o`sib kelayotgan yosh avlodimiz ota-bobolarimizning munosib vorislari bo`lib voyaga yetishi, XXI asr talablariga har tomonlama javob beradigan insonlar bo`lib kamol topishi uchun biz bundan buyon ham kuch-g`ayratimizni ayamaymiz. Chunki, takror aytaman, ertangi kun – yoshlar qo`lida. Yoshlarni qo`llab quvvatlash, ularga yanada ko`proq ishonch bildirish lozim. Bu masalaga bir yoqlama qaramaslik lozim. Davlatimiz, jamiyatimizning bu boradagi vazifasi – kelajak avlodni hayotda har bir dam, har bir yosh yigit-qiz duch keladigan murakkab sinovlarga har tomonlama tayyorlashdan iborat.

Islom Karimov

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият-енгилмас куч». -Т.: 2008. 90-б.
[2] Каримов И.А. «Юксак маънавият-енгилмас куч». -Т.: 2008. 170-бет.

Har qanday mustaqil davlatning taraqqiyoti o`sib kelayotgan avlod – yoshlar bilan bog`liq. Shu sababli har bir davlatning kelajagi, uning istiqboli, birinchi navbatda, yoshlarni tarbiyalash, sog`lom qilib o`stirish ularning ongini mafkuraviy tahdidlarga qarshi imunitet hosil qilgan holda voyaga yetkazishga qanchalik ahamiyat berilganligi bilan baholanadi. Barchamizga sir emaski, davlatimizning har uchdan birini 14-30 yoshli yigit yoki qiz tashkil qiladi. Shu boisdan ham 1991 yil noyabrdanoq istiqlolning uchinchi oyida O`zbekiston Respublikasining "Yoshlar siyosatining asoslari to`g`risida"gi[1] Qonun qabul qilindi, undan keyin ikki oy o`tar-o`tmas, 1992 yil yanvarda "Jismoniy tarbiya va sport to`g`risida"[2], 1992 yil iyulda "Maorif va o`quv-o`qituv masalalari bo`yicha" [3] qonunlar e'lon qilindi. 1996 yil aprelida Respublikamiz birinchi Prezidenti Islom Karimov Farmoni bilan O`zbekiston yoshlarining har tomonlama kamol topishi, chuqur bilim olishi, kasb egallashi, o`zlarida yuksak ma'naviyat, vatanparvarlik, mehnatsevarlik fazilatlarini hosil qilishi ularning istiqlol ishining izchilik davomchilari bo`lib yetishishlarida ko`p qirrali yordam ko`rsatishi uchun "Kamolot" yoshlar jamg`armasi ta'sis etildi[4]. 1997 yil yanvarda mamlakatimizda ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-iqtisodiy islohotlarni amalga oshirishga jahon andozalari darajasida bilim olgan zakovatli, har tomonlama barkamol milliy kadrlar ulkan hissa qo`shishini buyuk va qudratli bo`lishi uchun qayg`uradigan, o`z iqtidori bilan ona-yurtini ulug`lashga qobil iste'dodli yigit-qizlardan xalq xo`jaligining ustuvor tarmoqlari uchun yuksak malakali mutaxassislarni tayyorlash maqsadida "Umid" iste'dodli yoshlarni rag`batlantirish jamg`armasi ta'sis etildi.[5] Vatanimiz mustaqil davlatlar orasida birinchi bo`lib, "Sag`lom avlod uchun" ordeni hamda dasturini e'lon qildi, serfarzand oilalarga turli yordam ko`mak yo`llarini yaratdi.

Islom Karimov mamlakat taraqqiyotining, xalqining tinchligini o`ziga bosh maqsad qilib olib, uni sobitqadamlik bilan amalga oshirgan buyuk siyosatchidir. U Respublika hukumatining o`sib kelayotgan avlodga e'tibori, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"ni amalga oshirish sohasidagi siyosati aynan yuqoridagi fikrimizning isboti desak adashmagan bo`lamiz. Islom Abdug`aniyevich Karimov bu haqida quyidagi fikrlarni bildirgan edi: "Biz oldimizga qanday vazifa qo`ymaylik. Qanday muommoni yechish zarurati tug`ilmasin, gap oxir-oqibat, baribir kadrlarga va yana kadrlarga borib taqalaveradi. Mubolag`asiz aytish mumkinki, bizning kelajagimiz, mamlakatimizning kelajagi o`rnimizga kim kelishiga yoki boshqacharoq aytganda, qanday kadrlar tayyorlashimizga bog`liq.

Kadrlar tayyorlash milliy dasturini ro`yobga chiqarish erkin, mustaqil fikrlovchi, ayni paytda mas'uliyatli shaxsning shakllanishini ta'minlaydi. Barkamol inson shakllanishi esa bevosita uzluksiz ta'lim rivojlantirish milliy dasturda belgilangan eng asosiy vazifalardan biri bo`lib bilim va yuksak intelektning nufuzi ulkanligidan dalolatdir. Uzluksiz ta'limning mustaqil turlari: to`qqiz yillik umumiy o`rta va uch yillik o`rta maxsus, kasb-hunar ta'limining joriy etilishi Milliy modelning o`ziga xos jihatlardir". O`zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Karimov tomonidan taklif etilgan uzluksiz ta'limning betakror milliy modeli O`zbekiston fuqarolarining yangi avlodi – XXI asr yoshlarini shakllantirish uchun shart-sharoitlar yaratdi.

Islom Karimovning faoliyatiga nazar tashlansa, asarlari, ma'ruzalari ko`zdan kechirilsa, haqiqatdan ham marhum Prezidentimizning yuragidan barkamol avlodni tarbiyalash, voyaga yetkazish muhim joy olganligini ko`rishimiz mumkin. Unib o`sib kelayotgan yoshlarga doimiy g`amxo`rlik, sog`lom va barkamol avlodni voyaga yetkazish O`zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Abdug`aniyevich Karimov rahbarligida mamlakatimizda amalga oshirilayotgan siyosatining eng muhim va ustuvor yo`nalishlaridan biri bo`lganligini ko`rishimiz mumkin. Yurtimizning har bir go`shasida yurmaylik Islom Abdug`aniyevich Karimovning nafasi ufurib turganday tuyuladi. Hayolimda Islom Karimovning aql-zakovati, mehnati, tafakkuri jo bo`lganday. Bu inson shaxsiyatiga qancha ta'rif bersak, shuncha ozday, nazarimda. Umuman olganda bobomiz Islom Karimov singari shaxslarga bir so`z va bir sifat bilan baholab bo`lmaydi. Mashhur yozuvchi, kishi ruhiyatining nozik bilimdoni Chingiz Aytmatov o`zining Islom Karimovga bag`ishlangan "Mashhur suratga chizgilar" essesida shunday yozadi: "U mamlakatning siyosiy quvvatiga kuch bag`ishlagan holda qanchalik ko`p ko`zga tashlanmasin, u haqda qanchalik ko`p gapirilmasin, O`zbekiston Prezidenti Islom Karimovdek kishi haqida

davrdan, boshqacha aytganda, hozirgi zamon manzarasini tashkil etib turgan dolzarb muammolar va bo`hronli holatlardan ayri holda fikr yuritib bo`lmaydi. Islom Karimov mana shu qaltis davrning yetakchisi. Uning tutgan o`rni ham, u orttirgan tajribaning qimmatliligini ham mana shunda. Sobiq sovet tuzumidan keyin paydo bo`lgan mana shu beqaror, notinch davrda u O`zbekiston jamiyatida barqarorlik va ishonchni paydo qila oldi, xalqi oldiga millatni yuksaklarga ko`taradigan ulkan maqsad vazifalar qo`ya oldi". Biz, yoshlar yurtimini istiqlolga boshlagan yo`lboshchimiz - birinchi Prezidentimiz Islom Karimovni hech qachon unutmaymiz, doimo o`gitlarini, muborak xotirasini yodda saqlaymiz. Ularning yoshlarimizga qarata aytgan har bir so`zini shior qilib olamiz. "Men xalqimizga, avvalambor yoshlarimizga murojaat qilmoqchiman. Nega deganda, kelajak – yoshlarniki. Biz ertangi kunni kim uchun quryapmiz – yoshlarimiz uchun quryapmiz. Lekin ertangi kunimizning milliy tabiatimizga, hayotning yurishi, hayotning borishi bizning maqsad-muddaolarimizga mos bo`lishi uchun, o`z oldimizga qo`ygan marralarga erishishimiz uchun birinchi navbatda mas'ulyatni kim zimmasiga olishi kerak?. Albatta, yoshlar olishi kerak!" "Ishonchim komilki, yoshlarimiz ham, ularning ota-onalari ham kelajakda hali ko`p ishlarni amalga oshirish lozimligini, har tomonlama yetuk avlod bo`lib voyaga yetish uchun bugun hayotda kerak bo`ladigan ko`plab bilim va tajribalarni o`rganish zarurligini, bu yo`lda tinimsiz o`qish, o`rganish va izlanish darkorligini yaxshi anglaydilar. [6]

Yuqoridagi aytilgan jumlalardan ham bilishimiz mumkinki, millatimiz otasi Islom Karimov biz yoshlarga ishonch bildirgan. Shu sababli biz yoshlar ishonchni oqlashimiz, ajdodlarimizga munosib avlod bo`lishimiz lozim. Menimcha, barcha yoshlarning qalbida "Bobojon hudo xohlasa, albatta, ha albatta ishonchingizni oqlaymiz" degan nido-hayqiriqlari bo`lsa ajab emas. Aziz, yoshlar biz hech kimdan kam emasmiz va kam bo`lmaymiz ham. Biz kuchlimiz sababi biz bilan o`tgan ota-bobolarimiz ruhi madadkordir.

Adabiyotlar

1. "Xalq so`zi" gazetasi 1991 yil 19 noyabr
2."Xalq so`zi" gazetasi 1992 yil yanvar
3."Xalq so`zi" gazetasi 1992 yil 12 iyul
4."Xalq so`zi" gazetasi 1996 yil 18 aprel
5. "Xalq so`zi" gazetasi 1997 yil 8 yanvar
6. Karimov I. Tarixiy xotira va inson omili – buyuk kelajagimizning garovidir. "O`zbekiston", 2012.

ISLAM KARIMOV AS A FOUNDER OF NEW UZBEKISTAN

Sharopov S. - Student of TIRE

Islam Abduganiyevich Karimov was born on 30 January 1938 in Samarkand into a family of civil servants. He graduated from the Central Asian Polytechnic Institute and the Tashkent Institute of National Economy, receiving degrees as an engineer-mechanic and economist.

He began work in 1960 at the Tashselmash (Tashkent agriculture machinery) plant. From 1961-1966 he worked as an engineer, a leading engineer-constructor at the Tashkent aviation production complex. In 1966, he started work at the State planning office of the Uzbek SSSR where he was promoted from the position of a specialist to the position of a specialist to the position of a first deputy chairman of the State planning office.

In 1983, Islam Karimov was appointed Minister of finance of the Uzbek SSSR, in 1986- deputy chairman of the Council of Minister of the Uzbek SSSR and chairman of the State planning office.

In 1986-1989, he worked as first secretary of the Kashkadarya provincial party committee. Thanks to his great talent as a leader and organizer, his dedication and determination, ability and desire to be around people and to live with their concerns and interests, the situation in Kashkadarya region, which was under a very difficult socio-economist situation, has changed dramatically in short period.

In June 1989, Islam Karimov was elected as first secretary of the Central committee of the Communist Party of Uzbekistan. It was a time when the country was on the brink of a civil war,

bloodshed, ethnic and religious conflicts, in line with the scenarious that were implemented in the neighboring countries.

In this difficult period he with his foresight, will and determination saved our people and country from this gloomy fate. It was then that our people acquired in the name of Islam Karimov is a true leader with personal courage, indomitable will and vision of the essence of the ongoing extremely complex events a special sense of responsibility for his country and people for the fate of every compatriot.

On 24 March 1990, Islom Karimov was elected the President of the Uzbek SSSR at the session of the Supreme Council of the Uzbek SSSR. On 29 December 1991 he was elected the first President of the Republic of Uzbekistan in multi-candidate election. Heading the independence Uzbekistan for 25 years, Islam Karimov has attended a high authority in the country and in international community as an outstanding statesman, who has developed a implemented a deeply thought – out strategy of building a democratic constitutional state with a civil society and a market economy.

In 1991 Uzbekistan was a backward agrarian country with a hypertrophied one-sided economy, a cotton monopoly, destructively influencing it, extremely low level of people's standart of living. The country did not produce many kinds of essinteal goods, did not provide its own needs, primarily on grain and energy resources. Islam Karimov was firmly convinced that the political independence may not be achieved without achieving economic independence. Accordingly, he developed a program of fundamental reforms and structural transformation of the economy of Uzbekistan, based on the well-known five principles, which has received worldwide reconition as the "Uzbek model" of development.

The fundamental basis of this model was the practical implementation of the strategic priority "The reforms are not for the sake reforms, but for the sake of people". Under his initiative, mass-scale structural reforms have been carried out in Uzbekistan, completely new highly technological spheres of industry such as oil and gas, chemical, car manufacturing, agricultural and railway machinery, electrotechnical, textile and construction materials industries, have been founded. Unique industrial plants in a world scale such as Ustyurt and Shurtangaschemical complexes, Bukhara oil, refinery plant, Kungrad soda plant, Dehkanabad potash fertilizers plant, car manufacturing plants in Andijan, Samarkand, Tashkent and Khorezmrgions have been built.

A modern road – transport and engineering communications infrastructure has been created in the country in particular railway lines Angren-Pap with unique tunnel through Kamchik mountain pass and Toshguzar-Boysun-Kumkurgan have been constructed, high-speed railway connection from Tashkent to Samarkand, Bukhara and Karshi has been opened, international airports have been renovated, an international logistics center at the Navoi airport and the Uzbek national highway have been established.

BIRINCHI PREZIDENTIMIZ I.A.KARIMOV XOTIRASINI YURAGIMIZDA SAQLAYMIZ

Nuritdinova H.A. - SamDU magistri
Nuritdinov A.A. - SamDCTI talabasi

"Bu hayot, bu umr Amudaryo suvidek tez va shiddat bilan o'tib ketadi, lekin insonning ezgu ishlari, ezgu xotirasi boqiy yashaydi"
I.A.Karimov

"Savob ishni har kim qilishi kerak, savob ishni har kun qilish kerak" degan da'vatga bir umr amal qilib yashagan bu ulug' insonning xotirasi, ayni paytda Hazrati Xizr majmuasida barpo etilayotgan tabarruk ziyoratgohlari barchamizni ezgu va xayrli ishlarga chorlab turadi. Milliy mustaqilligimizning asoschisi muhtaram Islom Abdug'aniyevichning so'nmas xotirasiga qo'yilgan eng buyuk haykal — bu mustaqil va suveren, erkin va ozod O'zbekiston davlatidir,

desak, ayni haqiqatni aytgan bo‘lamiz.

Islom Karimov dunyo miqyosida “Rimning tengdoshi” deb tan olingan Samarqanddek buyuk shaharning sha’nu shavkatiga, o‘ziga tuz-nasiba bergan bu zamin ahliga, uning ishonchiga doimo munosib bo‘lib yashadi. Biz el-yurtga sadoqat, chinakam vatanparvarlikning oliy namunasini hurmatli Yo‘lboshchimizning o‘z ona shahriga cheksiz muhabbatida, buning amaliy namoyoni bo‘lgan katta-katta ishlarida ko‘ramiz. Jonajon Vatanimiz – O‘zbekistonimizni, mustaqilligimizni, tinch va obod hayotimizni sevish va qadrlashni, o‘z yurtimizga mehr-muhabbatni biz ulug‘ Yurtboshimizdan o‘rganganmiz. Birinchi Prezidentimiz mustaqillik yillarida Samarqand shahrini tubdan obod qilish, uning tarixiy va zamonaviy qiyofasini uyg‘unlashtirishga qaratilgan ulkan ishlarga bevosita rahbarlik qildi.[1]

Imom Buxoriy, Imom Moturidiy yodgorlik majmualarini barpo etish, Shohi Zinda ziyoratgohi, Registon maydoni, Amir Temur maqbarasi, Hazrati Xizr masjidini ta’mirlash, obod qilish, yangi uy-joylar, maydon va xiyobonlar, ijtimoiy va madaniy ob’yektlar qurish ishlarida birinchi Prezidentimizning beqiyos hissasi borligini biz avlodlar hech qachon unutmaymiz.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov yurtimizni nafaqat mustaqillikka olib chiqdi, balki uni mustahkamlash yo‘lida butun borlig‘ini baxshida qildi. Yurtboshimiz rahnamoligida barcha ma’naviy va madaniy qadriyatlar qayta tiklandi. Dinu diyonatimiz o‘zimizga qaytdi. Bunday savobli ishlari bilan Islom Karimov hayotligidayoq o‘ziga boqiy haykal o‘rnatgandi.

I.A.Karimov jahon siyosat olamida hamisha ilg’or fikrlarni ilgari suradigan, tashabbuskor, o’z nuqtai nazarini qat’iy himoya qilib, oldiga qo’yilgan maqsadga erisha oladigan shaxs sifatida tanilgan. Bobomiz sobitqadamlik bilan tinchlik va hamjihatlik siyosatini yuritib keldi. Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov yuksak xalqaro uchrashuvlarda birinchilardan bo’lib XXI asr vabosi hisoblanmish terrorchilikka va u bilan chambarchas bog’liq narkobiznesga qarshi faqat hamjihatliqda kurashish zarurligini, mazkur dahshatli tahdid manbalarini bartaraf etish va Markaziy Osiyo mintaqasida "xavfsizlik kamari"ni shakllantirishga qaratilgan chora-tadbirlar tizimini yaratish kerakligini ta’kidlab keldi.

Xalqimiz mustaqillik yillarida erishilgan barcha yutuqlarni haqli ravishda Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov nomi va faoliyati bilan bog’laydi. U sobiq sovet tuzumidan keyin paydo bo’lgan beqaror, notinch davrda O’zbekiston jamiyatida barqarorlik va ishonchni paydo qila oldi, xalqi oldiga millatni yuksaklarga ko’taradigan ulkan maqsad va vazifalar qo’ydi. I.A.Karimov Vatanimizda amalga oshirilgan ulkan ishlar, tarixiy o’zgarishlarning tashabbuskori va rahnamosi, mamlakatning istiqol dasturini ishlab chiqqan va milliy taraqqiyot yo’lini belgilab bergan atoqli davlat arbobidir. Prezident Sh.Mirziyoyev «Islom Abdug‘aniyevich butun hayoti va faoliyatining mazmuni bo‘lgan „Bizdan ozod va obod Vatan qolsin!“ degan ezgu g‘oyani ilgari surdilar va bu da’vat barcha vatandoshlarimi qalbidan chuqur joy oldi. U kishi „Elim deb, yurtim deb, yonib yashash kerak“ degan o‘zining g‘oyasiga doim amal qilib, kelajak avlodlar uchun buyuk ibrat maktabini yaratdilar. Birinchi Prezident millatning haqiqiy yetakchisi sifatida go‘zal Vatanini jonidan ham ortiq sevar edi, xalqining manfaatlarini himoya qilish va ro‘yobga chiqarishni o‘z hayotining bosh maqsadi, deb bilar edilar. Xalqimiz ham Islom Abdug‘aniyevichni cheksiz mehr bilan sevar va o‘zining ulug‘ rahbari sifatida u kishi bilan haqli ravishda faxrlanar edi»[2] deb ta’kidladilar.

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 25-yanvardagi qaroriga asosan, 2016-yil oktabr oyida Islom Karimov nomidagi Respublika xayriya jamoat fondi tuzildi, Toshkent shahri, Yashnobod tumanining Farg‘ona yo‘li ko‘chasida joylashgan jome masjidga “Islom ota jome’ masjidi” deb nom berildi. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Abdug‘aniyevich Karimov siymosi tasvirlangan haykalni yaratish bo‘yicha xalqaro ijodiy tanlovni tashkil etish to‘g‘risida”gi qaror qabul qilindi.

[1] “Birinchi Prezidentga qo‘yilgan eng buyuk haykal — bu mustaqil va suveren, erkin va ozod O‘zbekistondir”. Shavkat Mirziyoyevning Samarqanddagi Islom Karimov haykali ochilishidagi nutqi.

[2] Prezident Shavkat Mirziyoyev 31 avgust kuni Toshkentdagi Oqsaroy qarorgohida o‘rnatilgan O‘zbekistonning Birinchi Prezidenti Islom Karimov haykalining tantanali ochilish marosimidagi nutqi.

Va hozirda Toshkent shahridagi Oqsaroy qarorgohida qad ko‘tardi. Vazirlar Mahkamasi tomonidan O‘zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning xotirasini abadiylashtirish chora-tadbirlari rejasini o‘rnatilgan tartibda ishlab chiqildi. Shu munosabat bilan Samarqand shahrida Islom Karimov dafn etilgan hududda yodgorlik majmuasi barpo etildi, Samarqand shahrida va u kishi birinchi rahbar bo‘lib ishlagan Qashqadaryo viloyatining Qarshi shahrida ҳам o‘rnatildi, Islom Karimov nomidagi ilmiy-ma’rifiy yodgorlik majmuasini tashkil etildi va Islom Karimov nomidagi Respublika xayriya jamoat fondini ham ushbu manzil bo‘yicha joylashtirildi, Samarqand shahrida Islom Karimov muzeyini tashkil etish va ko‘plab muassasa va obyektlarga ularning nomlarini berish singari amaliy ishlar olib borildi. Xulosa qilib aytganda, Birinchi Prezidentimiz oramizda yo‘q bo‘lsalarda, ammo biz yoshlarga hali ham madad berib turgandeklar.

ISLOM KARIMOV – O’ZBEK DAVLATCHILIGINING ASOSCHISI

Yunusov H.M. - QDPI talabasi

Zamonaviy O’zbekistonnning tarixi – bu mamlakatimizning haqiqiy mustaqillikka erishish yo’lida Islom Abdug’aniyevich Karimov rahnamologida olib borilgan o’ta murakkab va og’ir kurashlar tarixidir.

O’zbekiston Prezidenti Sh. Mirziyoyev[1]

Ma’lumki, bugun yurtimizda qadamba-qadam qaror topib borayotgan farovon hayot, millatlararo tinchlik-totuvlik, diniy bag’rikenglik, dasturxonlarimizning nozu ne’matlarga mo’lligi, uylarimizning kundan kunga ko’rkam-muhtasham bo’lib borayotgani, to’ylarimiznig jozibadorligi, xonadonlarimizning obodligi, yo’llarimiz, ko’chalarimizning tobora tekis, ravon bo’lib borayotgani, shahar va qishloqlarimizda savdo va maishiy xizmat ko’rsatish shahobchalari, bir-biridan muhtasham binolar qad rostlayotgani, dunyo ahlini lol qoldirmoqda.

Bunday hayratlarga soluvchi yuksalishlarning qudratli omili O’zbekistonning o’z Mustaqilligini qo’lga kiritgani, ana shu muazzam Mustaqillik tufayli, tarixan qisqa vaqt ichida iqtisodiyoti bir yoqlama bo’lib qolgan, asosan paxta xom ashyosi yetkazib berishga yo’naltirilgan, paxta yakkahokimligi halokatli tus olgan qoloq respublikadan har taraflama tez sur’atlar bilan rivojlanib borayotgan, ijtimoiy sohada demokratik jarayonlarni bosqichma-bosqich izchillik bilan og’ishmay amalga oshirayotgan davlat tuzilishida esa tarixiy davlatchiligimiz an’analarini o’ziga xos ijodiy omillar asosida takomillashtirayotgan holda, dunyoda “O’zbek modeli” deb tan olingan butunlay yangicha yondashuvlar amaliyoti qaror topgan mamlakatga aylanganligidir.

Erishilgan bu taraqqiyot jarayonlarini yanada tezkor sur’atlar bilan, misli ko’rilmgan yuksaklarga ko’tarish maqsadida Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev rahbarligida boshlangan yangilash jarayonlari xalqimiz qalbida ijodkorlik, tashabbuskorlik, fidoiylik, tuyg’ularini har soniya yuksaltirmoqda. Bu olamshumul yutuqlarda Mustaqil O’zbekiston davlatchiligimizning bosh me’mori, O’zbekistonimizning Birinchi Prezidenti Islom Abdug’aniyevich Karimovning xizmatlari buyukligini Prezident Sh.Mirziyoyev har bir chiqishlarida, ma’ruzalarida mamnuniyat bilan ta’kidlashni o’zlari uchun faxru iftixor deb biladilar.

Shuning uchun ham, davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev 2016 yilning 8 sentyabr kuni Oliy majlis qonunchilik palatasi va senatining qo’shma majlisidagi nutqida: “El-yurtimizning yuksak ishonchini oqlash, Vatanimiz mustaqilligini yanada mustahkamlash, mamlakatimizning barqaror taraqqiyotini ta’minlash yo’lidagi amaliy ishlar bilan aziz Yurtboshimiz Islom Abdug’aniyevich Karimovning ruhi poklarini shod etish uchun bor bilim va tajribamni, salohiyat va kuch-g’ayratimni safarbar etaman”, degan edi mustaqilligimizning buyuk me’mori birinchi Prezidentimiz boshlab bergan yuksak g’oyalarga kamoli ehtirom bilan.[2]

[1] Milliy taraqqiyot yo’limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko’taramiz. “O’zbekiston” NMIU. Toshkent 2017 yil.

[2] Xalq so’zi gazetasi. 08.09.2016 y. 2-bet.

Mustaqil O’zbek davlatchiligini barpo etishda “Jamiyatini yangilash uchun kurashayotgan barcha sog’lom kuchlarni birlashtirish zarur (1989 yil 19 avgust), “Til elni birlashtirishi lozim” (1989 yil 25 oktabr), “Odamlar bizdan amaliy ishlar, aniq natijalarni kutmoqda” (1990 yil 24 fevral) kabi o’ta dolzarb masalalar yechimini ochib bergan ma’ruzalar muhim dasturul amal bo’ldi. Mamlakatimizda huquqiy demokratik davlat, fuqarolik jamiyatini barpo etish yo’lida asosiy ustuvor yo’nalishlarga aylangan masalalar – tinchlik va barqarorlikni saqlash, millatlararo hamjihatlikni asrash, aholini ijtimoiy muhofaza qilish, iqtisodiyotni tubdan isloh qilish, milliy armiyani shakllantirish sud-huquq tizimini yangi asosda barpo etish, inson manfaati, huquq va erkinliklarini ta’minlash, ijtimoiy-siyosiy hayotni erkinlashtirish, jahon hamjamiyatidan munosib o’rin egallash kabi o’ta muhim vazifalar Islom Karimovning chiqishlarida o’z ifodasini topdi va bugungi kunda “taraqqiyotning o’zbek modeli” nomini olgan rivojlanish yo’limizning har tomonlama aniq va puxta o’ylangan asosiy tamoyillari belgilab olindi.

Milliy qadriyatlarimizning asosiy ustuni bo’lgan ona tilimizga yuksak e’tibor tufayli 1989 yilning 21- oktabr kuni qizg’in bahs va munozaralardan so’ng, Islom Karimovning jonkuyarligi bilan o’zbek tiliga davlat tili maqomi berilgani istiqlolimiz tarixining eng yorqin sahifasini tashkil etdi. 1990 yil 24 mart kuni respublika Prezidenti lavozimi joriy etilgani va bu lavozimga Islom Karimov saylangani O’zbekistonning davlat suvereniteti va mustaqilligiga erishish yo’lida qo’yilgan yana bir ulkan tarixiy qadam bo’ldi. 1990 yil 20 iyunda “Mustaqillik deklarasiyasi” qabul qilindi, unda mustaqil O’zbekiston davlatining asosiy yo’nalishlari qat’iy belgilab qo’yilgani O’zbekiston davlatchiligini barpo etishni qonuniy jihatdan to’la asoslab berdi va mustaqillik uchun kurashning o’ta og’ir tahlikali vaziyatlarida harakat uchun asosiy huquqiy dastur bo’lib xizmat qildi.

“Mustaqillik Deklarasiyasi” prinsiplari Islom Karimov rahnamoligida jasorat, matonat va qat’iyat bilan amalga oshira borildi. 1991 yil 31- avgust kuni O’n ikkinchi chaqiriq O’zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining navbatdan tashqari Oltinchi sessiyasida Islom Karimov O’zbekistonning Davlat Mustaqilligini faxru-iftixor bilan e’lon qildi va “Mustaqil O’zbekistonning davlat siyosati insoniylik va ezgulik qonunlariga asoslanadi” degan dasturiy g’oyasini butun dunyoga bayon qildi. Mana shu insoniylik va ezgulik g’oyalari asosida O’zbekiston Davlati qadamba-qadam yuksalib bormoqda va insonparvarlik tamoyillari Davlatimiz qonunlari zamiridan tobora chuqur joy olmoqda.

Ularning ishlarini bugungi kunda Prezident Sh.Mitziyoyev davom ettirib, 2017-yilning “Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili” deb e’lon qilingani, yoshlarga yangicha e’tibor, yangicha g’amxo’rlik namunasi sifatida “O’zbekiston Yoshlar Ittifoqi”ning tashkil etilgani, 2017-2021 yillarga mo’ljallangan Harakatlar Strategiyasining qabul qilingani, Prezident huzurida, mamlakatimizning hamma viloyatlari, tumanlarida Xalq qabulxonalarining tashkil etilgani, “Xalq davlat idoralariga emas, davlat idoralari xalqimizga xizmat qilishi kerak,” “Inson manfaatlari hamma narsadan ustun” degan tamoyillarni jamiyatimizda qaror topishi, xalq xohish-istaklarini ro’yobga chiqarish maqsadida Prezident farmon, qaror va farmoyishlarning qabul qilinishi yangilanayotgan O’zbekistonimizda insonparvarlik, hayotparvarlik harakatlarining benazir timsoli sifatida rivojlanayotgan mamlakatlarning xalqlariga namuna bo’lmoqda.

ИСЛАМ КАРИМОВ - ПЕРВЫЙ ПРЕЗИДЕНТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аманова Ю.Р.- студент ТашИИТ
Темирова С.В. - преподаватель ТашИИТ

В жизни каждого человека наступает момент, когда ему нужно вспомнить прошедшие события, факты и явления всей жизни. Это позволяет ему оценить все, проделанное за прошедшие годы, и сравнить с тем, что было запланировано. В этой статье нам хотелось бы еще раз пролистать страницы из жизни нашего первого Президента – Ислама Абдуганиевича Каримова.

Президент – это человек, олицетворяющий собой страну, многомиллионный народ. От его действий и поступков зависит общественное мнение о нации и государстве в

целом. Президент несет серьезную ответственность за судьбы миллионов людей, за мир и спокойствие в каждом доме и в обществе. У каждого из нас есть некий интерес к жизни нашего Президента, ведь в целях безопасности глава нашего государства, как правило, находится под некой тенью завесы, что порождает различные домыслы. Одни называют его жестоким прагматиком, другие – взвешенным реформатором, третьи – неуступчивым, четвертые – целеустремленным. Сколько людей – столько и мнений. Но каждое мнение имеет какие - то неточности, ведь оно не может в полной мере отразить сущность человека.

Так кто же он такой первый Президент Республики Узбекистан? Чтобы дать точный ответ на этот вопрос, потребуется время. Ибо только с вершины истории, по истечении времени, закономерной смены поколений можно дать истинную оценку его личности. Но то, что она неординарная, яркая, сильная – в этом сомневаться не приходится!

Ислам Каримов был первым лидером этой экстремальной эпохи. И в этом была его значимость, и в том ценность его опыта. В сложный период для страны он сумел породить в узбекистанском обществе стабильность и уверенность, поставить перед народом большие цели и задачи, возвышающие нацию в собственных глазах.

Экономист, теоретик и практик, Ислам Каримов видел и осознавал всю порочность командно – административной системы хозяйствования. С болью в душе он вспоминал, как ему приходилось унижаться перед малограмотными чиновниками, доказывая свою правоту. А ведь бился он не за себя, а за Узбекистан! Ценя и осознавая его профессионализм, умение анализировать, найти, зачастую, единственно правильный выход из сложной ситуации, некоторые высшие чиновники говорили ему неоднократно: «Склони голову, Ислам. Не спорь. Ты прав. Но система сильнее тебя. Она тебя сломает…» Головы он не склонял. Как и не менял мнения, своей личной точки зрения по вопросам развития экономики республики, проводимой социальной политики, в конечном счете – жизни ее людей. Система, как и жизнь, била его жестоко. Но он не только выстоял, - он обогатился жизненным опытом, мужеством, чувством сострадания. Это в полной мере проявилось в Фергане и Оше, Буке и Намангане, других, как говорится, «горячих точках».

Можно однозначно заявить: он и только он – Ислам Каримов – остановил межнациональное противостояние, потушил пожар гражданской войны, сохранил жизнь сотням тысяч людей, обеспечил мир и спокойствие в республике и ее соседей, где проживает многомиллионное и многонациональное население. Именно он, несмотря на риск собственной безопасности. Его воля и мужество сыграли в этой экстремальной ситуации решающую роль. Не поддавшись давлению местных ультранационалистов, требовавших защитить «своих» и расправиться с «чужими», Каримов выступил как истинный миротворец. Его аргументы взяли верх над необузданными эмоциями, экстремизмом и фанатизмом. Он потушил страсти, успокоил толпу, заставил людей обратиться к здравому смыслу. Его аргументы не допускали возражений. У него тогда было только одно оружие – уважение и преданность своему народу, умение видеть и, если хотите, чувствовать страшные, непредсказуемые последствия непродуманных решений и железная, неоспоримая логика убеждений.

Жизнь человека, его биография складывается подобно дому из кирпичиков. Так и судьба Каримова. Его воспитали сильным, правдивым, не воспринимающим лжи. Одних удары судьбы усмиряют, ломают, сгибают, то его они закаливали. Он не стал копировать чей-то опыт развития государства, а выработал качественно новый, не похожий на других. Последовательность, постепенность и взвешенная расчетливость проявлялись во всех начинаниях Каримова.

После всенародного его избрания первым Президентом Узбекистана, а об этом он узнал в самолете после непростой встречи глав государства СНГ в конце декабря 1991 года, Каримов не скрывал своей радости. Он получил признание своего народа, который поверил в него, пошел за ним. Тогда Ислам Каримов сказал то, что и поныне является стратегическим курсом руководства республики, его политическим кредо: «Узбекистан –

государство с великим будущим. Это суверенное, демократическое, правовое государство. Это государство, основанное на принципах гуманизма, обеспечивающее права и свободы граждан, независимо от национальности, вероисповедания, социального происхождения и политических убеждений».

Тактика неотделима от стратегии. Заложив со своей командой, а она формировалась долго, непросто, правовую базу государства Каримов уверенно держит в руках управление огромным государством. Благодаря его труду республика практически достигла нефтяной и зерновой независимости, резко возросла добыча высокопробного золота и газа, вступили в строй новые отрасли производства, например, автомобилестроение. Все проводимые реформы, вдохновителем которых, несомненно, является Каримов, направлены на спокойствие, социально – экономическую стабильность, процветание Узбекистана.

Он написал добрый десяток книг по ключевым вопросам политического и социально – экономического переустройства Узбекистана, его логичного и достаточно безболезненного вхождения в мировое сообщество. Насколько важны эти книги? Перечислим лишь небольшую часть стран, где они изданы: Австрия, Великобритания, Германия, США, Турция, Индонезия, Китай, Малайзия, Россия, Япония, ряд арабских государств. Причем, они изданы не презентационными (небольшими) тиражами, а достаточно солидными по западным меркам. Значит, их читают, изучают, перенимают опыт!

Во всем цивилизованном мире он пользовался авторитетом политика, умеющего отстоять свою точку зрения, добиться поставленной цели. Примеров тому масса. Каримов, наверное, единственный из лидеров стран, который не поддавался амбициям и стремлениям занять «почетное место в президиуме». Он однозначно относился к существующему Содружеству Независимых Государств, прекрасно понимая недоработанность этой структуры. Его позиция такова: «На данном этапе развития СНГ нельзя заменять какими-либо структурами, тем более надгосударственными. Развивая двусторонние отношения, необходимо шире интегрироваться на пространстве бывшего СССР в области экономики». Именно Ислам Каримов стал инициатором создания экономического союза братских соседних центрально азиатских государств. Позиция Каримова по скорейшему прекращению братоубийственной войны в Афганистане и восстановлению стабильности в Таджикистане нашла горячую поддержку в десятках стран, была одобрена Генеральной Ассамблеей ООН. Именно он первым поднял проблему о немедленном введении запрета на поставки всех видов вооружений в Афганистан, применения жестких международных санкций за транспортировку наркотиков через соседние страны.

Все это время мы говорили о достоинствах Каримова, но есть ли у него недостатки. Никто не идеален. Ислам Абдуганиевич ценил упорный труд и добивался высочайших целей, поэтому был соответственно требователен как к себе, так и ко всем своим подчиненным. Единственное развлечение, которому он посвящал свое время, это теннисный корт, где он бывал дважды в неделю. Выбор этого вида спорта также был не случаен. Высокая динамика, целеустремленность, борьба – все это сочетает в себе теннис.

Он считал, что для его полноценного отдыха еще не наступило время. Хоть и прекрасно сознавал другое. Такова позиция Ислама Каримова: «Куда мы, куда я, собственно, приду как Президент, как руководитель? Сколько можно брать на себя всю ответственность? На Западе многие руководители живут нормальной жизнью. У них есть четкий рабочий день. Они могут позволить себе уикенды, отпуска, дать себе передышку. То есть там складывается уже такая структура, такая система, которая работает независимо от воли того или иного руководителя. И я мечтаю о том, чтобы этот день наступил и у нас».

Работа по 12-15 часов в день. Выдержать такой ритм под силу далеко не каждому. Тем более, что ты несешь ответственность за судьбу каждого из почти 24 миллионов

граждан Узбекистана. И все же, Каримов был счастливым человеком. Несмотря на колоссальный груз ответственности, у него было место, где он мог расслабиться, побыть в любимой им атмосфере. Это – его семья и дом. Все семейные заботы взяла на себя супруга, Татьяна Акбаровна – научный сотрудник Института Экономики Академии наук республики. Атмосфера, царящая в семье Каримова, не только позволяла ему расслабиться, полноценно отдохнуть, набраться сил. Именно здесь он обдумывал свои новые идеи, выслушивал порой критику в свой адрес. А по-другому и быть не могло, считал он.

Вот таким человеком был наш первый Президент – Ислам Абдуганиевич Каримов. Мы будем вечно помнить его имя и его огромный вклад в развитие и процветание нашей республики.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ И.КАРИМОВ ФАОЛИЯТИДА АФҒОНИСТОН МАСАЛАСИ

Аширов С.П. - ЎзМУ талабаси

Доно халқимизнинг “Қўшнинг тинч – сен тинч”, “Узоқдаги жигардан яқиндаги қўшни афзал” каби пурмаъно мақоллари бор. Дарҳақиқат, инсон бир ўзи жамиятдан узилган ҳолда ёлғиз яшай олмаганидек, дунёдаги ҳеч бир давлат бошқа давлатлар, хусусан, қўшни мамлакатлар билан ўзаро алоқаларсиз фаолият юрита олмайди. Давлат ва жамият ривожида, унинг тараққиётида нафақат ички, балки ташқи хавфсизлик, тинчлик ниҳоятда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонга жанубий қўшни давлат – Афғонистонда, афсуски, қарийб 40 йилдан буён нотинчлик, урушлар, зиддиятлар давом этмоқда. Тарихий-географик ва стратегик жиҳатдан муҳим минтақада жойлашган Афғонистонда буюк давлатларнинг манфаатлари тўқнашиши нафақат ушбу мамлакатнинг ички сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўнглаб бўлмас даражада издан чиқарди, балки қўшни мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистоннинг барқарор сиёсатига, тинчлигига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Хусусан, Афғонистонда ўрнашиб олиб, айрим кучлар томонидан мадад олиб турган диний экстремистлар томонидан 1999-йил 16-февралда Тошкентда террорчилик ҳаракатлари, 1999-2000 йилларда давлат чегараларини бузишлар, 2003-2004 йилларда Тошкент ва Бухорода қўпорувчилик ҳаракатлари амалга оширилгани бу хавфнинг қанчалар кучли эканини кўрсатди.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб нуфузли халқаро минбарлардаги чиқишларида бонг уриб, жаҳон ҳамжамиятини Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун қўлдан келадиган барча чораларни кўришга, унинг тақдирига бефарқ қарамасликка даъват этди. И.Каримов БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳидаги 1993, 1995, 2000, 2010 йилларда бўлиб ўтган саммитларида Афғонистондаги нотинчлик нафақат минтақавий, балки глобал характерга эга эканлигини таъкидлаб, дунё аҳлини унинг таҳдидли оқибатлари ҳақида такрор ва такрор огоҳлантирди[1]. Лекин дунё ҳамжамияти бу даъватларнинг қанчалик муҳим ва долзарблигини ўз вақтида ва тўғри тушуниб етмади.

Биринчи Президент И.Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистонда муаммосига ижобий ечим топилиши йўлида қандай таклиф, ғояларни илгари сурди? Аввалambор, бу муаммони фақат сиёсий мулоқот йўли билан ҳал қилиш таклиф этилди. Бундан ташқари, Тошкентда 1995 йил 15 сентябрдаги Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш-семинарда И.Каримов томонидан қуйидаги таклифлар билдирилди:

– низоларни бартараф қилишнинг босқичма-босқичлиги;
– барча манфаатдор томонларнинг музокара жараёнида иштирок этиши;
– томонларнинг бир-бирига ён бериш ва муроса йўли билан бир-бири томон яқинлашуви;

– бу жараёнда БМТ, ЕХҲТ, ИКТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фаол иштирок этиши ва ҳомийлик қилиши;

– ҳар бир мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақланиши;

– қай шаклда бўлмасин, ташқаридан таъсир ўтказиш ва аралашувга йўл қўйилмаслиги;

– маҳаллий можаролар зоналарига қурол етказиб беришни қатъиян таъқиқлаб қўйиш[2].

И.Каримов 1995 йил 24 октабрда БМТнинг 50 йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида ҳам Афғонистон масаласига алоҳида тўхталиб, мавжуд кескинликни ҳал қилиш калити, энг аввало, ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этишда, деб таъкидлади [3]. Чунки ўтган давр мобайнида нотинчлик сабаб Афғонистон ҳудуди халқаро терроризм, наркобизнес ва қуролларнинг тарқалиши манбаи бўлиб қолган эди. Минг афсуски, Афғонистоннинг ўзида ҳам, унинг атрофида, ундан узоқ-узоқ жойларда ҳам урушдан манфаатдор бўлганлар, урушнинг жиловини қўлида ушлаб турган кимсалар мавжуд, десак, муболаға бўлмайди. Шу боисдан ҳам, йиғилишда Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистонга қурол олиб киришнинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан таъқиқланиши зарурлиги ҳақидаги таклифни илгари сурди.

Ўзбекистон Афғонистон масаласида фақатгина назарий жиҳатдан таклифлар, ғояларни илгари суриш билан чекланиб қолмади. Бунинг тасдиғини Ўзбекистоннинг БМТга йўллаган, афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш масаласида мулоқот гуруҳи ташкил этиш ҳақидаги таклифи асосида 1997-йилда БМТ ҳомийлигида „6+2“ гуруҳининг ташкил этилганлигида кўришимиз мумкин. Ўзбекистон гуруҳнинг асосий иштирокчиси бўлди.

Ўзбекистон Афғонистон бўйича БМТ шафелигида фаолият кўрсатган „6+2“ мулоқот гуруҳининг тажрибасига таянган ҳолда янги „6+3“ гуруҳини ташкил қилиш борасидаги ташаббусни 2008 йилнинг апрел ойида НАТОнинг Бухарестдаги саммитида илгари сурди. 1997–2001 йилларда самарали фаолият кўрсатган ушбу гуруҳ доирасида Афғонистон можаросини бартараф этиш бўйича умумий тамойиллар ва ягона ёндашувлар ишлаб чиқилган эди. Хусусан, БМТ шафелигида 1999-йил 19-20 июль кунлари Тошкентда Афғонистон можаросини ҳал этиш бўйича „6+2“ гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент Декларацияси қабул қилинди.

И.Каримовнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида илгари сурган ғоясининг туб моҳияти ва улкан аҳамияти ҳақида чет эллик сиёсатшунослар, эксперт ва таҳлилчилар, ижтимоий-сиёсий доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан билдирилган муносабат, фикр ва шарҳлар билан танишиш жараёнида бир жиҳатга гувоҳ бўламиз. Улар И.Каримовни минтақавий ва глобал геосиёсий вазият қандай ўзгариб боришидан қатъий назар, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилишга қодир эканини эътироф этишади. Юқоридаги таърифни берар экан, Покистон “Мусулмонлар Лигаси” партияси бош котиби Саид Мушоҳид Ҳусайн Афғонистонда тинчликнинг барқарор бўлиши Ўзбекистоннинг ҳаётий манфаатлари билан қанчалар ҳамоҳанг эканлигига урғу беради.

Маълумки, 1992 йил 7 октабрда Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббонийнинг Ўзбекистонга ташрифи якунларига бағишланган матбуот анжуманида Ислом Каримов Ўзбекистонни Афғонистон орқали Жанубий Осиё билан боғлайдиган транспорт йўлаги барпо этиш режаси ҳақида гапириб, бу йирик лойиҳанинг амалга оширилиши тинчлик ва барқарорликни таъминлаши, минтақа халқларининг иқтисодий равнақ топишига хизмат қилишини таъкидлаган эди[4].

Биринчи Президентимиз И.Каримов Афғонистондаги нотинчликнинг энг ачинарли жиҳатларидан бири ҳақида шундай фикр билдирган: “… ўтган (ўттиз йиллик) даврда бу жафокаш заминда тинч ҳаёт нима эканини билмайдиган янги бир авлод вояга етди. Уруш бошланган пайтда туғилган болалар бугун 30-35 ёшга чиқди. Бу авлоднинг изидан ҳозир

яна бир янги авлод оёққа турмоқда. Улар ўз ҳаётида нимага гувоҳ бўлиши мумкин? Фақат уруш, одам ўлдириш, қон тўкиш. Бу ёшларнинг ҳаёти шундан иборат бўлиб қолмаяптими? Ўзингиз ўйланг, шу ҳам ҳаётми ўзи?”[5].

Афғонистонда тинчликнинг ўрнатилиши, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши афғонлар билан бир қаторда, улар билан ягона ўтмишга эга бўлган Ўзбекистон халқинининг ҳам истагидир. Зеро, биринчи Президентимиз И.Каримов ҳам доимо Афғонистонни уруш майдони эмас, тинчлик ва барқарорлик объекти бўлмоғи кераклигини такрорларди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аввало Афғонистон масаласи инсониятга тинчликнинг нақадар улуғ неъмат эканлигини, тинчлик, барқарор ҳавфсизлик бўлмаган давлатда ҳеч қандай тараққиётга ўрин бўлмаслигини яна бир бор исботлади. Тинчликни эса қийинчиликсиз, машаққатларсиз таъминлаб бўлмаслиги яхши маълум.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи. Т.: “Ўзбекистон” – 2010. 16-бет.
2. Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар 4-жилд. // Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун. Тошкент, “Ўзбекистон” – 1996. 34-бет.
3. Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар 4-жилд. // Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари. Тошкент, “Ўзбекистон” – 1996. 57-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи. Т.: “Ўзбекистон” – 2010. 21-бет.
5. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. Тошкент, “Ўзбекистон” – 2013. 11-бет.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ ЖОНКУЯРИ

Бобожонова Н.З. - ТошДАУ талабаси

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” ва “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида ҳамда инсоният цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ва тарихий шаҳарларимз юбилейларига бағишланган тантаналарда сўзлаган нутқ ва маърузаларида тарихий-маданий меросга янгича муносабат концепцияси ишлаб чиқилди ва унинг жамият ҳаётида тутган аҳамияти асослаб берилди. Юртбошимиз томонидан миллий, тарихий ва маданий меросга эътиборнинг қаратилиши, халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси, бебаҳо фалсафий ва маънавий бойликларини ўрганиш заруриятининг асослаб берилганлиги миллий маънавиятимиз такомилида асосий ўрин тутди.

Тарихий хотира ва меросни ўрганиш, тиклаш ва тарғиб қилишда И.Каримовнинг “Биз, тарихимиз, маданиятимизни ўзимиз ва бутун дунё учун ҳам қайта тиклаяпмиз” деган фикрининг моҳияти, миллий ва умумбашарий аҳамияти, тарихий-маданий меросга муносабат концепциясида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги масаласининг акс этиши муаммоси келгусидаги ижтимоий фанлар соҳасида янги йўналишларга, тадқиқотларга осос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки, тарихий-маданий меросимизнинг тикланиши жамиятимизни янгилаш ва ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир.

Тарихий хотира ва меросни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарблиги, назарий ва амалий аҳамияти, энг аввало, унинг Ўзбекистонда мустақил миллий давлатнинг шаклланиши ва тараққиёт характери, моҳияти билан боғлиқлигидир. Ҳозирги даврда тарихий, маданий қадриятлар асосида шаклланаётган янги мафкура ўз навбатида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёт, инсон қадриятлари ўтмишда қандай кечганлигини яна бир бор таҳлил ва мушоҳада этиб кўриш зарурлигини тақазо этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги долзаб муаммолардан бири ўзбек халкиииг тарихий-маънавий меросини тиклаш ҳамда уни янада камол топиши учун шароитлар яратиш, бу жараённинг қонуний асосларини барпо этиш зарур эди. И.А.Каримов ўзиниг «Ўзбекистоннияг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида «Ўзбекистониинг миллий-маданий жиҳатдан турли ранг-баранглиги, миллий ўзлигини англаш ва маънавий кайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда яшаши, уни кучли жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилиши ва республиканинг жаҳон хамжамиятига қўшилиши учун асосий шароитни вужудга келтиради», деб алоҳида таъкидлаган эдилар. Ўзбекистон мустақил тараққиётга қадам қўйгандан буён ўттан йиллар давомида маънавий соҳада юз берган ўзгаришлар халқнинг узоқ йиллар мобайнида тўплаган бой тарихий-маданий меросга эътиборнинг кучайиши бўлди. Тарих кишини истиқболга даъват этиб, улкан яратувчанликка рағбатлантиради. Мустақиллик даврида маънавий қадриятларимиз, улуғ аждодларимизнинг муборак номлари ҳамда маданий меросни ўрганиш, тарихий шахслар ҳурматини жойига қўйиш ҳамда миллий урф-одатлар ва анъаналарни тиклаш асосида ҳамда ўзликни англаш ва шу орқали миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш тамойиллари ишлаб чиқилди. Собиқ империя ва советлар истибдоди замонида топталтан маънавий меросимиз мустақиллик йилларида кадр топди. Жаҳоншумул ишлар амалга ошириб, бой тарихий, миллий мерос қолдириб кетган аждодларимиз муносиб қадр топиб, уларнинг хотираси абадийлаштирилмоқда. ЮНЕСКО 1972 йилда «Жаҳон маданий ва табиий меросини сақлаш тўтрисида» Конвенция қабул қилган эди. Бу хужжатда биринчи маротаба дунё халқларнинг бутун жаҳон меросини ташкил этувчи бую аҳамиятга эга айрим табиий ва маданий меросларни сақлаш ва авайлаб асраш учун жаҳон халқлари масъулликка чақирилган эди. Ўзбекистон бу ҳужжатни 1993 йилда ратификация қилган эди. Ўэбекистон бўйича тўртта маданий-тарихий объект-Хива шахридаги Ичан-Қалъа, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарлариниг тарихий марказлари «Бутунжаҳон мероси» рўйхатига киритилган эди.

Бухоро ва Хива шаҳарларининг (1997 й), Шахрисабз (2002 й), Қарши (2006 й), Самарқанд (2007), Марғилон (2008 й), Тошкент (2009 й) шаҳарларининг умумбашарий тараққиёт тарихида беқиёс ўрин эгаллайдиган улуғ аждодларимиз ва тарихий шаҳарларимиз юбилейларининг кенг миқёсда нишонланиши, улуғ алломаларимиз меросини ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар нафақат миллий тарихимиз, тарихий-маданий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини тасдиқлайди. Мустақиллик йилларида аҳолининг онг-тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди. Уларнинг узоқ йиллар мобайнида коммунистик мафкура ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди. Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамияти интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда қурадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислоҳотлар муқаррарлигининг ишончли кафолатидир.

ISLOM KARIMOV – O‘ZBEKISTON DAVLATCHILIGINING ASOSCHISI

Jur’atov M.M. - TTYMI talabasi
Zakirova M.R. - o’qituvchi

Jamiyat mamlakatda mavjud barcha jamoalardan tashkil topadi. Jamiyat fikri mavjud barcha jamoatchilik fikrlarining qaymog’idan iborat bo’ladi. Har bir odam mavjud jamiyatda yashab turib, undan tashqari turishi mumkin emas. Har bir kishi o’zi voyaga yetgan va yashab turgan jamiyatning farzandi, o’g’il-qiz ota-onasiga o’xshagani kabi shaxs ham o’z jamiyatining mevasidir.

Darhaqiat, tarixiy davr va ijtimoiy vaziyatning o’zi ulkan fazilatlarga ega bo’lgan buyuk shaxsni maydonga chiqaradi. Buyuk shaxs, tasodif emas. U o’z xalqining maqsadlariga, orzu-

umidlariga, intilishlariga, sevinchu iztiroblariga, baxtli va sitamli onlarining guvohi bo'lib, yaxlit jamiyat ma'naviy-ruhiy sharoitda shakllanadi, rivojlanadi, kamolotga yetadi. Islom Karimov ana shunay jamiyatning mevasi edi.

Prezident Islom Karimov mustaqillikning dastlabki kunlaridanoq odamlar ongi va tafakkurida o'zgarish yasash asosida O'zbekistonni yangilash va rivojlantirishning o'ziga xos quyidagi tamoyillarini ishlab chiqdi:

· umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik;

· vatanparvarlik;

· xalqimizning na'naviy merosini mustahkamlash va rivojlantirish;

· insonning o'z imkoniyatlarini erkin namoyon qilishi.

Bu tamoyillar xalq dunyoqarashi, yashash tarzi, voqea – hodisalarga munosabati, ma'naviy-ruhiy ehtiyojlaridan kelib chiqqanligi uchun ham alohida ahamiyatga ega bo'lmoqda. Chunki, birinchidan, Sharqda azaldan ma'naviyatga tayanib yashash, komillikka intilish, har tomonlama barkamollik oily qadriyat darajasiga ko'tarilgan. Odamlarning millati, irqi, ijtimoiy kelib chiqishi va diniy e'tiqodidan qat'I nazar, yagona o'lchov – insonni insonligi uhcun ulug'lash, inson degan muqaddas nomga munosib bo'lish bosh mezon qilib olingan.

Ikkinchidan, har qanday jamiyat taraqqiyoti xalq dunyoqarashini hisobga olmasa, uning ehtiyojlariga mos kelmasa tanazzulga uchrashi tabiiy. Shuning uchun ham Prezident Islom Karimov o'z mamlakati istiqboli haqida fikr yuritar ekan, "Mustaqil O'zbekistonning kuch-qudrat manbai xalqimizning umuminsoniy qadriyatlarga sodiqligidadir. Xalqimiz adolat, tenglik, ahil qo'shnichilik va insonparvarlikning nozik kurtaklarini asrlar bo'yi avaylab-asrab kelmoqda. O'zbekistonni yangilashning oily maqsadi ana shu an'analarni qayta tiklash, ularga yangi mazmun bag'ishlash, zaminimizda tinchlik va demokratiya, farovonlik, madaniyat, vijdon erkinligi va har bir kishini kamol toptirishga erishish uchun zarur bo'lgan shart-sharoit yaratishdir", degan edi.

Bu fikrdan anglashiladiki, Prezident mamlakat kuch-qudratini xalqning ma'naviy kamolotida ko'radi. U jamiki insoniy fazilatlarni takomillashtirish uchun zarur shart-sharoit yaratish vazifasini qo'ymoqda. Bu birinchidan, davlat siyosatining nechog'lik insonparvarligini ko'rsatsa, ikkinchidan, davlat rahbarining siyosiy madaniyatini, xalq ma'naviy-ruhiy ehtiyojlarini naqadar chuqur o'rganganligini ko'rsatadi. Uchinchidan esa, bu xalq va hokimiyat intilishlarining mushtarakligidan dalolat beradi. Islom Karimov sifat jihatidan mutlaqo yangi davlatni barpo qilishning yaxlit konsepsiyasini hamda uni amalga oshirishning strategik yo'llarini ishlab chiqdi.

Buyuk kelajakka ega bo'lgan kuchli davlat – O'zbekistonni barpo etish uchun mustaqillikning dastlabki yillaridan taraqqiyotning "o'zbek modeli"ni hayotga tatbiq qilishga kirishdi. Bu yo'l iqtisodiyotning siyosatdan ustunligi, davlat bosh islohotchi bo'lishi, jamiyat hayotining barcha jabhasida qonun ustuvorligi ta'minlanishi, kuchli ijtimoiy siyosat va bozor munosabatlariga bosqichma-bosqich o'tish kabi tamoyillarga asoslangan.

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgan paytda ayrim xalqaro moliyaviy tashkilotlar rivojlangan davlatlarda qo'llanilgan bozor mexanizmlarini tatbiq etishni maslahat berdi. Biz ulardan to'g'ridan-to'g'ri nusxa ko'chirmadik. Dunyoda tan olingan modellarning eng yaxshi jihatlarini o'rganib, o'zimizga mos va o'zimizga xos taraqqiyot yo'lini tanladik. Bu yo'l davlatimiz rahbari tomonidan mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy salohiyati, xalqimizning davlatchilik tarixi, milliy-diniy qadriyatlari hamda jahon tajribasini hisobga olgan holda ishlab chiqildi.

Mashhur besh tamoyilga – iqtisodiyotning siyosatdan ustuvorligi, davlat – bosh islohotchi, qonun ustuvorligi, kuchli ijtimoiy siyosat yuritish, bozor iqtisodiyotiga bosqichma-bosqich o'tishga asoslangan ana shu model bozor munosabatlariga asoslangan huquqiy demokratik davlat qurish strategiyasi sifatida barcha amaliy ishlarimizning mustahkam poydevori, taraqqiyotimizning asosiy harakatlantiruvchi kuchiga aylandi.

"O'zbek modeli"ning eng muhim va ustuvor tamoyillaridan biri – kuchli ijtimoiy siyosatdir. Bozor islohotlari ushbu tamoyil asosida amalga oshirilgani, aytish kerakki, eng og'ir o'tish davrida ham jamiyatimizda ijtimoiy adolat va barqarorlikni saqlash imkonini berdi.

Islom Karimov o'sha paytlari O'zbekistondagi vaziyat, shart-sharoitni to'g'ri baholagan holda, 1992 yilda yangi dunyoga kelgan go'dak yurishni o'rganishi uchun bir yil kerak bo'lsa,

O‘zbekiston mustaqillikning ilk kunlaridanoq o‘z oyog‘ida turishga hamda mustaqil harakatlanishga majbur bo‘lganini ta’kidlagan edi. Bu ham yurtimiz murakkab sharoitda bo‘lganidan dalolatdir. Bunday vaziyatda yurtdoshlarimiz millatni, xalqni buyuk maqsadlar yo‘lida ruhan birlashtiradigan liderga muhtoj edi.

Davlat tafakkurining ibtidosi 1991-yilning 31-avgustida e’lon qilingan mustaqillikning mohiyatiga – o’sha kuni qanday buyuk voqea sodir bo’lganiga to’la tushunib yetishdan boshlanadi. Oradan yillar, zamonlar o’tgani sayin bu sananing ulug’ligi tobora ayon bo’la boradi. Har yili yangi o’quv yili boshlanadigan 2-sentabrda respublikamizdagi barcha o’quv yurtlarida Mustaqillik darslari o’tkazilishining mazmuni ham shunda. Zero, Mustaqilllik bayramining mohiyati va undan keyin yuz bergan buyuk voqealar, amalga oshirilgan ishlar haqida yosh avlodga tushuntirib borish zarur.

Ayni paytda O’zbekistonning iqtisodiy imkoniyatlari, uning taraqqiyot yo’llari xususida o’zimizda ham, xorijda ham ko’p gapirilmoqda. Mamlakatimizda milliy barqarorlik, millatlararo munosabatlarning mutanosibligi, iqtisodiy jarayonlarning bir me’yorda rivojlanishi, ishlab chiqarishning tobora takomillashtirib borilayotganligi mamlakat ma’naviy-siyosiy muhitining sog’lomligi, xalq orzu-umidlari bilan davlat siyosatining uyg’unligi natijasi ekanligi jahon siyosatdonlari tomonidan tan olinmoqda. Ana shunday muhitni vujuga keltirish, mamlakatda barqaror taraqqiyotga erishish – bu bevosita davlat siyosatining xalq talab va ehtiyojlarini, ruhiy va ma’naviy holatini nechog’lik hisobga olganligi bilan belgilanadi.

Islom Karimov o‘z hayoti va faoliyatining mazmuni bo‘lgan “Bizdan ozod va obod Vatan qolsin!” degan ezgu g‘oyani ilgari surdilar va bu da’vat barchamizning qalbimizdan chuqur joy oldi. U kishi “Elim deb, yurtim deb, yonib yashash kerak” degan o‘zining g‘oyasiga bir umr amal qilib, kelajak avlodlar uchun buyuk ibrat maktabini yaratdilar.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. O’zbekiston: Milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura. T.1. -T.: O’zbekiston, 1996.
2. Ibrohimov A. Vatan tuyg’usi.Toshkent, 1996.
3. www.Ziyonet.uz

БУЮК ТАРИХИЙ МИССИЯ БИЛАН ЙЎЛГА ЧИҚҚАН ЙЎЛБОШЧИ

Исомиддинов Ф.А. - ТТЙМИ талабаси
Ортиқов М.С. - ТТЙМИ ассистенти

Ҳар бир давр халқнинг оғир мусибатли, аянчли ҳолатида ўз етакчиларини етиштириб чиқаради. Хусусан, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов шундай оғир шароитда халқнинг тепасига қалқон сифатида келдилар. 1990 йилнинг баҳорида собиқ СССР давридаги баъзи сиёсатчилар қатори Ислом Каримов ҳам Горбачёвчасига қайта қуриш сўниб бораётганини, у боши берк кўчага кириб қолганини, Ўзбекистонда Россия ва иттифоқнинг ўпирилиб бораётган бошқа майдонларида тобора авжига чиқаётган тартибсизликка йўл қўймаслик учун кескин чора-тадбирлар қўллаш лозим эканлигини тушуниб етдилар.

Март ойида Ўзбекистон Олий Кенгаши Горбачёв ва унинг қуршовидагиларни ҳайрон қолдириб ҳамда уларнинг норозилигини қўзғаб, Президентлик лавозими таъсис этилди. Ислом Каримов Президент этиб сайланди. Республикамиз аҳолиси ўзининг Президенти сиймосида бундан буён тезлигини йўқотиб ва чўкиб бораётган собиқ иттифоққа кўр-кўрона эргашмаслигини, кўп миллионли халқ ўзининг мустақил давлатида коммунистик мафкура тазйиқисиз яшашни исташини очиқ баён қилди.

Ислом Каримов компартиянинг мафкураси ва сиёсатини кескин ўзгартиришга ҳаракат қилиб, айни пайтда бошқарув ҳокимият тузилмасини (қисқартирилган шаклда бўлсада) сақлаб қолган ҳолда уни қайта ташкил этиш йўлидан бордилар. Президентимиз халқнинг “Янги уйни қурмай туриб, эски уйни бузмаслик керак!” деган доно фикрини

амалда қўллаб, номенклатура қолдиқларидан холи ёшларни раҳбарлик лавозимларига кўтариб, кадрларни кескин равишда ёшартиришга ҳаракат қилдилар.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг фикрлар хилма-хиллигига содиқлигини алоҳида қайд этиш керак. Эски партия гвардиясининг тазйиқига қарамай, янги ижтимоий-сиёсий ташкилотларни, шу жумладан ўзларининг Президентга мухолиф йўли борлиги ҳақида баёнот берган “Бирлик” халқ ҳаракати билан “Эрк” демократик партиясини жасурлик билан эътироф этиб, ўша пайтда: “фикрлар хилма-хиллиги сиёсий маҳмадонагарчиликдан бутунлай фарқ қилади. Ўзларингизнинг дастурингизни тақдим қилинглар, уларнинг ҳаётийлигини исботланглар!” деген эдилар.

1991 йил декабрь ойида президентлик сайлови билан бир пайтда Ўзбекистоннинг мустақиллиги масаласи бўйича референдум ҳам ўтказилди. Овоз беришда қатнашганларнинг деярли барчаси мустақил, суверен Ўзбекистон учун овоз берди.

Ислом Каримов буюк, кўп асрлик тарихига эга бўлган янги малакатни қуриш стратегиясини “Ўзбекистон: янгиланиш ва тараққиётнинг ўзига хос йўли” китобида баён қилиб бердилар. Халқ тўла маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаган суверен, демократик ҳуқуқий давлат қуриш стратегияси унинг “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” , “Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг”, “Буюк мақсад сари оғишмайлик” сингари бошқа китобларида ўз аксини топган.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсон эъзозланадиган ҳуқуқий жамиятни барпо этиш ва ниҳоят, мустаҳкам фуқаролар тинчлиги ва миллатлар тотувлигини таъминлаш сингари олижаноб мақсадларни акс эттиришга интилдилар ва бунга эришдилар. Ҳозир бизнинг ўз танлаган йўлимиз бор.

Хулоса қилиб айтганда, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан яратилган Ўзбекистон давлати жаҳон сиёсий харитасидан жой олди. Давлатимиздаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларида олиб борган ислоҳотларни асосчиси сифатида тарихда қолдилар.

Адабиётлар

1. Н.Мишин. Ислом Каримов – Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти. – Тошкент.: 1997.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУНЁДКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Маматқулов Б.А. - СамДТИ талабаси

Ислом Абдуғаниевич Каримов 25 йил давомида мустақил Ўзбекистонни бошқариб, очиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида мамлакатимизда ва халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонди. Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлаш Президент Ислом Каримов учун ҳамиша энг олий устувор вазифа бўлиб келди ва у олиб борган сиёсатнинг асосий ўзак тамойили бўлиб қолди.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқлар ва натижаларни мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ деб билади. У ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи бўлиб, уни ҳаётга амалий жиҳатдан татбиқ этишнинг ҳақиқий кафолатига айланди.

1991-йилда Ўзбекистон пахта яккаҳокимлигининг ҳалокатли таъсири оқибатида иқтисодиёти бирёқлама, мўрт ва ночор ривожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ аграр мамлакат эди. Республика ҳаётий муҳим товарларнинг кўпгина турларини, биринчи навбатда ғалла ва энергия ресурслари бўйича маҳсулотларни ўзида ишлаб чиқармас ва бу борадаги ўз эҳтиёжларини таъминлай олмас

эди. Ислом Каримов иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаш мумкин эмас, деган фикрнинг қатъий тарафдори эди. Айнан шунинг учун ҳам Юртбошимиз томонидан машҳур беш тамойил асосида бутун дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб эътироф этилган Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан ислоҳ этиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди. Бу моделнинг туб негизини "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган стратегик йўналишни амалга ошириш ташкил этади. Республикамизда замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари, жумладан, Қамчиқ тоғ довони орқали ўтадиган ноёб туннелни ўз ичига олган Ангрен – Поп темир йўл тармоғи, Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли бунёд этилди. Тошкентдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарлари йўналишлари бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатнови йўлга қўйилди, халқаро аеропортлар модернизатсия қилинди, "Навоий" аэропорти негизида халқаро логистика маркази ташкил этилди ва Ўзбек миллий автомагистрали қурилиши якунига етказилди.

Ислом Каримов Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони сифатида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган замонавий Қуролли Кучларни тубдан ислоҳ этиш, уларнинг жанговар салоҳияти ва қудратини оширишни таъминлади. Ислом Каримовнинг пойтахтимиз Тошкент шаҳри, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари қиёфасини замонавий меъморлик талаблари асосида тубдан ўзгартириш борасидаги кенг кўламли бунёдкорлик ишларини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ислом Каримов "Юксак маънавият енгилмас куч" китобида одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этдилар. Тарихимиз, миллий ғоя ва мафкуранинг жамият учун зарурият эканлигини уқтирдилар.

Шундай қилиб, ҳақли равишда биз Ислом Абдуғаниевич Каримовни мустақил Ўзбекистоннинг бунёдкор ва фидойи фарзанди дея ҳисоблаймиз.

SIZNI ULUG'LAYMIZ AZIZ BOBOJON

Nazarova S.B. - TerDU talabasi

"Vatanimizning kelajagi, xalqimizning ertangi kuni, mamlakatimizning jahon hamjamiyatidagi obro'- e'tibori avvalambor farzandlarimizning unib-o'sib, ulg'ayib, qanday inson bo'lib hayotga kirib borishiga bog'liqdir.Biz bunday o'tkir haqiqatni hech qachon unutmasligimiz kerak".

I.A.Karimov

Bugun biz bitta haqiqatni unutmasligimiz kerak. Bizning o'zbek xalqimiz o'z oldiga ezgu va ulug' maqsadlar qo'yib, o'z kuch va imkoniyatlariga tayanib, demokratik davlat va fuqorolik jamiyati qurish yo'lida ulkan natijalarga ega, muqaddas va tinch "O'zbekiston" atalmish diyorda yashamoqdamiz. el- yurtimiz ko'p asrlik tarixi davomida boshidan ko'p qiyinchiliklarni kechirdi. Ijtimoiy hayot mutloqo izdan chiqqan edi. Muhit qanday darajada bo'lsa, ana shu muhitga mos va xos ijtimoiy muhit xosil bo'lgan. Barcha soxada ish olib borish mushkul bo'lgan, ta'lim va tarbiya jarayonida keyinchalik turli o'zgarishlar sodir bo'ldi. Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov mustaqillikni e'lon qilganida, butun o'zbek xalqi uchun tarixiy voqea sodir bo'ldi. Mustaqillikdan so'ng barcha sohalar gullab yashnadi. Ayniqsa ta'lim-tarbiya sohasida tub islohatlar amalga oshirildi.Ta'lim sohasini yaxshilash borasida "Ta'lim to'g'risidagi qonun"ni ta'sis etilishi bugungi kunda ta'lim va tarbiyani yaxshilashda asosiy dasturamal bo'lib xizmat qilib kelmoqda. Ushbu Qonunning maqsadi: Fuqarolarga ta'lim, tarbiya berish, kasb-hunar o'rgatishning huquqiy asoslarini belgilaydi hamda har kimning bilim olishdan iborat konstitutsiyaviy huquqini ta'minlashga qaratilgan.

Yana bir dolzarb masala - o'sib kelayotgan avlodga, uning ma'naviy tarbiyasiga nihoyatda katta javobgarlik hissi bilan yondashish masalasi yotadi. Nega deganda, yoshlar xalq ma'naviyatining munosib egalaridir. Shuning uchun har bir o'g'il-qiz dastlabki qadamlaridan boshlab ma'daniy boyliklarimizdan bahramand bo'lishlari kerak, deb ta'kidlaydi-Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov. Garchi o'zlikni anglash - Vatanga muhabbat tuyg'usini shakllantiradi. Biz bugungi kunda demokratik huquqiy davlat barpo etish yo'lida borar ekanmiz, avvalambor tariximizni bilishimiz shart va zarur.Bir so'z bilan aytganda, marxum Prezidentimiz: "O'z tarixini bilmaydigan, kechagi kunini unutgan millatning kelajagi yo'q" deya ta'kidlaydi.Bu so'zlarni biz yoshlar unutmasligimiz va tariximizni bilmog'imiz biz uchun katta ma'suliyatdir.

Nega deysizmi, insoniyatning ko'p ming yillik tajribasi shundan dalolat beradiki, dunyodagi zo'ravon va tajovuzkor kuchlar qaysi bir xalq yoki mamlakatni o'ziga tobe qilib, bo'ysindirmoqchi, uning boyliklarini egallamoqchi bo'lsa, avvalombor, uni qurolsizlantirishga , ya'ni eng buyuk boyligi bo'lmish milliy qadryatlari, tarixi va ma'naviyatidan judo qilishga urinadi. Bizning ma'naviy olamimizga tahdid qilishsa ham, O'zbekistonda o'sib kelayotgan yosh avlodga hech qachon ma'naviy tahdid qila olmaydi.Garchi har qanday tahdid bo'lishiga qaramay.Bizning yoshlarimiz Islom bobomiz davomchilari demakdir.

Faxr bilan baralla ayta olishimiz mumkinki, bizning ajdodlarimiz bizgacha ham moddiy, ham ma'naviy meros qoldirganlar. Ma'naviyatimiz va bilimimiz orqali butun dunyo cho'qqilarini zabt etib kelmoqdamiz. Biz yoshlar uchun bugungi kunda keng imkoniyatlar amalga oshirilmoqda. Har bitta viloyatlarimizda inshoatlarning qurib bitkazilib foydalanishga topshirilishi biz yoshlar uchun eng katta imkoniyatlar eshigi ochildi desak mubolag'a bo'lmaydi.Bularning hammasi – ma'naviy barkamol inson bo'lishimiz uchundir. L.N.Tolstoyning fikricha: "G'ayrat – ma'naviy kamolotning zarur sharti"deya ta'kidlaydi. Har bir mamlakatning o'z urf-odat, qadiryat an'ana va marosimlari mavjud. Bu o'z-o'zidan milliy va ma'naviy olamga kelib taqaladi. O'zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti I.A.Karimovning har bir nutqi, ma'ruzalari va asarlarida yuksak ma'naviyat kelajak poydevori ekanligi qayta-qayta ta'kidlangan. "Zero,- deya takidlaydi marhum bobomiz – biz jamiyatimiz taraqqiyotini faqatgina ijtimoiy, iqtisodiy farovonlik bilangina emas, xalqimizning ma'naviy barkamolligi, demokratik va insonparvarlik tamoyillarining kishilar ongida nechog'lik chuqur ildiz otishi bilan baholaymiz". Inson ma'naviyatini yuksaltirmasdan turib xalqimiz hayoti va turmushi yuksalishida hamda mamlakatimiz muvaffaqiyatlarga erishish qiyin. Islohatlarning birinchi bosqichida milliy ma'naviyatni yuksaltirish yo'lida ko'zlangan maqsadi to'la amalga oshirildi. Birgina ta'lim sohasini oladigan bo'lsak, o'qituvchi talabalarning texnikaviy bilimi, murakkab texnologiyani egallash qobilyati ma'naviy barkamollik, mustaqil tafakkur bilan birga borishi kerak.

Fikrimiz so'ngida shuni alohida ta'kidlashni lozim deb bildimki, Marhum bobomiz xotiralari uchun ham Vatanimizning gullab yashnashi uchun ham, insonlarning orasida mehr-muruvat ulashish uchun ham harakat qilmog'imiz lozim. Sodda qilib aytganda, "Shu davlat shu jamiyat menga nima berdi?" deb emas, "Men vatanimga elu- yurtimga nima berdim?" deb yashamog'imiz lozim.

Mustaqil O'zbekiston yoshlari o'qish-izlanishda, va bundan keyin ham shunday bo'lib qoladi. Bobojon ruhingiz bizni qo'llasin, biz yoshlar siz aziz bobojonimiz chizib bergan chiziqdan to'g'ri boraveramiz. Mustaqil O'zbekiston kelajagi uchun o'z hissamizni qo'shishda doimo shaymiz.O'zbekiston yoshlari jasorat va mardlikni,insoniylik va g'ururni,vatanni sevish va unga xizmat qilishni buyuk siymoga aylangan qadrli I.Karimovdan o'rgandi.Aziz Islom bobojon bugun oramizda yo'q bo'lsangizda sizning xotirangiz nafaqat o'zbek xalqi orasida balki butun dunyohamjamiyatida abadiy saqlanib qoladi.Sizni ulug'laymiz aziz bobojon.

Adabiyotlar

1. Karimov I.A Yuksak ma'naviyat- yengilmas kuch . T:, "Ma'naviyat" 2008, 173-b.
2. Mahmudov Yu.G' va b. Milliy g'urur-ma'naviy komillik mezoni.T:."Dizayn Press", 2011, 276-b.
3. Mavlanova R va b. Pedagogika. T:, "O'qituvchi", 2001, 510-b.

РОЛЬ ПРЕЗИДЕНТА ИСЛАМА АБДУГАНИЕВИЧА КАРИМОВА В СТАНОВЛЕНИИ НЕЗАВИСИМОГО УЗБЕКИСТАНА

Неъматова А.А. - студентка ТашИИТ

Узбекистан - государство с великим будущим.
И.А.Каримов

С именем Первого Президента нашего государства Ислама Абдуганиевича Каримова народ нашей страны сегодня связывает огромные достижения за годы независимости. Всю свою жизнь он посвятил реализации благородной задаче: построить свободную и процветающую страну. Эта задача нашла свой отклик в сердце каждого нашего соотечественника. Начиная с 1991 года, 1 сентября отмечается в Узбекистане как самая знаменательная дата в его новейшей истории, поскольку 31 августа 1991 года на сессии Верховного Совета Узбекской ССР Президентом Исламом Каримовым была провозглашена государственная независимость Республики Узбекистан.

Особым большим вкладом в дело развития независимости Узбекистана является введенная нашим Первым Президентом Исламом Абдуганиевичем Каримовым новая, признаваемая далеко за пределами Узбекистана, собственная модель экономического развития, построенная на известных пяти принципах: деидеологизации экономики, верховенства закона, поэтапности реформ, государственного регулирования на переходном этапе и сильной социальной политики. Основополагающим принципом его политической деятельности было сохранение и укрепление суверенитета и независимости Узбекистана. Им были разработаны и предворены в жизнь глубоко продуманная стратегия строительства правового демократического государства с открытым гражданским обществом и рыночной экономикой.

Ислам Абдуганиевич Каримов был твердо убежден в том, что политическая независимость не может быть обеспечена без достижения экономической независимости. Именно поэтому им была разработана программы, на основе пяти принципов, кардинальных реформ и структурных преобразований экономики Узбекистана, получившая признание во всем мире как «узбекская модель» развития. Основой этой модели стала практическая реализация стратегического приоритета - «Реформы не ради реформ, а во имя человека». По его инициативе в Узбекистане были проведены масштабные структурные реформы, созданы абсолютно новые высокотехнологичные отрасли промышленности. Это нефтехимическая, химическая, автомобильная промышленность, сельскохозяйственное и железнодорожное машиностроение, фармацевтическая, электротехническая, текстильная промышленность, производство современных строительных материалов. За годы его деятельности были построены такие уникальные в мировом масштабе промышленные объекты, как Устюртский и Шуртанский газохимические комплексы, Бухарский нефтеперерабатывающий завод, Кунградский содовый завод, Дехканабадский завод калийных удобрений, автомобильные заводы в Андижанской, Самаркандской, Ташкентской и Хорезмской областях. В республике была создана современная дорожно-транспортная и инженерно-коммуникационная инфраструктура, в том числе была построены железнодорожные линии Ангрен-Пап с уникальным тоннелем через горный перевал Камчик, Ташгузар-Байсун-Кумкурган, открыто высокоскоростное железнодорожное сообщение по маршрутам от Ташкента до Самарканда, Бухары и Карши, модернизованы международные аэропорты, создана Узбекская национальная автомагистраль.

Ислам Абдуганиевич Каримов является организатором глубоких преобразований в сельском хозяйстве, формирования нового класса реальных собственников земли - фермеров. По его инициативе был кардинально преобразован облик села. В селах началось строительство жилых домов, обеспечивающих качество и стандарты жизни сельского населения на уровне, не уступающим городским.

Ислам Абдуганиевич Каримов как верховный Главнокомандующий обеспечил коренное реформирование, повышение боевой мощи и потенциала Вооруженных сил, способных надежно защищать независимость, территориальную целостность нашей Республики Узбекистан, неприкосновенность ее границ, мирную и спокойную жизнь нашего народа. Он разработал и реализовал Концепцию внешней политики Республики Узбекистан, краеугольным камнем которой является миролюбие, основанное на невмешательстве во внутренние дела других государств и решении возникающих противоречий и конфликтов только мирным, политическим путем. Глава нашего государства внес огромный вклад в сохранение мира и стабильности в регионе и во всем мире. Полностью отказавшись от старых догм и стереотипов, по инициативе Ислама Абдуганиевича Каримова была разработана и практически реализована масштабная Национальная программа по подготовке кадров, кардинальная реформа системы образования на основе самых современных международных стандартов. Ислам Абдуганиевич Каримов непосредственно руководил работой по созданию и воплощению жизнь принципиально новой системы воспитания подрастающего поколения, в корне изменившей мышление и мировоззрение нашей молодежи, которая становится решающей силой сегодняшнего и завтрашнего дня страны. Он говорил: «Наши дети должны быть сильнее нас, умнее нас и обязательно должны быть счастливыми!» Первый Президент нашей Республики Узбекистан поднял на уровень государственной политики уважительное отношение к духовным ценностям нашего народа, сохранение и развитие нашей священной религии, традиций и обычаев, бесценного исторического наследия. Он заложил основы мирного сосуществования нашего многонационального народа, внес большой вклад в повышение авторитета Узбекистана на международной арене. Были возрождены памятники великим мыслителям.

Ислам Каримов стал инициатором формирования институтов гражданского общества, в первую очередь повышения авторитета махалли в государственном и общественном управление, расширения ее прав и полномочий. За выдающийся вклад в дело образования суверенного и независимого Узбекистана, создание демократического правового государства, обеспечение гражданского мира и национального согласия и проявленные при этом стойкость и мужество Исламу Абдуганиевичу Каримову было присвоено звание «Узбекистон Кахрамони», он награжден орденом «Мустакиллик» и Амира Темура. Он был действительным членом Академии наук Узбекистана, за большой вклад в развитие экономики,науки и образования избран почетным доктором наук ряда университетов и академиков академий наук многих зарубежных государств, орденами и медалями ряда государств и авторитетных международных организаций.

Самым главным его девизом было: «Узбекистан - государство с великим будущим». Он заложил основы этого государства. Теперь этот лозунг является главной национальной идеей. Ислам Каримов безгранично любил свой народ и всю свою жизнь, до самых последних дней посвятил служению Узбекистану. Он был великим сыном узбекского народа, основателем нашей независимости, суверенитета.

ISLOM KARIMOV – BUYUK DAVLAT ASOSCHISI

Niyazova R.A. - SamDCHTI talabasi

Dunyoga mashhur olimlar va davlat arboblariga Vatan bo`lgan O`zbekiston uzoq o`tmishga ega va jahon sivilizatsiyasida alohida o`rin tutadigan mamlakatdir. Hindiston tarixida Maxatma Gandi, Amerika Qo‘shma Shtatlari tarixida Jorj Vashington, Fransiya tarixida Sharl de-Gol, Turkiya tarixida Mustafo Kamol Otaturk kabi o`z xalqining buyuk yo`lboshchilari bo`lganidek , bizning ham yurtimiz tarixida shunday buyuk jasorat egalari maydonga chiqishgan, millatimizni yovuz dushmanlardan himoya qilishgan. Bu o`rinda biz ,albatta , Sohibqiron Amir Temur bobomizning o`lkamizni mo`g`ullar zulmidan xalos etganini faxr hissi ila yodga olamiz. Xuddi shunday mas`uliyatli va o`z o`rnida mashaqqatli vazifani XX asning 90- yillarida Birinchi

Prezidentimiz Islom Karimov o`z zimmasiga oldi. Islom Abdug`aniyevich Karimov o`zbek xalqining yuragida abadiy mustaqillik va yangi davlatchilik asoschisi, ulug` siyosatchi, adolatparvar rahbar sifatida muhrlanadi. Mustaqillik mevasi shirin albatta, lekin istiqlolga erishish xalqimiz uchun oson kechmadi. O`zbek xalqi haqqoniy va demokratik jamiyat qurish yo`lida ko`r- ko`rona emas, balki tarixiy tajribalarga va g`oyalarga tayangan holda harakat qildi va oxir oqibat shunday davlat qurishga erishdi.

Yurtimiz mustaqillikka erishgach, istiqlolning muhim bo`lagi bo`lmish istiqlol mafkurasini yaratishgaharakat qildi. Biron- bir jamiyat ma`naviy imkoniyatlarini, odamlar ongida ma`naviy va axloqiy qadriyatlarni rivojlantirmay hamda mustahkamlamay turib o`z istiqbolini tasavvur eta olmaydi [2 ,137] Shunday vaziyatda eng to`g`ri yo`l- istiqomat qilayotgan xalqning tarixini, ajdodlarimizning ham shon- sharafli, ham mashaqqatli hayot yo`llarini, ular qoldirgan ma`naviy merosni o`rganishdan, qolaversa, sho`rolar davrida tariximizning qalbakilashtirilgan tomonlarini haqqoniy tarzda yoritib berishdan boshlash lozim edi.

Sobiq ittifoq davridagi nohaq ayblanishlar, xalqimiz yuzidagi tushkunlik, ishsizlik muammosi, an`analarimizga tahdid va tazyiqlar tarix varaqlarida hali-xanuz saqlanib turibdi, bunga o`tmish guvohdir. Mana shunday tahlikali vaziyatda, istiqlol tomon kim xalqimizni ergashtirdi?! Albatta, Islom Abdug`aniyevich Karimov vatandoshlarimizni yagona maqsad sari ergashtira oldi. 70 yildan ortiq vaqt davomida zarlarga bo`yab maqtalgan mustabid tuzumning achchiq kirdikorlari Islom Karimov tomonidan dalil va aniq raqamlar orqali ochib tashlandi. Shu bilan birga, “paxta ishi” bilan ayblanib, nohaq qamalgan yuzlab insonlar, jumladan, ko`p yillar respublika rahbari bo`lib ishlagan Sharof Rashidov nomining oqlangani jamoatchilik tomonidan mamnuniyat bilan kutib olindi [3,14].

Birinchi Prezidentimiz mardonavor tarzda O`zbekistonni yangi yo`lga olib chiqdi. Aynan uning buyuk xizmatlari samarasida mintaqada hamjihatlik ta`minlandi. Iqtisodiyoti ayanchli ahvolga yetib qolgan, faqatgina xomashyo manbayiga aylanib qolgan davlatni aynan Islom Karimov inqirozdan olib chiqa oldi desak, also xato bo`lmaydi. Mustaqillikning ilk yillarida qishloq xo`jaligi tubdan qayta qurildi. Surunkali qarzga botib yotadigan kolxoz va sovxozlar tugatildi, ular o`rniga fermer xo`jaliklari tashkil etildi. G`alla mustaqilligiga erishildi. Endilikda, yerga asosan paxta ekilmasda, balki xalqning hayot kechirishi uchun muhim bo`lgan boshqa ekinlar ham, jumladan, g`alla, poliz ekinlari va meva-sabzavotlar ham keng tarzda ekila boshlandi. Harbiy sohaga qaraydigan bo`lsak, mustaqillikka erishilgandan so`ng o`zbek yigitlari O`zbekiston hududida harbiy xizmatni o`taydigan bo`lishdi. Harbiylarimiz yurtimiz chegaralarini va sarhadlarini qo`riqlashga bor kuch va shijoatlarini yo`naltirishdi. 1991-yil 6-sentabrdagi Islom Abdug`aniyevich Karimov farmoni bilan Mudofaa vazirligi tashkil etildi. O`zbekiston Konstitutsiyasida mamlakatimiz xalqaro munosabatlarning mustaqil subyekti tarzida tashqi siyosatni o`z manfaatlarini ko`zlab belgilashi, xalqaro tashkilotlarga, yalpi xavfsizlik tizimlariga, davlatlararo tuzilmalarga kirish huquqiga ega ekanligi mustahkamlab qo`yilgan [1,104]. Milliy istiqlol o’zbek xalqining asriy orzusi edi. Mustaqillik yo`lida ko`plab yurt fidoyilari o`z jonlarini fido qildilar. Istiqlolni qo`lga kiritganimiz bu- albatta, katta yutug`imiz, uni qadriga yetish va asrab-avaylash esa, biz, o`zbek xalqining, vazifamizdir. O`zbekiston fuarolarining mustaqillik yillaridagi erishgan eng katta yutuqlari- mamlakatimizdagi tinch-totuv hayot, barqarorlik va tartib intizomdir. Bular uchun O`zbekiston xalqi muhtaram Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug`aniyevich Karimovdan minnatdor. O`zbekiston istiqlolga erishish arafasida o`zbek xalqi baxtiga Islom Abdug`aniyevich Karimovdek insonni rahbar qilib bergani uchun mingdan ming shukronalar aytamiz. Birinchi Prezidentimizning nomi xalqimiz qalbidan aslo o`chmaydi. Biz, O`zbekiston yoshlari, shunday ulug` zot avlodlari ekanligimizdan faxrlanamiz va Islom Karimovga munosib vorislar bo`lishga bor kuch- g`ayratimiz bilan harakat qilamiz!

Adabiyotlar

1. Karimov I.A. O`zbekiston iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish yo`lida. –T., O`zbekiston, 1995.
2. Karimov I.A. O`zbekiston XXI asr bo`sag`asida. – T., O`zbekiston, 1997.
3. Karimov I.A. O`zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. – T., O`zbekiston, 2011.

КОНЦЕПЦИЯ И.А.КАРИМОВА О НАЦИОНАЛЬНОМ ДУХОВНОМ ВОЗРОЖДЕНИИ И ЕЁ ЗНАЧЕНИЕ В УКРЕПЛЕНИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ

Шахидова Г. А. - студентка ТашИИТ
Рахманова Ш. - к.ф.н., доцент

В Узбекистане с первых дней независимости придается большое значение возрождению национальных ценностей, совершенствованию системы национального образования и воспитанию гармонично развитого поколения в духе патриотизма и любви к Родине. На Востоке тысячелетние национальные ценности народа служили ему могучим духовным источником. Как отмечал И. А. Каримов « Возрождение духовных ценностей мы рассматриваем как органический, естественный процесс роста национального самосознания, возвращения к духовным истокам народа, его корням».[1] Следовательно, при строительстве демократического общества в Узбекистане национальные и общечеловеческие ценности и принципы нельзя отделять от ценностей каждого народа.

В одном из своих выступлений Первый Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов, говоря о богатствах нашей страны, подчеркнул: «Самый главный источник нашей силы - это молодое поколение, готовое эффективно использовать эти богатства, молодежь, воспитанная на гармоничном усвоении национальных и общечеловеческих ценностей, многовекового духовного наследия своих великих предков, а также интеллектуальных достижений и опыта развитых стран». Эти слова главы нашего государства стали своеобразным призывом к усилению духовности и нравственных начал в деле воспитания подрастающего поколения. В независимой республике важность и необходимость усиления духовности и нравственных начал в деле воспитания молодого поколения всегда стоят на первом месте. Эта мысль была подчеркнута и в работе Первого Президента Ислама Каримова «Высокая духовность - непобедимая сила», ставшей важным руководством к действию в процессе воспитания высоконравственного молодого поколения, искренне ценящего богатую историю родного края и почитающего бесценное наследие предков, всем сердцем любящего свою Родину, стойких, волевых, самоотверженных граждан своей страны, способных дать решительный отпор различным идеологическим нападкам.

Одним из главных направлений государственной политики стало возрождение научного и духовного наследия предков и исторических памятников, имеющих общецивилизационное значение. Проводимая крупномасштабная работа по бережному сохранению материального и духовного наследия на нашей священной земле, восстановлению и реконструкции прежде всего является заботой о будущем. Молодежь должна продолжить это благородное дело, приобщиться к этому бесценному наследию и на этой основе познать себя, осознать, потомками каких великих людей она является. Первый Президент Узбекистана И.А. Каримовым в качестве одного из наиболее важных приоритетов развития Узбекистана на ближайшую перспективу отметил «Мы все — должны четко осознавать, что от духовного возрождение народа, сохранение традиций, развитие культуры и искусства зависит положение дел в других сферах, зависит, насколько результативными будут проводимые реформы»[2]

Следует отметить, что большие реформы коснулись и сферы образования. Реализация Закона «Об образовании», Национальной программы по подготовке кадров, Государственной общенациональной программы развития школьного образования имеет целью воспитание и образование молодежи, овладение ею профессий, обеспечение работой, охрану здоровья, повышение духовности, развитие способностей и талантов подрастающего поколения. Для этого введены учебные программы по изучению духовного и культурного наследия великих предков, идеи национальной независимости. Большое внимание духовно-нравственному воспитанию уделяется и в свободное от

занятий время. В этой работе учебные заведения активно сотрудничают с родителями, органами местного самоуправления граждан и другими организациями.

За годы независимости молодое узбекское государство в корне изменило отношение к религии, рассматривая ее как часть культурно-духовных традиций своей страны. В наши дни возрождение духовных ценностей, толерантность поднялись до уровня государственной политики республики. Указом первого Президента Республики Узбекистан в 1999 году создан Ташкентский исламский университет. Этот крупнейший в регионе вуз готовит специалистов, владеющих прочными светскими и теологическими знаниями. Действующие здесь Научно-исследовательский центр исламоведения, Информационно-ресурсный центр, современные компьютерные и лингафонные кабинеты, сеть Интернет способствуют дальнейшему обогащению молодежи знаниями. При университете действует отдел «Хранилище источников», который занимается сбором, упорядочением религиозных, научных и духовных ценностей, созданных в течение многих веков нашими предками. Главная цель - передать их в сохранности будущим поколениям. Восстановлением богатого религиозного, научно-теоретического наследия наших предков, глубоким его изучением и анализом занимается Научно-исследовательский центр исламоведения. Ученые центра занимаются изучением Корана и тафсиров, хадисоведения, истории и философии ислама, фикха (исламское право) и других наук. А разработанная здесь концепция преподавания учебных направлений по религиоведению и исламоведению в университетах и учебных центрах воспитывает в человеке такие понятия, как толерантность, веротерпимость, любовь к Родине, к духовным ценностям и великому историческому наследию.

Одним из важных факторов развития духовности является искусство. За последние годы периода независимости для поддержания творческой молодежи было учреждено много различных премий, издано указов, постановлений. Распоряжение Президента Республики Узбекистан «О мерах по подготовке Государственной программы по укреплению материально-технической базы детских музыкальных школ и школ искусств и дальнейшему улучшению их деятельности на 2009-2014 годы» является следующим этапом претворения этой политики. Наверное, мало какое государство может похвастаться столь большим вниманием к детям. И в данном документе речь идет о программе, связанной с перспективами не только преобразования в системе начального музыкального образования, но и о выделяемых средствах, наращивании научного потенциала, создании нового поколения учебной литературы и многом другом.

Сегодня по целому ряду направлений сложились музыкальные школы.. Это очень большие шаги, свидетельствующие о том, что в стране нарастился огромный педагогический потенциал, великие имена педагогов, воспитавших целую плеяду замечательных музыкантов. То, что дети в юном возрасте уже могут считаться лауреатами международных конкурсов, в принципе, в мире перестало быть необычным фактом. Необычно другое, что сегодня это стало нормой для целого ряда школ, в том числе лицея имени Успенского. Здесь появился буквально фейерверк ярких имен, новых достижений, и это, конечно, не случайно. Намеченная и реализуемая здесь программа доказывает, что в Узбекистане имеется огромный генофонд музыкальных талантов. Сегодня возвращается престижность обучения музыкальной профессии - это и есть главный итог пути, на который ступила наша республика. Особый статус имеют республиканские специальные музыкальные академические лицеи с сохранением начальных и средних образовательных школ вместе с интернатами имени Успенского и Глиэра, которые бережно и трепетно воспитывают юные дарования. Многие из них сегодня достойно представляют свою страну на международных музыкальных форумах. А это значит, что политика духовного просвещения, заложенная в основах нашего независимого государства, уже дал замечательные результаты.

В книге «Высокая духовность - непобедимая сила» И.Каримов отмечал, что «Главная цель, предусмотренная духовным обновление общества - сохранение мира в

государстве, процветание Родины, свобода и благосостояние народа, воспитание всесторонне развитой личности, социальное сотрудничество и межнациональное согласие, религиозная терпимость и многие другие важные вопросы».

Литература

. Каримов И.А. Узбекистан: 16 лет независимого развития. Соч. Т.6. -Т.: Узбекистан, 2007. –С. 29.
2. Там же.
3.И.А.Каримова «Высокая духовность - непобедимая сила» Т.: 2008.
4.И.А.Каримова «Свой путь независимости и процветание» Том 1. 1992.

ИСЛОМ КАРИМОВ – БАХТЛИ КЕЛАЖАК ТАРҒИБОТЧИСИ ВА ЖОНКУЯРИ

Обидов И.Ў. - БухТИ талабаси

Маълумки, ҳар бир халқни, ҳар бир миллатни дунёга танитадиган, шон-шуҳратини машҳур қиладиган асл фарзандлари бор. Бу асл фарзандлар ўз халқининг тинчлиги, хавфсизлиги, фаровон ҳаёти учун бутун умрини, бор қобилиятини, истеъдодини ҳамда ўз маънавий салоҳиятини аямай астойдил хизмат қиладилар. Беқиёс илмий салоҳиятли, таҳлилий тафаккур соҳиби, илмий интуицияси ниҳоятда кучли инсонлардан Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов эдилар.

Ислом Каримов раҳнамоликларида энг улуғ қадриятлардан ҳисобланмиш тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш борасида кенг кўламли амалий ишлар қилинди. У киши ўзларининг барча чиқишларида мураккаб дунёнинг мураккаб манзараси, хавфсизлик ва тинчликни сақлаш, жаҳон миқёсида пайдо бўлган янги салбий таъсирларни бартараф этиш, уларга нисбатан ички иммунитетни шакллантириш хусусида алоҳида тўхталиб ўтар эдилар. Биринчи Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек: “Ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади”[1].

Ўзбекистон мустақиллиги илк даврларидан бошлаб, ўзбек миллатининг отаси Ислом Каримов нуфузли халқаро минбарлардан туриб, халқаро ҳамжамиятни Афғонистон тақдирига бефарқ қарамасликка, бу заминда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши учун қўлидан келадиган барча чораларни кўришга қатъий даъват этиб келдилар. БМТнинг Нью Йорк шаҳрида, 1993, 1995, 2000 йилларда бўлиб ўтган саммитларида халқаро хавфсизликка, Афғонистондан чиқаётган таҳдидлар ҳақида дунё аҳлини такрор ва такрор огоҳлантирдилар. Қатор экспертлар фикрига кўра, агар жаҳон ҳамжамияти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг даъватларига ўз вақтида қулоқ солганида, бугунги фожианинг – “терроризмга қарши кураш” деб ном олган глобал ва янада вайронкор, лекин самараси кам бўлган урушнинг олдини олиши мумкин бўлур эди [2].

Шуни таъкидлаш лозимки, бирор бир давлатда Ўзбекистондагидек маънавиятга эътибор кучли эмас. Ёш авлод онгу шуурига маънавият, маърифат ёғдуларини сингдириш унинг камолотида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Чунки маърифат ғояга айлангандагина, у маънавиятни уйғотадиган ва реал кучга айлантирадиган омил сифатида намоён бўлади. Миллатимиз отаси Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди” [3].

Маълумки, ёшлар ҳамма масалада жуда таъсирчан, ҳиссиётга берилувчан бўлади. Шунинг учун ҳам бизнинг ғанимларимиз бугунги кунда ҳаётимизда мавжуд камчиликлардан фойдаланиб, ёшларимизни чалғитиб, уларнинг қалбига таъсир ўтказмоқчи бўладилар. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳамиша огоҳ, сергак бўлиш, биз ёшлар тарбиясига нисбатан масъулиятни чуқур ҳис қилиш лозимлиги ҳақида ўзларининг маъруза, нутқ, чиқишларида доимий таъкидлаб келганлар. “Бугунги кунда Ер юзининг айрим нуқталарида қандай

сиёсий можаролар, уруш ва қонли тўқнашувлар содир бўлаётганидан барчангиз хабардорсиз, албатта. Мисол учун, Ироқ, Сурия ва бошқа мамлакатларда халифалик тузишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Чет давлатларда сиёсий вазият шундай қалтис бўлиб турган бир пайтда, болаларимизни йўлдан уриб, хорижий мамлакатларга олиб чиқиш учун ҳаракатлар бўлиши – биз учун жуда катта хавф. Бундай маккор ишларнинг ҳам ташкилотчилари бор. Уларнинг турли алдовлар, ёлғон ваъдалар билан болаларимизни чалғитишларига ҳеч қачон йўл қўймаслигимиз керак" [4]. Бугунги кунда янги жамият бунёдкори бўлмиш комил инсонни тарбиялаш жараёнида умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланмоқдамиз.

Мустақилликнинг илк кунларидан Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ёшлар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор бериб келдилар. Демак, бугунги давр талабидан келиб чиқиб, ёшлар муаммоларини ҳал этиш мамлакат тараққиёти ва хавфсизлигининг кафолати экан, миллий тараққиётнинг муҳим вазифаларини ҳал этишда ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида барча зарур шароитларни яратиш, замонавий билим ва касб-ҳунарга эга, дунё майдонида ўз тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган ёшларни тарбиялаш жамият олдида турган ўта муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири ҳисобланади. Ишончимиз комилки, барчамиз Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг дастурий фикрларига содиқ қолиб, фидоий бўлиб яшаб, бугун ҳам, келажакда ҳам ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, ўз мақсад-муддаоларимизга алабатта, етамиз.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. –Т.: "Ўзбекистон", 2005, 11-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т, 2013, 26-бет
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998, 125-бет.
4. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. –Т.: "Ўзбекистон", 2015. –251-бет

IBRATLI HAYOT YO'LI

Orolov U.Sh. - TTYMI talabasi.
Sobirova S.T. -katta o'qituvchi

1938-yil ayovsiz qatog'on davr, qaxshatli sinovlar ham O'zbekistonni chetlab o'tmadi, shu yili Samarqandda Sanobar va Abdug'ani Karimovlar oilasida o'g'il dunyoga keldi, taqib etilishidan qo'rqmagan ota-ona unga o'z dinimizni anglatuvchi nom Islom deb ism qo'ydi va bu ular tomonidan chin ma'nodagi sodir etilgan jasorat edi. Samarqand shahri arxivida o'sha yili tug'lgan o'g'il bolalar soni 1694 ta bo'lib ulardan bitta bola Islom deb ism qo'yilgan. Odatimizga ko'ra bolaga ism qo'yish, uning taqdirining belgilanishidir. Hech bir insonning ismi tasodifiy emas. Islom oddiy xizmatchi oilasida tug'ilgan, oltinchi farzand edi, onasi hamisha bolalari va uy yumushlari bilan band bo'lgan, kamtargina bu oilada og'ir mehnat tirikchilikning yagona manba'i bo'lgani bois u mehnatning bir burda nonning qiymatini yaxshi bilgan. Islomning bolaligi urush davrlariga to'g'ri keldi, o'smirligi esa urushdan keyingi og'ir davrda o'tdi. Muqaddas, milliy obidalarimizdan biri hisoblangan Amir Temurning ulkan masjidi, Bibixonim madrasasining yaqinidagi 21-sonli maktabda ta'lim olgan. O'quv jarayonlarida turli hodisalar yuz bergan, bir kuni ona tili darsida ular insho yozishdi, ishlar topshirilgandan keyin, o'qituvchi bahoni e'lon qildi va o'qituvchi unga ikki baho qo'yganini bildirdi, albatta bundan Islom norozi bo'ldi.Shunda Islom Karimov o'qitivchisiga yuzlanib: "Nega menga ikki qo'ydingiz"deb so'radi. Shunda o'qituvchisi Islomga qarab: "Siz kitobdan ko'chiribsiz" deb javob qildi. Yo'q qanday bo'lsa shunday yozdim dedi. Islomga ishonmagan o'qituvchisi unga yangi mavzu berdi va dars oxirigacha yodlab berishini so`radi Islom matnni yoddan aytib berdi,

o’qituvchi javobini eshitib lol qoldi. U matnni shunday yod olgan ediki nuqta verguli ham qolmagan edi. Shunda o’qituvchisi unga 5 baho qo’ydi. Juda kuchli xotira va qiyinchiliklar oldida cho’chimaslik xarakteri bor edi. Eng asosiysi u o’ziga bolaligidan ishonar edi.U maktabni oltin medalga tamomlab, o’qishini oliy o’quv yurtlarida davom ettirdi. Dastlab O’rta Osiyo Politexnika instituti keyin esa Toshkent xalq xo’jaligi institutida ta’lim oldi. Institutni a’lo baholarga tamomlab, Tashselmash zavodiga ishga joylashdi va u yerda bir yil davomida ishladi, faoliyatining navbatdagi bosqichini “Chkalov” nomidagi Toshkent Aviatsiya ishlab chiqarish sanoati korxonasida davom ettirdi. Islom Karimov e’tiborga tusha boshladi, uning yorqin analitik aqli, iqtisodiy bilimi, hamma narsani mantiqqa bo’ysundira olishi boshqalarga sezilardi. 1966-yildan u respublika planida ishlay boshladi, barcha yutuqlarga o’z bilimi bilan erishdi, bu odimlash Islom Karimovni oddiy mutaxasisdan rahbarlik sari yetaklar edi, 1983-yilda moliya vaziri etib tayinlandi, bu lavozimda Karimov tunlarni tonglarga ulab Respublika budjetini rivojlantirish bilan shug’ullanardi. Maqsad sari dadil intilish va kasbiy mahorati 1986-yili davlat plani raisi va shu bilan bir vaqtning o’zida hukumat raisining o’rinbosari lavozimiga loyiq ekanligini isbot qildi. O’z kasbining ustasi bo’lgan Islom Kaimov paxta siyosatini shubhasiz markaz tomon buyurilgan ochiq totalitar siyosat ekanligini tushunib yetgandi, oddiy misol o’shanda o’zi uchun 25% gina non yetishtirardi, qolgan g’alla chetdan sotib olinardi, paxta ishlab chiqarishda respublika yetakchilardan bo’lishiga qaramasdan xizmati evaziga paxtadan tushgan pulning kichkina foizlariga ega bo’lardi. Karimov halol insonligi sababli bunga toqat qilolmasdi chunki bu kichkina foizlar bilan Respublikani ijtimoiy rivojlantirib bo’lmasligini yaxshi bilardi. Bu nuqtai nazar Islom Karimovni o’sha paytdagi partiya dohiylari bilan ziddiyatga olib kelishini taqozo etdi. Karimov O’zbekistonning iqtisodiy muammolari xususida markazga jiddiy tahliliy murojaat tayyorladi, uning bu harakati Resupublika markaziy qo’mita raisi Anishov bilan kelishmovchliklarni yuzaga keltirdi o‘sha davrlarda u Respublikani boshqarib turish uchun markazdan yuborilgan 400 nafar desanchilar guruhiga rahbarlik qilardi. Islom karimov o’z fikrini qat’iy himoya qildi, Anishov Karimovning Toshkentda qolishi ma’qul emasligi va uni viloyatga jo’natish taklifini siyosiy byuroga kiritgandan so’ng Islom Karimovni Respublikaning eng qoloq viloyati Qashqadaryoga partiya komitetining birinchi kotibi etib tayinlandi, ungacha viloyatning sobiq rahbarlari biri qamoqxonada bo’lsa boshqasi o’z joniga qasd qilgan edi. Ularning ikkalasi ham paxta ishi deb boshlari baloga qolgan edi. Islom Karimov uch yil Qashqa-daryoda ishladi. Qashqadaryo viloyatini ijtimoiy-iqtisodiy tanglikdan olib chiqdi, Islom Karimov haqiqatgo’y oriyatli inson sifatida Gtlyan tomonidan ommaviy ayblanganlar uchun adolat talab qildi, uning harakati bilan ko’plab begunoh odamlar ozod bo’ldilar. Shu uch yil davomida Qashqadaryoliklar qalbida abadiy muhirlanib qoldi.Bir kun kelib millionlar taqdirida katta burilish sodir bo’lishi mumkin bo’lgan o’sha kun edi. Nishonov Karimovning uyiga qo’ng’iroq qilib siyosiy byuro uning nomzodini respublika rahbarligi lavozimiga tasdiqlanganligini aytdi. Irodali, kuchli bu inson ommaviy ishonchsizlik avj olgan yillarda respublikani boshqarishdan also cho’chimadi lekin oldinda juda katta muammolar turar edi. Shulardan biri 1989-yili iyun oyida Farg’onada, 1990-yil fevral oyida Toshkent viloyatining Bo’ka tumanlarida qattiq qo’rquvga tushgan aholi shahar ko’chalariga chiqib qo’zg’olon ko’targan, bu qo’zg’olonlarni o’z joylarida aholi bilan gaplashib muammolarni hal qilgan. Islom Karimov sharofati bilan 1989-yili 21- oktabrda o’zbek tiliga davlat tili maqomi berildi. 1990-yil mart oyida Islom Karimov O’zbekiston Respublikasi prezidenti deb e’lon qilindi. Prezidentning birinchi farmoniga ko`ra 1990-yil mart oyidan boshlab “Navro’z” umumxalq bayrami deb e’lon qilindi. SSRning parchalanishi yuz berayotgan vaqtda Islom Karimov qatiyatlikni qo’lga oldi va zudlik bilan kengash chaqirdi, bu kun 1991-yil 31-avgust kuni edi. Bu kengashda O’zbekiston Respublikasining 1-sentabr mustaqillik kuni umumxalq bayrami deb e’lon qilindi. Islom Karimov mustaqil davlatning bosh qomusini ishlab chiqishga kirishdi, unda jamiyatning barcha qatlamlari ishtirok etishini taminladi. Bosh qomus masalasi ikki marta umumxalq muhokamasiga qo’yildi aholidan kelgan 6000 dan ziyod xat jiddiy tahlil qilindi, ikki yillik qizg’in mehnat natijasida demokratik davlatning garovi bo’gan O’zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi mamlakat parlamenti tomonidan qabul qilindi. Davlat ramzlari ham Islom Karimov uchun

yurakdagi jamiki mehirni qo’shib qilinishi kerak bo’lgan katta vazifa edi, o'sha paytda bu ish bilan ko’zga ko’ringan olimlar madaniyat va san’at arboblari bosh qotirdilar. Islom Karimov ularga o’z g’oyalarini berdi, hatto ramzlardan biri bo’lgan bayroq bo’yicha o’z variantini taqdim etdlar va o’sha vaqtlarda birin-ketin ramzlar qabul qilindi, bu xalq tomonidan qo’llab quvvatlandi.

Islom Karimov O’zbekistonning rivojlanishida hamma sohalarini yo’lga qo’ydi ishlab-chiqarish, sanoat, qishloq xo'jaligi va tadbirkorlik sohalarida keng yo’llar ochildi asta sekin rivojlana boshladi. Islom Karimov o’z farzandlaridek bo’lgan yosh avlodni hech kimdan kam bo’lmasligi uchun sobiq ta’lm tizimini butunlay o’zgartirishga bel bog’ladi va 1996-yili kadrlar tayyorlash milliy dasturini ishlab chiqishga kirishildi va 1997-yili 29-avgust kuni ta’lim tog’risidagi qonun va kadrlar tayyolash milliy dasturi qabul qilindi va bu dastur bo`yicha mamlakatimzning hamma joylarida joriy qilindi. Islom Karimov milliy sportlarimizni san’at va madaniyatni yuksak rivojlanishi uchun ulkan poydevor qurishda o’zining ulkan hissasini qo’shdi. Darhaqiqat Buxoro, Xiva, Shahrisabz Samarqand va Marg’ilon singari ko’hna shaharlar yubileylari Islom Karimovning tashabbuskorligida to’yu-tantana maqomiga ko'tarilishi, 10 mingdan ziyod moddiy va madaniy ob’yektlar davlat ro’yxatiga kiritilishi, Amir Temur nomidagi muzeyning tashkil etilishi uning o’tmishga bo’lgan muxabbatining cheksizligini bildiradi. Buyuk bobokalonlarimiz jumladan musulmon olamida hadislar sultoni deya shuhrat qozongan Imom Al-Buxoriyning muborak nomlariga chuqur extirom ko’rsatlib u zotlarning ruhlari shod etilganligi ham hikmat emasmi.Bu buyuk shaxs 2016- yil 2- sentabr kuni bu yorug’ olamni tark etdi. Bizga buyuk mustaqil davlatni qoldirdi, biz yoshlarga ishonar edi. "kelajak yoshlarning qo’lida” der edi. Bu insoning ishonchiga loyiq bo’lib bilimli bo’lishimiz, vatanimizni dunyoga tanitishimiz shart! “Vatanimizning kelajagi, xalqimizning ertangi kuni, mamlakatimizning jahon hamjamiyatidagi obro’-e’tibori avvalombor farzandlarimizning unub-o’sishi,ulg’ayib,qanday inson bo’lib hayotga kirib borishiga bog’liqdir. Biz bunday o’tkir haqiqatni hech qachon unutmasligimiz kerak”- deb ta’kidlagan edi Islom Karimov o’zining “Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch” nomli asarida. Birinchi Prezidentimiz Islom Abdug’aniyevich Karimovning ibratli hayot yo’li biz yoshlar uchun na’munadir.

Adabiyotlar

1. Islom Karimovning hayoti tog’risidagi video film.
2. Karimov I. “Tarixiy xotirasiz kelajak yo’q” Toshkent., “Sharq” 1998. 20-bet.
3. Karimov I. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. Toshkent., “Ma’naviyat”, 2008, 176-bet.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BIRINCHI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV PORTRETIGA CHIZGILAR

Rasulova M.A. - GulDU talabasi

Yer yuzidagi barcha davlat rahbarlarining nomi butun mamlakat timsoliga aylanib ketavermaydi. Dunyo tarixi bunday imkoniyatni ko`pchilikka bersa-da, hamma ham bunday sharafga muyassar bo`la olmaydi. Faqat o`z faoliyati bilan muayyan davlat taraqqiyotiga beqiyos ta`sir ko`rsatgan va favqulodda qobiliyatga ega bo`lgan shaxslargina sanoqli yetakchilar qatorida bu safdan o`rin egallashi mumkin. O`zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov ana shunday shaxslar sirasiga kiradi. Islom Karimovning hokimiyat tepasiga kelishi butun O`zbekiston xalqi uchun o`ta xosiyatli qadam, haqiqat tantanasi bo`ldi.

Buyuk tarixiy shaxs, yetuk davlat va siyosat arbobi, O`zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov (30.01.1938-02.09.2016) nomi nafaqat O`zbekiston, balki butun dunyo tarixi zarvaraqlariga oltin harflar bilan yozildi. O`zbekiston mustaqilligining haqiqiy asoschisi Islom Karimov chorak asr davomida O`zbekistonni rivojlanish sari olib chiqdi. O`zining bilim darajasi kengligi, voqealarga to`g`ri baho berib, xolisona yondashish va oldindan kelajakni ko`ra bilish kabi tug`ma qobiliyati bilan jahon minbarlarida ham o`z fikr-mulohazalarini erkin bildira oldi. Islom Karimov hayoti davomida dunyoda tinchlikni asrashga munosib hissa qo`shdi. Uning xalqaro terrorchilik harakatlariga qarshi hamjihatlikda kurashish

haqidagi takliflarini kechikib bo`lsa-da, dunyo tan oldi. Afg`oniston masalasidagi uzoq yillik tortishuvlarni Islom Karimov to`g`ri yo`lga yo`naltirdi. Afg`oniston muammosini harbiy kuch bilan hal qilib bo`lmasligi, jafokash afg`on xalqining milliy qadriyatlarini hurmat qilish, bu yurtga ijtimoiy-iqtisodiy yordam ko`rsatish kerakligini alohida qayd etib o`tdi va o`zi birinchilardan bo`lib amaliy ishga kirishdi. Bularning barchasi Islom Karimovni jahon siyosiy voqealariga ham to`g`ri yondasha olganligini ko`rsatadi.

O`zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimovning beqiyos xizmatlarini butun dunyo ahli ham munosib baholagan. Buni Islom Karimov 1992 yildan 2015 yilga qadar 60 dan ortiq xalqaro orden, medal va unvonlarga sazovor bo`lganligida ham ko`rishimiz mumkin. Jumladan, 1994 yil yanvarda Qirg`iziston Respublikasidagi "Ruhoniyat" ma`naviyatni qayta tiklashga ko`maklashish assotsiatsiyasi tomonidan "Xalqlar o`rtasida tinchlik va totuvlik uchun" medali va diplomi bilan, 1995 yil fevralda Koreya Respublikasi hukumati tomonidan Katta "Mogunxva 2" ordeni bilan, 1996 yil aprelda YUNESKO xalqaro tashkiloti tomonidan "Avitsenna" oltin medali bilan, 1998 yil fevralda Rus pravoslav cherkovi nomidan Toshkent va O`rta Osiyo Yeparxiyasi tomonidan I darajali Knyaz Daniil ordeni bilan va xuddi shu yili Ukraina Respublikasi tomonidan I darajali "Yaroslav Mudriy" ordeni bilan, 2001 yil iyulda Milliy Olimpiya Qo`mitalari assotsiatsiyasi tomonidan "Besh qit`a belgisi" oltin ordeni bilan, 2002 yil martda Yahudiylar milliy markazi (AQSH) tomonidan terrorizmga qarshi kurashdagi ulkan hissasi uchun "Xalqaro yetakchi" mukofoti bilan, 2003 yil yanvarda Ispaniya qiroli tomonidan "Fuqarolik xizmatlari uchun" ordeni, 2007 yil avgust oyida YUNESKO tomonidan "Aristotel" oltin medali bilan, 2015 yil iyun oyida Xalqaro Olimpiya Qo`mitasining "Sport va Olimpiya harakatini rivojlantirishga qo`shgan ulkan hissasi uchun" medali bilan va boshqalar bilan taqdirlangan[1]. Bularning barchasi Islom Karimov mehnatlarining yuksak bahosi hisoblanadi

2016 yil 2-sentabrda nafaqat O`zbekiston xalqi, balki butun dunyo hamjamiyati uchun ham ulkan yo`qotish sodir bo`ldi. O`zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov vafot etdi. O`zbekiston xalqi o`z yo`lboshchisi, himoyachisi, bir so`z bilan aytganda o`z otasidan, dunyo esa yana bir yetuk bilim va jasorat sohibidan ayrildi. Bu mash`um kun barchaning qalbida og`riqli jarohatni paydo qildi. O`sha paytda dunyoning juda ko`plab davlat rahbarlari va siyosat arboblari shunday og`ir kunda O`zbekiston va uning xalqi bilan yelkama – yelka turish va hamdardlik bildirish uchun O`zbekistonga yetib keldi va Islom Karimov haqida iliq so`zlarni bildirdi. Xorijiy ommaviy axborot vositalarida bildirilgan fikrlarning sanog`iga yetish qiyin edi. Qirg`iziston Respublikasi Milliy Fanlar Akademiyasi prezidenti Abdug`ani Erkebayevning "Слово Киргизитана" gazetasida chop etilgan maqolasida yana bir haqiqat e`tirof etildi: "Qardosh o`zbek xalqi bilan birgalikda biz ham ushbu buyuk davlat arbobi bilan vidolashmoqdamiz. U nafaqat o`z mamlakati, balki, biz qirg`izistonliklar uchun ham juda ko`p ish qilgan. Islom Karimovning mamlakatimiz janubida qonli to`qnashuvlar yuz bergan paytdagi buyuk xizmatlarini eslashning o`zi kifoya. Buning uchun undan minnatdor bo`lishimiz lozim". Rossiyaning "Независимая" gazetasida ekspert Zurab Todua shunday fikr bildiradi: "Islom Karimov… ko`plab muammolar girdobida qolgan O`zbekistonni qabul qilib olib, uni izchil rivojlanayotgan, tinch va barqaror davlatga aylantirdi…Qiyinchiliklarni yengib o`tish va muammolarni hal etishda shaxsiy tajribasi va bilimi, o`tkir zakovati, vazminlik bilan ish tutishi, mardligi va mushkul paytlarda namoyon bo`ladigan qat`iyati qo`l keldi". Bulardan tashqari dunyoning ko`plab davlat rahbarlari ham Islom Karimovni donishmand, mustaqil siyosat yo`lidan borgan, o`z xalqining haqiqiy yo`lboshchisi bo`lganini e`tirof etishdi. Islom Karimov vafoti munosabati bilan BMT ning Nyu-Yorkdagi qarorgohi binosi yonidagi O`zbekiston va boshqa a`zo davlatlarning bayroqlari tushirildi. BMT ning Rim va Jeneva shaharlarida joylashgan bo`limlarida ham ana shunday tadbirlar o`tkazildi. BMT Bosh Assambleyasining sentabr oyi oxirida o`tgan 71-sessiyasi majlisi Islom Karimov xotirsini yodga olib, hurmat bajo keltirish bilan boshlandi[2]. O`zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov xotirasiga bunday munosabat va samimiy fikrlar uning dunyo miqyosida obro`-e`tibori nihoyatda yuksak bo`lganini bildiradi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, Islom Karimov Al-Xorazmiy, Al-Beruniy, Amir Temur, Boburlarning avlodi. Uning qonida buyuk siyosatchilik qobiliyati jo`sh urgan edi. Dunyoga buyuk insonlarni tarbiyalab, voyaga yetkazishdan charchamagan O`zbek xalqi Islom Karimov va unga o`xshagan fidoyi, vatanparvar insonlarni bundan keyin ham juda ko`p tarbiyalab voyaga yetkazadi. O`shanday vatanparvar, jasoratli insonlardan biri O`zbekiston Respublikasining amaldagi prezidenti Sh.Mirziyoyevdir. "Yaxshi shogird ustozini yo`lidan boradi" deganlaridek Sh.Mirziyoyev ham Islom Karimov boshlab bergan oqilona siyosatni davom ettirib, uni yanada mustahkamlashga astoydil harakat qilmoqda. Sh.Mirziyoyev prezident etib saylangandan so`ng Islom Karimov xotirasini abadiylashtirish borasida qator ulkan ishlarni amalga oshirdi. Jumladan, 2017 yil 25-yanvarda Prezident Sh.Mirziyoyevning "O`zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Abdug`aniyevich Karimovning xotirasini abadiylashtirish to`g`risidagi" qaror qabul qilindi va qarorning amaliy ifodasiga ko`ra 2016 yil oktabr oyida Islom Karimov nomidagi Respublika xayriya jamoat fondi tuzildi [3]. 2017 yil 31-avgust kuni Toshkent shahrida, 2-sentabr kuni Samarqand shahrida Islom Karimov haykali ochildi[4]. Amalga oshirilayotgan ishlarning barchasi xalqimiz xohish irodasi bilan sodir bo`lmoqda va bu ishlar o`zbek xalqining Islom Karimov va uning xotirsiga yusak hurmatini ifoda etadi.

Yillar o`tadi, asrlar o`tadi, avlodlar almashadi. Biroq xalqimiz mustaqilligimiz asoschisi, birinchi prezidentimizning jasoratli hayoti va faoliyatini, mamlakatimiz taraqqiyoti yo`lidagi tarixiy xizmatlarini, el-u yurtga ko`rsatgan beqiyos muhabbatini, hayotimiz shioriga aylangan vasiyatlarni hech qachon unutmaydi. Islom Karimovni butun bosib o`tgan umr yo`li uni buyuk tarixiy shaxs deb atashimizga to`liq asos bo`lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar

1. www.islomkarimov.uz.10.11.2017
2. www.islomkarimov.uz S.Ostonov Mustaqilligimiz asoschisi, Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning xotirasi qalbimizda mangu yashaydi 10.11.2017
3. http://uzavtoyul.uz/uz/post Islom Karimov xotirasi abadiylashtirildi. 10.11.2017
4. kun.uz/…news…islom-karimov-haykali-ochildi 05.09.2017

ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА ШАХС ТАРБИЯСИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Раҳмонова С.Х. - ЎзМУ талабаси
Бобобеков А. - ЎзМУ ўқитувчиси

Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг асарларини ўқимаган, нутқларини тингламаган Ўзбекистон фуқароси, ёйингки халқаро сиёсатчи ҳамда журналист бўлмаса керак. Мустақиллик асосчиси, фидойи-мард ўзбек ўғлони Ислом Каримов бутун ҳаёти давомида юрт тинчлиги ва тотувлигини мустаҳкамлаш йўлидаги захматли йўлни босиб ўтган давлат арбоби сифатида 23 томлик асарларнинг ҳам муаллифидир. Бу асарларида деярли барчасида иқтисодий, сиёсий масалалардан ташқари, юксак маданиятимиз орқали миллий ғурур, миллий ўзликни англаш, баркамол авлодни, комил инсонларни тарбиялаш ғояси устувор мақсадимиз сифатида ифода этилади.

Шу ўринда, миллий ўзликни англаш тушунчаси ўзи нима? деган савол туғилади. Мазкур тушунча мазмунини англаш аввало, миллий онг туйғуси билан бевосита чамбарчас боғлиқдир. Миллий онг этник тараққиётни маълум босқичида вужудга келган этник онгнинг давоми бўлиб, ўзининг маьлум миллатга мансублигини англаш ҳисобланади. Миллатнинг ўзини ўзи англаши миллий онг асосида вужудга келади ва унинг тузилмасига киради. Миллий ўзликни англаш миллатнинг ўз мақсад ва мотивларини англаб етиш даражасини билдиради. У миллат томонидан ўзининг ўтмиш тарихи, етник келиб чиқиши, миллиий ғоялари, келажаги, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини билиши бўлиб, ватанпарварлик миллий ғурур, шан, бурч кўринишларида намоён бўлади.[1]

Саньатни, маданиятни севган юртда тинчлик бўлади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Ислом Каримов XX асрнинг 90-йиллари бошидаги танглик ҳукм сурган даврларда ҳам кўпчилик етакчилар учун ахамиятсиз ҳисобланган соҳа маданиятни улуғлаши

замирида ҳудди шу ҳикматни кўришимиз мумкин. Хусусан, 1989-йил 21-октябр биринчи Президентимиз ташаббуси билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Ислом Каримов “Маьлумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар орасидаги руҳий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади.” [2]

Дарҳақиқат, эзгу фазилатлар инсон юрагига, энг аввало, она алласи орқали кириб, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили –бу халқ ва миллатнинг руҳи ва жонидир деса муболаға бўлмайди.

Бу қарашнинг нақадар ҳақиқат эканлигини россиялик йирик ижтимоий психолог олима Галина Андрееванинг қуйидаги фикрида ҳам кўришимиз мумкин: “Миллий характер – этник (миллий) гуруҳнинг психологик қиёфаси хусусиятларини баён етишда кенг тарқалган тушунчадир. Миллий харектерни тадқиқ қилишда миллатнинг одатлари, аньаналаридан ташқари миллатнинг тили катта роль ўйнайди. Чунки ижтимоийлашув жараёнида миллий характер сифатларининг бир авлоддан бошқа авлодга ўтиши бевосита тил орқали амалга оширилади. [3] ”

Шубҳасиз, миллий ўзликни англаш ва миллий менталитетни шаклланишда тарихни билиш мухим ахамиятга эгадир. Ислом Каримов асарларида тарих соҳасини ривожлантириш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқдир. “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”.[4] Тарих ва маданий мерос миллатнинг асосий бойлиги ҳисобланади. Тарихни обьективлик, холислик тамойиллари асосида ўрганиш янгидан миллий давлат барпо этаётган халқ учун ғоятда зарурдир. Замонамизнинг илғор миллатлар ўз тарихини танқидий кўз билан мушоҳада қилиш орқали ўз миллий менталитетларини шакллантирганлар.[5]

Хусусан, академик А.Аскаров “...ҳар бир шахснинг ўзига хос миллий менталитетининг таркиб топиши узоқ давом этадиган ижтимоий-психологик жараён бўлиб, у жамият,миллат, жамоа ёки алоҳида олинган шахснинг тарихан таркиб топган тафаккур даражаси, маьнавий салохияти, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, рухий қиёфаси ва қувватидир”[6] дея билдирган эътирофи жуда ўринлидир.

Жумладан, И.Каримов “Ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен аввалambор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикирлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахдорлик туйғуси билан яшаши зарур”[7], дея берган жавоби бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Биринчи Президентимиз ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда ҳар доим юксак маданиятимизга таянишимиз кераклигини ўз асарларида уқтириб келган. Зеро, маданиятдан айри ҳолда тараққиётга эришиш мушкул вазифадир. Бу фикрларни нақадар ҳақиқат еканлигини илм-фаннинг этнология ва этнопсихология соҳалари исботлайди. Ҳозирги замонавий психология ривожланишида тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, болани биологик ўсиши билан бирга маданий жихатдан ривожланиши бир хил даражада кетиши муҳимлиги айтилади. Барча асосий назариялар (Ж.Пиаженинг боланинг интеллектуал ривожланиши тўғрисидаги назария, Л.Колберганинг индивиднинг ахлоқий ривожланиши тўғрисидаги назария, Э.Эриксонанинг инсон ҳаёт йўлидаги епигенетик концепция) бола камолотида маданиятнинг таьсирини катта еканлигини тан олишади[8].

Шунингдек, Ислом Каримовнинг деярли барча асарларида шахсни баркамол инсон килиб тарбиялашда аждодларимиздан қолган бетакрор маданиятимизни улуғлаш асосий мақсад қилиб олинган. Шу нуқтаи назардан, америкалик машҳур антрополог Маргарид Мид “Гвинеяда вояга етиш “номли тадқиқотида бола шахсиятида тарбия ҳес қачон маданиятдан айри холда бўлмаслигини изоҳлаган ҳолда, барча тарбия методларидан кўзланган натижа темпераментлар жамланмаси, дунёқараш, мақсадларини тўлиқ англай

билиш каби туйғуларни шакллантиришга хизмат қилишини ифодалаган.[9] Бундан кўриниб турибдики, бола тарбияси ва уни шахс бўлиб шаклланиши бугуннинг энг мухим вазифаси бўлиб турганлигини эътироф этишимиз лозим.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, мустақиллик йилларида миллий ўзликни англаш ва шахс тарбиясига эътиборнинг давлат сиёсати даражасида бўлганлиги, ёшларнинг замонавий таьлим олиши учун яратилган имконият ва шароитлар бугунги ўзбек ёшлар эришаёган ютуқларда ўз аксини топмоқда. Тан олиш керакки, бу натижага эришишда И.А.Каримовнинг саьй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Бу қалбимизда ғурур уйғотиб, халқимизнинг шундай фидои фарзанди борлигидан фахр туйғуси, ёрқин келажак сари етаклайди. Биз ёшларнинг ўзлигимизни англаган ҳолда, аждодларимиз меросига муносиб ворис сифатида, мустақил давлатимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшиш олдимизда турган улкан бурчимиздир.

Адабиётлар

1. Шомуродова Н. Н. Этнопсихология. –Т., “Lesson Press”, 2017 йил. – Б. 60.
2. Каримов. И. Юксак маьнавият- енгилмас куч.Т.,”Маънавият”, 2016 –Б-83
3. Андреева Г.М. Социальная психология: учебник для высших учебных заведений- М., “Аспект Пресс”, 2003 –С.160-161
4. Каримов. И. Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал килувчи кучидир. Т., “Маънавият” 2015. –Б-32
5. Асқаров.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т., “Университет”, 2007-йил. Б-332
6. Асқаров.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т., “Университет”, 2007-йил.Б-319
7. Каримов И. Юксак маьнавият- енгилмас куч.Т.,”Маьнавият”, 2016 –йил.Б-17
8. Стефаненко.Т.Г.Этнопсихалогия. Учебник для вузов. М., Аспект Пресс, 2009.- 51 с.
9. Маргарид Мид. Культура и мир детства. Избранные произведения. Как растут на Новой Гвинее. –с 143.

ИСЛАМ КАРИМОВ - ОСНОВАТЕЛЬ НЕЗАВИСИМОГО УЗБЕКИСТАНА

Рузметова М.С. - студентка ТашИИТ
Темирова С.В. - преподаватель ТашИИТ

Каждый народ гордится своими национальными героями, яркими личностями, которые прославляли свою нацию перед другими народами. Наша узбекская земля, наш народ – не исключение. На этой земле жили и творили многие мастера своих дел, основатели современных наук, великие правители, разумные полководцы, деятели искусств. Как сказал И. А. Каримов: «Те, кто говорит, что мы безграмотный и бескультурный народ, не знают, что когда их прадеды ходили в отрепьях и с босыми ногами, наши предки уже считали звёзды и учили остальных лечить людей». Ярким примером героя нашего времени является Первый Президент страны Ислам Каримов. С произнесением его имени у нас в воображении возникает образ гордо поднятого флага независимого Узбекистана. Проделанная им работа не передаётся словами.

В конце 80-х и в 90-е годы узбекский народ был в крайне тяжёлом положении, особенно после знаменитого «узбекского дела». Оклеветанный народ находился в упадшем духе, люди не верили в своё будущее, но приход Ислама Каримова дал надежду народу. Общественной практикой доказано, что на изломах жизни любого народа, на крупных переломных этапах истории, народ вручает свою судьбу лидеру, наделённому особыми личностными качествами, лидеру, который самим фактом существования способен сплотить нацию, вселить в неё веру в успех возрождения и прогресса[1].

Узбекистан является общим домом для представителей различных наций и народностей. Издавна на этой земле проживают в мире и согласии с местным народом русские, таджики, казахи, киргизы, татары, туркмены и др. Равноправие всех граждан

установлено в Конституции страны. Мир, стабильность и толерантность в государстве, на мой взгляд, - это заслуга И.А Каримова. В своих трудах каждый раз он касался этого вопроса. Нашим бесценным достоянием и предметом гордости является единство, спокойствие и сплочённость народа[2].

С обретением независимости молодая страна отказалась от чуждых идеологий и приняла свою – идею расцвета Родины, будущее Узбекистана, его место и роль в мировом сообществе, выход страны на международную арену как полноправного её члена. И для этой цели И.А. Каримов разработал 5 принципов экономического развития государства, так называемую «узбекскую модель» развития, направленную на всестороннюю модернизацию и реформирование национальной экономики. Различие «узбекской модели» от других моделей состоит в том, что реформирование должно идти поэтапно, тем самым оберегая население от шоковой терапии.

В книге “Узбекистан на пороге достижения независимости” мы видим как приоритетные вопросы, связанные с достижением нашей страной независимости, обеспечением законных интересов и свобод нашего народа решались вместе с великими задачами внешней политики, касающихся обеспечения достижения нашей страной достойного места в мировом сообществе, его равенства среди равных. Это, в свою очередь, еще раз свидетельствует о том, как Ислам Каримов разработал комплексную концепцию всех задач по восстановлению и развитию государственности современного Узбекистана и осуществлял их в единстве, в тесной взаимосвязи, свидетельствует о том, насколько дальновидным политиком он является.

Первый Президент Узбекистана огромное внимание уделял нам - молодёжи. Будущее страны, бесспорно, молодое поколение, которое будет стоять у руля государства, продвигать его вперёд, прославлять нацию перед миром. В связи с этим, была проведена реформа в системе образования, делая её доступной для населения. По всей стране построены оздоровительные и спортивные комплексы, доступные всем. Результатом этих начинаний является признание молодёжи Узбекистана в мировом сообществе как одарёнными и талантливыми преемниками своих предков.

Такую же картину можем наблюдать и в жизни старшего поколения. Издавна на Востоке старших уважают и ценят их труд на протяжении их жизни. Почитание старших, забота детьми о родителях было отмечено Исламом Каримовым как отличительная черта узбекского народа, которая в последующем была включена в отдельную главу Конституции. Ежегодно увеличиваются пенсии, выделяются льготные путёвки в лечебно – оздоровительные санатории.

Ислам Каримов был уникальным человеком, наделённый особым даром. На Саммите ООН он единственный из всех лидеров государств предсказал об угрозе терроризма не только в центрально азиатском регионе, но и во всём мире. Доказательством этому являются теракты в Нью-Йорке в 2001 году. Мировое сообщество только после этого стало прислушиваться и уважать мнение Узбекистана и его лидера. Религиозный фанатизм или международный терроризм, по словам Каримова, порочат священное имя ислама. Мы должны правильно понимать и учить священную религию на основе великих деятелей прошлого.

В нашей стране благодаря созидательной и миролюбивой политики, проведенной И.А.Каримовым, в годы независимости наряду с многочисленными мечетями и медресе, построены христианские церкви, иудейские синагоги и созданы все условия для верующих по всей стране. Ведь, человек и его интересы - самое главное и ценное в жизни нашего общества.

Издавна наши предки возвеличивали и строили красивые города. Такие традиции продолжаются и сейчас. За последние десять лет облик современного Узбекистана не узнать. Вся эта работа велась под чутким руководством И.А. Каримова. Без сомнений его можно назвать архитектором всей страны. Города, центры областей, районы построены в сочетании восточного и современных стилей, при этом соблюдая наши национальные

традиции и обычаи. В сельских местностях строятся новые типовые дома для улучшения качества жизни населения. И соответственно, новые сельские и врачебные пункты, современные детские сады, школы, лицеи и профессиональные колледжи. А узбекского дехканина глава государства ценил особо, и говорил, что таким людям трудно найти равных во всём мире[3].

И.А. Каримова без сомнения можно назвать героем Независимости, которые рождаются раз в тысячу лет. Оставленное им наследие будет служить не одному поколению узбекистанцев.

Разработанная по инициативе Президента Шавката Мирзиёева Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, придала мощный импульс реформам, начатым под руководством И.А. Каримова. Данный документ по своей сути стал «дорожной картой» системных реформ во всех сферах жизни нашего общества.

Литература

1. И.А. Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. Т., 2015.
2. И.А. Каримов. Узбекистан на пороге 21 века. Угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Т., 1997.
3. И.А. Каримов. Узбекистан на пороге достижения Независимости. Т., 2011.
4. Левитин Л., Карлайл Д. Ислам Каримов – Президент нового Узбекистана. Т., 1996.

ВЗГЛЯДЫ И.А.КАРИМОВА О РЕЛИГИОЗНОЙ ТЕРПИМОСТИ НАШЕГО НАРОДА

Тигай М.В. - студент 4-курса ТашИИТ
Ш.К.Рахманова - к.ф.н., доцент ТашИИТ

Особая роль в духовно-нравственном воспитании молодежи принадлежит религия. Найти и связать тонкой нитью прошлое и настоящее и при этом отобразить его значимую роль в истории исламской цивилизации - этому можно только позавидовать. В этой связи уместно привести одно из выступлений Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова: «Ни для кого не секрет, что сегодня во всем мире усиливается интерес к исламской религии. Главная причина этого заключается в правдивости и чистоте, гуманизме и толерантности нашей религии, в призыве к добру и милосердию, в ее огромной роли и значении в доведении оправдавших себя жизненными испытаниями ценностей и традиций до грядущих поколений».

В современном Узбекистане эти качества обретают большую ценность как средство межрелигиозного диалога и взаимопонимания. Узбекистан является важной неотъемлемой частью мусульманского мира. В свою очередь исламские ценности сыграли важную роль в формировании нравственных устоев узбекского народа. На протяжении всей своей истории наша страна находилась на перекрестке торговых и культурных контактов различных народов и цивилизаций. А сосуществование на протяжении многих веков различных этносов, культур и вероисповеданий определили и конфессиональную терпимость нашего народа.

Благодаря решительным и последовательным мерам в вопросах межэтнических отношений и религии в стране прочно утвердились межнациональное согласие и межконфессиональное сотрудничество. Право каждого человека исповедовать любую религию или не исповедовать никакой обеспечивают Конституция Узбекистана и Закон «О свободе совести и религиозных организациях». В этих документах используется накопленный многовековой опыт. Одними из важных достижений Узбекистана за прошедший период, по мнению экспертов, являются политическая стабильность, межконфессиональное согласие и межрелигиозная толерантность в нашей стране. В республике созданы все условия для правового равенства, экономической и общественной свободы всех граждан независимо от их национальности и религиозной принадлежности.

Если говорить языком цифр, то на сегодняшний день в Узбекистане официально зарегистрировано свыше 2250 религиозных организаций, 16 различных конфессий. Функционируют 2000 мечетей, которых в 1980 году было всего 89. За годы независимости были построены и отреставрированы сотни церквей, синагог и молельных домов. Более 60 тысяч граждан Узбекистана за годы независимости совершили хадж в святые места и примерно столько же - умру (малый хадж). Только в этом году более 9 тысяч мусульман республики совершат паломничество в Мекку. Ежегодно более 150 представителей и других религиозных общин совершают паломничество к своим святыням в Израиль и Россию. Последователи представленных здесь конфессий живут в мире и согласии. За многие века совместного проживания в Узбекистане мусульмане, христиане и сторонники других традиционных религий не только выработали культуру и традиции толерантности, но и научились взаимопониманию и сотрудничеству. И это не просто слова, история донесла до нас исторические памятники различных культур и религий, являющие собой яркий пример сосуществования представителей различных конфессий.

Ислам исповедует большая часть населения региона, а его нравственные критерии во многом определяют нормы поведения. Однако высокие идеалы и гуманизм ислама нередко дискредитируются экстремистскими группировками. В этом контексте представляется весьма актуальным более глубокое изучение феномена толерантности этой религии, было подчеркнуто на форуме, ее общеисторического наследия, гуманистических традиций исламской философии и искусства, игравших важную созидательную, общественно-консолидирующую роль в истории народов Центральной Азии. Именно с этой целью Указом Президента Узбекистана Ислама Каримова в 1999 году создан Ташкентский исламский университет. Это крупнейший в регионе вуз, который готовит специалистов, владеющих прочными светскими и теологическими знаниями, современными технологиями. Действующие здесь Научно-исследовательский центр исламоведения, Информационно-ресурсный центр, современные компьютерные и лингафонные кабинеты, сеть Интернет способствуют дальнейшему обогащению молодежи знаниями. Также при университете действует отдел «Хранилище источников», который занимается сбором, упорядочением религиозных, научных и духовных ценностей, созданных в течение многих веков нашими предками. Главная цель - передать их в сохранности будущим поколениям. Здесь находятся 192 рукописи, которые относятся к разным отраслям, а также 655 литографированных и 131 современных редких печатных книг. Хранилище постоянно пополняется древними рукописями. Редкие книги университет получил в дар от Египта, Саудовской Аравии, Иордании и Кувейта. Восстановлением богатого религиозного, научно-теоретического наследия наших предков, глубоким его изучением и анализом занимается Научно-исследовательский центр исламоведения. Ученые центра занимаются изучением Корана и тафсиров, хадисоведения, истории и философии ислама, фикха (исламское право) и других наук. А разработанная здесь концепция преподавания учебных направлений по религиоведению и исламоведению в университетах и учебных центрах воспитывает в человеке такие понятия, как толерантность, веротерпимость, любовь к Родине, к духовным ценностям и великому историческому наследию. Показательным здесь может стать и огромный положительный опыт, накопленный за годы независимости в Узбекистане. За этот период молодое узбекское государство в корне изменило отношение к религии, рассматривая ее как часть культурно-духовных традиций своей страны. В наши дни возрождение духовных ценностей, толерантность поднялись до уровня государственной политики республики. Это подтверждается словами Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова: «Этническая, культурная и религиозная терпимость нашего народа еще один неиссякаемый источник духовного возрождения. На протяжении тысячелетий Центральная Азия была центром встречи и сосуществования самых различных религий, культур и укладов. Этническая терпимость и открытость стали естественными нормами, необходимыми для выживания и развития». В этой связи уместно привести одно из

выступлений Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова: «Ни для кого не секрет, что сегодня во всем мире усиливается интерес к исламской религии. Главная причина этого заключается в правдивости и чистоте, гуманизме и толерантности нашей религии, в призыве к добру и милосердию, в ее огромной роли и значении в доведении оправдавших себя жизненными испытаниями ценностей и традиций до грядущих поколений». Также в произведениях нашего Президента значительное место занимают такие понятия, как: «фальшивая идеология», «чуждые подстрекательские и разрушительные замыслы», «духовная угроза», «идейное давление», их содержание, смысл, реакционная сущность, социальные корни, способы их предотвращения, вопросы защиты народа от такого типа угроз. Можно сказать, Исламом Каримовым была создана концепция и способы борьбы против разрушительных замыслов, обоснованы её научно-методологические и практические стороны.

В заключение нужно отметить, что Узбекистан является важной неотъемлемой частью мусульманского мира. В свою очередь исламские ценности сыграли важную роль в формировании нравственных устоев узбекского народа. На протяжении всей своей истории наша страна находилась на перекрестке торговых и культурных контактов различных народов и цивилизаций. А сосуществование на протяжении многих веков различных этносов, культур и вероисповеданий определили и конфессиональную терпимость нашего народа.

ISLOM KARIMOV FAOLIYATIDA XOTIN-QIZLAR MANFAATLARI USTUVORLIGI

Tirkashev B. - TTYMI talabasi

Barchamizga ayonki, dunyoda davlat va jamiyatning nufuzi, madaniy darajasini ko‘rsatadigan mezonlar juda ko‘p. Lekin har qaysi millat va xalqning ma’naviy kamolotini yaqqol aks ettiradigan shunday bir mezon borki, u ham bo‘lsa, jamiyatning xotin-qizlarga bo‘lgan munosabati, hurmati bilan belgilanadi. Shu ma’noda, ayollarni ulug‘lab, ardoqlab, hurmat qilib yashaydigan xalq o‘zining yuksak madaniyati va olijanob qadriyatlarini amalda namoyon qiladigan va tasdiqlaydigan xalq sifatida obro’-e’tibor qozonadi, desak, mubolag’a bo’lmaydi. Hatto, Konstitutsiyamiznung 46-moddasiga o’zlari “Xotin-qizlar va erkaklar teng huquqlidirlar” degan moddani qo’shimcha kiritganlar.

Respublikamizning Birinchi Prezidenti Islom Karimov tashabbuslari bilan har bir yilga nom berish va shu nom asosida davlat dasturini amalga oshirish an’anaga aylangan edi. Xususan, 1998, 1999, 2000, 2001, 2007, 2008, 2010, 2012, 2014 yillarning nomlanishi bevosita yurtimizda mo’tabar ayollarimini ijtimoriy, huquqiy, moddiy va ma’naviy qo’llab-quvvatlashga qaratilganligi fikrimizning dalilidir. Bunday an’anani davomi sifatida 2017-yilni Prezident Shavkat Mirziyoyev “Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili” deb e’lon qildi. Bu ham yurtimizda xalq tinchligi va farovonligi yo’lida amalga oshirilayotgan islohotlar bugun hayotga tatbiq etilmoqda.

Mustaqillik yillarida O‘zbekistonimizni har tomonlama ravnaq toptirish, rivojlanishi, oldimizda turgan ezgu maqsadlarga erishish yo‘lida butun xalqimiz qatori xotin-qizlarimizning beqiyos hissasi borligini biz hamisha minnatdorlik bilan ta’kidlaymiz. Azal azaldan muhtarama ayollarimizga xos bo‘lgan mehnatsevarlik, mehribonlik, shukronalik va orastalik, ro‘zg‘orni, umuman, oila hayotini oqilona boshqarish fazilatlari yuksak tahsinga sazovordir. Ayni vaqtda davlat idoralari boshqaruvida va ijtimoiy-iqtisodiy hayotimizda – ishlab chiqarish, qishloq xo‘jaligi, ta’lim-tarbiya, sog‘liqni saqlash, ilm-fan, madaniyat,san’at kabi turli jabhalarda, xususan, Kadrlar tayyorlash milliy dasturi, “Sog‘lom ona – sog‘lom bola” singari butun dunyoda tan olingan dasturlarimizni amalga oshirishda opa-singillarimizning ibrat ko‘rsatib, samarali mehnat qilayotgani hammamizga ayon.

Shu borada birgina misol – mamlakatimiz istiqomat qilayotgan ya`ni barcha soha va tarmoqlarida mehnat qilayotgan aholining 50.5 foizini aynan xotin-qizlar tashkil etayotganining o‘zi ko‘p narsani anglatadi. Albatta, biz opa-singillarimizning mehnat va turmush sharoitlarini yanada yaxshilash, oila, onalik va bolalikni himoya qilish, farzandlarimiz, ayniqsa qiz bolalarning zamonaviy bilim va kasb-hunar, ilm-fan cho‘qqilarini egallab, hayotdan munosib o‘rin olishlari uchun boshlagan ishlarimizni izchil davom ettirishimiz kerakligini yaxshi tasavvur etamiz.

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev o’z ustozi Islom Karimov ishlarini mantiqiy davomi sifatida qabul qilgan “O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi” to’g’risidagi Farmonining uchinchi va to’rtinchi ustvor yo’nalishida respublikamizda aholi o’rtasida kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, xonadon xo’jaligini yuritish sohalarini rivojlantirish hamda fuqarolarni ijtimoiy qo’llab-quvvatlash masalalari ko’tarilgan. Shu bilan birga xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish masalasi ham harakatlar strategiyasining muhim bosqichi hisoblanadi. Mamlakatimizda xotin-qizlarni qo‘llab-quvvatlash, ijtimoiy himoya qilish, salomatligini mustahkamlash, har jihatdan yetuk yosh avlodni voyaga yetkazishga qaratilgan dasturlar hayotga izchil joriy etilayotgani barchamizga yaxshi ma’lum.

Davlat va jamiyatni boshqarishda xotin-qizlarning ishtirokini kengaytirish maqsadida O‘zbekiston milliy saylov qonunchiligiga kiritilgan o‘zgartishlarga muvofiq, siyosiy partiyalar tomonidan hokimiyat vakillik organlariga saylovlarda deputatlikka nomzodlarni ko‘rsatishda xotin-qizlar uchun kamida 30 foizlik kvota belgilangani, mamlakatingizda faoliyat ko‘rsatayotgan siyosiy partiyalar a’zolari safida xotin-qizlar ko‘payib borayotgani e’tiborga molik. Hozir Qonunchilik palatasining deputati 15 ayol (10 foiz) va 17 ayol (17 foiz) Oliy Majlis Senatining a’zosi hisoblanadi. Ijro organlarida ayollarning umumiy soni 3,4 foiz, sud organlarida esa 22,7 foizni tashkil qiladi.

O’zbekistonda keyingi paytlarda xotin-qizlarning ijro hokimiyati organlaridagi sonini oshirishga qaratilgan izchil harakatlar amalga oshirilmoqda. Masalan, oxirgi paytda ijro hokimiyati organlarida rahbarlik lavozimlarini 15 foiz xotin-qiz egallagan, ya’ni: Vazirlar Mahkamasida — 16,7 foiz; Qoraqalpog’iston Vazirlar Kengashida - 12,5 foiz; viloyatlar hokimlari va Toshkent shahar hokimi o’rinbosari lavozimida — 11,9 foiz.

Islom dinida “Ayol ham erkak kabi dindor bo`lishga, ibodat qilishga haqli va buyurilgandir...” deyiladi. Qiladigan amaliga qarab mukofotlanadi yoki jazolanadi. Jinsiyat farqi savobining kam bo`lishiga sabab emas. Qur`on ayol va erkakning tengligini e`lon qildi, undagi farzlar erkagu ayollarga barobar nozil qilingan. Islom dini ayollarga keng huquq va haqlar bergan. Muslima qulchilik ruhidan ozod bo`lishi kerak. Buning uchun u o`zining haq-huquqlarini bilishi va talab qila olishi kerak. Shuningdek Islomda iymondan keyingi farzi aynlardan biri ilm olishlikdir. Xulosa qilib aytadigan bo’lsak, Islom Karimov barcha nutqlarida ayollarimizga o’zining cheksiz hurmatini izhor qilib o’tar edilar.

ИСЛОМ КАРИМОВ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МЕЪМОРИ

Умаралиев А.А. - ТТЙМИ талабаси
Раматов Ж.С. – ТТЙМИ профессори

Тарихдан маълумки ўзбек халқи жуда кўп қалтис даврларни оғир синовларни ўз бошидан ўтказган. Истилолар, урушлар, ички низолар миллий давлатчилигимизнинг ўзига хос хусусиятларига салбий таъсир кўрсатди. Ана шундай тарихий жараёнларда илм-маърифат байроғини баланд тутиб жасорат кўрсатган аждодларимиз, мардлик фидойиликни ўзига шиор билиб, истиқлол эрк орзусида жонини фидо қилган ватандошларимиз миллий давлатчичилигимизни тиклаш мақсадида тинимсиз курашганлар. Ўтган асрнинг 80-90 йиллари Ўзбекистон учун жуда суронли ва қийин давр бўлди. Совет давлати ҳали ўзининг ҳукмронлик кучини йўқотмаган, унинг репрессив сиёсати давом этаётган, “пахта иши” деган туҳмат билан қанчадан-қанча одамлар ноҳақ

қамалган, тазйиқ ва таъқибларга учраган, халқ ўртасида тушкунлик, эртанги кунга ишончсизлик кайфияти, қўрқув ва ваҳима кенг тарқалган, ўта мураккаб ва оғир, Республика боши берк кўчага кириб қолган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекситон раҳбари сифатида майдонга чиқди. Иттифоқ парчаланиш арафасида турган, мамалакатни улкан сиёсий ўзгаришлар кутаётган паллада ўзбек халқига узоқни кўрадиган, фавқулодда вазиятларда тезкор қарор қабул қила оладиган, сезгир ва зийрак, моҳир сиёсатчи, довюрак, том маънода лидергина бошчилик қила оларди. Бу лидер сиёсий майдонга шиддат билан кириб келган Ислом Абдуғаниевич Каримов эди. Ҳаммаси ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилган, қоғозбозлик, буйруқбозлик, ёлғонлар авжига чиққан бир пайтда Ислом Каримов ишни нимадан бошлаш кераклигини, қандай йўл тутиш кераклигини билди. 1989 йил 23 июнь куни Ислом Каримов Республика раҳбари сифатида иш бошлади. Бу даврга келиб ўлкамизда узоқ йиллар давомида ҳукм сурган коммунистик мафкура ва фақат хомашё етказиб беришга асосланган бир ёқлама иқтисодий сиёсат ҳар бир соҳада ўзининг ҳалокатли салбий таъсирини кенг миқёсда кўрсата бошлаган эди. Тиним билмасдан мустақилликни қўлга киритишдек буюк мақсад йўлида хизмат қилган Ислом Каримов ўзининг кетма-кет чиқишлари, кескин танқидий ва амалий нутқлари билан мавжуд муаммолар ва уларнинг амалий ечимларини аниқ кўрсатиб берди. 1989 йил 24 июнь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Министрлар Советидаги катта мажлисда Ислом Каримов нутқ сўзлади. Бу нутқ Ислом Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги биринчи нутқи экани билан ҳам алоҳида тарихий аҳамиятга эга.

“Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” деб таъкидлаган эди Ислом Каримов. Таъкидлаш жоизки, ушбу чиқишлар халқимиз, жамиятимиз босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлини акс эттириши билангина эмас, аввало, бу йўлдаги оғир қийинчилик ва синовларни, ғов тўсиқларни бартараф этишга қаратилгани, мустақилликка эришиш жараёнлари биз учун нақадар машаққатли, ўта драматик ва ҳаяжонли воқеаларга бой бўлганини ёрқин акс эттириши билан ҳам алоҳида эътиборлидир. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг олтинчи сессиясида Ислом Каримов тантанали равишда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилди. Ўзбек халқи асрий орзу-мақсадига етди. Гуруч кўрмаксиз бўлмайди деганларидек, катта мақсадлар ва қувонч билан чиқилаётган йўлда фитна-иғволар, сиёсий жанжаллар режалаштирилди. Бу фитначилар Ватанимиз истиқлолининг асосий ташаббускори, мамлакатимиз мустақиллиги ва сувуренитетининг фидойиси ва кафолати бўлган инсонни раҳбарликдан четлатиш, унинг қанотини қайириш орқали халқимиз эндигина эришган тинч-осуда, озод ва эркин ҳаётга, ёш авлоднинг келажагига чанг солишдек разил мақсадларни кўзлашган эди. Уларнинг ғаразли режалари амалга ошмади. Ислом Каримов “Мустақил Ўзбекистон давлатининг сиёсати инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланади” деган дастурий ғояни бутун дунёга баён қилди ва Ўзбекистон ана шу сиёсий принципга қатъий амал қилиб келмоқда. Мустақилликка қадам қўйган Ўзбекистон бошига кўп синов ва қийинчиликлар тушди. Ўзбек халқи ўз Юртбоши бошчилигида бу қийинчиликларни сабот билан енгиб ўтди.

Ўзбекистон тинчлик ва барқарорликка асосланган сиёсатни амалга оширмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотлар йўлидан бормоқда. Барча ислоҳотларнинг негизида “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган эзгу тамойил ётади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсди, аҳоли яшаш шароити яхшиланди, ижтимоий ҳимоя масалалари янги босқичга кўтарилди, таълим- тарбия ва спорт соҳаларида оламшумул янгиликлар, ўзгаришлар рўй берди. Ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилди. Хусусий мулкчилик муносабатлари Қонун билан белгиланиб қўйилди. Саноат соҳасида катта ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Ўзбекистон нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди ва жаҳоннинг юксак минбарларидан туриб ўз сўзини айта олди. Қудратли, тезкор, ихчам, профессионал армия барпо этилди. Бу рўйхатни жуда узоқ давом эттириш мумкин. Барча эзгу ишларимиз,

ҳаракатларимиз “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш”дек улуғ пировард мақсадга қаратилган. Бугун шу азиз Ватанда яшаётган ҳар бир инсон тинчлик осойишталик билан кафолатланган. Зеро шу мустақил юртда азиздир инсон. Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилган ўзбек халқининг буюк фарзанди, мустақилигимиз меъмори, муҳтарам Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотираси қалбларимизда мангу қолади!

ISLAM ABDUGANIEVICH KARIMOV FIRST PRESIDENT OF UZBEKISTAN

Umarov I. - Student TIRE
Achilov O.R. - assistant TIRE

Islam Abduganievich Karimov, who has led independent Uzbekistan for 25 years, has developed a deeply thought-out strategy of building a democratic democratic state based on an open civil society and market economy and as a great statesman he has done so, enjoys high reputation both in our country and in the international arena. The preservation and strengthening of sovereignty and independence of Uzbekistan has always been a top priority for President Islam Karimov and became the core principle of his policy. The people of Uzbekistan regard all the achievements and results achieved in the years of independence as being connected with the First President's name and activity of the country. He is the author of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, rightly conforming to democratic requirements and international standards and became a real guarantor of practical application of life. In 1991, due to the catastrophic impact of the Uzbek cotton monopoly, the economy was fragmentary, poorly developed and poorly developed, and the living standards of the population were the most aggressive country. The Republic does not produce many types of vital goods, primarily grain and energy products, and their own needs.

Islam Abduganievich Karimov was a firm advocate of the idea that political independence can not be achieved without gaining economic independence. This is why the President has developed a program of radical reforming and structural transformation of the economy of Uzbekistan, which is known as the "Uzbek model" of development throughout the world on the five principles. The core of this model is the implementation of the strategic direction "Not for the Reformation, but for Man". Under the initiative of the head of our state, large-scale structural reforms have been implemented in Uzbekistan, such as petrochemical, chemical, automotive, agriculture and railroad engineering, pharmaceuticals, electrical engineering, textile industry and modern building materials industry. New industry-based industry-based industries have been built. Construction of unique industrial facilities such as Ustyurt and Shurtan gas-chemical complexes, Bukhara oil refinery, Kungrad soda plant, Dehkanabad potash fertilizer enterprise, automobile plants in Andijan, Samarkand, Tashkent and Khorezm provinces. was introduced. Angren-Pap railway line, Tashguzar -Baysun-Kumkurgan, which includes the modern road-transport and engineering-communication infrastructure, including a unique tunnel through the Kamchik mountain pass, the railway was built. High-speed trains have been launched from Tashkent to Samarkand, Bukhara and Karshi, international airports have been upgraded, international logistics center has been established on the basis of Navoi airport and the construction of the Uzbek national highway has been completed.

The fact that Uzbekistan is among the five fastest growing economies in the world has been a practical expression of reforms by President Islam Abduganievich Karimov.

“Islam Abduganievich Karimov was the organizer of the deep-rooted transformation in agriculture, the forming of a new class of proprietors - a farmer movement, the real owner of the land. His initiative is implementing a program to build standard houses that will not resemble world practice and will ensure radical transformation of the village image and ensure the quality and quality of the rural population”.[1]

[1] Sh.M.Mirziyoev, Sh.I.Salikhov, I.M.Mirzaalie - President of the Republic of Uzbekistan Islam Abduganievich Karimov. 2015.

Islam Abduganievich Karimov as the Supreme Commander-in-Chief of the Armed Forces radically reforming the independence of the Republic of Uzbekistan, its territorial integrity and the inviolability of the borders, the modern Armed Forces capable of confidently protecting the peaceful and tranquil life of our people, their combat potential and power provided. He developed and implemented the Concept of the Foreign Policy of the Republic of Uzbekistan, which is based on peaceful principles of non-interference in the internal affairs of other states and based on peaceful, political resolution of emerging conflicts and conflicts. The head of our state made a great contribution to the preservation of peace and stability in our region and throughout the world.

Our nation knows and appreciates Islam Abduganievich Karimov's wide-ranging creative work to radically change the image of Tashkent city of Tashkent, all cities and villages of our country on the basis of modern architectural requirements.

“Islam Abduganievich Karimov, for his great contribution to the establishment of sovereign and independent Uzbekistan, the contribution of the nation to the creation of a democratic state of law, to the maintenance of civil peace and national accord, and the heroic title of Hero of Uzbekistan, He was awarded the "Independence" and Amir Temur orders”.[1]

Islam Abduganievich Karimov was a real member of the Academy of Sciences of Uzbekistan. At the same time, he has been selected as a Honorary Doctor and Academician of many universities and academies for his contributions to the development of the economy, science, and education. He was also awarded with honorary titles, orders and medals from several foreign countries and authoritative international organizations. He loved his people with infinite love and dedicated his entire life to serving Uzbekistan until his later days.

The memory of the first President of the Republic of Uzbekistan, the great son of the Uzbek people, Islam Abduganievich Karimov, will remain forever in the hearts of all our fellow citizens and all our people.

Literature

1. The book ‘My First President’, published in English, consists of written works of the students of educational institutions - winners of the essay contest dedicated to the memory of the First President of Uzbekistan. Tashkent, 2017.
2. Sh.M.Mirziyoev, N.T.Yuldashev, N.M. Ismailov, R.R.Inoyatov, R.S.Azimov, D.A.Nazarmukhamedov, Kh.M.Sultanov, Sh.I.Salikhov, I.M.Mirzaalie - President of the Republic of Uzbekistan Islam Abduganievich Karimov. 2015.
3. Islam Karimov “Uzbekistan On the Threshold of the Twenty-First Century: Challenges to Stability and Progress” Published by Embassy of the Republic of, 1998.

“ЎЗБЕК МОДЕЛИ” - ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ВА МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ТАЪЛИМОТИ

Умаров У.Ҳ. - ТТЙМИ талабаси

“Мен учун ватан озодлиги, халқимизнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа саодат йўқ”.

И. А. Каримов

Ҳозирги жаҳон миқёсидаги тезкор глобаллашув ва интеграциялашув жараёни ҳамда ўзаро рақобат кучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон буларга бардош берибгина қолмай, тобора фаоллашиб, дунёдаги илғор давлатларга тенглашмоқда.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб, айни пайтда шарафли йўлимизга назар ташлар эканмиз, юртимиз озодлиги нақадар машаққатли ва

[1] The book ‘My First President’, published in English, consists of written works of the students of educational institutions - winners of the essay contest dedicated to the memory of the First President of Uzbekistan. Tashkent, 2017.

тинимсиз курашлар, халқимизнинг қандай оғир ва фидокорона мехнати евазига қўлга киритилгани, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Ўзбекистон собиқ иттифоқда аҳолининг турмуш даражаси, ижтимоий гуманитар соҳалар ривожи бўйича охирги ўринлардан бирида турар эди. Давлатимиз раҳбари томонидан ана шу ҳолатларнинг барчаси эътиборга олиниб, истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб дунё тажрибасини хар томонлама ўрганиш асосида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик хуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан яратилаган, дунёда "Ўзбек модели" сифатида тан олинган Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли, унинг афзалликлари ҳақида мамлакатимиз олимлари ҳамда жаҳондаги нуфузли сиёсатчи ва иқтисодчилар томонидан кўплаб ижобий фикрлар, юксак баҳолар билдирилган. Асосий негизини иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги; сиёсатдан устунлигини назарда тутадиган иқтисодий сиёсат; давлатнинг бош ислоҳотчилик вазифасини ўз зиммасига олиши; қонун устуворлигини таьминлаш; кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш; ислоҳотларни босқичма босқич амалга ошириш каби машҳур беш тамойил ташкил этадиган ушбу тараққиёт модели чиндан ҳам Ватанимиз мустақил, халқимиз озод, бой бадавлат бўлиши учун чуқур ўйланган ғоя ва назарияларга асосланган ўзига хос ҳамда миллий давлатчилигимизга мос жуда мукаммал ва универсал стратегик таълимот. У Ислом Каримовнинг бутун ижтимоий-сиёсий фаолияти, раҳбарлик қобилияти, тарихий, иқтисодий, маданий-маърифий, ғоявий-назарий, фалсафий-амалий дунёқарашлари, барча саъй-ҳаракатларини ўзида тўла-тўкис мужассамлаштирган ҳолда дунё бўйлаб эътироф этилди. "Ўзбек модели" тарихда инсоният учун намуна бўлиб қолган буюк тарихий шахслар ва давлат бошлиқлари танлаган йўллар билан тенглаша олади. "Ўзбек модели" фақат мустақилликдан кейинги сиёсий ва иқтисодий тараққиёт билангина боғланиши уни маълум бир соҳа ва муайян вақт доирасида чеклаб қўймоқда. Унинг тарихи, мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифаси, тарихда тутган ва тутаётган ўрни бундан хам улуғ, янада кенг ва чуқур. Модомики, "ўзбек модели" нинг муаллифи Ислом Каримов экан, бу модел бизнингча, уларнинг Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлган пайтдан бошлаб Миллат, Халқ, Ватан манфаати йўлида олиб борган фидокорона меҳнати, раҳбарлик фаолияти, ғоявий-назарий ва фалсафий дунёқарашлари, амалий саъй-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ эканлиги шубҳасиз.

"Ўзбек модели" ўз мазмуни, моҳияти ва вазифасига кўра, Ўзбекистонда барча соҳаларнинг янгиланиши ва тараққиётига асос бўлган соҳа моделлари мажмуидан иборат. Шунинг учун ҳам у бир томондан, универсал мазмундаги методологик таълимот бўлса, иккинчи томондан, глобал, умуммиллий инновацион лойиҳадир.

Адабиётлар

1. "Тараққиётнинг ўзбек модели" [ўқув қўлланма] - "Ижод дунёси", 2002.
2. Холбоев С. Янги тарих таълимоти // "Халқ сўзи" газетаси, 2001 йил 22 сентябрь.
3. Султонмуродов О. Янги аср таълимоти // "Тафаккур" журнали, 2001, 1-сон.

THE CONCEPT OF EDUCATING AND UPBRINGING YOUNG GENERATION OF THE FIRST PRESIDENT OF UZBEKISTAN ISLAM KARIMOV

Umirov O.U. - SamDCHTI talabasi

"Our children should be stronger, better educated, wiser, and certainly happier than us."

Islam Karimov

Islam Abduganievich Karimov was born on 30 January 1938 in Samarkand into a family of civil servants. He graduated from the Central Asian Polytechnic Institute and the Tashkent Institute of national economy, receiving degrees as an engineer-mechanic and economist.

The moment when he came to the center of events, it was a time when the country was on the brink of a civil war, bloodshed, ethnic and religious conflicts, in line with the scenarios that were implemented in the neighboring countries. In this difficult period, he, with his foresight, will and determination saved our people and country from this gloomy fate. It was then that our people acquired in the name of Islam Abduganievich Karimov a true leader with personal courage, indomitable will and vision of the essence of the ongoing extremely complex events, a special sense of responsibility for his country and people, for the fate of every compatriot. Heading the independent Uzbekistan for 25 years, Islam Abduganievich Karimov has attained a high authority in the country and in international community as an outstanding statesman, who has developed and implemented a deeply thought-out strategy of building a democratic constitutional state with a civil society and a market economy.

The peoples of Uzbekistan inextricably relate the great achievements of the country in the years of independence with the name and activity of the Head of our state. He is rightfully considered the author of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, fully meeting the democratic requirements and international criteria, and has turned into a true guarantor of its implementation. In 1991 Uzbekistan was a backward agrarian country with a hypertrophied one-sided economy, a cotton monopoly, destructively influencing it, extremely low level of people's standard of living. The country did not produce many kinds of essential goods, did not provide its own needs, primarily on grain and energy resources.

Islam Abduganievich Karimov was firmly convinced that the political independence may not be achieved without achieving economic independence. Accordingly, he developed a program of fundamental reforms and structural transformation of the economy of Uzbekistan, based on the well-known five principles, which has received worldwide recognition as the "Uzbek model" of development. The fundamental basis of this model was the practical implementation of the strategic priority - "The reforms are not for the sake of reforms, but for the sake of people [1]." Completely abandoning the old dogmas and stereotypes, a large-scale National program for cadres training and a radical reform of the education system on the basis of the most modern international standards have been developed and practically implemented on the initiative of Islam Karimov. Islam Karimov directly supervised the work on developing and realizing a fundamentally new system of education of the younger generation, radically changing the thinking and outlook of our youth, who are becoming the decisive force of country’s present and future.

To start with, it needs stressing that the education reforms program adopted fifteen years ago and dubbed the National Program for Training of Specialists stands as an inseparable and integral part of our own “Uzbek model” of economic and political reforms based on gradual and evolutionary principle of building a new society in the country.

The program, itself a product of an in-depth research and study, summary of the practice hoarded by advanced nations, aims to completely eliminate stereotypes and dogmas of the communist ideology imposed in the past, consolidation of democratic values in the minds of people, first and foremost among the growing generation. In a word, the program is directed at nurturing a comprehensively advanced individual with independence in thinking and outlook, with its own preferences and firm civic position in life. It was simply impossible to further that goal without radical reconstruction and transformation of the education system that had been there for many years.

Given that about 35 percent of Uzbekistan’s population is children under 16, more than 60 percent are the youths under 30, the role and significance of these reforms becomes clear and obvious.

In accordance with the adopted program, the 12-year universal compulsory and free education in Uzbekistan on the scheme 9+3 have been introduced. The fundamental characteristic of the model being built in our country is that following the nine years of study in a general school, during the ensuing three years young people attend specialized professional

colleges and academic lyceums where every one of them, along with the general disciplines, obtains vocational training on 2-3 professions in demand in the labor market.

The law secures that the 12-year education in Uzbekistan is mandatory and free for all, and is conditioned by the fact that the growing generation is obliged to receive a 12-year education, attain a concrete vocation and profession. This is particularly true for our girls. In this respect, we can frankly imply that in every newly created family, it is important that the young women have a certain profession, with their own views and their firm position in life.

"During the past years we have made strides enormous both in scale and depth to radically renew and transform the sphere of education. We have built anew, overhauled and supplied with the latest teaching and laboratory equipment about 9.5 thousand or practically all functioning general schools in the country, implemented fundamental measures to qualitatively and methodologically renovate the learning process [2]."

The general education in Uzbekistan is carried out in seven languages: Uzbek, Karakalpak, Russian, Kazakh, Kyrgyz, Turkmen and Tadjik.

More than 1,500 professional colleges and academic lyceums have been built, as Islam Karimov intended to engage the youth with the intensified educational process which would definitely fortify the knowledge of the future cadres. The advanced teaching and laboratory utensils, computer and production facilities available in the colleges allow the students not only to get a full scope of knowledge on general subjects, but also master the cutting-edge equipment and technologies. Important in reforming the learning process and training highly qualified specialists in demand in the labor market have been higher education institutions. Within the past few years their number has increased twofold and now there are more than 230 thousand students enrolled at 59 universities and other higher education institutions [2].

In Uzbekistan, thanks to our first president it has been set up the successfully functioning branches of the leading educational institutions of Europe and Asia with a high international repute and deep historical roots, including Westminster University, Management and Development Institute of Singapore, Turin Polytechnic University, Russian University of Oil and Gas, Moscow State University, Russian University of Economics. Bachelor's and master's majors in mechanical engineering, oil and gas business, information technologies, economics and business management, finance management, commercial law are taught in these higher educational institutions, and their graduates receive diplomas acknowledged across the globe.

The issues of broader involvement of young people in sports occupy a special place in implementing the National program for cadres training. The striking illustration of the aforesaid is creation of the Children's Sports Development Foundation of Uzbekistan funded by the state budget, sponsorship and charity moneys. During the last period about 1,500 state-of-the-art and generally accessible sports facilities for children have been built at the expense of this Foundation. Today practically each secondary school, college and lyceum has both an open air sports ground and indoor gyms and swimming pools with modern outfit.

The First Head of our state raised the respectful relation to the spiritual values of our nation, preservation and development of our sacred religion, traditions and customs, the priceless heritage to the level of state policy, greatly contributed to the increase of the authority of Uzbekistan in the international arena.

Islam Karimov infinitely loved the people of Uzbekistan and all his life, until the last few days, dedicated to the service of his country. The youth of Uzbekistan should be grateful for the deeds of their great ancestor.

The bright memory of the First President of the Republic of Uzbekistan, the great son of the Uzbek people Islam Abduganievich Karimov will remain forever in the hearts of our people and the grateful memory of our compatriots. Ultimately, the young generation are proud of having such an outstanding president, his deeds will be the model in our future career and his words will light my path as a torch.

Reference

1. Shavkat Mirziyoyev`s speech at the funeral of Islam Karimov Samarkand, News Agency of Uzbekistan 2016.
2. Islam Karimov at the Opening Ceremony of International Conference “Modern housing construction as a driving force of comprehensive development and transformation of rural areas, enhancing the living standards of population” at Tashkent’s Palace of Symposiums on April 17 2013.
3. Islam Karimov High spirit is invincible power Tashkent, 2008.

ARCHITECT OF INDEPENDENCE

Fayzullayev F.A. - Student of TIRE
Achilov O.R. - assistant TIRE

"In the most acute and dangerous period of our national history, when interethnic clashes and other contradictions have taken place, in our country there is a risk of civil war, the economy is deeply crushed, in short, when the old age is over and the new era begins, Islam Abduganievich It was an invaluable blessing for the people who created the election of the head of the republic". [1]

Shavkat Mirziyoyev

The founder of the Republic of Uzbekistan, the great statesman and politician, the dear son of the Uzbek people, the First President of the Republic of Uzbekistan, Islam Karimov, liberated the country from the tyranny of the regime and reestablished our national statehood. In historically short time, Islam Karimov transformed Uzbekistan into a modern democratic state with a rapid and steady pace. This truth is recognized by the whole world community.

In the first years of independence, the "Uzbek model" was developed by the First President of the Republic of Uzbekistan, "Uzbekistan is a great country", "Independence is right", "New house" the country that operates on the basis of such principles as "Do not destroy the old things without breaking", "Reforms are not for talk, but for man", "The Uzbek people will never depend on anyone," "Let us be free and prosperous" the parliament has developed a legal framework for building a democratic state and civil society. Our government worked effectively to ensure its execution.

Islam Abduganiyevich Karimov was the organizer of the deep-rooted transformation in agriculture, the forming of a new class of proprietors - a farmer movement, the real owner of the land. His initiative is implementing a program to build standard houses that will not resemble world practice and will ensure radical transformation of the village image and ensure the quality and quality of the rural population.

Islam Abduganievich Karimov as the Supreme Commander-in-Chief of the Armed Forces radically reforming the independence of the Republic of Uzbekistan, its territorial integrity and the inviolability of the borders, the modern Armed Forces capable of confidently protecting the peaceful and tranquil life of our people, their combat potential and power provided.

He developed and implemented the Concept of the Foreign Policy of the Republic of Uzbekistan, which is based on peaceful principles of non-interference in the internal affairs of other states and based on peaceful, political resolution of emerging conflicts and conflicts. The head of our state made a great contribution to the preservation of peace and stability in our region and throughout the world.

Under the initiative of Islam Abduganievich Karimov, the National Program for Personnel Training, a comprehensive program of reforming the education system for the most up-to-date international standards has been elaborated and implemented, completely abandoning old standards and criteria .

Islam Abduganiyevich Karimov directly guided the work on the organization and introduction of a new principal system of upbringing and upbringing of the younger generation, completely changing the mindset and outlook of young people, becoming the decisive force of today's and tomorrow's day.

During the years of independence in Uzbekistan under the direction of our President Islam Karimov has done a great deal of creative work. In the cities and villages modern houses on standard designs, educational institutions that meet the world standards, recreation parks, entertainment complexes, massive shopping complexes for the rest of the population. Many historical monuments that have been inherited from our ancestors have been repaired. Many large industrial and industrial enterprises such as the Asaka Automobile Plant, the Oil Refinery, the Shurtangazkimyo Complex, the Tashguzar-Baysun-Kumkurgan Railway Line, the Angren , As well as major railroad tunnels.

The Uzbek model ensures peace and reconciliation, we have consolidated our people, with a clear and precise determination of the goals and objectives in the Uzbek model, and the wise and effective measures taken by the president, the parliament and the government to achieve these goals. The country strengthened its independence and brought Uzbekistan to the world stage.

Since the early days of independence, Turkey has been active in international organizations. The policy of independence, peace, and cooperation that Islam Karimov put forward has contributed to the development of relations with foreign countries and further consolidation of our country's reputation on the international arena.

Uzbekistan's joining the United Nations and addressing Islam Karimov at the 48th session of the General Assembly was an important factor in this process. Our nation knows and appreciates Islam Abduganievich Karimov's wide-ranging creative work to radically change the image of Tashkent city of Tashkent, all cities and villages of our country on the basis of modern architectural requirements.

Islam Abduganiyevich Karimov, for his great contribution to the establishment of sovereign and independent Uzbekistan, the contribution of the nation to the creation of a democratic state of law, to the maintenance of civil peace and national accord, and the heroic title of Hero of Uzbekistan, He was awarded the "Independence" and Amir Temur orders.

Our nation has become a sovereign and independent state, has a strong place in the world community, the goals set in the early years of independence, and the great achievements made in the international arena, Today we all feel the true heart.

A number of efforts have been made to keep the memory of our first President bright and continue. In particular, the Republican Charitable Public Charity Fund named after Islam Karimov was established in 2016, one of the mosques in Tashkent was named as the Islamic Mosque, and sculptures were installed in Tashkent, Samarkand and Karshi.

The memory of the first President of the Republic of Uzbekistan, the great son of the Uzbek people, Islam Abduganievich Karimov, will remain forever in the hearts of all our fellow citizens and all our people.

Bibliography

1. Sh.M.Mirziyayev “Critical analysis of solids, discipline and personal responsibility need and head procedure volcanic activity” .2017.
2.I.A.Karimov. "Global financial and economic crisis, ways and measures to overcome it in the conditions of Uzbekistan". Tashkent. "Uzbekistan". 2009.
3. I.A.Karimov. "16 Years of Independent Development of Uzbekistan" brochure. Tashkent. 2007.

МЕСТО И РОЛЬ ПЕРВОГО ПРЕЗИДЕНТА ИСЛОМА КАРИМОВА В ОСУЩЕСТВЛЕНИИ ПРОЦЕССА МОДЕРНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ

Хаитбаев Ф.К. - студент 4-курса ТашИИТ
Рахманова Ш.К. - к.ф.н., доцент

В годы независимости первым Президентом страны Исламом Каримовым было основано направление образования, дающее возможность воспитать свободно мыслящего всесторонне развитого поколения, также данное направление будучи признанным одним из главных задач политики государства достигнул определенных положительных результатов. На этой основе 20 лет назад был принят и поэтапно внедрен в практику Закон

Республики Узбекистан “Об образовании” и Национальная программа по подготовке кадров. Принятие данных исторических документов оказало положительное влияние на интеллектуальное, социально-экономическое и культурное развитие страны и вместе с тем послужило методологической основой для повышения эффективности образовательного процесса и качества обучения. В особенности, дано глубокое значение внедрению восточной философии воспитания и образования как фундаментальная основа в осуществлении образовательных реформ. Слова И.Каримова “Нельзя отделять воспитание от образования и образование от воспитания – это восточная мудрость, восточная философия” служат ярким подтверждением вышесказанного.

«Развивающееся общество всегда создаёт острую потребность в «новых людях», т.е. в новой системе образования, которая, реализуя социальный заказ, должна осуществлять подготовку людей с новым мышлением». Это изречение В.И.Беляева перекликается с мыслями первого нашего Президента, который отмечает: «Мыслить по новому и видеть свою перспективу в укреплении демократических ценностей и интеграции страны в мировое содружество, само по себе является надежной гарантией необратимости коренных политических, экономических, духовно-нравственных преобразований в стране» [1].

Сегодня мы знаем, что демократия - это общечеловеческая ценность имеющая общие принципы, но тем менее это не универсальная модель, которая пригожа для всех времен и народов, независимо от их менталитета, исторических традиций, уровня развития. Наши представления о различиях демократии, то есть народовластии или как еще определяют в науке охлократии, где корень «охлос – толпа, а охлократия – давление толпы, неправомерное вмешательство в управление государством» в жизни подтверждены «цветными революциями» произошедшие в некоторых постсоветских республиках. Эти факты еще раз убеждают нас, что к оценке ННО и общественных организаций необходимо подходить дифференциально.

Сегодня мы также знаем, что от демократизации зависит дальнейшее углубление экономических реформ, развитие человеческого фактора и либерализация всей общественной жизни. Современные требования преподавания общественно-гуманитарных дисциплин в воспитании подрастающего поколения в духе здорового патриотизма, прогрессивных национальных и общечеловеческих ценностей приобретают сегодня особую актуальность. И для того чтобы молодое поколение сформировалось на основе национальной консолидации и плюрализме мнений, осознало общую национальную цель, общую национальную идею и научилось действовать строго в рамках не только юридических законов, но и моральных норм, требуются высококвалифицированные научные и педагогические кадры, соответствующие требованиям сегодняшнего стандарта.

На сегодняшний день в действующих в нашей стране высших учебных заведениях создана учебно-информационная среда, сущность и содержание которой расширяется. Это непосредственно связано с материально-технической базой образовательного учреждения, Ислом Каримов отметил, что по данному направлению “В течение 2011-2016 гг. в рамках программы модернизации материально-технической базы высших учебных заведений была осуществлена работа в 230 млрд сумов по строительству, реконструкции, капитальному ремонту и оборудованию 19 высших учебных заведений”. Это, в свою очередь, обеспечивает для всех субъектов образования пользование информационным очагом высшего образования и влияет на качество учебного процесса.

Реформа в системе образования, создание его новых государственных стандартов, пересмотр основ воспитания, процессы демократизации общества в целом направлены на то, чтобы создать необходимые условия для совершенствования человека. В свою очередь, свободно мыслящая, правильно понимающая социальную ответственность личность является важнейшим условием и основным субъектом развития экономики, демократизации общества, утверждения свободной и благополучной жизни. Ибо «человек

только тогда может полностью реализовать свой потенциал, выбрать отвечающий своим стремлениям путь, когда он мыслит свободно, живёт свободно» [2].

Чтобы независимость превратилась в подлинную свободу, необходимо проводить более углубленную реформу во всех сферах, в том числе и в образовательной системе. Институциональные преобразования в системе образования, сегодня требуют создания всесторонних условий (объективные и субъективные) которые способствовали бы сформированию у молодого поколения веру в себя, твердость убеждения, свободу мыслей и плюрализм мнений.

Учебно-познавательная деятельность обучающихся представляет собой целостный процесс усвоения системы научных знаний: формирование творческих умений и навыков путем пошагового продвижения в образовании; умственное развитие и воспитание от периода к периоду, от этапа к этапу, от одного учебного занятия к другому; от одной стадии учебного занятия к другой; от одной фазы стадии учебного занятия к другой посредством решения интеллектуально-насыщенных пороговых учебных задач в ходе коллективно-индивидуального, социально-профессионального взаимодействия педагога и студентов, а также студентов между собой.

Обучающая деятельность преподавателя заключается в создании организационно-педагогических условий для самостоятельной учебно-познавательной деятельности обучающихся, в оказании им педагогической поддержки и методической помощи, обеспечивающих гарантированное решение дидактических, развивающих и воспитательных задач на основе использования умственных, материализованных и материальных психолого-педагогических процедур, и системных комплексов методов, средств и форм педагогического взаимодействия.

Профессиональное образование до 1990-х годов практически не ориентировалось на профессиональное основание – предполагалось, что профессиональные намерения студентов учитываются уже при выборе ими специальности. В современных условиях, когда усиливается стремление студентов к творческой конкурентоспособности и саморазвитию, к получению более глубокого и разностороннего образования, возникает потребность в дополнительных образовательных услугах: в изучении отдельных курсов на повышенном уровне, в предоставлении студентам широкого спектра возможностей для самостоятельной углубленной профессиональной специализации.

Вторым основанием индивидуализации и дифференциации выступают познавательные возможности, особенности обучающегося. Существует множество точек зрения на то, от каких познавательных особенностей, обучающихся зависит успешность их учебной деятельности. По мнению психологов, сюда входят такие познавательные свойства личности, как обученность, обучаемость, развитость (умственное развитие), развиваемость, само обучаемость и саморазвиваемость.

Итак, мыслительная активность в познавательной деятельности проявляется в целенаправленном анализе и синтезе, в конкретизации и систематизации учебного материала, в овладении системой знаний, в выработке мировоззрения, представлений и понятий. Развитие творческой активности студентов характеризуется стремлением личности глубоко проникать в сущность изучаемых вещей и явлений, способностью вносить в процесс познавательной деятельности элементы новизны и творчества. Активность студентов рассматривается в тесной связи с самостоятельностью. Эти понятия дополняют друг друга, поскольку в самостоятельных действиях уже проявляются элементы активности личности, а проявление активности зачастую вызывает самостоятельность действий. Единство познавательных процессов и умственных способностей подразумевает творческое мышление. Творческое мышление – важная психологическая предпосылка наиболее рационального и эффективного выполнения студентами своих обязанностей.

Творчество складывается как процесс из осознанных и неосознанных компонентов: постановка вопроса, мобилизация необходимых знаний, личного опыта, выдвижение

гипотезы, определение путей и способов решения задачи, специальные наблюдения, эксперименты, обобщение получаемых фактов, оформление в виде логических образных, математических, графических, предметных структур. Важным условием создания активной позиции студентов в процессе обучения их мыслительная деятельность. Условием творческого мышления являются быстрота, гибкость, мобильность познавательных процессов (восприятие, память, воображение и др.), умственные операций (анализ, синтез, сравнения, обобщения, конкретизации и др.), формы мышления (понятия, суждения, умозаключения и др.). В педагогическом процессе только во взаимоотношении преподавателя со студентами творчество предполагает тонкость наблюдения за явлениями, избирательное запоминание существенного, волевое и умственное напряжение, эмоциональный подъём, яркое воображение, как студентов, так и преподавателей. Ибо первый Президент Ислам Каримов не без основания утверждал, что: «Новая эра является эрой высоких технологий и открывающихся перед нами новых знаний».

В заключение нужно отметить, что приобретенные в годы независимости достижения и ход процесса модернизации системы образования непосредственно связаны с именем Ислома Каримова.

Литература

1. Каримов И. Узбекистан: 16 лет независимого развития. С.24-25.

2. Каримов И. Наша высшая цель – независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. Кн.8. - Т.: Узбекистан, 2000. С.454.

3. Каримов И.А. Наш путь – углубление демократических реформ и последовательное продолжение модернизации страны. Т.: 2012.

4. Каримов И.А. «Наша главная задача – поднять на новый уровень реформирование и демократизацию общества, модернизацию страны» Доклад на торжественном собрании, посвящённом 23 годовщине Конституции Республики Узбекистан .Т.: «Узбекистан» 5 декабря.2015.

ISLOM KARIMOV – MUSTAQIL DAVLAT ASOSCHISI, BOSH ME'MORI

Xayitboyev B.X. - TMI talabasi

"Islom Karimov millatning haqiqiy yetakchisi sifatida ona xalqini, go'zal va betakror O'zbekistonni jonidan ham ortiq sevar, uning manfaatlarini himoya qilish va ro'yobga chiqarishni o'z hayotining bosh maqsadi, deb bilar edi. U kishi o'zining "Elim deb, yurtim deb, yonib yashash kerak", degan g'oyaga bir umr amal qilib, kelajak avlodlar uchun buyuk ibrat maktabini yaratdi"[1].

Mustaqil O'zbekiston davlatining asoschisi, buyuk davlat va siyosat arbobi, o'zbek xalqining ulug' va ardoqli farzandi, mamlakatimizning Birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimov Vatanimizni mustabid tuzum qaramligidan ozod qilib, halokat yoqasiga kelib qolgan yurtimizni qayta tikladi. Buyuk Yo'lboshchimiz g'oyat qaltis va tahlikali bir vaziyatda og'ir qiyinchiliklar va sinovlarga qaramay, tarixan qisqa davrda O'zbekistonni jadal va barqaror sur'atlar bilan rivojlanayotgan zamonaviy demokratik davlatga aylantirdi. Islom Abdug'aniyevich Karimov o'zining serqirra siyosiy faoliyati, olijanob insoniy fazilatlari bilan Vatanimizning ko'p asrlik tarixida o'chmas iz qoldirdi. U nafaqat O'zbekiston, balki jahon miqyosida katta hurmat va obro'-e'tiborga sazovor bo'lgan ulkan shaxs va arbob sifatida tanildi.

Birinchi Prezidentimiz hayot va faoliyatiga nazar soladigan bo'lsak, Islom Karimov 1938 yil 30 yanvarda Samarqand shahrida xizmatchi oilasida tug'ildi. O'rta Osiyo politexnika institute va Toshkent xalq xo'jaligi institutini muhandis-mexanik va iqtisodchi mutaxassisliklari bo'yicha tugatdi. Mehnat faoliyatini 1960 yilda Toshkent qishloq xo'jaligi mashinasozligi zavodida master yordamchiligidan boshladi. So'ng mazkur korxonada master, texnolog. 1961 yildan 1966 yilgacha V. P. Chkalov nomidagi Toshkent aviatsiya ishlab chiqarish birlashmasida muhandis, yetakchi muhandis-konstruktor bo'lib ishladi. 1966 yilda O'zbekiston Davlat plan komitetiga

ishga o’tib, bosh mutaxassislikdan respublika Davlat plan komiteti raisining birinchi o’rinbosarigacha bo’lgan yo’lni bosib o’tdi. 1983 yildan O’zbekiston SSR Moliya vaziri, 1986 yildan O’zbekiston SSR Ministrlar Soveti raisining o’rinbosari – respublika Davlat plan komitetining raisi. 1986 - 1989 yillarda O’zbekiston KP Qashqadaryo viloyat komitetining birinchi kotibi, 1989 yil iyunidan O’zbekiston KP MK birinchi kotibi. 1990 yil 24 martda O’zbekiston SSR Oliy Kengashining sessiyasida Islom Karimov O’zbekiston SSR Prezidenti etib saylandi.

1991 yil 31 avgustda tarixiy voqea – O’zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligini e’lon qildi. 1991 yil 29 dekabrda muqobillik asosida o’tkazilgan umumxalq saylovida Karimov O’zbekiston Respublikasi Prezidenti etib saylandi. 1995 yil 26 martda bo’lib o’tgan umumxalq referendumi yakunlariga ko’ra, Karimovning Prezidentlik vakolati 2000 yilga qadar uzaytirildi. 2000 yil 9 yanvarda u muqobillik asosida O’zbekiston Respublikasining Prezidenti etib qayta saylandi. O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 89 va 93 moddalariga muvofiq, Islom Karimov ayni vaqtda, O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Raisi, O’zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining Oliy Bosh qo’mondonidir.

O’zbekiston xalqi istiqlol yillarida erishilgan barcha yutuqlarni haqli ravishda Karimov nomi va faoliyati bilan bog’laydi. U sobiq sovet tuzumidan keyin paydo bo’lgan beqaror, notinch davrda O’zbekiston jamiyatida barqarorlik va ishonchni paydo qila oldi, xalqi oldiga millatni yuksaklarga ko’taradigan ulkan maqsad va vazifalar qo’ydi. Karimov O’zbekistonda amalga oshirilgan ulkan ishlar, tarixiy o’zgarishlarning tashabbuskori va rahnamosi, mamlakatning istiqol dasturini ishlab chiqqan va milliy taraqqiyot yo’lini belgilab bergan atoqi davlat arbobidir. Karimov demokratik talablar va xalqaro mezonlarga to’la javob beradigan O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining asosiy muallifi va uni hayotga tatbiq etishning kafolatidir. U markaziy hokimiyat va uning joylardagi bo’g’inlarini isloh qilish, davlat, jamiyat va inson munosabatlarini uyg’unlashtirishga qaratilgan yangi siyosiy-ijtimoiy tizim tamoyillarini ishlab chiqdi va amalga oshirdi. O’zbekiston xalqining o’ziga xos xususiyatlari hamda ilg’or jahon tajribalarini mujassamlashtirgan iqtisodiy islohotlarning yangi modelini ishlab chiqdi. Bu rivojlanish yo’li iqtisodiyotning siyosatdan ustunligi, qonun ustuvorligi, o’tish davrida davlatning bosh islohotchilik roli, islohotlarni bosqichma-bosqich amalga oshirish, kuchli ijtimoiy himoyadan iborat 5 tamoyilni o’z ichiga oladi va u dunyoda “o’zbek modeli” deb e’tirof etilgan. Karimov rahbarligi va bevosita ishtirokida O’zbekiston turli-tuman “sakrash”lar, “falaj qilib davolash”lardan voz kechib, bozor iqtisodiyotiga o’tishda o’ziga xos yo’ldan bordi va puxta o’ylangan dastur asosida mamlakat iqtisodiy poydevorini qura boshladi.

Islom Karimov jahon siyosat olamida hamisha ilg’or fikrlarni ilgari suradigan, tashabbuskor, o’z nuqtai nazarini qat’iy himoya qilib, oldiga qo’yilgan maqsadga erisha oladigan shaxs sifatida tanilgan. U sobitqadamlik bilan tinchlik va hamjihatlik siyosatini yuritib kelmoqda. Karimov yuksak xalqaro uchrashuvlarda birinchilardan bo’lib XXI asr vabosi hisoblanmish terrorchilikka va u bilan chambarchas bog’liq narkobiznesga qarshi faqat hamjihatliqda kurashish zarurligini, mazkur dahshatli tahdid manbalarini bartaraf etish va Markaziy Osiyo mintaqasida “xavfsizlik kamari”ni shakllantirishga qaratilgan chora-tadbirlar tizimini yaratish kerakligini ta’kidlab keldi. Xalqaro maydonda O’zbekistonning obro’-e’tiborini yuksaltirish, uning qadimgi boy madaniyati va bugungi ulkan salohiyatini dunyoga tanitishda buyuk xizmat qildi. O’zbekiston BMTga a’zo bo’lib kirdi, deyarli barcha nufuzli xalqaro tashkilotlar va mintaqaviy uyushmalarga qabul qilindi, 120 dan ortiq davlat bilan diplomatik aloqa o’rnatdi, o’zaro manfaatli hamkorlikni yo’lga qo’ydi. O’zbekiston o’zining tinchliksevar tashqi siyosati, Markaziy Osiyoda tinchlik va barqarorlikni ta’minlash, mintaqa mamlakatlari o’rtasida yagona iqtisodiy makonni vujudga keltirish, Orol dengizi muammolarini jahon hamjamiyati ko’magida har tomonlama hal etishga qaratilgan bir qator tashabbuslari bilan xalqaro maydonda tanildi, o’z nufuziga ega bo’ldi. Jamiyatda ma’naviy poklanish va yuksalishga erishish, eski aqidalardan xalos bo’lish, shu asosda milliy istiqlol g’oyasini yaratish va hayotga tatbiq etish uchun ma’naviy qadriyatlarga hurmat-ehtirom bilan munosabatda bo’lish, ularni

asrab-avaylash va rivojlantirish, xalqqa o’zining muqaddas dini, urf-odatlarini qaytarib berish, tarixiy merosini tiklash, sog’lom avlodni voyaga yetkazish vazifalarini Karimov yurtimizda davlat siyosati darajasiga ko’tardi. Karimovning XXI asr bo’sag’asida o’zbek millatining o’zligini anglashi, uning qadr-qimmatini joyiga qo’yish, o’zbek nomini butun dunyoga tarannum etishda qo’shgan hissasi ayniqsa beqiyosdir. U odamlarning tafakkurini o’zgartirish, ularning ongida yangi milliy g’oya, milliy mafkura asoslarini shakllantirish va mustahkamlash, kadrlar tayyorlash milliy dasturini yaratish va uni amalga oshirishga rahnamolik qildi. Mahallaning davlat va jamiyat boshqaruvidagi nufuzini oshirish, vakolat va huquqlarini kengaytirish, fuqarolarning o’z-o’zini boshqarish tizimi sifatida uni har tomonlama qo’llab-quvvatlash tashabbuskori bo’ldi. Karimov yangi turar joylar qurish, shu jumladan, ulug’ ajdodlarimizning qadam-jolarini obod qilish, iqtisodiy salohiyatni oshirishda katta o’rin tutadigan yirik-yirik korxonalarni bunyod etish, shahar-qishloqlar, avvalambor, poytaxt Toshkentning shakl-qiyofasini tubdan o’zgartirish ishlariga bevosita rahbarlik qilmoqda.

Islom Karimov mustaqil O’zbekiston davlati va davlatchiligini barpo qilish, demokratik fuqarolik jamiyati qurish asoslarini yaratdi, yangi asrda mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy yo’nalishlarini ishlab chiqdi, yorug’ istiqbol yo’lida xalqni birlashtirib, uni ulug’ maqsadlar sari boshlab bormoqda.

Islom Karimov bilan bir necha yillar yelkama-yelka turib ish olib borgan, uning islohotlarini izchil davom ettirayotgan O’zbekiston Respublikasining Prezidenti Shavkat Mirziyoyev “Milliy tariximizning eng keskin va tahlikali yillarida, millatlararo to’qnashuvlar va boshqa ziddiyatlar avj olgan, mamlakatimizda fuqarolar urushi xavfi yuzaga kelgan, iqtisodiyot chuqur inqirozga uchragan, bir so’z bilan aytganda, eski zamon umri tugab, yangi zamon boshlanayotgan bir paytda respublika rahbari etib Islom Karimovning saylanishi yaratganning xalqimizga bergan bebaho marhamati bo’lganini”[2] ta’kidladi. Shavkat Mirziyoyev “O’zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Abdug’aniyevich Karimovning xotirasini abadiylashtirish to’g’risida”[3]gi qarori e’lon qilindi va uning xotirasini abadiylashtirish bo’yicha ko’plab ishlar amalga oshirilmoqda.

Adabiyotlar

1. Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil 31 avgust, Toshkent shahrida O’zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov haykali ochilish marosimidagi nutqi.
2. Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis Qonunchilik Palatasi va Senatining qo’shma majlisida so’zlagan nutqi. Toshkent, 2016 yil 8 sentabr.
3. “O’zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Abdug’aniyevich Karimovning xotirasini abadiylashtirish to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, Toshkent shahri, 2017 yil 25 yanvar.

ISLAM ABDUGANIEVICH KARIMOV IS THE CREATOR OF INDEPENDENCE

Xasanov D. - student of TIRE
Achilov O. - assistant TIRE

After independence, our country has undergone radical reforms in all spheres of our society, as well as improving the moral, spiritually mature and spiritually mature people on the basis of developed democratic states in various fields. This is evidenced by the radical changes in the spheres of genuine humanism, patriotism and spiritual-enlightenment in social life.

The basis of socio-economic development lies in human perfection. The main factor and means of human perfection are education. The first President of the Republic of Uzbekistan, Islam Karimov, said: "The feeling of love for the country, the homeland, the humanitarian sentiments is the eternal property of our people. The preservation and further improvement of such unique human qualities, the issue of upbringing our children as worthy sons and daughters of Uzbekistan should be the main focus of our work in the field of spirituality "

First task of the head of the Republic of Uzbekistan I.A. Karimov emphasized this task and emphasized that the issue of raising the morale of the nation, moral and spiritual upbringing of people is one of the most important tasks of the head of state. The head of state's attention to this issue was timely, as the Soviet regime had to collapse and shaped the image of an independent state, regained its 130-year political commitment. It was obvious that the ideas of socialism were violently introduced to the life of our people, and they served to corrupt our people. The progress of the future will be solved by spiritually mature people. However, it is also necessary to pay a special attention to the spirituality, as well as to democratization of the society, economic reform and deepening of the state system.

In a number of speeches, the head of state noted that "high spirituality is the future of the future", as well as the achievements made in this area. "The main task now is to educate people to think independently, to have confidence in themselves," I.A Karimov said. To that end, each of us should "critically assess our way" and "return to the roots of our great culture, to the roots of our ancient heritage, and apply the rich traditions of the past in the construction of a new society."

Indeed, it should be noted that almost every speech of Uzbek President Islam Karimov focuses on the issue of spirituality; each book has a separate chapter. These gatherings were first published in 1994 as a book titled "Independence and Spirituality". In 1997-1998, the nomination "On the way to spiritual growth" was republished in Uzbek and Russian languages.

In addition, it is necessary to mention the President's speeches, questions and interviews at a number of meetings. In particular, the President of the Republic of Uzbekistan, "Spiritual heritage power", "The people unites the interests of the Motherland", "Highly qualified specialists - the factor of development", "The Motherland is precious in everything", "Restoration of spiritual values and national consciousness" "The ideology of our society is to serve the people and the nation", "There is no future without historical memory", "National ideology of independence - belief in people's faith and great future", " , as well as important ideas and ideas on the issues of spirituality, raising the spiritual outlook of our people.

In the spring of 1994, the President issued a decree on the establishment of the Republican Public Center for Spirituality and Enlightenment. In September 1996, another Decree on Further Improvement and Efficiency Improvement of the Center was issued and a special resolution was issued by the Cabinet of Ministers. Finally, in 1999, it was transformed into the Republican Spirituality and Enlightenment Council.

In fact, independence is a blessing. Since the history of the peoples of the world is known, independence is not a simple matter for any people, it has never been easily achieved. The organization of the specialty "Fundamentals of spirituality" under the special department of the History Department at Tashkent State Pedagogical University named after Nizami is a vivid indication of the serious attention being paid to this area. Our course is also about this subject, and after independence, our attention to our national spirituality is considered as a matter of state policy and dedicated to the ongoing spiritual reform in our country. Of course, this problem is very serious and complicated, except for the possibility of a complete solution within the course course. Even so, the first attempt was made as possible.

The last decade of the twentieth century has been in the history as a major change in human history. From that time on, global changes and changes have taken place in the life of the world, including in the life of Uzbekistan. Updates in all aspects of society's life have begun to create opportunities that can greatly affect the change in human life and society's growth.

The reforms being implemented in Uzbekistan over the years of independence have expanded the opportunities for the formation of citizens with profound outlook, high thinking and spirituality, which will determine the life and development of the society. Speaking about the need for modernization of the society and the importance of spirituality in this process, the first President of the Republic of Uzbekistan IA Karimov said: "Today in our country new life, the foundation of a new society, Formation is a very important issue for us"

The effectiveness of the reforms being implemented in order to upgrade the society through independence will be strengthened primarily by the revival of the rich spirituality of our people, the preservation of the fundamental foundations of our national spirituality, the further development of our spirituality, it is also closely connected with the change in the thinking of time. All this is the result of the peace and stability in our country, the peace of our people, the noble and selfless labor of our people.

Literature

1. The book 'My First President', published in English, consists of written works of the students of educational institutions - winners of the essay contest dedicated to the memory of the First President of Uzbekistan. Tashkent, 2017.
2. Sh.M.Mirziyoev, N.T.Yuldashev, N.M. Ismailov, R.R.Inoyatov, R.S.Azimov, D.A.Nazarmukhamedov, Kh.M.Sultanov, Sh.I.Salikhov, I.M.Mirzaaliev - President of the Republic of Uzbekistan Islam Abduganievich Karimov. 2015.

BIRINCHI PREZIDENT ISLOM KARIMOVNING BOSHQARUV USLUBI

Ismoilov A. - O'zMU talabasi
Shonazarov Sh.B. - O'zMU

Mustaqil O'zbekiston – xudoning nazari tushgan, jannatmakon o'lka haqida gap borganda, bevosita Islom Abdug'aniyevichni esga olish o'rinli bo'ladi, albatta. Aynan XX asr oxirida jahondagi olamshumul yangilik, tarixiy voqeani asosiy tashabbuskori bo'lib, mardlar minbariga shaxdam qadamlari bilan chiqib, o'z davrining yangi alohida mustaqil davlatini tuza olgan o'zbek xalqining haqiqiy ma'nodagi sohibqironi Islom Abdug'aniyevich Karimov bo'ldi. Markaziy Osiyo xalqlari orasida o'zining munosib o'rniga, o'ziga xos boshqaruv pozitsiyasiga (uslub) ega bo'lgan davlat rahbarlaridan biri Islom Abdug'aniyevich Karimovdir.

1991-yil 31-avgust kuni I.Karimov tarixiy voqea – O'zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligini e'lon qildi. 1991-yil 29-dekabrda muqobillik asosida o'tkazilgan umumxalq saylovida I.Karimov O'zbekiston Respublikasi Prezidenti etib saylandi. Aynan Islom Karimov O'zbekistonning mustaqilligini e'lon qildi-yu, go'yoki butun o'zbekistonliklar uchun bir necha yillardan buyon yiroqlashib, uzoq-uzoqlarga uchib ketgan baxt qushi qaytib boshimizga qo'ndi. O'sha mudxish, ayanchli, shavqatsiz raxnamolar qo'lida bir necha yillar azob chekkan xalqimizning haqiqiy ma'nodagi orzusi ushalishining tashkilotchisi Islom Abdug'aniyevich bo'ldi. O'zbekiston Respublikasining Prezidenti lavozimiga saylanar ekan, o'sha kunning o'zidayoq I.A.Karimov o'zining o'ta mas'uliyatli lavozimga saylanganligini his etib, mustahkam matonat,qat'iy ishonch bilan faoliyatga kirishdi. Hozir bemalol ayta olishimiz mumkin,prezidentimiz mustaqil O'zbekistonning gullab yashnashi, dunyo miqyosida tanilishi,xalqaro davlatlar orasida o'zining munosib o'rnini egallashidagi yutuqlarini oldindan sezib,davlatimizning bir necha yuz yillik dasturlarini oldindan tuzib qo'yganligini guvohi bo'lamiz. Islom Karimov mamlakatni boshqarishda har bir sohaga u ijtimoiy bo'ladimi, siyosiy bo'ladimi, madaniy-ma'rifiy bo'ladimi, hamma-hammasiga o'zining teran fikrlarini ayamasdi. Islom Abdug'aniyevich ko'p aytar edilar: "Biz musaffo dinimizni hamisha hurmat qilamiz". Din bilan aqidaparastlik butunlay boshqa-boshqa narsa ekanligini anglashimizda muxtaram Islom Abdug'aniyevichning xizmatlari beqiyos. Bugungi yoshlar buning farqini yaxshi tushuna boshladi. Bizning dinimiz — tariximiz, madaniyatimiz bilan chambarchas bog'liq. Sho'ro davrida Qur'ondan xabardor bo'lish, ilmiy ish qilish uchun Krachkovskiyning ruscha tarjimasini o'qishga markazdan ijozat olish kerak bo'lgan ekan. Vaholanki, Krachkovskiyning tarjimasini o'qib, hech narsani tushunib bo'lmaydi. Bu tarjima Qur'on to'g'risida tasavvur ham uyg'otmaydi. Ne baxtki, Islom Karimov respublikamizga rahbar bo'lgach, hali mustaqillik e'lon qilinmasdan «Sharq yulduzi» jurnalida Qur'oni Karim o'zbek tilida nashr etildi. Istiqlolning dastlabki shamoli xalqimizga Quro'nni, dinni tanitdi. Muxtasar qilib aytganda, Islom Karimov O'zbekiston davlati va davlatchiligini barpo qilish, demokratik fuqarolik jamiyati qurish asoslarini yaratdi, mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy yo'nalishlarini ishlab chiqdi,

yurtimizning yorug' istiqboli yo'lida ko'pmillatli xalqimizni birlashtirib, uni ulug' maqsadlar sari boshlab bordi. Yana shuni alohida ta'kidlash kerakki, Islom Karimov barcha qatlamga va, ayniqsa, yoshlarga nihoyatda katta e'tibor qaratar edilar. O'zbekiston kelajagi bo'lgan yoshlar haqida Prezident I.A.Karimov o'rnak bo'ladigan, oltinga teng fikrlarini bir nechtasini aytib o'tgan edi. ("O'zbekiston kelajagi-buyuk davlat", "Farzandlarimiz bizdan ko'ra kuchli,bilimli,dono va,albatta,baxtli bo'lishlari shart" ,"Bizlar o'zimizdan keyingi avlodga ozod va obod vatan qoldirishimiz kerak!") Bu kabi fikrlarni sanamoqchi bo'lgan har bir kishining adashib qolishi tabiiy hol, albatta! Men ham o'zbek o'g'loni, O'zbekiston bolasi sifatida bobomiz I.A. Karimovning 25 yil davomida adolatli tarzda olib borgan prezidentlik faoliyatlariga ming-minglab tasannolar aytaman. Shu aziz inson, shu ulug' zot boshlab bergan yo'ldan qadam tashlab keldik. Shukurlar bo'lsin, hech bir millatdan kam emasmiz. Yana aytishimiz mumkinki, bobomiz har bir gaplarida ma'naviyatga alohida ta'rif berar edilar. Shu ruxda biz yosh avlodni ham tarbiyaladilar. Yangi davr odamlari uchun yangidan-yangi innavotsion g'oya va fikrlar bilan nutq minbariga chiqar edilar. O'zining keskin tanqidiy va amaliy ruxi bilan ajralib turadigan shu kabi ma'ruzalarda respublika rahbari O'zbekistonda vujudga kelgan o'ta murakkab ijtimoiy-iqtisoiy vaziyat va uning sabablarini chuqur tahlil qilib, achchiq va haqqoniy bir xulosaga keladi. "Biz bundan buyon eskicha yasholmaymiz,bunday yashashga zamonning o'zi yo'l qo'ymaydi**.**"[1] Bunday ibrat bo'ladigan fikrlar bilan bir qatorda ayrim mas'uliyatsiz rahbarlar uchun ham muxtaram birinchi Prezidentimizning aytib o'tgan dakkili gaplari o'z vaqtida o'z samarasini bermay qolmasdi.

Islom Abdug'aniyevich Karimov kuchli siyosiy boshqaruvi bilan bir qatorda, ajoyib tarixchi, iqtisodchi, notiq hamda o'z oilasi, o'z xalqi uchun mehribon ota ham edi. Mustaqilligimizning ilk kunlaridanoq o'zbek xalqining suyukli yo'lboshchisi bo'lgan I.A.Karimovning kitoblari xalq ommasiga taqdim etila boshlandi. Shulardan "O'zbekiston: milliy istiqlol,iqtisod,siyosat,mafkura" (1996), "Bizdan ozod va obod vatan qolsin" (1996), "Vatan sajdagoh kabi muqddasdir" (1996), "Vatan ravnaqi uchun har birimiz mas'ulmiz" (2001), "Biz tanlagan yo'l-demokratik taraqqiyot va ma'rifiy dunyo bilan hamkorlik yo'li" (2003), "O'zbek xalqi hech qachon hech kimga qaram bo'lmaydi" (2005)" "Yuksak m'naviyat-yengilmas kuch" (2008), "Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi,O'zbekiston sharoitida uni brtaraf etishning yo'llari va choralari" (2009), "O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida" (2011), "Erishgan marralar bilan chegaralanmasdan,boshlagan islohotlarimizni yangi bosqichga ko'tarish-bugungi kundagi eng dolzarb vazifamizdir" (2015) kabi to'plamlar, ayniqsa, biz yoshlarning ertangi turmushimizda asosiy manba sifatida xizmatga kelmoqda. Shu qatorda aytish o'rinliki, "Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch" asarida inson hayotida juda as qotuvchi juda-juda qimmatli fikrlar o'rin talashishgan. Masalan, a) "O'z tarixini bilmaydigan, kechagi kunini unutgan millatning kelajagi yo'q", b) "Ma'naviyat-insonni ruxan poklanish,qalban ulg'ayishga chorlaydigan,odamning ichki dunyosi,irodasini baquvvat,iymon-e'tiqodini butun qiladigan, vijdonini uyg'otadigan beqiyos kuch uning barcha qarashlarining me'zonidir"[2]. Oltinga teng bu kabi qimmatli fikrlarning haqiqiy ijrochisi Islom Abdug'aniyevich chin ma'noda oqil, halol va pok inson edi.

AVOIDING FROM INFORMATION ATTACKS

Shukurjonov S.Sh. - Student of TIRE

Nowadays, it is only a few seconds to get enough information about what is happening in the world. We can get any information on any topic on the Internet. The Internet has become a global network for several decades. As a result, it has created a communicative society. But there is another side of the coin. As our first President Islam Karimov said, "Today, along with the global economic struggle, the ideological confrontation is intensifying. Ideological struggle is primarily a political struggle. It is normal for each country to have political, economic, and moral

[1] Islom Karimov. "O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida" Toshkent, "O'zbekiston" 2011. 5-bet.
[2] I.A. Karimov "Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch" T., 2008. 13-b.

benefits. Among these, the spirituality and interests are the most important faces"[1]. Consequently, under the prevailing globalization, ideological struggle and information attacks are seen as the most effective struggles. In some countries getting into the virtual world and ideological struggle are creating its negative aspects. The number of the people who doesn't care about their time, money, even their health to use the computer services is increasing. Today using the Internet of youth, especially children and teenagers, can be compared to this situation. But who can say that they are reading and using the right informations on the internet? It is the main problem. So how can we avoid from fake informations and information attacks?

When it comes to figuring out if a story comes from a reliable source, you have to find out who's publishing the story, firstly. If you're reading on a site that's new to you, hunt around for the site's About Us page and see if it's a satirical or joke site. While satirical stories are not exactly the same as purposely fake news, they can often be mistaken for real news when shared across social media. As a first step, you should weed out any satire. Secondly, you should check background of the journalist. You should also research the article's author. Pay attention to who is telling the story, not just where it's published. Journalists tend to make their backgrounds public. Check out his or her social media accounts and other work, and find out what he or she typically writes about. If his or her other stories seem suspicious or opinionated as opposed to fact-based, take the article you're reading with a grain of salt. The next job is going to the source. Have they been quoted elsewhere, on a site you're familiar with and trust? Are they listed on their organization's website? Is there other press that talks about the sources? If so, check to see if what the article is saying matches what is presented elsewhere. If not, there's a chance the quotes have been manufactured, especially if the person quoted is a high-profile figure. Besides these, finding out what other reporters are saying is also most important. If the story seems too good to be true, it probably is. Research what other people are saying about the article. Journalists are extremely prolific social media users, so if a big story hits, they're going to be talking about it. If they're not, you've probably found yourself reading fake news. It's also important to note the difference between news stories and opinion pieces or columns. This might sound like it's overly simplistic, but oftentimes the opinion pieces will have the writer's photo on it or there will be a name to the column, but you don't see that in a news article. You also shouldn't hear the writer's opinion in a news piece. They should be presenting both sides of the story, even if they're writing about the side you agree with. And of course, the usefull way of avoiding from information attacks is not to doing ignore another informations. When you read the right source on the site, something unusual that appear to be attractive or pornographic are displayed on the screen. Do not pay attention to these ads that control your spiritual power. Getting unnecessary information is a waste of your resources.

By using these methods you will able to defend yourself. But I think, the best way for this problem is to learn from adults what is good or bad and to form a culture of using the Internet. Our most reliable persons in this matter are our parents and teachers. As a clear example of my thoughts I would like to emphasize that the first president of the Uzbekistan Islam Karimov used the concept of "ideological polygon" in his answers to the "Tafakkur" magazine: "In today's world, polygons of ideology are more powerful than nuclear poles. This aspect of the letter is always a warning that if it is military, economic, and political pressure, it can be perceived, avoided, but quickly understanding the ideological pressure, its influence and consequences is very difficult… If a nuclear weapon can be used, there will be no survival of any of their effects - they will be burned and dried up in life. But nuclear weapons can only destroy a certain area. Ideological weapons do not have borders. They all go into the hearts of the people, regardless of their nationality, language, religion, or language, in the form of the Internet, TV and radio channels, books, movies and TV shows that ruin their spiritual world."

Literature

[1] Islom Karimov. Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng oliy saodatdir. – T., "O'zbekiston", 2015. 297-bet.

1. Islom Karimov. Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish – eng oliy saodatdir. – T., "O'zbekiston", 2015.
2. Islom Karimov. Donishmand xalqimizning mustahkam irodasiga ishonaman. "Fidokor" gazetasi, 2000-yil 8-iyun.
3. Jennifer Peters. Journalist's tips for avoiding fake news. 12.05.2017.

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ И.А.КАРИМОВ -ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЧИСИ ВА ЕТАКЧИСИ

Эргашева Ш.А. - НДКИ талабаси

Жаҳон цивилизациясида алоҳида ўрин тутадиган, кўп асрлик бой тарихга эга Ўзбекистон диёрида бутун дунёга машҳур олимлар, давлат арбоблари етишиб чиққан. Буюк халқ, буюк эл буюк зотларни яратади.

Халқимизнинг кўп йиллар давомида олиб борган матонатли кураши натижасида қарор топган мустақил Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган одил, ҳаққоний демократик жамият қуриш стихияли (кўр-кўрона) равишда эмас, балки жаҳон тараққиётининг, чунончи, буюк заминимизда яратилган тарихий тажрибаларга, ғояларга, маърифий-илмий тараққиётга амал қилган ҳолда рўёбга чиқди.

Ўзбекистон мустақиллик томон йўл тутар экан 1989-йилнинг ёз ойлари ва 1990-йилнинг баҳорида Ўзбекистон ҳаётида унинг раҳбарлигида бурилиш даври бўлди. Худди шу пайтларда ўзбек ҳалқининг тақдирини ҳал қиладиган тараққиёт йўллари ишлаб чиқилди. Хусусан, тенг ҳуқуқли Мустақил Ўзбекистоннинг инсон манфаатини ҳимоя қилиш устувор вазифа деб мақсад қўйган демократик йўлда ривожланиши бош стратегик йўналиш деб белгиланди. Ана шу йўлнинг бошида, 1989-йилнинг июнидан Ўзбекистоннинг раҳбари, 1990-йилни мартидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти сифатида Ислом Абдуғаниевич Каримов турди.

Советларнинг кучи тугаётган ва аламини кимдан олишини билмай турган бир пайтда коммунистик мафкура ва амалиётнинг ҳаётга зид томонларини икир-чикиригача тушуниб етган ва дадил ошкора қила биладиган жасоратли, довюрак И. Каримов ўша чириб бораётган тизим учун "иттифоқчи республикаларда энг хавфли" шахсга айланди.

Асрларга тенг қисқа вақтда Ўзбекистонда эришилган ютуқлар, хусусан, мамлакатда ўрнатилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик, тарихий, диний, миллий қадриятлармизнинг тикланиши, жамиятда ўрнатилган осойишталикни, мустақил Ўзбекистон республикасининг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрнининг ортиб боришини бутун ҳалқимиз, жаҳон жамоатчилиги Ислом Каримов номи билан боғлайди.

Дунё мамлакатларида янги жамият қуришнинг "Ўзбек модели"га унинг асосчиси ва етакчиси Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сиёсий чизмасига қизиқиш ортиб борган. Америка Қўшма Штатларида чиқадиган нуфузли "Новое русское слово" ҳафтаномаси (Қаранг: "Московские новости". 4-сон, 1993-йил 10-октабр). Ўзбекистон Президенти И.Каримовни Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг кўп раҳбарларига намуна қилиб кўрсатади ва БМТ Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, Ўзбекистон Президентининг ижтимоий-сиёсий фаолиятига эътибор беришга ва унинг тажрибаси билан нотинч мамлакатларнинг давлат раҳбарларини таништиришга чақиради. 1996 йили Венада (Австрия) "XX аср халқлари доҳийлари" номида чоп этилган китобларнинг бир жилди Ўзбекистон Президентига бағишланган. Китоб муаллифлари "...Ислом Каримов коммунизмдан кейинги Ўрта Осиё минтақасидаги энг буюк давлат арбобидир" деб тан беради.

Ислом Каримовнинг ҳар бир асари, маъруза ва мақолалари бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуришнинг ғоявий-назарий асосларини, амалий ишларининг кундалик дастурини ташкил қилади. Ғарб ва шарқнинг ривожланган мамлакатлари асрлар давомидаги тараққиёт йўлларини, ўзбек давлатчилигининг минг йиллар давомидаги тарихий тажрибасини ўрганган ҳолда яратилган И.А.Каримов асарларида Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва

маънавий-маданий тараққиётининг муҳим йўналишлари, янги жамият қуришнинг бутун дунёда тан олинган асосий тамойиллари тўғрисида таълимот яратилган.

Истиқлолнинг дастлабки босқичида нашр юзини кўрган “Ўзбекистоннинг ўз мустақил ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” ва бошқа бир қанча асарлари ва нутқларида баён этилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи навбатдаги вазифалари кейинчалик ғоят муҳим аҳамият касб этган “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифалари” ва бошқа асарларида ўз ривожини топган.

Ўзбекистоннинг яқин ўтмишида ва XX асрнинг сўнгги ўн йилида босиб ўтган йўллари, уларнинг сабоқлари, XXI асрда Республика истиқлолини мустаҳкамлашнинг стратегик вазифаларининг асосий йўналишлари И.А.Каримовнинг бир қанча хорижий мамлакатларда босилиб чиққан “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” асарлари ва Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги (22-январ 2000-йил) нутқида баён этиб берилган.

Ислом Каримов донолигининг яна бир кўриниши бозор муносабатларига ўтиш ва демократик жамият қуриш жараёнида маънавий-маърифий, ғоявий ва мафкуравий ишларнинг юксак аҳамиятини таъкидлаб кўрсатганлигида эди.

Ўзбекистон таълим тизими дунё миқёсида катта қизиқиш уйғотди. Москвадаги Олий таълим Халқаро Фанлар академияси президенти В.Шукшунов Ўзбекистонда ишлаб чиқилган бу Миллий дастурни мазмун-моҳияти жиҳатидан тенги йўқ ҳужжат, деб таърифлади. Ўзбекистонда яратилаётган таълим тизими «Таълимнинг ўзбек модели» деб эътироф этилди.

Бадиий адабиётда мустақилликни асраб-авайлаш, озод ва обод Ватан қуриш, баркамол инсонни тарбиялаш, миллий ўзликни англаш каби масалалар бош мавзу бўлиб қолди. Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Примқул Қодиров, Хуршид Даврон каби ижодкорларнинг тарихий роман, песа ва қиссаларида улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур ва бошқаларнинг сиймолари умуминсоний ва миллий қадриятларга мос тарзда янгича талқинда ёритилди.

И.А.Каримов янги даврнинг жаҳон миқёсидаги давлат арбоби, Ўзбекистон халқининг буюк йўлбошчиси сифатида мамлакатнигина эмас, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг қатор нишонлари ва фахрий унвонлари билан тақдирланган. Афсус билан шуни айтишимиз жоизки, шундай буюк давлат арбоби ҳозир орамизда эмас.

Адабиётлар

1. Ислом Каримов «Озод ва обод, эркин ва фаравон ҳаёт - пировард мақсадимиз» 2000.
2. Ислом Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” 1992.
3. Ислом Каримов “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” 1993.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ” АСАРИДА МАЪНАВИЯТ МАСАЛАСИ

Шодиев Т.Т. - ТТЙМИ талабаси
Юнусова Н.Ш. - ТТЙМИ доценти

Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асаридаги маънавият масаларига тўхталиб ўтсак. Айрим давлатлар жаҳонда етакчи бўлиш учун иқтисодий кўрсаткичларга зўр бераётган ёки ҳарбий куч орқали ўз қудратини намойиш қилишга уринаётган бир вақтда, муаллиф ушбу асарда маънавиятнинг ана шу омиллардан ҳам кўра қудратлирок эканини асослаб беради.

Асарнинг муқаддима қисмида Ўзбекистон мустақилликка эришгани, уни бутун дуне тан олгани, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган халқимиз асрлар давомида орзиқиб

кутган озод, эркин ва фаравон ҳаёт барпо этаётганини ва бу борада эришган ютуқларимиз хақида сўз боради.

Ушбу китобнинг юзага келишига муаллифнинг ўзи эътироф этиб айтганидек, инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, келажак авлодимизни маънавий баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш сабаб бўлди.

Асарнинг 1-боби “Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир”, деб номланади ва “Маънавиятни англаш”, “Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар” ҳамда “Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги” мавзуларидан ташкил топган.

“Маънавият” тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб тарифлари борлиги ва у ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этганлиги, ҳар қандай маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндошуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиқиб турлича тариф ва тавсифлар бериши табиийлигига эътибор қаратган.

“Маънавият” тушунчасининг мазмуни фақат “маъни”, “маъно” деган сўзлар доирасида чегараланиб қолмаслиги, инсоннинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланганлиги ва бу тушунча одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутиши таъкидланган. Муаллиф, маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, (19-бет) деган тарифни беради. Ислом Каримов биринчи бор ушбу таърифни «Туркистон» газетаси мухбири билан қилган «Ўз келажагимини ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» деган суҳбатида берган эди. Бу китобда маънавият тушунчасининг янада кенгроқ, чуқурроқ талқинларини беради. Китобда маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар, инсоннинг руҳий покланиши ва қалбан улғайиши ҳақида гапирганда қуйидаги масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган:

- Ҳалол ва пок яшашни ҳаётий эътиқод, олий мақсад дегувчиларнинг борлиги;
- Ҳаётнинг маъно-мазмунини ўзича талқин қиладиганлар ҳам оз эмаслиги;
- Маънавиятнинг яна бир муҳим хусусияти одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қилишида намоён бўлиши асарда кўрсатиб ўтилган. 150 йиллик мазлумлик даври мисол келтирилиб, халқимиз, ўзини, ўзлигини йўқотмаганлиги, тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолганлиги, ноҳақликлар, зўравонликларга қарамасдан халқ халқ бўлиб қолганлигини, ўзининг беқиёс ички қобилият ва салоҳиятини ишга солиш, уни руёбга чиқариш ҳисобидан эса тараққиётга эришаётганимиз келтирилган.

Бу мавзуни “Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак” деган сўзлар билан хулосалайди. Биринчи бобнинг иккинчи мавзуси – “Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар” да ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар муҳим омиллар эканлиги асослаб берилган. Шу маънода, тарихимиз зарварақлари ушбу китобда қайта жонлантирилган. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси қаламга олинган (Хоразмий, Ибн Сино, Фарғоний, Беруний ва б.). Бу кўҳна тупроқда эрамизгача бўлган даврда, деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганлиги, тўрт мингдан зиёд моддий ва маънавий обидалар ЮНЕСКО руйхатига киритилганини фахр билан тилга олинган.

Хоразм воҳасида яратилган “Авесто”нинг бебаҳо маънавий обида сифатидаги ўрни ва аҳамияти тенгсиз эканлиги, шу билан бирга у биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк

маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик бериши айтилади. Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” достони ҳақида тўхталар экан, муаллиф, алп дегани ҳокимият эгаси деган маънони бериши ва шу сабабдан достон миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси бўлиб ҳам хизмат қилишини таъкидлайди.

Ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси – Наврўз халқимизнинг энг азиз ва энг миллий байрами бўлиши билан бирга, Наврўз фалсафаси аждодларимизнинг асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлганлигининг ифодаси ҳам эканлиги айтилади.

Асарда, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди, деган фикрни олға суради ва якунида Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир(56-бет), деган хулосани чиқаради. Маънавий ҳаётимизни юксалтиришда маҳалланинг роли ва таъсири хусусидаги ўз фикр – мулоҳазалари билан таништирганлар. Бунда “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли нақлни эслаб ўтганлар. Маънавиятни шакллантиришда таълим-тарбия тизимининг ахамияти каттадир. Эътиборни шу масалага қаратар эканмиз, “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси», дейди, ҳамда Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган сўзларини эсга олади. Мавзунинг хулосасида кадрлар тайёрлаш миллий дастури устида олиб борилган ишлар, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ҳақида тўхталиб ўтган. Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги ҳақида китобнинг иккинчи бобидаги «Ислоҳотлар ва уларнинг маънавий мезони» мавзусида ҳам тўхталади: «Бизнинг ислоҳотлар давомида, - дейди муаллиф, - наинки моддий фаровонликка, айни пайтда маънавий юксалишга ҳам эришишни ўзимиз учун асосий мезон деб билганимиз умумий тараққиётимизда бир томонга оғиб кетмаслик, жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган мувозанат ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда»(107-бет.)

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, асарда мамлакатимизда, ислоҳотларни амалга оширишда маънавият ва иктисодиёт бир-бирини инкор этмай, аксинча, бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради деган қоидага амал қилинаётганлигига урғу берилган.

Шундай қилиб, биз моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмаслигини, аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиришини, юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эришиши мумкинлигини тушуниб етамиз.

И.А.КАРИМОВНИНГ ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИНИНГ МОҲИЯТИ, КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Яркулов А. - ТТЙМИ талабаси
Норова Э. - Миробод СКҲК ўқитувчиси

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши,

халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада самарали ташкил этилишига олиб келади. Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалиганинг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради.

Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир тмонлама қараш тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг кўп мамлакатида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий иицироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади. Зеро, мамлакатимиз раҳбарининг ўз маърузаларида келтириб ўтганларидек, "бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришиш билан чамбарчас боғлнаган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш – иқтисодий ислоҳотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир"[1].

Шу муносабат билан И.А.Каримов ўз асарларини ўша йиллардаги энг долзарб муаммо – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат эканлигидан бошлаб, жаҳон молиявий инқирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларига батафсил тўхталиб ўтдилар.

"Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатида бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қоблияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди.

Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»[2]. Бундан кўринадики, дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган мазкур инқироз етарлича тўлов лаёқатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди.

Модомики, ипотека кредити ўзининг моҳияти бўйича кўчмас мулк гарови ҳисобига бериладиган кредитлар бўлсада, АҚШ бозорлари бундай ликвидли кўчмас мулкларга етарлича «тўйинди» ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. Бунинг устига инвестицион банкларниг АҚШ ипотека бозорларидаги янги молиявий «маҳсулот» ҳисобланган активларни секьюритизациялаш бўйича операцияларининг авж олиши ипотека бозорларидаги таназзуллик ҳолатлари эҳтимоллигини оширди. АҚШ иқтисодиёти яратилган шарт-шароитлар туфайли арзон кредит ресурсларига тўйинди ва бу Федерал захиратизими (ФЗТ) амалга ошираётган пул-кредит сиёсатини ўзгартиришига олиб келди. Натижада 2004-2006 йилларда Федерал захира тизими фоиз ставкаларни 6,25% гача кўтарди. Кредитларнинг қимматлашуви аҳолини ипотекага нисбатан талабининг пасайишига ва кредитларни қайтариш бўйича қарздорлар тўловининг қисқаришига олиб келди. Бошқа томондан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия ресурслари нархларининг ўсиши аҳолининг кредитни қайтариш бўйича молиявий имкониятларининг чекланишига олиб келди. 2000-2007 йиллар мобайнида жаҳон бозоридаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўртача икки баробарга ошди, бензин нархи эса 3,5 баробарга ошди. Нефть нархи рекорд даражада, яънибир баррели 147 доллардан ортди.

---

[1]И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясидаги нутқи. Т., 1993 йил 2-3 сентябрь.

[2]И.А.Каримов Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т., "Ўзбекистон", 2009, 4- б.

Пировард натижада 2007 йил бошида АҚШда аҳолининг ипотека кредитларини қайтариши билан боғлиқ муаммо кучайди. Қарздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдаи бош тортиш ҳолати кенгайди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга қўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди.

Британиянинг нуфузли газеталаридан бири бўлган «Гардиан» жаҳон молиявий инқирозининг асосий айбдорлари рўйхатани эълон қилди. Мазкур рўйхатнинг олдинги ўринларида АҚШнинг таниқли сиёсатчилари ўрин олган бўлиб, унда инқироз фақатгина иқтисодиёт ривожланишининг навбатдаги ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Бироқ, жаҳон амалиётида 1976 йилдан бошқариладиган, сузиб юрувчи валюта тизимига ўтгач, пулнинг олтин мазмуни йўқолиб, асосан АҚШ доллари етакчи валютага айлангач, унинг муомалага чиқарилишини назорат қилиб бўлмай қолди. Кейинги йилларда глобаллашув жараёнининг жадаллашуви таъсирида халқаро иқтисодий алоқаларда қатъий валютага бўлган талабнинг янада кучайиши АҚШ томонидан ҳеч қандай товар билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чиқарилиш жараёнини янада тезлатиб юборди. Шу билан бир қаторда, асосан етакчи ривожланган мамлакатларда кузатилган қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам молиявий инқирознинг вужудга келишига асосий сабаблардан ҳисобланади:

1. Норационал пул-кредит сиёсатини, ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши;
2. Молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши;
3. Қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;
4. Молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилишива сохта аудит хулосалари тақдим этилиши;
5. Молиявий рағбатлантириш услуби сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШ давлат ташқи қарзи миқдорининг ўсиб борганлиги ва уни ЯИМга нисбатан салмоғи ўсганлиги инқирозни кучайишининг асосий омилларидан бири бўлди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Сохадов А.Р. - ТТЙМИ талабаси

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.
И.А. Каримов

Инсоният тарихида назар ташлайдиган бўлсак, деярли барча халқларнинг, миллатларнинг энг ёрқин орзуси бу буркамол авлодни тарбиялаш ҳиссобланган. Бундай орзудаги инсонлар азалий марифатда, маданиятда мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари- энг мўтабар зиёлилари ҳукмдорлари бўлишган.

“Марифатга интилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан биридир” дея таъкидлаганлар Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов. Дарҳақиқат, миллатимиз урф-одатларидаги, қонидаги маърифат тушунчаси, илм ўрганиш ҳамда билим эгаллашга бўлган интилиш бир неча минг йиллар давомида шаклланган, сайқал топган. Баркамол авлодни тарбиялаш орзуси “Муаллим ус-соний ” номини олган

мутафаккир бобомиз Абу Наср Фаробийнинг идеал ғояси бўлган. Файласуф ўзининг “Фозил одамлар шахри” номли асарида фозил инсонга ўз давлатининг барча қонун қоидаларини яхши билувчи, унга амал қилувчи, ўз касбининг устаси, лозим бўлганда Ватани учун жон фидо қилувчи киши дея таьриф берган.

1989 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов асосий эьтиборни таьлим соҳасидаги ислоҳотни ўтказишга қаратган. Жамият ҳаётининг турли соҳаларида аҳволни яхшилашучун аввало миллий кадрларни пухта тайёрлаш ва уларни қўллаб-қуватлаш кераклигини айтиб ўтганлар. Президентимиз И.А.Каримов ҳали мустақилликка эришмасдан туриб “Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус дастури керак ” деб таькидлаганлар.

1996 йил 27 декабрда “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни”ни белгилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра “1-октябр Ўқитувчилар ва мураббийлар куни” куни дам олиш куни деб эьлон қилиниб, уни бутун Ўзбекистон аҳолиси умумхалқ шодиёнаси сифатида байрам қиладиган бўлди. “Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз” дейди Президентимиз И.А.Каримов.

Жамиятдаги ҳар бир инсон ўзига хос салоҳиятга эга. Агар мазкур ички имкониятларни намоён этиш учун барча шароитлар яратилси ва ҳар бир инсон ўз истеъдодини, ўзининг, оиласининг фаровонлиги учун халқи ва юрти учун сарф этса бу жамият нақадар юксак натижаларга эришишини тасаввур қилиш қийин эмас, дея таькидланади асарда. Миллий дастурнинг мақсадларидан яна бири Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А. Каримовнинг “Куч - билим ва тафаккурда” деган ҳикматлари боғлиқ. Дастурнинг ҳаётга тадбиқ этилиши халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнимизни мустаҳкамлашга олиб келади. Дунёнинг бугунги кунидаги ривожида ҳал қилувчи омил ҳарбий қудратда эмас, балки интелектуал салоҳиятда, фикрда, ақлда ав илғор техналогиялардадир. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”дан кўзланган юқорида келтирилган мақсадлар асарда батафсил баён етилган. Жиддий ва теран ўйланиб жуда пухта ва изчил тайёрланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ан кўзланган мақсад ва вазифалар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ўсиб келаётган баркамол авлод комил инсон бўлишга интилмоқда. Жамиятимизнинг деярли ҳар бир аъзоси, ўз имкониятлари ва истеъдодини ўзининг, оиласининг фаровонлиги учун сарф этмоқда. Халқаро ҳамжамиятда бизнинг миллий моделимиз ўрганиб чиқилиб, бир қанча давлатлар ундан андоза олиш ниятида. Муҳтарам Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов сарбонлик қилаётган йўлда мустақил Ўзбекистонимиз янги марралар сари одимламоқда.

ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПРЕЗИДЕНТ И.КАРИМОВНИНГ ЎРНИ

Ишбутаев Х.Ғ. - ТТЙМИ талабаси
Назарова Н.Ж. - ТТЙМИ катта ўқитувчиси

Истиқлолга эришган ҳар бир халқ, миллат ва давлат ўз тараққиёт йўлларини қидиради. Шунинг учун ҳам биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўз мамлакати истиқболи ҳақида фикр юритар экан, қуйидагича таъкидлайди: “Мустақил Ўзбекистоннинг куч – қудрат манбаи халқимизнинг миллий қадриятларимизга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб – асраб келмоқда. Ўзбекистонни маънавий янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун шарт шароит – яратишдир”.[1]

[1] Жўраев Н. Миллий истиқлол мафкураси, шаклланиш жараёни. // Шарқ машъали.; 1998. – 3-4 сон. – Б.6.

Миллий қадриятлар турмуш тарзимиз, маънавий қиёфамиз, муқаддас наволаримизни англаш, давлатчилик анъаналаримизни тиклашга, халқимизнинг истиқбол тўғрисидаги асрий орзуларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради ва бу борада халқни халқ, миллатни миллат сифатида бирлаштиради. Ўз қадриятларини ва қадрини билган халқ оломонга айланмайди, буюк ишларга қодир эканини ҳис қилади, истиқлолини омон сақлайди, фарзандларининг камолоти учун қайғуради. Айнан шунинг учун ҳам миллий қадриятлар жамиятни янгиланишига хизмат қилувчи маънавий омил ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларга эътибор кучайди. Миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган, халқимизни маънавий покланишга етаклайдиган асослардан биридир. Халқимизнинг авлодлардан-авлодларга мерос қолиб келаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Қадриятларимизнинг ўтмиши уч минг йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштиради. Бизнинг миллий қадриятларимиз ана шу цивилизацияга хос жихатлар: туғилган макон ва она юртга эҳтироми, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё, андиша кабиларнинг устуворлиги билан ҳам характерланади.

Жамиятнинг маънавий янгиланишида, - биринчи Президентимиз Ислом Каримов шундай деган, - “Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил “изм”лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади. Таълим моделидан кўзланган бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз. Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда харбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл – идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал килувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг “Куч – адолатда” деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча килиб “Куч – билим ва тафаккурда” деган бўлардим”.[1]

Ҳозирги авлоднинг, айниқса ёшларнинг Ватан олдидаги, тарих олдидаги хизматлари энг аввало, мамлакатимизда қурилаётган демократик жамиятни янада такомиллаштириш вазифасини қай даражада муваффақиятли уддалаши билан ўлчанади. Ёшлар тарбияси ҳақида қайғуриш – эртанги кун, ёркин келажак хақида қайғуриш демакдир.

Ёшларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли мураккаб масаладир. Демократик жамият қурилиши даврида ёшларнинг сиёсий, ижтимоий фаоллиги тобора кучайиб бормоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг ўкиш ва ижодий меҳнатда, жамият хаётида фаол катнашишлари учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Талабалик йиллари – ёшлар **ҳаётининг** энг муҳим, ривожланиш давридир. Бу даврда ёшлар жисмоний ва фаоллик жиҳатдан камолотга етадилар, ҳаёт маъносини чуқурроқ, англайдилар, жамиятда ўз ўрнини топиш йўлида изланадилар. Худди ана шу даврда юксак идеаллар учун фаол курашчининг хусусиятлари шаклланади, тажрибаси ортади. Бинобарин, талабалик даври – орзу ва ишончлар, келажакка интилишлар, бўлажак режаларнинг шаклланиш давридир. Ана шу даврда ёшлар ижтимоий меҳнатни тўғри баҳолай оладиган, мамлакат олдидаги вазифаларни, шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлигини, жамият бойликларининг қийматини, Давлатимиз белгилаб бераётган вазифаларни тўғри англашга интиладиган баркамол шахсга айланадилар.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар бу хусусиятларни ижтимоий ҳаётда тўла намоён этиш имкониятига эгадирлар. Бугунги талаба ёшлар эртанги кунда мамлакатимиз олдида турган улуғвор вазифаларни амалга оширишга тайёрланаётган

[1] Қаранг: Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999. – Б.80.

кишилардир. Бугунги талабалар истиқлол машъалини ёққан кишилар авлоди, улар яратаётган янги жамиятни келажак томон олиб борувчи ёшлардир. Улар бу борадаги масъулиятни доимо эсда тутмоқлари керак. Бинобарин, талаба меҳнати ўзининг алоҳида хусусиятларига эга булган ақлий меҳнат экан, демак бу меҳнат аъло ўқишда, илмий фаолиятда ва фан асосларини ижодий ўзлаштиришда ўз ифодасини топади. Бу эса талаба ёшларнинг профессионал фаолиятидир.

Жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида ёшларнинг маънавий соҳадаги фаоллиги уларнинг ўз хаёт йўлларини онгли ва ижодий равишда амалга оширишидан иборатдир. Бу эса, юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш сиёсатининг моҳиятини билишни, ижтимоий ҳодисаларга теран муносабатни, жамият тараққиётининг устувор вазифаларини чуқур ўрганишни, яьни назария билан амалиётни моҳирона кўшиб олиб боришни, меҳнатга фаол муносабатни, юксак эътиқод ва ахлоқий фазилатларни намоён этишни англагади. Энг муҳими, ёшларда янгича дунёқарашни, юксак маънавиятни шакллантириш, уларни Ватанга садоқат, сиёсий хушёрлик, бузғунчи ғояларга муросасизлик руҳида тарбиялашда ижтимоий фанларнинг роли беқиёсдир. Жамиятнинг ижтимоий гуруҳи бўлган талаба ёшлар фаоллиги жамиятимиз аъзоларига хос фаолликнинг ҳамма хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Хулоса шуки, ёшлар маънавиятида Ислом Каримовнинг асарларини ўрганишда оила, таълим, маҳалла бу жараённинг тамал тошини қўяди. Айниқса, ўрта таълим муассасалари ва олий мактаб ёшларни янада юксакроқ маънавий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса улар фаоллигини ошириш, ёшларда миллий қадриятларга содиқлик туйғусини тарбиялашга хизмат килади.

Адабиётлар

1. И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Маънавият, 2008.
2. И.А. Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Ўзбекистон, 2015.

ТАРИХ – БИЗНИНГ ҚУРОЛИМИЗ!

Самиев З.К. - ТТЙМИ талабаси

Бугун мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган, осон кечмаган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни, эришган ютуқ ва марраларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, холисона бир хулосага келишимиз табиийдир. Яъни бундан 26 йил олдин юртимизда эркин ва мустақил демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодиётни кескин ва чуқур ислоҳ этиш, аҳолимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилинган азму қарор тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Бошидан кўп синовларни ўтказган халқимиз чуқур англайдики, бундай юксак вазифалар ва олижаноб орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осоишталикни, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш, жамиятимиздаги миллатлар ва динлараро тотувлик ва бағрикенгликни янада мустаҳкамлашимиз ҳамда фуқароларимиз орасида маънавият – марифатни тарғиб этган ҳолда комил инсонларни тарбияламоғимиз даркор.

Минтақамизда, яқин ён-атрофимизда янги қарама қаршилик ва тажавуз ўчоқларини аланга олдиришга ҳаракат қиладиган ҳар қандай кучларга нисбатан доим сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб, бундай уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга тайёр туришни бугунги нотинч ва таҳликали замоннинг ўзи тақазо этмоқда. Мустақиллик-энг улуғ, энг азиз неъмат. Озодлик, ҳуррият, эркинлик. Бу олий тушунчаларни юракдан ҳис қилиш, англаб яшаш саодат нишонасидир. Мустақиллик – халқимизучун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларинирўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратгани билан ҳам қадрлидир.

Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз неъмат бўлган мустақиллигига эришганига ҳам 26 йилдан ошди. Бу юртимнингҳар бир фуқароси қалбида чексиз фахр бахш этиши

шубҳасиз. Ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалган мазкур тарихий кун юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида кенг миқёсда, улкан шодиёналар билан тантана қилинмоқда.

Хўш! Биз ушбу кунни ҳар йили тантана қиламиз, бироқ бугунги дориломон кунларга етиб келишимизгача топганларимиз ва йўқотганларимиз сарҳисобини биламизми? Мустақил, озод ва ҳур яшаш орзусида қанчадан қанча аждодларимиз кураш олиб борганлиги, ҳаттоки ўз жонларидан воз кечганлигини-чи? Биз уларга муносиб авлод бўла олаяпмизми? Баъзилар минбарлардан туриб, биз "фалончилар"нинг авлодимиз ва бундан фахрланишимиз лозим, улар бизнинг шонли ўтмишимиздир, деб оғиз кўпиртиришади. Тўғри спорт соҳасида, маданият соҳаларида кўплаб ютуқларимиз мавжуд, бироқ ўтмишда ва ҳаттоки ҳозир ҳам сиёсат оламида бизга нисбатан уюштирилаётган ғоявий манипулятцияларга қарши тура олаяпмизми? Шу ва шунга ўхшаш кўплаб саволларни юртбошимиз "Мулоқот" журналининг 1998 йилги 5-сонидаги тарихчи олимлар ва журналистлар билан бўлган суҳбатида ўртага ташлаган эдилар!

Миллат, мамлакат ҳақида катта-катта минбарларга чиқиб гапиришнинг ўзига хос масъулияти бор. Ҳар бир сўзнинг ўз "юк"и бор!

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўша йиллар учун, ҳатто бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган муаммо ҳақида қуйидагича сўзлаганди:

"Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур."

Ушбу рисолада кўтарилган муаммолардан яна бири оддий халқнинг маънавиятини юксалтиришдир. Ҳар бир зиёлининг виждон иши сирасига маънавият ва маърифатни тарғиб қилиш ҳам киради. Маънавиятчиларнинг фидойи бўлиши таъкидланган. Фидойилик кўплаб ишларнинг ибтидосидир. Хусусан, жадидчилик (маърифатпарварлик) ҳаракатининг намояндалари бойлик учун, шон-шуҳрат учун майдонга чиқишади. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таваллоларга мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганлари учун биров маош тўламаган! Биров уларга ойлик бермаган! Бироқ улар бунга ўз фидойилиги жиҳатидан ёндашганлар! Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган.

"Биз кўчманчи ва босқинчи Атиллаларга эмас, Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворисмиз!" деб баралла айтишларида ҳам жон бор! Ҳа биз ўшаларнинг авлодимиз! Биз босқинчилар ёзиб қолдирган тарихни эмас, ўзимиз ўқиб-изланиб ўрганган, шу билан биргаликда дунё халқлари вакиллари холисона ёзиб қолдирган манбалари асосида ўз тарихимизни яратмоғимиз лозим! Зеро, юртбошимиз айтганларидек, ҳеч бир босқинчи ўзи босиб олган юрт вакилларининг маънавиятини оширишга хизмат қиладиган тарихни яратмайди! Иложи борича, рус генерали Скобелов сингари халқнинг маънавиятини топташга ҳаракат қилади. Ана шуларни билган ҳолда, тарихчиларимиз, ёш авлодимизга ўзининг аждодлари ким эканлигини холисона, фактлар асосида ўргатиши лозим. Биз учун мавҳум бўлган кўплаб мавзуларни очиб беришлари лозим. Бунда сиёсатчилар қўларидан келганича, тарихчиларга ёрдам қўлини чўзиши ва ҳал этиб бўлмайдигандек кўринган муаммоларни бартараф этишда елкадош бўлишлари лозим! Сабаби, ана ўша холисона тарзда ўрганилган тарихдан энг аввало сиёсатдонлар фойдаланадилар!

Мўғуллар Чингизхонни, Французлар Напалеонни кўкларга қўйишади. Ҳаттоки ерга туширмайди, десам муболаға бўлмайди. Лекин бизда Соҳибқирон Амир Темурни ҳалигача қонхўр, жаллод, одам каллаларидан минора қилган, деб билишлари – ана бу бизнинг ичимиздаги қурдир. Бундай ҳодисаларнинг содир бўлишига асосий сабабчилар -

тарихчилар, журналистлар, сиёсатчилар, маънавиятчилар ва ўқитувчилардир! Уларнинг уюшқоқликда ҳаракат қилишмаганликларидадир.

Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас эканлигини генерал Скобелов ҳам таъкидлаган. У шундай деб ёзган эди: "Маҳаллий халқ биз ўйлагандан кўра маданиятли экан. Уларни бўйсундира олмаяпмиз. Бу халқнинг ўтмишда яратилган барча осори атиқаларини, масжиду мадрасаларини, диний китобларини ер билан яксон қилибгина, уларнинг маънавиятини сўндирибгина ўз қанотимиз остига олишимиз мумкин".

И.А.КАРИМОВНИНГ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ – ЖАМИЯТ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ

Давронов И. - ТТЙМИ талабаси
Юсупов Ш.Р. - катта ўқитувчи

Оила – бу жамиятнинг таянч устуни, унинг ҳал қилувчи бўғини. Оилаларнинг мустаҳкамлиги асосида жамият тинчлиги ва барқарорлиги тўғрисида хулоса қиладилар. Унга қараб тараққиётдан башорат қиладилар.

Оила – кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, фуқаролик жамиятининг таянч нуқтасидир. Бу муқаддас масканда инсон дунёга келади, айнан мана шу ерда у маънавий ва ахлоқий жиҳатдан камол топади.

Оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади. Оила мустаҳкамлиги – бу жамият мустаҳкамлиги ва демак, давлат барқарорлигининг асосидир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, “оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир”[1].

Оила деб аталмиш қўрғонда авлодлар камол топади. Шунинг учун бу қурғоннинг мустаҳкам ва барқарор бўлишига эришиш нафақат маълум бир мамлакат доирасида, балки дунё миқёсида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода масалага эътибор бериладиган бўлса, дунёдаги йирик ва нуфузли халқаро ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан эътиборан ҳар йили 15 май кунини Халқаро оила куни сифатида нишонлашга қарор қилгани таҳсинга лойиқдир.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг “Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш ва уларга ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ҳамда соғлом ва мустаҳкам оилани барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиш” деб номланган 9-йўналишида эса ёш оилаларга нисбатан ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оилаларни шакллантириш мақсадида ҳокимликларёш оилаларга уй-жойлар харид қилиш учун кредетлар бериш, ҳудудларда 32 та хонадонларни ёш оилаларга кейинчалик харид қилиш шарти билан ижарага бериш, 42 та бахт уйларини қуриш ва қайта таъмирлаш, ёш ва кам таъминланган оилаларга ҳар ойда моддий ёрдамларни амалга оширишда кўмаклашиш белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор”[2].

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» мавзусида маъруза қилди. Унда Президентимиз мамлакатимизда 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилди. Бу

[1]Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009 йил – 58-бет.
[2]Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги. / Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т. 6. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 400-бет.

бежиз эмас, албатта. Бунинг негизида юртимизда оила институтини, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, мухтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам[1]. Ҳақли савол туғилади: ҳар қайси йилга ном беришдан мақсад нима? Бундан кўзда тутилган асосий мақсад – бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақига хизмат қиладиган энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборатдир.

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигига эришганидан сўнг маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бунда маҳаллалар ҳаёти билан боғлиқ кўп масалалар билан бир қаторда маҳалла оқсоқолини сайлаш тартиблари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб бормоқда. Бу буюк мақсадга эришиш йўлида жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда оила институтининг ривожланиши ва жамиятимизда оиланинг камол топиши йўлида асос бўладиган мустаҳкам қонунчилик тизими яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида айни шу масалага бағишланган махсус боб мавжуд. Бу − Ўзбекистон Конституциясининг XIV боби бўлиб, у “Оила” деб номланган. Мазкур боб 4 та – 63–66-моддаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида қуйидаги ғоят муҳим юридик норма белгилаб қўйилган: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”. Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади.

Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда давлатнинг болаларга нисбатан ғамхўрлиги тартибга солинган:

“Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради”.

Оила аъзоларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришлари оиланинг бошқа аъзолари ва ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шарт.

Ўзбекистон Конституциясининг 65-моддасида шундай дейилади:

“Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”.

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир. Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир. Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. – “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 8 декабрь.

аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади.

Ўзбекистон Конституциясининг 66-моддасида эса ушбу норма белгилаб қўйилган:

“Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг ФҲДЁга ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.Узрли сабаблар бўлганда ФҲДЁ бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин. ФҲДЁ никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунишига кўра юқори турувчи органга мурожаат қилиниши мумкин.

Никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланади. Узрли сабаблар бўлганиданикоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман (шаҳар) ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар. Эр ва хотиннинг ҳар бири машғулот тури, касб ва туриш ҳамда яшаш жойини танлашда эркиндир.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулкариуларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотин никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли.Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шарт-шароитнинг юзага келиши ёхуд келмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал қилинади. Ота-онадан вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволи ҳисобга олиниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади. Ота-онадан болаларга ундириладиган алимент миқдори алимент тўловчининг ойлик иш ҳақига ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушлар ҳисобида ёки пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин.

Мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янги қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаб ва эҳтиёжлари акс этиши лозимлигини, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётганини, мазкур масалага жамиятнинг алоҳида эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак.

Оила мустаҳкамлигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида, “ҳақиқий демократия дарсхонаси”, “халқ виждони”сифатида эътироф этиладиган маҳалла тизимининг ўрни беқиёсдир. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчаси Конституциямизга киритилди. Маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Қабул қилинган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида маҳалланинг жамиятимиздаги, кундалик ҳаётимиздаги ўрни

ва аҳамиятини кенгайтириш, унинг нуфузи ва обрў-эътиборини янада ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилди.

Оиланинг таълим-тарбия муассасалари, жумладан, мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари (лицей ва коллежлар), олий ўқув юртлари билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари Давлат дастуридан муҳим жой эгаллаган. Чунки халқимиз орасида қарор топган азалий қадриятларниасраб-авайлашда, маънавий ҳаётни юксалтиришда, жамиятда инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, бизнинг миллий табиатимиз ва урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли, бузғунчи ғоя ва таъсирларга қарши туришдаоила ва таълим-тарбия муассасалари мустаҳкам таянч вазифасини ўтайди.

Дунёқараши ва мақсадлари бутунлай ўзгача бўлган янги авлодни тарбиялаш, уни турли-туман ёт таъсирлардан асраб-авайлаш, ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказишда оила институти мустаҳкам ўрин тутади.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЁШЛАР ОНГИГА ТАЬСИРИ

Рузиева Ш.Ж. - ТТЙМИ талабаси
Маткаримова Ж.Д. - с.ф.н., доцент

Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёти ҳақли равишда Биринчи Президент Ислом Каримов номи билан боғлиқдир. Мамлакатимиз ривожланиш йўли айнан Ислом Каримов раҳномолигида амалга ошириб борилди. Агар биз МДҲ давлатлари билан таққослайдиган бўлсак, давлатимиз барча соҳаларда улкан муваффақиятларга эриша олди. Буни барча ривожланган давлатлар ҳам эътироф этганлигини кузатамиз. Барча соҳалар ривожлвнгани каби мустақиллик йилларида мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг энг қизғин палласида ахборот воситаларининг ўрни ҳар қачонгидан ҳам юксак даражага кўтарилди. Оммавий ахборот ва телекомуникация воситалари босқичма – босқич равишда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ўзида фуқаролик жамияти институтларига хос бўлган хусусиятларни шакллантириб бормоқда. Ахборотнинг жамиятдаги ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоялашдаги юксак ўрнини Биринчи Президентимиз И.А.Каримов қуйидагича ифодалаб берган эди: "…фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таьминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таьбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади"[1].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг махсус XV боби "Оммавий ахборот воситалари" деб номланишининг ўзи оммавий ахборот воситалари демократик тузумнинг энг муҳим конституциявий институти эканлигиннинг эьтироф етилишидир. Шунингдек, Оммавий ахборот воситаларига катта ҳуқуқий мақом берилиши натижасида мамлакатдаги барча турдаги Оммавий ахборот воситалари демократик қадриятлар асосида фаолият юритиши учун кенг имкониятларга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хам фикрни, ғоялар ва мулоҳазаларни эркин ифодалаш ва ёйиш ҳуқуқини, ижод, матбуот эркинлиги, ахборот узатиш ва уни тарқатиш эркинлиги кафолатланди. Мамлакатда 1000 га яқин оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Мустақил газета ва журналлар, телевизион кўрсатувлар ва радиостанциялар мавжуд. Газета ва журналлар 12 тилда, яьни ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, инглиз, корейс ва бошқа тилларда чоп этилади.

Бугунги бутун жаҳон маьнавий оламнинг интеграция ҳамда глобаллашув шароитида "оммавий маданият" ниқоби остида ёшларимизга турли ёт ғояларни, маьнавий тубанликларни тарғиб этишига уринаётган, миллий қадриятларни инкор этувчи

[1] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Т.:Ўзбекистон, 2000.

демократия экспорти билан шуғулланаётган қабиҳ ниятли кимсалар айнан ана шундай қадриятларимизга путур етказишга уринаётгани хеч кимга сир эмас. Албатта ушбу кимсалар ўзларининг ғоя ва қарашларини етказишда Оммавий ахборот воситалари ҳамда телекомуникация ва электрон мулоқотнинг барча воситаларидан атрофлича фойдаланишмоқда.

Маьлумотларга кўра бугун мамлакатимизда 1032 та Интернет кафеси, 939 та интрнет провайдер, 187 та давлат ахборот ресурси, "ZiyoNet" ёшлар ахборот портали, 1026 та ахборот-кутубхона муассасаси фаолият юритмоқда. Албатта, бу борадаги ютуқларимизни холис баҳолаган ҳолда, соҳадаги айрим масалаларни ҳал этишга ҳам жиддий эьтибор қаратишимиз лозим. "Google" компанияси таҳлилларига кўра бугун Ўзбекистон бўйича хорижда рўйхатдан ўтган интернетдаги ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар 350 минг нафарга яқинни ташкил қилмоқда. Афсуски, "Doira.uz", "Vsetut.uz", "Sinfdosh.uz", "Muloqot.uz" каби миллий доменда рўйхатга олинган сайтлардан фойдаланувчилар жамланса ҳам юқоридаги миқдорга етмайди[1].

Аҳамиятли томони шундаки Оммавий ахборот воситалари (телевидение, газета ва журнал, интернет сайтлари)даги айрим материалларнинг савияси ва сифати ҳамда мазмуни нафақат ёшларни балки катта ёшдаги инсонларни онгини заҳарлаши, унинг қарашлари ва эьтиқодидан йироқлашиши, жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга муносабатини салбий томонга ўзгартиришига хизмат қилаётганлиги ачинарли ҳолатдир.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори алоқа ва телекомуникация соҳасида ҳам тизимли ислоҳотлар, ёшларни ёт ғоялардан ҳимоялаш, технологик модернизация туфайли умумжаҳон замонавий ахборот маконида, миллий ахборот маконини мониторинг қилиш ва ахборот хавфсизлигини таьминлаш мақсадида ҳудудий меъёрий асослар такомиллаштирилиб борилмоқда. Мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни иш билан таьминлаш масаласида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқдаки, бу ишлар ҳозирги кунга келиб жаҳон ҳамжамиятининг эьтирофига сазовор бўлиш даражасига етганлиги қувонарли хол.

Оммавий ахборот воситалари давлатнинг мафкуравий қуроли сифатидаги ўзига хос бўлмаган вазифалардан халос бўлиши ва жамиятнинг демократик институти сифатида "тўртинчи ҳокимият" функцияларини ўз зиммасига олиши учун кенг шарт – шароитлар яратилди. Оммавий ахборот воситаларини жамиятдаги ўрнини ошириш, "тўртинчи ҳокимият"ни мамлакатдаги ислоҳотларга нисбатан таьсирини кучайтириш мақсадларида Миллий матбуот маркази ташкил этилди. Журналистика соҳасида кадрлар таййорлаш ишларига ҳам муҳим аҳамият берилди. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика ва Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултетлари бутунлай қайта ташкил этилди ва уларнинг таьлим базаси мустаҳкамланди. Янги руҳдаги дарсликлар, янгича ўқитиш услублари яратилди. Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланиш ислоҳотлари давом этмоқда. Ҳозирги даврга хос бўлган жиҳатлардан бири – мамлакатда эркин матбуотни ривожлантирмай туриб, фуқаролик жамияти қуриш ва инсон эркинлиги, ҳуқуқларини таьминлаш мумкин эмаслигини жамоатчилик англай бошлади[2].

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ёш авлоднинг мафкуравий иммунитети, маьнавий-ахлоқий тарбиясини янада юксалтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб,уларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ота-оналар ва педагогларни кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Ва албатта, миллий қадриятларимизни инкор этадиган чақирувлардан эҳтиёт бўлишимиз кераклигини унутмайлик. Бу каби омилларнинг ёшлар онгига ижобий таьсир этишида Оммавий ахборот воситаларининг роли каттадир ва уларнинг зиммасига жуда катта вазифаларни юклайди.

[1] Бадалов М. "Ёшлар онгида ҳаётбахш ғоялар"/Ҳуқуқ ва бурч, 2014 йил 6-сон, www.huquqburch.uz
[2] Қиғизбоев М. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.:Наврўз, 2014.

Адабиётлар
1. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Т.:Ўзбекистон, 2000.
2. Бадалов М. “Ёшлар онгида ҳаётбахш ғоялар”/Ҳуқуқ ва бурч 2014 йил 6-сон, www.huquqburch.uz
3. Қирғизбоев М. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: Наврўз, 2014.

И.КАРИМОВНИНГ “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ” АСАРИДА ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ

Исақова З.Р. - НамДУ фал.ф.н., доцент
Тожибоева М.Т. - талаба

Мустақиллик йиллари нафақат ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаёт соҳаси, шу билан бирга илм-фан соҳаси, уни модернизациялаш борасида ҳам туб ўзгаришлар даври бўлди. Ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашувига сабаб бўлган глобаллашувнинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсири деярли барча соҳаларда сезилмоқда. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, миллий қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизацияларараро мулоқотнинг янгича мазмун касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имконияти ортиши каби жараёнларга глобаллашув туфайли эришилмоқда. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани каби, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов глобаллашув жараёнининг ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омиллари ва сабабларини теран очиб берган: “бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас” [1.111.].

Дунё миқёсидаги глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия соҳасига ўз таъсирини кўрсатди. Бу, бир томондан, глобал ўзгаришларнинг объектив жараён сифатида инсон ҳаёти соҳаларига таъсирини объектив ўрганишни тақозо этса, иккинчидан, таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммоларни таҳлил этиш ва тегишли хулоса чиқаришни талаб этадики, “... бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин” [2.115.].

Эътироф этиш ўринлики, глобаллашувнинг таълим-тарбиядаги ижобий аҳамияти ахборот коммуникация тизими, интернет тармоғи ва замонавий педегогик технология билан боғлиқ янги имкониятлар яратилиши, таълимнинг анънавий усуллари ўрнида интефаол усулларни қўллаш орқали самарадорликка эришилишида акс этмоқда. Шунга қарамай, глобаллашув жараёни таълим-тарбияда носоғлом ғоявий-мафкуравий муаммоларни ҳам вужудга келтирди. Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракат шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, “бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ” деб бепарво қараб бўлмайди. Бундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан бир неча юз йиллар орқада қолиб кетиши мумкин.

“Глобаллашувнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, турли сиёсий куч ва марказлар манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар” [3.113.]. Башарият тарихи, унинг тафаккур тараққиётини

таҳлил этиш орқали инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келгани ва бу кураш ҳозирда ҳам давом этаётганини кўриш мумкин.

Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга [4.114.]дирки, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатини илғаш мушкул. Бундай кескин вазиятда инсон мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидлар, уларнинг ошкора ва пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бера олмайди. Ваҳоланки, бугунги кунда ёшлар нафақат ўқув даргоҳлари, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғидан ахборот ва маълумотларни чексиз қабул қилишмоқда.

Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган пайтда ёшлар тафаккури ва маънавий оламига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ахборотдан халос этиш учун нима қилиш керак?

Биринчидан, ёшлар тафаккури ва маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантириш мақсадга мувофиқдир

Иккинчидан, бугуннинг талаби – “бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин” [5.116.].

Учинчидан, қаерда бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади” [6.116.].

Тўртинчидан, бутунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга ошираётган, ғаразли, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадини ўз вақтида сезиш, англаш, ўта мураккаб замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш катта аҳамият касб этади.

Бешинчидан, “Оммавий маданият” ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизига беписандлик, уни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар, ахлоқсизликни маданият деб билиш, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, “эскилик сарқити” деб қараш мамлакат тараққиёти, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига жиддий хавф солмоқда. Бу таҳдидларга минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий меъёрларни тарғиб этиш, таълим-тарбиядаги узлуксизлик тамойилини ривожлантириш орқали курашиш муҳимдир.

Олтинчидан, ёш авлод онгида “сеҳрли”, “жозибадор”, айни пайтда мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз “ўйин”лари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак. Зеро, таъқиқ кучайган ва кўпайган сари ёшларда таъқиққа нисбатан қизиқиш ортиб, қандай қилиб бўлса ҳам таъқиқни енгиш чоралари қўлланади. Ота-оналар фарзандларини бу ҳуружлардан ҳар қанча эҳтиёт қилишга интилишмасин, ёшлар имконият эшикларини тақиллатаверадилар. Буни бартараф этишнинг бирдан бир оқилона йўли оммавий маданиятнинг зарарли таъсирини тўғри англатишдир.

Еттинчидан, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ [7.62.] дирки, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси [8.61.].

Саккизинчидан, демократик жамият қурилишни ва унинг тараққиётини таълим ва тарбия равнақисиз тасаввур этиб бўлмайди. Маънавий-ахлоқий тубанликни тарғиб этувчи ёт мафкуравий иллатларнинг ёшлар онги ва шуурига салбий таъсирини бирдан сезиш ва англаш мураккаб жараёндирки, глобал ўзгаришлар даврида ҳаёт ўзгариш суръатлари тезлашиши таълим-тарбияга эҳтиёжни кучайтиради.

Глобаллашув шароитида миллий қадриятларга тўғри келмайдиган "оммавий маданият", "ахборот ҳуружлари", "маънавий таҳдид" кўринишидаги турли ёт ва зарарли ғояларнинг олдини олиш, айрим ёшларда миллий-маданий мерос ва қадриятларга беписандлик билан қараш кайфиятини уйғотишга уриниш, "ёш авлод билан катта авлодни бир-бирига қарши қўйиш", зарарли мафкуравий ҳатарларнинг олдини олишда таълим-тарбия ишларини жадал олиб бориш амалий аҳамиятга эга.

Глобаллашув даврида таълим-тарбия жараёни замон қўяётган талабларга жавоб бериши, ундан орқада қолмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Глобаллашув таълим-тарбия билан ўзаро муносабатда бўлади, бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда таълим-тарбияни тубдан ислоҳ этиш ва модернизациялаштириш муҳим, зеро, глобаллашув даврида ўқитувчининг педагогик жараёндаги асосий вазифалари ўзгариб, бошқарувчилик фаолиятига янги талаб (йўналтириш, вазифа қўйиш, ўрганиш, ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашни ҳамда маслаҳат бериш, раҳбарлик қилиш, кузатиш, талаб қилиш, кўрсатма бериш)лар қўйилади. Шунингдек, таълим-тарбия жараёнидаги ўзгаришлар ёшлар олдига ҳам муҳим вазифа юклайди. Улар муҳим маълумотларни излаш, ахборот тўплаш мустақил ишлаш ва тўплаган билимларини жамият рақнақи йўлида ишлата билишлари керак.

Бугунги кунда ёшларнинг таълим олиш, билим сирларини эгаллаш, бугунги замон талабларига жавоб берадиган касб-ҳунарга эга бўлиш каби талаблари ёшлар қатламини тўлиқ қамраб олмагани ёшларнинг бошқа давлатларга иш излаб боришлари, жиноят йўлига кириб кетишлари, алдов ва ёлғон қурбони бўлишлари, ҳаттоки экстермист гуруҳларга қўшилиб кетишларига сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда ёшларга оид изчил олиб борилаётган ислоҳотлар юқоридаги муаммоларнинг бартараф этилиши учун замин бўлади.

Адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 61-116 бетлар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BIRINCHI PREZIDENTI ISLOM ABDUG'ANIYEVICH KARIMOVNING "O'ZBEKISTON MUSTAQILLIKKA ERISHISH OSTONASIDA" ASARIGA MULOHAZA

Allaberganov J. - TTYMI talabasi

I.A.Karimovning ushbu risolalari xalqimizni mustaqilikni qadrlashi va yurtni bundanda gullab – yashnashi uchun harakat qilishga da'vat etuvchi bir ulkan ish bo'ldi. Ayni shu davrda yurtimizda juda ko'p qiyinchiliklar yuz bergan, lekin bunday qiyinchiliklarga bardosh bergani holda Prezidentimiz xalqni faqat olg'a qadamlar sari yetakladi. Shunday qiyin vaziyatlarga baho berarkan Yurtboshimiz shunday fikrlarni bildiradi, hozir shunday vaziyat vujudga keldiki, u jamiyatni yangilash uchun kurashayotgan barcha kuchlarni birlashtirishni talab qilmoqda. Odamlar aslo kechiktirib bo'lmaydigan muammolar — oziq-ovqat, transport, savdo, sog'liqni saqlash, uy-joy qurilishi, mehnat rejimi va unga haq to'lash, dam olish sharoitlari kabi muammolarning hal etilishini kutmoqdalar. Keyingi vaqtlarda iqtisodda paydo bo'lgan bir qancha salbiy tendensiyalar vaziyatni jiddiy ravishda chigallashtirmoqda. Ko'pgina xalq iste'moli mollarining taqchilligi sezilarli ravishda ko'paydi. Pul tobora qadrsizlanib bormoqda. Davlat byudjetining kamomadi o'sib bormoqda. Ishlab chiqarish va mehnat intizomi ancha pasayib ketdi. Ana shularning hammasi sotsial keskinlikning kuchayishiga olib kelmoqda. Milliy masala hamon o'tkirligicha qolmoqda. Armaniston, Ozarbayjon, Gruziyada, Boltiqbo'yi hamda boshqa respublikalarda mojarolar davom etmoqda. Mana shu va boshqa ziddiyatlar, qiyinchiliklar bizning respublikamizni ham chetlab o'tmadi. Ayni vaqtda O'zbekistondagi ishlarning ahvoli respublikaning o'zigagina xos bo'lgan bir qancha muammolarning

namoyon bo‘lishi bilan chigallashmoqda. Prinsipial ahamiyatga ega bo‘lgan ba’zi eng jiddiy muammolarga to‘xtalib o‘tishimga ijozat bergaysiz. Birinchidan, respublikada demografik vaziyatning murakkabligidir. Keyingi ro‘yxat ma’lumotlariga ko‘ra, so‘nggi o‘n yil mobaynida aholimiz 4,5 million kishiga yoki 30 foiz ko‘paydi va hozir 20 million kishini tashkil etadi. Respublikada aholining o‘sish sur’atlari umumittifoq sur’atlariga qaraganda uch barobardan ziyod yuqoridir.[1]

Shuni ochiq e’tirof etish kerakki, aholining bunday o‘sishi ko‘p yillardan buyon sanoatda va xalq xo‘jaligining boshqa tarmoqlarida ish joylarini ko‘paytirish hamda aholining hayot ta’minoti uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish bilan mustahkamlanmayapti. Odamlar turmushi tobora behalovat bo‘lib borayotganligi, ijtimoiy-foydali mehnat sohasida band bo‘lmagan kishilar, oddiy qilib aytganda ishsizlar ko‘payayotganligi, ijtimoiy mehnat unumdorligi va aholining daromadlari kamayib, pirovard natijada xalq farovonligi pasayib ketayotganligi mana shundandir. Statistikaning ko‘rsatishicha, hozir O‘zbekistonda aholi jon boshiga hisoblaganda daromadi 75 so‘mdan oshmaydigan 8 million 800 mingga yaqin kishi yashab turibdi, bu esa aholining 45 foizini tashkil etadi. Mutaxassislarning hisob-kitoblariga ko‘ra, kun kechirish uchun kamida hozirgi kunda 85 so‘m zarurligini e’tiborga oladigan bo‘lsak, ana shunda odamlar qanday qiyinchilik bilan, uchma-uch yashab kelayotganiga o‘zingiz baho berishingiz mumkin.

Ikkinchidan, respublika xalq xo‘jaligi biryoqlama, aytish mumkinki, haddan tashqari nomaqbul ixtisoslashtirilgan. Natijada shunday ahvol vujudga keldiki, qishloq xo‘jaligi bilan bir qatorda sanoatda ham asosan xom ashyoni birlamchi qayta ishlash tarmoqlari ustunlik qilmoqda, tayyor mahsulot, birinchi navbatda xalq iste’moli mollari ishlab chiqaruvchi tarmoqlar esa arzimas salmoqqa ega. Hozir qishloq xo‘jaligi xom ashyosining talaygina hajmi (paxta tolasi, xom ipak va boshqa ko‘pgina xom ashyo mahsulotlari) respublikadan olib ketilmoqda, ayni vaqtda esa aholining iste’mol tovarlariga bo‘lgan ehtiyojini qondirish uchun 8-9 milliard so‘mlikka yaqin tayyor mahsulot olib kelinmoqda.[2]

O‘zbekistonda elektronika, asbobsozlik, radio-texnika, murakkab ro‘zg‘or texnikasi ishlab chiqarish kabi va boshqa ko‘pgina ilg‘or tarmoqlar mutlaqo qoniqarsiz rivojlantirildi. Agar bu tarmoqlar respublikada rivojlantirilganda edi, ular mehnat resurslari oshib-toshib yotgan aholini ish bilan ta’minlay olgan bo‘lur edi. Aksincha, respublikada suv ko‘p sarflanadigan va zararli ishlab chiqarishlar asossiz ravishda rivojlantirildi. Qishloq xo‘jaligi sohasida avvalo tarmoqdarning serdaromadligi va mehnat sarfini, erning tabiiy imkoniyatidan samarali foydalanishni hisobga olib, uning strukturasini tubdan qayta ko‘rib chiqish kerak. Respublika paxtachiligidagi ishlarning ahvoliga: paxtaning narxi, paxta yakkahokimligini tu gatish masalalariga g‘oyat zudlik bilan e’tibor berish zarur, albatta. Narx-navo islohoti boshqa qishloq xo‘jalik ekinlari hamda chorvachilik mahsulotlariga ham tatbiq qilinishi lozim.

Uchinchidan, ishlab chiqaruvchi kuchlar va, avvalo, sanoat ob’ektlari asosan stixiyali ravishda, aniqrog‘i, har xil o‘zboshimchalik, buyruqbozlik qarorlari asosida, ko‘pincha ilm-fan vakillari, bilimli va obro‘li mutaxassislarning tavsiyalari mutlaqo e’tiborga olinmay joylashtirildi. Respublika sanoat salohiyatining 50 foizga yaqini joylashtirilgan Toshkent va Toshkent oblasti shaharlari, Farg‘ona, Andijon, Qo‘qon, Navoiy shaharlari hamda respublikaning boshqa bir qancha mintaqalari misolida hozir ana shunday joylashtirish, ayniqsa salbiy ta’sir o‘tkazayotganini ko‘rish mumkin.

Hozir ochig‘ini aytish kerak, biz bu haqda juda ko‘p gapirdik va hali ham gapiryapmiz, ammo, ming afsuski, masalani dalil-isbotlar bilan asoslab to‘g‘ri qo‘ya olmayapmiz. Biz, rahbarlar, bu masalalarni qat’iyat bilan, bilimdonlik bilan o‘rtaga qo‘yishimiz, ularning hal etilishiga izchillik bilan erishishimiz, har qanday holda ham aybni birovlarga to‘nkamay va birovlarning orqasiga yashirinmay, mas’uliyatni o‘z zimmamizga olishimiz kerak. Oldinda bizni juda katta ishlar kutmoqda. Biz intizomni, yana bir karra intizomni mustahkamlash uchun hamma ishni qilishimiz, kadrlar mas’uliyatini oshirishimiz, g‘ayrat bilan, tashabbuskorlik bilan harakat qilib, odamlarimizning turmushini yaxshilashga erishishimiz kerak. Yurtboshimizning mustaqillik sari

[1] I.A.Karimov. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida, T., 2011, 47-b.
[2] I.A.Karimov. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. T., 2011, 47-48 -b.

intilishlari, fuqarolar tinchligi uchun jonkuyarliklari tufayli biz hozirda shunday tinch yurtda, musaffo osmon ostida, to'kin-sochin dasturxonlar bilan erkin va ozod hayotda yashab kelmoqdamiz. Shunday ekan, biz ham shunday kunlarning porloq kelajagi sari olg'a harakat qilishimiz va doimo bu kunlar qadriga yetmog'imiz zarur.

ЮРТ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТГАН БУЮК ШАХС

Хуррамов Р.Ж. - ТДМРХОМ талабаси

Дунё тарихида қанча буюк шахслар қадами ўтди. Нечасининг излари йўқолиб, қайта тикланиб, қанча буюк сиймолар ўзларидан ном қолдирди.

Бизнинг тинчлигимиз, озод халқимизнинг фаровон ва осуда ҳаётига сабабчи бўлган, ўзининг сеҳрли қадамлари ила ўзбек халқининг юрагида ўчмас из қолдирган буюк излардан бири бу шубҳасиз илк президентимиз Ислом Каримовдир.

У асли Самарқанд фарзанди бўлиб, оддий хизматчи оилада дунёга келади. Туғилган жажжи мурғакка динимизнинг номи ила "Ислом" дея исм қўйишади. "Ислом" сўзининг луғавий маъноси аслида "бўйсуниш", "итоат этиш", "Оллоҳга ўзини бахшида қилиш" деган маънони билдиради. Исми жисмига монанд бу бола мўминқобил, зийрак, адолатталаб бўлиб вояга етади.

Унинг меҳнат фаолиятига эътибор берадиган бўлсак, ҳар бир қилган ишларини кучли сиёсат юритиш билан амалга оширганлигига гувоҳ бўламиз. 1991-йил 29-декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. 1995, 2000, 2007, 2015-йилларда қайта-қайта президент лавозимига сайланиши ҳам бу инсон доимо халқининг меҳрини қозонганлиги, ҳамиша унинг қалбида сўнмас қуёши эканлигидан далолат беради.

Ислом Каримов бошчилигида Ўзбекистон ўзининг Конституциясига эга бўлди, БМТда тан олинди ва МДҲ давлатлари билан тенг ҳуқуқли алоқаларни олиб борган. Иқтисод, фан, таълимни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун ўндан ортиқ хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори, профессори ҳамда академиклигига сайланган.

У кишининг барча асарларида иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг долзарб масалалари тадқиқ қилинган. Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати илмий асослаб берилган. Ҳозирги ва истиқболдаги вазифалар кўрсатилиб ўтилган. Унинг асарлари инглиз, испан, рус, хитой, араб, француз, немис, ҳинд, корейс, татар ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиниб, бир неча бор нашр этилган.

Хуллас, умларининг охиригача бутун ҳаётларини халққа, юртга бахшида этдилар. Мустақиллик пойдеворини яратган буюк шахс Ислом Каримовнинг хотираси халқимиз ва авлодлар томонидан ўрганиб, ардоқланиб борилади.

МУНДАРИЖА:

Расулов М.Х.	Сўз боши.....	**3**
Раматов Ж.С.	Ислом Каримов фаолиятида маънавият масалалари.....	**4**
Гуламов А.А., Мерганов А.М.	Ислам Каримов и узбекское экономическое чудо……..	**6**
Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т., Мамаева М.Э.	Совершенствование высшего образования в Республике Узбекистан……..	**7**
Мамадалиев Ш.О.	Ислом Каримовнинг прагматизм фалсафаси.....	**10**
Туленова К.	И.Каримов о формировании духовного облика молодежи …..	**12**
Бобожонова Д.Б.	Ислом Каримовнинг маънавий мероси ва унинг жамият тараққиётида тутган ўрни.....	**15**
Аҳмеров Қ.А., Сидикова Г.А.	Оташқалб сиймо.....	**18**
Мусаев Н.У.	Ислом Каримов асарларида аграр соҳага муносабатлар.....	**20**
Самаров Р.С.	Тинчлик ва барқарорликни таъминлашда бахшида этилган ибратли ҳаёт.....	**23**
Муҳамедов Ҳ.М.	Ислом Каримов – Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ташаббускори ва асосчиси.....	**25**
Ғаффаров Ш.С., Акбаева З.Дж.	Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов тарих, маънавий-маърифий масалалар ҳақида.....	**30**
Саидов М.Ҳ., Мадалиев А.А.	Озиқ-овқат хавфсизлиги: қарамликдан мустақилликка.....	**32**
Исмаилов К.К., Юлдашева С.М.	Биринчи Президент Ислом Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” асарида спорт - тарбия омили эканлигининг асосланиши.....	**37**
Ганиев Ж.Ҳ.	Мустақил Ўзбекистонда миллий маънавиятга асосланган таълим-тарбиянинг ривожланишида И.А.Каримовнинг роли.....	**39**
Расулов Ҳ.Р.	Ислом Каримов – мамлакатимиз мустақиллиги ва давлатчилиги асосчиси.....	**40**
Огоньянц Б.А.	Воспоминания о первом Президенте……	**42**
Утанова У.А.	Мустақиллик йилларидаги маънавий-маданий ўзгаришлар.....	**44**
Рахманова Ш.К.	Труды И.А.Каримова являются теоретической основой «узбекской модели» государственного и общественного строительства……..	**48**
Абдугаффаров А.А.	Ислом Каримов - миллат раҳнамоси, миллий қадриятлар йўлбошчиси…….	**50**
Юлдашев Б.Э.	Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти (Ислом Каримов сиймосига чизгилар).....	**52**
Маткаримова Ж.Д.	Ислом Каримов – миллат ифтихори ва буюк ақл-заковат соҳиби.....	**55**
Жомонов Р.О.	“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида тил маданияти масалалари.....	**57**
Самадов А.Р., Исмоилов Д.	Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида баркамол авлод тарбиясининг концептуал асосларини яратилиши.....	**59**
Холиқулов Р.,	Ислом Каримов ва “Шарқ тароналари”.....	**60**

Бодиров А.		
Насруллаев М.И., Шотемирова А.Ў.	Мустақиллик - барқарорлик кафолати.....	**63**
Норов С.Н., Норова Н.С.	Мустақиллик ва миллий манфаатлар уйғунлиги.....	**69**
Расулов Ҳ.М.	Ислом Каримовнинг ватанпарварлик фалсафаси.....	**71**
Alixonova Z.S., Raxmatova N.Sh., Bekmuratova M.G‘.	Islom Karimov - O‘zbekiston mustaqilligining tashabbuskori va tashkilotchisi, xalq rahnamosi……..	**74**
Жуманиязов Ж.Н.	Мустақиллик йилларида миллий маънавий меросимизни тикланиши, туризм соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар.....	**76**
Жўрабоев К.А.	Ўзбекистон республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов – таълим ва спорт тарғиботчиси……...	**78**
Джуманиязова З.Ф., Абидов Ф.	Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида таълим соҳасида олиб борилган ислоҳатлар.....	**79**
Ийманова Д.А.	Биринчи Президентимиз Ислом Каримов юксак маънавият соҳиби.....	**81**
Захидова С.А.	Мустақиллик асосчиси, буюк давлат арбоби - Ислом Каримовнинг халқ фаровонлиги йўлидаги сўнгги дастури…….	**83**
Ғаниев К.	Миллий тараққиёт концепцияси асосчиси.....	**86**
Жураева Ф.Ф.	И.А. Каримов - основатель независимого Узбекистана……...	**87**
Хамракулова О.Д.	Создание «Узбекской модели рыночной экономики» и её результативность на современном этапе……..	**89**
Хўжамқулов У.Н.	Ислом Каримов – мамлакатимизнинг биринчи олий бош қўмондони…….	**93**
Ядгаров Т.Г.	Ўзбекистонда ахборот – коммуникацион технологиялари ривожланишида И.А.Каримовнинг юксак ҳиссаси.....	**94**
Аскарходжаева К.У.	К вопросу об экологической безопасности и экообразования в работах первого президента Узбекистана И.А.Каримова……..	**95**
Джураев А.А.	Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантиришда биринчи Президент Ислом Каримовнинг ўрни.....	**97**
Sobirova S.T.	O’zbekiston birinchi Prezidenti I.A. Karimovning hozirgi davrning dolzarb muammolar va ularning yechimlari borasidagi mulohazalari.....	**98**
Abirova G.R., Sidikova F.Kh.	Improving system of learning foreign languages during the years of leadership of Islam Karimov.....	**100**
Қорабоев Н. М.	Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси.....	**102**
Абдулҳакимов С.	Ёшларни интеллектуал салоҳиятини юксалтириш - ватанимиз буюк келажаги гарови.....	**103**
Сатвалдиев А.	Ислом Каримов - истиқлолимиз меъмори.....	**105**
Исломов Ў.П.	Устоз отангдек улуғдир.....	**106**
Саманова Ш.Б.	Ислом Каримовнинг экологик муаммоларни бартараф қилишдаги фаолияти.....	**107**
Темирова С.В.	Ислам Каримов – выдающийся политик и лидер независимого Узбекистана.....	**109**
Karimova B.X.	Mustaqillik yillarida mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilarini ijtimoiy himoyalash davlat siyosatining amaldagi tadbig’ibidir.....	**111**

Курбаниязова М.З.	Соғлом авлод - келажагимиз таянчи.....	**115**
Karimova B.X., Rahmatillayeva M.D.	Yurt tinchligi va taraqqiyotida yo'lboshchi siymo.....	**117**
Norqo'chqarov X.E., Muqimova G. X.	Islom Karimov – afg'on muammosini hal etishdagi asosiy tashabbuskor.....	**118**
Kamalov B.M.	Buyuk maqsadlarga ruhlantirgan ulug' yo'lboshchi.....	**120**
Рахматов Н.Н.	Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг баркамол авлодни тарбиялаш концепцияси.....	**123**
Рахмонов А.А.	Ислом Абдуғаниевич Каримов –ўзбек спортининг раҳнамоси.....	**125**
Тошбобоев М.Ж.	Буюк жасорат соҳиби.....	**127**
Iymanova D.A., Nazrullayev X.	Islom Karimov «O'zbek modeli» asoschisi.....	**129**
Айтмуратова П.Г., Ибрагимова Д.С.	Ислом Каримовнинг адабиётни ривожлантиришдаги саъий-ҳаракатлари	**131**
Абдуллаева М.А., Мухаммадёқубов Х.Э.	Истиқлол йилларида Ислом Каримовнинг энг буюк жасорати.....	**133**
Давлатова Ш.	И.Каримов - маънавий тикланиш ва янгиланиш асосчиси.....	**135**
Habibullayev O.M.	O'zbekiston respublikasi birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimov – barkamol avlod tarbiyasi xususida.....	**136**
Юсупова С.	Ислом Каримовнинг маънавий – маърифий таълимоти.....	**139**
Худойбердиева Г.	Ислом Каримов - миллий қахрамонимиз.....	**142**
Холияров Т.Ч.	Биринчи Президент Ислом Каримов - Ўзбекистон халқи миллий ғоясининг асосчиси.....	**146**
Хошимов А.	Ислом Каримов асарларида минтақавий тинчлик масалалари.....	**149**
Шукурлаев М.С.	Фаровон жамиятнинг фарзандларимиз.....	**151**
Юсупов Ш.Р.	Демократик ислоҳотлар ижодкори.....	**152**
Юсупов И.С. Алиев О.А.	Маънавий қадриятларимизни тикланишида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ўрни ва роли.....	**154**
Юсупова Х.Б.	Ислом Каримов — сиёсий етакчи сифатида.....	**156**
Абдумажидова Ҳ., Ахророва М.	Маънавий мерос – маънавий жасорат намунаси.....	**158**
Saidov F.S.	Mustaqillik yillarida birinchi Prezident Islom Karimov boshchiligida muqobil energiya manbalaridan foydalanishni tashkil etish borasida amalga oshirgan islohotlari.....	**159**
Турсунова О.Ф., Зиявиддинов Д.	Ислом Каримов асарларида соғлом авлод тарбияси масалалари.....	**160**
Сетмаматов М.Б., Савутов Р.Э., Юлдашев У.М.	Баркамол авлод тарбияси юртимиз келажаги.....	**162**
Аскарходжаев Н.А., Аскарходжаева А.Н.	Образовательная и воспитательная политика Республики Узбекистан в работе И.А.Каримова «Узбекистан на пороге XXI века».....	**164**
Чўлпонова Х.Т., Юнусова Н.Ш.	Ислом Каримов асарларида фуқаролик жамиятини шакллантириш масалалари.....	**166**
Рахимова М.П.	Баркамол авлом – юрт таянчи, ватан равнақи.....	**168**
Самандарова Н.Э.	Илк пойдевор ва бугунги кошоналар.....	**171**

Malikov B.Q.	Yuksak siyosiy madaniyat timsoli.....	**172**
Сирожиддинова Ф.Х.	Тадбиркор ёшлар ва банк тизими фаолияти биринчи Президент Ислом Каримов нигоҳида.....	**175**
Тўхтаева Ю.	Биринчи Президент Ислом Каримовнинг маънавият тўғрисидаги қарашлари.....	**176**
Эргашев Х.С., Очилов М.Р.	Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов талаба-ёшлар келажак пойдеворининг асосчиси.....	**178**
Эргашева З., Нуруллаев Н.	Ўзбекистон тараққиёти ва маърифатининг қудратли қаноти.....	**181**
Абдуллаева М.Н., Қобилова Д.Ж.	Биринчи Президент Ислом Каримов асарларида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалалари.....	**183**
Bazarova G.G`., Xomidov A.A.	Islom Karimov – buyuk davlat arbobi, chinakam yetakchi.....	**185**
Баратов Р.Ў.	Ислом Каримов шахсининг Ўзбекистонда миллий темир йўл тизимини шаклланишидаги хизматлари.....	**189**
Налибаева З., Норова Э.	Ислом Каримов маънавий жасорат соҳиби.....	**191**
Исақова З.Р.	Мустақиллик йилларида олиб борилган маънавий-маърифий ишлар: ворислик ва янгиланиш.....	**193**
Каримов Р.Х.	Ислом Абдуғаниевич Каримов – мустақиллик меъмори.....	**196**
Valiyev L.A., Xolliyev S.T.	Islom Karimov mustaqil O'zbekistonning ijtimoiy himoya asoschisi.....	**197**
Normuminov R.X.	Mustaqil O`zbekistonning jahon hamjamiyatidagi o'rni va nufuzining oshishida Prezident I.A. Karimovning hissasi.....	**200**
Баротов Ж.С.	Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг баркамол авлод ва комил инсон ғояси.....	**202**
Аҳмедова З.	Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришишида Ислом Каримовнинг хизматлари.....	**203**
Назарова Н.Ж., Келдибеков З.О.	Ислом Каримов минтақавий тинчлик сиёсатининг фидойиси сифатида.....	**206**
Худойқулова Н.А.	И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" китобида ер ва сув муаммолари билан боғлиқ фикрлари.....	**207**
Қулматов Н.Э., Абдусалямова Ю	Ижтимоий фанларни ўқитишда Ўзбекистон республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов маърузаларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	**209**
Мажитов М.А.	Ислом Каримовнинг ёшлар тарбиясидаги долзарб вазифалар ҳақидаги фикрлари.....	**211**
Айтбоев М.Ю., Умарова Ф.	Ўзбекистон қаҳрамони, буюк давлат ва сиёсат арбоби.....	**213**
Мамадалиева Ф.	Исломий қадриятларни тикланишида Ислом Каримовнинг беқиёс хизматлари.....	**215**
Абдуллаева Д.К.	И.Каримов – тараққиётнинг ўзбек модели асосчиси.....	**216**
Ўзбекова С.П.	Миллий давлатчилигимиз тарихини тикланишида Ислом Каримовнинг хизматлари.....	**218**
Махмудова А.Н., Камариддинзода М.К.	Вопросы образования и воспитания в трудах первого Президента Ислам Абдуганиевича Каримова.....	**220**

Рахманова Ш.К., Мирзаев А.	Строительство демократического общества на основе национальных и духовных принципов.....	**222**
Остонов О.А.	Миллий ҳунармандчилик тараққиёти ташаббускори.....	**224**
Махмудова Д.Э.	Ислом Каримов ватанимиз озодлиги ва ободлиги учун ҳаётини бағишлаган инсон.....	**226**
Муратова Д.А.	И.А.Каримов асарларида таълим жараёнини ислоҳ қилиниши..	**227**
Машарипова Ш.С.	Ислом Каримов – мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси.	**228**
Раҳматов Д.Н.	Иқтисодий барқарорликка эришиш кафолати.....	**230**
Ходжаева М.Б.	Ўзбекистон республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг номоддий маданий меросни тиклаш ва унинг истиқболидаги ўрни.....	**232**
Ражабов Х.И.	Глобал таҳдидларга қарши кураш масалалари Ислом Каримов таҳлилида	**233**
Хушвақтов Ҳ.О.	Биринчи Президент Ислом Каримовнинг аграр сиёсат ҳақидаги айрим мулоҳазалари.....	**235**
Ahmedova M.B., Chorieva M.	Islam Karimov-symbol of greatness and power.....	**236**
Бодиров А., Бодирова З.	Самарқанднинг улуғ фарзанди.....	**238**
Normuradova N. S., Rahmatova S.A., Umarov X.T.	So’z sehri- buyuk yo’lboshchi talqinida.....	**240**
Achilov O.R.	Islam Karimov’s contribution to the development of Uzbekistan and achievements in railway system.....	**242**
Habibullayev B.Sh.	Kelajak yaratuvchisi.....	**243**
Кимсанбаева Ш.Б.	Ислом Каримов мустақиллигимиз асосчиси.....	**244**
Рўзиқулов Д.	Каримов феномени.....	**246**
Эгамбердиев Э.Ҳ.	Ўзбекистон биринчи Президенти Ислом Каримовнинг осойишталик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрни ва роли.....	**247**
Zaitova N.	O’zbekiston birinchi Prezidenti Islom Abdug’aniyevich Karimovning madaniyat rivojiga qo`shgan hissasi.....	**249**
Кандахаров С.И., Юлдашев С.А.	Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг темир йўл транспорти ривожига қўшган улкан ҳиссаси.....	**250**
Нуров М.М.	Тарихий меросни тикланишига улкан ҳисса қўшган шахс.....	**252**
Raxmanova M.	Tinchligimiz qalqoni – milliy armiya.....	**253**
Убайдуллаев А.М., Муратова Д.А**.**	Ислом Абдуғаниевич Каримов мустақиллигимиз асосчиси.....	**255**
Asranova F.A., Qo'ldosheva G.Q.	I.A.Karimov asarlarida yosh avlod tarbiyasiga oid qarashlarning ustuvor jihatlari.....	**257**
Nurmanova B.A.	Mustaqillik yillarida televideniye va taraqqiyot.....	**258**
O’rinboyev R.R., Malikov B.Q.	Mustaqillik yillarida milliy-ma’naviyatni tiklash va rivojlantirishda Islom Abdug’aniyevich Karimovning xizmatlari.....	**259**
Qayumova Sh.T.	Barkamol avlodni tarbiyalashda birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning ma’naviy merosi.....	**261**
Saidov D.N.	Temir yo‘l transportining rivojlanishida Islom Karimovning jasorati.....	**262**
Абдуқодиров С.А., Налибаева З.О.	Баркамол авлодни тарбиялаш – келажак пойдевори.....	**264**

Tolibjonov Q.K., Malikov B.K.	O’zbekiston Respublikasi va Janubiy Koreya o’rtasidagi aloqalarda Islom Karimovning xizmatlari.....	**265**
Khaydarov A.A.	Islam Karimov is the founder and leader of Uzbekistan's independence.....	**267**
Каландаров Б. Юсупов Ш.Р.	Биринчи Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда ёшлар сиёсатининг яратувчиси	**268**
Сатторов Ж.А.	Самарқанд фарзандининг улуғ жасорати.....	**269**
Umirzaqov D.D., Achilov O.R.	Memory of Islam Karimov.....	**271**
Рузимурадов Ш.А., Юсупов Ш.Р.	Миллий мафкуранинг миллий қадриятларга асосланганлиги.....	**273**
Xushvaqtov N.H.	Ta’lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning konstitutsiyaviy huquqiy asoslarining yaratilishi.....	**274**
Джуманиязова З.Ф., Абидов Ф.	Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида таълим соҳасида олиб борилган ислоҳатлар.....	**277**
Muxtorov U.B., Matkarimova J.D.	Yoshlarga oid davlat siyosati Birinchi Prezidentimiz nigohida	**278**
Ne`matjonov H.Sh.	O‘zbekiston respublikasida bozor munosabatlarining shakllanishi, uning yo‘nalishlari, bosqichlari va xususiyatlari.....	**280**
Мирсолихова Д.Н.	Ўзбекистонда транспорт коммуникация тизимининг ривожланиш хусусиятлари	**282**
Boybo‘riyeva Sh.M.	Yoshlarda tolerantlik fazilatlarini shakllantirish yo‘lida.....	**283**
Насуллаев А.Х. Шарипова Л.Д.	Узбекская модель – путь, определивший будущее развитие страны.....	**285**
Xayitboyev Sh.X.	Islom Karimovning O’zbekiston Respublikasining tashqi savdo faoliyatini takomillashtirishdagi o‘rni.....	**287**
Haydarova K.E.	Birinchi Prezident Islom Karimovning barkamol avlod to’g’risidagi qarashlari	**288**
Mullajonov I., Rahmonov D.	Birinchi Prezident I.Karimovning O’zbekistonda aholini ijtimoiy himoya qilish borasidagi mulohazalari.....	**289**
Досжанова Д.К.	Сизнинг угитингизни давом эттириб.....	**292**
Зухриддинов Ҳ.Қ.	Ислом Каримовни мамлакатимиз темир йўл соҳасини ривожлантиришдаги роли.....	**293**
Xonov M. R., Jumaniyozova N.S.	Buyuk kelajakning buyuk yoshlari.....	**296**
Abaraliyev O.I., Qosimova D.K.	I.A.Karimovning «Tarixiy xotirasiz kelajak yo’q» asarining biz yoshlarning hayotimizda tutgan o’rni.....	**297**
Alimov Y., Achilov O.R.	Islam Abduganievich Karimov – the founder of civil society in Uzbekistan.....	**299**
Astanaliyev E.T., Malikov B.Q.	Barkamol insondan – barkamol jamiyat sari.....	**301**
Fayzullayev X.I.	Islom Karimovning barkamol avlodni tarbiyalash konsepsiyasining ahamiyati.....	**303**
Beknazarov B.D., Valiyev L., Zokirova D.X.	Islom Karimov yuksak ma’naviyat va uning mezonlari haqida.....	**304**
Hayitboyev B.T.	Islam Abduganievich Karimov – my first President.....	**305**
Кушаков Ф.А.	Ислом Абдуғаниеич Каримов Ўзбекистон мустақиллиги рамзидир.....	**306**

Исмоилова Х., Химматалиев Д.О.	Ислом Каримов – буюк давлат арбоби, мустақил давлатимиз асосчиси.....	**308**
Xayrullayeva M.O`.	Birinchi Prezident Islom Karimovning jahon hamjamiyatida millatlararo totuvlikni ta'minlashga qo`shgan hissasi.....	**310**
Ботиров Ж., Раматов Ж.С.	Шахс маънавиятини шакллантиришда И.А.Каримовнинг ўрни ва роли	**313**
Karimov B., Ramatov J.S.	O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimovning "O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida" asariga mulohaza.....	**315**
Mekhriddinov J.Q.,	Islam Karimov is the founder of "Uzbek model".....	**316**
Ne'matullayev B.	I.A.Karimovning "Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q" asarida tarixiy misollarda yoritilishi	**318**
Парпиев Д.Қ., Муратова Д.А.	Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида маънавиятнинг ифодаланиши.....	**321**
Narzullayeva N.I.	O`zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimovning "Yoshlarga oid davlat siyosati"ning olib borilishi.....	**322**
Sharopov S.	Islam Karimov as a founder of new Uzbekistan.....	**324**
Nuritdinova H.A., Nuritdinov A.A.	Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov xotirasini yuragimizda saqlaymiz.....	**325**
Yunusov H.M.	Islom Karimov – o'zbek davlatchiligining asoschisi.....	**327**
Аманова Ю.Р., Темирова С.В.	Ислам Каримов - первый Президент Республики Узбекистан ...	**328**
Аширов С.П.	Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов фаолиятида Афғонистон масаласи.....	**331**
Бобожонова Н.З.	Миллий маънавиятимиз жонкуяри.....	**333**
Jur'atov M.M., Zakirova M.R.	Islom Karimov – O'zbekiston davlatchiligining asoschisi.....	**334**
Исомиддинов Ф.А., Ортиқов М.С.	Буюк тарихий миссия билан йўлга чиққан йўлбошчи.....	**336**
Маматкулов Б.А.	Ислом Каримовнинг бунёдкорлик фаолияти.....	**337**
Nazarova S.B.	Sizni ulug'laymiz aziz bobojon.....	**338**
Неъматова А.А.	Роль Президента Ислама Абдуганиевича Каримова в становлении независимого Узбекистана.....	**340**
Niyazova R.A.	Islom Karimov – buyuk davlat asoschisi.....	**341**
Шахидова Г. А., Рахманова Ш.К.	Концепция И.А.Каримова о национальном духовном возрождении и её значение в укреплении национальной независимости.....	**343**
Обидов И.Ў.	Ислом Каримов – бахтли келажак тарғиботчиси ва жонкуяри.....	**345**
Orolov U.Sh., Sobirova S.T.	Ibratli hayot yo'li.....	**346**
Rasulova M.A.	O`zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov portretiga chizgilar.....	**348**
Раҳмонова С.Х., Бобобеков А.	Ислом Каримов асарларида миллий ўзликни англаш ва шахс тарбиясининг этномаданий хусусиятлари.....	**350**
Рузметова М.С., Темирова С.В.	Ислам Каримов - основатель независимого Узбекистана.....	**352**
Тигай М.В., Ш.К.Рахманова	Взгляды И.А.Каримова о религиозной терпимость нашего народа.....	**354**

Tirkashev B.	Islom Karimov faoliyatida xotin-qizlar manfaatlari ustuvorligi.....	**356**
Умаралиев А.А. Раматов Ж.С.	Ислом Каримов мустақиллигимиз меъмори.....	**357**
Umarov I., Achilov O.R.	Islam Abduganievich Karimov first president of Uzbekistan.....	**359**
Умаров У.Ҳ.	“Ўзбек модели” - Ислом Каримовнинг миллий мустақиллик ва мустақил тараққиёт таълимоти.....	**360**
Umirov O.U.	The concept of educating and upbringing young generation of the first President of Uzbekistan Islam Karimov.....	**361**
Fayzullayev F.A., Achilov O.R.	Architect of independence.....	**364**
Хаитбаев Ф.К., Рахманова Ш.К.	Место и роль Первого Президента Ислома Каримова в осуществлении процесса модернизации образования.....	**365**
Xayitboyev B.X.	Islom Karimov – mustaqil davlat asoschisi, bosh me’mori.....	**368**
Xasanov D., Achilov O.R.	Islam Abduganievich Karimov is the creator of independence.....	**370**
Ismoilov A., Shonazarov Sh.B.	Birinchi Prezident Islom Karimovning boshqaruv uslubi.....	**372**
Shukurjonov S.Sh.	Avoiding from information attacks.....	**373**
Эргашева Ш.А.	Биринчи Президентимиз И.А.Каримов -Ўзбекистон мустақиллиги асосчиси ва етакчиси.....	**375**
Шодиев Т.Т., Юнусова Н.Ш.	Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавият масаласи.....	**376**
Яркулов А., Норова Э.	И.А.Каримовнинг жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва салбий оқибатларига бўлган муносабатлари таҳлили.....	**378**
Сохадов А.Р.	Баркамол авлод орзуси.....	**380**
Ишбутаев Х.Ғ., Назарова Н.Ж.	Ёшларда миллий қадриятларни шакллантиришда Президент И.Каримовнинг ўрни.....	**381**
Самиев З.К.	Тарих – бизнинг куролимиз!.....	**383**
Давронов И., Юсупов Ш.Р.	И.А.Каримовнинг оила мустаҳкамлиги – жамият мустаҳкамлигининг шакллантиришдаги хатти-ҳаракатлари.....	**385**
Рузиева Ш.Ж., Маткаримова Ж.Д.	Оммавий ахборот воситаларининг ёшлар онгига таьсири.....	**388**
Исақова З.Р., Тожибоева М.Т.	И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида глобаллашув ва таълим-тарбия концепцияси.....	**390**
Аллаберганов Ж	O’zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Abdug’aniyevich Karimovning “O’zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida” asariga mulohaza.....	**392**
Хуррамов Р.Ж.	Юрт пойдеворини яратган буюк шахс.....	**394**

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти
Тошкент темир йўл муҳандислари институти

ИСЛОМ КАРИМОВ – ЯНГИ ДАВР ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ АСОСЧИСИ

республика илмий-назарий конференция материаллари тўплами

Муҳаррирлар: Раматов Ж.С.
Баратов Д.Ҳ.
Назарова Н.Ж.

Босишга рухсат этилди 26.01.2018 й.
қоғоз бичими 60x84 1/16 Times New Roman
гарнитурасида терилди.
Офсет услубида оқ қоғозда чоп этилди.
Шартли босма табоғи 26,5 Адади 100 нусха
39-сонли буюртма

“BROK CLASS SERVIS” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳар, Заргарлик кўчаси, Сегизбаева 10а